

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

А К А Д Е М И Я

У. ТАДЖИХАНОВ  
А. САИДОВ

## ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИ

Икки томли

**2-том**

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан  
вазирлик олий ўқув юртлари учун дарслик сифатида  
рухсат этилган*

Масъул муҳаррир  
академик Ш.З. УРАЗАЕВ

Тошкент 1998

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг  
Тахририят-ноширлик кенгаши томонидан  
маъқулланган*

**Таджиханов У., Саидов А.** Ҳуқуқий маданият назарияси  
Дарслик. 2 томли. 2-том / Масъул муҳаррир академик Ш.З. Ғўраев -  
Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. - 447 б.

Дарсликнинг махсус қисмида ҳуқуқни муҳофаза қилиш  
органларининг ҳуқуқий маданияти, қонунга итоаткорлик ва ҳуқуқий  
тарбия, судлов ҳуқуқий маданияти ҳамда ёшлар ҳуқуқий маданияти  
ва тарбиясига оид муаммолар таҳлил этилади.

Китоб сўнгида қонун ҳужжатлари илова қилинади.

Ички ишлар вазирлиги олий ўқув юртларининг ўқитувчилари,  
адъюнктлари ва тингловчиларига мўлжалланган

**Тақризчилар:** Ўзбекистон Республикаси ички ишлар  
вазирининг муовини **Ш.М. Мавлянов;**  
юрidik фанлар доктори,  
профессор **М.М. Файзиев;**  
фалсафа фанлари доктори,  
профессор **Б.Т.Тўйчиев;**  
фалсафа фанлари доктори,  
профессор **Н.Ё. Гаيبов**

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998 й.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**АКАДЕМИЯ**

**У. ТАДЖИХАНОВ  
А. САИДОВ**

**ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ  
НАЗАРИЯСИ**

**Тошкент**

# МАХСУС ҚИСМ



**ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИ  
ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ**



Тўртинчи бўлим  
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИДА  
ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

---

ХIII боб

ҚОНУНЛАРНИ ҚўЛЛАШ ҲУҚУҚИЙ  
МАДАНИЯТИ

---

✽ Парламент маданияти ва қонунларни қабул қилиш ✽ Қонунларни қўллаш маданияти

**1. Парламент маданияти ва қонунларни қабул қилиш**

Қонун қабул қилиш жуда катта куч талаб этадиган қонун ижодкорлиги фаолиятининг босқичидир. Айрим кодекслар, қонунлар билан юзаки танишган, соҳадан беҳабар кишига ҳаммаси жуда оддий туюлади, шундай баён ҳар бир кишининг қўлидан келадигандек кўриниши мумкин. Лекин аслида, ундай эмас. Тақиқлар, кўрсатмаларни ва талабларни қонунда ана шундай барчага тушунарли қилиб баён этиш қонун лойиҳасини тайёрловчилардан узоқ вақт ва кўп меҳнат талаб этади. Қонун чиқарувчи жамиятда ҳам шу кунларда, ҳам келажакда юз бериши мумкин бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа жараёнларнинг барча нозик жиҳатларини ва мураккаблиklarини инobatта олиши, яъни қонунчилик башоратини амалга ошириши керак. Қонун чиқарувчи нафақат Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва амалда бўлган бошқа қонунларга зид келмайдиган қонун нормаларини аниқ ва равшан ифодалаб бериши, балки шу билан биргаликда мазкур қонунни чиқаришга сабаб бўлган ижтимоий муаммоларни ҳам ҳал этиши керак.

Масалан, қонун чиқарувчи учун маошлар ёки пенсияларни қонун билан бир неча марта оширишнинг ҳеч бир қийинчилиги йўқ. Тор фикрли киши назарида эса бунга ҳеч бир монелик ҳам йўқ.

Лекин масалани бу тариқа ҳал этиш ўзбошимчалик бўлур эди. Зеро, бундай қарор қабул қилиш ва уни амалга оширишни тامينлайдиган қонунни чиқариш ҳеч бир ижтимоий асосга эга бўлмайди, чунки маошлар ва бошқа тўловларни ошириш учун иқтисодий муносабатлар тегишли даражада ривожланган, бундай тўловлар бюджет маблағлари билан қафолатланган бўлиши керак. Ҳар қандай қонуний актнинг қабул қилиниши анчагина мураккаб иқтисодий ҳисоб-китобни амалга оширишни талаб этади.

Қонун чиқариш нафақат унинг мазмунини илмий ва амалий жиҳатдан англаб етишни талаб этади, балки унинг шакли ва мазмунига ҳам муайян талаблар қўяди. Тайёрланаётган қонунлар ва бошқа норматив актлар шаклида қўйиладиган энг умумий талабларга қуйидагилар киради:

*биринчидан*, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг максималлиги;

*иккинчидан*, кўрсатма ва тақиқ белгиларининг аниқлиги;

*учинчидан*, норматив кўрсатмаларнинг мантиқий жиҳатдан изчил баён этилиши, уларнинг системага эга бўлиши;

*тўртинчидан*, зиддиятлар ва қарама-қарши фикрлар тўқнашувининг бўлмаслиги;

*бешинчидан*, қонуннинг шиорга айланиб қолишига йўл қўймаслик;

*олтинчидан*, норматив материалнинг аниқ, қисқа ва равшан бўлиши;

*еттинчидан*, норматив акт тилининг равшан, оддий ва тушунарли, матннинг осон эсда қоладиган бўлиши;

*саккизинчидан*, фойдаланиладиган техник усулларнинг бир хил ва изчил бўлиши.

Шу билан биргаликда ҳар қандай қонундан: 1) Конституцияга мувофиқ келиши; 2) муҳим янги қоидаларга эга бўлиши; 3) ҳуқуқий тизимга унинг узвий қисми сифатида қўшилиб кетиши; 4) аҳоли бирон-бир қисмининг ҳуқуқ ва эркинликларини камситадиган ҳеч бир қоидага эга бўлмаслиги; 5) қонун талабларининг бажарилмаслиги учун жавобгарлик белгиланган бўлиши кабилар талаб этилади. Табиийки, булар қонун ижодкорлиги маданиятига оид муаммолардир. Қонун қабул қилувчи бу масалаларни тегишли тартибда ҳал қилади. Парламент ишида ҳам маълум қоидалар, маданият мавжуд<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Парламент маданияти ҳақида қаранг: *Роберт Г.М.* Азы парламентской культуры. - Нью-Йорк, 1992.

## 2. Қонунларни қўллаш маданияти

Қонун чиқаришнинг ўзи бирдан-бир мақсад эмас.

Ҳар бир қонун муайян ижтимоий самарага эришиш учун қабул қилинади ва бу ўринда фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларини амалга оширишнинг ўзига хос қуроли сифатида намоён бўлади.

Шунинг учун қонун, ҳар қандай бошқа норматив акт сингари, турмушда қўлланилган тақдирдагина яшайди. Қонуннинг чиқарилиши кишилар, муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, давлат каби ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқий нормада ифодаланган ва кўрсатмага мос келадиган хатти-ҳаракатларини таъминлашга қаратилган. Бундан келиб чиқиб, шуни назарда тутиш керакки, қонун барча унга амал қилгандагина самара беради. Агар қонун бажарилмаса, у қонун эмас, шиор бўлиб қолади. Ҳаётий эмаслиги маълум бўлган қонунни чиқаргандан чиқармаган афзал. Ишламаётган қонунлар, қонун чиқарувчининг ва давлатнинг обрўсига путур етказди. Қонунга амал қилмаслик жамиятнинг парокандаликка олиб келади, уни юксак даражада ташкил топган “организмдан” мўрт ва шаклсиз массага айлантиради. Қонунлар ишламаслигининг оқибатларидан бири уларни яхши билмасликдир.

Талабчанлик ва ижро интизомининг йўқлигига кўпинча қонунлар ва бошқа қонуний актларни билмаслик сабаб бўлади. Юксак ҳуқуқий маданиятга эгаллиги, ҳуқуқий кўрсатмаларни билиши билан мактадан оладиган мутахассислар ва раҳбарлар, албатта, кўп эмас. Биз баъзан қонунларнинг аҳамиятини соатлаб муҳокама қиламиз. Уларни амалга оширишга, муайян бир муаммони ана шу қонунлар ва бошқа қонуний актлар асосида ҳал этишга келганда эса, уларни билмаслигимиз маълум бўлиб қолади. Кўпинча раҳбарларнинг, шунингдек, оддий хизматчиларнинг, улар раҳбарлик қилаётган иш участкаси олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришлари учун зарур бўлган аниқ ҳуқуқий кўрсатмаларни қанчалик билишлари текширилмайди. Ваҳоланки, вақти-вақти билан шу ишни амалга ошириб туриш жуда фойдали.

Айтайлик, савдо ходими савдо қондалари ва харидор ҳуқуқларини, Давлат автомобил назорати ходими нафақат тақиқловчи, балки тавсия этувчи йўриқномаларни, нафақат ўз ҳуқуқларини, балки мажбуриятларини ҳам, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги, ҳайдовчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларни ҳам билиши лозим. Барча тadbirkorлар ва фуқаролар солиқ ва тўловлар тўғрисидаги қонунларни билишлари ва уларга риоя қилишлари керак, зеро, бу давлат механизми яхши ишлаши учун зарур бўлган шартлардан

биридир. Меҳнат ва фуқаролик қонунларининг бузилиши фуқароларнинг шахсий номулкий ва мулкый ҳуқуқларининг чекланишига олиб келадики, бу эса жамиятдаги соғлом руҳий муҳитнинг бузилишига шароит яратади.

Ушбу масалани қўйишда бизни ўта талабчанликда айблашлари мумкин. Ҳақиқатан ҳам, кўпгина ҳолларда ҳуқуққа риоя қилиш учун айрим умумий ҳуқуқий, ахлоқий принципларни тушуниш ва ўзлаштиришнинг ўзи етарли бўлади. Бироқ мақсадимиз адолатли фуқаролик жамияти ва демократик давлат қуриш бўлган бугунги кунда умумий принциплар ҳақидаги билимларнинг ўзи етарли эмаслиги, чунки улар у ёки бу масалани ҳал этиш учун зарур бўлган ҳуқуқий маълумотларнинг ўрнини боса олмаслиги борган сари кўпроқ маълум бўлмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон нафақат мутахассислардан, балки барча фуқаролардан ўзларининг фуқаролик, ишлаб чиқариш ва кундалик турмушлари билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасида ҳуқуқий билимларни ўзлаштиришларини талаб этмоқда.

Инсон ҳаёти ҳамда мулкига қарши жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга мутлақо тоқат қилиб бўлмайди. Улар жабрланувчи учунгина эмас, балки бутун жамият ва давлат учун ҳам хатарлидир. Жиноятларни камайтиришнинг самарали чораси ҳар бир жинорий ҳодиса ва жамиятга қарши хатти-ҳаракат содир этган шахсга нисбатан қонунларни ўз вақтида ва оғишмай татбиқ этишдан иборат. Тараққийпарвар мутафаккирлар мазкур талабни жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи орқали ифодалаб берганлар. Бу ўринда шуни қониқиш билан таъкидлаш лозимки, бу қоида ўзининг қонуний ифодасини биринчи марта мустақиллик йилларида - Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 10-моддаси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 3-моддасида топди. Фуқароларнинг ҳар қандай қонунга қарши қилмиши учун жавобгарликнинг муқаррарлигини тушуниб олишлари учун ҳуқуқбузарликларни тийиб турувчи кучли омилдир.

Бозор иқтисодиёти муносабатларининг ривожланиши шароитида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот, у sanoat ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бўлишидан қатъи назар, истеъмолчиларга энг оддий ва қулай йўллар билан етказилиши лозим. Бироқ ёмғирдан кейинги қўзиқоринлардек кўпайиб кетган турли хил товламачилар, “янги тадбиркорлар” бозор муносабатларининг бир маромда ривожланишига тўсқинлик қилмоқдалар. Уларни ўз вақтида “тийиб қўйиш” лозим. Ана шунда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ҳам, истеъмолчилар ҳам давлатнинг

ҳақиқий ислоҳотчи сифатида уларга гамхўрлик қилаётганлигини ҳис этадилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти юксак минбарлардан туриб бир неча марта бу масалага эътибор қаратган эди. У бозор муносабатларига ўтишнинг ҳозирги босқичида кўп нарса давлатга, қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорларининг ижросини назорат қилишга масъул бўлган давлат хизматчиларига боғлиқ эканлигини доимо таъкидламоқда. Бироқ эски тузумнинг салбий қолдиқлари шунчалик илдиз отиб кетганки, уларни эзгу мақсадлар билангина йўқ қилиб бўлмайди. Шунинг учун нафақат ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар, балки барча бошқарув органлари, ҳокимиятлар, ижтимоий бирлашмалар, ўз Ватанини севувчи барча инсонлар ҳам ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилишлари талаб этилади.

Ҳозирги кунда бир мақсадга йўналтирилган умумий мажбурий ҳуқуқий таълимни йўлга қўйиш керак. Лекин афсуски, бугунги кунда ҳуқуқнинг “нозик томонлари” у ёқда турсин, ҳаттоки, қонунлардаги умумий талаблар ҳам барча фуқароларнинг ички эътиқодига айланди, деб айта олмаيمиз. Шу нуқтаи назардан барча инсонларнинг, давлат хизматчиларининг, корхона ва ташкилот раҳбарларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида жуда кўп ишлар қилиш керак.

Ҳуқуқий давлат шароитида барча - фуқаролар ҳам, давлат хизматчилари ҳам ҳуқуқий жиҳатдан саводли бўлишлари зарур. Ҳуқуқий нормаларнинг талабларини билиш, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш бу нормаларга риоя қилишни тақозо этади.

Буёқ соҳибқирон бобомиз Амир Темур ўз давлатини ислом дини, тўра ва тузуклар асосида мустаҳкамлаган. Соҳибқироннинг ўзи қонунларга қатъий риоя қилгани ҳолда мусулмонларни гуноҳ ишлардан қайтариб, яхши ва савоб ишларга ундаган. Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари: тафсир, ҳадис, фикҳдан дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилган.

Қонунга, ҳуқуққа ҳурмат руҳи инсонга она сути билан бирга синдирилиши лозим. Бу иш мактабгача бўлган муассасаларда, мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юртлири ва меҳнат жамоаларида давом эттирилиши зарур.

Америка конгрессида кираверишда шундай шиор ёзиб қўйилган; “Қонунга садоқат Ватанга ва ўз халқига садоқатдан устун туради”. Бу фикрда чуқур фалсафий ва амалий мазмун бор. Қонун ҳамма нарсадан устун, чунки у халқ ва давлат манфаатларини ўзида акс эттиради. Қонунга садоқат - бу ўз халқига, Ватанига садоқат демакдир. Қонун Ватан ва халқни бир-бирига қарама-қарши қўймайди. Аксинча, унда халқ учун ҳам, мамлакат учун ҳам зарур

бўлган қоида ва принциплар ўз ифодасини топади. Ҳар қандай ривожланган ва демократик давлатлардагидек бизнинг Конституциямизда ҳам қонуннинг устуңлиги эълон қилинган. Бу қоида ҳамини бизга ҳуқуқ ва мажбуриятларимизни эслагиб туриши, ҳуқуқий билимларимизни доимо такомиллаштириб боришга ундаши, бошқаларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаши лозим.

Амалга оширилаётган ислохотларнинг натижалари, ҳаттоки, ташқаридан кузатганда ҳам сезилмоқда: шаҳар ва аҳоли пунктларининг қиёфаси ўзгармоқда, кўча, уй ва хиёбонлар обод бўлиб бормоқда, кўзни қамаштирувчи кўплаб рекламалар, янги дўконлар, бозор, супермаркетлар ва бошқа иншоотлар пайдо бўлди. Тадбиркорлар истеъмолчиларнинг эътиборини тортиш мақсадида ўз кашфиётчиликларини намоён этмоқдалар. Шу билан биргаликда кўпгина ёшлар катта миқдорда моддий бойлик топиш илинжида ва айни вақтда бунинг учун зарур бўлган махсус билимларга эга бўлиш у ёқда турсин, ҳаттоки, энг оддий маълумот ва маданият даражасига эришмай туриб, ўйламай-нетмай ўзларини тижорат соҳасига урмоқдалар. Ҳозирги вақтда асосан воситачилик ва олибсотарликдан иборат бўлиб қолаётган тижоратга берилиш салбий оқибатларга ҳам олиб келади, кишиларнинг маънавий қашшоқланишига ва тафаккурининг номақбул шаклда ривожланишига сабаб бўлади. Фақат бойлик, мол-мулкнинг ўзигина инсонга бахт келтира олмайди. Инсон камолоти учун китоб, санъат, тарих, маданият ва мусиқа зарур. Инсонда маънавий камолотга эришиш учун ички эҳтиёжни шакллантиришда ота-она ва ўқитувчининг ўрни ниҳоятда катта. Илм ва маърифатга ижобий муносабатни ривожлантиришда ижодий ташкилотлар - матбуот, нашриёт, радио, телевидение, кино ва театрға ҳам кўп нарса боғлиқ.

Жиноятчиликнинг аҳволи тўғрисидаги телевизион хабарлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш ишига катта фойда келтиради. Улар оддий меҳнаткашларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги кундалик ишларни кўрсатиб, кишиларда давлатимиз фуқароларнинг яшашлари ва ишлашлари учун зарур бўлган ҳамма нарсани қилаётганлигига ишонч уйғотмоқда.

Айрим фуқаролар амалдорларнинг лоқайдликларига дуч келиб, расмиятчилик иллатининг зарарли таъсирини ўзларида ҳис этадилар, ўз ҳокимияти ва ваколатини суиистеъмол қиладиган мансабдорлар жабрини тортадилар. Уларда қуюшқондан ташқарига чиқиб кетган амалдорларни жиловлаб қўйишнинг иложи йўқ, улар жавобгарликка тортилмаса керак, деган тасаввур пайдо бўлади. Ўз ҳокимиятини суиистеъмол қилган судьяларни лавозимидан олиш тўғрисида Президентимиз берган фармойиш республикамизда ҳар қандай

салбий ҳодисаларга қарши фаол кураш олиб борилаётганини кўрсатмоқда. Бу фармойишнинг эълон қилиниши республикадаги ошкораликнинг намоён бўлишигина эмас, балки барча давлат хизматчиларига халқ, жамият ва давлат манфаатларига хизмат қилиш, фуқароларнинг Конституция ва бошқа қонунларда кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш кераклигини эслатиб қўйиш ҳамдир.

Қонунларга риоя қилмаслик - уларни билмаслик ёхуд уларда ифодаланган кўрсатмалардан атайин бўйин товлаш натижасидир. Қонунларни қасдан бажармаётган бундай шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррар бўлиши керак. Ҳуқуқий саводхонликка эришиш учун талабчанликдан ташқари жамият ҳар бир кишининг тегишли билим даражасини ўзлаштириб олиши учун барча зарур шароитларни яратиб беришда куч-ғайратини аямаслиги ҳам зарур. Бу эса қонунга риоя қилиш ҳар бир кишининг ички эътиқодига айланиши учун имконият яратади. Агар биз аҳолининг, айниқса, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий саводхонлигига эришсак, агар раҳбарларга нисбатан талабчанликни ошириб, ўзлари раҳбарлик қилаётган иши учун юксак масъулиятни таъминласак, агар ҳар қандай ҳуқуқбузарлик учун муқаррар жавобгарлик бўлишига эришсак, у ҳолда қонунларга риоя этишдек конституциявий мажбуриятлар муваффақиятли бажарилади, деб ишонч билан гапириш мумкин.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги мавжуд махсус юридик маълумотларга эга бўлиш мажбуриятини тақозо этмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бундай вазифа қўйилмаяпти ҳам, чунки бунини ҳал этишнинг имкони ҳам йўқ, мақсадга мувофиқ ҳам эмас, зеро, ҳатто, ҳуқуқий билимлар бўйича мутахассис бўлган юристлардан ҳам қонунларнинг барчасини истисносиз билиб олишлари талаб қилинмайди. Юридик саводхонлик ҳуқуқий билимларнинг алифбосини, энг оддий нормаларини билишни, ҳуқуқий кўрсатмаларнинг мураккаб лабиринтида адашмасликни, зарур ҳолларда мутахассисга ёрдам сўраб мурожаат қилиш эҳтиёжини ўзида шакллантиришни тақозо этади. Чунки бу саводхонлик ҳар қандай ҳолда ҳам ўз хатти-ҳаракатини белгилаб олишда ҳуқуқий талабларга мувофиқ келадиган эталонларга суянишга имкон беради. У ёки бу қарорга келишдан аввал, ҳуқуқий хатти-ҳаракатни танлаш жараёнида фуқаро ёки мансабдор шахс ўз олдига шундай саволни қўйиши керак: ушбу қарор ёки хулқ-атвор қонун талабларига мувофиқ келадими? Қонунга бундай ҳурмат билан ёндашиш, яъни қонунда, унинг кўрсатмасида ягона, универсал, донишманд мураббийни кўриш, унга ҳурматни амалда намоён этишнинг ўзиёқ ҳуқуқий маданият ва

ҳуқуқий саводхонликнинг олий даражада намоён бўлишидир. Қонунга айнан мана шундай муносабат ҳуқуқий давлатнинг талабларига жавоб беради. Қонунга ҳурматсизлик, унга менсимасдан, нигилистик ёндашиш нафақат ўзига, балки бошқаларга нисбатан ҳам масъулият ҳиссининг йўқлигидан гувоҳлик беради. Қонунни менсимасликнинг бирон марта бўлса-да намоён бўлиши ва бунинг ҳеч ким томонидан сезилмай қолиши масъулиятсизликни келтириб чиқаради.

Маъмурий буйруқбозликка асосланган тоталитар тартибнинг кўп йиллик ҳукмронлиги даврида фуқароларда қонунга ҳурмат туйғусини етарли даражада шакллантириб бўлмади. Ўша йилларда ҳамманинг эътибори партиянинг кўпинча амалда ҳуқуқ тизимига зид келадиган буйруқларини бажаришга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам бирон киши қонунга асосланиб, ўзининг ҳақлигини исботлашга уринса, кўпинча унга қонуннинг ҳаёт талабларига мос келмаслиги ёки партия сиёсатига зидлиги рўқач қилинар эди. Бундай сиёсат боқимандалик, масъулиятсизлик, қонунни менсимасликка олиб келди. Афсуски, ўтмишнинг бу мероси жуда қийинчилик билан бартараф этилмоқда. Кишилар онгида сақланиб келаётган қонун талабларини бажармаслик мумкин ва бунга йўл кўйиб бўлади, деган тасаввурнинг илдизи ҳам ана шу меросга бориб тақалади. Шунинг учун ҳам бугунги энг муҳим вазифа мансабдор шахслар ва барча фуқароларнинг мустақил Ўзбекистон қонунларининг талаб ва кўрсатмаларини билиш ва уларга амал қилиш учун масъулият ҳиссини оширишга қаратилган қатъий ва изчил ишни олиб боришдан иборат.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ҳам, баъзиларнинг онгида ўтмишдаги эски қолиплар ҳамон яшаб келмоқда. Айримлар ҳамон содир бўлаётган ўзгаришларнинг лоқайд томошабинлари бўлиб қолмоқда. Баъзан бирон-бир муаммони ҳал эта туриб ва уларни ҳал этиш нафақат ҳуқуқи, балки эгаллаб турган лавозимига кўра бевосита мажбурияти бўлган муайян кишиларга дуч келганда уларнинг нақадар заифлигини, айрим пайтларда ўзининг шахсий фойдаси билан боғлиқ бўлмаган бирон-бир ишни қилишни очикдан-очик истамаслигини кўриб, ҳайронлигини яшира олмайсан. Бундай учрашувлардан кейин амалга оширилаётган ислохотлар гўё фақат бир кишига керакмикан, деган тасаввур пайдо бўлади. Ахир ислохотлар барчамизга керак-ку. Ана шунинг учун ҳам Ватанни севувчи ҳар бир киши ўз қобилияти ва имкониятидан келиб чиқиб, ёш мустақил давлатнинг шаклланиш жараёнини тезлаштиришга кўмаклашувчи ислохотларни чуқурлаштиришда фаол иштирок этиши зарур.



Қонунларга бўйсунитишни жамиятдаги кундалик ҳаёт тарзига айлантиришга асосий тўсиқ бўлаётган нарса, бу ҳалигача айрим давлат хизматчилари томонидан йўл қўйилаётган лавозимни суниестемол қилиш, ўз мавқеи бўйича бажариши шарт бўлган иш учун ноҳақ йиғимлар олиши сингари ҳолларнинг давом этаётганлигидир. Айрим пайтларда энди ишга киришаётган ишбилармонлардан қонунда белгиланган рухсатномани олиш учун бир қанча босқичлардан ўтиш, уларнинг ҳар қайсисида қонунда кўзда тутилмаган қўшимча маблағлар сарфлашга мажбур эканликлари тўғрисидаги шикоятларни тез-тез эшитиш мумкин. Бланка, аризалар намунаси, машинкачилар, котиблар олишдан бошлаб, то корхонани рўйхатдан ўтказишгача ҳамма жойда ишни силжитиш учун пул тўлаш керак, аммо прејскурант бўйича эмас, балки нимадир қилиши керак бўлган шахс қўлига пул бериш керак.

Ҳаёт қонун ва амалиёт, қонун ва ҳуқуқни татбиқ қилиш фаолияти, қонун ва ҳуқуқий маданият, қонунга итоаткорлик ўртасидаги ўзаро муносабатларда мураккаб, бир хил бўлмаган масалаларни олдинга сурмоқда. Аммо инсонга унинг ҳуқуқ ва вазифаларини амалга ошириш орқали таъсир қиладиган ҳуқуқ нормалари кишиларнинг хулқ-атворларини тартибга солувчи асосий воситадир. Улар ҳуқуқ нормаларининг ўзида ташкил топади, қонунлар ва қонун кучига эга бўлган актларда сақланади. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқ нормалари у ёки бу киши нима қилиши мумкинлиги, қонун унга нима қилишга рухсат беради, юридик жавобгарлик жазоси қўлланиши хавфи остида у нима қилиши керак ва унга нима рухсат берилмаганлигини кўрсатади. Фақат шу шартларнинг йиғиндиси демократик давлатга тааллуқли бўлган ҳуқуқ-тартиботни олдиндан белгилайди. Бизнинг фуқаролар ва давлатимизнинг меҳмонлари ўз ҳуқуқлари ва вазифаларига қатъий мувофиқ равишда ҳаракат қилишлари, ўз хулқларини шунга мослаб олишлари керак. Ўзига нисбатан шундай масъулиятли муносабатгина ўлчов бўлиб хизмат қилади. Бундан келиб чиқадики, қонунни бузиш ҳолларига бефарқ қаровчилар бўлмаслиги керак, фақат ўз хулқ-атворига бефарқлик эмас, балки бошқаларга нисбатан ҳам бефарқ бўлмаслик керак. Аммо бу оддий кузатиш билан чекланмаслиги лозим. Яна бир марта таъкидлаймизки, қонунда белгиланган ҳар бир амрни бузиш ҳоллари нафақат бунга тўғридан-тўғри масъул бўлган кишиларнинг, балки фуқароларнинг ҳам эътиборидан четда қолмаслиги зарур.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни (1994 йил 6 май) асосида фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, турар жойи ҳақидаги

маълумотлар кўрсатилмаган муурожаатлар кўриб чиқилмайди. Бундай муурожаатлар мууалифи кўрсатилмаган муурожаатлар ҳисобланади. Аммо биз бундай воқеалардан қутулдикми? Ҳанузгача кўпгина идораларга “ҳақиқатга ўхшаган” шикоятлар тушмоқда. Уларда бир қараганда, айрим мансабдор шахслар ёки давлат органлари ёхуд бошқа фуқаролар томонидан қонунлар жиддий равишда бузилаётганлиги тўғрисида гап боради. Кўпинча бундай хатлар барча қондаларга мувофиқ ҳолда тузилади ва улар барча талабларга жавоб беради. Аммо текшириш вақтида маълум бўладики, келтирилган воқеалар ҳам ёлгон, бу хатни юборган шахсларнинг ўзлари эса аслида йўқ бўлиб чиқади. Бироқ текшириш ўтказилган, бекорга куч ва маблағлар сарфланган. Ахир бу маблағ ва кучларни бошқа муҳимроқ ва кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал этишга сарфлаш мумкин эди. Қонун шундай ҳолларни ҳам эътиборга олган ва давлат органи, жамоатчилик бирлашмаси, корхона, муассаса ва ташкилот томонидан бундай хабарни текширишга сарфланган харажатларни бу муурожаатни берган фуқародан ундириб олиш мумкинлиги кўзда тутган. Аммо судларда шу туркумдаги ишлар кўпми? Ҳамма вақт ҳам кўрсатилган воқеанинг ҳаётда борлигини аниқлашга сафарбар қилинган муурожаат мууалифи қидириб топиладими? Шунга тан олиш керакки, бундай воқеаларга эътибор бериш ҳоллари бармоқ билан санарлидир. Ўз муурожаатида бошқа кишиларнинг фамилияси, исми-шарифи ва турар жойини кўрсатган шахсларни аниқлаш билан амалда ҳеч ким шугулланмайди. Бундай вазиятда жазонинг муқаррарлиги қондаси ишламай қолади. Бундай ҳолларга бепарволик билан муносабатда бўлиш ярамайди, деб ўйлаймиз. Ана шундай кишиларни аниқлаш ва жавобгарликка тортиш жуда муҳимдир. Бундай воқеалар оммавий ахборот воситалари орқали алоҳида кенг маълум этилиши керак.

Айтилганлар муносабати билан яна бир муаммони кўтариш керак. Юқорида келтирилган қонунда қасддан нотўғри хабар берган муурожаатни текшириш учун ташкилот сарфлаган харажатни қоплаш масаласи ҳал этилган. Бироқ муурожаатда кўрсатилган воқеалар тасдиқланмаганлиги муносабати билан муурожаатни текшириш натижасида айбдорлиги аниқланган шахслардан бундай харажатларни ундириб олиш масаласи ҳал қилинмаган. Муурожаатда келтирилган воқеалар тасдиқланмаган барча ҳолларда эса текшириш натижасида сарфланган харажатларни муурожаат берган шахсдан ундириб олиш керак. Бу қоида раҳбарларга ҳам, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг хизматчиларига ҳам тегишли бўлиши керак, чунки уларнинг ноқонуний фаолияти туфайли ваколатли органларга ана шундай муурожаатлар тушган. Шу билан бирга, бу нарса мулкчилик

шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг масъул ва мансабдор шахсларига тааллуқли бўлса, харажатлар шу муассасалар ва раҳбар ташкилотлар ҳисобидан қопланиши керак эмас, балки айбдор амалдор ёки фуқароларнинг шахсий даромадидан ундириб олиниши керак. Бундай қарор қонун билан тартибга солиниши керак, чунки масъулиятсизлик қонунлар ва бошқа норматив актларни бажармасликка олиб келади.

Шундай қилиб, фақат ўз вазифаларини онгли равишда бажариш, барча фуқаролар томонидан ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий тарзда амалга оширишгина ҳуқуқий демократик давлатнинг барча талабларига тўғри келади. Аммо буни қонунларни билмасдан ва уларга изчил риоя этмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас. Ҳуқуқий давлат борадиган йўл битта, у ҳам бўлса, қонунлар талаби ва амрини беистисно ҳамма билиши ва қатъий бажаришидир.

## МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ

---

✽ Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданияти тушунчаси ✽ Мансабдор шахслар ҳуқуқий маданиятининг тизими ва вазифалари

### 1. Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданияти тушунчаси

Демократик давлатнинг шаклланиши ва давлат бошқарувини самарали ташкил этишда мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти - ижро этувчи, суд ва қонун чиқарувчи ҳокимиятларнинг ролини оширишнинг муҳим омили ва шартидир. Ҳуқуқий маданиятнинг савиясини етарли даражада кўтармасдан туриб, қонунчиликни такомиллаштириш ва Конституция устуворлиги, уларнинг олдида фуқаролар, мансабдор шахслар ва ташкилотларнинг истисносиз тенглигига олиб келувчи давлат қурилишининг демократик ислоҳотини рўёбга чиқариш мумкин эмас. Шу муносабат билан мансабдор шахслар ҳуқуқий маданиятининг даражаси давлат бошқарувининг тавсифи сифатида муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг устига давлат бошқаруви вазифаларининг мураккаблашуви ҳамда давлат ва жамият ишлари бошқаруви демократик ҳуқуқий тизимининг шаклланиши муносабати билан, мансабдор шахслар ҳуқуқий маданиятининг роли тобора ошиб боради. Юқори малакали ва ривожланган ҳуқуқий маданиятга эга бўлган давлат хизматчилари ва мансабдор шахслар билан бирга яхши йўлга қўйилган бошқарув механизми зарур.

Ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши ва жамият ишлари бошқарувининг такомиллашуви ўртасидаги ўзаро алоқадорлик кучайиб бормоқда. Давлат бошқаруви қонунлар асосида амалга

оширилмоқда. Бундан давлат бошқаруви ва ҳуқуқ ўртасидаги боғлиқлик ва ҳуқуқий маданиятнинг бошқарув фаолиятидаги ролини англаб олиш мумкин.

Давлат бошқаруви давлат хизматчилари томонидан амалга оширилади. Улар орасида мансабдор шахсларнинг алоҳида ўрни бор, чунки айнан улар давлат номидан раҳбарлик қилиш ваколатига эгадирлар. Мансабдор шахсларнинг фаолияти ўз мазмунига кўра бошқарувчилик, қонун доирасида иш кўриш ва ҳуқуқни қўллаш хусусиятларига эга.

Бошқарув вазифаларининг мураккаблашиши ва ўзгариши мансабдор шахслар ролининг ўсишига олиб келади. Бошқарув қонун доирасида амалга оширилиши лозим. Шу боис мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданияти катта аҳамиятга эга.

"Ҳуқуқий маданият" ва "мансабдор шахс" тушунчаларини тўғри таърифлаш ўта муҳимдир. Ҳуқуқий маданиятнинг моҳиятини жамият, шунингдек ҳуқуқ соҳасидаги субъектларнинг қадриятларни ўзлаштириш ва уларни амалда қўллаш меъёри ташкил қилади.

Ҳуқуқий маданиятнинг белгиси, унинг ижодкорлик хусусияти, ривожланганлик даражаси, ворисийлик, ижтимоий-ҳуқуқий фаолиги, демократия ва қонунчилик билан узвий боғлиқлигида кўринади. Мансабдор шахслар ҳуқуқий маданиятининг мазмуни улар хизмат фаолиятининг табиати ва ўзига хослиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Мансабдор шахслар деганда, давлат органларининг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш бўйича ташкилий-бошқарув функцияларини бажарувчи ҳамда фуқаролар учун ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарувчи юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга оширувчи ва хизмат мажбуриятларини бажармаганликлари учун оғир жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар назарда тутилади. Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданияти уларнинг ҳуқуқий билимлари, қадриятларни тушунишлари, онги, ўз фаолиятларида ҳуқуқий қадриятларни ўзлаштиришлари ва қўллашларини ўз ичига олади.

Қонун доирасида ўз хизматларини юқори савияда амалга ошириш - мансабдор шахснинг ҳуқуқий маданиятини белгилайди.

Ҳуқуқий маданият мансабдор шахслар касб маҳорати ва омилкорлигининг муҳим кўрсаткичи бўлиб, бу уларнинг давлат хизматини ўташларида ҳисобга олиниши шарт.

Ҳозирги шароитда мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш учун олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, малака ошириш институтлари курсларининг имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш лозим.

Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалдаги қонунларда аниқ белгилаш ҳамда "Давлат хизмати ҳақида"ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга шароит яратиб берган бўлар эди.

Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданияти маданиятнинг бошқа соҳалари билан узвий боғлиқдир. Мансабдор шахсларнинг фаолияти давлат-ҳокимият хусусиятига эга бўлганлиги сабабли, уларнинг ҳуқуқий маданияти сиёсий маданият билан чамбарчас боғлиқ. Бундан ташқари, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданияти, одатда, уларнинг сиёсий маданиятининг зарурий шарти ва узвий қисми сифатида намоён бўлади.

Демократик жамият шароитида мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданияти сиёсий маданият билан уйғунашиб боради. Бу сиёсий тизимнинг демократиялашуви, унга сифат жиҳатидан янги элементларнинг киритилиши, унинг янги мазмун ва изчиллик касб этиши, қонунан мустаҳкамланиши билан боғлиқ. Шу билан бирга ҳокимият ва бошқарув механизмининг ишлашини, таъсирчан демократик назоратни таъминлаш учун шароит яратувчи ҳуқуқий жараёнлар зарур. Бу муҳим давлат масалаларини ҳал қилишда тасодифийлик ва асоссизлик элементларига йўл қўймасликка, мансабдор шахслар томонидан бир тарафламалиликнинг тугатилишига имкон берган бўлар эди.

Жамиятда юз бераётган демократик ўзгаришлар шароитида мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш қонунчиликни мустаҳкамлаш вазифалари нуқтаи-назаридан муҳим аҳамият касб этади. Қонунчилик, айниқса давлат бошқаруви соҳасида - нафақат объектив шарт-шароит, балки жамият ҳаётининг турли соҳаларида юз бераётган салбий ҳодисаларнинг олдини олиш, демократик тамойилларни тасдиқлашнинг қудратли омилидир. Мансабдор шахсларнинг

асосланган ва адолатли қарорлар чиқаришида кўринувчи қонунчиликка риоя қилиш, мансабдор шахслар фаолиятининг нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий самарадорлигидан далолат беради.

Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданияти (ҳуқуқий давлат шаклланиши нуқтаи назаридан) фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ўта муҳим аҳамият касб этади. Мансабдор шахсларнинг ўз фаолиятлари шахс ҳуқуқини кафолатлашнинг асосий таркибий қисми эканлигини англаши - улар ҳуқуқий маданиятининг муҳим элементи ҳисобланади. Мансабдор шахслар фуқароларнинг меҳнат, уй-жой ва бошқа ҳуқуқлари ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари керак. Чунки иқтисоддаги туб ўзгаришлар, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва ишбилармонликнинг ривожланиши жиддий қийинчилик ва низоларни, ижтимоий кескинлик ва бошқа салбий жараёнларни келтириб чиқариши мумкин. "Фуқаролар ҳуқуқини поймол қилувчи мансабдор шахслар ва давлат бошқаруви органларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш тартиби ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданияти ва ахлоқи орасидаги боғланишга эътибор бериш лозим. Шу муносабат билан мансабдор шахсларда касбий ва сиёсий хислатлар билан бир қаторда ахлоқий фазилатларни ҳам шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Мансабдор шахсларнинг касбий этикаси бир томондан жамият ахлоқи, бошқа томондан эса бошқаришнинг моҳияти билан боғлиқ. Мансабдор шахсларнинг касбий савиясини белгиловчи ўзига хос жиҳатлар устамонлик, ташкилий-бошқарув фаолиятини илмий асосда олиб бориш, сўз ва иш бирлиги, формализм ва бюрократизмнинг ҳар қандай кўринишларига муросасиз бўлишдир.

Мансабдор шахслар профессионализмининг асосий хусусиятларидан бири ҳуқуқ масалаларида билимдонлиқдир. Ҳуқуқий маданият - улар касбий малакаси ва ҳуқуқий билимдонлигининг кўрсаткичи. Мансабдор шахслар ҳуқуқий маданиятида касбий маҳоратнинг етишмаслиги, кўп ҳолларда, ортиқча амалиётчилик, у ёки бу қарорни қонунга қатъий риоя қилиш нуқтаи назаридан эмас, балки "кейинчалик масаланинг

кўрилиши" нуқтаи назаридан ҳал қилиниши каби жиддий нуқсонларга олиб келиши мумкин. Шунингдек, тор мутахассислик, бевосита хизмат фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларга таяниш бошқарув кадрларининг касбий ҳуқуқий маданиятига хосдир. Шу муносабат билан мансабдор шахслар ҳуқуқий маданиятининг илмий-назарий савиясини ошириш, уларни узлуксиз ҳуқуқий тайёрлаб бориш зарур. Бошқарув фаолияти билан шугулланувчи мансабдор шахслар нисбатан мустақил ижтимоий-касбий гуруҳ сифатида гоялар, назариёт, қадрият ва нормалар тизимида ўз ҳуқуқий мафкураларига эга эмаслар. Бироқ, мансабдор шахслар у ёки бу ҳуқуқий мафкуранинг фаол тарғиботчиларидир. Шу боис уларнинг ҳуқуқий маданияти ўзида юридик мафкуранинг ҳуқуқ, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, қонунчилик, адолатлилик, ҳуқуқ-тартибот ҳақидаги тушунчалар каби элементларини ўз ичига олади. Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданияти жамиятда ҳуқуқий мафкуранинг шаклланишига таъсир кўрсатади.

Ҳуқуқий психология мансабдор шахснинг эгалаб турган лавозимидан келиб чиққан ҳолда унинг касбий руҳиятини шакллантиради. Ҳуқуқий психология мансабдор шахслар фаолиятининг моҳиятини акс эттиради.

Мансабдор шахсларнинг фаолияти нуқтаи назаридан ҳуқуқий маданиятнинг қуйидаги асосий таркибий қисмларини кўрсатиш мумкин: *когнитив* (билиш), *аксиологик* (баҳолаш) ва *регулятив* (хатти-ҳаракат).

Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданияти нафақат ҳуқуқий онгнинг таркибий элементини, балки уларнинг ҳуқуқ соҳасидаги хатти-ҳаракатлари, фаолиятларини умумлаштиради. Предметлик, мақсадга мувофиқлик, тартиблилик, танлаб олишлик, тизимлилик, режалилик, уюшқоқлик кабилар мансабдор шахслар ижтимоий фаолиятининг асосий белгиларидир.

Ҳуқуқий ҳаракатлар ва операциялар мансабдор шахслар юридик фаолиятининг фаол динамик томонини ташкил этади.



## 2. Мансабдор шахслар ҳуқуқий маданиятининг тизими ва вазифалари

Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданиятини билиш кўрсаткичи ҳуқуқий маълумотларнинг ҳажми, ҳуқуқий билимлар даражаси, қонунчилик талабларини, ҳуқуқий ҳодиса ва жараёнлар моҳиятини тушуниш, таҳлил қила билиш, қиёслаш олиш ва шу асосда тўғри хулосалар чиқара олишдир.

Ижтимоий тадқиқотлар мансабдор шахслар янги маълумотлар олиш мақсадида тез-тез мурожаат қилиб турадиган асосий манбаларни кўрсатмоқда. Мансабдор шахсларнинг кўпчилик қисми учун оммавий ахборот воситалари, яъни расмий ихтисослаштирилмаган манба маълумотларнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Иккинчи ўринда расмий ҳуқуқий нашрлар туради. Мансабдор шахслардан ҳуқуқий маълумотлар олиш учун улар кўпроқ фойдаланадиган расмий ихтисослаштирилган манбалар ҳақида сўралганда, улар кодекслар, уларга шарҳлар, юридик журналлар ва хизмат нашрларини санаб ўтадилар. Мансабдор шахслар "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси", "Ҳукумат қарорлари тўплами" каби расмий манбаларга жуда кам мурожаат этадилар.

Мансабдор шахсларнинг кўпчилиги ўзларининг ҳуқуқий маълумотлардан кам даражада воқифликларидан шикоят қиладилар. Бунинг икки сабабини кўрсатиш мумкин:

- биринчидан, мансабдор шахсларга ҳуқуқий маълумотларни етказиш бўйича тадбирларнинг таъсирчан тизими мавжуд эмаслиги;

- иккинчидан, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий кадриятларни ўзлаштиришдаги сусткашлик ва ҳуқуқий билимларнинг давлат бошқарувидаги аҳамиятини тўғри баҳолай олмасликлари.

Мансабдор шахсларнинг қонунчилик ва уни қўллаш амалиётини, фуқароларнинг хулқ-атворини амалдаги қонунчилик меъёрлари талабларига мос келиш-келмаслиги нуқтаи-назаридан баҳолашларида ва шу билан бирга ўзларининг ҳуқуқ соҳасидаги шахсий фаолиятларига бўлган муносабатларида акс этади.

Мансабдор шахслар биринчи галда ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларни ҳуқуқ ва бурчларни белгилаш йўли билан

тартибга солиш қобилиятини таъкидлайдилар. Шу билан бир қаторда ҳуқуқнинг жамиятда тартиб ўрнатиш, умуминсоний эркинлик ва адолат кафолатини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий меъёрларни бузувчи шахслар учун жавобгарлик чораларини белгилаш кабилар билан боғлиқ бўлган хусусиятларини ҳам кўрсатиб ўтадилар. Айни пайтда ҳуқуқнинг демократияни ривожлантиришдаги ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги аҳамиятига етарлича баҳо бермаслик яққол сезилиб турибди. Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда мана шу ҳолатларнинг барчасини ҳисобга олиш зарур.

Ҳуқуқий маданият ҳамда унинг таъсирчанлик даражасини аниқлашда мансабдор шахсларнинг амалдаги қонунчиликка бўлган муносабатларини ва уни қандай баҳолашларини билиб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Мансабдор шахслар ҳуқуқий маданиятининг етакчи функцияси тартибга солишдир. Ички, субъектив нуқтаи назардан тартибга солиш функцияси ижтимоийлаштирувчи табиатга эга бўлиб, мансабдор шахслар томонидан ҳуқуқий қадриятларнинг ўзлаштирилиши, муайян ҳуқуқий тажриба ва кўникмаларнинг эгалланиши, уларда шахсий ҳуқуқий нуқтаи назар ва йўналишнинг пайдо бўлиши жараёнини акс эттиради. Шундай қилиб, мансабдор шахслар ҳуқуқий маданиятининг ички тартибга солиш функцияси уларда ҳуқуқий ўзликни шакллантириш йўналишига эга ва уларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувининг омилидир.

Мансабдор шахслар ҳуқуқий маданияти тартибга солиш функциясининг ташқи ифодаси - уларнинг ҳақиқий хулқ-атворлари, ҳуқуқ ва бурчларни амалга оширишдаги фаолиятларидир. У нафақат ҳуқуқий қадриятларни англаш, балки, биринчи навбатда, уларни қўллаш даражаси ҳақида гувоҳлик беради. Мансабдор шахслар ҳуқуқий маданиятининг ташқи тартибга солиш функцияси ҳуқуқий муносабатда бўлувчи субъектларга кўрсатиладиган бошқарув таъсирининг усуллари ва улар қабул қилган қарорларнинг сифати орқали аниқ кўзга ташланади.

Мансабдор шахслар ҳуқуқий маданиятининг тартибга солиш функцияси учун хулқ-атвор мотивлари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Мансабдор шахсларнинг хизматдаги хулқ-атворининг қуйидаги энг типик мотивларини ажратиб

кўрсатиш мумкин: жамият манфаатларини ҳимоялаш; фуқароларнинг шахсий манфаатларини ҳимоялаш; муассасаларнинг манфаатларини ҳимоялаш; хизмат жамоаси манфаатларини ҳимоялаш; ортодоксал-юридик мотив ("қонун - бу қонун"); хизмат юзасидан фаолият натижалари билан қизиқиш; жамоанинг иқтисодий манфаатини (у қонун талабларига мос келмаса ҳам) амалга оширишга интилиш; хизмат гуруҳи хулқ-атвориغا йўналтирилган конформ мотив; юқори турувчи ва маҳаллий раҳбариятнинг хулқ-атвориغا йўналтирилган мотив; хизмат одатлари; хизмат бурчларига етарли даражада риоя қилмаганлик учун юридик жавобгарлик хавфи; жамоадаги ўртоқлар, танишлар ва қариндошларнинг айбашларидан кўрқиш; эгоцентрик хулқ-атвор; хизмат бурчларини бажаришда нохуш оқибатларга олиб келадиган масъулиятсизлик ва бепарволик; шахсий моддий манфаатни ўйлаш натижасида келиб чиқадиган хулқ-атвор.

Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданияти объектив ҳамда субъектив табиатта эга бўлган кўпфакторли таъсирни бошидан кечирмоқда. Шу муносабат билан ҳуқуқий маданият даражаси - иқтисодиёт, сиёсий институтлар тизими, жамият ва давлат бошқаруви умумий маданий ривожининг етарли даражадаги аниқ кўрсаткичи бўла олади.

Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

*биринчидан*, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантирадиган оммавий база сифатида амал қиладиган юридик ялпи таълим;

*иккинчидан*, олий ва ўрта-махсус таълим тизимида бўлажак мутахассисларни тайёрлаш

*учинчидан*, раҳбар кадрлар ва халқ хўжалиги мутахассислари малакасини ошириш тизимида ҳуқуқий маданиятни ошириш.

## ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ

✽ Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ✽ Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг касбий фаолиятида ҳуқуқий маданиятни тарбиялаш

### 1. Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти

Жамиятнинг, фуқароларнинг умумий ҳуқуқий маданиятидан ташқари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг - судлар, прокурорлар, адвокатлар, ички ишлар идоралари ва мансабдор ходимларнинг ҳуқуқий маданияти тушунчаси ҳам мавжуд.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жумладан, милиция ходимларининг ҳуқуқий маданияти қатор таркибий қисмлардан иборат. Уни яқка тартибда эмас, балки муайян тизимга келтириб ўрганиш зарурати туғилмоқда. Зеро бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари савиясини оширишнинг муайян йўналишларини белгилаб олишга имкон беради.

Хусусан, мазкур соҳада, назаримизда, ҳуқуқни муҳофаза қилишнинг ижтимоий-руҳий жиҳатларини ўрганиш муҳимдир. Бу ҳуқуқнинг ижтимоий қадр-қимматини англашга, ҳуқуқий идеалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг амалиётида қўллашга ва айни пайтда уни ўзлаштиришга хизмат қилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фаолияти маданиятшунослик муаммолари билан ҳам узвий боғлиқ. Шу маънода милициядаги ҳуқуқни муҳофаза этиш фаолияти маънавий ва амалий қадрият каби баҳоланиши мумкин. Афсуски, ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга оид мавжуд улкан ижтимоий ҳуқуқий имкониятлар аксарият ташкилий, иқтисодий, мафкуравий ва ҳуқуқий тизимларнинг носозлиги туфайли ҳам фойдаланилмай қолади.

Жиноятнинг ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш - ички ишлар идораларининг хизмат мажбурияти ҳисобланади. Мазкур мажбуриятни рисоладагидек бажармаганлик учун қонунда жавобгарлик назарда тутилиши зарур. Бундай жавобгарлик ҳуқуқбузарлик ҳодисаларига доир кўрсаткичлар юқори бўлган ҳоллардагина қўлланилиши мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, ички

ишлар идоралари хизматида жиноятнинг олдини олиш самарадорлигини махсус ҳуқуқий баҳолаш, ушбу хизматнинг ҳуқуқ-тартиботни барқарорлаштиришдаги ижтимоий ўрнини белгилаш кун тартибидаги долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқий давлат қонуниятларидан бири бўлмиш ҳуқуқни амалга ошириш жараёни қўлланиш доирасининг кенглиги билан ижтимоий аҳамиятга молик. Бинобарин, у ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари ҳуқуқий маданиятини оширишнинг муҳим омилларида бирига айланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари касбий мажбуриятларининг доираси жуда кенг бўлиб, шарафли ва масъулиятлидир. Аммо бугунги кунда мазкур мажбуриятларга қўйилаётган қонуний талабларнинг бажарилиши ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек эмас. Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт етишмовчиликлари баъзан милиция идоралари фаолиятида ҳам касбий нопокликни келтириб чиқармоқда. Бу ҳам ходимлардаги ҳуқуқий маданият савиясининг пасайишига олиб келмоқда.

Ҳар қандай маданий ҳодиса ижтимоий фаолиятдаги икки жиҳатнинг муштараклигидан - ижодиёт ва унинг ютуқларини қоидалар (жумладан, ҳуқуқий), урф-одатлар, анъаналар, ҳулқ-атвор ва фаолиятнинг бошқа барқарор андазаларида мустаҳкамлашдан иборат. Мазкур жиҳатлар уйғунлиги бузилса, маданият таназзулга юз тутади, ижтимоий ҳаётда салбий ҳодисалар юзага келади. Қатор сабабларга кўра, ҳозирги кунда ҳуқуқ ва ҳуқуқий қадриятларни тизимли ўзлаштириш соҳасидаги маромли маданий жараёнлар бир қадар узилиб қолди. Бунинг натижасида хавfli ижтимоий оқибатларга келтирувчи ҳол бўлган ҳуқуқни инкор этиш бирмунча жонланиб бормоқда.

Ҳуқуқий фанларнинг вазифаси - маданий-ҳуқуқий қадриятларнинг обрўсизланишига олиб келувчи объектив сабабларни чуқур таҳлил этиш, уларнинг аниқ ижтимоий манзарасини кўрсатиш, уларни бартараф этиш учун асосланган тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат. Шу ўринда милиция ходимларининг фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга молик.

Маълумки, бюрократизм илллати ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятига ҳалокатли таъсир кўрсатди. Бюрократизм ва ҳуқуқий маданият ҳуқуқий муносабатлардаги муҳим умумий ва жузъий манфаатларни тасаввур этишнинг қарама-қарши усулидир. Бюрократизмнинг кенг маънодаги моҳияти бу кишиларнинг махсус гуруҳини ўз вазифаларини суиистеъмол қилишларидагина ифодаланмай, балки жамиятда, ҳатто давлатда ҳам соф худбинлик

мақсадларининг пайдо бўлишидир. Бошқарув тизимининг ҳаддан ташқари катталашуви, хизматларнинг маҳкама доирасида асоссиз бўлиниши, лоқайдлик, ҳужжатларнинг қудратига ўта эътиқод қилиш ички ишлар органлари бошқарув таркиблари фаолиятидаги бюрократлашувнинг натижасидир.

Қоғозбозликнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида намоён бўлиши ва милиция ходимларининг касбий тайёргарлигидаги камчиликлар ўртасида муайян алоқа бор. Бизнингча, ҳозирги кунда ички ишлар органларида, уларнинг куйи бўғинида юқори малакали мутахассис ходимларнинг озлиги ҳуқуқ муҳофазаси муҳитида ҳам жиноий ҳодисаларнинг пайдо бўлишига имкон туғдиради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини бир ёқлама миқдорий натижаларга кўра баҳолаш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг касбий таназзулига, салбий ижтимоий-ҳуқуқий оқибатларга ҳам олиб келади. Кўп омилли ҳодиса бўлган жиноятчилик, унинг ўсиб бориши ҳам эътибордан четда қолиши мумкин. Жиноятчилик миқдорини асосан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзлари қайд қилиши ҳам уларнинг жиноий ҳодисалар миқдорини камайтириб, очилганларини эса кўпайтириб кўрсатишларига, пировардида очилмай қолган жиноятларнинг "гўёки камайишига" имкон беради.

Қонунчиликнинг такомиллашмаганлиги ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини ҳуқуқбузарликка ундайдиган омиллардан биридир.

Касбий ҳуқуқ бузилишларининг ахлоқий-руҳий заминлари ҳам мавжуд. Милиция ходимларининг фуқароларга нисбатан кўполликлари, калондимоғликлари, ўзларига бино кўйишлари одат тусига кирди. Хўжайинлик қилишга одатланиш туйғусидан пайдо бўладиган бундай касбий бузилишлар жамоат тартибини муҳофаза қиладиганларнинг паст савиядаги ҳуқуқий маданият эгаси эканликларини кўрсатади.

Демократик ижтимоий-сиёсий тартибларнинг ҳаётийлиги ва ривож, уларнинг муносиб ҳуқуқий таъминланиши аксарият ҳуқуқий идоралар, жумладан, ички ишлар идоралари зиммасига давлат томонидан юкланган муҳим ижтимоий-сиёсий ва маданий-ҳуқуқий вазифалар билан боғлиқ.

Агар бюрократизм ҳуқуқий қарорлар қабул қиладиган шахслар доирасини чеклашга ҳаракат қилса, ҳуқуқий маданият эса бундай кишилар доирасини кенгайтиради, фуқароларни жамиятдаги тартиботни муҳофаза қилиш фаолиятининг қатнашчиларига айлантиради. Шу муносабат билан ҳуқуқий маданиятни муайян

ижтимоий вазифаларни бажаришни мувофиқлаштирувчи омил деб таърифлаш мумкин.

Касбий парокандаликка қарши курашиш учун милиция ишида демократия ва ошкораликни таъминлаш, милиция ходимларида салбий ҳодисаларга нисбатан ижобий кўникмаларни тарбиялайдиган маданий-ҳуқуқий тадбирларни излаб топиш лозим.

Ҳозирги кунда милиция идораларининг хизмат ваколати чегарасини белгилаб олиш муҳим. Милиция идоралари ўз фаолиятларини қонун доирасида амалга ошириши ҳуқуқий давлатнинг муҳим хусусиятидир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг фаолиятини қайта қуришнинг муҳим гарови - уни назорат этиш ва текшириш. Мазкур назорат жузъий масалаларни бажаришда йўл қўйилган хатоларни тузатиш билан чекланмай, ходимларни жиддий камчиликлар содир этишдан ўз вақтида огоҳлантириш, қоғозбозлик, бошбошдоқлик, фуқароларга нисбатан қўполлик қилишларига чек қўйиш юксак касбий маҳоратга даъват этиш, уларнинг юқори даражадаги ҳуқуқий маданият эгалари бўлишларига ёрдам беришни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Адабиётларда муҳокама этилаётган милиция фаолиятининг мезони тўғрисидаги масала ҳам ўз ечимини кутиб турибди. Чунончи, унинг фаолиятидаги асосий мезон - жиноятларни очишнинг миқдорий кўрсаткичларини ҳуқуқ-тартиботнинг қонунийлигидан иборат сифат мезонлари билан алмаштиришнинг мавриди келди. Худди шу мақсадда жиноятчиликка қарши курашнинг давлат томонидан режалаштирилган махсус талаблари асосидаги дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш айти мудаодир. Бу тадбир нафақат давлат миқёсида жиноятчилликка қарши курашнинг илмий асосланган тактикаси ва стратегиясини аниқлайди, уни ходимлар ва маблағлар билан таъминлайди, балки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаб, жиноятларни тергов қилиш жараёнларида электрон ҳисоблаш техникаси, компьютерларни қўллашнинг ҳам имконини беради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятининг самарадорлиги мазкур фаолиятни норматив мувофиқлаштириш билан бевосита боғлиқдир. Шу муносабат билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайдиган қонун қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари мажбуриятларининг ҳаддан ташқари кенгайиши унинг имкониятларини, фаолият самарадорлигини пасайтиради.

Ҳуқуқий давлат гоёларининг ҳуқуқий давлат қурилиши амалиётига чинакамига жорий қилиниши ҳар бир ижтимоий муносабат иштирокчисининг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини

англашигагина эмас, айти пайтда уларни мувофиқлаштирадиган қоидаларни билишига ҳам боғлиқ. Барча бўғинлардаги ходимларнинг, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчиларнинг ҳуқуқни билишлари, унинг инсонпарварлик, умуминсоний қадрият эканлигини англашлари, тўла ҳажмда ҳуқуқий маданиятни эгаллашлари ҳозирги кунда энг долзарб бўлиб турибди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари бўйича олиб борилаётган тадқиқот сўровлари шахсий таркибнинг 80 фоизи муайян ҳуқуқий вазиятларда қўлланилиши лозим бўлган ҳужжатларни билмаслигини, милиция ходимларининг аксарияти қонун чиқариш йўналишларидан беҳабарлигини, норматив ҳужжатларни жорий қилишнинг амалий йўллари билан таниш эмасликларини кўрсатди. Шу муносабат билан ҳар бир милиция бўлинмасида асосий норматив ҳужжатларнинг сақланиши, хизмат амалиёти хабарлари, қонун чиқариш хабарномаларини тарқатишни жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятининг самарадорлигини таъминлайдиган муҳим таъсирчан омиллардан бири шахсий таркибда ҳуқуққа нисбатан ички (ботиний) иззат-икромни шакллантиришдир. Афсуски, мазкур мураккаб ижтимоий-руҳий ҳодиса фанда ҳали етарлича ўрганилмаган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимининг шаклланган онгли фаолияти ва ҳуқуқий ҳатти-ҳаракати ўртасида қонунда белгиланган вақт оралиғи бўлиши керак. Чиндан ҳам салбий ҳодисалар ва улардан келиб чиққан оқибатлар ўртасидаги муайян ҳуқуқий вазиятга муносиб ечим топиш учун муайян вақт бўлиши лозим. Бунда шахснинг руҳий хусусиятини инкор этиш, унинг онгли ёки онгсиз равишда ҳодисани руҳий баҳолаш сабабларини инобатга олмасдан муайян қонунни қўллаш ноқонуний ечимга олиб келиши мумкин. Бу ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳуқуқий маданиятининг етарлича юксак эмаслиги сабабларидан биридир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари шахсий таркиби билан ҳуқуқий тарбия тадбирларини ўтказишда ҳуқуқий қадрият кўникмаларини сингдиришнинг ижтимоий-руҳий жиҳатларини инобатга олмоқ жоиз. Барча бўлинмалардаги милиция ходимлари учун ҳуқуқий қоидаларнинг чинакамига муҳимлигини белгилайдиган жиддий аниқ-социологик тадқиқотлар ўтказиш зарурати туғилмоқда. Ҳуқуқий тарбиянинг ижтимоий руҳшунослик тактикаси ва услубиёти далилларига асосланган ва унинг самарадорлигини кўрсатадиган тадқиқотлар ҳам жуда долзарбдир.

Ҳуқуқий тарбиядан ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари орасида йўналтирилган ахборот-ташвиқот таъсирини ўтказувчи омил сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Мазкур тадбир ички ишлар



идораларида анъанавий, тажрибада синалган ҳуқуқий тарбиянинг ташкилий шакл ва воситалари тизимини янги мазмун билан бойитади. Бу эса бугунги кунда жамиятимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий янгиланишнинг руҳиятига мос келади.

Шундай қилиб, ҳуқуқий маданият ички ишлар идораларида давлат мустақиллигини ҳуқуқий таъминлашнинг муҳим қуроли ва айна замонда бундай бунёдкорлик фаолиятининг йўналиши бўлиб ҳам хизмат қилади.

Ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари, жумладан, ички ишлар идоралари ходимларининг - қонунчилик ва ҳуқуқий тартибот ҳимоячиларининг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлайдиганларнинг касбий ҳуқуқий маданиятини шакллантириш муаммолари алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятидаги ҳуқуқий маданият савияси ва мазмуни жамиятдаги ғоявий, ҳуқуқий ва маънавий вазият билан белгиланади. Мазкур маданиятнинг ижтимоий мавқеи эса қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлашдангина иборат бўлмайди, зеро уларнинг мустақиллиги ва барқарорлиги ҳуқуқий маданиятнинг жузъий жиҳатларинигина изоҳлаши мумкин. Шу боисдан тадқиқот учун ички ишлар идоралари ходимларнинг ҳуқуқий маданиятига дахлдор жамиятнинг ҳуқуқий ривожланиш савияси ва давлат томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг хусусиятини изоҳлайдиган масалаларни танлаб олиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Айна замонда ҳуқуқий маданиятнинг мазкур фаолият билан шуғулланувчи ходимларнинг ўз хизмат бурчларини удалаш сифати билан узвий ижтимоий-руҳий таъсирига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Шунинг билан бирга адабиётларда мазкур ходимлар маданиятининг шаклланишидаги ижтимоий-руҳий, касбий-ҳуқуқий жиҳатлар етарлича ёритилмаган. Амалда ички ишлар идораларидаги касбий ҳуқуқбозарликнинг, маданий-ҳуқуқий бойликлар қадрсизланишининг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий сабаблари ҳали тадқиқ этилганича йўқ. Мазкур муаммоларнинг мавжудлиги кун тартибига ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти хусусиятларини тадқиқ этиш масаласини қўяди.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш учун унинг ҳуқуқий тизимида ислоҳотни амалга ошириш шароитида ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари ходимларининг касбий, ҳуқуқий маданиятини ошириш муаммолари эътиборга сазовордир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг касбий маданият савиясига бўлган юксак талаблар Ўзбекистон Республикасининг

Конституциясида, тармоқларнинг қоидавий-ҳуқуқий ҳужжатларида мустаҳкамланган.

Мансабдор шахсларнинг касбий маданияти фуқаролар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан юксак баҳоланади. Чунончи, фуқаролардан милиция ходимлари обрўсига салбий таъсир этадиган омиллар сўралганида, уларнинг 40,3 фоизи ҳуқуқ муҳофазаси ходимларининг аҳоли билан мулоқотлари маданиятининг пастлигини, 33,9 фоизи эса уларнинг аҳоли билан қўпол муомаласини қайд этганлар. Сўровда қатнашганларнинг 33 фоизга яқини ҳуқуқ идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини оширишни қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашнинг энг самарали омили деб кўрсатганлар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданияти умуман ҳуқуқий маданиятга тааллуқли асосий мезонлар билан таърифланади, зотан ижтимоий онгнинг барча шакллари ижтимоий-ҳуқуқий борлиқнинг инъикоси ва унинг маҳсулидир. Шу билан бирга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятида бир қанча ўзига хос, (фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятидан ажралиб турадиган) лекин, афсуски, баъзан етарлича эътибор берилмайдиган хусусиятлар ҳам мавжуд. Бунга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий маданият тушунчасининг мавжуд таърифи гувоҳлик беради. Мазкур таъриф ҳуқуқий маданиятни анъанавий тарзда, яъни якка ҳуқуқий маданиятнинг умумий мезонлари - ҳуқуқий билимлар савияси сифатида изоҳлайди.

Юридик адабиётда ҳуқуқий ва сиёсий маданиятнинг ўзаро муносабатлари тўғрисидаги қизиқарли муаммо мавжуд. Бизнинг фикримизча, ҳуқуқий маданият сиёсий маданият тушунчасига нисбатан муайян хусусиятларга эга бўлган махсус тушунчадир. Сиёсий маданият тушунчасига ҳуқуқий маданият тушунчаси ҳам киради. Зеро сиёсий маданият соҳиби бўлган шахсда ҳуқуқий маданият талабларига риоя қилмаслик вазиятини тасаввур қилиш қийин. Сиёсий маданият тушунчаси ҳуқуқий маданият тушунчасига қараганда ҳажми ва мазмуни бўйича кенг бўлган тушунчадир. Шунинг учун сиёсий маданият тушунчаси атиги "ижтимоий-сиёсий тузилмаларга хос бўлган муносабатлар, яъни сиёсий анъаналар, ҳаракатдаги амалиётнинг сиёсий нормалари, ғоялари, концепциялари ва маслаклари"дан иборат дея таърифловчи муаллифларнинг фикрига қўшилиш қийин.

Фикримизча, сиёсий маданиятни дунёқарашлар мақомида, яъни одамларнинг сиёсий, давлат ва ҳуқуқий тузилмаларга бўлган муносабатларини таърифловчи тушунча сифатида тан олиш зарур.

Адабиётларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳуқуқий маданиятининг ўзига хос хусусиятларига ҳам эътибор берилган. Уларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳуқуқий маданиятининг ўзига хосликлари ҳуқуқий тартибот фаолиятининг хусусиятлари билан боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидланган. Услубиётга кўра ушбу ёндашувнинг асосланганлигига шубҳа йўқ.

Мазкур ёндашувнинг далилланганлигига қарамай, фикримизча, уларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳуқуқининг ўзига хослиги етарли даражада инобатга олинмайди. Ҳолбуки, мазкур хусусиятлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вазифалари билан боғланган бўлиб, улар мутаносиб қонуний, қоидавий-ҳуқуқий ҳужжатлар воситасида қўйилган.

Қонунчилик ҳужжатларини таҳлил этиш асосида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг қўйидаги асосий вазифаларини ажратиш мумкин. Булар - жамоат тартибини муҳофаза этиш; жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга йўл қўймаслик, уларни келтириб чиқарган сабабларни ошкор этиш; фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мулклари, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш; хавфсизликни таъминлаш; озодликдан маҳрум этилганларнинг ахлоқини тузатиш ва қайта тарбиялашни уюштириш кабилардан иборат.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ҳуқуқий маданиятининг ўзига хослиги, бундан ташқари, улар бажарадиган фаолият турлари билан ҳам боғлиқ. Мазкур фаолият фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун ҳимоя чораларини қўллашда; ҳуқуқбузарларни ҳуқуқий жавобгарликка тортишда; фуқароларнинг қонунга номувофиқ хатти-ҳаракатга аралишиш (йўл қўймаслик) ларида; давлат мажбурловининг ҳар хил чораларини қўллаш кабиларда намоён бўлади. Бунинг устига ички ишлар идоралари ташкилий, ахборотга оид, маслаҳат, жиноятнинг олдини олишга доир тарбиявий ва таъминот кабилар билан ҳам шуғулланадилар.

Давлат сиёсатини амалга ошириш, ҳуқуққа риоя қилиш, ҳуқуқни ижро этиш ва ундан фойдаланишни амалга ошириш; қонунда батафсил мувофиқлаштирилмаган ҳолларда, жумладан, экстремал вазиятларда муайян қарорга келиш, аксарият бузилган ҳуқуқий онгга эга бўлган фуқароларнинг турли тоифалари ва мансабдор шахслар билан доимий мулоқотда бўлиш кабилар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳуқуқий маданиятининг ўзига хос хусусиятларидандир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўзининг хизмат вазифасини бажаришда қўл келадиган ҳуқуқий билимлар мажмуасига

эга бўлиши лозим. Мазкур билимларнинг энг кам ҳажмини аниқлашнинг ўзи ҳам назарий ва амалий жиҳатдан мураккаб муаммо. Бироқ, шубҳасиз, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими, энг аввало, ўзининг хизмати, ҳуқуқ ва бурчлари ҳақидаги ҳужжатларни, Ўзбекистон давлат мустақиллигининг асосларини, унинг идоралари таркибини, қоидавий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини, фуқароларнинг энг муҳим ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидаларини яхши ўзлаштирган фуқаро бўлиши даркор.

Давлат ва жамият ҳаётининг ҳуқуқий ибтидоларини билишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг конституциявий, умумпроцессуал ва хусусий тамойиллари, шунингдек, ҳуқуқий масъулият тамойиллари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Чунончи, "қонунчилик қонунни билмаслик туфайли йўл қўйилган ҳуқуқбузарлик учун масъулиятдан озод этиши мумкинми?" деган саволга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг 97 фоизи "йўқ" деб жавоб берганлар.

65 фоиз ходимлар "жиноят қонунчилиги унинг кўрсатмаларини билиш талабини ўзида акс эттирганми?" деган саволга "йўқ" деган жавоб ёзишган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларнинг аксарияти ҳуқуқий тамойиллардан хабардор эмаслар.

Фуқаролардан фарқли ўлароқ, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари фақат миллий ҳуқуқий тизимнинг асосий тамойилларини билиш билангина чекланиб қола олмайдилар. Зеро ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг муайян хизматлари мазмунини изоҳлайдиган қонунлар ва ҳужжатларни, шунингдек, ходимларнинг хизматларига тааллуқли ҳуқуқ ва мажбуриятларини билишни ҳам тақозо этади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари учун фавқулодда муҳим омил - процессуал қонунчиликни, ҳуқуқни шарҳлашнинг турлитуман шакллари ва усулларини билишдир. Зеро айнан мазкур билимлар ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг қонунийлиги ва асосланганлигини таъминлайди. Бизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги ходимларимиз орасида ўтказган сўровимиз ҳуқуқий хабардорликнинг етарли эмаслиги, шунингдек, мавжуд хизмат субординацияси туфайли ҳуқуқни қўллаш тартиби ва уни шарҳлаш тўғрисидаги билимларни улар аксарият расмий ҳуқуқий манбалардан эмас, балки бевосита ўз бошлиқларининг кундалик кўрсатмалари ва тушунтиришларидан олишини кўрсатди. Мазкур ҳуқуқий хабардорлик оқибатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг аксарияти, хусусан уларнинг тўлиқ ҳуқуқий

маълумотга эга бўлмаган қисми, ўз бошлиғи берган хабарни расмий хабар сифатида қабул қилади ва буни бажаришни мажбурий деб ҳисоблайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари орасида олиб борилган сўров уларнинг 60 фоизи мутахассис ҳуқуқшунослар қонунчиликни билишни зарурий аломат деб ҳисоблашсини, 40 фоизи эса, қонун-қоидаларни мукамал билмасликни қонунчиликка риоя қилишга салбий таъсир этадиган омилларнинг учинчиси деб аташини кўрсатди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятининг яна бир хусусияти шундаки, мазкур фаолиятни самарали амалга оширишда ҳуқуқий билимларга эга бўлишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ҳуқуқий маданиятининг яна бир мезони ҳуқуққа нисбатан ҳурмат-эътибордир. Ҳуқуқни ҳурмат қилиш улар фаолиятидаги қонунийликнинг зарурий шарти бўлиб, у ҳуқуқий йўл-йўриқларнинг ижтимоий қадр-қимматиغا, ички эътиқодга асосланади. Амалдаги қонунларга ва қонунийлик принципларига ҳурмат; шахснинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва шаънига нисбатан иззат-эҳтиром, ўз касбини улуглаш каби муҳим унсурлар ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳуқуқий маданиятининг таркибий қисмидир.

Амалдаги қонунларга ва қонунийлик принципларига эътибор шахснинг ҳуқуқий йўл-йўриқлар кўрсатмалари билан ботиний розилиғи ва яқдиллиғи, уларнинг зарурийлиғи ва фойдалилигини тан олишни тақозо қилади.

Бинобарин, мазкур принцип ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари олдида қўйиладиган талаблардан биридир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1979 йилдаги Ҳуқуқий тартиботни барқарорлаштирадиган мансабдор шахслар хулқ-атвор кодексининг 8-моддасида "ҳуқуқий тартиботни барқарорлаштирадиган мансабдор шахслар қонунни ва ушбу Кодексни ҳурмат қиладилар", деб ёзиб қўйилган. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг аксарияти, жумладан, ички ишлар идоралари ходимлари қонун талабларига муносиб ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўладилар, улар ўз фаолиятларида унга оғишмай риоя қиладилар. Социологик тадқиқотлар қонунни эъзозлаш, у билан бирдамлик кабилар энг катта эътиборга (87,6 фоиз) лойиқ бўлганлигидан гувоҳлик беради. Шу ўринда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳуқуқшуноснинг зарурий касбий сифатларини алоҳида ажратиб кўрсатганлар.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг аксарияти ҳуқуққа зид тафаккурнинг умри ўтиб

бўлган мазкур хислатлар қонун устуворлиги ва айбисизлик презумпцияси (кафолати)ни, қонунчилик билан мақсадга мувофиқлик ва бошқа маърифий ҳуқуқий тизимлар ғояларини қарама-қарши қўйганлар.

Собиқ маъмурий буйруқбозликка асосланган жамиятга хос бўлган ҳуқуққа зид тафаккур юритиш услуби ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари фаолиятида намоён бўлган ҳолатларда, у ҳуқуққа зид турли ҳаракатларнинг бош сабабларидан бирига айланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг жиноий ишларга қўл уришларини аксарият ҳолларда уларнинг жиноятчилар билан аввалдан тил бириктириб, келишиб олганликлари, уюшган жиноятчи гуруҳларда қатнашганликлари, ўз хизмат мавқеи, ҳуқуқий билимлари ва оператив қидирув ахборотларидан ғаразли мақсадларда фойдаланганликлари билан изоҳлаш мумкин.

Ҳуқуқий тартиботни барқарорлаштиришга оид мансабдор шахслар хулқ-атворларининг биз таъкидлаган халқаро кодексида махсус модда бўлиб, унда бундай деб қайд этилади: "Ҳуқуқий тартиботни барқарорлаштирувчи мансабдор шахслар ўз бурчларини уйдлашда инсон шайини ҳурмат ва ҳимоя қиладилар, барча кишиларга нисбатан инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлайдилар ва ҳимоя қиладилар"<sup>1</sup>.

Мансабдор шахсларнинг инсон ҳуқуқларига ҳўжакўрсинга , менсимаслик ва қалондимомглик билан муносабатда бўлиши фуқароларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига нисбатан салбий муносабатни ва ҳуқуқий нигилизмни шакллантиради.

Ҳуқуқшунослик касбининг нуфузи юқори эканлиги бир қатор социологик тадқиқотлар билан тасдиқланмоқда. Чунончи, фуқароларнинг ҳуқуқшунослик касбига алоҳида эътиборларининг сабаблари ичида, аксарият ҳолларда мазкур касбнинг ижтимоий аҳамияти, кишининг ижодий қобилиятларини амалиётга жорий этиш имконияти кўрсатилган. Худди шунга ўхшаш натижалар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида ўтказилган сўровда ҳам қайд этилди: сўралганларнинг 81 фоизи жамият учун ҳуқуқшунослик касбининг фойдалилигини, 73 фоизи унинг ижодий моҳиятини, 54 фоизи эса мазкур касбнинг ҳуқуқбузарликка қарши шахсларнинг эҳтиёжларини қондириш учун зарурлигини таъкидлади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданияти ҳуқуққа нисбатан ҳурмат, фуқароларнинг ҳуқуқ ва

<sup>1</sup> Қаранг: Права человека. Основные международные документы. -М., 1989. -С.145.

эркинликлари, уларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза этиш билан узвий боғлиқ бўлган ижтимоий фойдали омилга айланади. Ички ишлар идораларидаги ходимлар ҳуқуқий хатти-ҳаракатининг асосий сабаблари уларнинг ўз тармоқлари, касбий гуруҳлари, жамоалари манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ. Уларнинг ҳуқуқий маданиятга эга бўлганликлари эса улардаги дунёқарашнинг ҳуқуққа қарши эмаслиги билан изоҳланади. Ҳуқуқий давлатда энг олий қадрият бу муайян тармоқ, корхона манфаатларига хизмат қиладиган қадриятлар бўлмай, балки ҳар бир инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари ва шаъни билан узвий боғланган юксак инсоний фазилатлардир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ўз ҳақ-ҳуқуқларини амалга оширишлари ва бурчларини муносиб равишда адо этишлари ҳуқуқий билимларнинг зарурий мажмуасига, жамиятда устувор бўлган ҳуқуққа ҳурмат муносабати, хизмат бурчларини самарали ижро этиш малакаларига асосланган ижтимоий-ҳуқуқий фаолликсиз рўй бермайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ҳуқуқий фаоллиги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий муҳофаза этиш, шунингдек, давлатнинг мажбурлов чоралари билан боғлиқ, деган фикр мавжуд.

Фикримизча, ҳуқуқий фаолликни изоҳлашдаги мазкур ёндашув ички ишлар идоралари фаолиятидаги турли-туманликни акс эттиролмайди, уни фақат ҳуқуқни муҳофаза этиш жиҳати билангина чеклаб қўяди, холос. Ҳолбуки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари қонунларни ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни атрофлича муҳокама этишда қатнашадилар; турли ижтимоий тадбирларни уюштириш ва ўтказишни таъминлайдилар; аҳоли ўртасида олиб бориладиган ҳуқуқий тарбиявий ишларни йўлга қўйдилар ва уларни жорий этишда қатнашадилар; ўз касбий ва маданий савияларини тинмай оширадилар.

Мазкур ҳуқуқ-тартибот ходимлари ўз нуқтаи-назарларини қонуний ҳимоя қила олишлари, касбий бурчларини удалашда асоссиз ва ноқонуний аралашидек уринишларга қарши тура олишлари зарур. Табиийки, ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятининг юқорида санаб ўтилган барча кўринишлари мутаносиб ҳуқуқий фаолликни тақозо қилади. Лекин мазкур фаоллик аксарият ҳуқуқ муҳофазаси фаолияти билан бевосита боғланмаган ҳам бўлиши мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ижтимоий ҳуқуқий фаолликларнинг намоён бўлиш даражаси ва хусусияти улардаги ҳуқуқий маданият савиясини ифодалайди ва мазкур масала шу

боисдан ҳам умумий маданиятшунослик муаммолари доирасида махсус социологик тадқиқотлар ўтказишга муҳтож.

## **2. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг касбий фаолиятида ҳуқуқий маданиятни тарбиялаш**

Ички ишлар идоралари ходимлари ҳуқуқий маданияти ушбу ходимларнинг ўз касбий бурчларини ўташда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур омил ҳуқуқий маданиятни тадқиқ этишни тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқий маданиятнинг ижодий моҳияти ва ижтимоий қадр-қимматини чуқурроқ тушуниш, уни бошқариш, шунингдек, маънавий ижтимоий ҳуқуқий фаолиятда қатнашадиган ҳодисалардан аниқроқ ажратиб изоҳлашга имкон беради.

Ҳозирги кунда ҳуқуқий маданият муаммолари етарлича ўрганилмаган. Совет давридаги аксарият тадқиқотларда фуқароларнинг ҳуқуқий хатти-ҳаракати ва ҳуқуқий фаоллигини уларнинг ҳуқуқни билишлари, ундаги кўрсатмаларга ботиний ҳурмат-эътибор билан боғланганликлари, шунингдек, ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашдаги ижобий ўрнига оид умумий хулосалар берилган. Уларда ҳуқуқий маданиятнинг ҳуқуқни самарали жорий этишни таъминлайдиган муҳим омил эканлиги, унинг мақсад ва воситаларини тўғри танлаш, ҳуқуқий оқибатлар тўғрисида аниқ тасаввурларни ҳосил қилишдаги ўрни қайд этилади.

Ҳолбуки, шахс ҳуқуқий маданиятининг вазифалари тўғрисидаги муаммо анча мураккабдир. Энг аввало, ҳуқуқий маданиятни тарбиялаш вазифалари деган тушунчани таърифлаш ва уни ҳуқуқ умумий назариясининг илмий таомилига киритишга чуқур эҳтиёж сезилмоқда. Назаримизда, ҳуқуқий маданиятни тарбиялаш вазифалари фақат шахснинг ҳуқуқий хатти-ҳаракатини таъминлашдангина иборат эмас. Шахс ҳуқуқий маданиятининг қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашдаги ўрни мазкур муаммонинг муҳим таркибий қисмини ифодалайди, холос. Ҳуқуқий маданиятнинг шахс маънавий камолоти, унинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигидаги муҳим омил сифатидаги моҳиятини илмий тушунишга ёрдам берадиган жиҳатларни ҳам тадқиқ этиш зарур. Ҳуқуқий маданият инсон ҳуқуқий манфаатларини рўёбга чиқаришнинг ички манбаигина бўлмай, балки унинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётининг доираси, шунингдек, ҳуқуқни ижтимоий тараққиётга жорий этиш сабаби ҳамдир. Ҳуқуқий маданият, энг аввало, ҳуқуқий тизимнинг барча элементларини ҳуқуқий такомиллаштиришда ошқор бўлади. Бунинг устига, ҳуқуқий маданиятнинг вазифалари ҳуқуқ билан



мувофиқлаштириладиган ва мувофиқлаштирилмайдиган ижтимоий муносабатлар ривожининг мавқеини ҳам белгилайди.

Шахс ҳуқуқий маданияти мазмунини тадқиқ қилишнинг, ҳеч бўлмаганда, икки асосий жиҳатини кўрсатиб ўтиш жоиздир. Уларнинг *биринчиси* - инсоннинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётнинг фаол ва ижодий субъекти сифатидаги камолотида ҳуқуқий маданиятнинг ўрнини белгилашни тақозо этади. *Иккинчиси* - ҳуқуқий маданиятнинг ижтимоий вазифасини аниқлашни талаб қилади. Иккинчи жиҳат шахснинг ғоявий-руҳий ҳолати ва ҳуқуқий хатти-ҳаракати акс этадиган мураккаб тизим каби намоён бўлади.

Индивидуал ҳуқуқий маданият жамият ва инсон муносабатларидаги ўта мураккаб жараён. Шу боисдан у фақат шахс шаклланиши ва унинг камолотга эришувига ижтимоий муносабатларнинг таъсирини ўрганишни эмас, балки инсонга мансуб бўлган фазилатларни тадқиқ этишни ҳам тақозо этади. Мазкур фазилатларда айрим қусурларнинг мавжудлиги боис ижтимоий-ҳуқуқий тажрибани ўзлаштириш жараёни тўлақонли бўлмайди. Аксинча, маданий камолот савиясини ифодалайдиган шахсий фазилатлар инсоннинг ижтимоийлашуви самарадорлигини таъминлайдиган омил бўлиб хизмат қилади.

Ушбу мулоҳазаларга кўра, шахс ҳуқуқий маданиятини ҳуқуқий онгнинг ижтимоий фойдали хусусиятлари, ҳуқуқий хатти-ҳаракат малакаларига боғлиқ бўлган ва ижтимоий муносабатлар ривожига баракали таъсир этадиган фаол ижодий субъект бўлмиш инсоннинг ғоявий-ҳуқуқий камолотини сабабий-амалий таъминлаш омили каби таърифлаш мумкин.

Ҳуқуқий маданиятнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хизмат бурчларини адо этишлари сифатига амалий таъсир этиш жараёнининг мазмунида бир-бири билан ўзаро боғлиқ икки жиҳатни ажратиш мумкин. Булар ғоявий-руҳий ва ижтимоий амалий жиҳатлардир. Энг умумий маънода ҳуқуқий маданиятнинг ғоявий-руҳий мазмуни ҳуқуқий тушунчалар, ҳуқуқий қоида ва тамойилларни, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти тажрибасидек ҳуқуқий тағзаминларни мустақил равишда батафсил ва чуқур ўрганишни ифодалайди. Бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимининг қонунийлик принципига мувофиқ тарзда ўз касбий бурчларини самарали бажариши учун зарурдир. Мазкур жараёнда ҳуқуқий билимларнинг ўрни уларнинг жонли мушоҳададан мавҳум тафаккурғача юксалиб бориши учун муайян ахборот замини бўлишдан иборатдир.

Ходим билиш лаёқатининг ўсиши натижасида унинг ҳуқуқий онги таркибида ҳуқуқий назария (ҳуқуқий тушунчалар, тамойиллар,

қоидалар, дастурлар)нинг ўрни беқиёс бўлади. Бинобарин, унда ҳуқуқий воқеликни илмий муҳокама қилишга мойиллик шаклланади. Шу боисдан ҳуқуқий ҳосилаларнинг ташқи жиҳатларинигина эмас, балки уларнинг моҳиятини англаб етишнинг, улардаги сиёсий йўналишни, ижтимоий мавқени билиб олишнинг имкони туғилади.

Ҳуқуқий маданият соҳиби бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий воқелик ҳодисаларини мавҳум фикрлай олиш қобилияти ҳуқуқни қўллаш фаолиятида ғоят муҳимдир. Аслида ҳуқуқни қўллашнинг (жиноий иш тафсилотларини тадқиқ этиш ва уни ҳуқуқий баҳолаш) ақлий негизини умумий моҳиятга эга бўлган хатти-ҳаракатларнинг норматив ҳужжатлардаги мавҳум тушунчалардан ҳодисанинг аниқ тафсилотларигача ва, аксинча, улардан қоида кўрсатмалар матнигача илгарилаб борадиган диалектик тафаккур йўли ташкил этади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларида ҳуқуқий воқеликни илмий-назарий муҳокама қилиш қобилиятининг етишмаслиги ноҳўя тасаввурларнинг ва ғайриҳуқуқий дунёқарашнинг шаклланишига олиб келиши мумкин. Масалан, аксарият ҳуқуқий билимларга эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳуқуқбузарликка қарши курашнинг самараси сифатида жазони оғирлаштириш керак, деган ақидани илгари сурадилар. Бундай қарашлар, фикримизча, улардаги назарий тафаккурнинг саёзлигидан, маърифий жамиятнинг ҳуқуқий масъулият соҳасидаги сиёсатини, жазонинг мақсад ва вазифаларини, жиноятнинг олдини олиш ва тарбиявий ишнинг моҳиятини тушунмаслик оқибатидир.

Бу борада икки муҳим қоида ни унутмаслик лозим. *Биринчидан*, ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракат муқаррар равишда ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқаради. *Иккинчидан*, жазо қилмиш ишига яраша тайинланиши лозим. Ушбу икки қоида амал қилса, жиноятчиликка қарши кураш самарали бўлади.

Ҳуқуқий воқеликни англашда ҳуқуқий билимлар билан бирга яқка инсондаги ҳуқуқий маданият кўрсаткичлари - ҳуқуққа, ижтимоий фойдали ҳуқуқий хатти-ҳаракатлар, мақсадларга, сабабий омилларга нисбатан ҳурмат-эътиборнинг ўрни беназирдир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳуқуқий маданияти юксак ходимларида мазкур фазилатларнинг тарбияланиши давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги манфаатлари, мақсадлари ва вазифаларидан иборат объектив омилларнинг субъектив инъикосидир. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқий ҳодисаларни чуқурроқ ва қўламлироқ билиш учун эҳтиёж ва қизиқишларни ривожлантиради, касбий фаолиятни амалга ошириш учун муҳим бўлган ҳуқуқий

ахборотни танлаб олишга яқиндан ёрдам беради. Ҳуқуқий соҳада хизмат қиладиган маданиятли ходим, энг аввало, ўзининг хизмат бурчини бажариши учун ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётда фаол қатнашишга кўмаклашадиган билимларни эгаллашга ҳаракат қилади. Худди ана шу боис ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун ҳуқуқий ахборотнинг асосий манбаи - кодекслар, уларга ёзилган шарҳлар ва бошқа қоидавий кўрсатма адабиётлар (80 фоиз), ҳуқуқий ойномалар, бюллетенлар (68 фоиз), рўзномалар, телевидение, радио (52 фоиз), хизмат нашрлари (51 фоиз) бўлади.

Ходимларнинг ҳуқуқий билимларига эга бўлишларининг яна бир манбаи уларнинг касбий тайёргарлигидир, лекин мазкур тайёргарликнинг савияси ҳаминша талаб даражасида бўлавермайди. Чунончи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан социологик сўровда сўралганларнинг 17,2 фоизи машғулотларнинг мунатазам ўтилмаётганлигини, 15,6 фоизи ҳуқуқшунос олимларнинг мазкур машғулотларга етарли жалб қилинмаётганлигини, 21,1 фоизи эса ўқувчиларнинг лоқайдлигини, 16,7 фоизи машғулот ўтказувчиларнинг мазкур машғулотларга нисбатан суст тайёрланганлигини қайд этдилар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларида ҳуқуқий маданиятнинг, бинобарин, комил шаклланган ҳуқуқий манфаат ва мақсадларнинг мавжуд бўлмаслиги улардаги ҳуқуқий ахборотларни танлаш имкониятларни қийинлаштиради.

Маълумки, ҳақиқатни билишнинг йўли нафақат жонли мушоҳададан мавҳум таффакур томон бориш жараёнини, балки, кишилар амалий фаолиятининг муайян иштирокини ҳам тақозо этади. Шу боисдан ҳуқуқий ҳодисаларни чуқур билиш жараёнида яқка ҳуқуқий маданиятнинг ҳуқуқий хатти-ҳаракат ва ижтимоий ҳуқуқий фаоллик каби кўрсаткичлари ҳам муҳим.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳуқуқий хатти-ҳаракатлари ва ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигининг ҳуқуқий ҳодисаларни чуқурроқ англашдаги рағбатлантирувчилик моҳияти уч йўналишда тадқиқ қилиниши мумкин.

*Биринчидан*, ҳуқуқий хатти-ҳаракат ва ижтимоий - ҳуқуқий фаоллик ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий билимларини тўлдириб боришнинг муҳим манбаи. Ҳуқуқий маданиятнинг ушбу кўрсаткичлари атрофдаги ҳуқуқий воқеликни бевосита идрок этишга, назарий - ҳуқуқий билишни амалга ошириш учун зарурий далилларни тўплашга ёрдам беради. Айни шу жараёнда ёшларда ўқув юртида олинган билимларнинг касбий фаолиятнинг эҳтиёж ва хусусиятлари билан мутаносиб уйғунлашуви содир бўлади.

*Иккинчидан*, касбий фаолият такрорий қўлланиш зарурияти билан узвий ҳуқуқий билимларнинг ўзлаштирилиши ва мустақамлашувининг муайян усулидир.

*Учинчидан*, ҳаётий ҳуқуқий фаолият мавжуд ҳуқуқий билимлар чинлиги ва етарлигининг зарурий кафолати, шунингдек, уларни кенгайтиришнинг рағбатлантирувчи муҳим омили.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий билимларидаги мавжуд қусурлар уларнинг ўз хизмат бурчларини самарали ижро этишлари билан боғлиқ камчиликларга, жумладан, қонунийликнинг бузилишига олиб келади, субъектив ҳуқуқни жорий этиш асносида эса ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик савиясининг пасайишига, умуман, ҳуқуқий муаммолар, жумладан, ўз ҳуқуқий муаммоларига нисбатан ундаги манфаатдорликнинг камайишига йўл очади. Ана шундай оқибатлар пайдо бўлишининг реал имкониятини тушуниб, ҳуқуқий маданиятли ходим кўшимча ҳуқуқий билимларни ўзлаштиришга ҳаракат қилади.

Юқорида таъкидланган якка ҳуқуқий маданият кўрсаткичларининг амал қилиши ички ишлар идораларида ҳуқуқий қарашлар ва ҳиссиётларнинг ижобий ривожланишини таъминлайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳуқуқий маданиятнинг қонунийликни таъминлашга таъсирининг ижтимоий-амалий мазмуни уларнинг касбий малакаларини такомиллаштириш учун зарур бўлган ижтимоий фойдали ҳуқуқий мақсадлар, йўл-йўриқлар, манфаатлар, идоралар фаолиятини янада ривожлантириш жараёнларини ўзида мужассамлаштиради.

Мазкур жараёнда ҳуқуқий билимлар ўз хизмат бурчини удалашнинг қонунчилик ва мақсадга мувофиқлик жиҳатдан энг қулай шакл ва усулларини эркин танлаб олишнинг зарурий шarti бўлади. Шу маънода ҳуқуқий билимлар ички ишлар идораларининг ҳуқуқни жорий этиш жараёнидаги зиддиятларни бартараф қилишлари учун муҳим омил бўлган қарорларни қабул қилиб, ишнинг кўзини билишларига ёрдам берди.

Ҳуқуқий билимга эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари қонунсизликка қарши собит тура олишига ишонч ҳосил қилиб, ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётнинг фаол иштирокчисига айланади. Мазкур билимлар қонун йўл-йўриқларига муносиб ҳаракат қилиш эътиқодига айланганда, ушбу ҳолат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига ўз хизмат бурчларини самарали удалашларини таъминлайдиган, уларни ижтимоий-ҳуқуқий фаолликка ундайдиган куч-қудрат мақомига эга бўлади. Ҳуқуқий маданиятга эга бўлган ходим хулқ-атворида, ҳуқуқий манфаатларида, мақсадлари ва қизиқишларида ўзининг тегишли инъикосини топган

бундай этиқод унда хизмат мажбуриятларини сифатли адо этиш учун муҳим, барқарор ижтимоий-ҳуқуқий кўникмаларни ҳосил қилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида ироданинг ўрни беқийёс бўлиб, у ходимнинг ҳуқуқий хатти-ҳаракат турларидан бирини танлаб олиши, ўз олдига қўйилган мақсадга етишишда гайрат-шижоати кўрсатишида намоён бўлади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти иродавий ибтидосининг ҳуқуқни қўллашда объектив ҳақиқатга эришишдаги мавқеини этиборсиз қолдириб бўлмайди. Бу эса, бир томондан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги мансабдор шахсларнинг аксарият руҳий, ақл-заковат, ирода, ахлоқ қоидаларининг, иккинчи томондан эса, ишни ўз фойдасига ҳал этишдан манфаатдор шахсларнинг ўзаро кескин муросасиз курашидек моҳиятга эгадир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари маданиятининг қонунийликни таъминлашдаги ижтимоий-амалий аҳамияти аксарият ходимларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллиги билан белгиланади. Ҳуқуқий маданиятнинг мазкур кўрсаткичи ижтимоий фойдали мақсадларни ривожлантиради ва мустаҳкамлайди, уларга барқарор инсоний моҳият бағишлайди, ходимнинг қонун талабларини оғишмай адо этишнинг амалий аҳамиятига ишончини ҳосил қилади. Ҳуқуқий хатти-ҳаракат ва ижтимоий-ҳуқуқий фаолликнинг ходимнинг қонунчилик талабларини сўзсиз бажаришига оид йўл-йўриқлар удаллашини таъминлаши аксарият унинг фаолиятининг ҳуқуқий мувофиқлаштирилганлигига, жумладан, у бажарадиган меҳнатни муайян тарзда нормалаштирилганлигига боғлиқ.

Хизмат билан ҳаддан ташқари бандлик ҳам тегишли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Социологик тадқиқотлар ўтказилганида, ички ишлар идораларининг ходимлари хизматини нормалаштиришдаги камчиликлар меҳнат унумдорлигини пасайтиради (37,7), қонунни бузишга олиб келади (22,6 фоиз), ҳуқуқий ишларни ҳужжатларда қайд этишни издан чиқаради (30 фоиз), касбий малакаларини оширишга тўсиқлар қўяди (30,1 фоиз), маънавий эҳтиёжларини қондиришга ҳалақит беради (44,3 фоиз), оила манфаатларига зиён етказади (49,8 фоиз), деб жавоб бердилар.

Шундай қилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти қуйидаги вазифаларга хизмат қилади:

*биринчидан*, ҳуқуқий билимларни эгаллашининг манбалари доирасини кенгайтириш;

*иккинчидан*, ҳуқуқий ҳодисаларни илмий-назарий савияда билиш имконини яратиш;

*учинчидан*, ҳуқуқий воқеликни билиш жараёнини рағбатлантириш, тифизлаштириш ва муайянлаштириш, олинган ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлаш ва улардаги камчиликларни тузатиш;

*тўртинчидан*, қонун талаблари нуқтаи-назаридан хизмат бурчини адо этишнинг энг мақсадга мувофиқ турлари ва усулларини танлаш;

*бешинчидан*, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги хизмат вазифаларини самарали бажариш касбий ва ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларни тўла қондириш, уларни тўғри ривожлантириш.

Ҳуқуқий маданият бажарадиган, ушбу вазифалар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари зиммасига юклатилган масъулиятли вазифаларни шараф билан адо этишда қонунийлик талабларига риоя этилишини таъминлашга қаратилган.

Маълумки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига: а) ички ишлар вазирлиги ходимлари; б) вилоят, шаҳар, туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бўлимлари ва бошқармаларининг ходимлари; в) ички ишлар кўшинлари; г) давлат автомобиль инспекцияси ходимлари; д) милиционерлар; е) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қошидаги ўқув юртлари ходимлари; и) жазони ижро этиш муассасаларининг ходимлари киради. Буларнинг барчаси ҳар куни фуқаролар, аҳоли билан мулоқотда бўлиб туради. Фуқаролар уларнинг хатти-ҳаракатларига қараб ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига, қолаверса, мустақил Ўзбекистон давлати фаолиятига баҳо берадилар. Шунинг учун ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими фуқаролар билан мулоқотда бўлганида давлатнинг нуфузини ўйлаб тўғри, қонуний муносабатда бўлиши лозим. Шу боисдан ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида ҳам тушунтириш ишларини олиб бориш, уларнинг маълумотини, билим савияларини ҳуқуқий маданиятларини ошириб бориш зарур.

## ХУҚУҚИЙ ТАРБИЯ ВА ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

\* Хуқуқий маданият ва хуқуқий тарбиянинг ўзаро муносабати \* Хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг шараф кодекси

### 1. Хуқуқий маданият ва хуқуқий тарбиянинг ўзаро муносабати

Шахснинг хуқуқий маданияти унинг онги ва хулқ-атвориغا объектив тарзда таъсир этадиган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, тарихий, миллий-анъанавий, диний ва фалсафий-мафкуравий омиллар билан бирга муайян мақсадга йўналтирилган тарбиявий ишлар воситасида ҳам шаклланади.

Хуқуқшунос олимлар инсоннинг онги ва хулқ-атвориغا таъсир этадиган турли омилларнинг хусусиятлари тўғрисида кўплаб асарлар ёзганлар.

Хуқуқий маданият тарбиянинг, ижтимоий-иқтисодий, тарихий, сиёсий, миллий, мафкуравий ва хуқуқий ўзгаришларнинг таркибий қисми ва натижасидир. Ижобий ўзгаришлар шахснинг хуқуқий маданияти савиясини ошириш учун қулай ижтимоий шароитларни яратади, ҳаёт қийинчиликлари эса мазкур жараёнга муайян тўсиқ бўлиб, кишиларнинг хуқуқий онги ва хулқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатади. Маъмурий буйруқбозликка асосланган социализм даври жамиятдаги маънавий ҳолатга фожиали таъсир этди, ахлоқий қадриятларни обрўсизлантирди, хуқуқий нигилизмга олиб келди. Табиийки, бундай ижтимоий-сиёсий вазият мақсадга мувофиқ хуқуқий тарбия ишларини олиб боришга йўл бермади, баъзан эса ҳатто шундай иш олиб боришнинг имконига ҳам чек қўйди. Давлат мустақиллиги ва мамлакатда бошланган сиёсий-хуқуқий ислоҳотлар, халқ ҳокимиятчилигининг тикланиш жараёнлари, ошкораликнинг кенгайиши, сиёсий кўпфиррилиқ, фуқаролар хуқуқий маданиятининг шаклланишига, улар ўртасида олиб бориладиган хуқуқий тарбия самарадорлигининг ошувига, шубҳасиз, ижобий таъсир ўтказди.

Маълумки, шахс хуқуқий маданиятининг даражаси мафкуравий фаолиятнинг мустақил йўналишларидан бўлган хуқуқий тарбиянинг сифатига ҳам боғлиқдир. Мазкур масалага шундай ёндашув хуқуқий тарбияга бағишланган аксарият илмий тадқиқотларда қайд этилади.

Ҳуқуқий тарбиянинг ўзига хослиги унинг мақсад ва вазифалари билан белгиланади.

Ҳуқуқий адабиётларда ҳуқуқий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини тушунишда муштараклик йўқ. Чунончи, бир гуруҳ олимларнинг фикрича, ҳуқуқий фаолликни рағбатлантириш фаолияти икки асосий вазифани ҳал этишни тақозо этади: *биринчидан*, жамиятдан шахсга борадиган ахборотни уюштириш; *иккинчидан*, шахснинг ижобий ҳуқуқий фаоллигини рағбатлантириш шакллари илғаб олиш ва ундан фойдаланиш. Бошқалар эса ҳуқуқий тарбия вазифаларини ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни вужудга келтириш каби тушунтирадилар. Учинчи хил муаллифлар ҳуқуқий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини айнанлаштириб, ҳуқуқий тарбия сирасига илғор ҳуқуқий эътиқодни қарор топтириш, олий даражада ташкил топган ҳуқуқий хатти-ҳаракат ва ҳуқуқий фаолликка эришишни ҳам киритадилар. Жумладан, ҳуқуқий тарбиянинг мақсад-муддаоси онгли ҳуқуқий хатти-ҳаракатни таъминлашдан иборатдир. Шу билан бирга, ҳуқуқий тарбиянинг мақсади шахснинг барқарор ижтимоий фазилатларини шакллантиришдан иборат. Мазкур фазилатлар ҳуқуқий маданиятни белгилаб, ҳуқуқий хатти-ҳаракатлар ва воқеликни мустақил-ҳуқуқий баҳолашни, қонунларга ҳурмат-эътиборни, ҳуқуқбузарликка мурасасизликни, шунингдек, юсак ҳуқуқий фаолликни, ҳуқуқ қоидаларини қўллашда ижодий иштирокни ва уларни такомиллаштиришни ҳамда ҳуқуқий тартиботни ўзида мужассамлаштиради.

Албатта, ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва кўппартиявийлик шароитида ҳуқуқий тарбиянинг мавқеи бирор-бир партиянинг дастурий мақсадига айлантирилиши ва унга мувофиқлаштирилиши мумкин эмас. Бу қонун устунлиги ва жамиятдаги сиёсий турлитуманлик билан сиғишмайдиган ёндашувдир.

Мавжуд қарашларнинг кўп жиҳатлилиги ҳар бир ҳодисанинг моҳиятини англаб етишнинг нафақат табиий, балки зарурий илмий шартидир. Бу нарса ҳуқуқий тарбияга ҳам тегишлидир. Айни пайтда ҳуқуқий тарбиянинг мақсадлари ва вазифалари пухта ва аниқ белгилаб олинган бўлиши лозим. Зотан, тарбиявий жараённинг самарадорлиги тўғрисида мулоҳаза юритиш учун, мазкур жараённинг мақсадларини англаб етиш билан бирга амалда қўлга киритилган натижаларни ўзаро таққослаш имконига ҳам эга бўлиш зарур.

Ҳуқуқий тарбиядан кўзланган мақсад ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдан иборат. Мазкур мақсадга жамият ривожининг муайян босқичида инсоният қўлга киритган ютуқларни ўзлаштириш орқали эришилади.



Ҳуқуқий тарбия мақсадлари ва вазифаларининг ўзаро муносабати тўғрисидаги аниқ тасаввурлар назарий ва амалий аҳамият касб этади. У, хусусан, ҳар хил тоифадаги фуқаролар ва мансабдор шахслар ўртасида олиб бориладиган ҳуқуқий тарбия жараёнида кўпроқ намён бўлади. Табиийки, ҳуқуқий маданиятни қарор топтириш барча ҳолатларда ҳам ҳуқуқий тарбиянинг асосий мақсадидир. Шу билан бирга, ҳуқуқий тарбиянинг вазифаларини ҳуқуқий тарбия ишлари олиб бориладиган фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг тоифалари манфаатларига кўра мувофиқлаштириб олиб бориш зарур.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданияти уларнинг касбларига қўйилган талаблар билан белгиланади. Шу муносабат билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари хизмат ва бўлинмаларининг бурчларини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, процессуал қоидаларни, ҳуқуқни шарҳлашнинг мавжуд тур ва усулларини, уларни тўғри қўллашга оид талабларни, жумладан, одатдан ташқари шароитларда, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида хизмат бурчларини ўташ билан боғлиқ бошқа кўрсаткичларни ҳам чуқур ўзлаштириш каби фазилатларни тарбиялашга алоҳида эътиборни қаратмоқ жоиз.

Демократик ҳуқуқий давлатни қарор топтириш, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллашдаги хатоларни бартараф этиш, қонун устуворлигини ва жамиятда сиёсий турли-туманликни таъминлаш шароитида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини ҳуқуқий тарбиялаш билан боғлиқ равишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг конституциявий заминларини ўзлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий тафаккур малакаларини эгаллаш ва андазасиз мустақил ижодий, қонунга асосланган қарорларни қабул қилиш каби вазифалар биринчи даражали аҳамиятга эга.

Ҳуқуқий-тарбиявий иш муайян принциплар, қоидалар, дастурлар, яъни муайян босқичдаги жамият ривожланиши объектив қонуниятларини тўла акс эттирадиган муҳим ғояларга, назарий хулосаларга асосланади. Мазкур принциплар зарурий назарий замин сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини тарбиялаш ва улар маданиятининг долзарб муаммоларини тадқиқ этишнинг муҳим жиҳатларидан биридир.

Мамлакатимизда кўппартиявийлик қарор топди. Эндиликда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари бирор партиянинг сиёсий йўлини, манфаатларини эмас, балки шахс ва жамият

манфаатларини жамиятдаги демократияни, эркинликни ва адолатни ҳимоя қилишлари зарур.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси "Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги" қонунининг 16-моддасида шундай деб қайд этилган: "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидаги мансабдор шахслар ўз хизмат фаолиятида қонунларнинг талабларига риоя қиладилар ва сиёсий партиялар, сиёсий мақсадларни кўзлайдиган оммавий ҳаракатларнинг қарорларига боғлиқ бўлмайдилар". Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг бирор-бир партияга бўйсунинишни истисно этиш лозим. Бу идоралар ходимлари фақат қонунга, халққа хизмат қилиши, ўз касбий бурчини ҳалол адо этиши зарур.

Тадқиқотчилар ҳуқуқий тарбия принциплари сирасига илмийликни, амалиёт билан боғлиқликни, воқеа – ҳодисаларга алоҳида-алоҳида (дифференциал) ёндашувни киритадилар.

Ҳуқуқий тарбиянинг илмийлиги бирор-бир ижтимоий буюртмани уддалаш билан чиқиша олмайди. Шу боисдан ҳам у баъзи ҳуқуқий идоралар раҳбарлари - мансабдор шахслар кўрсатмаларига биноан қабул қилинган, Ўзбекистон Конституциясига зид келадиган, бинобарин, ҳуқуқий тарбияга зиён етказадиган қонунларни ўз доирасига киритмайди. Дарҳақиқат, илмийлик принципи ҳуқуқий воқеликка танқидий нуқтаи назардан ёндашишни тақозо этади. Шу муносабат билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятидаги қийинчиликлар ва камчиликларга оид оммавий ахборот воситаларидаги аксарият ҳаққоний чиқишларини асосланган ва фойдали деб топиш мумкин. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолияти таҳлилининг бундай танқидий жиҳати уларнинг аксарият қисми онгида "доимо ҳақлик", барча ноқонуний юмушларни ҳам бажаришга ҳуқуқлилик, сохта обрў-эйтибор каби умри тугаб қолган зарарли андазалардан воз кечишга, мавжуд вазиятни тўғри баҳолашга, ўз хизмат соҳасига оид ишларни ҳозирги кун талабига мувофиқ равишда такомиллаштиришга ёрдам беради.

Ҳуқуқий тарбиянинг амалиёт билан боғлиқлиги ҳал этиладиган ҳуқуқий масалаларни мавжуд воқелик билан мувофиқлаштириш зарурлигини ифодалайди. Мазкур принципга мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини ҳуқуқий тарбиялаш жараёнида мамлакатдаги қонунчилик ва ҳуқуқий тартибот маромини эътиборга олмоқ, ҳаётий вазиятлар билан узвийлаштириш, ишдаги илғор тажрибадан фойдаланмоқ зарур. Шуниси эътиборга сазоворки, аниқ социологик тадқиқот давомида сўралган ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимларининг 41,4 фоизи уларнинг касбий тайёргарликларида илғор тажрибанинг ҳам инobatта олиниши ҳақида атрофлича фикр юритганлар.

Ҳуқуқий тарбия ўзига хос хусусиятларга эга муайян тизимдир. Ҳуқуқий тарбия тизими мазмунан чуқур. Уни ҳар томонлама англаб олиш мураккаб. Унинг таркибий қисмларини аниқ ажратиб олиш зарур.

Ҳуқуқий адабиётларда ҳуқуқий тарбиянинг фақат объекти ва субъекти тўғрисидаги фикрларда нисбатан муштараклик бор. Давлат идоралари, меҳнат жамоалари, жамоат бирлашмалари ҳуқуқий тарбиянинг субъектларидир. Қатор тадқиқотчилар ҳуқуқий тарбиянинг объекти деб - фуқароларни, мансабдор шахсларни, меҳнаткашларнинг турли-туман тоифаларини кўрсатадилар. Айни пайтда, аксарият олимлар ҳуқуқий тарбиянинг объекти сифатида шахсни, жамоани, шахснинг онги ва хулқ-атворини, ижтимоий гуруҳларни, кишилар онгининг муайян қисмини, фуқароларнинг турли табақаларини кўрсатадилар.

Фикримизча, зикр этилган нуқтаи-назарлар моҳиятига кўра бир-бирларига зид келмайди. Зеро, улар ҳуқуқий тарбия объектини шахс ва унинг онги билан боғлайдилар.

Ҳуқуқий тарбия таъсири йўналган объект - шахс, унинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий хулқ-атворидаги таркибий жиҳатлардир. Бундай ёндашувда ҳуқуқий тарбиянинг асосий қисмлари сифатида мақсад (ҳуқуқий маданиятни шакллантириш) - объект (шахс); вазифалар (ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий хулқ-атворнинг талаб этиладиган ижтимоий-фойдали фазилатларини шакллантириш) - баҳс мавзуи (ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий хулқ-атвор таркибининг қисмлари) сингари жуфт тушунчаларни келтириш kifоя.

Табииyki, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг турли тоифалари ўртасида олиб бориладиган ҳуқуқий тарбиянинг хусусиятларини инобатга олиш лозим. Бу, энг аввало, ҳуқуқий тарбиянинг вазифаларини англаб олишга имкон беради. Мазкур ҳуқуқий тарбияни ташкил этиш ва амалга ошириш асносида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари вазифаларига боғлиқ равишда таъсир кўрсатиш объектининг аниқ хусусиятларини инобатга олишнинг ҳақиқий имкони туғилади. Объектнинг турли жиҳатларини акс эттирадиган ҳуқуқий тарбиянинг мавзуини тўғри танлаш билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг самарадорлиги орасида узвий боғлиқлик мавжуд. Бирор муваффақиятга эришиш учун таъсир этиш лозим бўлган объектни яхши тушуниб олмоқ даркор. Мазкур нуқтаи-назардан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига ҳуқуқий-тарбиявий таъсир этиш учун, эҳтимол, ҳуқуқий манфаатлар, мақсад-муддаолар, сабаблар, ирода ва бошқа ҳуқуқий онг тузилмаси таркибининг жиҳатлари биринчи галда ўрганиладиган вазифалардан

бўлмоғи лозим. Мазкур омилларнинг муштараклиги одатдаги ва одатдан ташқари ҳолатларда ҳам талаб этиладиган юксак онглилик ва ҳуқуқий хулқ-атворнинг тегишли йўл-йўриқларини шакллантиришнинг замини бўлади.

Баъзи тадқиқотларда ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий ташвиқот, яқка ҳуқуқий тарбиявий ишлар ҳуқуқий тарбиянинг анъанавий шакллари ҳисобланади. Мазкур таснифда назаримизда шакл ва мазмун кетегориялари аралаштирилгандир. Табиийки, ҳуқуқий таълим яқка тартибда ёки жамоада ҳам олиб борилиши ва у иккала ҳолатда ҳам ҳуқуқий ташвиқотни, ҳуқуқий тарғиботни тақозо қилиши турган гап. Бусиз тарбия жараёни ўз мазмунидан ажралиб қолади. Шу боисдан, ҳуқуқий тарбиянинг мазмунини ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий ташвиқот ташкил этади, деб ўйлаймиз. Айни замонда мазкур тушунчаларнинг келиб чиқиши ҳуқуқий таълимнинг ҳуқуқий ахборот мазмунини етказишда, ҳуқуқий тарғибот эса - ҳуқуқий тизимнинг қадриятга оид тавсифларини ва ижтимоий аҳамиятини тушунтиришдан иборатдир. Ҳуқуқий ташвиқот - ҳуқуққа нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва манфаатдорлик муносабатлари, ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётда фаол қатнашиш туйғуларини уйғотади.

Мустақиллик шароитида тарбиянинг барча шакл ва усулларидан фойдаланиш муҳим. Зеро, ҳуқуқий онгнинг мувофиқлаштирувчилик вазифасини амалга ошириш механизмида ҳуқуқий мулоқотнинг иштирокчиси ҳисобланган субъектнинг онглилиги муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, ҳуқуқий тарбия доирасига тортилган ҳар бир шахснинг умумий маданияти, яъни унинг сиёсий, ахлоқий, диний, илмий, фалсафий ва ҳоказо салоҳияти инобатга олинган ҳолда олиб бориладиганда, мазкур фаолият анча самарали бўлади.

Ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқотдан фарқли ўлароқ ҳуқуқий таълим ўқувчилар ва ўқитувчининг биргаликдаги фаолиятини ташкил этиб, унда таълим олувчиларнинг ҳуқуқий билимларни ўзлаштириш, ҳосил қилиш улардан фойдаланиш малакаларини ўқитувчи томонидан режалаштирилган тарзда олиб борилади.

Ҳуқуқий тарбия шаклларига маъруза ўқиш, семинарлар, суҳбатлар ўтказиш ва шунга ўхшаш тадбирлар, усуллар тааллуқлидир.

Ошкоралик ва ҳуқуқий хабардорлик, муқобил ва ҳамиша ҳам тўғри бўлавермайдиган ҳуқуқий баҳолашларнинг мавжудлиги шароитида юқори малакали мутахассислар, олимлар томонидан олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот тадбирларининг шаклларига диққатни жалб этиш жоиз. Социологик тадқиқотлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг 32 фоизи машғулот олиб

борувчиларнинг ўта суст тайёргарлиги ва ҳуқуқшунос олимларнинг машғулотларга етарлича жалб қилинмаслигини қайд этдилар.

Тарғибот-ташвиқот ишларининг кучайтирилиши, албатта ҳуқуқий таълимни бўшаштириш лозимлигини англамайди. Ҳуқуқий тарбиянинг мазкур жаҳасида энг долзарб масала ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини зарурий норматив-ҳуқуқий адабиётлар билан таъминлаш, жумладан, у ёки бу қоида ни қўллашнинг мазмуни ва тартибини шарҳлайдиган, ўз вақтида чоп этилган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Шу муносабат билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳар бир ходимига муайян мансабга тайинланиш баробарида мазкур мансабга оид қоидавий тушунтирувчи ҳуқуқий адабиётларнинг мажмуасини ҳам тақдим этиш айти муздао бўлар эди.

Ҳуқуқий-тарбиявий иш кўпинча муайян воситалар ва усуллардан оқилона фойдаланиш билан амалга оширилади.

Матбуот, радио, телевидение, адабиёт ва санъат асарлари, ҳар хил мавзуларга бағишланган кўргазмали қўлланмалар ҳуқуқий тарбия воситаларидир.

Ҳуқуқий тарбия усуллари орасида эътиқодни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Эътиқод инсоний тарбиянинг бош йўлидир. Зеро, ҳар қандай самарали тарбиявий ишнинг ботиний шароити тарбияланувчининг ахлоқий фаолиятидир, бу эса нафақат муайян ҳуқуқий билимлар мажмуини ўзлаштиришни, шунинг баробарида инсондаги ички эътиқоднинг шаклланиши ва ривожланишини ҳам таъминлайди.

Рағбатлантириш усули каби мажбурлаш ҳам ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқотнинг усули бўлмаса-да, лекин у ҳам муайян тарбиявий аҳамиятга моликдир. Мажбурлаш усули ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини тарбиялашда - ҳуқуқбузарлик юз берган ҳолларда ходимнинг ўз хизмат мажбуриятларини бажаришни истамаганида, бошқа усуллар кўзланган самарани бермаган ҳоллардагина қўлланиши мумкин.

Зикр этилган мулоҳазалар ҳуқуқий тарбиянинг яхлит тизими куйидаги қисмлардан иборатлигини кўрсатади:

*биринчидан*, ҳуқуқий тарбия субъектлари (давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, мансабдор шахслар ва бошлиқлар);

*иккинчидан*, ҳуқуқий тарбия объектлари (фуқаролар, мансабдор шахслар, жумладан ички ишлар идоралари ходимлари);

*учинчидан*, ҳуқуқий тарбия мазмуни (ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий ташвиқот);

*тўртинчидан*, ҳуқуқий тарбия шакллари (маърузалар, семинарлар, суҳбатлар, викториналар);

*бешинчидан*, ҳуқуқий тарбия усуллари (ишонтириш, рағбатлантириш, мажбурлаш);

*олтинчидан*, ҳуқуқий тарбия воситалари (матбуот, радио, телевидение, адабиёт ва санъат асарлари, кўргазмали ташвиқот ва тарғибот воситалари).

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятида умрини ўтаб бўлган зарарли анъаналар ва андазаларнинг ҳозирги кун ривожланаётган амалиётининг талабларидан ортда қолиши муқаррар равишда ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бу ҳолат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятида вужудга келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларини таҳлил қилиш ва уни давр талаблари даражасида бартараф этиш вазифасини илгари суради.

Табииyki, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини бундан кейин ҳам назарий тадқиқ этиш, улар фаолиятидаги бошқа мураккаб муаммолардек, жиддий социологик замин билан таъминланган усуллар асосига қурилган бўлиши зарур. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини аниқ социологик тадқиқотлар натижасида ўрганиш ўз мазмунига кўра ҳуқуқий давлат принципларини, уни барпо этиш йўларини билишни, янги ижтимоий-ҳуқуқий воқелик шароитларида ўз касбий бурчларини ҳалол ва ибратли бажариш қобилиятини кўрсатишга ва тарбиялашга мўлжалланган бўлмоғи жоиз.

Ҳақиқий илмий натижаларни қўлга киритиш, бинобарин, олиб борилган тадқиқотларнинг самарадорлиги, бундай тадқиқотлар юридик илмий тадқиқот муассасаларида ва олий ўқув юртларидаги муносиб равишда уюштирилгандагина амалга ошиши мумкин. Бундай илмий-тадқиқот ишларига олий ўқув юртларида тингловчиларни, айниқса, олий ўқув юртларидаги ўқувни сиртдан, яъни ички ишлар идораларининг турли бўлимларидаги хизмат билан қўшиб олиб бораётган толибларни жалб этиш фойдадан ҳоли бўлмайдди. Айти пайтда долзарб, ҳаёт ривожланиши билан пайдо бўладиган муаммоларни удалаш учун республиканинг етакчи мутахассис олимларидан иборат ишчи илмий гуруҳлар тузиш ҳам кўзланган мақсадга эришувнинг муҳим омилларидан бирига айланиши мумкин.

## 2. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг шараф кодекси

Маълумки, одамлар кишилик жамиятининг узоқ тарихи давомида ўзларини ўраб турган оламда муайян тартиб излаганлар, уни топмаган маҳалларда эса ўзлари мазкур тартибни ўрнатишга интиланганлар. Айни пайтда ҳеч бир одам жамиятдан ажралган ҳолда умр кечирмайди, балки у ўзи мансуб бўлган уруғ, қабила ва жамоанинг вакили сифатида фаолият кўрсатади. Одамлар ўзларига ўхшаш хусусиятга эга одамларнигина эмас, балки улар билан ўхшаш касб-корга, малакага эга мутахассисларни ҳам қидирганлар. Айнан бир мутахассисликка эга касб эгалари бир-бирларидан муайян ишлаб чиқариш сир-асрорларини ўрганиб ўз олдидарида вужудга келиши мумкин бўлган қийинчиликларни бартараф этганлар. Шу боисдан кишилар ўртасидаги муносабат ҳам мазкур касб-корга мувофиқ равишда ўзгариб, яқинлашиб борган. Ушбу яқинлик ўзаро талабчанликни ҳам келтириб чиқарган. Чиндан ҳам бир вақтлар ўзгалар олдида ва жамиятда орттирилган шон-шараф, обрўнинг қадрини асраб-авайлаш учун ахлоқий кураш давом этган.

Худди ана шу туфайли ҳар бир касб эгалари учун ахлоқий принциплар, таълимотлар, ёзилмаган қонунлар шакллана бошлаган. Зотан, мазкур қонун-қоида, принциплар ҳар бир касб эгасини ахлоқий ва касбий таназзулдан, бўҳронлардан сақлаб қолган. Шу йўсинда табиб учун ҳам, ўқитувчи учун ҳам, ҳуқуқшунос учун ҳам муайян нормалар, талаблар пайдо бўла борган. Мазкур қадриятлар ана шу касб вакиллари сафларини мустаҳкамлаган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ахлоқ жамиятда қонунчилик ва адолатни ўрнатиш учунгина эмас, балки уларнинг ўз касбларидаги кадр-қиммат, ҳалоллик ва покликни мустаҳкамлаш учун ҳам зарурдир.

Халқимиз орасида катта нуфузга эга бўлган юристларнинг ахлоқ қоидалари мазкур мутахассислик вакиллари томонидан қаттиқ ҳимоя қилинади. Бунинг сабаби нимада? Назаримизда, бунинг асосий сабаби ушбу касбнинг инсон ҳаёти, маънавияти, қадри билан узвий боғланганлигидир. Чунончи, шундай касблар бўладики, уларнинг вакиллари содир этган хатолар жамият ва инсонга унчалик катта зарар ҳам келтирмайди. Яъни улар янглишган пайтларда хатоларини тузатишга имкон бўлади. Аммо табиб хато қилса, бемор ҳаётдан кўз юмиши мумкин. Унинг хатосини тузатиш, инсон зотининг қўлидан келмайди. Шунингдек, ўқитувчи ҳам беозор ёш авлодни тарбиялашдек улкан масъулиятни ўз зиммасига олади. Бола ўсиб, тарбияланиб билимли, соғлом, комил инсон бўлиб етишса, жамият,

оила, жамоа бундан катта манфаат кўради. Бироқ тарбиясиз қолган боланинг ҳуқуқбузарлик, безорилик қилишга рағбати, имконияти кўпроқ бўлади. Шу боисдан комил инсон тарбияси ёшликдан бошланади. Халқда "Бола бошдан" ҳикмати бежиз айтилмаган...

Зикр этилган фикрларни ҳуқуқшуноса нисбатан ҳам айтиш мумкин. Ҳуқуқшунос, хусусан қонунни муҳофаза қилувчи мутахассис жамиятдаги адолат ва адолатсизлик учун масъул шахсдир. У билиб ёки билмай, эҳтиётсизлик билан жиноятга қўл урган ўнлаб кишиларнинг тақдирини ҳал этади.

Агар, борди-ю, бирорта ҳуқуқшунос эгри йўлга кириб, тақдири унинг қўлида бўлган шахсни айбсиз жиноий жавобгарликка тортса, у ҳолда фақат айбсиз киши олдида эмас, балки бутун жамият олдида унинг мавқеи зил кетади. Бунинг устига, тартиб ҳимоячиси ҳокимият номидан иш юритиб, ноҳақ иш қилса, айбсиз жавобгарликка тортилган шахснигина эмас, бутун жамоанинг жамиятдаги қонунийликка, адолатга нисбатан ихлосини сўндиради. Зеро қонунийлик ҳар бир ижтимоий, ҳуқуқий ҳодисада устувор бўлса, ҳуқуқ-тартибот ҳам шу қадар мустақкам бўлаверади.

Юқоридаги мулоҳазалар боис ҳуқуқ муҳофазаси идоралари вакиллари ўз мутахассисликлари орқали жамиятдаги нуфузлари, марқалари учун тинимсиз меҳнат қиладилар. Зотан, мазкур хусусиятларсиз ҳуқуқшуноснинг инсон ва жамиятга нисбатан одиллик ва оқиллик билан қиладиган хизмати маъносиз бўлади. Мазкур қадриятларнинг барчаси ҳуқуқ-тартибот ходимларининг ҳаёт тарзи, яшаш шароитидан келиб чиқади.

Ҳуқуқшуноснинг касбий этикаси ахлоқий муносабатлар, онг ва қадриятлар тўғрисидаги фан сифатида чуқур илдишларга эга. Мазкур илдишлар халқ ҳаёти, умуминсоний қадриятлар сарчашмасига бориб тақалади. Шу боис касб этикаси, ахлоқий муносабатлар, онг, амалиёт, тамойиллар, қонун ва қонуниятларни ўрганадиган этика фани билан узвий боғлиқ.

Масаланинг тарихига бир назар ташлайлик. Шарқда яхши хулқ-ахлоқ, одоб юксак қадрланган. Мазкур муаммолар билан жамиятнинг энг илғор, обрўли кишилари шуғулланганлар. Бундай зотлар ичида аксарият файласуфлар, олимлар, шоир ва ёзувчилар, илоҳиётчилар учраб, уларнинг пок қаломлари халққа ҳақиқат ва адолат, матонат ва нафосатдан сабоқ берган, одамларни эзгуликка чорлаган. Улар барча ҳолларда ҳам инсоннинг комиллиги, ҳалол ва виждонан қилинган меҳнатга чамбарчас боғлиқ эканлигини қайд этганлар. Яъни мазкур алломалар яхшилик қарор топган фозил мамлакатда, жамиятдагина маънавий ва жисмонан комил инсонлар тарбияланиши мумкинлигини башорат қилганлар.



Чунончи илк ўрта аср даврининг ёрқин ва йирик намоюдаси Абу Наср Форобий, ўзининг "Фозил одамлар шаҳри" деган китобида эзгу хислатларга эга бўлган шахсларнинг фазилатлари тўғрисида чуқур муҳокама юритади. Унинг фикрича шаҳар - бу ҳар қандай кишилар, яъни эзгу хислатли одамлар, шунингдек, ёмон хислатли кишилар яшайдиган макон. Шаҳарнинг ободлиги яхши хулқ-атвор, одобга эга кишилар саъй-ҳаракатининг маҳсулидир.

Улуғ бобомиз Алишер Навоий ҳам эзгу инсоний ҳислатларни тараннум этган юксак бадий ва фалсафий асарлар битган. "Яхши кишиларнинг ҳайратланиши" ("Ҳайратул аброр"), "Кўнгилларнинг севгани" ("Маҳбул қулуб") асарлари унинг бу соҳада қилган буюк хизматларининг гўзал намунаси. Мутафаккир ҳар бир кишининг эрки жамият эрки билан узвийлигини уқтириб, ўрта аср Шарқи шароитида ҳуқуқ тартиботни муҳофаза қиладиган ёмон хулқли мансабдорларни аёвсиз танқид қилади.

Биобарин, адолат ва эзгулик салтанатининг фозиллари, энг аввало, хулқ-атворли ва бошқаларнинг шодлигига ёрлик, гамига ғамгузорлик кўрсатадиган инсонлар бўлганлар. Шу боисдан уларни эл ардоқлаган.

Албатта, бундай шарқона ахлоқий анъана касбий ахлоққа, жумладан, ҳуқуқ-тартибот ходимларининг ҳам касбий одобига баракали таъсир кўрсатган. Ҳар қандай ахлоқ сингари ҳуқуқшунос ахлоқи ҳам диний қадриятлар оғушида камол топди. Зеро халқларимиз тарихида ахлоқ дин билан боғлиқ бўлган. Мамлакатимиз ҳудудида ислом дини қадриятларининг ўрнашиб қолғунига қадар бу ерда яшовчи халқларимизнинг ўз динлари - оташпарастлик, буддачилик, зардуштийлик кабилар мавжуд бўлган. Мазкур динлар ҳам одамни юксак инсонийлик қадриятлари руҳида тарбиялашга даъват этган.

VIII асрдан бошлаб ҳудудимизда ёйила бошлаган ислом дини маданиятнинг кўриниши каби мавқени эгаллаган. Зеро шу пайтгача бир-бири билан унча боғланмаган урф-одатлар, анъаналар энди яхлит тизим шаклига келтирилган бўлиб, у Қуръони каримда ўзининг назарий ифодасини топди. Энди одамларнинг бу дунёдаги бой ва камбағалга бўлиниши Аллоҳнинг иродасидир, зеро унинг олдида масъуликда шоҳ ҳам, гадо ҳам тенг. Шу тариқа яхшилик мукофотланиб, ёмонлик эса лаънатланган.

Албатта, Ислом дини одамларнинг шу дунёда бахт-саодатга эришиш йўллари излашни чеклаб қўйган. Аксинча, у кишилар абадий олам - у дунёда фароғатда яшашлари учун улар шу дунёда бир бирларига бардошли бўлиб, мурувват кўрсатишлари лозимлигини қайд этди.

Табийки, бундай ахлоқ ўзининг дунёвий илдиэларидан ҳоли эмасди. Яъни яхшилик истайдиган одам ўзгалар юрагига эзгулик уруғини қадаши, ёмонлик қилган одам эса шунга яраша ажрим олиши керак. Олам яхшиликка, эзгуликларга тўла, демак фозил бўлиш учун барча имкониятлар мавжуд. Зотан, одам учун яхшилик қилиш ёмонликни содир этишдан кўра афзал, фойдали. Хусусан, мусулмон динининг комил инсон олдига қўйилган талаблари иншо этилган Ҳадисларда - Муҳаммад Пайғамбарнинг ҳаёт тарзи, ўғитларидан иборат қоидаларда - амалий мукамал шахсни, мусулмонларни тарбиялашнинг маънавий ва амалий йўллари баён этилган.

Бинобарин, ҳуқуқшуноснинг одоби умуминсоний қадриятлар асосида диний қадриятлар таъсирида шаклланади. Жумладан, Ислом мусулмон дини доирасида ҳуқуқшуноснинг касб этикаси шарият - мусулмон ҳуқуқи талаб ва қоидалари билан муайян тизимга келган. Шарият эса мусулмонлар ҳаётидаги барча асосий ҳуқуқий тамойилларни, нормаларни муайян яхлитлик ҳолатига келтириб, уларни қозилар, муфтилар, миршаблар ва бошқа ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ходимлари фаолиятига татбиқ этишни талаб қилди. Бошқача айтганда, ҳуқуқшуноснинг касб этикаси мусулмон динидаги ахлоқий қадриятларга, умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда қарор топди, ривожланди. Шунга кўра ҳуқуқшунос бошқалардан қонунга итоаткорликни талаб қилиши учун аввало ўзи қонунийликнинг энг яхши анъанлари руҳида тарбияланган фозил одам бўлмоғи даркор. Яъни ҳуқуқ ва қонун соқчиси сифатида унинг ўзи қонунга риоя қилиши, бировларнинг эрклари ва ҳуқуқларини бузмаслиги зарур. Бундай фазилят ахлоқнинг "олтин қоидаси" бўлиб, унга кўра инсон ўзи учун номақбул бўлган хатти-ҳаракатларни бошқаларга нисбатан ҳам амалга ошириши ақлдан эмаслиги таъкидланади.

Бундан ташқари, ҳуқуқшунос ўзгалар тақдирини ҳал қилар экан, маълум маънода ўзининг намунавий турмуш тарзи билан ахлоқий қилмишларнинг мезони, тарозуси бўлиши лозим. Шундагина у қонун посбони сифатида бошқалардан қонуннинг ҳар қандай қоидасига бўйсунини талаб қила олади.

Демак, авваламбор, ҳуқуқшуноснинг ўзи қонунларни ҳурмат қилиши, ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилмаслиги, қонунга итоаткор фуқаро бўлиши лозим.

Ҳуқуқшуноснинг касб одобига риоя қилиши жамият ривожининг турли босқичларида ҳар хил маъно ва мазмун касб этади. Чунончи, маъмурий-буйруқбозлик тизими даврида қонунда мустаҳкамланган фуқаронинг ҳуқуқлари тан олинмасди. Бундай

қолларда "телефон ҳуқуқи" устун бўлар, партиявий номенклатурадаги шахснинг ҳатто ҳар қандай оғзаки йўл-йўриги ҳам барча "одил судлов"лардан юқори қўйиларди. Ҳуқуқшунос этикасига, унинг жамият олдидagi ахлоқий мажбуриятларига етарлича эътибор берилмас эди. Бундай ҳолат оқибатсиз қолмади.

Бизнингча, бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида жамиятимизда урф бўлаётган маърифий муносабатларга мувофиқ равишда Ҳуқуқшуноснинг шараф кодекси қоидалари ҳам шаклланиб бориши лозим. Ҳуқуқшуноснинг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимининг мазкур соҳа вакиллари ахлоқий муносабатларни акс эттирадиган қоидалар мажмуасини тақлиф этишнинг мавриди келди. Шу муносабат билан ҳуқуқшуносга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимига қўйиладиган асосий ахлоқий талабларни, уларнинг ўзаро ахлоқий муносабатларини ифодалайдиган Ҳуқуқшуноснинг шараф кодексини тузиш зарур.

Ҳуқуқшуноснинг шараф кодекси, назаримизда, ҳуқуқ муҳофазаси амалий ходимларининг давлат хизматини уддалаш пайтидаги ва ундан ташқаридаги - турмуш-таомилидаги, оиладаги, дам олиш пайтидаги, шунингдек, бошқа жойлардаги ахлоқий қоидаларини ўзида мужассамлаштириши зарур. Албатта, ҳуқуқшунос фаолиятининг барча жабҳаларини мезонлаштириш қийин. Бироқ, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимларига жамият томонидан қўйиладиган зарурий ахлоқий талаблар уларни ўзларига ва ўз хизматларига баҳо беришга мажбур этади.

Шу аснода, фикримизча, ҳуқуқнинг айрим соҳалари вакиллари - прокурорлар, судлар, терговчилар, адвокатлар, ҳуқуқий маслаҳатчилар, ички ишлар идоралари ходимлари, милициянинг фаолиятига оид шараф кодексларини қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур кодекслар тегишли мутахассислик вакилларининг ўз съездлари - йигинларида, жумладан, Ўзбекистон ҳуқуқшунослари съездида қабул қилиниши мумкин. Кейинчалик мазкур кодекслар барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳалари ходимларининг амалий фаолиятларини намунали бажариш учун маънавий асос бўлиб хизмат қилган бўларди. Бу ишни уддалаш ҳуқуқий давлатни барпо этиш, давлат хизматчилари ва фуқаролар, тармоқдан ташқаридаги ходимлар ва фуқаролар ўртасида маърифий муносабатларни тиклаш ва қарор топтириш эҳтиёжларидан келиб чиқади. Бундай эзгу иш яхши ниятга, олий мақсад ҳуқуқшуноснинг барча фаолияти доирасида унинг шарафини қадрлашга хизмат қилар эди.

Ҳозирги кунда ички ишлар идораларида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб одобномаси амал қилиб турибди, яъни ахлоқнинг маърифий

қоидаларини ўрнатишга муайян ҳаракат қилинди (Ички ишлар вазирининг 1993 йилнинг 12 декабрида 446-буйруғи билан мазкур ахлоқий қоидалар тасдиқланган).

Шундай қилиб, малакали ҳуқуқшуноснинг, амалий ходимнинг шарафини эъозлаш фақатгина Ҳуқуқшуноснинг шараф кодексини қабул қилиш воситаси билангина амалга ошиши мумкин, деб ўйлаймиз.

## ҚОНУНГА ИТОАТКОРЛИК - ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ БЕЛГИСИ

### XVII боб

#### ҚОНУНГА ИТОАТКОРЛИК ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ

✽ Қонун устуворлиги - ҳуқуқий давлат белгиси ✽ Қонунга итоаткорлик - қонунийлик ва ҳуқуқий тартибнинг негизи ✽ Қонунга итоаткорлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти

#### 1. Қонун устуворлиги - ҳуқуқий давлат белгиси

Ўзбекистон Конституцияси мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат куришни эълон қилди. Демократик давлат қонуннинг юксак ва мустақкам нуфузисиз бирор-бир маъно касб этмайди. Мазкур ҳақиқатни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатдаги янгиланиш ва тараққиёт сиёсатининг негизига киритди. Қонуннинг устуворлиги - ҳуқуқий давлат фаолият кўрсатишининг зарурий шартидир<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан ҳам қонун устуворлигисиз бунёдкорлик йўлига кирган шахсий ва иқтисодий эркинликка асосланган жамиятни барпо этиб бўлмайди. Қонуннинг чинакам устуворлигини амалда таъминлаш учун нималар қилиш зарур?

Ўзбекистонда кўрилган амалий тадбирлар натижасида давлат механизми жамиятда қонунийликни таъминлашга, унинг барқарорлигига кўпроқ умидворлик туғдирмоқда. Оддий кишиларнинг қонунлар қудратига ишонишларига кафолат ҳам ана шунда. Бобомиз Амир Темур ўзининг машҳур тузуклари - давлатни бошқариш қоидалари мажмуида бундай башорат қилган эди: "Зарурий тартибот ва қонунларга риоя қилиш тақдирим ва муваффақиятларимнинг негизи бўлди"<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Биздан озода ва обод Ватан қолсин. -Т.: Ўзбекистон, 1994.-47-б.

<sup>2</sup> Амир Темур. Темур тузуклари. -Т.: Фан, 1992. -9-б.

Чиндан ҳам қонунларни қўллашнинг бузилиши жойларда ижроия ҳокимиятининг, ундан сўнг ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг ҳуқуқий ночорлигини келтириб чиқаради.

Бутунги кунда қонунийлик учун кураш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Қонун ва судлов тартибига қатъий риоя қилинган ҳолда қотиллар, давлат мулкани ўзлаштирганлар, ижтимоий тартибни бузувчилар жиноий жавобгар шахслар ёхуд сиёсий номасъул кишилар, улар ким бўлиши, қайси мавқени эгаллаб турганлигидан қатъи назар, бирдай муайян жазога тортилмоқдалар. Башарти қонун амал қилмаса, давлат ва унинг ҳокимиятларида нуфуз, халқда эса ишонч ва сабр-тоқат қолмайди.

Қонун бузилишининг манбаини - ғаразли мақсадлар, касбий ва ишга оид малакасизлик, хизмат бурчига риоя қилмаслик, давлат тузуми ва жамиятга душманлик муносабати, ҳуқуқий саводсизлик, безорилик ва ахлоқсизликка асосланган турмуш тарзи, халқ ва давлат маблағи ҳисобидан бировларга ҳотамтойлик кўрсатиш ташкил этади. Аксарият ҳолларда қонунни бузишнинг илк қадамлари умумий саводсизлик ва маданиятсизлик билан боғлиқ, яъни баъзиларнинг соддалиги ёки жазоланмасликка умидворлиги қонунинг бузилишига олиб келиши мумкин.

Барчанинг ҳуқуқий саводхонлиги бу борада муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, *биринчидан*, раҳбар ходимлар ўқувини ташкил этиш лозим. *Иккинчидан*, барча мутахассисларни - врачлар, ўқитувчилар, муҳандислар, хуллас, ҳуқуқий қоидалар билан иш кўрадиганларни ҳам ҳуқуқий саводхон қилиш жоиз. *Учинчидан*, матбуот, телевидение ва радио орқали қизиқарли ҳуқуқий маърифий ишлар тарғиботини олиб бориш даркор. Мазкур соҳага оид баъзи амалий ишлар йўлга қўйилди, лекин муайян мақсад йўлида қилинадиган ишлар қўлами жуда кенгдир.

Шу аснода фуқарони нима эркин қилади, деган савол туғилади. Назаримизда, мазкур саволга фуқаронинг қонун моҳиятини мукамал тушуниб етиши уни чинакам эркин қилади, деб жавоб берса бўлади. Зеро қонуннинг моҳиятини тушуниб олиш, унга ихтиёрий риоя қилишга ва унинг асосида фаолият юритишига ёрдам беради.

Қонуннинг адолатлилиги инсон ва жамиятнинг мустақиллик моҳиятига мос келадиган эҳтиёжларига боғлиқ. Аммо биз мазкур одатга ўрганганмизми? Биз ҳамма вақт мустақилликка монанд ақл-идрок кўникмаларига эгамизми, шу боис ҳам мустақиллик ва ташаббускорликнинг жамият учун самараси ҳисобланган иқтисоддаги ишбилармонликка қаттиқ қаршилик кўрсатмаяпмизми?

Қонун омма онгининг ривожидан баъзан жадалроқ ҳаракат қилиши ҳам мумкин. Аммо шу билан бирга қонун омманинг яширин манфаатлари инъикоси ҳам бўлиши лозим. Бизнинг янги мустақил давлатимизда қонун эркинликнинг, маънавийликнинг, ҳўжалик юриртишининг, маорифнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида намоён бўлмоқда. Ҳар бир қонун матнига ҳозирга кун учун ўта зарур, лекин унга эришиш воситалари етишмайдиган эркинликларнинг имконияти, захиралари киритилган. Бундай тамойил бозор муносабатларининг ҳуқуқий негизини шакллантиришга йўналтирилган қонунчиликни белгилайди.

Қонунни амалга оширишнинг йўли - қонунда ифодаланган ҳуқуқ ва эркинликларни масъулият билан мувофиқлаштириш мезонидир. Шахснинг ҳуқуқларини жамият ва халқ ҳуқуқларига қарама-қарши қўйиш бизнинг қадимий маданиятимиз учун ёт нарсасидир. Зеро, Шарқ маланиятига нафақат Ўзбекистон, балки Япониядек ривожланган давлат ҳам мансубдир. Мазкур маданият шахснинг ҳаёти ва ўз қадр-қимматини асраб-авайлаб сақлашини тақозо этади. Бундай қадриятлар маънавий-ахлоқий жиҳатдан бутун халқ томонидан қўллаб-қувватланган тақдирдагина шахсда баркамол инсон бўлиш салоҳияти туғилади. Чунончи, Алишер Навоийдек шоир ва вазир учун унинг ўзига эмас, балки халқига садоқат билан хизмат қилиш улўв шараф ва беҳад қувонч бағишлаган.

Мазкур улўввор ахлоқий ва ҳуқуқий қадрият шахснинг мутлақ ҳуқуқи устуворлигининг мустаҳкам негизиде қурилган. Бироқ моҳият эътиборига кўра, бу ҳолатларда ҳам, башарти давлат ва жамиятга хавф туғилган тақдирда амалда бошқа ҳуқуқ, яъни шарқона ҳуқуқнинг тарихий тажрибаларда минг марталаб синалган қондаларига мурожаат қилинади, яъни мазкур муаммоларни ечиш учун жамият ҳуқуқи устуворлигига асосланган анъанавий қондалар қўлланади.

Давлатда кишиларнинг ўз мустақиллигини ихтиёрий белгилаб олган эркинлиги ва масъулияти аксарият ҳолларда фуқароларнинг ҳуқуқ-тартибот ходимларига нисбатан юксак ишонч билан ҳам узвий боғланган. Нафсиламрини айтганда, уларга нисбатан халқнинг анчагина эътирози ҳам бор. Мазкур ҳақли эътироз ва норозиликлардан ҳеч ким ўзини четга олмаслиги керак.

Аксарият хорижий мамлакатларда ҳуқуқ-тартибот тизимларининг сафлари номуносиб ходимлардан тозаланиб турилади. Чунончи, Италияда магистратуранинг олий кенгаши мавжуд бўлиб, у прокуратура ва судларнинг қабул қиладиган ҳуқуқий қарорлари қонунийлигини, бошқача айтганда, уларнинг малакаси ва хизмат бурчига садоқатини аниқлаб беради. Мазкур идораларнинг қарорига

мувофиқ прокурор ва судьялар ўз эгаллаб турган хизмат лавозимларидан четлаштиришлари ҳам мумкин.

Магистратура олий суди собиқ адлия ходимларига нисбатан жиноий жазо қўлламайди, балки у ходимнинг бутунги кунда ўз ишига мувофиқлиги ва унинг бундан кейин ҳуқуқий фаолиятга жалб қилиниши мумкинлиги масаласига оид тегишли қарор чиқаради. Мазкур қарорни ҳеч ким бекор қила олмайди.

Халқ маънавийлиги, кенг жамоатчиликнинг фикри - қонунчиликнинг мавжуд ҳуқуқий анъаналаридан фойдаланиш борасида муайян фикрлар уйғотади. Гап маҳаллаларда қадимдан мавжуд бўлган оила, турмуш келишмовчиликларини оқилона ечиш масаласи билан анъанавий шуғулланиб келган виждон судлари ҳақида бормоқда. Бирор-бир ҳуқуқ сабабга кўра ўзаро жанжаллашиб қолган қариндош-уруғларни, қўни-қўшниларни давлат ходимларига нисбатан катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган маҳалланинг обрўли оқсоқоллари тезроқ ва қулайроқ муросага келтиришлари мумкин.

Давлатдаги қонунчилик - жонли ва ривожланадиган ҳодисадир. Қонунчилик давлатнинг буюклигини чашмадай сугориб туради. Худди ана шу боис ҳам Ўзбекистоннинг буюк келажагини халқимиз чинакам қонунчилик илдишлари асосида қурмоқда.

Конституция ва қонунлар давлатчиликнинг муҳим белгилари сирасига кирadi. Шу боисдан ҳам Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш унинг негизига, халқ олдида давлатнинг масъулиятига, инсон ва фуқаро ҳуқуқининг устуңлигига риоя қилишдек ҳуқуқий принциплар қўйилади. Қонунчиликнинг бош мезони - Конституция қоидаларига асосан қабул қилинган қонунларнинг, фармонларнинг, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, маҳкамалар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар, шунингдек, юридик шахсларнинг қабул қиладиган қонун ости ҳужжатлари ва ҳаракатларига мувофиқ келишидир. Қонунчилик бундай ҳуқуқни амалда таъминлашдан ўзга нарса, яъни у давлат, жамият, фуқаронинг ҳаётига чинакамига кириб борган қонундир.

Баъзи давлатларнинг ҳуқуқий амалиётида кенг урф бўлган салбий намуна мавжуд. Бундай давлатларда "инқилобий зарурият"ми ёхуд "қонунчиликнинг ҳаётдан орқада қолиши" баҳонаси биланми, юқоридаги талабга риоя қилинмайди. Худди шундай Конституцияга ҳам ўта эркин муносабатда бўлишда ҳуқуқий бошбошдоқликнинг ўзак сабаблари ётади. Ёш давлатимизни четдан туриб Конституциямиз ва қонунларимизнинг талабларига риоя қилмасликка даъват этадиган ҳоллар учрайди. Башарти уларга кўра иш юритилса, гўёки мамлакатимиз ва унинг раҳбариятининг халқаро нуфузи ошар эмиш ва бу билан мамлакатда демократия ривожини янада



жадаллашар эмиш. Зеро қонунчилик жамиятда ва давлатда ўзининг барқарорлиги билан ҳам ҳуқуқий кафолатдир. Наҳотки қонунни ҳар дақиқа муайян вазият ўзгаришига мувофиқ равишда янгилаб туриш мантиққа тўғри келса? Аммо мазкур эҳтиёжларни тушуниш, яъни ёндашувларнинг келиб чиқишидаги ҳуқуқий шарт-шароитларни ҳолисона ўрганиш ўта муҳимдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон қонунчилигига кириб бораётган қоидаларни фуқароларимиз бундан олдинги даврлар тажрибаси билан таққослаб олмақдалар. Шу боис бизнинг қонун ижодкорлигимиз самарали ривож топмоқда. Мамлакатимизда ҳуқуқий парокандалик собитқадамлик билан тугатилиб бормоқда ва келажаги улуг Ўзбекистоннинг ҳуқуқий андазаси шаклланишидек янги даврни бошдан кечирмоқда. Чунончи, бугунги қонунчилигимиз учун ҳокимлар фаолиятининг қонуний асосларини яратиш, кўппартиявийлик ва иқтисодий ислохотлар шароитида вакиллик ҳокимиятларини сайлаш мутлақо янги қоидалардир.

Совет даврининг баъзи қонунлари очиқ-ойдин у ёки бу халқнинг миллий маънавиятини чеклаб қўяр эди. Наҳотки, маърифий қонунларда "ўтмиш сарқитларига қарши кураш" қоидага айланиб қолган бўлса? Мазкур ҳодисани инкор этиб, ўз турмуш-таомилимиз сарқитларини муқаддаслаштирмаслигимиз ҳам лозим. Бундан қонунчилик бирор-бир бўёқдаги сиёсий мафқуранинг қуролига айланмаслиги керак, деган хулоса келиб чиқади.

Истиқлол йилларида парламентимиз уч юздан ортиқ қонунларни қабул қилди. Уларнинг барчаси инсон ҳуқуқлари, иқтисод, давлат бошқаруви, ижтимоий тизим, маданият ва халқаро муносабатларга оид Ўзбекистон мустақиллигининг турли жабҳаларига тааллуқли ҳуқуқий заминларни барпо этишга қаратилган. Мазкур ўринда Президентимиз И.А.Каримов томонидан илмий асосланган жамиятимиз янгиланишини босқичма-босқич амалга ошириш тамойили яққол кўзга ташланади. Қонун кетидан қонунларни мунтазам қабул қилиб, гўё битта-битта гишт териб қуриладиган муҳташам бинони тиклагандек, Ўзбекистоннинг ҳуқуқий биноси ҳам дадил қад ростламоқда. Шуниси ибратлики, қонун лойиҳалари ва амалдаги қонунлар жамият чиндан ҳам мазкур қонун-қоидаларсиз яшай олмагандагина ҳаётга йўл олади. Кўппартиявийликка асосланган парламент ўз вазифасини бажармоқда. Қонунларни сиёсий муҳорабаларда, жангларда ҳар қандай йўл билан бўлса-да, тазйиқ ўтказиш қўғирчоғига айлантирмаслик даркор.

Хатто энг яхши қонун ҳам ўзича ҳаётга кириб бормади, балки у ошиб борса қонунчиликни қабул қилишнинг муайян шарт-шароити бўлиб қолаверади. Мазкур ўринда қонун-қондани нима ҳаракатга

келтира олади, деган савол туғилиши табиий. Мазкур саволга "қонунга итоаткорлик", деб жавоб бериш ўринли бўлади, деб ўйлаймиз. *Қонунга итоаткорлик юксак умумий маданиятликнинг ҳосиласи ва мезонидир.* Бундай маданият Шарқ халқларида азалдан урф бўлиб келган. Бугун бизнинг олдимизда эса уни тиклашдек улугвор вазифа турибди. Албатта, мазкур маданиятни тиклаш бугуннинг маданияти, маънавияти ва нуқтаи-назари негизда амалга оширилиши зарур.

Баъзилар қонунга итоаткорликни инсоннинг қонунга сўзсиз кўр-кўрона итоатидек тушунишади. Аслида эса, *қонунга итоаткорлик, энг аввало, қонуларни пухта билишни ва уларга риоя қилиб яшашни тақозо этади. Қонуларни бундай билиш давлатга ҳам, фуқарога ҳам бирдай хос ва фойдали фазилат бўлиши лозим.*

Ҳуқуқий маорифни советчасига тушуниш омманинг қонуларни чуқур англаб олинишини кўзда тутмас эди. Зеро бу нарса маъмурий-буйруқбозлик учун хавф-хатарли моҳият касб этарди. Фақат маъмурий-буйруқбозларгина оммавий ҳуқуқий саводсизликдан фойдаланишлари мумкин эди. Бундай норасмий, лекин жуда ҳам кўзга ташланадиган муносабатлар устувор бўлган давлатда ҳуқуқнинг мавқеини инкор этиш ходимларнинг зарурий тарбиясини издан чиқаради, ижтимоий онга салбий таъсир кўрсатади. Бугун ўта қийинчилик билан, лекин барибир, қонун устунлигининг, қонуларга риоя қилишнинг ижтимоий зарурлигини барча бўғинлардаги ходимлар тушуниб етмоқдалар. Худди ана шундай ахлоқий ва амалий сабаблар туфайли Президентимиз И.А.Каримов президент учун ҳам, оддий фуқаро учун ҳам қонун итоаткорлиги бирдай муҳимдир, деб қайта-қайта такрорламоқда.

Қонуларнинг талабларини онгли равишда бажариш туйғуси барчанинг ўзида тарбияладиган инсоний фазилати бўлмоғи лозим. Шу боис ҳам Ўзбекистонда маданий ва маънавий юксалиш тараққиётнинг муҳим вазифасидир. Мамлакатимиздаги ҳар бир инсон, халқ давлат, жамият ва оила олдидаги ўз масъулиятини онгли равишда англаб етмоғи лозим. Муслмон қонуларининг мажмуаси - шариатда қонунга итоаткорлик мазкур динга эътиқод қилувчиларнинг ахлоқ-қондаси, виждон амри бўлган. Чунончи, қонуларга кўра ўғрилик содир этган киши инсон деб аталишдек юксак маънавий шарафдан маҳрум бўлган.

Суднинг қонуний жазоси билан халқнинг ахлоқий жазоси бевосита боғланган ва улар ҳуқуқни бузувчиларга қарши бирдай шафқатсиз бўлиши лозим. Қўлга тушмаган ва жазоланмаган ҳуқуқбузарларнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари тўғрисида ҳалол одамлар олдида ортиқча мақтанишлари бизга нисбатан халқнинг

тавқи лаънати эмасми? Бундай ҳуқуқбузарлар давлатимиз ва халқимизни алдаб келаётганликларини тушунмайдилар.

Буюк мутафаккир, фалсафий-ҳуқуқий ғояларни ҳимоя қилган файласуф Абу Наср Форобий (870-951) жаҳон аҳамиятига молик давлатнинг халифаси ҳузурида фаолият кўрсатган машҳур ҳуқуқшунос ҳисобланган. Унинг эътирофича, қонунларни ҳаётга жорий этиш уларни чиқаришдан кўра мураккаб жараён<sup>1</sup>.

Бизда яқин кунларгача қонунларни амалиётга жорий этиш ўзгача қоидалар билан бажарилар эди. Шу боис ҳам бундай одатни тарк этишимиз қийин бўлмоқда. Зеро барчанинг давлат тузилмаларидан тортиб, то мансабдор шахсларгача қонунга риоя қилиши фуқароларни қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялайди. Бобомиз Амир Темурнинг таъкидлашича, оддий одамларга нисбатан қилинадиган қонунсизликдек қонун ва давлат нуфузини туширадиган бирон-бир нарса йўқ<sup>2</sup>.

Қонунчилик, инсон нимагаки ҳақ-ҳуқуқи бўлса, унинг моҳиятини холис очиб ташлайди. Бундай ҳуқуқнинг жорий этилиши учун, биринчи навбатда, давлат саъй-ҳаракат қилиши даркор ва, аксинча, мазкур қоида фуқароларнинг ҳам давлатимиз арконларини мустаҳкамлаш учун масъул эканликларини ифодалайди. Қонунда фуқароларнинг бажаришлари лозим бўлган мажбуриятларини кўрсатишдан ҳадиксираш жамиятдаги демократияга эмас, балки боқимандаликка хизмат қилади. Уларнинг - давлат ва фуқароларнинг бундай ўзаро масъулият туйғуси чинакам қонунчиликнинг кафолатидир. Ўз фуқароларига нисбатан фақатгина давлат ҳуқуқли бўлмайди. Агар шундай бўлганда, фуқаролар давлат фуқаролари бўлиб қолардилар, холос. Аммо фуқаролар ҳам давлатдан ўзларидаги барча талабларни ижро этишни сўрамасликлари лозим. Боқимандаликдан иборат бўлган бундай кайфият кучайганида давлатчилик заминларига путур етади. Шу боисдан Конституциямиз давлат ва шахс ҳуқуқларининг оқилона муносабатини белгилаб қўйган.

Қонунчилик барча ҳолатларда ҳам ҳуқуққа асосланган собитқадамликдир. Шу сабабли ҳам қадимгилар қонунсизликдан кўра, ёмон бўлса ҳам, қонунларнинг мавжуд бўлгани афзал, деб каромат қилганлар. Нега бундай? Бунинг боиси, қонунни оддий тартибда жамоа иштирокида ўзгартириш ёхуд алмаштириш мумкинлигидир. Қонунсизлик эса бирор-бир тартиб билан мезонланмаганидан уни ҳеч қачон муайян бир доирага киритиб бўлмайди. Шу боис у чегара билмайди. У доимо одамлар ҳаёти,

<sup>1</sup> Қаранг: *Форобий Абу Наср*. Фозил одамлар шахри. -Т., 1991. -201-204-б.

<sup>2</sup> Қаранг: *Амир Темур*. Зафар йўли. -Т., 1993. -9-б.

мулки, уларнинг маънавияти учун хатарли ҳодисадир. Аксариат муҳолифлардан шундай эътироз эшитиш мумкин: "Қонун-ку, эскириб ёмонлашди. Нега энди уни бажарар эканмиз?". Шу аснода қайд этиш лозимки, қонунни фақат қонун чиқарувчи олий идорагина муайян қонуний тартибда ўзгартира олиши мумкин. Башарти ана шундай бўлмаганда, яъни қонун чиқарувчи олий идора қонунни рисолада кўрсатилганидек ўзгартирмаган экан, уни ижро этиш барча учун мажбурийдир. Ҳуқуқнинг барча эътироф этган чуқур мантиғи ҳам ана шундан иборат. Ҳуқуқ кафолатланишининг моҳияти ҳам ана шундандир.

Айни пайтда, албатта, қонунларни ўзгартирмай ҳам бўлмайди. Акс ҳолда улар ижтимоий тараққиёт талабларидан ортда қолади. Пировардида, ҳуқуқнинг беқарорлиги, қўнимсизлиги ҳам давлат ва жамиятнинг барқарорлигига катта путур етказди. Хусусан, мазкур ҳолат ижтимоий ва хусусий мулкнинг турли-туманлиги ва мустақиллиги собит бўлган иқтисодий ҳаётда ўта таназулли кечади. Ҳуқуқшуносларнинг, олимлар ва амалиётчиларнинг бурчлари - қонунларнинг ҳаётийлигини кузатиб бориш, ривожланаётган мавжуд ҳодисаларга қатъий риоя қилган ҳолда қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятларига зарур амалий ва назарий маслаҳатларни беришдан иборатдир.

## **2. Қонунга итоаткорлик - қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботнинг негизи**

Ўзбекистонда халқимизнинг миллий анъаналаридан, ўзига хос турмуш тарзидан келиб чиқиб, беш тамойилга асосланган ижтимоий янгиланиш ва тараққиёт йўли белгилаб олинди. Давлатимиз танлаган ўзига хос йўлнинг хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида, мамлакат Олий Мажлиснинг қабул қилган қонунларида ўз аксини топган. Мазкур тамойиллар бизнинг мамлакатимиздагина эмас, балки хорижий давлатларда ҳам эътироф этилди, эътиборга лойиқ деб топилди. Ана шундай тамойиллардан бири - жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида қонунга итоаткорлик ва қонуннинг устунлигидир.

Президентимиз И.А.Каримов шундай деган эдилар: "Қонунчилик тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда, қонунларни ҳаётга изчил жорий қилиш, барча ҳўжалик субъектларининг юридик нормалар ва қондаларга қатъий амал қилишларини таъминлаш маданий-маърифий бозорни шакллантиришнинг мажбурий шартидир.

Шу сабабли қонунга бўйсуниб бозор муносабатларига ўтишнинг барча амал қилиши керак бўлган етакчи принципларидан биридир. Ҳар қандай ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатдир"<sup>1</sup>.

Демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш бир қатор омилларга боғлиқ. Улардан бири қонунга итоаткорликдир. Фуқароларда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларида қонунга итоаткорлик ҳиссини, туйғусини шакллантирмай туриб ва ҳуқуқий соҳадаги илгор ютуқларни эътиборга олмай туриб мазкур йўналишда муваффақиятли фаолият юритиш мушкул.

Қонунга итоаткорлик жамиятнинг ижтимоий муносабатлари ва ҳуқуқий маданияти ривожига жараёнида шаклланадиган ҳодисадир. Афсуски, қонунга итоаткорлик илмий, ахлоқий ва ҳуқуқий тушунча сифатида махсус тадқиқотлар мавзуи бўлган эмас.

Мазкур тушунчани илмий ўрганиш учун бугунги кунда ҳуқуқшунослик соҳасида бир қатор изланишлар олиб борилмоқда. Ушбу ҳодиса бугун ҳам барча одамларнинг эътиборини тортмоқда, зероки, уни илмий таҳлил этишнинг қулай шароитлари мавжуд.

"Қонунга итоаткорлик" тушунчасини қандай таърифлаш мумкин? Маълумки, янгилашиш шароитида жорий этилаётган энг дадил илмий ва техникавий ечимлар, ишланмалар, ижтимоий тадбирлар ва ташаббуслар ҳам, башарти уларни амалий жиҳатдан етук мутахассилар тайёрламаганда, маданиятли, демократик қонунларни биладиган ва ҳурмат қиладиган кишилар ҳаётда қўлламаганда, улар муайян ижобий самара бермаган бўларди.

Оммавий ахборот воситалари ўз чиқишлари билан кишиларда қонунга итоаткорликни шакллантиришлари лозим, яъни қонунчилик талабларига оғишмай риоя қилиш жамиятнинг, ҳар бир инсоннинг манфаатларига жавоб беришини аниқ ҳаётий далиллар билан кўрсатишлари даркор. Қонунга итоаткорлик ўзига хос хулқ-атворни тақозо қилади. Бинобарин, унинг талаблари онгли равишда уддаланишда ифодаланади.

Маълумки, давлатнинг кўрсатмаси ёхуд розилиги билан қабул қилинадиган ҳуқуқий қоидалар, аввало, жамиятда, унинг учун мақбул бўлган хулқ-атвор андазалари доирасида ишлаб чиқилади. Мазкур ўринда ҳам, яъни ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида ҳам қонунга итоаткорлик ўзбошимчаликни соқит қиладиган самарали ҳуқуқий қоидаларни ишлаб чиқишнинг шартларидан биридир.

Қонун чиқариш маданияти ўз асосий принциплари ва муассасаларининг барқарорлиги ҳолатида, қонуннинг пухта, аниқ ва ойдинлиги, яъни унда "умумий ўринлар"нинг, асоссиз баёнотлар ва даъватларнинг йўқлиги ҳуқуқий маданиятнинг муҳим кўрсаткичидир.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биздан озода ва обод Ватан қолсин. -Т., 1994. 47-б.

Мазкур ҳолат ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида қонунга итоаткорликнинг намоён бўлишида жорий этилади. Мабодо, қонунга итоаткорлик намоён бўлмаса ёхуд етарли даражада ошкор этилмаса, у ҳолда қонунчилик тизими бузилиши мумкин. Чунончи, хўжалик соҳасида амал қилаётган норматив ҳужжатларда анчайин даъват ва хоҳишлар мавжуд бўлиб, улар ҳуқуқий тадбирлар билан далилланмаган ёки суст далилланганлиги боис фақат қоғоздагина қоладиган хоҳиш-иродалардир.

Ҳуқуқ ижодкорлиги субъектлари ҳуқуқнинг тармоқ ва маҳаллий ҳуқуқ ижодкорлигига ҳам хосдир. Афсуски, бу борада қонуний ҳужжатлар, айрим ҳолларда қонунларга зид келади. Умумдавлат миқёсида ечимларнинг тармоқ ёки маҳаллий даражада қайта кўриб чиқилиши ёки ўзгартирилишидек ҳолатларга йўл қўйиб бўлмайди. Ҳуқуқни бажаришга қўйиладиган тўсиқлар ва чеклашлар унга нисбатан ҳурмат-эътиборни сусайтиради, жамиятда вужудга келадиган ижтимоий фойдали ташаббусларнинг қулоч ёйишини тўхтатиб қўяди, бюрократизм ва масъулиятсизлик каби иллатларни келтириб чиқаради.

Қонунга итоаткорлик фақат ҳуқуқ ижодкорлиги доирасида эмас, айни пайтда ҳуқуқий нормаларни жорий этишда ҳам намоён бўлади. Ҳуқуқий ҳужжатларни нашр этадиган ваколатли давлат идоралари ходимлари қонунга қанчалик оғишмай риоя қилса, ҳуқуқ ижодкорлиги субъектлари ишлаб чиққан қондалар жамият эҳтиёжларига шунчалик муносиб жавоб беради, халқ манфаатини янада тўлароқ акс эттиради. Бу, ўз навбатида, ҳуқуқнинг кенг халқ оммаси томонидан тан олинishiга хизмат қилади.

Қонунга итоаткорлик фақат қонунни жорий этишда эмас, балки қонун ижодкорлиги жараёнида ҳам юзага келишини инobatга олиб, уни ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштириш, такомиллаштириш ва ўзгартиришдан иборат қадрият эканлигини таъкидлаш керак.

Ҳуқуқ ижодкорлиги доирасида қонунга итоаткорлик ҳуқуқий қондаларни жамиятнинг мавжуд шароитлари билан мувофиқлаштириш омилни тўла инobatга олиш, яъни унинг жорий этилиш доирасини аниқ тасаввур қилиш лозим. Мазкур доирадан ташқарида эса ушбу ҳуқуқ нормалари ўзга ижтимоий қондалар мезонига кўра самарасиз бўлиб қолиши мумкин. Қонун ҳаётнинг қайси соҳасини таҳлил этмасин, барибир, шошилиш ч ечимлар маҳсули бўлмаслиги даркор. У ривожланаётган ҳаётни, ижтимоий жараёнларни ҳолисона таҳлил этишнинг мантиқий якуни бўлмоғи лозим. Зеро қонун чуқур ўйланган, кенг ва ҳар томонлама муҳокама

этилган бўлиши зарур. Ана шундагина қонун иш беради, жамиятда қонунга итоаткорлик бўлади.

Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги қонунга итоаткорлик, *биринчидан*, ҳуқуқий қоидаларда акс эттириладиган ижтимоий муносабатларнинг хусусиятларини ҳар томонлама инобатга олишга; *иккинчидан*, чиқариш таклиф этиладиган ҳуқуқий қоидаларни амалга оширишнинг иқтисодий, сиёсий, мафкуравий ва бошқа имкониятларини таъминлашда; *учинчидан*, қонун чиқарувчи орган иродасини ҳужжатларда аниқ ва барчага тушунарли тарзда ифодалаш мақсадида қонунчилик тажрибасининг ютуқларидан кенг фойдаланишда намоён бўлади.

Афсуски, қонунга итоаткорликнинг мазкур кўринишлари ҳуқуқнинг айнан ўзи учун тааллуқли бўлган хусусият эмас, балки улар одатда ҳуқуқни жорий этишда ҳуқуқ тамойиллари ва қоидаларига мос равишда ҳаракат қиладиган шахснинг муайян тайёргарлигига боғлиқ хулқ-атворни тақозо этади.

Қонунга итоаткорлик ҳуқуқий-ахлоқий тушунчадир. У ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларини тартибга солувчи қоидаларни жамиятнинг мавжуд шарт-шароитлари билан боғлайдиган ҳуқуқ ижодкорлигида, ҳуқуқни жорий қилишда эса - хулқ-атворни ҳуқуқнинг қоидаларига, тамойилларига, ғояларига ихтиёрий равишда бўйсунишга асосланган ахлоқий-ҳуқуқий ҳодисадан бошқа нарса эмас.

Қонунга итоаткорлик қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботнинг муҳим омилidir. Шунингдек, у ҳуқуқий моҳиятта эга бўлган турли ижтимоий ҳодисаларда намоён бўлади. Шу муносабат билан қуйидаги масалаларни таҳлил этишга эътиборни тортмоқчимиз.

Булар - қонунга итоаткорлик ва ҳуқуқий онг; қонунга итоаткорлик ва ҳуқуқий масъулият; қонунга итоаткорликнинг касбий лоқайдликни истисно этадиган омил эканлиги; қонунга итоаткорликнинг ҳуқуқий онгда, шахснинг ҳуқуққа муносабатида намоён бўлиши; қонунга итоаткорликнинг шахс ҳуқуқий онгини изоҳлайдиган муҳим белгидан иборатлиги кабилардир.

Қонунга итоаткорлик таркибида ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғланган руҳий ва мафкуравий босқичларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Руҳий босқичда, энг аввало, ҳиссиётлар, кайфиятлар, ҳаяжонлар, оммавий-ҳуқуқий онгдаги ҳуқуқ тўғрисида ўз-ўзидан (стихияли) амалиётда пайдо бўладиган тасаввурлар ва фикрлар ошкор этилади. Улар ҳуқуқ қоидалари, юридик ҳуқуқ ва бурчлар, қонунийлик, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни татбиқ этиш тўғрисидаги ҳуқуқий билимлар ва тасаввурлар заминида шаклланиб, ҳуқуқий ҳодисаларни идрок этиш ва баҳолаш билан узвий боғлиқдир.

Бу ҳуқуқий тушунчалардан иборат субъект хулқ-атвор фаол таъсир этадиган онгли ҳуқуқий кечинмалардир. Қонунга итоаткорликнинг руҳий босқичи аниқ ашъвий йўналишга эга. Бинобарин, у ҳуқуқий муносаблатлаштиришдан иборат бўлган воқелик ҳодисаларига муносабатда баён этилади. У кишиларнинг ҳаёт шароитларига бевосита алоқадор ижтимоий боғланишларни акс эттиради. Маскур инъикос, жўн (тажрибавий) моҳиятга эга бўлиб, кишиларнинг кундалик турмуш шароитларидаги турли-туман ҳуқуқий муносабатлардан вужудга келади.

Одамларнинг қонун тўғрисидаги тасаввурлари, қонунга ҳурмат туйғуларидан ажралмасдир. Улар бошқа ижтимоий онг шакллари билан муштарак ҳуқуқ ва ҳуқуқий ҳодисаларни ахлоқий-руҳий баҳолашни ифодалайди. Ҳуқуқ ва ҳуқуқий ҳодисалар тўғрисидаги туйғу ва кечинмалар ҳуқуқий воқелик билан ахлоқий-руҳий жиҳатдан узвий боғлиқ. Ҳуқуқий туйғуларни мустақил ҳодиса деб тушунувчи олимлар ҳам бор. Уларнинг фикрича, ҳуқуқий туйғулар - бу кишиларнинг ҳуқуқий қонунларни чиқариш (ёки чиқармаслик) уларни жорий этиш (ёки жорий этмаслик) билан боғлиқ кечинмаларидир. Янги қонуннинг қабул қилинишидан сўнг мамлакатда пайдо бўладиган хурсандчилик ёки ҳафачилик, ҳуқуқий қондаларни қўллаш амалиётига оид қониқиш ёки қониқмаслик туйғулари, ҳуқуққа муросасизлик ёки муросасозлик муносабати - буларнинг барчаси ҳуқуқий ҳис-ҳаяжондир. Аксарият ҳолларда, кечинмалар у ёки бу даражада ахлоқий моҳиятга эга бўлади. Бироқ, уларга соф ҳуқуқий мазмун ҳам хос бўлиб, уни ҳуқуқ ҳиссиёти ва қонунийлик деб таърифлаш мумкин, яъни у шундай ижтимоий-руҳий кўтаринкиликки, унда кишилар ҳуқуқ ва қонунчилиқни мустақамлаш ҳодисаларига бевосита яқдил эканликларини ва ҳар қандай, ҳатто, ўзбошимчалик ва қонунсизликнинг энг жузъий ҳодисаларига ҳам салбий муносабатларни билдирадилар.

Руҳий босқичда қонунга итоаткорликнинг мавжудлигига боғлиқ асосий жиҳат - бу ҳуқуқдан, унинг талаблари адолатлилигидан қониқишдир. Онг ва адолат туйғуеи инсон руҳиятининг жиҳати сифатида амалга ошадиган ижтимоий адолатни инъикос этади.

Адабиётларда ижтимоий психология ижтимоий онгнинг қуйи қатламидан иборат, деган фикрлар мавжуд. Бу нуқтаи назарга қўшилиш қийин. Ижтимоий психология ижтимоий онгнинг қуйи босқичи эмас, балки ижтимоий борлиқнинг ўзгача мафкурадан тафовутли усулда акс эттиришидир. Маскур усул ижтимоий муносабатларни бевосита туйғулар воситасида акс эттиришдир. Мабодо, ижтимоий психологияни ижтимоий онгнинг қуйи қатлами деган фикрга қўшилсак, у ҳолда ижтимоий психология мафкурага ўз



ўрнини бўшатиб берган бўларди. Бироқ бундай хулоса нотўғри. Ижтимоий онг босқичи қанчалик юқори бўлмасин, барибир, у ижтимоий борлиқнинг турли жиҳатларини чуқур ва ҳар томонлама инъикос этадиган ўз таркибий жиҳатлари мафкура ва ижтимоий психология билан муштаракликда фаолият кўрсатади.

Қонунга итоаткорликнинг руҳий даражаси ҳуқуқ ва ҳуқуқ билан боғлиқ равишда пайдо бўладиган туйғуларга бевосита таъсир этишга қодир ва чиндан ҳам унга шундай таъсир этади, шунингдек, у мазкур руҳий даражага таъсир этадиган халқ ҳаётининг моддий омиллари билан ҳам узвий боғлиқдир. Ҳуқуқий соҳадаги маънавий фаолият оқибат-натижада унинг моддий шароитлари билан белгиланади.

Мафкура босқичида эса қонунга итоаткорлик ҳуқуқий мавжудлик, ҳуқуқнинг моҳиятини, унинг ижтимоий мавқеини тушуниш ва унинг қўядиган талабларини бажаришга оид онгли тизимли ибтидоларнинг мажмуасини тақозо этади.

Қонунга итоаткорлик ҳуқуқий жавобгарликни амалга оширишда муҳим аҳамиятга моликдир. Яқин кунларгача ҳуқуқий жавобгарлик ретроспектив нуқтаи назардан ўрганилиб, у ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатнинг қўнгилсиз оқибатлар олиб келиши билан боғлиқ деб қараб келинди. Сўнгги йилларда мазкур муаммони тадқиқ этишда анъанавий қобилардан чиқишдек ижобий йўналиш пайдо бўлмоқда. У энди жамият аъзоларининг қонун билан мустаҳкамланган хулқ-атвор қоидаларини аниқ ва виждонан ижро этишдан иборат умумий бурч деб тушунилмоқда. У, *биринчидан*, ҳуқуқий хулқ-атворни тақозо этиш билан; *иккинчидан*, жамият олдидаги бурч туйғусининг ботинан узвийлиги билан; *учинчидан*, ҳуқуқий хулқ-атвор малака ва одатларини тарбиялаш йўли билан ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш омили ҳамдир. *Тўртинчи* сифат давлат мажбурлашини қўллаш хавфи ҳуқуқбузарликни бартараф этишнинг умумий йўналишидан иборат омилдир.

Ҳуқуқий жавобгарлик муаммосига, хусусан, унинг ижобий жиҳатига эътиборнинг ошиб бориши ҳозирги кунда тасодифий эмас. Давлат мустақиллигини таъминлаш ҳам барча томонидан ҳамма жойда қонуннинг талабларини ижро этиш билан узвий боғлиқдир. Ижобий ҳуқуқий жавобгарлик қонунчиликка, ҳуқуқий қоидаларга риоя қилишнинг рамзидир. У бугун ва эртага йўналган бўлиб, қонунга ҳурмат муносабатида, кишининг ўз хулқ-атворини ихтиёрий равишда ҳуқуқий йўл-йўриқлар билан мувофиқлаштиришда намоён бўлади. Мазкур белгиларга кўра ижобий ҳуқуқий жавобгарликнинг қонунга итоаткорлик билан алоқаси таҳлил этилади.

Қонунга итоаткорлик худди ижобий ҳуқуқий жавобгарликдек жамият олдидаги бурч билан узвий ҳуқуқий хатти-ҳаракатни тақозо

этади. У айна пайтда ҳуқуқий хулқ-атвор малака ва одатларини ишлаб чиқиш оқибатида келиб чиқадиган ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш воситаси ҳамдир. Ва фақат тўртинчи белги - қўрқитув омили - ҳуқуқ қоидаларига муносиб хулқ-атворни тарбиялаш омили бўлмай, балки шунчаки ҳуқуқий қоидаларнинг зарурий хусусиятидир.

Қонунга итоаткорлик ҳам ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлайдиган омиллардан биридир.

Шу аснода қонунга итоаткорликнинг хулқ-атворга тааллуқли жиҳати - ўз моҳиятига кўра ижобий ҳуқуқий жавобгарлик билан айнанлиги кўзга ташланади. Қонунга итоаткорлик мураккаб таркибга эга бўлиб, билиш, баҳолаш ва хулқ-атвор жиҳатларининг мажмуидан иборат. Уларнинг ҳар иккиси ҳам ҳуқуқий соҳада масъул хулқ-атворни тақозо этади.

Қонунга итоаткорлик ижобий ҳуқуқий жавобгарлик билан бирга ҳуқуқий қоидаларга кўр-кўрона бўйсунуши, яъни уларга фақат "йўлига"гина риоя қилишни англатмайди, уларга онгли, фаол муносабатни, жамият олдидаги бурчни тушуниб етишни, ҳуқуқий тушунчалар воситасида фикр юрита олишни, шунингдек, ўз интилишлари ва хатти-ҳаракатларини амалдаги ҳуқуқ талабларига мослаштиришни ҳам тақозо этади. Шу боисдан ҳуқуққа ҳурмат муносабати заминидан мансабдор шахслар ва фуқароларнинг масъулиятли хулқ-атворини тарбиялаш мустақилликни таъминлашнинг муҳим мафкуравий ва ҳуқуқий йўналишларидан ҳисобланади. Мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий қоидаларни қандай тушунишлари ва баҳолашлари, уларнинг мазкур қонун-қоидаларни қанчалик оғишмай амалга оширишлари мустақил ривожланишимиз ютуқлари билан чамбарчас боғлангандир.

Қонунга итоаткор лоқайдликни истисно этадиган муҳим омиллардандир. Кундалик фаолиятда ишга оқилона муносабат, қонунга итоаткорлик барчанинг, хусусан, мансабдор шахсларнинг ўз ижтимоий мақсадларини англаб олишларини тақозо қилади. Давлат идораси ходимининг, ҳар қандай мансабдор шахснинг умумий маданий савияси ишнинг кўзини билиши, виждонлилиги, қонунга итоаткорлиги, фақат ҳуқуқий қоидаларни аниқ ижро этишга эмас, балки меҳнат жамоасидаги жамоатчилик фикри, ижтимоий-руҳий ва, ниҳоят, жамият ва фуқароларнинг ҳимоясидаги ҳуқуқ ва қонуннинг нуфузига ҳам дахлдор бўлади. Шу боисдан, ҳуқуқий маслаҳатчи ёки судьянинг, корхона раҳбари ёки кадрлар бўлими бошлигининг, ҳоким ёки прокурорнинг кишиларга ва ишга муносабатларига қараб, умуман мамлакатдаги демократиянинг, ҳуқуқий маданиятнинг даражаси тўғрисида мулоҳаза юритиш мумкин.

Ҳўжалик раҳбари, мансабдор шахслар ва давлат идораларининг бошқа ходимларида қонунга итоаткорликнинг бўлмаслиги, ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги уларнинг амалий фаолиятига бевосита таъсир этади. Саноат ва савдо қорхоналарининг аксарият раҳбарлари ҳар куни у ёки бу тариқа ҳуқуқий муаммоларга дуч келадилар, лекин улар ҳуқуқий билимларининг етарли бўлмаганлиги боис мазкур муаммоларни тўғри ҳал қила олмайдилар ва ҳуқуққа ҳурмат-эътиборни йўқотадилар. Бу эса уларнинг меҳнат самарадорлигига таъсир этади.

Мансабдор шахсларнинг қонунга итоаткорлиги уларнинг ўз хизмат бурчларига виждонан муносабатда бўлишларини тақозо этиб, палапартишликни истисно қилади. Хусусан, мазкур омил ҳуқуқни муҳофаза қилиш (суд, прокуратура, ички ишлар) органларининг у ёки бу шахсни ҳуқуқий жавобгарликка тортиш фаолиятига тааллуқлидир. Касбий совуққонликни истисно этиш қонунга иззат-икром муносабатида бўлишдек фазилат билан бирга қонун бўйича иш тутишга интилиш ва унга риоя қилишни белгилайди. Мабодо, ҳуқуқни муҳофаза этувчи у ёки бу ходим ўз фаолиятида ҳамиша қонунга амал қилишга интилса, бинобарин, унга риоя қилиб иш юритса, бу билан жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот қарор топишига ҳисса қўшади.

Қонунга итоаткорлик ўзгармас ҳодиса эмас. У ўсиб бораётган ҳуқуқий онг даражасидир. Унинг диалектикаси шундайки, у ижтимоий ва яқка онгда мустаҳкамланиб доимо ҳуқуқ билан мувофиқлаштириладиган ижтимоий муносабатлар доираларигача кенгайиб, бойиб боради. У анчайин ҳуқуққа буйсунилиши муқаррар бўлган мустақил қудрат каби ўзга муносабатларни сиқиб чиқариб, меҳнаткашларга ҳуқуқни ўз хулқ-атворининг андазаси сифатидаги қарашларни идрок қилиш имконини беради.

Қонунга итоаткорлик кишиларнинг ўз ҳуқуқий бурчларини удалашларига нисбатан ички муносабатларини ўзгартиради, яъни давлат буйруғи мақомидаги ҳуқуқий мажбуриятлар ўрнини англаб олинган бурчларига бўлган муносабатлар эгаллайди.

Қонунга итоаткорликнинг ривожланиши, унинг кишилар онги ва амалий хулқ-атворидаги аҳамиятини ошиб бориши фуқароларнинг ҳуқуқий қонун-қоидаларнинг адолатлилигини тушуниш билан боғлиқ ўзгаришларни ва шу асосда уларнинг мазкур талабларни бажаришга тайёргарликликларини акс эттиради. Қонунга итоаткорлик фуқароларнинг қонун лойиҳаларини муҳокама этишлари, демократия салоҳиятини амалга оширишларида уларнинг фаолликларини кучайтиради.

Бугун бевосита демократия институтларининг ўрни ва мавқеи беқиёс аҳамият касб этмоқда. Уларда халқнинг жонли ижодиёти, унинг жамоатчилик фикри ва иродаси ўзининг энг мутаносиб аксини топмоқда. Меҳнат жамоасининг умумий мажлиси ёхуд қишлоқдаги аҳолининг йиғинлари, қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси ёки аҳоли истиқомат қиладиган жойда яшовчи жамоа томонидан муҳокама этилиши - булар бевосита демократия институтларининг таркибий қисмлари бўлиб, улар меҳнаткашларнинг долзарб муаммоларни биргаликда ўртага қўйишлари, уларнинг ечимларини топиб ҳаётга жорий қилишларининг имконини туғдиради. Демократиянинг имкониятлари битмас-туганмасдир. Аммо бунинг учун мустақкам ҳуқуқий кафолатларни яратиш зарур. Бу - бир томондан, уни ўзибўларчилик, шунингдек, баъзи раҳбарлар юритаётган эскича тафаккурнинг таъсиридан, иккинчи томондан эса, омманинг сиёсий ижодиёти чиндан ҳам демократик, бировларнинг манфаатларини чегириб қолмаслигидан халос этади. Шундай кафолатлардан бири қонунга итоаткорликдир.

Қонунга итоаткорлик ҳуқуқий қоидалар йўл-йўриқларни ижро этишда ҳар қандай оғишларнинг бўлмаслиги, қонунийлик бузилган ҳолларда эса бетараф бўлиб қолмасликни ёқлайди. Кишиларнинг истиқболга ишончлари, уларнинг демократик ташаббусларни қувватлаш хоҳишлари ва қобилиятлари аксарият турмушда ижтимоий адолат тамойилларини оғишмай ҳаётга жорий этиш, фуқароларнинг ҳуқуқларини, шаъни ва қадр-қимматларини ҳимоя қилиш билан боғлиқдир.

Ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш узоқ муддат давом этадиган ва иқтисодий, маданий, меҳнат, турмуш соҳаларида муайян ўзгаришларни талаб қиладиган мураккаб фаолиятдир. Бундай ўзгаришлар кишиларнинг онги ва руҳиятини қамраб олиш, шунингдек, қонунчиликни такомиллаштиришда ҳам содир этилиши зарур. Мазкур масалаларнинг самарали ечими кишиларнинг қонунга итоаткорлигини тақозо этади. У ҳуқуқий тартибни мустақкамлаш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш каби умумий тадбирларнинг муҳим омилидир.

Шундай қилиб, қонунга итоаткорлик ҳуқуқий онгнинг таркибий қисми бўлиб, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг фаолиятида катта аҳамият касб этади.

### 3. Қонунга ятоаткорлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимининг ҳуқуқий маданияти уч таркибий қисмдан ташкил топади. *Биринчидан*, мафкуравий, ҳуқуқий тасаввурлар; *иккинчидан*, ижобий-ҳуқуқий ҳис-туйғулар; *учинчидан*, ходимнинг ҳуқуқий моҳиятга эга бўлган ҳуқуқий фаолияти. Мазкур жиҳатларнинг биринчиси ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқий ҳодисалар тўғрисида амалдаги ҳуқуқий мафқурани ташкил этади. У ҳуқуқий маданиятнинг етакчи жабҳасидир. Ходимнинг ҳуқуқ ва ҳуқуқий ҳодисаларга ҳис-ҳаяжонли муносабати ҳуқуқий туйғуни ифодалайди. Туйғу эса шахснинг ботиний кайфияти, руҳияти, унинг ҳуқуқий соҳадаги шаклланган одатлари ва анъаналари билан бирга ижобий-ҳуқуқий руҳиятдан ҳам иборат. Буларнинг барчаси амалиёт заминида камол топиб, ҳуқуқий фаолият билан тўлдирилади ва у ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимининг шахсий ҳуқуқий маданияти тавсифини интиҳосига етказди.

Умуман олганда, шахс ҳуқуқий маданиятининг мазмуни унинг ўз моделини барпо этишнинг имконини беради. Бу эса мавжуд камчиликларнинг олдини олиш, хизмат интизоми, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий тарбияни ташкил этиш учун муҳим омиллардан биридир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходими ҳуқуқий маданиятининг модели билимлар, ҳуқуқни тушуниш ва қонунчилик талабларига риоя қилиш, ҳуқуқий йўл-йўриқларни эъозлаш, уларнинг чинлиги ва адолатлилигига тўла ишонч, ҳуқуқий соҳадаги ҳаётни билиш, баҳолаш қабиларни ўзида мужассамлаштиради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходими амалдаги қонунчиликни мукамал билиши ва унинг воситасида амалга ошадиган сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий вазифаларни ҳам тўла тушуниши лозим. Ҳуқуқ негизларини билиш инсоннинг умумий сиёсий ва ҳуқуқий маданиятидаги зарур унсурлардан бири бўлиб, унинг ижтимоий фуқаролик фаоллигининг манбаидир.

Шубҳасиз, инсоннинг барча қонунларни обдон билиши амримаҳол. Ҳатто узоқ йиллар давомида ички ишлар идораларида хизмат қилган тажрибали ҳуқуқшунослар, тезкор хизмат ходимлари ва терговчилар ҳам барча қонунларни тўла-тўқис била олмайдилар. Айни замонда ички ишлар идорасининг ҳар бир ходими, қолаверса, фуқаро учун ҳам ҳуқуқни билишнинг умум эътироф этган - барчанинг билиши лозим бўлган энг мақбул чегараси (минимуми) мавжуд. Ўта мураккаб назарий ва амалий масъулият ҳисобланган

бундай чегарани аниқлаб олиш муҳимдир. Бунинг учун етарлича асосланган мезонларга ҳозирча эга эмасмиз.

Шу боис ҳар бир тоифадаги ходим учун зарурий ҳуқуқий билимлар ҳажми ва сифатини белгилаш ички ишлар идоралари ходимлари олдида долзарб бўлиб турибди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг оддий ва кичик бошлиқлар таркиби кундалик ҳаётда ишлатадиган баъзи асосий ҳуқуқий тушунчалар ва атамалар билан таниш бўлиши лозим. Мазкур билимлар уларга ўз хатти-ҳаракатларини онгли уюштириш, уларнинг мароми ва натижасини ҳуқуқий ўз-ўзича назорат қилишининг имконини беради. Бу ўринда, биз аввало, конституциявий, фуқаролик, оила, жиноят ҳуқуқларини, шунингдек, ҳуқуқнинг ўзга тармоқлари асосларини билиш, маъмурий ҳуқуқ ва маъмурий фаолият билан чуқурроқ танишишни кўзда тутаямиз. Зеро хизмат соҳаларини мувофиқлаштирадиган қоидавий билиш туфайли ходимлар ўз хизмат бурчларини муваффақиятли адо этадилар.

Катта ижтимоий-сиёсий моҳиятга молик бўлган қонунчилик ҳужжатларини тўла-тўқис билишнинг ҳам амалиёт учун аҳамияти беназирдир. Энг аввало, республикамиз Конституцияси бундай ҳужжатлар сирасидандир. Конституциявий қоидаларни билиш, ўз ҳуқуқ, эркинликлари ва бурчларини чуқурроқ англаш, ўзбек давлатининг бош вазифалари, унинг ички ва ташқи сиёсати, ижтимоий тузуми асослари ва давлат идоралари тўғрисида тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Ходим хизматдаги, турмушдаги ҳуқуқ-атворини белгилайдиган қоидаларни ҳам билиши зарур.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни янада мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Бундай шароитда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва жамоатчиликнинг жиноятчиликка, ҳуқуқбузарликнинг бошқа кўринишларига қарши курашдаги ваколатларини белгилайдиган ҳуқуқий қоидаларни билиш ҳар бир фуқаро учун жуда зарурдир. Жумладан, ҳаётда шундай муаммолар туғилиши мумкин: айтилик, фуқаро, жиноят содир этилганлигини билса, у кимга мурожаат қилиши керак? Мазкур жиноятнинг содир этилиши муносабати билан у қандай чоралар кўриши лозим? Жиноятнинг содир этилмаслигини таъминлаш учун фуқаро қўлайдиган хатти-ҳаракатнинг чегараси қадай? Мазкур саволларнинг жавоби ҳар бир фуқаро учун равшан бўлиши даркор.

Фуқароларнинг ўзаро, шунингдек, давлат ва унинг идоралари, жамоат бирлашмалари билан бўладиган ҳуқуқий муносабатларини мувофиқлаштирадиган қоидавий ҳужжатларнинг энг асосийларини билишнинг ўзи ҳам қонунчилик талабларига риоя қилиш, сиёсий ва

ҳуқуқий тизимни янада ривожлантиришнинг зарурий шартидир. Бу ходимларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишлари кафолатидир. Ҳуқуқлардан фойдаланиш ўз мажбуриятларини ижро этишдан кам аҳамият касб этмайди. Жамият уларнинг иккаласидан ҳам баб баравар манфаатдор.

Ўрта ва юқори бўғиндаги бошлиқлар таркиби учун энг асосий ҳуқуқларни билишнинг ўзигина кифоя эмас. Мазкур тоифадаги ходимлар ҳуқуқий маданиятининг савияси оддий ва кичик бошлиқлар таркибига нисбатан анча баланд бўлади. Лекин ички ишлар идоралари офицерларида ҳуқуқни билишнинг кўлами бирдай эмас. Улар ҳуқуқий фаолиятга нечоғлик яқин бўлсалар, уларнинг ҳуқуқий билимлари ҳам шу қадар чуқурроқ ва кўламлироқ бўлади. Ҳуқуқий муаммолар билан бевосита, ҳар куни шуғулланиш уларнинг мазкур фаолиятга оид билимларини чуқурлаштиради.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳуқуқни билиш у ёки бу ҳуқуқий қоида билан танишувдангина иборат эмас. У ҳуқуқ муаммоларини чуқур муҳокама қилишни, уларнинг моҳиятини, шунингдек, унинг амалий фаолиятдаги аҳамиятини тушуниб етишни тақозо этади.

Бу ички ишлар идоралари ходимларининг албатта ҳуқуқшунос бўлишлари лозимлигини билдирмайди. Аммо биз "ҳуқуқни билиш"ни қай йўсинда таърифламайлик, барибир, у ички ишлар идоралари ходимларининг мавқеи Ўзбекистон Конституциясининг мазмуни ва аҳамиятини, унинг ўз касбий фаолиятини мувофиқлаштириб турадиган қоидавий ҳужжатларни ўзлаштиришни тақозо қилади. Демократия, одил судлов ва қонунчиликнинг асосий тамойилларини билмаса, ходим ўз хизмат бурчини сифатли адо эта олмайди. Зеро ҳуқуқий қоидаларни билмасдан ҳуқуқий ҳодисаларга аниқ ва чинакам ҳуқуқий баҳо бериб бўлмайди, мақсад йўналишларини ва ҳуқуқий хатти-ҳаракатларни шакллантиришнинг имкони бўлмайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходими ҳуқуқий маданиятининг савияси давлат ва ҳуқуқа оид маълумотларга эга бўлганидан сўнг шунга мос равишда фаол ҳаракатларни амалга оширишга қодирлигида кўринади. Ходимларнинг кундалик ҳаётда рўй бериб турган вазиятларга нисбатан ҳуқуқ қоидаларини аниқ қўллай олиши, ўз хизмат бурчларини уйдлаш жараёнида муайян ҳуқуқий ҳаракатларни амалга ошириш учун шароит яратади.

Мазкур ўринда ходимнинг маънавий-ахлоқий бойлиги ҳам муҳим. Агар инсон маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук бўлса, билиб туриб жиноятга қўл урмайди.

Мазкур ҳолат ижтимоий ахборотнинг ҳаддан зиёдалиги боис аксарият қоидавий талаблар бир-бирини такрорлагани, бинобарин,

улар бир-бирининг "йўлини тўсгани"да содир этилади. Бунинг устига мазкур такрорлашлар нафақат бир қоидавий тизим доирасида, балки турли тизимлар орасида мавжуд бўлади. Чунончи, жиноят ҳуқуқи қоидаларига кўра қотиллик, ўғрилик, туҳмат кабилар қонун йўли билан тақиқланади. Мазкур тақиқлашлар ахлоқ томонидан ҳам қўллаб-қувватланади. Шунга кўра, ахлоқ ва бошқа мавжуд қоидавий тизимлар нафақат жиноят ҳуқуқини, шунингдек, бошқа ҳуқуқ тармоқларини ҳам мустаҳкамлайди. Ходимнинг ҳуқуқий билимларини ундаги ахлоқий қадриятлардан ажратиш мушкул.

Ҳуқуқий билимлар ҳажмини кегайтириш ва уларнинг савиясини ошириш ички ишлар идоралари ходимининг мураккаб ҳуқуқий вазиятларни, муаммовий ҳолатлардаги қонуний ва ноқонуний хатти-ҳаракатларни тўғри баҳолай олишига, яъни унга ҳуқуқни тўла тушунган ҳолда муайян ечимга келишига имкон беради.

Шубҳасиз, бугун ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимида ҳуқуқни у ёки бу даражада тушуниш мавжуд. Ҳуқуқни тушуниш ходимнинг олган тарбияси ва маълумоти, унинг шахсий хусусиятлари, ундаги ижтимоий эътиқодлар тизими, унинг мавқеи ва ўрни, ҳуқуққа қадрият каби ёндашуви билан боғлиқ.

Ҳуқуқни, унинг ижтимоий аҳамиятини тушунишни қонунчиликнинг қоидалари ва моделларини билиш билан айнанлаштирмаслик лозим. Албатта, ходим қанчалик қонунларни яхши билса, уни шунчалик пухта тушунади. Бироқ ҳуқуқни билиш ва тушуниш ўртасида бевосита боғлиқлик йўқ. Ҳуқуқни тушунишда бош мезон унинг энг мўҳим мақсадларини англашда, йўл-йўриқларнинг зарурлиги тўғрисидаги тасаввурларда, мустаҳкам қонунчилик ҳолатининг жамият учун фойдали ва кадр-қимматли эканлигида, шахс ҳуқуқларини таъминлаш ва унинг жамият ва давлат олдида ўз мажбуриятларини уदдалашининг мўҳимлиги ва бошқалардир. Қонунни билиш эса бундан фарқли бўлиб, унинг ўзлаштирилиш даражаси турлича бўлиши мумкин. Шунингдек, у ёки бу қоидаларни билишга эҳтиёж ходим бажараётган ишнинг табиатига, унинг ижтимоий ҳаётда қатнашуви ва бошқа аломатларига дахлдор бўлади.

Қонунни, демократик тадбир ва жараёнларни, уларнинг ижтимоий вазифалари ва мақсадларини чуқур билиш ва тушуниш аксарият кишиларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий фаолликлари билан боғлиқдир.

Сиёсий ва ҳуқуқий саводсизлик унинг салбий оқибатлари - ҳуқуқий нигилизм, қонун-қоидалар ва анъаналарга ҳурматсизлик кўпинча ғайриижтимоий жангарилик тусини олиб, ғаройиб шаклларда намоён бўлади. Давлат идораларига, рўзнома ва



ойномалар тахририятларига, милицияга келиб турган баъзи мактублар билан танишиш бундан далолат беради. Уларда кўпинча "қонунларимиз ҳеч нимага ярамайди", "бизда адолат йўқ", "жиноятчига ҳимоячи (адвокат)нинг нима ҳожати бор?", "прокурор қаяққа қарамоқда?" каби фикрлар мавжуд. Баъзан бюрократизмга қарши демократия учун курашни фуқаролар милицияга, умуман давлат идоралари ходимларига, "номенклатура"га қарши кураш байроғи остида олиб борадилар. Айни пайтда ишлаб чиқаришдаги демократиянинг ўта авж олиб бориши, баъзан ички ишлар идораларидаги якка бошчиликка ва зарурий интизомга раҳна солмоқда.

Шу йўсиндаги танқидлар, афсуски, демократлашув шароитида мавқеи бирмунча ошиб бораётган ички ишлар идораларига, қолаверса, барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ҳам тааллуқли. Кишилар одатда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, жумладан, милиция, жазони ижро этиш муассасалари, ёнғиндан сақлаш идораларига адолатли ва асосли эътироз билдирадилар. Асосли танқид ҳамини ишни такомиллаштиришнинг, камчиликларни бартараф этишнинг муҳим омили бўлган ва шундай бўлиб қолади.

Бироқ бу жамиятимизнинг тараққиёти, демократия ривожини, шахс манфаатларининг одил судлов, прокуратура, ички ишлар идоралари томонидан ҳимоя қилиниши учун жорий этилаётган ижобий ишларнинг барчасини кўр-кўрона инкор этиш дегани эмас. Айни пайтда, бу билан мазкур идоралар фаолиятида нуқсонлар йўқ, деб бўлмайди. Уларнинг ишида анча хатолар, номутаносибликлар, сансалорликлар мавжуд.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимининг ҳуқуқий маданияти қонунга риоя қилиш одатини ҳам тақозо этади. Мазкур қонундан шундай таърифласа бўлади: маданиятга, турмушга, одатга кириб келган нарсанигина эришилган қадрият деб аташ мумкин. Аксарият вазифа ўзимизда хулқ-атвор масалаларига тўғри, оқилона муносабатни тарбиялашдангина иборат бўлмай, балки бунинг устига тўғри одатларни ҳам сингдиришдир. Яъни мазкур одатлар биз ўйлаб кўриб, муайян хатти-ҳаракатлар қилишимиздан иборат эмас, балки бизнинг мазкур қилмишларимиз, уларни бошқача уддалай олмаслигимиз, бунга одатланганимиз туфайли бўлсин.

Қонунга риоя қилиш одати тўғрисида гап борганда, мазкур масаланинг икки жиҳатига эътиборни тортиш лозим. У ёки бу ҳуқуқий йўл-йўриқни бажаришга одатланиш билан ҳуқуқий талабларга риоя қилишга оид одатий муносабатни фарқлаш зарур. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари учун ўз ҳаракатларини қонун талабларига мувофиқлаштириш одатининг

мавжудлиги муҳим фазилатдир. Бундай ҳуқуқий хатти-ҳаракатга одатланганлик ходимнинг ижтимоий ва шахсий манфаатларини англаш, ҳуқуқнинг маъносини ва қадр-қимматини тушуниш, қонун талабларини ижро этишга шахсда барқарор ғоявий йўналиш шаклидаги манфаатдорлик ва эътиқоднинг вужудга келиши натижасида туғилади. Мазкур одат чуқур англаб етилмаган эҳтиёжга айланиши лозим.

Муайян ҳуқуқий қоидаларга риоя қилиш, хусусан, ходимнинг ўз кундалик хизмат фаолиятини мутаносиблаштирадиган оддий муносабатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур хислатлар ходимни оддий хулқ-атвор қоидалари устида фикр юритишдан озод этиб, унинг мураккаброқ муаммоларни ечишига имкон яратади. Оддий қоидаларни бажаришга одатланганлик кишининг ўз фаолиятини назорат қилишини тақозо этади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари учун кўр-кўрона, мулоҳазасиз ҳуқуқий талабларга риоя қилиш номақбул хусусиятдир. Унинг ҳуқуқий соҳадаги фаолияти демократик давлатнинг ҳуқуқи риоя қиладиган мақсад ва манфаатларни аниқ тушунишдан, у ёки бу қонуннинг амал қилиш доирасидаги вазиятни пухта ҳисобга олиб қурилган бўлиши лозим. Ходимлар мамлакатимиз бошидан кечираётган тарихий даврнинг моҳиятини тушуниб етишлари керак. Ҳуқуқий билимларнинг мавжудлиги ва ҳуқуқни тушунишнинг ўзигина яшаш ва фаолият кўрсатиш учун кифоя қилмайди. Кўп нарса қонунда ифодаланган жамият манфаатларига муносабат, умумий маданий савияга боғлиқ. Аксарият одамлар ҳуқуқий ва бошқа ижтимоий йўл-йўриқларга ўзларининг покликлари, ҳалолликлари, батартибликлари, масъулиятни ҳис этишлари туфайли итоат қиладилар. Шу билан бирга, баъзилар, ҳатто қонунни яхши биладиганлар ҳам ҳар тўқисда қонунни бузаверадилар ёки уни четлаб ўтадилар, ҳуқуқий қоидаларни эса ўз шахсий ёхуд нотўғри тушунилган ижтимоий манфаатларга янглиш қўйилган ғов каби баҳолайдилар.

Ходимдаги одатланиш ўз ўрнини ҳуқуқий масалаларни ечиш учун муҳим бўлган тафаккури, онги ва иродасига бўшатиб бергандай бўлади. Шахснинг ҳуқуқий ҳодисаларни мустақил, онгли ўзлаштиришида унинг мазкур ҳодисаларни баҳолаш қобилияти шаклланади.

Қонун асосида ва унинг чегарасида, аммо ундан ҳоли бўлмаган ҳолда мулоҳазалар юритиш ходим ҳуқуқий маданиятининг мезонларидан биридир. Шундай маданиятни эгалламай туриб, у ички ишлар идораларида ишлай олмайди. Халқнинг иродасини ифодалайдиган қонунни менсимасликдан то кишиларнинг тақдирлари, ҳуқуқлари ва манфаатларини писанд қилмасликкача

бўлган масофа унча катта эмас. Демократик жамиятда йўл қўйилмайдиган ҳуқуқий маданиятсизлик фақат оддий ижтимоий ҳодиса бўлмайди. Уни ижтимоий хавfli ҳодиса деб ҳисоблаш муболаға эмас. Зеро ички ишлар идораларининг шахсий таркибига - раҳбар, мансабдор шахсларга ўнлаб, юзлаб фуқаролар ҳар куни мурожаат қиладилар ва улар билан бирга ишлайдилар, фуқаролар улардан ўрнак оладилар. Милиция, ахлоқ тузатиш муассасалари, ёнғиндан сақлаш ходимларининг қонунга риоя қилишга одатланганликлари эътиқод туфайли ва унинг негизда рўй беради. Бу ҳуқуқнинг асосий ғоялари адолатли эканлигига, қонунийликка қатъий риоя қилишга бўлган эътиқоддир. Ҳуқуқий маданият фуқароларнинг билимлари ҳуқуқий ғояларининг шахсий эътиқодларига айланишини зарурий равишда тақозо этади.

Эътиқоднинг моҳиятини ходимнинг қонунлардаги йўл-йўриқларнинг, талабларнинг асосланганлиги ва адолатлилигига ишончи, уларни оғишмай амалга оширишнинг шубҳасиз зарурлигини англаши ва ҳуқуқий тартибот талаблари негизда ҳаракат қилишга ички эҳтиёж ва одатланганлиги ташкил этади. Эътиқод бевосита ва ижобий равишда кишиларнинг иродавий фаолиятига таъсир этади. Уларни бажариш лозим бўлмаган қилмишларни амалга оширишдан тийиб, йўл-йўриққа оид ишларни уйдлашга ундайди.

Ҳуқуқий қоидаларнинг адолатли эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун киши мазкур талабларни ижро этишга қўшимча равишда давлатнинг қандайдир таъсирига эҳтиёж сезмайди. У ҳуқуқий қоидаларни уйдлаш учун ҳуқуқий хатти-ҳаракатларни мустақил равишда, ихтиёрий бажаради. Уни бундай шароитларда ҳаётнинг амалий зарурияти билан боғлиқ бўлган, у адолатлилигига ишонган ғоя йўлга бошлайди.

Ҳуқуқнинг адолатлилигига эътиқод қонунчилик талабларидан чекинишга муросасизлик муҳитини вужудга келтиради, ўз хулқ-атвори ва бошқаларнинг хатти-ҳаракатларини муносиб баҳолашга имкон беради. Тарбиялаш - бу инсонга унинг амал қилиши лозим бўлмаган ва бўлган хатти-ҳаракатини кўрсатиш дегани эмас. Шундай қилиш керакки, тарбияланувчи мазкур хатти-ҳаракатларнинг ижтимоий (шахсий) маъносини тушуниб етсин, унда тўғри хулқ-атворнинг ижтимоий ёки шахсий қадр-қиммати тўғрисида ботиний эътиқод пайдо бўлсин. Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимининг юксак ҳуқуқий маданияти ҳар бир ҳуқуқий талабнинг шак-шубҳасиз тан оlinиб, ҳурмат ва эъзозли муносабатга сазоворлигини билдирмайди. Бироқ, юксак ҳуқуқий маданият соҳиби бўлган милиция ходими, ўз ҳаракатини ҳуқуқнинг ижтимоий қадр-қимматидан келиб чиқиб

ташқил эта олади. Ҳозир бу ўта муҳимдир. Чунки ҳуқуқ соҳасида, бир томондан, мустақиллик манфаатларига жавоб бермайдиган, маънавий эскирган ҳуқуқий қоидалар мавжуд бўлса, иккинчи томондан эса - ҳаётимизнинг барча жабҳаларини янгилаш жараёни бошланган шароитларда "новаторлик", "эски қоидалар билан кураш", қолаверса, демократия тўғрисида ҳўжақўрсинга айтиладиган гаплар ниқоби остида қонунларни бузишга йўл қўйилиши мумкин.

Ҳуқуқий эътиқодлар муайян барқарорлик билан изоҳланади. Наҳотки ходим объектив вазларни баҳона қилиб ёки янги ҳуқуқий воқеликларга дуч келиб, бир лаҳзада ўз эътиқодини тубдан ўзгартирса? Ўз ҳуқуқий эътиқодини тартиблаштиришга эҳтиёж илғор шахсга муносиб хусусиятдир. Шахс ўз эътиқодини турли вазиятларда ҳимоя қилишга, ҳуқуқий эътиқоднинг манбаи бўлган ҳуқуқий воқеликнинг ижтимоий қадр-қимматини тушунишга интилади. Киши ўз эътиқодига чинакам қадриятларга бўлганидек муносабатда бўлади. Бинобарин, мазкур муносабатни у муайян ҳуқуқий муҳокамалар ва ҳаракатларда ифода этади. Тахминан, ҳуқуқий "Мен"нинг шаклланишидаги ижтимоий-руҳий, яъни ҳуқуқий йўриқларнинг тўғрилигига ботиний эътиқоднинг йўли шундан иборат.

Ҳуқуқий интилишларнинг ички мазмуни ички ишлар идоралари ходими шахсининг даъволари объектив воқелик мақомига эга бўлиб, ундаги ҳуқуқий амалиётни ривожлантиради. Шунингдек, у муайян вақтгача уларнинг моҳияти ва йўналишини собит қолдиради.

Ҳуқуқий эътиқоднинг йўналиши ҳамиша янгилашиб, шаклланиб туради. Ходимдаги умумий-ҳуқуқий йўриқларнинг принциплари ҳуқуқий тажриба, ҳуқуқий фаолият ва ҳуқуқий соҳадаги мулоқот билан белгиланади. Ходим мазкур қоидали ҳамиша билиши ва уни ёдда тутиши даркор. Демократия шароитида ўқиш, яшаш, меҳнат қилиш, қонунчиликни мустаҳкамлаш лозим, деганимизда, гап ошкораликка одатланиш тўғрисида бормайди, балки ҳар бир ходимнинг руҳияти, тафаккуридаги ўзгаришлар ҳақида бўлади. Мазкур муаммо ўта мураккаб, лекин жуда зарурдир. Кишиларнинг кайфиятида бирор-бир муваффақиятга эришиш учун уларнинг ижтимоий онгини, руҳиятини ўзлаштириш даркор.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимининг қонунчиликка нисбатан эътиқоди унинг ижтимоий ҳуқуқий фаоллигини белгилайди ва у ўз моҳиятига кўра, яқна ҳуқуқий маданиятнинг мезони бўлади.

Ҳуқуқий маданият ўз даври, жамиятнинг долзарб ҳуқуқий муаммоларидан ажралиб яшай олмайди ва ривожланмайди. У жамиятнинг фаол ўзгартирувчиси сифатида, унинг ишчан ибтидоси ва ҳуқуқий соҳадаги асосий масалалар билан алоҳида амал қилади.

Ҳамиша бунёдкорликка ўргатадиган, бутун жамият ва инсоннинг ўзини ҳам ўзгартирадиган маданият даркор. Шу маънода ҳуқуқий маданият инсон жамоасини такомиллаштиришнинг муҳим омили каби намоён бўлади, кишиларни ҳуқуқий соҳадаги фаолликка даъват этади.

Ҳуқуқий маданият ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими бўлган шахс ҳуқуқий ҳаракатининг ижодий ибтидоси. У ходимнинг мазкур соҳадаги имконияти, салоҳияти, қобилияти ва муаммолари йигиндисини билдиради. Қонун ҳимоясида турган кишиларнинг юксак ҳуқуқий маданияти, жумладан, уларнинг виждон ва бурчга садоқат билан адолат ва ҳақиқат тантанаси учун курашга дадил киришишларида ҳам намоён бўлади.

Мамлакатимизда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий мувофиқлаштиришга оид ҳуқуқий соҳадаги ислохотлар ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий қадриятлардан баҳраманд бўлишига шароит яратади. Энг муҳими - фуқароларга ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида қатнашув, ҳуқуқий талабларни шакллантириш, шунингдек, уларни амалга ошириш, тушунтириш ва ҳимоя қилишга имкон туғдиради. Ҳуқуқий маданиятнинг ижтимоий моҳияти шахсий таркибнинг қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, аҳолини ҳуқуқий тарбиялаш фаолиятининг зарурий шarti бўлганлигидир. Ҳуқуқий маданиятни унинг жорий этилиш жараёнидан ажратиб бўлмайди. Ходим унга амал қилади ва унинг ижроси шахснинг ҳуқуқий фаоллигида юзага чиқади.

Айни шу тўғрисида ҳуқуқий маданият ходимнинг ҳуқуқий қадриятларга лоқайд истемолчи нуқтаи назаридан муносабатда бўлишини эмас, балки фаол ижодий муносабатини ифодалайди. Шу боис ҳам мустақиллик шароитида ҳуқуқий маданиятни ўзлаштиришдаги лоқайдликдан воз кечиб, ҳуқуқий аҳамиятга молик қадриятларни идрок этишнинг фаол ибтидоларига ўтишга дахлдор муаммолар алоҳида аҳамият касб этади.

## ҚОНУНГА ИТОАТКОРЛИК ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ

⊗ Қонунга итоаткорлик - ҳуқуқий маданиятнинг муҳим хусусияти ⊗ Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг аҳоли ҳуқуқий маданиятини тарбиялашдаги роли

### 1. Қонунга итоаткорлик - ҳуқуқий маданиятнинг муҳим хусусияти

Маълумки, ҳуқуқий давлатни барпо этиш жамиятдаги ривожланган ҳуқуқий тизимни, халқнинг юксак даражадаги ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини тақозо этади. Ўзбекистон ўзининг мустақил ривожланиш йўлига ўтганидан сўнг нисбатан қисқа муддат ичида Ўз Конституцияси, ҳуқуқий тизим заминини ташкил этган юзлаб қонун ҳужжатларини қабул қилди. Истиқболда мавжуд ҳуқуқий тизимни янада ривожлантириш ва кишиларда юксак ҳуқуқий маданиятни тарбиялаш каби вазифалар долзарб бўлиб турибди. Зеро, ҳуқуқий маданиятсиз жамиятдаги собит ҳуқуқий тартибот, барқарорлик ва ҳамжихатликни тасаввур қилиб бўлмайди. Мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий ислохотлар халқнинг моддий фаровонлигини ошириш, жамиятни тубдан қайта қуриш билан узвий олиб борилмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий онги ўсиб бормоқда, эркин демократик давлатнинг пойдевори мустаҳкамланмоқда. Ҳуқуқий маданият кишиларнинг ахлоқий ва маънавий онгининг таркибий қисми, фуқароларнинг қонунларни билишлари, ҳурмат қилишлари, ҳуқуқбузарликка мурасасизлиги, қонунга итоаткорлигидан иборатдир.

Қонунга итоаткорлик ҳуқуқий маданиятнинг зарурий унсури бўлиб, у қонунларни пухта билиб, ўрганишнигина эмас, балки уларга тўла риоя қилиш, улар асосида эркин фаолият юргизишни тақозо этади.

Илгари қонунга итоаткорлик тўғрисида сўз юритилмас, ҳатто мазкур атамани ишлатиш ҳам урф бўлмаган эди. Зотан, мазкур даврда Конституция ва қонунларнинг устунлиги муҳим бўлмай, бир партиянинг ҳукмронлиги асосида кўрсатмалар ва йўл-йўриқлар бериларди. Партиянинг иродаси қонунлар ҳокимияти ўрнини босадиган омил эди. Мамлакатимиз ўзининг истиқлол йўлига кириши билан демократик жараёнларнинг жадаллашуви ҳуқуқий давлат қуриш принципларини ишлаб чиқишга, қонунга итоаткорликни эса ҳуқуқий давлат ва ҳуқуқий маданиятнинг

ажралмас бир қисми сифатида баҳолашга имкон берди. Юртбошимиз И.А.Каримов ишлаб чиққан ва эълон қилган эркин бозор муносабатларига асосланган жамият қуришнинг беш принциpidан бири, мамлакатда Конституция ва қонунлар устунлиги, қонунларнинг ҳурмат қилинишини таъминлашдир.

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмас экан, ҳуқуқий давлат қуришни тасаввур қилиб бўлмайди. Жамиятнинг иқтисодий эркинлиги, тadbиркорлик ва меҳнатнинг давлат томонидан кафолатланганлиги, мулкчилик барча шакллариининг тенглиги ва ҳуқуқий ҳимояланганлиги қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантанасининг энг муҳим омилидир.

Шу боисдан қонунга бўйсунуш бозор муносабатларига ўтишининг барча амал қилиши керак бўлган етакчи принципларидан биридир.

Дарҳақиқат, қонунларга бўйсунуш жамиятда яшаётган ва меҳнат қилаётган барча халқнинг туб манфаатларини ифодалайдиган муҳим қондаларга - давлат томонидан муҳофаза этиладиган принципларга итоат этишдан иборат. Албатта, бу ўринда гап кишиларнинг шахсий ташаббускорлиги нечоғлик қонун доирасида ривожланиши, қўллаб-қувватланишига ҳам боғлиқ. Шу боисдан қонунга итоаткорлик қонун ижодкорлиги соҳасида ҳам илмий асосланган, фуқароларнинг жонли ижодкорлигига монелик қилмайдиган, аксинча, уларга кенг имкониятлар яратиб берадиган ҳуқуқий нормаларни қабул қилишни тақозо этади. Зеро қонунлар ҳаётий, амалиёт билан узвий боғлиқ бўлмоғи ва ундан келиб чиқмоғи керак. Яъни, ҳар бир қонун ўзининг йирик моддаларидан тортиб то кичик бандларигача ҳар томонлама муҳокама қилинган, халқнинг манфаатдорлиги, қизиқиш-интилиши, рағбатлантирилиши учун зарурий шарт-шароитларни яратиб берган бўлиши лозим.

Айни шу нуқтаи назардан қараганда, аксарият қонунларимизнинг жамият эҳтиёжларидан келиб чиққанлиги ва уларга хизмат қилаётганлиги боис республикаимиз собиқ иттифоқ парчалангандан сўнг пайдо бўлган мамлакатлар орасида анча барқарор ривожланиш йўлига кирган давлатлардан биридир. Юртимиз истиқболида келажаги буюк давлат бўлишдек мақсад турибди. Мазкур мақсадга етишиш учун қабул қилинган қонунларнинг мавжудлиги муҳим, айни вақтда уларга оғишмай амал қилиш, уларни иззат-ҳурматлаш, ўрганиш ижодий фаолият ва тadbиркорлик учун дастуриламал деб қабул қилиш даркор.

Қонунларни назар-писанд қилмасликнинг сабаби, энг аввало, улардаги қондаларнинг халқ, жамият ҳаётидан ажралиб қолганлигидир. Бундай салбий ҳодисалар Мустақил Давлатлар

Ҳамдўстлиги мамлакатларининг айримларида содир бўлмоқда. Бунинг оқибатида қанча-қанча одамларнинг ёстиғи қуриб, биродарқушлик фожиалари бўлиб турибди. Албатта, Ўзбекистонда ҳам бу соҳада ҳали барча муаммолар ечилганича йўқ. Бироқ қонун чиқарувчилар мазкур муаммоларни ечишнинг ўзига хос йўллари излаб топмоқдалар. Пировард натижада қонунга бўйсуниб халқнинг аксарияти манфаатларидан келиб чиқадиган зарурий омил даражасига кўтарилмоқда. Қонун олдида барчанинг - оддий фуқародан тортиб, Президентга - ҳамманинг баравар эканлигини халқимиз тобора тушуниб етмоқда.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясидаги нутқида бир фикр жуда ўз вақтида баён этилган. Президентимиз шундай дейди: “Шу ўринда мен меҳнаткаш инсон манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳамма ишни қилишимиз лозимлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Лекин биз боқимандалик кайфиятлари ривожланишига мутлақо йўл қўймаслигимиз керак.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан давлат амалга ошираётган чора-тадбирлар аҳолининг меҳнатдаги фаоллигини камайтирмаслиги лозим. Бу муҳофаза, биринчи навбатда ўз меҳнати билан меъерий турмуш шароитини таъминлашга қодир бўлмаган табақаларни қўллаб-қувватлашга, яъни бу ёрдам кимларга қаратилганини аниқ белгилаб қўйишни таъминлайдиган қилиб ташкил этиш зарур”<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, аҳолининг ижтимоий ночор қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш учун талайгина қонунчилик ишлари олиб борилмоқда. Мазкур қонунлар аҳолидаги азалий ва абадий тадбиркорлик хусусиятини йўқотиб юбормаслиги лозим. Зеро, ижтимоий адолат талаблари жамиятда қуртак ёйиб бораётган тадбиркорлик, ишбилармонлик каби фазилатларнинг янада кенг урф бўлишига ёрдам бериши, натижада жамиятимизни маърифий мамлакатлар даражасига олиб чиқиши зарур.

Бироқ ана шундай шароитда демократик давлат нормалари ва мавжуд амалиётдан келиб чиққан ҳолда миллий тикланиш мафқурасига ва умумбашарий қадриятларни ўрганишга асосланган зарур ҳуқуқий таълим-тарбиянинг янгича шакллари излаб топиш, ишлаб чиқиш, уларнинг моҳият ва мазмунини тушунтириш, фуқароларнинг ўтти даврининг мураккаб жараёнлари шароитида эркин фаолият юргизишларини таъминлаш даркор. Бундай қонунларни ишлаб чиқиш ва уларга фуқароларнинг тўла-тўқис

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. -Т.: Ўзбекистон, 1996. - 179-бет.



бўйсуннишни таъминлаш муаммоси анча мураккаб. Қонунга бўйсунниш тушунчасини унинг бутун бир дунёқараш, қолаверса қарашлар тизими, силсиласи эканлигини англаб етишимиз даркор. Мазкур ўринда қонунларга жамият аъзоларининг ҳаммасини бирдай итоат қилиши назарда тутилмаслиги, айти пайтда ҳатто маърифий, ривожланган мамлакатларда ҳам ушбу жараён юз йиллар давомида содир бўлганлигини эсдан чиқармаслик керак. Ҳолбуки ривожланган давлатларда ҳуқуқий йўл-йўриқлар фуқаролар онгига, жамият аъзоларига, айтиш жоизки, ёшлигидан она сути билан бирга сингдириб борилади. Бугунги ҳуқуқий давлатнинг арконлари - Конституция ва қонунлар мазкур давлатларда маънавий маданиятнинг гултожи, муқаддас неъматдек қабул қилинади.

Шундай мамлакатлар борки, сайргоҳларда ўрнатилган телефон хоналаридаги телефон аппаратларининг ўзи тугул, ҳатто улардаги телефон маълумотномаларини ҳам ҳеч ким олиб кетмайди, йиртмайди ҳам. Бизда эса бунинг аксини кузатиш мумкин, яъни телефон аппаратининг гўшақларини узиб-юлиб олиб кетишлар, ўғирлашлар тез-тез учраб турадиган ҳодиса. Ёки кўчаларнинг чеккаларида, майдонларда қанчадан-қанча кўчатлар ўтқазилади, қанча маблағ сарф қилиниб, озодаликка эътибор берилади. Лекин болакайларнинг жўясиз шўхликлари-ю, айрим нафси ҳакалак отган катта ёшдагиларнинг бепарволиги туфайли хиёбонларимиздаги орасталик мўлжалдаги меърида бўлмай турибди. Фикримизча, бунинг ўз сабаблари бор. Аксарият болали оилаларда ота-оналар жамоат жойларидаги тартиб-қоида тўғрисида, мамлакат, шаҳар, қўрғон, қишлоқ ободончилиги ҳақида зарур суҳбатлар олиб бормайдилар. Мактабларда бу борада амалга ошириладиган тадбирларнинг самараси ҳам талаб даражасида эмас. Катта ёшдагиларнинг содир этаётган лоқайдликлари эса, назаримизда, ҳали жамоат ва хусусий мулк тўғрисидаги қарашларнинг шаклланмаганлиги туфайлидир.

Бобомиз Амир Темур қонунга бўйсуннишнинг юксак намунаси бўлган юртбошилاردан эди. У бу ҳақда шундай деб ёзган эди: “Мен сифатларимнинг энг аввали деб беғаразликни тушундим. Ҳаммага ҳам бир хил жиддий ва одил қарардим, ҳеч бир кимсани бошқасидан фарқ қилмасдим, бойни камбағалдан устун қўймасдим”.

Ҳуқуқий давлат куриш жараёнида раҳбар бўғинларидаги ходимларнинг қонунга бўйсуннишлари ибрат бўлмоғи лозим. Зеро халқ жойлардаги ҳар бир раҳбарга ҳуқуқий давлат вакили сифатида муносабат билдиради, уларга адолатпешалик тимсоли деб қарайди. Фуқаронинг ҳуқуқбузарлиги бир марта таҳқирланса, раҳбарнинг қонунга итоатсизлиги ўн қарра лаънатланади.

Халқимиз ўз ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари олдига катта талаблар қўймоқда. Ҳуқуқий давлатнинг энг асосий талаби - давлатимизда қонунларни амалга оширишга, қонунийликни таъминлашга сафарбар этилган кишиларнинг уларни аниқ ва очишмай ижро этишидир. Ҳокимият тузилмалари, ҳуқуқни муҳофаза этиш, суд ва назорат органларининг фаолияти, айнан давлат номидан иш кўрувчи мансабдорларнинг ўзлари қонунларни қандай бажараётганлиги оддий фуқаронинг кўз ўнгидадир.

Қонунга итоаткорликнинг ҳуқуқ-тартибот муҳофазаси, аниқроғи, қонунларнинг ижросини уюштирувчи ва назорат қилувчи идоралар ходимларининг қонунларга бўйсунуши, уларнинг ҳар бир бандига, ҳар бир сўзига очишмай амал қилишга эришиш муҳим вазифадир.

Ҳуқуқ-тартибот муҳофазаси ходимлари томонидан қонунларни менсимаслик илллати бутун жамиятни заҳарлайди, давлатнинг асосини емириб, чирита бошлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, жамиятимизда шунга ўхшаш ҳолларга барҳам берадиган давлат хизмати ва давлат хизматчилари тўғрисида қонун қабул қилиш фурсати етди, деб айтиш мумкин. Мазкур қонунда давлат хизматини ташкил этиш принципи: кучли ижроия ҳокимияти хизматчиларининг сиёсий жиҳатдан бетарафлиги, хизмат бурчларига садоқат ҳамда бошқа принциплар ўз ифодасини топиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг преамбуласида Ўзбекистон халқи ўзбек давлатчилиги ривожланиши тажрибасига суянган ҳолда ўз Конституциясини қабул қилиши баён этилган. Мазкур бой тажрибанинг энг ибратли ва қимматли жиҳати қонунга итоат этишидир. Узоқ асрлар мобайнида Ўзбекистонда яшайдиган халқлар - ўзбеклар, тожиклар, қozoқлар, қирғизлар ва бошқа миллат вакиллари қонун йўл-йўриқларига бўйсунуш, аждодлар урф-одатлари, ахлоқ-одоблари нормаларига садоқатда бўлиш, ҳалол меҳнат билан фаровон турмуш кечириш, ҳаётнинг ҳар қандай машаққатларини ўз меҳнати самараси билан бартараф этиш, қариндош-уруғлар, яқинлар, қўни-қўшнилар ёрдамига суяниш ва уларга ҳурмат кўрсатишга катта эътибор берганлар. Кишилар қонунларни ва давлат ҳокимиятини сўзсиз итоат қилиш лозим бўлган омиллар каби қадрлаганлар. Шаккоклик ва зўравонлик инсонга ёт иллат ҳисобланган. Инсонларнинг жонига, молига қасд қилиш, ўзгаларнинг мулкига, омонатига хиёнат қилиш кечириб бўлмайдиган энг оғир жиноятлар сифатида баҳоланган. Бундай қонунбузарлардан жамоа юз ўтирган ва улардан нафратланган. Ҳатто мусулмон дини арконларида ҳам бундай гуноҳ қилган кишиларнинг қилмишини Оллоҳ дўзах ўти билан жазолаши тўғрисидаги қоидалар бор. Ўғрилиқ

қилганлардан ташқари, ҳатто бировнинг мол-мулки бошқа бировга ўтиб қолган ҳолларда, башарти бундай шахс вафот этганда унинг жанозасидан олдин жамоа олдида имом ёки жаноза ўқувчи киши марҳумнинг бировдан қарзи бор-йўқлигини сўрайди. Мабодо бундай қарз мавжуд бўлганда, марҳумнинг қариндош-уруғлари, яқин кишилари мазкур қарзни тўлайдиларми-йўқми - шу ҳақда жамоага савол билан мурожаат қилинади. Фақат ана шундан кейингина марҳумни кўмишга рухсат этилади.

Зикр этилган қадриятлар ҳар бир фуқаронинг фақат ўз ҳолис меҳнати самарасидан баҳраманд бўлишини фарз этади, одамларни адолатга, ҳурматга, эзгуликка, жамиятда қабул қилинган қонунларни қадрлашга чорлайди. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон халқлари учун мулкдорларнинг мулкларини тортиб олиш туйғуси ёт фазилат ҳисобланган. Зўравонликка, қонуний ҳокимиятни ағдариб ташлашга нисбатан ҳам худди ана шундай муносабат омма онгида муқим бўлган.

Қонунга итоаткорлик ва ҳокимият нуфузи ўзаро узвий боғланган. Оддий одамлар ҳамиша қонунларга, мавжуд ҳокимиятга ижобий муносабатда бўлганлар. Мазкур қадриятлар халқнинг онгида ҳозиргача сақланиб қолган. Назаримизда, ушбу қадриятларни бутун чоралар билан ривожлантириш, уларни кенг халқ оммаси, қолаверса, туб жой аҳолисига мансуб бўлмаган миллатлар ўртасида ҳам тарғиб қилиш лозим. Зеро бундай қадриятлар ҳаётнинг аччиқ синовидан ўтган бўлиб, эндиликда улар миллатимизни, юртимизда яшаётган бошқа миллатлар вакилларини безайдиган фазилат каби ардоқланишга лойиқдир.

Ҳар бир жамиятда бўлганидек, бизнинг жамиятда ҳам қонунларга бўйсунмайдиган, уларни билиб-билмай бузиб турадиган ҳуқуқбузарлар ҳам учраб туради. Уларга нисбатан лоқайдлик билан қараш инсофдан эмас. Шу боис ҳуқуқий тарбия, қонунларга ҳурмат туйғусини тарбиялаш, юртнинг ватанпарвар фуқароларини етиштириш ўқув юртлари, жамоатчилик, давлат идоралари фаолиятининг диққат-эътиборида бўлиши лозим. Бундай масалаларда ўзибўларчиликка йўл қўйиш аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу ўринда фуқароларнинг ҳуқуқ-тартиботга нисбатан ҳурмати баланд мамлакатда бир сайёҳнинг бўлиб қайтгани тўғрисидаги ҳикоя ёдга тушади: Бир кун сайр чоғида қизил чироғи ёнган светофор олдида сайёҳлар тўхтаб қоладилар. Бироқ сайёҳлардан бири светофорнинг қизил чироғи ёниб турганига қарамай йўлда машиналарнинг йўқлиги боис чорраҳадан ўтишни таклиф қилади. Сайёҳларга шаҳарни томоша қилдираётган гид (йўл бошловчи) бундай номақбул ишни қилишни маслаҳат бермайди. Ҳозир машина

бўлмаса, - дейди у, бирор лаҳзадан сўнг у пайдо бўлиши мумкин-ку. Башарти фақат ҳозирги вазият мантигидан келиб чиқиб иш юритилса, яъни светофор чироғининг ишорасига риоя қилинмаса, машина ҳайдовчилари ҳам худди шундай йўл тутишлари мумкин. Бир кун эмас, бошқа бир кун йўл қондабузарлиги одамларни ҳалокатга олиб келиши мумкин. Халқимизда ҳам бу ҳақда “Кўза кунда эмас, кунда синади” деган ҳикмат бор. Ҳар қандай ҳолда ҳам қонунбузарлик яхшиликка олиб бормади, деб танбеҳ берибди гид. Демак ҳақиқий ҳуқуқий давлатда қонун ҳамма хурмат қиладиган эзгу қадрият каби эъозланар экан.

Қонунга итоаткорлик - ҳуқуқий давлатнинг асосий принципларидандир. Ҳуқуқий давлат битта ҳокимиятдан ташкил топади, унинг ҳукмдори битта бўлади. Бу ҳукмдор қонундир. Қонунга барча мансабдор шахслар ҳам, барча фуқаролар ҳам бирдай бўйсундилар. Айни шу қонда билан барчанинг қонун олдидаги тенглиги таъминланади. Худди шу билан давлат хизматчисининг ҳам қадр-қиммати улуғланади, яъни у қонун бўйича бажариши лозим бўлган барча мужбуриятларини уддалашга масъулдир.

Давлат хизматчисининг мажбуриятлари доираси норматив ҳужжатлар билан белгилаб қўйилган. Унинг хизмат мажбуриятларидан ташқари бажариши лозим бўлган бурчлари инсоний ҳаёт кечиришнинг оддий қондалари билан мутаносиблаштирилади, қонун барча ҳолатларда ўзаро хизмат муносабатларида юз бериши мумкин бўлган суниистеъмолни истисно этади, шунингдек, у инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига, одамлар, мансабдор шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларда демократия талабларига оғишмай риоя қилишини таъминлайди.

Қонунга бўйсунуш юксак ҳуқуқий онглилик, жамият ва давлат манфаатларини чуқур тушуниб етиш, ижтимоий бурч, яъни ўз қилмишлари учун давлат олдида жавобгарлик туйғуси билан узвийдир. Қонунга итоаткор ҳар бир фуқаро қонунларнинг талаблари жамиятнинг юксак манфаатларини ифода этишини, ҳуқуқий қонунларга риоя қилиш фақат халқ манфаатларига эмас, балки унинг ўз манфаатларига ҳам хизмат қилишини яхши тушунади. Мазкур маънода қонунларга итоат қилишни халқ бирлиги ва куч-қудратининг манбаи деб аташ мумкин.

Қонун одамларни бирлаштиради, қонунбузарларни, қонунни менсимаганларни эса қонун доирасидан ташқарига чиқариб қўяди. Албатта, қонунларни бузиш билиб ва билмай, эҳтиётсизлик оқибатида ҳам содир этилиши мумкин. Ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлар ҳуқуққа зид қилмишларда, шунингдек, ҳуқуққа зид бўлган ҳаракатсизликларда ҳам намоён бўлиши ҳоллари учрайди.

Конституция барча фуқаролардан Асосий қонунда мустаҳкамланган ўз мажбуриятларини оғишмай адо этишни талаб қилади. Конституция ва қонунларга риоя қилиш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқ, эркинликлари, қадр-қиммати ва шаънини иззат-икром қилиш, республика тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлашга иштирок этиш, атроф-муҳитга эҳтиёткорлик ва эъзоз билан муносабатда бўлиб, қонун билан белгиланадиган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни ўз вақтида тўлаб туриш, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш ва ҳоказолар мазкур бурчлар сирасидан жой олган мажбуриятлардандир.

Фақат кишиларнинг ахлоқий қадриятлари эмас, балки жиддий ҳуқуқий тарбия, ватанга муҳаббат, жамият фаровонлиги учун ғамхўрлик, жамият ва давлат манфаатлари учун қайғуриш ҳам қонунга итоаткорлик заминидаги муҳим принциплардандир. Қонунга итоаткорлик ақл-идрок, виждон, ички эътиқод маҳсули бўлиб, инсоннинг бундай олийжаноб фазилати ҳар қандай шароитларда ҳам, ҳар қандай йўллар билан қувватланиши, тарбияланиши ва рағбатлантирилиши зарур. Жамият аъзоларининг аксарияти қонуңларга онгли равишда қанчалик оғишмай риоя қилса, мазкур жамиятнинг ҳуқуқийликка яқин эканлигига уларнинг эътиқоди қанчалик мустаҳкам бўлса, юртимизда инсон ҳуқуқлари ва демократиянинг пойдевори шунчалик мустаҳкам бўлади.

Жамият ва давлатнинг порлоқ истиқболи қонуңлар ва қонуңларга бўйсунадиган фуқароларнинг яқиндан ҳамкорлигида, жамиятимиз барча аъзоларининг қонуңларни оғишмай ижро этишида, инсоний демократик жамиятда халқчиллик ғояларининг тантанасидир.

Жаҳон маъданияти ютуқларидан ижодий сабоқ олиб, ўрганиб, ўз давлатчилиги тарихининг бой меросига таяниб, ҳуқуқий давлат қуришга азму қарор қилган ўзбек халқи, Ўзбекистонда яшайдиган барча миллат ва элатларнинг давлатчилиги қонуңга итоаткорлик принципининг юксак самарасига ишонади ва унинг талаблари бекаму-кўст бажарилишини таъминлайди.

Ҳуқуқий тарбия ҳуқуқий сиёсатни, жумладан, айрим тадбирларни шарҳлашдан иборат бўлиб, демократияни ривожлантиришни, ҳуқуқий давлатчиликни мустаҳкамлашни тақозо этади.

Ҳуқуқий тарбия ходимнинг сиёсий онглилигини ва унинг ахлоқий қиёфасини камол топтиришнинг умумий тадбирлари билан бевосита узвий боғлиқдир. У тарбиянинг ўз кўринишлари, энг аввало, сиёсий ва ахлоқий тарбия билан алоқадор бўлади. Шу боисдан барча тарбиявий фаолиятни қонуңга итоаткорликни

шакллантиришга таъсир этиши тўғрисидаги муаммо сифатида изоҳлашга асос бор.

Ички ишлар идораларининг ижтимоий ҳуқуқий фаоллигини ошира бориб, айти замонда ҳуқуқий тарбия воситасида уларнинг турмуш тарзини, ахлоқи ва ниҳоят уларда қонунга итоаткорлик кўникмаларини ҳам шакллантиришга шароит яратади. Мазкур ўринда у шахсий таркиб куч-ғайратини ижтимоий вазибаларни бажаришга, уюшқоқликни ва интизомни мустақамлашга ёрдам берадиган ҳуқуқий амалиётга суянади. Бу ички ишлар идоралари зиммасига юкланган вазибаларни муваффақиятли уддалашнинг нафақат улардаги ходимларнинг юксак даражадаги ҳуқуқий билимлари, балки асосан уларнинг ғоявий этиқоди, уюшганлиги, интизими, умумий касбий тайёргарлиги ҳолатлари билан ҳам боғлиқлигидан гувоҳлик беради.

Бир вақтлар ҳуқуқий тарбия тарбиянинг мустақил шакли сифатида махсус таҳлил этилмас эди. Бу ҳолат аҳоли ўртасида, жумладан, ички ишлар идораларида ҳам қонунга итоаткорликни шакллантиришга оид қатор амалий тадбирларнинг ўрнига етарли баҳо бермасликка олиб келди. Бироқ, ҳуқуқий тарбия бошқа турдаги тарбиялар билан яқиндан боғланган бўлиб, айти замонда у ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Бундай хусусиятлар унинг бажарадиган вазибаларида ифодаланиб, уларни тўғри тушуниш ҳам тарбиявий тадбирларнинг самарадорлиги, услубнинг тўғри танланиши, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларида қонунга итоаткорликни шакллантиришнинг яқин ва истиқболдаги мақсадларини аниқлаб олишдан иборат бўлади.

Ҳуқуқий адабиётларда тарбияни аксарият фуқароларни ҳуқуқий онг руҳида тарбиялаш каби тушунтирадилар. Шунинг учун у билан бирга ҳуқуқшунослик фанларининг ютуқлари ҳуқуқий тарбиянинг ҳуқуқий онгдан ташқари, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти, қонунга итоаткорлик каби ҳодисалар билан боғлиқлиги тўғрисида муҳим маълумотларни беради. Шу нуқтаи-назардан ҳуқуқий онгни қарор топтириш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳуқуқий тарбиясининг илк вазибаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, уларни қонунга итоаткорлик ва юксак савиядаги касбий ҳуқуқий маданият руҳида тарбиялаш тагин ҳам муҳим ва мураккаб муаммодир.

Ҳуқуқий тарбия ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларида қонунга итоаткорликни тарбиялашнинг, шахсни камолга етказишнинг муҳим йўналишидир. Мазкур муаммо, фикримизча, икки маънода - кенг ва тор маъноларда таҳлил этилиши лозим. Кенг маънодаги ҳуқуқий тарбия ижтимоий ҳаётдаги барча

омилларнинг шахсий таркибида қонунга итоаткорлик фазилатини шакллантиришга бўлган таъсиридир.

Айни пайтда "таълим" атамасининг маъноларидан бири - ўқитиш, яъни кимгадир қандайдир билимларни, малакаларни ўргатишни ифода этади. Ҳар бир кишига ҳар қандай билимларни бериб бўлмайди, яъни билим бериладиган кишида аввало билимларни қабул қилиш эҳтиёжи бўлиши зарур. Шундан тарғибот ва таълимнинг турдош тушунчалар эканлиги кўзга ташланади. Таълимда билимларни тарқатиш, махсус мақсад қилиб қўйилмайди. Бинобарин, мазкур жараёни юзага чиқариш учун аксарият ходимлар жалб қилинмайди. Тарғиботда эса фаолиятнинг бундай муҳим жиҳати биринчи ўринга қўйилади. Айни пайтда шуни назарда тутиш жоизки, билимларни асосан мажбурий равишда сингдириб бўлмайди. Тарғибот учун хос бўлган усулга кўра ғояларни, тамойилларни, ҳуқуқий билимларни, шунингдек, фаолият тажрибасини, масалан, ички ишлар идоралари фаолияти тажрибасини ёйиш мақсад қилиб қўйилади. Унинг моҳияти ижобий ҳис-ҳаяжонларни ишлаб чиқиш ва уларнинг негизда ҳуқуқий ахборотни ижобий баҳолай олиш ҳисслатларини шакллантиришдан иборат.

Айни ҳуқуқий тарғиботнинг ўзида давлат, демократия ва ҳуқуқ тўғрисидаги билимларни чуқурлаштиришнинг муайян имкониятлари мавжуд. Ҳуқуқий билимлар асосларини миллионлаб ўқувчилар касбий-техникавий ўқув юртлари ва техникумлар, олий ўқув юртининг талабалари, тингловчилари, раҳбар ходимлар, шунингдек, халқ хўжалиги мутахассислари малакасини ошириш тизимида таълим олаётганлар эгаллашмоқда. Бироқ, қонунларнинг ижтимоий ўрни ва мавқеини билиш, мазмунини тушуниш, уларга бўлган ҳурмат муносабати ҳали мукаммалликдан йироқдир. Социологик тадқиқотлар аксарият кишиларнинг оладиган ҳуқуқий ахборотлари ҳажмидан қоникмасликларини, сўралганларнинг тўртдан уч қисми эса чоп этиладиган қонунлар билан аҳён-аҳёндагина танишиш имкониятларига эгаликлари тўғрисида хабар берди.

Баъзан ҳуқуқий ахборот олишнинг имкони бўлмай қолади - норматив ва изоҳловчи ҳуқуқий адабиётлар ҳатто корхона ва бирлашмаларнинг ҳуқуқий маслаҳатчиларида ҳам бўлмай қолади.

Ҳозир ҳуқуқий билимлар раҳбарга ҳам, мутахассисга ҳам, ҳар бир фуқарога ҳам зарур. Улар раҳбарлар учун ҳам, оддий ходимлар учун ҳам зарур ечимларни асосли қабул қилиш, касбий умумфуқаролик мажбуриятларини, ўз ҳуқуқларини уддалаш, ҳимоя қилиш учун керак. Аҳолининг кенг қатламларини сиёсий ва ҳуқуқий саводхонликка ўргатиш, ҳуқуқий тарғибот омманинг сиёсий

жараёнларда онгли равишда ва масъулият билан иштирок этиши учун бирдан-бир шартдир.

Шу ўринда ахборотни етказишнинг ташкилий ибтидолари нуқтаи-назаридан ҳуқуқий тарғибот ва таълим ходимларининг ҳуқуқий тарбияси алоҳида омиллардандир.

Ҳуқуқий тарғибот оммавий мафкуравий ишнинг муайян туридан иборатдир. Ушбу жараёнда ҳуқуқий воқелик ҳақида илмий ахборот олиниб, энг аввало, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий мувофиқлаштириш хиссий идрок этилади ва қонундаги хулқ-атвор қоидаларини сўзсиз ижро этишга маънавий тайёргарлик шаклланади. Ҳуқуқий тарғибот уч асосий жиҳатнинг - ҳуқуқий воқеликни ўрганиш, тарғиб этиш ва уюштиришнинг муштараклигидир.

Шу билан бирга, унинг энг асосий вазифаси ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари фаолиятининг гоъларини, ҳуқуқий билимларга эга бўлишнинг ижобий тажрибасини ёйишдан, яъни аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини таъминлашдан иборат бўлади. Ана шу маънода ҳуқуқий тарғибот ҳуқуқий таълимга яқин ҳодисадир. "Тарғибот" тушунчаси муайян маънода таълим тушунчаси билан мос келади. У ёки бу гоъларни, билимларни тарғиб этиш - нафақат уларни тушунтиришни, айна замонда тарқатиш, ёйишни ҳам билдиради. Ҳуқуқий таълим ижтимоий муҳит таъсирида шаклланади. Иқтисод, ижтимоий ҳаёт, давлат сиёсий устқурмасидаги ютуқлар ҳуқуқий билимларни, эътиқодларни, шахсий таркибнинг урф-одатларини вужудга келтириб, ҳуқуқ ва ҳуқуқий соҳадаги ижтимоий ишчан фаолиятни белгилаб беради.

Шунингдек, мазкур йўналишда олиб бориладиган уюштирилган ҳуқуқий тарбия ишлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур фаолият тор маънода ходимларни ҳуқуқий тарбиялаш деб аталади ва унинг шахсий таркибни тарбиялашдаги муайян ўрнини истисно этиб бўлмайди. У ходимларда ҳуқуқий онгни ва ҳуқуқий маданиятни, шунингдек, қонунга итоаткорликни шакллантириш учун идора ва бўлинмаларда олиб бориладиган ҳуқуқий тарбия тизими ва мажмуасидан иборат. Шу боисдан тизимсиз, аҳён-аҳёнда олиб бориладиган тадбирлар бу соҳада кўзланган натижани бермайди.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданияти мазкур ҳуқуқий тарбия йўналиши хусусиятларининг инobatга олинишида намоён бўладиган барча тарбиялар учун умумий тамойилларга асосланади. Бу, биринчи навбатда, ҳуқуқий тарбиянинг илмий принциплари, ҳаёт билан ботиний узвийлик ва илмийликдан иборатдир. Бундан ташқари, ҳуқуқий тарбия ташкилий ва услубий тамойиллар билан ҳам изоҳланади, яъни ҳар томонлама ёндашув, ички ишлар идоралари ходимларининг турли тоифалари



хусусиятларини инobatга олиш, фойдаланилган далилларнинг чинлиги, сўз ва иш бирлиги, муайянлик ва ишчанлик, тушунарлилик, ойдinлик кабилар ҳуқуқий тарбиянинг шакллари ва усуллари ҳисобланади.

Ҳуқуққа ҳурмат муносабатини шакллантирадиган воситалар доирасига матбуот тарғиботи, телевидение кўрсатувлари, ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий таъсирнинг бадий имкониятлари киради. Улар турли воситалар билан тарбиявий ишнинг ғоявий мазмунини оммага етказадиган омиллардир.

Ҳуқуқий тарғибот ҳуқуқий мавжудликни ўрганиш заруриятини, ҳуқуқий назария қоидаларини қайта муҳокамалаб олиши ва, энг асосийси, ички ишлар идоралари шахсий таркиби фаолиятига таъсир этадиган, яъни уларнинг ҳуқуқий хатти-ҳаракатини уюштирадиган ахборотни тарқатишдир. Албатта, шахснинг ҳуқуқий хатти-ҳаракатини ундаги ҳуқуқий хабардорликнинг бевосита давоми деб тушунмаслик лозим. Айни пайтда ҳуқуқ субъектининг ҳуқуқий хабардорлиги ва унинг ҳуқуқий хатти-ҳаракати ўртасида бевосита узвийлик мавжуд. Ҳуқуқий билимларсиз ҳуқуқий ҳодисаларни аниқ ва тўғри баҳолашнинг, ҳуқуқий хатти-ҳаракатнинг йўриқларини, мўжалларини шакллантиришнинг имкони бўлмайди. Шундан шахснинг ҳуқуқий хабардорлиги билан унинг қонунга итоаткорлиги ўртасида бевосита алоқа мавжуд, деган хулосага келишга асос бор.

Ҳуқуқий тарғиботга мафкуравий ишнинг барча хусусиятлари тааллуқлидир: у ҳуқуқий амалиётни, ҳуқуқий фанларнинг назарий қоидаларини ўзлаштиришнинг асосий жиҳати - ҳуқуқий билимларни, амалдаги қонунчилик тўғрисидаги ахборотни, қонунга ҳурмат муносабатини шакллантириш мақсадида уни қўллашнинг амалий тажрибасини ёйиш билан ўзаро боғлайди.

Ҳуқуқий тарғибот ёрдамида шахс ҳуқуқий ахборотнинг мазмунини ўзининг баҳолаш мезонларига кўра тўплайди ва ўзлаштиради, шундан сўнг ҳуқуқий ахборот туфайли шахс жамиятни, унда содир этилаётган жараёнларни, ҳуқуқий воқеликни баҳолаш имконига, ички заруриятга кўра ўз хатти-ҳаракатини уюштириш, қонунга ҳурмат-эътибор муносабати каби омилларга эга бўлади.

Шундай қилиб, ҳуқуқий тарғибот ички ишлар идоралари ходимларида қонунга итоаткорликни тарбиялашни ўз олдига пировард мақсад қилиб қўяди.

Қонунга итоаткорликни шакллантиришда матбуот муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқ тўғрисидаги билимларни чуқур ва ҳар томонлама тушунтириш ходимда қонунга итоаткорликни тарбиялаш, ҳуқуқий қоидаларга нисбатан унда муҳим одатни, ўз хатти-ҳаракатини касбий қасам, бошлиқларнинг буйруқлари, талаблари

билан қатъий мувофиқлаштиришни, ҳуқуқий талабларни амалда татбиқ этиш фазилатини сингдиради. Мазкур фазилат китоблар, қўлланмалар, рисоалар, мақолалар ва ҳоказолар ёрдамида тарбияланади.

Шахсий таркиб орасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишнинг аксарият урф бўлган йўналишлари - қонунчиликни тарғиб қилиш ва тушунтириш, қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашга оид ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва жамоатчилик фаолиятини ёритиш, қонунчилик ва хизмат интизоми тўғрисида ахборотлар уюштириб бориш, милиция бўлинмаларининг иши бўйича тажриба алмашув, ҳуқуқий янгиликлар, ҳуқуқий адабиётларни оммалаштириш кабилардан иборат.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ҳуқуққа ҳурмат муносабатини шакллантиришда ўзбек ва рус тилларида чиқаётган кўп нусхали "Постда" рўзномаси, шунингдек, республикамызда чоп этилаётган "Ҳуқуқ", "Ҳаёт ва қонун", "Қонун ҳимоясида", "Ҳўжалик ва ҳуқуқ", "Қонун номи билан", Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида чоп этилаётган "Ҳуқуқ-Право" журналларининг алоҳида ўрни бор.

Тармоқ ходимлари орасида "Инсон ва қонун", "Ички ишлар вазирлигининг матбуот маркази хабар қилади" радио эшиттиришлари, ҳуқуқ масалаларига оид радио ва тележурналлар катта обрў қозонмоқда. Ходимларда қонунга итоаткорликни шакллантиришда ташкил этилаётган "маърифатхона"лардаги ҳуқуқий билимлар бурчаклари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Шундай мақсадларга "Кўргазма ташвиқот" деворий рўзномалари, турли плакатлар, шиорлар, фоторўзномалар шахсий таркибда қонунга нисбатан эътиборни, тузуқлар ва кўрсатмаларга риоя қилишни тарбиялашга хизмат этиб, ходимларнинг касб маҳоратларини оширишларига ёрдам беради. "Наштар", "Яшин" сингари варақалар ва бошқа деворий рўзномаларда ҳарбий тузуқлар талабларидан чекинадиганларнинг, пала-партиш иш юритувчиларнинг устидан қулиб, уларнинг сагира қамчиси билан аёвсиз саваланаётганлигининг ҳам таъсири оз эмас.

Қонунга итоаткорликни шакллантиришда матбуот, радио ва телевидение воситаларидан кенг фойдаланиш тарғиботнинг моҳиятини кўтаради. Зотан, тарғиботчининг жонли сўзини, унинг инсон тафаккури ҳиссиётининг нозик жиҳатларига тегиб ўтиши ва ижобий таъсир кўрсатишини бирор-бир нарса билан алмаштириб бўлмайди. Педагогик адабиётларда тарғиботчиларга асосий ўрин ажратилади. Тарбиячи шахсининг ёш қалбга таъсири шундай тарбиявий аҳамиятга моликки, уни дарсликлар, ахлоқий ташвиқот ва

жазолар ёхуд раббатлар тизими билан алмаштириб бўлмайди. Шу боис шахсий таркибда қонунга итоаткорликни тарбиялашни юксак баҳолаш адолатдан бўлади.

Оғзаки ҳуқуқий тарғиботда маърузалар, суҳбатлар, савол ва жавоб оқшомлари, ҳазил топишмоқ (викторина)лар, семинарлар, ҳуқуқий лекторийлар, анжуманлар, қонунийликни мустаҳкамлаш масалаларига оид мажлислар, баъзи интизом ва тартибни бузганларни хизмат жамоаларидаги ходимлар хатти-ҳаракати шаънини ҳимоя қилувчи ўртоқлик судларининг йигинлари ва шунга ўхшаш ҳуқуқий тарбиявий аҳамиятга молик тадбирлар кенг қўлланилади.

Ҳуқуқий тарбия воситалари қонунга итоаткорликни шакллантиришга оид ғоявий мазмунга эга фаолиятни тарбиялаш йўлидир. Ҳуқуқий тарбия шакллари мазкур фаолият мазмунининг зохирий ифода усули бўлиб, улар, энг аввало, шахсий таркибда қонунга риоя қилишнинг аниқ тадбирларидан иборат бўлади.

Қонунга итоаткорликни тарбиялашнинг қўйидаги ташкилий воситаларини ажратиш мумкин. Булар - халқ дорилфунунлари, ҳуқуқий билимлар факультетлари, мактаблари, ҳуқуқий мактаблар, семинарлар, тўғарақлар, оддий ва кичик бошлиқлар таркибини вилоятлараро илк тайёрлов курслари ва бошқалардир. Шу соҳага оид маърузавий тарғиботнинг турли шакллари ҳам эслатиш мумкин. Булар - маърузалар тизими, ҳуқуқий лекторийлар, ўқувчиларнинг илмий-назарий, илмий-амалий, ўқув-назарий анжуманлари; ҳуқуқий конкурслар ва "Қасбнинг энг яхши ходими" мавзуларидаги оқшомлар, ҳазил топишмоқли викториналар, диспутлар, олимпиадалар, ҳуқуқий кино-маърузалар ва бошқалар. Ва ниҳоят, унга яқка тартибдаги турли хилдаги тарбиявий тадбирлар ҳам киради.

Шундай қилиб, ички ишлар идоралари ходимларининг қонунга итоаткорлигининг шаклланишида ҳуқуқий тарбиянинг муайян тизими, ташкилий усул ва воситалари қарор топди. Бу эса шахсий таркиб ҳуқуқий маданиятини оширишда улкан имкониятлар яратиб, барча ходимларни ҳуқуқий тарбиянинг таъсирчан доираси ичига олади ва уларда юксак ғоявий баркамоллик, илмий дунёқараш, ўз хизмат мажбуриятини ҳалол уддалаш хусусиятини тарбиялаб, уларнинг бутун куч-ғайратларини, билимларини ҳуқуқ-тартиботга бахшида этишга тайёр бўлишларига кўмаклашади.

## 2. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг аҳоли ҳуқуқий маданиятини тарбиялашдаги роли

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари аҳолини қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялашда муҳим мавқега эга. Зеро ҳуқуқий тарбиявий иш улар фаолиятининг таркибий қисмидир.

Мустақиллик шароитида бундай ишга алоҳида мақом берилди. Яъни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ўзлари қонунга итоаткор бўлишлари ва аҳолининг ҳам ана шундай қонунга итоаткорлигини таъминлашлари лозим.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг сифат таркиби ва тарбиясини яхшилашга доимий эътибор, суд, прокуратура, ички ишлар идоралари ва адлия ишларига сиёсий етук, ахлоқан бепуқсон, ўзида юксак касбий тайёргарликни мужассам этган, мардлиги, ҳалоллиги, адолатли кишилар қабул қилинишлари керак.

Шу мақсадда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимларини қонунга итоаткорлик, чинакам инсонпарварлик, халққа фидойилик билан бегараз хизмат қилишлари учун доимо тарбиялаб бориш зарур. Ана шундагина улар ўзига бино қўйиш, калондимоғлик, жиноятни тергов қилишда бирёқламалик, пала-партишлик, кишилар тақдирига лоқайдликдек иллатлардан халос бўладилар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари амалиётида етарлича асосланмаган тарзда фуқароларни ушлаб туришлар, қамашлар, ноқонуний жавобгарликка тортиш каби иллатлар бартараф этилиши зарур. Ҳар бир ана шундай ҳодиса фавқулодда ҳолат каби баҳоланиб, у бўйича атрофлича принципиал ва қатъий хулосаларга олиб келадиган тафтиш-текширишлар ўтказиш жоиз. Масаланинг бундай қўйилиши ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг аҳолини ҳуқуқий тарбиялашга диққат-эътибор беришларини, уларда ҳуқуқ ва мажбуриятлар муштараклигини англаш, инсонийлик, қонунларга ҳурмат, шунингдек, қонунийликнинг ҳар қандай кўринишларига муросасизлик каби фазилатларни қарор топтириш ишларига кўмаклашади.

Демократия ҳаддан ошишлик, масъулиятсизлик ва бошбошдоқлик билан чиқиша олмайди. У инсонга, жамоага, чинакам хизмат қилиш, меҳнаткашлар ташаббусини ривожлантириш, кишининг ижобий салоҳияти имкониятларини очиш, қонунийлик ва адолатни мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом ахлоқий муҳит яратишни назарда тутди. Шу муносабат билан раҳбар ходимларнинг, қолаверса, барча аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини кучайтириш, суд,

прокуратура, адлия, ички ишлар идоралари ходимларининг нуфузини ошириш, улар фаолиятининг самарадорлигини кучайтириш зарур.

Ички ишлар идоралари ҳуқуқий тарбиясининг йўналиши ва мазмунини аниқ белгилаб олиш, уларнинг мафкуравий фаолиятлари хусусиятларини бошқа идоралар ва ташкилотлар олиб борадиган ҳуқуқий тарбиявий тадбирлардан фарқлаш, шунингдек, аҳолининг у ёки бу табақалари онгига ғоявий таъсирнинг энг истиқболли шакллари ташлаш кун тартибда турибди.

Қонунга итоаткорликни тарбиялашни ходимлар, энг аввало, ўзларининг амалий фаолиятлари билан қарор топтиришлари лозим. Зеро бундай иш қонун доирасида олиб бориладиган бўлгандагина аҳолида уларга нисбатан эъзоз туйғуларини уйғотади, қонунчилик ҳужжатлари ва ички ишлар идоралари ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишларини амалда тасдиқлаб беради. Шу боисдан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятдан қоғозбозлик ва ўзибўларчилик, кишиларга, уларнинг қонуний манфаатлари ва талабларини қондиришга совуққонлик ва димоғдорлик муносабатларини таг-томири билан узиб ташлаш зарур.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг амалий фаолияти аҳолига қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашга, ҳуқуқбузарликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга оид ҳуқуқий сиёсатни тушунтиришдан иборат бўлмоғи даркор.

Ҳуқуқий адабиётларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий тарбиявий фаолияти турли йўналишларда: уларнинг хизматлари ва ходимлар тоифасига мансублигига кўра; аҳолининг турли қатламлари ва гуруҳларига нисбатан кўрсатадиган тарбиявий таъсирларга кўра; мафкуравий тадбирларнинг ва ҳуқуқий тарбиянинг аниқ шаклларидан фойдаланишнинг мазмунли жиҳатларини инобатта олган ҳолда тадқиқ этилган.

Айни замонда уларнинг аҳолида қонунга итоаткорликни тарбиялашга оид ишлардаги қуйидаги асосий йўналишларни белгилаш мумкин: *биринчидан*, амалга оширишнинг мазмуни ва шаклига кўра аҳоли ўртасида олиб борилаётган тадбирлардан фарқ қилмайдиган умумий мафкуравий моҳиятдаги ҳуқуқий тарбиявий иш; *иккинчидан* фуқароларнинг муайян қисмига мўлжалланган ижтимоий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш доирасидаги ғоявий тарбиявий таъсир; *учинчидан*, ҳуқуқий қоидаларни кўллаш жараёнида бевосита амалга ошириладиган тарбиявий чоралар; *тўртинчидан*, ички ишлар идоралари ходимларига махсус кишилар (озодликдан маҳрум этилганлар) билан ҳам ҳуқуқий тарбия ишларини олиб боришга тўғри келади.

Зикр этилган барча йўналишлар кишиларда қонунга итоаткорликни тарбиялашда муайян ўрин тутати. Шунга қарамай, ички ишлар идоралари ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқий тарбиясини, энг аввало, самарали равишда ўз фаолиятларида ҳуқуқий қоидаларни қўллаш билан узвий олиб борадилар. Улар орасида ўз амалий ишлари билан ҳуқуқни тарғиб қилиш самарадорлигини тарбиялаш зарур. Асосли ва адолатли ҳуқуқни қўллаш фаолияти ҳуқуқий тарбиянинг объектив объекти бўлиб, у кишиларда қонунга итоаткорликнинг вужудга келиши ва ривожланишига ҳисса қўшади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг аҳолида қонунга итоаткорликни тарбиялаш бўйича олиб бораётган маффуравий ишлари тўғрисида гап борар экан, жамоа билан ва унинг воситасида амалга ошадиган тадбирларга эътибор бермоқ лозим.

Бирор жамоада тарбиявий ишни олиб бориш учун мазкур жамоа аъзоларининг ҳаёти, кайфиятлари, мақсад ва манфаатларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш жоиз. Тарбияланувчиларни тушунмасдан уларни тарбиялаш мумкин эмас. Зеро тарбиявий иш ажратиб олинган, айни ҳар бир кишига мўлжалланган бўлмоғи керак. Ҳар бир шахснинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш зарур. Зотан ходимнинг вазифаси ҳар бир киши учун унинг ўзига муносиб ёндашувни, таъсирнинг энг мақбул ва манзур усул ва воситаларини излаб топишдир.

Жамоада қонунчиликка қатъий риоя қилиш муҳитини, ҳуқуқнинг адолатлилигига ва зарурийлигига ички мустаҳкам эътиқодни, қонунга ҳурмат муносабатини яратиш ҳам муҳим. Бунда жамоада тарбиявий иш олиб бораётган ходимнинг шахсий хулқ-атвори ҳам алоҳида ўрин тутати.

Жамоадаги муҳит ҳар бир аъзонинг қонунни бузиши учун ҳеч қандай шароит қолдирмаслиги, унда бундай шароитнинг бўлиши ҳам мумкин эмаслиги фикрини шакллантириши даркор. Ҳуқуқий тарбиявий ишни олиб борадиган ходимнинг қонунга қатъий риоя қилиши қонунга итоаткорликни самарали тарбиялашнинг алоҳида муҳим шартидир.

Ушбу ўринда жамоатчилик фикрини уюштириш ва ундан унумли фойдаланишнинг ҳам аҳамияти катта. Унинг қонунга итоаткорликни тарбиялашдаги таъсирини инкор этиб бўлмайди. Мазкур қадрият аксарият ижтимоий ҳис-ҳаяжонлар табиати, шунингдек, унинг фавқулодда турли-туманлиги ва ўзига хослиги билан тушунтирилиши мумкин. Башарти шахснинг хатти-ҳаракати умум эътироф этган жамоанинг хулқ-атворидан ўзининг салбий жиҳати билан тафовут этса, у ҳолда мазкур ҳолат барчанинг эътирозига дуч келади. Айни замонда бундай норозилик ўз-ўзи

учунгина аҳамиятли эмас, балки шахснинг бундан кейинги фаолиятида янада салбийроқ ҳодисалар юз бериши мумкинлигидан далолатдир. Масалан, шахс аксарият ижтимоий муносабатлардан соқит этилиб, жамоада ахлоқий ҳимоя ва иззат-икромга сазовор бўлмай қолади.

Қонунга итоаткорликни шакллантиришда бугун жамоатчилик фикрини инобатга олиш билан бирга, у ёки бу ижтимоий гуруҳларнинг ҳам фикрларидан унумли фойдаланиш даркор.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш ижтимоий фанларнинг долзарб вазифасидир. Бу ўзининг чекланган мақсад-манфаатлари йўлида очиқ-ойдинлик, ошкоралиқдан фойдаланиб, мустақилликка, ривожланаётган суверен давлатимизга, меҳнаткашлар хоҳиш-иродасига қарши турган шахсларнинг фаолиятларини тўғри назорат қилиш учун ҳам самара беради. Зотан, жамоатчилик фикрини инобатга олиш бундай кишиларни жамиятдан ажратишга, уларга нисбатан қонунга кўра чоралар қўллашга, демократик қонунчиликни амалга оширишга, одамларда ҳуқуқни, қонунга итоаткорликни камол топтиришга ёрдам беради.

Шундай қилиб, қонунга итоаткорликни қарор топтириш уюштирилган, доимий, мақсадга мувофиқ равишда фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онглилигини ва уларнинг маънавиятини тарбиялаш тадбирлари билан бирга олиб борилиши жоиз. Мазкур тадбирларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари орасида олиб бориш кўзланган самарани беришини амалиёт кўрсатиб турибди.

Бешинчи бўлим\*  
**СУДЛОВ-ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ**

**XIX боб**  
**СУД ҲОКИМИЯТИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ**

- ✪ Маданият ва суд ✪ Суд ходимлари ҳуқуқий маданиятнинг тарбиявий аҳамияти  
✪ Суд жараёнини такомиллаштиришда ҳуқуқий маданиятнинг ўрни

**1. Маданият ва суд**

Одил судлов - давлат ҳуқуқий фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, суд томонидан фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқиш воситаси орқали амалга оширилади. Ҳуқуқий низоларнинг ҳал этилиши фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига таъсир кўрсатиш, жиноят содир этганликда айбдор деб топиш ва жиноят иши бўйича жазо тайинлаш, шахсни суд томонидан айрим ҳуқуқлардан, мулк, шахсий эркинлик ва яшаш каби неъматлардан маҳрум этиш ёки чеклаш билан боғлиқ бўлган, ёхуд айбланувчи айбсиз деб топилганда уни оқланган ва қонунда қатъий белгиланган ҳолларда суд томонидан қонунни қўллашнинг алоҳида кўринишидир.

Бу судьялардан одил судловнинг субъектлари сифатида, энг аввало, юксак маънавий жавобгарликни талаб этади. Ҳар қандай “қийинчиликлар, тўсиқлар ва одил судловнинг ўз хатолари, - деб ёзган эди Ш.Монтескье, ўз даврида ҳар бир фуқаро ўз эркинликлари эвазига тўлайдиган баҳо бўлиб ҳисобланади”.

Одил судлов маданиятнинг ижтимоий қадриятлари тизимида фаолият кўрсатар экан, жамланган шаклда давлатнинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий негизларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий сиёсатини ифодалайди. Ушбу давлат ва фуқаролик қадриятларининг каттагина қисми ҳуқуқий меъёрлар кўринишида қонуллаштирилиб қўйилганлиги туфайли (айрим ҳолларда ушбу қадриятлар ижтимоий ихтилоф предмети сифатида учраб туради) одил судлов орқали рўёбга

\* Бешинчи бўлим *Х.Зокиров* билан ҳаммуаллифликда ёзилган.



чиқарилади. Унинг амалга оширилиши эса суд ишини юргизиш фаолиятининг ўзига хос шаклини ташкил этади.

Одил судлов маданиятини оширишнинг янги йўллари ва воситаларини излаб топишда қонунийлик ва маданият бирлигини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу суд ишини юргизиш жараёнини янада чуқур, аниқ ва ҳар томонлама билишга, амалиётда эса уни янада самарали бошқаришга олиб келади. Суд ишини юргизиш жараёнини тадқиқ қилишга яхлит-тизимли ёндашув суд жараёнини ташкил этишнинг муайян шаклларида, судни зарур техника воситалари билан таъминлаш, суд ҳужжатларини пухта тузиш, судьялар учун ўртача иш меъёрини белгилаш, малакали кадрлар тайёрлаш ва қонунчиликни янада мустаҳкамлаш тадбирларини ишлаб чиқишдан тортиб қонунчилик асосларини такомиллаштиришгача бўлган масалаларнинг кенг доирасини ўз ичига олади. Одил судловни амалга оширишда бу масалаларнинг кенг доираси қонунийлик ва маданият яхлитлиги муаммоси билан узвий боғланишда олиб борилади.

Суд одил судловни амалга ошириш воситасида шахсларни ҳамда жамиятнинг муҳим манфаатларига тегишли бўлган ўта муҳим ва масъулиятли вазифани бажаради. Шунинг учун ҳам судларни белгилаб қўйилган қонунчилик шакллари доирасида қонуннинг руҳи ва ҳар бир талабига қатъий риоя этишлари юзасидан фаолиятларини назорат қилишга жамият томонидан астойдил интилиш ҳақли ва табиийдир.

Одил судловни амалга оширишда қонунийликдан ташқари инсон фаолиятининг ҳар қандай соҳасида умумий қабул қилинган ҳуқ-атвор маданияти талабларини ҳам қўллаш мумкин. Уларда инсон фаолиятининг, шу жумладан унинг алоҳида ҳолати сифатидаги одил судловнинг ички тараққиётининг тарихий мазмуни ҳам мужассамлашган.

Судларнинг самарадорлиги ва қабул қилинган қарорлар сифати каби иш кўрсаткичлари ҳақида гап кетганда, суд фаолиятини ташкил этишнинг янги услублари, воситалари ва шаклларида, илмий-техника ва ижтимоий тараққиёт ютуқларидан кенгроқ фойдаланиш лозим бўлади.

Ўзбекистон жамиятини демократиялаштиришнинг ҳозирги босқичида одил судловни такомиллаштириш масаласи долзарб бўлиб турган шароитда анъанавий таҳлил услубларининг ва соф юридик ёндашувнинг етарли эмаслиги аён бўлиб қолмоқда. Илмий тадқиқотнинг таҳлилий услубларида, одатда шунини кўриш мумкинки, одил судловни такомиллаштириш бўйича хилма-хил тадбирларнинг яхлитлиги ва тизимлилиги, суд фаолиятининг илмий-техника

тараққиёти ютуқлари, инсон фаолиятининг бошқа шакллари билан алоқаси йўқолади. Шу сабабли, бугунги кунда кўплаб тадқиқотчилар одил судлов самарадорлиги муаммосини яхлит ва тизимли тарзда ўрганиш эҳтиёжини англаб етмоқдалар. Одил судловнинг таъсирчанлиги оширилиши биринчи гада уни атрофлича ўрганишга ёрдам берувчи ҳуқуқий ва фалсафий ёндашувларни кенг ва мустаҳкам ҳамкорлиги билан боғланмоқда. Шу ўринда, алоҳида таъкидлаш керакки, айнан фалсафий ёндашув вужудга келиши билан ҳуқуқшунослик фанлари давлат-ҳуқуқий воқеликни билишнинг чинакам илмий услубига эга бўлди, бунга таяниш асосида эса давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти очиб берилди, уларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши қонуниятлари кашф этилди, фаолиятлари механизми ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва таъсир кўрсатиш шакллари тушунтириб берилди, давлатшунослик ва ҳуқуқшуносликнинг асосий тоифалари ишлаб чиқилди. Бироқ фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг тарихий иттифоқи асосан шулар билан кифояланиб қолди. Давлат ва ҳуқуқ қурилиши амалиёти муаммоларини ҳал этиш биринчи гадаги ҳаётий заруратга айланганлиги учун одил судловнинг фалсафий-услубий муаммоларини жадал ишлаб чиқишга бевосита боғлиқ эканлиги тўғрисидаги ҳақиқатни тобора яхшироқ англаб бориш ҳозирда долзарб масаладир.

Ҳуқуқ фалсафасини ўрганиш бугунги кунда нафақат ҳуқуқшунослик фанида, балки оммавий равишда кучайиб бормоқда. Бу - бутун ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий ва технологик жараёнлар билан уларнинг ўзаро алоқалари мураккаблашганлиги, ўзгарувчанлик ва ҳаракатчанлик кучайганлиги билан изоҳланади. Фанда фалсафий-ҳуқуқий билишнинг услубий асоси аҳамияти ошишини ижтимоий, шу жумладан ҳуқуқий жараёнларни илмий таҳлил этиш тобора диалектик (ўзаро боғлиқ) хусусият касб этаётганлиги, яъни ўрганилаётган манбани ҳар томонлама, чуқурроқ, қамраб олаётганлиги ҳамда унинг муайян, мураккаб, қарама-қарши жиҳатларининг барчасига кириб бораётганлигини кўриш мумкин.

Ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашуви жараёни туфайли инсон омили муаммосини ҳал этишда жиддий фалсафий-ҳуқуқий умумлашмаларга эҳтиёж зарурлигини, бугунги кунда юридик фанда бўлганидек, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам англаб етилмоқда.

Ҳуқуқшуносликнинг фалсафа билан ҳамкорлиги ҳуқуқий тартибга солишнинг мураккаблашиб бораётган муаммоларини муваффақиятли ҳал этишда зарур восита сифатида кўзга ташланмоқда. Мазкур ҳолатда ҳуқуқ фани, фалсафа ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бундай ўзаро алоқаси ёки ҳамкорлигига

эҳтиёжи одил судловни яхлит-тизимли тадқиқ қилишда аниқлаштирилиши мумкин. Бу эса илмий билимнинг одил судлов ҳуқуқий маданияти каби ҳали етарлича ишлаб чиқилмаган соҳасини ривожлантиришга бўлган катта қизиқишни асослаб беради. Уни одил судловни амалга ошириш бўйича суд фаолиятини тартибга солиш тадқиқ қилишнинг аниқ шакли сифатида ўрганиш мумкин. Одил судлов бундай ёндашув натижасида маданият феномени каби, яъни яхлит инсон фаолиятининг жиҳати, ёхуд алоҳида шакли каби, инсоннинг ўзлигини тасдиқлаш ва ўзлигини рўёбга чиқаришнинг маълум шакли каби тушунилади. Бундай ҳолатда одил судловнинг ҳуқуқий тушунчаси шахснинг камол топишига, ижтимоий тараққиёт манфаатларига ҳамоҳанг бўлган ижтимоий таъсир этишнинг алоҳида шакли сифатидаги фалсафий тушунча билан тўлдирилади ва чуқурлаштирилади. Бу - одил судлов маданияти деб аталувчи умумий тартибнинг жиҳати ёки шаҳобчаси сифатида таҳлилий (соф юридик) ёндашиш ва таҳлил этишнинг чекланганлиги ва торлигини бартараф этишга, одил судловнинг амалий вазифаларини аниқ шакллантиришга ҳамда асослашга имкон беради.

Маданият - бу энг аввало ижтимоий ҳаётнинг тартиблилиги ва бир бутунлигини идрок этишнинг алоҳида шаклидир. Шу боисдан одил судловни маданият ҳодисаси сифатида таърифлаш услубий аҳамиятга эга; бу ҳолатда одил судлов жамият фаолиятининг бошқа шаклларида ажратилган ҳамда мавҳум ҳолда кўриб чиқилмайди, балки ўзаро алоқалар ва ўзаро муносабатлар мажмуасида тадқиқ этилади. Бунда одил судлов ажралиб қолгандай эмас, балки жонли ижтимоий-ҳуқуқий воқелик каби намоён бўлади.

Ҳуқуқий маданият ва одил судловнинг ижтимоий моҳиятини теран тушуниш, унинг қонунийликни мустаҳкамлаш, бунинг самарадорлиги ва сифатини ошириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш, бу тадбирларни назарий асослаш учун “маданият” тоифаси қандай қўлланилади? Одил судловни маданиятшунослик нуқтаи назаридан текширишга интилишимиз юқорида кўтарилган саволларга жавоб топишга ёрдам бериши мумкин.

Кўплаб файласуф олимлар маданият назариясини ёки бошқача айтганда маданиятшуносликни яратиш ва шакллантиришга катта эътибор берганлар. Улар маданиятнинг, хусусан ҳуқуқий маданиятнинг умумий назариясини ишлаб чиқишда самарали меҳнат қилиб, натижада бу илмий соҳани янада ривожлантиришга имкон берадиган жиддий муваффақиятларга эришдилар.

“Маданият” тушунчаси фалсафий адабиётда турлича талқин этилади. Маданиятдек мураккаб ҳодисанинг маъно-мазмунини изчил ва тўлақонли очиб бериш маданиятшунос-мутахассис учун ҳам қийин

ишдай туюлар экан, бошқа соҳа олимлари, жумладан юристлар учун бунинг деярли ечими йўқ, деган хулоса чиқаришга мажбур этади. Лекин шундай бўлсада, маданият назариясини ишлаб чиққан ҳолда одил судловнинг ҳуқуқий маданияти моҳиятини тасаввур қилиш ва моҳиятини яратиш учун услубий тамойиллар сифатида хизмат қилишга қодир бўлган айрим асосий қондалар кенг илмий изланишларга йўл очиб бериши мумкин.

Ҳозирги кунда маданият муаммоларига қизиқишнинг ортиб бораётганлигини аксарият маданиятшунослар ижтимоий тараққиёт жараёнида инсоннинг ижтимоий ва ижодий фаоллиги ўсиб бораётганлиги билан изоҳламоқдалар. Келажакда инсонни оғир, бир хил ва машаққатли меҳнатдан ҳалос қилишга имкон берадиган ишлаб чиқаришнинг технологик тизимини шакллантирадиган илмий-техника тараққиёти шароитида меҳнат кишисининг маданий камолоти учун сифат жиҳатидан янги имкониятлар очилибгина қолмайди, балки унга ҳаётий зарурат ҳам пайдо бўлади. Зеро, жамиятнинг маданий салоҳияти (ижодий фаоллик) ўз навбатида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга тобора кўпроқ таъсир кўрсата бошлайди.

Маданият муаммосини назарий таҳлилдан ўтказиш, унинг моҳияти ҳақидаги саволга аниқ жавоб топиш жамиятнинг барча соҳаларини, хусусан унинг алоҳида қисмларини, шу жумладан одил судловни ислоҳ қилишнинг амалий вазифаларини очиқ-равшан ва бир хилда аниқлаб олишга имкон беради.

“Маданият” тоифаси кундалик ҳаёт, ижодий фаолиятда бўлгани каби фанда ҳам ишлатиладиган тушунчалар сирасига киради. Назаримизда “маданият” тушунчаси бунчалик кенг тарқалишининг ўзига хос белгиларидан бири - унинг аксиологик, ижтимоий қиммат хусусиятига эгалигидир. Бунга кўра инсон турмуш тарзининг у ёки бу усулларига “маданий” ва “маданиятсиз” деб баҳо берилади. Бундай талқинга кўра “маданият” унга қараб интилишни талаб қиладиган ижобий ҳол каби баҳоланади.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, маданият биологик наслга алоқадор бўлмаган ва кишиларнинг ижодий фаоллиги натижасида келиб чиққан хулқ-атворларнинг жиҳатларига боғланган эди. Бу билан адабиётда ўзгача қараш, маданиятнинг ноаксиологик аҳамияти таъкидлана бошланганди. “Маданият” тушунчасига жамийки яратилган, кейин анъаналарда жамланган ва айнан инсоннинг хулқ-атворини шакллантириш сифатида намоён бўладиган нарсаларни киргиза бошладилар. Маданият инсоннинг ҳаммага хос ва мажбурий белгиси сифатидаги турмуш тарзининг ҳар қандай шакли билан боғлана бошланди. Маданиятнинг аксиологик талқинидан фарқли

ўлароқ янгича талқин инсон ҳаётининг ҳар қандай тарихий ишлаб чиқилган усулини табиий равишда “маданият” тушунчаси доирасига киритишга олиб келди.

Фаннимиз маданиятнинг моҳиятини тадқиқ этишга фақат инсон меҳнати ва жамият билан алоқадорликда тушунарли бўлади, деган услубий фактни эътироф этиш билан ёндашади. Гап шундаки, табиатдан яралган инсон ўзининг кейинги тирикчилигини меҳнат фаолияти воситасида таъминлаши лозим. Маданият айнан яшашнинг ўзига хос инсоний (ижтимоий) восита ва шакллари яратиш ва фойдаланишдан бошланади. Меҳнат фаолияти жараёни давомида одамлар ўзларининг эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиққанлари ҳолда табиий ва ижтимоий дунёни ижодий ўзгартириб борадилар. Шу билан бирга меҳнат жараёни давомида инсон ўзининг ҳам дунёсини ўзгартиради. Бу табиий ҳолдир.

Меҳнат - маданият нуқтаи-назаридан инсоний моҳият қувватининг ташқи ифодасини, инсондаги руҳий ва жисмоний заковатнинг эркин кўриниши, унинг жамиятда ўзлигини намоён этиш воситаси ва усулидир. Шу маънода маданиятни инсон меҳнати билан қайта сайқалланган ва инсонийлаштирилган ёввойи табиат сифатида таърифлаш мумкин.

Шу боисдан ҳам фалсафий адабиётда маданият тушунчасининг замирида одамзоднинг тарихий фаол ижодий фаолияти, унинг бу фаолият субъекти сифатидаги камолати ётиши ҳақидаги нуқтаи назар устун мавқега эга эканлиги тасодиқий ҳол эмас.

Бундай ёндашувда маданиятнинг ривожини ижтимоий ҳаётнинг қандайдир соҳасида эмас, балки ҳар қандай соҳасида шахснинг камол топиши билан ҳамоҳангдир. Бу албатта, маданиятнинг предмети шакллари бўлган маҳсулотлар ва ижод маҳсулларининг аҳамиятини истисно этмайди. Бироқ бу маҳсулотлар - кишиларнинг мужассамланган фаолияти бўлиб, унинг асл маданий мазмуни ва аҳамияти жонли инсоний фаолият тўқимасига жо этгандагина намоён бўлади. Бундай жараёндан ташқарида предметли маҳсуллар функционал шаклларга айланиб, на маданиятнинг тарихий мазмунини, на ушбу шаклларнинг маънодор тавсифини очиб бера олади.

Маданиятнинг моҳиятини тушунишда маданият кишилар томонидан яратилибгина қолмай, айни пайтда у инсон учун мавжудлигини, одам унда ҳам истеъмолчи, ҳам яратувчи сифатида иштирок этишини инобатга олиш муҳимдир.

Маданиятни инсоннинг ривожланиши, шахснинг маънавий ва ақлий камолоти билан боғлаш анъанаси қадимги дунёга бориб тақалади ва ҳозирги замонда ҳам такрорланмоқда. Бу анъана инсонга

табиат маҳсули деб эмас, балки ундаги жамиятда яшашга имкон берувчи муайян одатлар, кўникмалар, маҳорат, қобилият ва эътиқодларни маданийлаштиришга йўналтирилган тарбия маҳсули сифатида қарайди. Агар табиатга сайқал бериш жараёнида нарсабуюмлар маданияти яратилса, кенг маънода олинган тарбия воситасида (унга жамият тараққиётининг умумий йўлидан четлашган шахснинг камол топишига таъсир кўрсатишнинг ижтимоий шакли сифатида одил судлов ҳам киради) инсонга таъсир кўрсатади.

Шунингдек, маданият деганда кишиларнинг алоҳида гуруҳи ҳамда махсус, шу жумладан, юридик институтлар, хусусан, одил судлов институти томонидан амалга ошириладиган тарбиявий ва маърифий фаолият ҳам тушунилади. Маънавий ва моддий ишлаб чиқаришдан фарқли равишда буни ижтимоий шахс сифатидаги инсоннинг ўзини яратиш соҳаси деб аташ ҳам мумкин бўлар эди. Унинг асосий вазифаси жамият, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг мақсад ва манфаатларига энг маъқул даражада жавоб берадиган ва шахсларнинг ижтимоий мослашувига, уларнинг ижтимоий соҳага киришларига кўмаклашишга даъват этадиган хулқ-атвор меъёрлари (андозалари)ни қўллаб-қувватлашдан иборат ҳисобланади. Маданиятли кишини жисмоний вужуд каби эмас, балки ижтимоий шахс сифатида якка тартибда яратиш амалга оширилади.

Шундай қилиб, маданият назарияси асосида ёндашув ижтимоий ишлаб чиқаришга нафақат моддий ва маънавий ишлаб чиқаришни, балки ижтимоий муносабатларда, ўз кучи ва қобилиятларини такомиллаштиришда, ўз муомала доирасини кенгайтиришда, янги эҳтиёжлар ва уларни қондириш воситалари туғилишида инсоннинг ўзини рўёбга чиқаришни ҳам киритиш имконини очиб беради. Бошқача қилиб айтганда, инсон субъект, айна вақтда ўз-ўзини ўзгартирувчи ва ўз-ўзини ривожлантирувчи жонзод, ўз кундалик фаолиятининг бош маҳсули ҳисобланади. Шу боисдан фалсафа фанининг мазкур нуқтаи назарига биноан жамият маданиятини инсоннинг ўз ижтимоий-қайта таълими (моддий ва маънавий) фаолиятининг муайян шаклларида ўз-ўзини яратиш, рўёбга чиқариш деб баҳолаш мумкин. Хўжалик, иқтисодий, сиёсий, илмий, бадий ва суд фаолиятининг айнан инсон учун оқибатлари инобатга олингандагина, бу фаолиятга маҳсулдорлик ва иш тифизлиги жиҳатдан эмас, балки инсон учун аҳамияти ва қиммати жиҳатдан қаралгандагина маданий тараққиёт натижаси бўла олади.

Демак, “маданият” тушунчаси муносабатнинг фақат инсонга хос бўлган алоҳида турини - ўз-ўзига муносабатни қамраб олади. Шунинг учун маданиятнинг бош вазифаси - инсонда унинг бошқа одамлар билан муносабатларига, унинг ижтимоий муносабатларига мувофиқ

келадиган ана шундай ўз-ўзига муносабатни шакллантиришдан иборат. Одил судлов шундай мутаносибликни таъминлаш ва унга риоя этишга қаратилган инсон фаолиятининг ижтимоий шаклларида бири сифатида майдонга чиқади.

Шу маънода маданият тараққиётини ижтимоий шахсдан якка шахсга ёки якка шахсдан ижтимоий шахсга айланиш жараёни сифатида тушуниш мумкин. Маданият - инсон ҳаётининг ушбу икки муҳим бошланғич нуқтаси яқинлашуви ва мослашувининг, жамият ва инсон ижтимоий тараққиётининг “ўлчови”дир. Унда жамиятнинг шахс билан ўлчаниши, унинг барча соҳа, бўлинма ва институтларига кириб боровчи инсоний салоҳияти мужассамлашган.

Жамиятнинг маданий қиёфасига қараб нафақат унинг тўпланган моддий ва маънавий бойлигига, айти пайтда уни яратган одамларнинг уларни қай даражада ўзлаштириб олганликларига, уларнинг ижтимоий ва маънавий ривожланиши савиясига, жамият аъзоларининг шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ижтимоий-сиёсий институтларнинг демократик даражасига ҳам баҳо берамиз. Бундай жамият маданий тараққиётнинг бирмунча юқори поғонасида туради, унда инсон камол топган шахс ва ўзи яратган барча бойликларнинг ҳақиқий эгаси бўлиш, ўз шахсиятини ҳар томонлама ривожлантириш ва мукамаллаштириш имкониятини қўлга киритади. Лекин бу - маданият жамиятни инсонийлаштириш, кенг маънода олганда инсонийлашуви “ўлчови” эканлигини ҳам билдиради. У ҳар доим ва ҳамма нарсада инсон қанчалик ижтимоий зотга, жамият эса - инсонпарвар жамиятга айланганлигидан шоҳидлик беради.

Маданиятни инсоннинг ижодий фаолияти тариқасида тушунадиган бўлсак, унинг ўз тарихий тараққиётида ворисликка амал қилиши ҳам кўзда тутилади. Негаки ижод инсониятнинг маданиятда йиғилган ва унинг меъёрлари, анъаналари, қадриятлари орқали бериб бориладиган инсониятнинг тарихий тажрибасига таянилган ҳолдагина амалга оширилади. Уларни инкор этиш, дангал туюлишига қарамасдан, маданият учун зарарлидир. Қандай шир билан ўртага чиқишидан қатъий назар (ўнг экстремистларчами ёки сўлларчами) бундай мафкура шахснинг маънавий қашшоқланишига, инсоннинг маданий (техникавий, иқтисодий ва ҳ.к.) имкониятлари камситилишига олиб келади. Германияда нацистлар ҳукмронлигининг “маданий” оқибатлари бунга яққол мисол бўла олади. Шу маънода замонавий маданият ўзидан аввалги даврлардан ажралиб турмайди, чунки у ўша даврларнинг маданий қадриятларини, шу жумладан одил судлов амалга оширилиши самарасини янада кучайтириш учун ўша замонларнинг суд тизимлари

ишлаб чиққан баъзи техникавий, ташкилий ҳамда бошқа шакл ва воситаларни ўзига мерос қилиб олади.

Одил судловни яхлит тизим ҳолида тасаввур қилиш ўз-ўзидан эмас, балки одил судловнинг ижтимоий мазмунини аксиологик идрок этиш учун зарур шарт-шароит бўла олиш қобилияти орқалигина амалий маъно касб этади ёки қимматга эга бўлади. Бундан келиб чиққан ҳолда одил судловни амалга ошириш шакл ва воситаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш лозим бўлади.

Агар ҳуқуқий ёндашув амалиётда одил судловни суд томонидан фақат фуқаролик ва жиноят ишларини қонунийлик нуқтаи-назаридан кўриб чиқиш вазифаси, яъни давлат механизмнинг фаолият шакли деб билса, маданиятшунослик жиҳатдан ёндошув одил судловнинг ижтимоий ва шахс тараққиётидаги аниқ ўрнини белгилашга, унинг ижтимоий моҳиятига чуқурроқ кириб боришга интилан ҳолда янги мазмун билан бойитади; одил судловни тарихий воқелик сифатида англашга интиладики, унинг воситасида жамият ва шахс ривожланишининг уйғунлашувини кафолатлайди ва бу билан шахснинг жамият тараққиёти манфаатларига қарама-қарши бўлган ривожланиши йўлига тўсиқ қўяди.

Одил судловнинг тарбиявий вазифаси биринчи ўринга қўйилган бўлиб, уни ижтимоий муносабатларни уйғун ҳолда ривожлантириш манфаатларига мувофиқ шахсни қайта ўзгартиришга, “қайта ишлаб чиқишга” йўналтирилган одил судловнинг бутун мазмуни ва моҳиятининг мағзи сифатида таърифлаш мумкин. Бундай вазиятда одил судлов инсонни ижтимоий зот сифатида тарбиялаш, шакллантириш, камол топтириш учун жамият томонидан яратилган кўплаб шаклларнинг биридай тасаввур қилади.

Ижтимоий тараққиётнинг ривожланишига мос равишда шахсни камол топишига одил судловнинг таъсири фақат жиноий ишлар кўрилатган суд жараёнида айбланаётган муайян бир шахсга ёки фуқаролик иши жараёнидаги даъвогарнинг жавобгарига эмас, балки очиқ суд жараёнлари воситасида, уларни радиоода эшиттириш ва ойнаи-жаҳонда кўрсатиш, матбуотда ёритиш орқали бутун жамиятга ҳам маълум бўлади. Бундай ҳолда инсон одил судлов субъекти сифатидагина эмас, айти пайтда у амалга оширган фаолиятнинг маҳсули сифатида ҳам намоён бўлади. Одил судлов инсон ижодий фаолиятининг шундай шакли ёки тури бўлиб ҳисобланадики, у инсоннинг камолотга етишига бевосита таъсир кўрсатиш, уни қайта ўзгартириш ва ижтимоий муносабатлар ривожланишининг тарихий мазмунига уйғун ҳолда қўшилиши учун махсус яратилади ва ривожлантирилади. Шу боис ҳар доим инсон ва унинг ижтимоий тараққиёти манфаатлари, ижодий фаолиятда қатнашишга жалб этиб



ва ўз-ўзини ижтимоий мазмун билан янада бойитиб бориш воситасида инсоннинг ривожланиши учун қулай ижтимоий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш одил судловнинг пировард мақсади бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Маданият назарияси нуқтаи назаридан ёндашувнинг услубий аҳамияти яна шунда кўринадики, у судьялар томонидан амалга оширилган одил судлов акти шахсни ривожлантириш манфаатларига мос бўлиши учун, демократик жамиятда барча кадриятлар унинг манфаатларига тобе қилиб қўйилган шахсни олий неъмат деб эълон қилган принципни амалда одил судлов қандай юзага чиқараётганлиги учун судьяларни ўз жавобгарликларини янада чуқурроқ англашларини ҳам кўзда тутати. Инсон барча моддий ва маънавий неъматлар, шу жумладан, одил судловнинг яратувчисидир. Унинг моддий ва маънавий ижодиёти одамнинг ўзидаги “моддий кучлар” ривожланишини буюмга кўчган кўриниши, холос. Инсон томонидан ижтимоий муносабатларда ўз-ўзини намоён этиш воситаси деб таърифланган одил судлов ундан юқорида турмаслиги ва шахс ривожланиши манфаатларини кўздан қочирмаслиги керак. Шунинг учун ҳам суд муайян бир шахсга жазо тайинлашда ҳолисона ёндошишдан, уни жамиятга қайтариш имкониятларидан келиб чиқиши зарур.

Шахс миқёсида олганда суд томонидан қўлланиладиган санкция мазмунининг очиб берилишини кўзда тутувчи одил судловнинг тарбиявий воситаси алоҳида аҳамият касб этади. Жиноят ишида жазони тайинлашда аниқ ёндашишда суд ҳар доим айбланувчининг шахсини, унинг содир этилган қилмишга муносабатини ва қайта тарбиялаш билан тузалиши мумкинлигини ҳисобга олади, яъни бундан кейин уни шахс сифатида ривожлантириш манфаатларидан келиб чиқади. Суд уни жамиятга қайтариш мақсадида маҳкумнинг шахсига ижтимоий таъсир кўрсатиш шакли бўлиб майдонга чиқади. Айнан маданиятшунослик нуқтаи назаридан қаралганда, жиноят ишини кўриб чиқишнинг асосий вазифаларидан бири - содир этилган қилмиш учун шахсни нафақат жазолаш, балки тарбиялаш, шахсий ҳулқ-атворини жамият манфаатларига жавоб берадиган даражада ўзгартириш эканлигини теран англаш мумкин.

Ушбу ҳолатда маданият тушунчаси ўз таркибига гуманизм, адолатлилик хислатларини ўз ичига олади. Маданият назарияси нуқтаи назаридан ёндашув жазо чорасини бирмунча бошқачароқ тайинлашга имкон беради. Шу маънода жиддий санкцияларни белгилаш инсоннинг жамият аъзоси тариқасида ўз-ўзини намоён этиш шакли сифатидаги одил судлов маданияти руҳига зид келади. Дарҳақиқат, агар қонун, одил судлов санкцияларини кўпайтиришга

Йўналтирилганда эди, одил судлов ўзининг тарбиявий вазифасидан маҳрум бўлиб қолиб, унинг ўрнини эса бўлажак ҳуқуқбузарларга нисбатан қўрқитиш усули эгалларди, оқибатда муайян айбланаётган шахс бундай қўрқитишнинг қурбонига айланган ва одил судлов орқали айбланаётган шахсни қайта яратиш имконияти истисно этилган бўларди.

Маданият назарияси нуқтаи назаридан ёндошув одил судловни инсон томонидан ўзини ижтимоий ривожлантириш учун, жамият ва шахс манфаатлари уйғунлашувининг ҳуқуқий шарт-шароитларини асослаш учун кашф этилган шакллардан бири сифатида англашга кўмаклашади. Одил судлов - умумийликнинг яққаликка айланишининг муайян шаклларида бири. Инсон ижтимоий фаолиятининг алоҳида шакли ҳисобланган одил судлов воситасида шахс мажбурлаш йўли билан умумийликдан яққаликка айланиш, бошқача айтганда, жамият равнақи манфаатларини ўз шахсий ҳуқуқ-атвори меъёрига айлантириш имкониятига эга бўлади.

Барча ҳуқуқни қўллаш органлари амалиёти сингари, маданият назарияси нуқтаи-назаридан қаралганда, одил судловнинг амалга оширилиши ҳам инсон дунёсининг таркибий қисми сифатида намоён бўлади ҳамда уни ушбу инсонга лоқайдлик билан қараш орқали эмас, балки яралиш табиатига кўра инсонни одил судловнинг нафақат субъекти, балки унинг маҳсули ҳам эканлигини билдириш орқали тушунилади. Шу маънода одил судлов маданиятини амалга оширилишини “инсонийлаштиришга”, унда аниқ тарихий мақсадлари, мойилликлари, маданий-тарихий ривожланишининг шахсий даражаси билан ажралиб турувчи муайян инсонни “қуришга”, одил судловни башарият маданияти яхлит оламининг таркибий қисми, инсоннинг ўз-ўзини намоён этиш ва ўз-ўзини рўёбга чиқариш манфаатларига хизмат қилувчи ижодий фаолиятининг кўплаб шаклларида бири сифатида кўрсатишга уриниш, деб тавсифлаш мумкин. Одил судлов инсон камолати учун асрлар давомида ишлаб чиқилган, муайян шахснинг жамиятда ўз ўрнини топишга кўмаклашувчи ижтимоий қуролдир.

Демак, одил судловни маданият нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш - умуман одил судловга ва унинг алоҳида хатти-ҳаракатлари ва шаклларига, хусусан инсоний мезон чораларини, уларнинг шахсни ижтимоий ривожлантириш мақсадлари ва манфаатларига мувофиқлик чораларини, шундай ривожланиш учун қулай ахлоқий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш чораларини қўллашга асосланади.

Ижтимоий фанлар ишлаб чиққан назарий қоидаларни миллионлаб кишиларнинг кундалик ҳаётига жорий этиш масаласи пишиб етилган, илм ва ижтимоий амалиётнинг турли соҳаларида

шахс орқали замонамизнинг кенг миқёсли ижтимоий жараёнларига кириб бориш ҳолатлари кузатилган ушбу кунларда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида бундай ёндашув айниқса муҳимдир.

Одил судловни такомиллаштириш муаммоларини маданий-шахсий жиҳатдан туриб тадқиқ қилишга уринишни инсон (шахс) омилини барча ўзгаришларнинг омили сифатида илгари сурган, унинг ижтимоий аҳамияти ва қимматини англаган давлатнинг умумий сиёсатини амалга оширишнинг бир қисми, деб қараш мумкин.

Одил судлов муаммоларига маданият - шахс нуқтаи назаридан ёндошишнинг қонунийлиги ва зарурийлиги одил судлов мазмунининг ўзидан, унинг ижтимоий моҳиятини, субъектини ва инсоннинг тарихий камолотидаги ўрнини аниқлаштиришдан келиб чиқади. Одил судловнинг маданиятшунослик атамаларидаги тасвири унинг муайянли-шахсли мазмуни очилишини ҳамда уни аниқ шахсларнинг ижодий фаолияти кўринишида буюмлашган ижтимоий манфаатлар ва мақсадлар асосида англашни билдиради.

Одил судловга маданиятшунослик нуқтаи назаридан ёндашиш тарихий аниқ мақсадлари ва имкониятлари бўлган одил судловнинг маҳсули ва субъекти сифатидаги муайян, тирик инсонни излашга бориб тақалади. “Маданият” тушунчасисиз бирорта ҳам ижтимоий ҳодисани таҳлил этиш мумкин эмас, чунки ҳар қандай ижтимоий веқеликни (ишлаб чиқариш кучлари ёки ижтимоий муносабатлар, давлат ёки фан, черков ёки суд ва ҳ.к.) шахссиз кўриб чиқиш мавҳумотдан бошқа нарса эмас. Ҳақиқатда эса ишлаб чиқариш кучлари - бу тирик, муайян, маълум бир меҳнат воситалари билан қуролланган кишиларнинг кучларидир, шунингдек, давлат ҳам аниқ белгиланган ижтимоий вазифаларни амалга оширадиган тирик, муайян одамлар демасдир.

Аслида суд эмас, балки тирик одамлар - жамиятнинг мақсад, восита, маданият қадриятларини ўзида мужассамлаштирган ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий институт сифатида қатнашадиган судьялар муайян жиноят ёки фуқаролик иши кўрилаётганда объектив ҳақиқатни юзага чиқарадилар, жазолайдилар ва оқлайдилар, хато қиладилар ва бу хатоларни тuzатадилар. Шу боисдан суднинг одил судловни амалга ошириш бўйича фаолиятини тадқиқ қилишда “маданият” категориясининг қўлланиши одил судловни муайянлаштиришга; одил судловни муайян шахсларнинг ижодий фаолияти атамасига “кўчиришга” ёрдам беради.

Суд ва одил судлов ўз-ўзидан эмас, балки шахсни ижтимоий ривожлантиришнинг муайян манфаатлари, мақсадлари ва

вазифаларига ўз муносабати орқали аниқ ижтимоий мазмун касб этади. Бу ҳолатда одил судлов жамият равнақи манфаатлари билан яхлитликда шахснинг тарихий ўз-ўзини рўёбга чиқаришнинг ижтимоий шакллари билан бири бўлиб гавдаланади. Шу тариқа, одил судловнинг шахсга боғлиқлик жиҳати тадқиқотнинг олдинги маррасига чиқади. Бу жиҳатдан бирламчилиги нафақат одил судлов субъектларини муайянлаштириш билан, айти пайтда муайян шахсларнинг ўз-ўзини намоён этиш, хусусийлаштириш, баъзан эса айрим ҳолатларда амалдаги қонунчиликни, унинг ижтимоий-сиёсий мазмунини муайянлаштириш бўйича ижодий фаолият кўринишида намоён бўлган суд ишини юргизиш жараёнини ёритиш билан ҳам боғлиқдир. Гап шундаки, судьялар шахсининг муайянлигини англамасдан туриб қонуннинг маъносини тўғридан-тўғри одил судлов деб амалга ошириб бўлмайди.

Суд муҳокамасининг муаммолилиги жиноят ёки фуқаролик ишида ўз аксини топган мураккаб ва чигал ҳолатларида яққол гавдаланади ҳамда ўзида қонун чиқарувчининг хоҳиш-иродасини бузиб талқин этиш ёки уни беихтиёр суд кўрсатмаси билан алмаштириш хавфини сақлайди. Қонун чиқарувчи жиноят ва жазонинг умумий тушунчалари билан тўқнаш келади, судья эса аниқ жиноятлар ва адолатли жазолар қўллаб иш кўради. Шу сабабли, суддан мазкур ҳолат жиноят кодексига белгиланган жиноий қилмишнинг у ёки бу “нухасига” мос тушиш-тушмаслигини аниқлаш талаб этилади.

Инсонни кодексда кўзда тутилмаган қилмиш учун ёки айбни ноқонуний тан олдиришга эришиш натижасида айблаш зўравонлик, яъни қонунийликнинг қўпол равишда бузилиши бўлар эди. Бу ҳолга суд томонидан йўл қўйилса, янада хавфлидир.

Қонунни бузиб талқин этиш, уни муайян ҳодисаларга нисбатан қўллашда йўл қўйилган суд хатолари фуқароларнинг ҳаётий муҳим манфаатларига, шу билан бирга давлатнинг ижтимоий-сиёсий негизларига, унинг ғоявий-сиёсий нуфузига моддий ва маънавий путур етказиши. Шу боисдан қонуннинг ижтимоий-сиёсий маъносини тўғри тушуниш ва талқин этиш, қонун чиқарувчининг хоҳиш-иродасини юзага чиқариш ҳар бир алоҳида ҳолатда судьялардан бутун маданий-шахсий мазмунда умумлашган тарзда намоён бўладиган юксак касб малакасини, ахлоқий ва ақлий фазилатларни талаб этади. Айнан “қонун ўз-ўзидан қўлланилмайди”, балки фақат “муҳокама” орқали қўлланилади деган қонуннинг ўзиёқ судлов маданияти каби ҳодисанинг мавжуд бўлишини тақозо этадики, бундай маданият жамиятни ижтимоий ривожлантиришнинг замонавий талабларига мувофиқ одил судловни амалга ошириш бўйича суд фаолияти

сифатини таъминловчи ҳуқуқий, иқтисодий, илмий-техникавий, ташкилий, хусусий ва бошқа восита ва усулларнинг яхлитлигидан иборатдир.

Маданият назарияси нуқтаи назаридан ёндашув давлат фаолиятининг асосий кўриниши сифатидаги одил судлов самарадорлигини ошириш омилларининг бутун ранг-баранг ҳаракатлантирувчи ва мувофиқлаштирувчи кучини ажратиб кўрсатишга имкон беради ҳамда бу кучни одил судловнинг кадрлар салоҳияти билан тенглаштиради. Бу суд қарорларининг сифати, одил судловнинг ҳуқуқий асосларни ва жамоат ҳуқуқ-тартиботини мустаҳкамлашга, шунингдек фуқароларни қонунларни ҳурмат қилиш ва уларга риоя этиш руҳида тарбиялашга муайян ҳисса қўшиши одил судлов кадрлар салоҳиятининг предметли-касбий ҳолатига, унинг касбий фазилатларига, усуллари ва илмий-техник воситаларига, ахлоқий кўникмаларига, меҳнат оқилона ташкил этилганлигига ва моддий таъминланганлигига жуда боғлиқдир.

Одил судловни амалга ошириш бўйича суд фаолиятини мунтазам такомиллаштириш, унинг ижтимоий самарадорлигини ошириш, илмий-техника ва ижтимоий ривожланиш соҳасида умумий тараққиёт билан узвий алоқага риоя қилиш зарурияти одил судловнинг маданият даражасини ошириш муаммоси сифатида умумлашган, интеграциялашган кўриниш ҳолида гавдаланади.

Одил судлов маданияти ижтимоий муносабатлар ва одил судловни амалга ошириш бўйича суд амалиётини тартибга солишнинг назарий-амалий доктринасини инсонпарварлик билан, шахсни ижтимоий ривожланиши манфаатлари билан бирлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Одил судловни инсоннинг ижтимоий-қайта таълим фаолиятининг ажралмас қисми ва алоҳида одам томонидан ижтимоий муносабатларни ўзлаштиришнинг ўзига хос руҳий-амалий усули, деб тушунилади. Шунингдек, бу одил судлов инсоннинг ўз ижтимоий аҳамияти ва қиммати негизидagi амалий манфаатдорлиги объекти сифатидаги ижтимоий воқелиги билан ҳам боғлиқлигини билдиради.

Шундай қилиб “маданият” тоифасининг услубий вазифаси намоён бўлади. “Маданият” тоифаси инсон камолатининг мезони сифатида гавдаланиб, инсоният табиат ва жамиятнинг стихияли кучларини тобора буйсундирган ҳолда тараққиёт йўлидан илгарилаб кетганлигидан далолат беради. Агар умумий маданият услубий маънода жамиятнинг тараққиёт йўлидаги ривож даражасига бу жараёнда ижтимоий шахснинг фаол, ижодий иштироки нуқтаи назаридан қараб сифатли тавсиф берадиган бўлса, одил судлов

маданияти ҳам кишиларни ижтимоий ривожлантириш манфаатларига мувофиқ одил судловни амалга ошириш бўйича суд ҳатти-ҳаракатларининг самарадорлиги, маҳсулдорлиги, қонунийлиги, сифатлилиги, монандлиги даражасининг ана шундай мезони бўла олади.

Одил судловни ривожлантириш (такомилаштириш) муаммоларини ишлаб чиқишнинг аҳамияти ва долзарблиги маданият нуқтаи-назаридан қараганда қуйидаги ҳолатлардан келиб чиқади. Одил судлов тўғрисидаги маданийларча тасаввур:

*биринчидан*, одил судловни маълум вазифалар тизими сифатида идрок этишга имкон берадики, уни такомилаштириш бўйича барча муаммолар ўзаро алоқада ва ўзаро бир-бирига боғлиқ муносабатда кўриб чиқилади;

*иккинчидан*, одил судловни амалга ошириш бўйича суд фаолиятининг ривожланиш даражасини ҳамда бундай фаолиятни такомилаштиришни аниқлаш учун мезонлар ишлаб чиқиш ишларига кўмаклашади;

*учинчидан*, одил судловни унинг асосий амалий мақсади сифатида бевосита инсонпарварлик билан боғлайди, бинобарин инсон жамиятнинг олий гултожи, деб эълон қилинган экан, ижтимоий-давлат фаолиятининг, шу жумладан, суд фаолиятининг ҳар қандай шакли ана шу мақсадга хизмат қилмоғи керак. Ушбу негизда одил судловнинг нафақат ижтимоий моҳияти, унинг жамият ривожининг умумий ҳолатидаги ўрни ва аҳамияти, айти пайтда одил судловни янада ривожлантириш (такомилаштириш) учун, жамиятимиздаги демократик ислоҳотлар жараёнида унинг роли ва ижтимоий қадр-қимматини ошириш учун илмий асосланган тадбирлар ишлаб чиқиш юзасидан назарий манба ҳам чуқурроқ очила боради.

Маданият назарияси нуқтаи назаридан ёндашиш суд жараёнида шахсий ҳолатни биринчи ўринга олиб чиқади. Негаки, юқорида таъкидланганидек, муайян шахс - суд ишини юргизишнинг субъекти ва маълум маънода унинг маҳсули ҳамдир. Бу эса судлов ишларини юргизишни ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини такомилаштириш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқишга тегишли ёндашишни шарт қилиб қўяди. Лекин амалий тадбирларга ўтишдан олдин судлов ишини юргизишга таъсир этувчи, унинг ҳуқуқий маданиятини белгиловчи омилларни аниқлаб олиш зарур. Улар орасида объектив ва субъектив омилларни ажратиб кўрсатиш лозим бўлади.

Объектив омиллар - бу техникавий ва ташкилий тадбирларнинг йиғиндиси бўлиб, уларни ишлаб чиқиш одил судловнинг ваколатлари доирасидан четга чиқади ҳамда одил судловни амалга ошириш учун

судларни барча зарур воситалар билан таъминлайди суд органларининг ҳам, бу қонун йўли билан зиммасига юкланган бошқа давлат органларининг ҳам ўзаро ҳамкорликда ишлашларини талаб этади.

Одил судловнинг ҳуқуқий маданияти даражасини аниқловчи объектив омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

*биринчидан*, қонунчиликни такомиллаштириш (қонуннинг ҳам ижтимоий мазмуни, ҳам мантиқий тил шаклини) ва қўллаш;

*иккинчидан*, суд хатти-ҳаракатларининг тезкорлигини, тежамқорлигини ошириш, шунингдек суднинг ўз фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун суд жараёнида илмий-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш (товуш ёзиш ва тасвирга олиш техникаси, компьютерлар);

*учинчидан*, судьяларнинг илмий асосланган ўртача иш меъёрлари (суд ҳужжатларини пухта ишлаб чиқиш, шунингдек суд ишини ташкил этиш учун зарур бўлган вақтлар)ни белгилаш;

*тўртинчидан*, замонавий ҳуқуқшунослик фани ва амалиёти ютуқлари билан таништириб бориш билан бирга одил судловни амалга ошириш жараёнида баъзи техник билимларни ҳамда ҳозирги замон техникасидан малакали фойдаланиш кўникмасини эгаллаган ҳолда доимий малака ошириш ишларини ташкил этиш ва бошқалар.

*Бешинчидан*, одил судлов ҳуқуқий маданияти даражаси судьяларнинг ҳуқуқий маданиятига, уларнинг ҳуқуқий савиясига боғлиқдир.

Суд кадрларининг ҳуқуқий маданиятини ҳозирги замон ҳуқуқшунослик фани ютуқларини ўз ичига олган касбий билимлар даражаси, шахсий ҳаётий тажрибаси, суд амалиёти тажрибаси, жамиятнинг ахлоқий-маънавий қадриятларини чуқур англаш уларни ҳуқуқий воситалар билан ҳимоя қилиш маҳорати, шунингдек бажарилаётган иш учун давлат миқёсидаги жавобгарликни тушуниш каби бўлган субъектив омиллар белгилайди. Бу маънавий-ҳуқуқий қадриятларни суд ишини юргизишда қонунни қўллаётган юристларнинг ҳуқуқий маданиятини белгилайдиган амалий фаолият қимматини ўз ичига олган руҳий кўзгу тизими сифатидаги ҳуқуқий онг орқали англаб етилади.

Ушбу объектив ва субъектив омилларнинг ўзаро ҳамкорлиги одил судлов органлари устидан ташкилий раҳбарликни амалга ошириш, суднинг моддий таъминланганлик даражаси ва бошқалар одил судловни такомиллаштириш омили мақомига ўз ҳолича эмас, балки мазкур қонунчилик, моддий воситаларни одил судловни амалга ошириш бўйича суд фаолиятини такомиллаштириш вазифаларига бўйсундиришга йўналтирилган муайян судьяларнинг маданий билиш,

коммуникатив ва шахсий ҳуқуқий онги уларни ўзлаштириб олган пайтдагина эга бўлиши билан боғлиқдир.

Касб маданиятининг ҳуқуқий маданиятдаги ўрнини аниқлаб олишдан олдин суд-касб маданиятининг илмий мақоми масаласига қисқача тўхталиб ўтиш керак бўлади. Чунки, ўтган тарихий давр мобайнида касб маданияти ва одобига тааллуқли муаммоларни ҳал этишни қонунга тўғри келмайдиган ҳол, деб ҳисоблаб келинди. А.Я. Вишинскийнинг касб одобига нисбатан салбий муносабати ҳаммага маълум. Натижада кўп йиллар давомида одил судлов маданиятининг этикага оид масалалари, шунингдек бир қанча ҳуқуқий фанлар инкор этиб келинди. Ҳуқуқий адабиётларда касб этикасининг асослилигини ва илмий мақомини шубҳа остига қўйишга уринишлар бўлди. "...Турли касблар, аҳоли гуруҳлари учун "алоҳида маънавият" "ахлоқлар" йўқ", - деб ёзган эди М.С.Строгович. Боз устига унинг фикрича, бунга йўл қўйиб бериш ғайри ахлоқий хатти-ҳаракатларни оқлаган бўларди: "Умуман олганда касб одоби ва хусусан суд этикаси ғояси амалда у ёки бу касбларнинг хусусиятларини, у ёки бу давлат ёхуд ижтимоий фаолиятнинг ўзига хос табиатини рўкач қилган ҳолда у ёки бу даражада ахлоқ бузилишига йўл қўйилишини билдирган бўларди"<sup>1</sup>.

И.Т. Голяков М.С. Строговичнинг бу ғоясини ривожлантириб, касб этикасини батамом инкор этди: "Бизда адвокат, яъни касб этикаси малакасига алақачон чек қўйилган. Совет жамиятида этика ягона бўлиб, бу социалистик этикадир"<sup>2</sup>, деб ёзган эди.

М.С.Строгович ва И.Т. Голяковларнинг бу қарашларида маънавиятни ижтимоий қадриятларнинг тарихий босқичидан ажратиб қўйилганлиги яққол кўринади.

Ахлоқ муайян ижтимоий манфаатлар кўринишларининг ижтимоий хулқ-атвор шакли эканлигидан келиб чиққан ҳолда муайян ахлоқ (шу жумладан, касб ахлоқи) мавжудлигини тасдиқлаш ёки рад этишдан аввал бундай ахлоққа тегишли ижтимоий қизиқишлар мавжудми ёки йўқми, деган саволни ечиш лозим бўлади.

Касб предмети ҳам бу ижтимоий-касб манфаатларини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган шахсларнинг муайян ижтимоий хулқ-атвори шаклида ўзини намоён этувчи муайян манфаатлар (қизиқишлар) мажмуасини тақозо этади. Алоҳида касблар манфаатлари жамият манфаатларига зид эмас ва зид бўла олмайди, чунки ҳар бир касб фаолияти ҳар бир касб учун махсус

<sup>1</sup> Қаранг: Горский Г.Ф., Кокорев Л.Д., Котов Д.П. Судебная этика. - Воронеж, 1973. -С.12-15.

<sup>2</sup> Қўч. цит.: Бойков А.Д. Этика профессиональной защиты по уголовным делам. -М.: Юрид. лит.: 1978. -С.23.



шаклларда бўлган ушбу умумий вазифаларни амалга оширишга қаратилган бўлади. Ягона ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ ва касб вазифалари мазмунига кўра (касб тайёргарлиги бўйича) ўзаро яқин бўлган ходимлар нафақат ихтисослашув ва хизмат манфаатлари умумийлиги билан, айтиб ўтишда маданиятнинг айрим хусусиятлари билан ҳам фарқланадилар. Булар тил (махсус атамалар ва иборалар), икки томонлама вакилларнинг ўзаро алоқалари ва умумий манфаатлари, анъаналари, ижтимоий қадриятлари асосида ривожланган касбий бирдамлигининг махсус шакллари билан иборат. Шунинг учун касб манфаатлари асосида қонунлаштирилмаган маданий ҳуқуқ-атвор меъёрларининг муайян тизими шаклланади, булар юқорида зикр этилган сабабларга кўра умумий ахлоққа зид эмас, аксинча уни аниқлаштиради, тўлдиради, ривожлантиради ва ўзаро умумлаштиради.

А.Д. Бойков касб этикасини инкор этувчи қарашларни танқид қилиб, ҳақли равишда бундай инкор этиш етарлича мавҳум ва қуруқ этикавий универсализмга олиб келган бўларди, деб ёзган эди. Ҳатто касб этикасининг табиатини изоҳлаб бермай туриб уни қонундан ва фандан ташқарига суриб қўйишга ошиқадилар. Кадрларни ахлоқий тарбиялаш учун фаолиятнинг муайян турларидан, муайян муносабатларидан ажратиб қўйишдан зарарлироқ яна нима бўлиши мумкин. Агар биз касб этикаси принциплари касб хусусиятларига нисбатан қўлланувчи умумий ахлоқ меъёрларни муайянлаштиради деган фикрга қўшиладиган бўлсак, бир касб этикасининг бошқасидан жиддий тафовутларини излашларимиз асоссиз бўларди.

Ҳуқуқий онг жиҳатларини ақс эттирувчи касбий принциплар суд кадрларининг касбий ҳуқуқий маданияти савиясини янада оширишга қаратилган муҳим вазифалар қаторига кирилади. Судьялар, биринчи галда эса суд мажлисида раислик қилувчилар судда ишлар кўрилишининг процессуал меъёрларининг ижросига масъулдирлар. Айтганда судьялар нафақат процессуал меъёрларга, айтиб ўтишда суд жараёнининг маданиятига, умумий ахлоқ меъёрларига сўзсиз риоя этишда намуна бўлишлари керак. Одил судлов олиб борилишининг ҳуқуқий, суд-касбий маданияти асосий шарт-шароитларидан бири мана шундадир. Дарҳақиқат, яна бир шубҳасиз далилни келтириш мумкинки, яъни айтганда туман, шаҳар судьялари бутун суд тизимининг асосий бўғинини ташкил этади, фуқаролик ва жиноят ишларининг ақсарият кўпчилигини кўриб чиқади.

Ҳуқуқий маданиятни билиш, коммуникатив ва маънавий-ғоявий вазифалар алоҳида ўрин тутлади. Билиш вазифаси тузилмасида суд кадрларига асосий талаблар - олий ҳуқуқий маълумотга эгалик, суд ишини юргизиш тамойилларига тааллуқли бошқа фанлардаги кенг

доирадаги билимларни “тўплаш ва чуқурлаштириш”, ҳуқуқни қўллашда объектив ҳақиқатни исботлаш ва тиклаш каби талаблар мавжуд. Коммуникатив вазифа суд кадрларидан “...амалий руҳий мулоқот”ни, мажбуриятларни бажариш чоғида уюшқоқликни, зарур ахборотни маълум муддатда олишни, одил судловни маданий савияда амалга оширишда ўз фаолиятини режалаштириш, моделлаштириш, башорат қилиш чоғида фойдаланиш учун ахборотларни баҳолашни талаб этади.

Суд-тарбиявий вазифаси суд таркибидаги ва суд мажлисидаги юристнинг хулқ-атвор маданиятига, фикрлаш ва ҳуқуқий маданиятига қаратилган бўлиб, улар суд жараёни ҳуқуқий маданиятининг тарбиявий таъсир кўрсатишига эришиш, ижтимоий-маънавий муҳитни, ахлоқий ҳуқуқий онгни шакллантириш, суд жараёнларини кенг ошкораликдан, оммавий ахборот воситаларидан, турли ҳуқуқбузарликларга қарши огоҳлантирувчи чоралардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш мақсадларини кўзда тутати.

Ҳуқуқий ва суд-касбий маданиятнинг зикр этилган вазифалари одил судловнинг муайян амалиёти таяниши лозим бўлган андозаларни ифодалайди. Бироқ ҳаёт ҳар доим ҳам назарий андоза билан мос келавермайди. Шу боисдан андозага умуминсоний интилиш каби суд-касбий маданиятга қўйиладиган функционал талаблар суд кадрларининг суд-касбий ва ҳуқуқий маданиятининг предметли соҳасида ҳам мавжуд бўлган ечилмаган муаммолар қаторидан жой олади.

Демократиялаштириш босқичида санаб ўтилган вазифаларни маданият назарияси нуқтаи-назаридан ёндошув доирасида амалга оширишда қуйидаги услубий йўл-йўриқлар, муҳим бўлиб ҳисобланади:

*биринчидан*, суд кадрларининг суд-касбий маҳоратларини оширишга қаратилган ташкилий-услубий тадбирлар ишлаб чиқиш;

*иккинчидан*, касбий билимларни ошириш тизимида мунтазам равишда ўқув ва семинар машғулотларини, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг малакасини ошириш институти курсларида суд кадрларини режали ва мақсадли тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

*учинчидан*, кадрлар сиёсати соҳасида кейинги йилларда ишлаб чиқилган ва адлия органлари ва судларда қабул қилинган, суд кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни янада яхшилашда ишончли таянч бўлган меъёрий ҳужжатларни қўллаш;

*тўртинчидан*, маҳаллий адлия органлари ва судлар фаолияти устидан раҳбарлик усуллари ва шакллари янада такомиллаштириш. Адлия, суд идоралари ва муассасалари раҳбар кадрлари ҳамда

мутахассислари малакасини ошириш тизимини яхшилаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш;

*бешинчидан*, уларнинг иш жараёнида кадрлар тайёрлашнинг тегишли адлия, суд идоралари иши якунлари ва вазифаларини муҳокама қилиш билан кенгаш-семинарлар ўтказиш; раҳбарларнинг амалий ишларини ўрганиш ва уларга зарур ёрдам кўрсатиш мақсадларида жойларда махсус учрашувлар уюштириш каби шаклларида фойдаланиш;

*олтинчидан*, бутун суд идоралари ҳамда алоҳида ҳар бир судьянинг иш якунларини мунтазам равишда кўриб бориш, айти пайтда улар фаолиятини баҳолаш усулларини такомиллаштириш;

*еттинчидан*, юристларга ҳуқуқий таълим беришнинг, судлар аппаратида уларнинг ҳуқуқий билим олишининг барча шакллари такомиллаштириш, дунёқарашини кенгайтириш, ҳуқуқий ва суд-касбий маданиятини юксалтириш.

Суд кадрларининг, айниқса, судьяларнинг суд-касбий маданиятини қуйидаги иккита таркибий қисмга ажратиш мумкин:

*биринчиси*, предметли-ҳуқуқий маданият, яъни суд кадрларини мутахассис сифатида тавсифловчи ҳуқуқий ахлоқий билимлар, уларнинг ор-номуси, маҳорати ва кўникмалари йиғиндиси;

*иккинчиси*, суд кадрларининг суд-маънавий маданияти, уларнинг касбий етуқлиги, ахлоқи, обрў-эътибори.

Ҳуқуқий ва фалсафий адабиётда суд кадрларининг касб-маҳорати турлари ва тавсифлари хусусида турли фикрлар айтиб ўтилган.

Суд кадрлари савиясини оширувчи ҳуқуқий маданиятнинг санаб ўтилган вазифаларидан ташқари одил судлов маданиятининг янада юксалишини секинлаштирувчи объектив сабаблар ҳам мавжуд.

Энг аввало бу суд иши учун ёш мутахассисларни танлаш тизими мукамаллашмаганлигидир. Чунончи, одил судлов органларидан бошқа ишларга ўтган юристларнинг бир гуруҳи ўртасида ўтказилган сўровда “Сизни юрист ихтисослигини эгаллашга нима мажбур қилди?”, деган саволга қуйидагича жавоб олинган: юрист ихтисослиги романтик туюлган (барча жавобларнинг 20 фоизи); ҳуқуқ билан мактабда қизиққан (32 фоиз); юрист ихтисослигини эгаллаган қариндоши ёки танишлари бор (20 фоиз); махсус адабиётларни ўқиган (7 фоиз); юрист лавозимини эгаллаганлар (7 фоиз). Юридик олий ўқув юрларини битирувчиларнинг 53 фоизи судларда, 26 фоизи прокуратура ва тергов органларида, 14 фоизи адвокатура, 7 фоизи бошқа идораларда ишлашга хоҳиш билдирганлар.

Лекин тақсимотдан кейин қуйидаги манзара юзага келган: битирувчиларнинг 47 фоизи судларга, 7 фоизи прокуратурага, 26 фоизи маъмурий органларга ва 20 фоизи бошқа идораларга ишга юборилганлар.

Уларнинг барчаси маълум вақтгача тақсимот бўйича, яъни 60 фоизи судларда, 14 фоизи прокуратурада, 26 фоизи республика Олий Судининг марказий девонида ишлаганлар. Бироқ икки йилдан сўнг уларнинг 26 фоизи адвокатурада, 13 фоизи юристлик ихтисосига даҳли бўлмаган идораларда, 7 фоизи юрист-маслаҳатчи лавозимида ишлаганлар.

Сўров давомида юристлар ўзларининг бошқа ишга ўтишлари сабаблари сифатида қуйидагиларни келтиришган: уларнинг 26 фоизи ўзига мос юридик ишни топган, 26 фоизи соғлиғига кўра, 26 фоизи иш ёмон ташкил этилганлиги ва 7 фоизи иш сменали бўлганлиги учун ишни ўзгартирган. Бу сабаблардан ташқари сўралганларнинг 73,3 фоизи моддий таъминот етарли эмаслиги, 13 фоизи раҳбариятнинг эътиборсизлиги, 13 фоизи илмий иш билан шуғулланиш истаги туфайли ҳам бошқа ишга ўтганликларини билдиришган. Шунинг таъкидлаш керакки, янги жойда ишлаётганларнинг 80 фоизи олдинги иш жойига қараганда кўпроқ маош олган.

Ёш юристларнинг бурчини тавсифлашга маънавий-маданиятшунослик нуқтаи-назаридан ёндошган С.А.Алексеев мутлақо ҳақдир. У талабада касб бурчи амалда юридик олий ўқув юртида таълим олишнинг дастлабки кунлариданоқ бошланади, деб ёзади. Билимларни, шу жумладан, ҳуқуқ, ҳуқуқий сиёсат, юридик амалиёт тўғрисидаги билимларни эгаллаб бориш бу жараённинг бошланғич босқичи ҳисобланади. Чуқур билим олиш эса юрист эътиқодининг тўғрилиги ва маҳкамлиги гаровидир. Эътиқод - мутахассис шаклланиш жараёнининг иккинчи босқичи... Эътиқод нафақат билимлар ҳажмига қараб, балки талабанинг воқеликни идрок этишига ҳам боғлиқ. Навбатдаги босқич билим ва эътиқоднинг иродали ҳолатга, халқ фаровонлиги учун, қонунга... хизмат қилиш мақсадига айланиш босқичидир<sup>1</sup>.

Бу муаммолар ечимини кечиктириб бўлмайди, чунки кадрлар қўнимсизлиги одил судловнинг ҳуқуқий маданият даражасини акс эттиради.

Ҳуқуқшунос олимларни ёзма ва оғзаки сўровдан ўтказиш судьяларнинг касбий ва ҳуқуқий маданияти савиясини, судьяларнинг ўзлари олаётган касбий маҳоратлари сифатига нисбатан субъектив

<sup>1</sup> Қаранг: Теория государства и права /Под ред. С.С. Алексеева. -М.: Юрид. лит. 1985. - С.272-273.

муносабатини аниқлашга имкон беради. Ёзма сўровга жалб этилган судьялардан 16 фоизи судьяларнинг касбий тайёргарлиги қониқарсизлигини эътироф этганлар. 120 нафар судья эса суд иши сифатини ошириш учун зарур бўлган чоралар хусусида гапириб, ўз ташаббуслари билан олий ўқув юртларида суд кадрлари тайёрлашни яхшилаш юзасидан турли тadbирларни айтиб ўтганлар. Суд амалиёти кўрсатишича, юрист касбини танлаган шахсларнинг ҳаммаси ҳам кейинчалик бу соҳада бенуқсон ишлаб кетавермайди. Амалий фаолиятнинг ўзига таянибгина бу хислатларни шакллантириш узоқ давом этадиган жараён бўлиб, бундай таълим оқибати амалиётда судьяларнинг хатолари сифатида юз кўрсатади. Хатоларда ўқиб-ўрганилади десаларда, буни суд фаолиятида сира оқлаб бўлмайди ва унга тоқат қилиш мумкин эмас. Шу билан бирга ҳозирги вақтга қадар юридик олий ўқув юртларига қабул қилиш, шунингдек уларда мавжуд бўлган келгусида судьялик лавозимини эгаллаш учун руҳан яроқликни аниқлаган ҳолда ихтисослашиш муаммоси ҳал бўлмай турибди.

Кўп йиллик суд тажрибасининг кўрсатишича, одил судловни олиб бориш самарадорлиги, қонунийлиги ва маданияти кўрсаткичлари суд иши стажининг ортишига қараб яхшиланиб боради. Судьялар ўртасида ўтказилган сўров натижалари бундай боғлиқликдан яққол далолат берган.

Психолог (руҳшунос) ва юристлар терговчиларнинг жиноят сабабларига қизиқишларини уларнинг стажига боғлаб тадқиқ қилганларида, натижалар 5 йилгача иш стажига эга бўлган терговчилар ўртасида жиноят сабабларига қизиқиш айбланувчи тўғрисидаги маълумотларнинг умумий ҳажмига нисбатан 2,3 фоизни ташкил этишини, 6 йилдан 10 йилгача стажли терговчилар ўртасида эса бу кўрсаткич 1,2 фоизгача тушиб қолишини кўрсатган, ҳатто жиноятнинг ўта оғир турлари бўйича сабабларга қизиқиш атиги 3,7 фоизни ташкил этган. Бундай кўринишдаги муайян тадқиқотлар иш ҳолатини, судланувчи ва судьялар шахсиятини билишга оид масалани ойдинлаштириш учун зарурдир. Юридик маълумот ва касб тажрибаси мураккаб руҳий (психологик) ҳолатни ҳар доим ҳам тўғри ҳис этиши ва тушунишга ёрдам беравермайди.

Судьялик лавозимига номзодларни саралаб олиш муаммоси ҳам кўндаланг турибди. Ўзбекистон судларининг кўп йиллик тажрибаси шуни кўрсатадики, айрим собиқ судьялар ва суд ходимлари гарчанд старли даражада ҳуқуқий билимга эга бўлмасаларда, суд лавозимларини эгаллашга интилиб кўрадилар. Уларнинг аксарияти жиззакилик, серзардалик, манманлик, бошқаларни тинглай олмаслик ва бир қатор шу каби масалаларни диққат билан ва чуқур ўрганишда

ношуд бўлганликлари ҳамда, уларни бартараф этишга ўзлари ожиз бўлган шахсий жиҳатлари туфайли судья бўлиб ишлай олмаганлар.

Шунингдек, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда илмий даража (юридик фанлари номзоди ёки доктори) олган судьялар ва одил судлов раҳбарларини амалий ишда олиб қолиш билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳам ҳал этилмаган.

Қонунийликка ва одил судловнинг юксак маданиятига амал қилиш судьяларнинг ҳуқуқнинг турли соҳаларидаги касбий билимларига ҳам боғлиқ. Узоқ йиллик суд амалиёти касб-функционал ихтисосларига мувофиқ фақат балоғатга етмаганлар ишига йўналтирилган ишларни кўриб чиқувчи судьялар барқарор қарор ва ҳукмлар чиқаришда кўпроқ сифатли кўрсаткичларга эришганликларини кўрсатмоқда.

Судьяларнинг ихтисослашуvidан судьялар касб маданиятининг муҳим омили сифатида фойдаланиш учун бутун суд тизимида суд ҳисоботини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Дастлабки босқичда судьялар ихтисослашуvi тамойилини амалга оширувчи судларнинг ҳиссасини инobatга олган ҳолда бутун суд тизимига нисбатан суд ҳисоботи шаклини ишлаб чиқиш мумкин. Бу тамойил одил судлов маданиятининг бир жиҳати каби турли тоифадаги жиноят ва фуқаролик ишларини тайёрлаш ва кўриб чиқишга касбий-ихтисослашув нуқтаи назаридан ёндошувни ифодалайди. Фақат жиноят ва фуқаролик ишларини кўрувчи судьялар кўпроқ касбий билимларга эга бўлишлари, алоҳида тоифали суд ишларига тегишли бўлган қонунчиликни ва суд тажрибасини яхшироқ эгаллашлари керак. Бўлажак судьяларни тайёрлашни юқори курсларда ихтисослаштирилган ҳолда чуқур таълим бериш билан олиб бориш лозим. Мавжуд бўлган, бироқ мазмуни тубдан янгиладиган суд-прокурорлик-тергов ихтисослашуvi бунинг ташкиллаштириш шакли бўлиб хизмат қилиши керак. Шундан келиб чиққан ҳолда талабаларнинг бевосита судлардаги иш жойларда ўтадиган ўқув-ишлаб чиқариш амалиёти давомийлигини бир йилгача узайтириш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари Адлия вазирлиги суд ишига тавсия қилинган юристларнинг иш ўрганиш (стажировкаси) тизимини ишлаб чиқса ва юридик олий ўқув юрғларининг битирувчиларидан эса улар судьяликка тайинлангунларига қадар мураккаб бўлмаган ишларнинг алоҳида тоифасини кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган махсус лавозимларда фойдаланишни кўзда тутса, айти мурддо бўларди.

Ҳуқуқий маданиятнинг мазкур муаммосини, суд органлари ходимларини танлаш ва тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни ҳал

этиш учун қуйидаги услубий таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ;

*биринчидан*, ўрта мактаблар тизимида “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фани ўқитувчилари олий юридик маълумотга ва ҳуқуқни қўллаш ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида амалий иш стажига эга бўлишлари керак;

*иккинчидан*, умумтаълим мактабларида 9-синфдан бошлаб ҳамда лицей ва коллежларда бошқа тўғарақлар билан бир қаторда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ишлашга мойиллиги ва қобилиятини намойиш этган ўқувчилар учун ёш юристлар тўғарагини ташкил қилиш зарур;

*учинчидан*, юридик институт ва факультетлар қошида тегишли дастурлар билан таъминланган ёш юристлар тўғарагини ташкил қилиш зарур;

*тўртинчидан*, юридик институт ва факультетлар қошида тегишли дастурлар билан таъминланган ёш юристларни тайёрлаш лицейларини ташкил этиш (бунга ТДЮИ қошида фаолият кўрсатаётган ёш юристлар лицейи мисол бўла олади);

*бешинчидан*, суд идораларидаги икки йиллик амалий иш стажидан сўнг судьялик лавозимига номзод учун юқори малакали комиссия олдида махсус дастур бўйича тегишли имтиҳон топширишни белгилаш (бу диплом олиш ҳуқуқини беради ва бусиз судьялик лавозимига ҳаракат қилиш бефойда бўлади).

Шак-шубҳасиз, назарий билим ва амалий тажрибани бир-бирига қўшиб олиб бориш суд ишини такомиллаштиришда, ҳуқуқни қўллаш фаолиятида асосланган илмий тавсияларни самарали тадбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади. Тажриба илмий ходимлар (фан номзодлари ва докторлари) ишлашга қолган ва ишлаётган суд органида меҳнатни илмий ташкил қилишни тадбиқ этиш, суд ишининг сифати, қонунийлик ва одил судлов маданиятининг даражаси анча юқори савияда йўлга қўйилишидан далолат беради.

Ўрта бўгин суд кадрларини тайёрлаш муаммоси энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Одил судловнинг маданий-ташкилий савияси кўп жиҳатдан суд мажлиси котибининг касбий маҳорати билан белгиланади. Бизнинг фикримизча, бу вазифани бажариш учун олий юридик маълумот, суд идораларида иш стажига (қамида уч йил бўлган), айнан шу ишни бажариш учун мойиллик, шахсий-руҳий ҳислатлар бўлиши зарур. Лекин шуни таъкидлаш керакки, амалда санаб ўтилган талабларга тўла жавоб берадиган котибларни камдан-кам учратишимиз мумкин.

Ҳозирги вақтга суд мажлислари котибларининг мутлақо кўпчилиги юридик маълумотга эга эмаслар, сўзма-сўз

(стенография)ни уддаламайдилар, техник воситаларни ишлатишни билишмайди, неча ўн йиллар бурунгидай эскича усулда ишлашади.

Табиийки, бундан нафақат одил судловни олиб бориш маданияти даражасига, балки бевосита одил судловнинг ўзига ҳам зиён етказади. Суд мажлислари котиблари ўртасида кадрлар кўнимсизлиги даражаси катта. Бу - суд мажлисига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида кўплаб судьялар котиблик вазифасини бажаришларига олиб келмоқда, бунинг натижасида муқаррар равишда жараённинг суд-касбий маданияти пасайиши, процессуал қонунчиликнинг бузилиши ҳамда суд хатоликлари юз бермоқда. Ҳозирги пайтгача одил судловнинг ҳуқуқий маданияти талабларига зид равишда махсус юридик маълумотга эга бўлмаган шахсларни суд мажлислари котиблиги вазифасига қабул қилиш амалиёти давом этиб келмоқда. Иш жараёнида эса уларга ҳеч қим ҳеч нарсани ўргатаётгани ҳам йўқ.

Одатда бундай номзодларни суд раҳбарларининг ўзлари ўрта мактаблар ўқувчилари орасидан танлаб оладилар; мажлис баёни қандай ёзилишини наридан-бери тушунтирадилар, кўрилаётган ишларни бериб, баённомалар мазмуни билан таништирадилар, тегишли моддаларни ўқиб берадилар, процессуал кодексни топширадилар ва бир неча кундан сўнг янги тажрибасиз котиб суд мажлисида баённомани қоралаб ўтирган бўлади. Танлашнинг бундай яроқсиз амалиёти оқибатида бу котиблар анча вақтгача ўз вазифаларини сифатли уддалай олмасдан қийналадилар. Унинг сифатига эса суд мажлисига раислик қилувчи жавоб беради, шунинг учун у суд жараёни иштирокчиларининг кўрсатувларини қандай ёзиш кераклигини котибга шошилмасдан айтиб туради ва тушунтиради. Вақтнинг беҳуда сарфланишига олиб келадиган бу ҳол иш бўйича объектив ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилади, суд жараёни маданияти мазмунига путур етказилади. Қандай ёзиш кераклигини айтиб туриш эса кўпинча кўрғазмалар объективлигининг бузилишига сабаб бўлади.

Юқорида айтиб ўтилган фикрлар суд мажлислари котибларини танлаш ва тайёрлашнинг амалдаги тизими мутлақо яроқсиз деб тан олиш учун асос бўлади.

Касбий ва ҳуқуқий маданият талабларидан келиб чиққан ҳолда ўрта бўгин суд кадрларининг касбий малакаси ва маданий савиясини ошириш - олий юридик маълумотли суд кадрларини тайёрлашдек муҳим масала ҳисобланади. Илгари халқ ҳўжалигининг барча тармоқларида ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича доимий курслар, институтлар тармоғи фаолият кўрсатарди. Бундай тизим суд ходимлари учун ҳам жорий этилган эди, бироқ у



энди бугунги кун талабларига жавоб бермай кўйди. Юридик кадрларни танлаш ва тайёрлаш ҳамда уларни илмий ва касбий билимлар билан қуроллантириш борасида фундаментал услубий ўзгаришларни амалга ошириш зарур.

Одил судлов маданиятининг санаб ўтилган муаммоларини ҳал этиш зарурлиги муносабати билан олий юридик ва бир қатор ноюрidik ўқув юртларида ўқув жараёнига “Одил судлов ҳуқуқий маданиятининг асослари” фанидан дарс ўтилишини махсус курс сифатида киритиш мақсадга мувофиқдир. Ўтилган бир қатор муаммолар бу фан ўқитилишининг долзарблигини тақозо қилади.

Бу муаммолар қуйидагилардан иборат:

*биринчидан*, аввало жамият умумий манфаатининг ўсиши билан боғлиқ бўлиб, у жамият ҳар бир аъзоси ўзининг ижтимоий, сиёсий ва шахсий манфаатлари қимматини англаб етишини бу манфаатларни рўёбга чиқариш, ҳимоя қилиш ва ривожлантиришга даъват этилган давлат ва ижтимоий фаолиятнинг барча шаклларига нисбатан ортиб бораётган талабларга мувофиқ равишда шартлаб кўяди. Шунинг учун ҳозирги шароитда давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан умуман, суд тизимидан хусусан, уларнинг фаолиятлари замонавий илмий-техникавий ва ижтимоий тараққиёт ютуқларига, тежамкорлик, тезкорлик, юксак ахлоқ, эстетика, ижтимоий адолат, қатъий қонунийлик, фуқароларнинг қонституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш принциплариغا тўлароқ мувофиқлаштирилиши талаб этилади;

*иккинчидан*, суд ходимларининг ахлоқий ва касбий ҳислатларига алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. Уларнинг касбий билимлари фуқаролик жасорати, ҳалоллик ва одиллик билан уйғунлашиши, уларнинг фаолияти эса кундалик амалиётда илмий-техника тараққиётининг илғор ютуқларидан кенг фойдаланишга асосланиши лозим;

*учинчидан*, кундалик юридик амалиётда ва давлат фаолиятининг барча соҳаларида қонунийлик ва маданият тамойилларига оғишмай амал қилиш зарурлиги. Демократиялаштириш шароитида давлат фаолиятининг барча соҳаларида қонунийлик ва маданиятга қатъий риоя қилиш учун курашиш алоҳида аҳамият касб этади, негаки қонунийлик тамойилларига амал қилишда йўл қўйилган ҳар бир камчилик, ҳар бир хато, гарчанд кейинчалик тузатилган бўлсада, барибир бу ушбу тамойиллар кафолатларининг конституциявий асослари бузилишидир.

Таклиф этилаётган ўқув фанини охириги курсларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамият ва давлат қурилиши Академияси тингловчилари, Ички ишлар ва Мудофаа вазирлиги

Академиялари, олий ўқув юртларининг юридик кафедраларида ва юридик факультетлари талабалари, адлия ходимлари малакасини ошириш институти, педагогика институтлари ва ўқитувчилар малакасини ошириш институтларининг “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фанидан дарс берувчи тингловчиларига ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Одил судлов маданиятининг етарли даражада эмаслиги оқибатида кўплаб суд хатолари кассация ва назорат тартибида тез-тез очилиб қолмоқда. Ҳар бир шундай хато замирида алоҳида фуқароларнинг, жамоат ташкилотлари, давлат қорхоналари ва муассасаларининг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилиши ётади. Бу билан муаян иқтисодий зарар ҳам етказилади: суд иши қарори ёки ҳукми бекор қилинган тақдирда уни қайта кўриб чиқаришга тўғри келади. Бу эса кишиларнинг муайян сони кўпинча узоқ муддатга ишлаб чиқаришдан ажралиб қолишларини билдиради, уларга судда ўтказган вақтлари учун компенсация тўлашга, суд мажлисларида қатнашиш учун чақирув муносабати билан улар сарфланган ҳаражатларни қоплашга тўғри келади. Суд ходимларининг ишига иш қўшилади ва бу одил судлов маданиятини ошириш йўлида қўшимча ғов бўлади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан бугунги кунга қадар одил судлов маданиятини ошириш юзасидан қўлланилаётган тадбирлар одатда чекланган ва вақтинчалик бўлиб, аксарият ҳолларда эса муайян тизимли хусусият касб этмаяпти. Кўпинча бундай тадбирлар баъзи жонқуярларнинг ташаббуслари доирасидан четга чиқмай қолиб кетмоқда. Уларда мамлакат барча судлари учун ишлаб чиқилган ягона ҳаракат дастури йўқ ва улар назарий жиҳатдан асосланмаган. Бугунги кунда одил судлов маданиятини янада ошириш бўйича назарий ва амалий тадбирлар ишлаб чиқишга қаратилган шахсий ташаббусларнинг алоҳида кўринишларига мунтазам ижтимоий тус бериш, бу соҳада бошланган илмий-амалий тадқиқотларни марказлашган ҳолда давом эттириш, шу жумладан юридик ва ноюридик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда таълимнинг янги тизимли услубларини ҳар томонлама ривожлантириш ва рағбатлантириш зарурати етилди.

Одил судлов олиб борилишининг гуаммолари масалаларини маданиятшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш юридик ва ноюридик олий ўқув юртларининг тингловчиларига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг амалиётчи ходимларига одил судлов маданиятини бир бутун жараён сифатида идрок этишларига имкон берган бўлар эди.

Одил судловни идрок этишга маданиятшунослик нуқтаи назаридан ёндошиш одил судлов маданиятининг давлат

фаолиятининг бошқа соҳалари ва шакллари билан ички ўзаро муносабатлари ва ўзаро алоқаларини очиб беради. Масалани ана шундай услубий жиҳатдан қўйилиши одил судловни нафақат ҳар томонлама, аниқ ва яхлит ҳолда идрок этишга, унинг долзарб муаммоларини билиш ва ҳал этишга, балки талабаларда кўникмаларни (муайян кенг ҳуқуқий фикрлаш материали асосида) шакллантиришга имкон яратган, пировард натижада эса олий ўқув юртлари талабалари ҳуқуқий онгининг умумий маданияти ўсишига кўмаклашган бўларди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги жамоат ва давлат қурилиши Академиясида ҳуқуқий маданиятнинг ўрганилиши, ҳуқуқий маданият талабларининг тақозосидир. Бу биринчи галда ўз хизмат мавқеига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ва одил судлов идораларининг барча суд кадрларига раҳбарлик қилиш ҳуқуқи берилган раҳбарларга тааллуқлидир. Адлия ва суд идораларининг раҳбар кадрлари профессионал етук, касбий маданиятли, ўз ишини яхши биладиган кишилар бўлиши лозим. Одил судловга ташкилий раҳбарлик қилишнинг ҳуқуқий маданияти бу раҳбар ҳодимлар масъул вазифаларини бажаришга киришишдан аввал нафақат олий юридик маълумотга, балки муайян иш тажрибасига ҳам эга бўлишларини талаб этади.

Одил судлов ва адлия фахрийларининг кўп йиллик касбий ва ҳаётий тажрибаларидан янада самаралироқ фойдаланиш одил судловда қонунийлик ва маданият ғоясини тадбиқ этиш кафолатларидан биридир. Афсуски, тажриба Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари меҳнатга қобилиятли адлия фахрийларига етарли даражада эътибор бермаётганлигини кўрсатмоқда. Одатда улар ноюридик маҳкамаларга ишга жойлашиб олмақдалар ва бунинг натижасида уларнинг бой касбий тажрибасидан фойдаланиш имконияти йўқолмоқда. Улар учун қўшимча кафолатни белгилаб қўйиш ҳамда уларни аввал эгаллаган вазифаларида бўлгани каби собиқ хизмат мавқеини ва имтиёзларини сақлаб қолган ҳолда ишга жойлаштириш бўйича тавсиялар билан таъминлаш зарур.

Уларнинг суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги кўп йиллик, бекаму-кўст ва принципиал фаолиятлари ижобий муносабат билан бирга салбий муносабат ҳам уйғотади. Баъзан собиқ маҳкумлар (ва уларнинг хомийлари) собиқ судьялардан ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимларидан турлича кўринишда ўч оладилар. Шу боисдан собиқ судьялар, адлия фахрийлари бошқа меҳнат фахрийларига қараганда давлат органлари томонидан кўпроқ эътиборга муҳтождирлар.

Давлат ҳоқимияти маҳаллий идораларининг кўп қиррали маданий-ҳуқуқий фаолиятини назарда тутсак, одил судлов ва адлия фахрийлари маслаҳатчилар бўлиб ишласалар, ўз касбий-амалий билимларидан янада самарали фойдаланишлари, меъёрий қонунчилик лойиҳаларини тайёрлашга, унинг бажарилишини назорат қилишга, юқори суд органлари ҳисоботларини тайёрлашни ташкил этишга кўмаклашишлари мумкин бўларди.

Адлия маслаҳатчилари лавозимларини адлия тизимининг барча вилоят бошқармаларида жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Адлия маслаҳатчиси лавозимини Олий Суд ва Олий ҳўжалик суди расилари қошида ҳам жорий этиш мумкин. Шақ-шубҳасиз, илмий даражага эга бўлган олий фуқаролик судлари ва олий ҳарбий трибуналларнинг собиқ раислари одил судлов ва адлия фахрийси ҳуқуқий мақоми бўйича Олий Суд ҳўзуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзолигига, Судьялар Ассоциацияси ва Адвокатлар уюшмаси раҳбарлик органларига номзод қилиб биринчи навбатда тавсия этилиш ҳуқуқига эга бўлишлари керак.

Мамлакат юристлар иттифоқини ташкил этиш зарурияти ҳам аллақачон етилган. Юристлар иттифоқи ва унинг маҳаллий органлари бошқа мамлакатларда фаолият кўрсатаётган юристлар иттифоқи ва жамиятлари, Ўзбекистонда рўйхатга олинган ва амалда бўлган ёзувчилар, журналистлар, архитекторлар касб уюшмалари мисолида ўз олдида қўйидаги мақсад ва вазифаларни қўйса бўларди:

- Ўзбекистон юристлари иттифоқи барча фаолият кўрсатаётган фуқаролик ва ҳарбий юристлар, ҳуқуқшунос-олимлар, шунингдек, адлия фахрийларини бирлаштирувчи жамоатчилик асосидаги касбий ташкилот ҳисобланади;

- юристлар иттифоқининг бош мақсади барча юристларнинг ҳуқуқий тарбиялаш вазифаларини амалга оширишда, ҳуқуқни қўллашда қонунийлик ва маданият гояларини рўёбга чиқаришда, назарий савия ва касб маҳоратини оширишда фаол иштирок этишига кўмаклашиш;

- ўрта ва олий юридик маълумотга ёки адлия органларида кўп йиллик (камида ўн йил) иш стажига эга бўлган, юксак касбий маҳорат намойиш қилган профессионал юристлар аъзоси бўлишлари мумкин бўлса;

- олий раҳбарлик органи - қурултой (съезд) беш йилда бир марта чақирилса. Иттифоқнинг фаолиятига умумий раҳбарликни Ҳайъат (Президиум), қурултойлар оралиғидаги даврда эса сайлаб қўйиладиган бошқарув органи амалга оширса;

- уюшма ташкилий жиҳатдан маъмурий-худудий принциплар бўйича тузилса. Бошқарувларда бошланғич ташкилотлар тузилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Уюшманинг мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш учун профессионал юристлар ва назарий-таълимчиларнинг касбий ҳуқуқий фаолияти бошқа ижодий уюшма ва кўнгилли жамиятлар билан яқин ҳамкорликда йўлга қўйилиши зарур. Марказий бошқарув ва маҳаллий ташкилотлар бошқаруви қошида илмий-амалий конференциялар, семинарлар, симпозиум ва танловлар ташкил этадиган комиссия ва секциялар тузиш йўли билан амалга оширилиши лозим.

Юристарларнинг Марказий уйини, шунингдек, вилоят ва шаҳарларда ҳам шундай уйлари очиш таклиф этилади. Юристар иттифоқи халқаро юристлар ташкилоти аъзоси бўлиши мумкин, унинг вакиллари юристларнинг халқаро учрашувлари ва симпозиумларида фаол қатнашишлари, хорижий давлатлар юристлари уюшмалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун Ўзбекистонда ана шундай тадбирлар ташкил этишлари мумкин бўларди.

## **2. Суд ходимлари ҳуқуқий маданиятнинг тарбиявий аҳамияти**

Ҳуқуқий маданиятнинг тарбиявий вазифаси кенг маънода олганда тарбиянинг таркибий қисмини билдиради ва у ҳуқуқий тарбия тизимининг турлича восита ва шакллари орқали амалга оширилади. Ҳуқуқий маданиятнинг тарбиявий вазифаси жамоатчилик ҳуқуқий онгига таъсир кўрсатиш, ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларни онгли равишда бажариш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш жараёнларини қамраб олади.

Ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятнинг тарбиявий вазифаси билан чамбарчас боғлиқдир. Бу тушунчани қуйидагича таърифлаш мумкин: ҳуқуқий онг - бу реал ҳуқуқ ва одил судлов тўғрисида қабул қилинган тасаввурдир.

Ҳуқуқий онг ва жамиятнинг ҳуқуқ тизими ўртасида ўзаро мураккаб узвий боғлиқлик мавжуд. Бир томондан, ҳуқуқий онг ҳуқуқий тизимнинг шаклланишига жиддий таъсир кўрсатади, чунки унда қонун чиқарувчининг ҳуқуқий қарашлари ва кўрсатмалари ўз ифодасини топади. Ҳуқуқий онг ривожланиш даражасининг пастлиги энг такомиллашган қонунчиликнинг таъсирчанлигини ҳам йўққа чиқариши мумкин. Вужудга келган ҳуқуқий тизим ўз навбатида ҳуқуқий онгга таъсир кўрсатадиган, уни ўзгартирадиган ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Ҳуқуқий тарбияга том маънода ҳуқуқий онгга ва шахснинг маданий шаклланишига, ҳуқуқбузарларни тузатиш ва қайта тарбиялашга ташкилий ва мақсадга йўналтирилган ҳолда таъсир кўрсатиш воситаларидан бири сифатида қаралади.

Одил судлов маданиятининг тарбиявий вазифаси умумий маданиятнинг алоҳида шакли сифатида одил судловнинг конституциявий тамойилларига, биринчи навбатда ошкораликка асосланади.

Ошкоралик - бу энг аввало ишонч, халқнинг ақлига, соғлом фикрига, сиёсий, фуқаролик етуқлигига бўлган ишончдир. Ошкоралик - бу халққа бўлган ҳурматдир.

Жараённинг кенг ошкоралиги - суд томонидан ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва маданий-тарбиявий вазифаси бажарилишининг муҳим шартидир. Сайёр судлар, яъни ишни айбланувчининг иш ёки яшаш жойида кўриб чиқиш жиноятларнинг ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ёрдам бериши мумкинлигини унутмаслик керак. Жиноят ишини кўриб чиқиш жойи тўғрисидаги масалаларни ҳал этишда судья нафақат туманда, балки муайян жамоада ҳам жиноятчилик ахволи ва хусусиятларининг аниқ таҳлилидан келиб чиқиши зарур. Бунда ишни кўчма мажлисда кўриб чиқиш доимо бир мақсадга йўналтирилган ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш юзасидан самарали чора-тадбир бўлиб қолиши кўзда тутилади.

Одил судлов маданиятининг тарбиявий вазифаси умумий маданиятнинг алоҳида шакли сифатида одил судловнинг конституциявий тамойилларига асосланади. Судья ҳукмининг ёки қарорининг мазмуни тўғрисида меҳнат жамоасига хабар берилади. Судлар аҳолига ҳам ўз иши тўғрисида ахборот бериб турадилар (матбуот, радио, телевидение, ҳуқуқий мавзуларда суҳбат, маърузалар ўтказиш ва ҳ.қ. орқали).

Сайёр суд мажлисларини ўтказиш, яъни ишни бевосита судланувчи ёки жавобгар ишлайдиган меҳнат жамоасида ёҳуд истиқомат жойида кўриш жараён ошкоралигини кенгайтиришнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 14-моддасида демократик жамиятда ахлоқ-одоб юзасидан, жамоат тартиби ёки давлат хавфсизлиги мулоҳазаларини инobatга олиб ёки буни томонларнинг шахсий ҳаётий манфаатлари талаб этганда ёҳуд суднинг фикрига кўра бу бирон бир даражада қатъиян зарур бўлганда, яъни алоҳида ҳолларда ошкоралик одил судлов манфаатларига ҳалал берганда, матбуот ходимлари ва омма суднинг барча мажлислари ёки бу мажлисларнинг бир қисмига

киритилмаслиги мумкинлиги назарда тутилган<sup>1</sup>. Процессуал қонунчилик эса бу борада чеклашларнинг янада аниқ ва тор рўйхатига эга. Жумладан, Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ ёпиқ суд мажлиси фақат қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

а) бу давлат сирини сақлаш мақсадларига зид бўлганда;

б) 16 ёшга тўлмаган шахслар жиноятлари тўғрисидаги ишларда;

в) жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишларда;

г) ишда қатнашувчи шахслар ҳаётининг нозик (интим) томонлари ҳақидаги маълумотлар овоза бўлишининг олдини олиш мақсадида ва бошқа ишларда<sup>2</sup>.

Ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш тўғрисидаги қарор суд томонидан коллегия тарзда қабул қилинади ва асосланган қарор (ажрим) ўз ифодасини топади. Ёпиқ суд мажлисида ҳам ишни кўриб чиқишнинг барча процессуал қоидаларига (судланувчининг ҳимоясига бўлган ҳуқуқини таъминлашни ҳам қўшган ҳолда) бирон бир чеклашсиз ёхуд истисносиз риоя қилинади.

Суд ҳукмлари ва қарорлари барча ҳолларда ошкора эълон қилинади.

Суднинг ҳуқуқий тарбиявий вазифасини амалга оширишнинг энг муҳим муаммоларидан бири жамиятнинг ҳуқуқий онги шаклланиши учун унга қандай ва қанча ҳажмда ҳуқуқий ахборот берилиши кераклигини асослаб беришдан иборатдир.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирги вақтда ҳуқуқий тарбия мавҳум шахсни ҳисобга олмаган ҳолда ўтказилмаслиги, балки муайян шахсга йўналтирилган бўлиши керак. Албатта, бу жамоатчилик тарбиясини истисно этмайди, лекин кўп йиллик тажрибанинг кўрсатишича, бундай тарбия барчанинг ҳуқуқий ва умумий маданияти даражаси тахминан бир хил бўлган тақдирдагина муваффақият келтиради. Акс ҳолда эса билим жиҳатидан қарама-қарши қутбда турган гуруҳлар (энг кам ва энг кўп билимлилар) энг кам фойда оладилар. Ижтимоий муҳит ҳуқуқий тарбия жараёнини сезиларли даражада тезлаштиришга ёки аксинча секинлаштиришга қодир экан, унинг таъсирини ҳам инобатга олиш зарур. Шу боисдан аниқ бир мақсадга йўналтирилган ҳуқуқий тарбияга киришишдан олдин тарбиянинг объектини ўз ичига олган ижтимоий гуруҳнинг ҳуқуқий маданиятини тадқиқ этиш ва унинг ҳуқуқий маданияти даражасини аниқлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилиши керак.

Натижалари осон текшириладиган ва ўзгартириладиган ҳуқуқий хабардорлик ҳуқуқий тарбиянинг энг амалий тури ҳисобланади.

<sup>1</sup> Международный Билл о Правах человека. -Т.: Адолат, 1992. -41-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. -Т.: Адолат, 1995.

Ҳуқуқий хабардорлик, биринчидан, амалдаги қонунчилик ҳужжатларини тушунтириш ва тарғиб этишни ўз ичига олади. Айниқса, бунда ёшларни амалдаги қонунчиликнинг бутун тизими билан таништириш муҳим, катта ёшдагилар гуруҳлари билан ишлашда эса янги қонунларни, уларнинг йўналишини, қабул қилиниши сабабларини тушунтиришга асосий эътибор берилади.

Фуқаролар (асосан ёшлар) билан режали машғулотлар ўтказиш, маърузалар, матбуот, радио, телевидение орқали хабарлар бериш ҳуқуқий тарбия турининг энг кўп тарқалган шаклларидир. Бундай кенг кўламли ҳаракатлар натижасида аҳолида мамлакатимиз қонунчилиги тизимига оид билимлар шаклланиб борилади. Аҳамиятли томони шундаки, бунда бундай билимлар тевақатрофдаги ижтимоий муҳит таъсирида бузилишга камроқ мойил бўлади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти тўғрисидаги кенг ошқора ахборот билан тўлдирилган жазонинг муқаррарлигини тарғиб қилиш аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказиладиган жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича бир қатор ишлар ҳам сезиларли даражада тарбиявий аҳамият касб этади.

Шу жамиятда қабул қилинган ҳуқуқий тартибот ҳам ҳуқуқий маданият учун жуда муҳим ҳисобланади. Маълумки, ҳуқуқий тартибот деганда, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар томонидан бажарилишининг мажбурийлиги даражаси, шунингдек, бу қонунларнинг жамиятнинг барча аъзоларига нисбатан ҳеч истисносиз қўлланиши мажбурийлиги тушунилади.

Гарчанд ҳуқуқий тартибот ҳуқуқ ёки ҳуқуқий онг тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ бўлсада, бу тизимдан келиб чиқмайди. Қонунлар қоғозда қанчалик мукамал бўлмасин, улардан қисман фойдаланиш ёки фойдаланишдан буткул воз кечиш мумкин. Масалан, фашизмнинг ҳокимият тепасига келиши, гарчи дастлабки пайтларда ижтимоий ҳуқуқий онг бирмунча юқори бўлсада, ҳуқуқий тартиботни кескин сусайтириб юборди. Бироқ бунинг оқибатида ҳуқуқий онг аста-секин зил кета бошлайди. Бошқа томондан қараганда, жамиятда қонунийликка қатъий риоя этилишини юқори даражадаги ҳуқуқий онгсиз тасаввур этиб бўлмайди. Охир-оқибат ҳуқуқий онг қонунийликка риоя қилишни белгилаб беради.

Жамият ҳуқуқий маданияти билан шахс ҳуқуқий маданияти ўртасида аниқ ўзаро алоқа мавжуд: ҳуқуқ тизими - ҳуқуқий хабардорлик, жамоатчилик ҳуқуқий онги - шахсий ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тартибот - шахсий ҳуқуқий тартибот.



Табийки, шахснинг ҳуқуқий маданияти у аъзоси бўлган жамият маданиятидан келиб чиқади. Ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятнинг маънавият билан узвий боғлиқ жиҳатидир. Чунки пировардида айнан маънавият билан ҳуқуқ тўғрисидаги қарашлар хусусиятлари, уни ўзгартириш зарурлиги тўғрисидаги мулоҳазалар, суд муҳокамасининг ва тортишувининг ошкоралиги, бевоситалилиги, оғзакилиги ва давомийлиги, объектив ҳақиқат тамойили аниқланади.

Қонунийлик ва ҳуқуқий маданият жиноят судлов ишларини юргизишда фуқаролар ҳуқуқига қатъий амал қилишда ҳам ўз ифодасини топиши керак. Бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилиниши жиноят судлов ишларини юргизиш олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга ёрдам беради, бу ҳуқуқларнинг камситилишига эса маданиятсизлик кўриниши, яъни одил судловнинг қонунийлик ва ҳуқуқий маданият тамойиллари бузилиши деб баҳоланади. Бу ҳолатда қонунийлик ва ҳуқуқий маданият тамойили инсон ҳуқуқларининг шахс ва турар-жой дахлсизлиги; ёзишмаларнинг сир тutilиши; одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тнглиги негизида амалга ошириш; айбланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш каби инсон ҳуқуқлари кафолатлари билан ҳам узвий боғлиқдир.

Ошкоралик принципи давлатимиз барча органлари фаолиятида қонунийлик ва ҳуқуқий маданият талабларига жавоб беради. Жиноят ишларини кўриш жараёнида бу тамойил ўзига хос хусусиятга эгадир. Бу суд, прокурор, терговчи ва суриштирув органларига ўз ваколатлари доирасида жиноят аломати аниқланган ҳар бир ҳолатда жиноят иши кўзғатиш, жиноятни фош этиш, унинг содир этилишида айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни жазога тортиш учун қонунда кўзда тутилган барча чораларни кўриш мажбуриятини белгиллаган Жиноят-процессуал кодексда ўзининг аниқ ифодасини топган.

Бу органларнинг санаб ўтилган барча процессуал ҳаракатлари қонунийлик ва ҳуқуқий маданиятнинг мувофиқлиги тамойилига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиши керак.

Жиноят ишини кўриш жараёни ошкоралигининг юксак ахлоқий принципларидан келиб чиққан ҳолда суд, прокурор, терговчи ва суриштирув органи жиноят ишини кўзғатишда жиноятчиликка қарши курашнинг ижтимоий манфаатларига асосланади. Гарчанд, айрим жиноятлар тўғрисидаги ишлар фақат жабрланувчининг шикояти бўйича кўзғатилсада, бироқ бундай ҳолатда, яъни иш ижтимоий аҳамиятга эга бўлса ёки жабрланувчи ночор аҳволда бўлса, айбланувчининг измида бўлганлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга

қодир бўлмаса, жабрланувчидан шикоят тушмаса ҳам прокурор жиноий иш қўзғатишга ҳақлидир.

Жиноят ишини кўриш жараёни ошкоралигининг чинакам демократик, ахлоқий тамойили нафақат жиноятни очишда ташаббускорлик кўрсатиш ва фаол қатнашишни, жиноят ҳодисасини ва унинг содир этилишида айбдор бўлган шахсларни аниқлаш, уларни жазога тортиш юзасидан барча чоралар кўришнинг мажбурийлигини, балки ишда қатнашувчи барча шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза қилинишини ҳам ўз ичига олади.

Ҳуқуқ тизимидан фарқли ўлароқ ижтимоий ҳуқуқий онг ижтимоий онгнинг ҳар қандай бошқа қисмига ўхшаб бевосита қайд қилишга ва айниқса тартиблаштиришга бўйсунмайди. Шахсий ҳуқуқий онг ижтимоий ҳуқуқий онгнинг ягона кўриниши ҳисобланади. Айнан жамият алоҳида аъзоларининг шахсий ҳуқуқий онглари йиғиндиси пировардида жамиятнинг бутун ҳуқуқий онгини белгилаб беради. Шахсий ҳуқуқий онг ҳуқуқ тўғрисида турлича фикр-мушоҳадалар тарзида намоён бўлар экан, маълум даражада ёзма тартибда ўз ифодасини топади, лекин бундай тартиб жуда ҳам тўлақонли бўлмайди, негаки кимнингдир ҳуқуқий онгини батафсил баён этишнинг иложи йўқ.

Ҳозирча ҳуқуқшунослик фанида ижтимоий ҳуқуқий онг ривожланишининг даражасини аниқлаш услубиёти ишлаб чиқилмаган. Эҳтимол шахсий ҳуқуқий онг ривожланишининг ўртача даражаси уни бирмунча ҳаққоний экс эттирар. Аҳолининг алоҳида олинган гуруҳларининг ҳуқуқий онгини замонавий тадқиқ этишлар айнан ўртача статистик кўрсаткичларни аниқлашга қаратилади. Шунингдек, қайсидир ижтимоий гуруҳ ёки ҳатто алоҳида шахсларнинг энг юқори даражада ривожланган ҳуқуқий онги бу мақсад йўлида энг муҳим аҳамият касб этиши мумкинлигини истисно қилиб бўлмайди. Бир қатор ҳолларда кичик гуруҳлар ҳуқуқий онгининг бундай ривожланиши умуман бутун жамиятнинг ҳуқуқий онгини ўзгартиришга ва қайта қуришга қодирлиги сабабли иккинчи имкониятта эришиш мумкин бўлади.

Шундай қилиб қуйидагилар ижтимоий ҳуқуқий онгнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади:

*биринчидан*, уни батафсил таърифлаш ва айниқса тартиблаштириш имкониятининг йўқлиги;

*иккинчидан*, унинг шу жамият аъзолари шахсий ҳуқуқий онгига яққол тобелиги.

Жамият ҳуқуқий онгининг бу икки жиҳати ҳуқуқий тизимдан кескин фарқ қилади. Шу жамиятда амал қилувчи ҳуқуқий тартибот

оралиқ мавқени эгаллайди. Ҳуқуқий тартиботнинг даражасини аниқлаш қийин эмас - бу жамиятда амалда бўлган қонунчиликка риоя этиш савиясидир. Жамиятда қонунларга қанчалик қатъий, истисносиз ва чекиншиларсиз амал қилинса, ҳуқуқий тартибот шунчалик юқори бўлади. Эълон қилинган қонунларга қатъий амал қилиш, қонунийлик тартиботини сақлаш бўйича бутун фаолият биргина “қонун” билан белгиланади.

Ҳуқуқий тартиботнинг шаклланиши бутун жамиятнинг мамлакатда қонунийлик даражасини изчил юксалтириш мақсадига йўналтирилган фаолияти ҳамда алоҳида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ тартиботи (қонунга итоат қилувчи ва ҳуқуққа қарши) хилма-хиллиги билан белгиланади. Мавжуд ҳуқуқий тартибот охир-оқибатда айнан шу икки кучнинг ўзаро таъсири билан юзага чиқади.

Демак, ҳуқуқий онг соҳасида бўлганидек, алоҳида шахслар ёки кичик ижтимоий гуруҳларнинг жамият қонунийлиги даражасини белгилашдаги таъсири анча сезиларли даражада экан, қонунларни тўла санаб ўтиш имконияти (ҳатто амалдаги қонунчиликка амал қилишнинг ягона талаби тарзида бўлсада) ҳам ҳуқуқий тартиботни шу жамиятнинг ҳуқуқий тизими билан бирлаштиради ҳамда унинг даражасини нисбатан аниқ белгилашга йўл очади.

Шундай қилиб, жамият ҳар бир аъзосининг ҳуқуқий маданияти учта таркибий қисм билан белгиланишини таъкидлаш зарур:

*биринчидан*, шахснинг ҳуқуқий хабардорлиги, яъни ҳуқуқ ва ҳуқуқий муассасаларнинг меъёрларини, ҳуқуқий муассасалар фаолият кўрсатишини, вазифалари тақсимланишини билиш даражаси билан;

*иккинчидан*, шахсий ҳуқуқий онг билан;

*учинчидан*, ҳуқуқ-тартиботга риоя қилиш билан.

Бунга риоя қилиш шахснинг ҳам хулқ-атвори ва ҳуқуқни қабул қилиши ҳуқуқийлиги даражасида, ҳам ижтимоий-ҳуқуқий фаоллиги даражасида ўз ифодасини топади. Хулқ-атворнинг ҳуқуқийлиги деганда ҳуқуқий меъёрларни тўлиқ эмас, балки кундалик ҳолатда зарур бўладиганларини билиш тушунилади.

Шахс ҳуқуқий хулқ-атворининг даражаси бу шахс ҳуқуқбузарлик содир этиши ёки этмаслиги, агар содир этса, бу қилмиш қанчалик ижтимоий хавфли эканлиги билан белгиланади. Масалан, автобусда чиптасиз юриш, бундай хатти-ҳаракат катта ижтимоий хавф туғдирмасада, очикдан-очик ҳуқуқбузарликдир. Маънавий етук шахс бундай қилмайди, маънавий етуклик даражаси пас бўлган шахслар жиноят қонунини онгли равишда бузмасаларда, юқоридаги каби маъмурий ҳуқуқбузарликларни тез-тез содир этадилар.

Хуқуқни қабул қилиш савияси, яъни шахснинг хуқуқий талабларни бажаришга ва хуқуқий нормаларни қабул қилишга ботинан тайёрлиги даражаси хуқуқий хулқ-атвор даражаси билан чамбарчас боғлиқдир<sup>1</sup>. Айримлар ҳар қандай вазиятларда мавжуд қонунларга ҳудди бошқа ижтимоий меъёрларга риоя қилгандек қаттиқ амал қиладилар. Бунда улар жамият аъзоси, фуқаро, тарбия кўрган одам айнан шундай қилиши керак, деган ички эътиқоддан келиб чиқадилар. Бошқалар эса “бу биз учун эмас”, “бу бизга керак эмас” деб ҳисоблаб, қонунлар ижроси мажбурийлигини ботинан тан олмасликлари мумкин. Мана шу икки кутб оралиғидаги хуқуқни қабул қилишнинг жуда ҳам кўп сонли турли вариантлари ётадики, унинг даражасини аниқлаш шахс хуқуқий маданияти савиясини аниқлашда ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

Хулқ-атвор хуқуқийлиги даражаси билан хуқуқни қабул қилиш ўртасидаги ўзаро алоқа бир хил эмас. Айрим ҳолларда ҳатто хуқуқни қабул қилиш савияси жуда паст бўлган шахслар ҳам хуқуқий нормаларни бузмасликлари мумкин. Масалан, буни хуқуқбузарлик анчагина кам учрайдиган жазони ижро этиш колонияларидаги маҳкумлар мисолида учратиш мумкин (одатда бу маҳкумларнинг хуқуқни қабул қилиш савияси билан эмас балки колония маъмуриятининг қаттиқ назорати билан изоҳланади)<sup>2</sup>.

Бошқа томондан хуқуқни муҳофаза қилиш савияси қанча юқори бўлса, хуқуқий хулқ-атвор даражаси ҳам одатда шунча юксак бўлади. Тўғри, амалиётда хуқуқни қабул қилиш савияси бирмунча юқори бўлган кишилар жиддийроқ хуқуқбузарликларга қўл уришдан қочиб онгли равишда муайян хуқуқбузарликларни содир этиши мумкин бўлган ҳолларнинг учраб турганлиги кам эмас.

Лекин хуқуқни қабул қилишнинг юксак савияси мавжуд қонунчиликни ботинан тан олиш ва қўллаб-қувватлашгагина асосланган барча хуқуқ меъёрларининг оғишмай бажарилишини тақозо этади.

Шахснинг ижтимоий-хуқуқий фаоллиги турли хуқуқбузарликлар унинг бевосита манфаатларига зарар етказишидан ёки

<sup>1</sup> Бу ерда ахлоқий талаблар бажарилиши билан яққол ўхшашлик кўзга ташланади. Ўз-ўзидан маълумки, одатда одам қасддан жиноят содир этиш ёки унга тараддуд кўриш пайтида мўлжалланган қилмиши фош этилмаслигидан ёки жазо олмаслигидан умидвор бўлади. Шунинг учун ахлоқий муаммоларни ечиш пайтида бўлгани каби хуқуқбузарликни содир этиш ёки этмаслик ҳақидаги қарор бутунлай ва тўлалигича шахснинг танлашига боғлиқ бўлиб қолади.

<sup>2</sup> Гап ижтимоий-хуқуқий фаоллиги ҳисб бошқача кўринишга эга бўлган хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳақида бормоқда. Қаранг: *Тожионов У.* Ўзбекистонда мустақил давлатчиликни ривожлантиришнинг маънавий-хуқуқий муаммолари. -Т.: ИИВ Академияси, 1995.

етказмаслигидан қатъи назар уларга қарши курашишга тайёрлик даражаси билан ўлчанади<sup>1</sup>. Ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик даражаси турлича бўлиши мумкин. Бошлиқнинг ноқонуний буйруғи юзасидан баҳолашиб ўтиришни ўзига сира раво кўрмайдиган одам безори тегажўғлик қилаётган аёлга ҳеч иккиланмасдан ёрдамга ошиқади. Бошқаси эса ўз қўшнисни омборхонадан ёғоч-тахталарни қандай ўғирлашини томоша қилиб туриши мумкин, лекин қотиллик содир этилганидан хабардор бўлса, дарҳол милицияга хабар беради. Юксак даражадаги ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик деганда ҳар қандай, хатто энг арзимас бўлиб кўринган ҳуқуқбузарликка қарши шахсан ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда мурасасиз кураш олиб бориш ва тўсиқ бўлиш тушунилади.

Шахс ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигига унинг хулқ-атвори ҳуқуқийлиги ва ҳуқуқни қабул қилиш даражаси бевосита боғлиқдир. Бироқ юқори даражадаги хулқ-атвор ҳуқуқийлиги ва ҳуқуқий қабул қилиши юксак ижтимоий-ҳуқуқий фаолликни мажбурий қилиб қўймайди. Қонунларни онгли равишда бажарувчи шахс айна пайтда бошқа ҳуқуқбузарликларга бефарқ муносабатда бўлиши мумкин (гарчи бундай бефарқлик ўз-ўзидан Жиноят кодексининг муайян меъёрлари бузилиши билан боғлиқ бўлсада). Афсуски, аксарият пайтларда қонунларни билмасликларини рўқач қилган фуқаролар у ёки бу тарздаги шахсий мушоадалар (масалан, жиноят қаршисидаги ўткинчи кўркүв) билан қонун бузилишининг пайини қирқишдан четда туришни маъқул топишади. Шахснинг ҳуқуқий хабардорлиги (гап профессионал юристлар ҳақида бормаяпти) кундалик ҳаётни, яъни оилавий, меҳнат, фуқаролик ҳуқуқи ва бошқаларни тартибга солувчи қонунларни билиш билан кифояланиб қолиши мумкин.

Жамиятнинг ҳуқуқий тартиботи ва шахсий ҳуқуқий онг даражаси нисбати бошқачароқ бўлади. Фуқароларнинг аксарият кўпчилиги жазодан кўрқиш туфайли эмас, балки ўз жамияти қонунларига амал қилишни хошлашлари туфайли барча мавжуд қонунларга оғишмай риоя этадилар. Бунда кўпчилик ўзи дуч келган ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга қарши фаол курашади. Шу боисдан жамиятимизнинг давлат ва жамиятнинг барча аъзолари томонидан қўллаб-қувватланаётган ҳуқуқий тартиботи юқоридир, шахсий ҳуқуқ-тартибот савияси юксак бўлган шахслар сафи ҳам кенгайиб бормоқда.

Ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш бўйича фаолият кўп қирраликдир. Мамлакатимизнинг ҳуқуқий тизими мунтазам равишда

---

<sup>1</sup> Умуман олганда, шахсий ҳуқуқни ҳимоя қилишга йўналтирилган фаолликни бутун жамият ва бошқа шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятдан фарқлаш мумкин.

такомиллашиб бормоқда. Қонунчиликни тартибга солиш юзасидан ишлар ҳам муваффақиятли олиб борилмоқда. Амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича ишлар билан ҳамоҳанг равишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятини ҳам такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилишга даъват этилган шахслар орасида чуқур билимли, пухта касбий тайёргарликка эга бўлган кишилар тобора ортиб бормоқда. Чунончи, адвокатларнинг деярли барчаси, судьялар ва прокурорларнинг аксарият кўпчилиги олий юридик маълумотга эга. Ички ишлар органларида ҳам мутахассислар сони кўпаймоқда. Бундай чора-тадбирларнинг мажмуаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг янада самарали бўлишини таъминлайди.

Ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар жамият ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутди. Қонунларнинг қатъий ижроси, қандай шаклда ва ким томонидан содир этилганидан қатъи назар барча ҳуқуқбузарликларнинг пайини қирқиш, адолатли жазо, жиноятчиликка барҳам бериш учун курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мазкур фаолиятнинг асосий йўналишларидир.

Мамлакатимизда жамият ҳуқуқий тайёргарлигининг ўсиши, уларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига жалб этиш ижтимоий-ҳуқуқий онгни оширишда муҳим роль ўйнайди.

Илгор ҳуқуқий гоёларни доимий ривожлантирувчи ҳуқуқшунос олимларнинг фаолияти ҳам бу жараёнда ўз ўрнига эга.

Шахснинг ҳуқуқий маданияти жамиятда учта асосий омилнинг ўзаро алоқаси натижасида шаклланади. Булар шахснинг ўзига хос хусусиятлари, атроф-муҳитдаги вазиятнинг унга таъсири ва давлат ҳамда жамият томонидан амалга ошириладиган мақсадга йўналтирилган ҳуқуқий тарбиядан иборатдир.

Инсоннинг руҳий ҳолати, ақлий қобилияти ва бошқа шахсий фазилатлари уларни ўзлаштириш даражасини белгилаган ҳолда ҳуқуқий маданиятнинг шакллантириш жараёнига таъсир ўтказди. Шахсни жамиятнинг ижтимоий ҳаётидаги ўрнига ҳамда муайян-ижтимоий табақага мансублигини белгилашга унинг маълумот даражаси, ижтимоий ҳаётга қизиқиши ва бошқа хусусиятлари ҳам маълум маънода ўз таъсирини кўрсатади.

Кенг маънодаги тарбия ҳаётининг объектив шарт-шароитларини билишга: теварак-атрофга, ўқув ва ишлаб чиқариш жамоасига, ҳуқуқий воқеликни кузатиш, шахсий ҳуқуқий тажриба ва бошқаларга ҳар томонлама таъсир кўрсатиш жараёнидир. Бу таъсирнинг кўпроқ стихияли кечиши барча таъсир этувчи кучлар, воқелик ва ҳодисалар турли хиллиги ва уларни ҳаттоки шунчаки

санаб чиқишнинг ҳам ҳеч қандай имконияти йўқлиги билан изоҳланади. Бунда қутилаётган самарани ишончли башорат қилиш имконияти амалда йўққа чиқишини гапирмаса ҳам бўлаверади. Бу тушунарли ҳол, негаки бу ерда сўз инсон шахсиятини шакллантириш, унинг фазилати ва хулқ-атвори ҳақида кетмоқда.

Ҳар бир шахснинг ҳуқуқий онгига стихияли таъсир кўрсатиш унинг жамиятда тутган икки хил ўрни билан белгиланади. Бир томондан, ҳар бир одам шу жамиятнинг аъзоси ҳисобланса, иккинчи томондан, у манфаатлари бутун жамият манфаатларига ҳар доим ҳам мос тушавермайдиган у ёки бу ижтимоий гуруҳга киради. Киши жамиятнинг аъзоси сифатида амалдаги ҳуқуқий тизим билан мунтазам равишда юзма-юз келади. Унга ҳар доим жамиятда қабул қилинган ҳуқуқ нормаларини ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилишга ва кўпинча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан муносабатга киришишга тўғри келади. Шу асосда ҳар бир фуқарода ўз шахсий ҳуқуқий тажрибаси ва ҳуқуқий жараёнлар кечишини кузатишнинг муайян тизими шаклланади.

Киши маълум бир ижтимоий гуруҳнинг аъзоси сифатида шу гуруҳ аъзолари ўртасида ёйилган турли ахборотларни мунтазам олиб боради. Бунда ҳуқуққа оид маълумотлар охириги ўрин билан чекланиб қолмайди.

Ҳуқуқий маълумотларни тез-тез ҳар хил миш-мишлар, сохта фактлар билан тўлдириш ҳолатлари ҳам мавжуд, баъзан эса фактлар уни билиб бўлмайдиган даражада бузиб юборади. Шахс бу ахборотларнинг барчасини маълум тартибда баҳолайди ва уни ўзининг ҳуқуқий воқеликни кузатиш тизимига киритади. Натижада бу тизимда ҳақиқий фактлар, кишилар маълум гуруҳининг уйдирмалари ва шахсий мушоҳадалар қоришиб кетади. Бундай маълумотларнинг ялпи салмоғи шахсга у ўзи мансуб бўлган ижтимоий гуруҳнинг таъсири даражасига шахсий фикрлаш хусусиятларига ва кўпроқ ўз ҳуқуқий тажрибаси ҳажмига боғлиқ.

Ҳуқуқий воқеликни кузатиш ва шахсий ҳуқуқий тажриба шу жамиятда қабул қилинган қонунийлик тартиботи билан ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Қаерда қонунларга тўла ва етарли даражада амал қилинса, жамият эса ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга интилишда яқдиллик кўрсатса ва белгилаб қўйилган ҳуқуқ-тартиботдан озгина чекинишни ҳам қаттиқ қораласа, бундай жамиятнинг ҳар бир аъзосида юксак “шахсий ҳуқуқ-тартибот” тизими пайдо бўлади ва унга амал қилинади. Шунингдек, ҳуқуқ меъёрларининг аниқ ижрочилари: ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари, ҳокимият ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари, жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳам бу

жараёнга катта таъсир кўрсатадилар. Бу шахсларнинг ўз мажбуриятларини виждонан ва астойдил ижро этишлари, барча ҳуқуқий масалаларнинг ҳаққоний ҳал этилишини таъминлашга интилишлари, фуқароларга ҳурмат ва ҳамдардлик билан муносабатда бўлишлари ўзларига мурожаат қилувчи кишиларнинг шахсий ҳуқуқий тажрибасини белгилаб беради.

Масалан, милиция идорасида бир марта қўпол рад жавоби олган киши кейинги сафар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига мурожаат қилишни истамайди ва ўз муаммоларини бошқача тарзда, ноқонуний усулда ҳал этишга уринади. Шундай экан қўполлик, ўз бурчини виждонан ўтамаслик, сансалорлик ва қоғозбозлик кишининг ҳуқуқий камол топишига жиддий таъсир кўрсатиши табиийдир. Аксинча, милиция ходимининг вужудга келган ишни ҳал этиш учун ёрдам бериши, фуқаронинг ҳуқуқини ҳимоя қилиши ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва амалдаги ҳуқуқий тизимга ҳурмат билан қараш ҳисси шаклланишига олиб келди.

Маълумки, инсонни у туғилган пайтидан бошлаб ўраб олган ижтимоий муҳит унинг ҳуқуқий маданиятига жиддий таъсир кўрсатади. Шахсни ўраб турган чор атрофдаги маиший муҳит, ўқув ва ишлаб чиқариш жамоасининг ушбу инсонга доимий таъсири улқандир, Оиладан ажралиш, атрофдаги одамларнинг алмашинуви инсоннинг бутун ҳаётини кескин ўзгартириб юборади. Шу боисдан одамлар одатда фақат фавқулотда ҳолларда ва иложсиз аҳволга тушганларидагина бундай қарорга келадилар. Агар гуруҳнинг ўзи у ёки бу сабабга кўра аъзосини ўзидан чеглатмоқчи бўлса, одатда шахс бутун чоралар билан бунга йўл қўймасликка ҳаракат қилади. Инсон кундалик турмушида ўзи мансуб бўлган гуруҳ билан мустаҳкам алоқани сақлаб қолишни афзал кўради, у гуруҳдан бу гуруҳга ўтишни эса хулқ-атворида кескин ўзгаришларсиз, аста-секинлик билан амалга оширади. Ижтимоий гуруҳда ҳукм сурувчи аъёналар, одатлар, фикрлар муайян даражада унинг ҳар бир аъзоси учун мажбурий бўлиб қолади ва уларни бузиш эса гуруҳдан узоқлашишга олиб келиши мумкин. Бу эса қоидабузар нуқтаи назаридан қараганда умуман яхши эмас.

Кичик гуруҳларда тақлидга интилиш, “ҳаммаси одамлардаги каби бўлиши” учун “ҳамма қатори бажариш” истаги кенг тарқалган. Кўпинча бундай гуруҳларда турли ахборотлар, шу жумладан, ҳуқуқ билан боғлиқ ахборотлар ҳам тез тарқалади ва бир хил тарзда баҳоланади.

В.И.Каминская, А.Р.Ратинов, Н.Я. Константинова, Н.А. Носковалар аҳоли турли гуруҳларининг ҳуқуқий онги хусусиятлари юзасидан олиб борган тадқиқотлар стихияли тарзда шаклланувчи



ҳуқуқий маданиятга исбот бўла олади. Бу тадқиқотлар натижасида ўрганилган гуруҳнинг ҳуқуқий онгини тавсифловчи айрим салбий фактлар: ҳузур-ҳаловатини ўйлаш бўйича қарашлар, ҳуқуқий билимларнинг ниҳоятда саёзлиги, фуқароларнинг ҳуқуқий ҳодисаларга нисбатан лоқайдлиги аён бўлди. Сўралган ишчиларнинг тўртдан бир қисми майда ўғирлик ҳуқуққа қарши хағги-ҳаракат эканлигини билишмаган, бундай шахслар эса саноат ишчилари ўртасида хизмат кўрсатиш соҳаси ишчилари ўртасидагига қараганда бирмунча кўпроқ. Жиноий-ҳуқуқий таъқиқни билмаслик ўғрилик учун жиноий жавобгарликдан озод этмаслигини, жиноятни маст ҳолда содир этиш айбни оғирлаштирувчи ҳолат бўлиб ҳисобланишини тушунмайдиган, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган айб учун жиноий жавобгарлик борлигини билмайдиган шахслар анча кўпчилиكنи ташкил этади.

Ҳуқуқий маданиятни оширишда суд ҳуқуқий тарбиянинг ягона тизими сифатида фаолият кўрсатади. Бироқ бундан суднинг тарбиявий вазибалари унга тегишли бўлган ҳуқуқий вазибаларга қараганда унчалик муҳим эмас, деган хулоса келиб чиқмайди. Аксинча, қонун чиқарувчи бир доирадаги вазибаларнинг иккинчисига бўйсунилишини белгилаб қўймайди (масалан, тарбияни қонунийлик учун курашга ёки аксинча). Тўғри тарбиявий вазибалар хусусида амалдаги қонунларда сўз боради, лекин бу одил судлов ишларини юргизишнинг муайян вазибалари ҳақида сўз юритиладиган биринчи қисмга қараганда иккинчи қисм умумий ва кенгроқ маъноси билан изоҳланади. Лекин бу икки вазибаларнинг бажарилиши ўртасида ўзаро маълум бир алоқа мавжуд. Суд жараёнининг тарбиявий аҳамияти энг паст даражага тушиб кетса ҳам, уни яхши ўтказиш (ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ) ҳамда унда қонуний ва асосланган ҳукм чиқариш мумкин.

Бу талабаларнинг бажарилиши аниқ текширилиши ва суд иши самарадорлигининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Суднинг тарбиявий фаолиятини ҳозирча қатъий ҳисобга олишнинг иложи йўқ ҳамда у одил судлов ишларини юргизиш самарадорлигини аниқлашда деярли инобатга олинмайди. Туман судининг тарбиявий фаолияти самарадорлиги туманда жиноятчилиكنинг қисқариши фоизига бевосита мутаносиб деган нуқтаи назарни асосли, деб эътироф этиш нотўғри бўлади.

Агар бундай фаолиятни баҳолаш қийин кечаётган бўлса, муайян суд амалиётида аҳвол бирмунча бошқачароқ. Суднинг бутун фаолияти муайян одамлар билан узвий боғлиқлиги суд ишининг асосий хусусияти бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир ишнинг кўрилиши сирдан қараганда турли шахсларнинг бевосита муносабатида намоён

бўлади. Оғзакилик талаби қонунчиликда жиноят ишини кўриш жараёнининг тамойили сифатида мустақкамлаб қўйилган. Маданият даражаси, судлар таркиби, судлар хайъати аъзолари, суд жараёнининг бошқа иштирокчилари, гувоҳлар, омманинг шахсий хусусиятлари суд муҳокамасининг натижасига катта таъсир кўрсатиши мумкин. Кишиларнинг атрофда ўзини тутиш феъли ва ўзаро муносабатлари қоидалари асосан шу жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор маданияти билан белгиланади. Кишилар кундалик ҳаётининг барча соҳаларидаги хатти-ҳаракатлари (учрашув, хайрлашув, суҳбатлашув ва х.к.) айнан хулқ-атвор қоидалари (алоҳида кўринишдаги ижтимоий меъёрлар) билан тартибга солинади. Атрофда ўзини тутиш феъли қоидаларининг бузилиши одатда бир кишининг бошқасига нисбатан норозилигини келтириб чиқаради, тушуниш ва ҳамкорликка интилиш даражасини пасайтиради, натижада бу меъёрларни бузган шахснинг ўз мақсадига эришиши қийин кечади. Бир қадар шартли айтиш мумкин бўлган суд мажлиси вазияти муайян суд жараёнини ўтказишда муҳим роль ўйнайди. Таъкидлаб ўтилганидек, бу шу суд иши билан боғлиқ бўлган барча шахсларга сиртдан таъсир кўрсатувчи воқелик, ҳодиса, шарт-шароит ва чора-тадбирлар мажмуасини ўз ичига олади. Кўпгина ҳолатлар, яъни иш кўриляётган жараёнга тарбиявий таъсир кўрсатишдан тортиб (жараённинг вазияти, залнинг ёритилиши, ҳарорати ва х.к.) сўнгги қатордаги кишиларнинг ташқи кўринишигача бўлган ҳолатлар ҳам шулар сирасига киради.

Юқорида зикр этилганларни ҳисобга олган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, судлов ишларини юргизишнинг ҳуқуқий маданияти:

*биринчидан*, ҳуқуқий маданиятнинг суд жараёнига алоқадор бўлган қисмидан;

*иккинчидан*, судлов ишларини юргизишда иштирок этувчи барча шахсларнинг хулқ-атвори ва ҳуқуқий маданиятидан;

*учинчидан*, суд муҳокамаси маданияти ҳолатидан таркиб топади<sup>1</sup>.

Одил судлов маданияти даражасини баҳолашда суд чиқарган ҳар бир ҳукм, қарор, ажримнинг жараён иштирокчилари учунгина эмас, балки барча фуқаролар учун ҳам қонуний, асосланган ва ишонарли бўлиши муҳим омил ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Келтирилган тавсиф *В.В. Леоненко* томонидан таклиф этилган судлов ишларини юргизиш маданиятини тушунишга жуда яқин келсада (Профессиональная этика участников уголовного судопроизводства. -Киев, 1981. -С.95-96), ундан айрим жиҳатлари билан фарқланади. Шуниси аёнки, хулқ-атвор маданияти ва ҳолати нафақат жиноят ишларини кўриш маданияти учун, балки ҳар қандай маданият тавсифномаси учун ҳам аҳамиятлидир.

Судлар суд ҳукмларининг маданий-тарбиявий аҳамиятини назарда тутган ҳолда суд жараёнининг боришини кенг ёритишлари лозим, бироқ арзон шов-шув ортидан қувмаслик зарур. Ҳар сафар суднинг маданий-тарбиявий вазифасини ёдда тутиш лозим бўлади. Суд терговчининг маданий-тарбиявий аҳамияти, судьяларнинг касбий маданияти, энг аввало, суднинг нафақат айблов, айни пайтда оқлов далилларини ҳам маҳорат билан ва малакали текширишини билдирувчи объективлик билан таъминланади. Суд ҳукмининг ишончлилиги иш ҳолатларининг ҳар томонлама таҳлил этилишига асосланади. Суд суд терговини унда барча томонлар ва вакилларнинг фаол иштирокини таъминланган ҳолда ташкил этиши шарт. Агар судлар ўтказиладиган суд мажлиси залларида ҳар доим ҳам одамлар унча кўпчилиكنи ташкил этмасада, сайёр судлар мажлисларига яхши тайёргарлик кўрилган шароитда уларда иштирок этувчилар сони анча юқори бўлади.

Судьяларнинг маданий ҳуқуқий фаоллиги - жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича кўрилган тадбирлар сифати ва кўлами, янги шаклларни излаб топиш ва улардан фойдаланиш, бутун суд фаолиятини қонунийлик ва ҳуқуқий маданият доирасида қатъий амалга ошириш одил судлов маданияти учун шарт-шароитлар яратди.

Суд жараёнлари, сайёр судлар, ҳисобот маърузалари, хусусий ажримлар, маърузалар, суҳбатлар, ўртоқлик судлари билан мунтазам иш олиб боришнинг тарбиявий аҳамияти барчага яхши маълум. Шу билан бирга барча судлар ва барча судьялар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларига бир хил ёндашишмоқда, деб бўлмайди. Суд ходимларида ишчанлик ва ҳуқуқий фаолликни тарбиялаш - суд раисининг асосий мажбуриятларидан, суд жамоаларининг эса асосий вазифаларидан бири.

Судларнинг огоҳлантириш бўйича ишларининг асосий шакллари фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқиш билан боғлиқ. Бундан ташқари судга махсус чоралардан: хусусий ажрим чиқариш, эҳтиёт чорасини қўллаш, жиноят ишини кўзгатиш чораларидан фойдаланиши ҳам одил судлов қонунийлиги ва маданиятини баҳолаш ўлчови бўла олади. Шу боисдан судлов ишларини юргизиш қоидаларига, суд-касбий ва ҳуқуқий маданияти талабларига қатъий амал қилиш, самимий муомала, ҳаққонийлик ва суд жараёни ҳуқуқий маданиятининг бошқа жиҳатлари муҳим ҳисобланади. Бироқ сайёр судлар мажлисларини ташкил этиш ва ўтказишда жиддий нуқсонларга йўл қўйиладики, бу уларнинг маданий-ҳуқуқий ва тарбиявий аҳамиятини тушириб юборади.

Кўпинча сайёр судлар мажлисларида ижтимоий аҳамиятга эга бўлмаган ишлар кўриб чиқилади, устига устак бундай мажлисларни ташкил этиш ҳамда ишни судда кўриб чиқиш тез-тез орқага суриб юборилади. Ишни айбланувчининг иш жойи ёки яшаш жойида кўриб чиқиш жиноятчиликнинг ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиши мумкинлигини унутмаслик керак. Жиноят ишини кўриб чиқиш жойи тўғрисидаги масалани ҳал қилишда судья нафақат маълум бир ҳудуддаги, айти пайтда муайян жамоадаги жиноятчиликнинг аҳволи ва хусусиятларининг аниқ тахлилидан келиб чиқиши лозим, чунки ишнинг сайёр суд мажлисида кўрилиши ҳар доим муайян мақсадга йўналтирилган бўлиши ҳамда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг самарали чораси бўлиб қолиши шарт.

### **3. Суд жараёнини такомиллаштиришда ҳуқуқий маданиятнинг ўрни**

Зарур ҳолларда давлат-ҳуқуқий мажбурлов чораларини қўллаш ваколатига эга бўлган идораларнинг олдинги тизимини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этган демократик ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши айти пайтда барча ҳуқуқий қадриятлар мажмуини бошқатдан идрок этиш заруратини ҳам келтириб чиқарди. “Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш судларнинг ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида асосий мазмунга айланмоғи керак, - деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакат Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида сўзлаган нутқида. - Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим”<sup>1</sup>.

“Маданият” тоифасининг инсон фаолиятини илмий жиҳатдан билишдаги илмий аҳамияти, биринчидан, - унинг, аввало, бундай фаолиятнинг изчиллиги ва яхлитлигини ўзида акс эттиришга, одатда тадқиқотнинг таҳлилий услублари билан эришиб бўлмайдиган фаолият шакллари, восита ва жиҳатларини ўзаро боғлиқ ва бир-бирларини тўлдирган ҳолда илмий таҳлил қилиш йўлини давом эттиришга укуви билан изоҳланади. Илмий таҳлил йўли эса, пировардида, ўрганилаётган манбани янада чуқурроқ ва ҳар томонлама билиш учун шарт-шароит яратади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазибалари. -Т.: Ўзбекистон, 1996. - 34-35-бетлар.

Иккинчидан, “маданият” тоифаси анъанавий ижтимоий-ҳуқуқий қадриятларни ўзлаштириш ва янгиларини яратиш жараёнида шахснинг эркин ва ҳар жиҳатдан камол топишини таъминлаган ижтимоий тараққиётнинг эришилган даражасини белгилайдиган мезон бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин.

Бундан келиб чиқадики, суднинг одил судловни амалга ошириш бўйича фаолиятини тадқиқ қилишга нисбатан “маданият” тоифасининг қўлланиши ҳуқуқшуносликда судлов маданияти каби янги тармоғи ажралиб чиқиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқий маданият, умуман маданият тушунчаси каби, энг аввало, методологик хусусиятга эга. Шу боисдан унга бир томондан судловни яхлит-тизимли тадқиқ қилиш услуби сифатида ёндошиш мумкин. Бу услуб қонунийлик, самарадорлик, сифат, тезкорлик ва суднинг одил судловни амалга ошириш бўйича фаолияти учун зарур бўлган бошқа ҳолатларни таъминловчи барча омилларининг аниқ ва узвий бирлиги (бутунлиги)дан иборатдир.

Иккинчи томондан, “маданият” тоифасига суднинг шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш, уни бутун жамят манфаатларига мувофиқ равишда ривожлантириш чораси сифатида қараш мумкин.

Бошқача айтганда, одил судловни такомиллаштириш муаммоларини ишлаб чиқиш учун “маданият” тоифасининг қўлланилиши - суд тизимининг ҳуқуқни жорий этиш амалиёти соҳасига тизимли тадқиқотларни тадбиқ қилишнинг аниқ шаклини билдиради.

Манбани ҳар томонлама ўрганиш принципининг амалга оширилишидан ва услубий муайянлаштиришдан иборат бўлган тадқиқотнинг яхлит-тизимли услуби бутунги кунда кўпчилик томонидан эътироф этилмоқда ҳамда илмий билишнинг турли соҳаларига, шу жумладан, ҳуқуқшунослик фанига ҳам кириб келмоқда. Шу боисдан услубий жиҳатдан одил судловни ҳуқуқий маданият атамалари орқали тавсифлаш судловни таҳлилий тадқиқ этишдан ҳар томонлама тадқиқ қилишга ўтишни англатади. Бундай усулда тадқиқ этишда қонунчилик ва суд тизими бошқарувини, кадрлар салоҳияти ва унинг суд-касбий тайёргарлиги даражасини, судьяларнинг ахлоқий ақидаларини, судларнинг моддий базаси ва илмий-техникавий воситалар билан таъминланишини такомиллаштиришда, суд ҳаракатларининг мақбуллиги ва қонунийлигида, суд ишининг сифати ва самарадорлигида, унинг санитария шароитларида, судьяларнинг иш қобилиятини ва меҳнат фаолияти давомийлигини ошириш чораларида, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга суднинг тарбиявий таъсир

кўрсатишида одил судловни такомиллаштиришнинг хилма-хил муаммолари ўз ифодасини топади.

Одил судловнинг бундай ижтимоий муаммоларини санаб ўтиш судлов маданиятини тартибга солиш вазифалари уни ривожлантиришни турли муаммоларининг шунчаки йиғиндисидан иборат деган маънони аниқлатмайди. Ҳар бир жонли тизим ўз таркибий қисмларининг оддий йиғиндисидангина иборат бўлмаганидек, одил судлов ҳам ўзининг айрим муаммолари жамлангандан кейинги кўринишига ўхшамаслиги мумкин. Бутун (яхлитлик) ҳар доим ўз қисмларига нисбатан сифат жиҳатдан янги воқелик сифатида намоён бўлади, бу унинг фаолият кўрсатишига ва ўз олдига қўйилган ижтимоий вазифаларни бажаришга қодирлигини белгилайди. Чунки ўрганилаётган манбанинг яхлит ҳолда тасаввур этилганда, унинг алоҳида олинган муаммолари бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатади. Бир муаммонинг ҳал этилиши бошқа муаммонинг ечими учун асос бўлади ёки шарт-шароит яратади.

Шундай қилиб судловни давлат ва жамоатчилик фаолиятининг бошқа соҳалари ҳамда шакллари, энг аввало, моддий ва маънавий маданиятнинг аниқ-тарихий тараққиёти даражаси билан ўзаро боғлиқлигини ва ўзаро алоқасини аниқ ва бир бутун ҳолда ўрганиш учун услубий негиз вужудга келтирилади.

Кўрилаётган иш бўйича асл ҳақиқатни аниқлашда суднинг техник имкониятлари, шунингдек суд фаолиятининг самрадорлиги, судьялар меҳнат қобилиятининг давомийлиги жамият моддий маданиятининг қай даражада ривожланганлигига боғлиқ. Негаки, судьялик ишининг сифатини судьяларнинг шахсий камолатигагина боғлиқ қилиб қўйиш тўғри эмас. Сифат - бу ижтимоий-шахсий тоифа, суднинг моддий-техникавий таъминланганлик кўрсаткичи, умуман суд тизимининг жами моддий-маънавий, шахсий ҳолатининг яхлит кўринишли кўрсаткичидир.

Бироқ “шахсий мукамаллик ёхуд номукамаллик” аслида судларнинг зарур бинолар, техник воситалар, штатлар сони ва бошқалар билан таъминланганлиги каби суд фаолияти объектив шароитларининг шахсий, инсоний шаклларидаги аниқ инъикоси, холос. Бундай объектив моддий шароитларнинг суд фаолияти жараёнида етишмаслиги субъектив (шахсий шаклдаги кўринишларнинг юзага чиқишига: судьяларнинг иши ҳаддан зиёд кўпайишига ва уларнинг толиқишларига олиб келади. Объектив шароитнинг паст “сифати” оҳир оқибатда субъектив омиллар “сифати”нинг ёмонлашувига сабабчи бўлади. Ушбу объектив ва субъектив омиллар одил судловда ва умуман ижтимоий воқеликда ўз-

ўзича ва “соф” ажралган ҳолда эмас, балки узвий бирликда мавжуд бўлишидан далолат беради.

Судларни бинолардан тортиб, тасвирга олиш ва овоз ёзиш жиҳозлари, меҳнатни илмий ташкил этиш воситалари, ҳозирги илмий-техника тараққиёти шароитида эса ҳисоблаш техникаси (суд фаолиятини компьютерлаштириш) билан таъминлашгача бўлган суднинг моддий негизини ривожлантириш ва мустаҳкамлашни эътибордан соқит қилувчи суд иши ва умуман судлов самарадорлигини ошириш моделини ҳаёлий нарса, деб баҳолаш мумкин.

Бундан келиб чиқадиган тавсиялар шундан иборатки, судловга суд фаолиятининг ранг-баранг кўринишдаги субъектив-шахсий ва объектив-моддий омиллари (ҳуқуқий, иқтисодий, моддий, ташкилий, шахсий)нинг узвий бирлиги (яхлитлиги сифатида қаралгандагина судлов самарадорлигини ошириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқишни мувафаққиятли бажариш мумкин. Ана шундагина одил судлов маданияти хилма-хиллигининг бирлиги, моддий омилнинг шахсий, инсоний, маънавий омилга айланиши сифатида намоён бўлади.

Судлов ишларини юргизиш маданияти - бу нафақат ҳуқуқ нормаларига асосланган фаолиятдир, балки ҳуқуқий, ахлоқий меъёрлар билан бир қаторда ушбу маданиятга ташкилий, тарбиявий ва бошқа таркибий қисмларни кўшиб юбориш мумкин бўлган фаолият ҳамдир. Одил судловни амалга ошириш фаолияти замонавий илмий талабларга, ахлоқ мезонларига, меҳнатни ташкил қилишдаги энг сўнгги ютуқларга ҳамоҳанг бўлиши лозим. Ҳуқуқий маданият ва қонунийлик ҳар қандай давлат органининг фаолиятида мажбурий шартдир, - бу демократик давлатчиликнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, улар ҳуқуқ-тартибнинг даражасида, амалдаги ҳуқуқий меъёрларни такомиллаштириш даражасида, юридик амалиёт ва фанда намоён бўлади. Шу боисдан қонунийлик ва одил судлов маданияти судлов ишларини юргизишнинг ҳам маънавий-ҳуқуқий, ҳам ташкилий, тарбиявий, иқтисодий ва бошқа жиҳатларини қамраб олишни таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Одил судлов маданияти ва қонунийлик бирлигининг бу омиллари одил судловнинг асосий мақсади сифатида қонунийлик билан боғлиқ бўлгандагина алоҳида маъно касб этади. Одил судлов маданияти объектив ва субъектив омилларнинг такомиллашиб борувчи тизими тарзида шаклланади. Бу омиллар эса судлов ишларини юргизиш жараёнида процессуал ва моддий қонуларнинг бир хилда ва юксак маданий савияда қўлланилишини таъминлаш мақсадини кўзлайди. Ўз навбатида процессуал қонун талабларига

мувофиқ бўлган ва ахлоқий меъёрларни хулқ-атвор меъёрларидай қабул қиладиган одамлар томонидан амалга ошириладиган судлов ишларини юргизишнинг процессуал фаолиятини одил судлов қоунийлиги ва маданияти тамойиллари билан бир хил деб қараш мумкин. Бинобарин қонунийлик одил судловнинг омили сифатида процессуал маданиятнинг бирлаштирувчи занжири, ҳуқуқий маданият даражасининг ўзига хос ўлчови бўлиб кўринади.

Инсон шахсини ҳурматлаш одил судлов маданиятининг муҳим таркибий қисми бўлиб саналади. Одил судлов ишларини юргизиш маданиятида процессуал фаолият қатнашчиси шахсига муносабат қонунийлик билан таъминланади. Бунда қонунийлик ва одил судлов маданияти бирлиги принципи яна бир карра намоён бўлади. Агар одил судлов маданияти қонунийлик принциплари билан ўзаро нисбатда олиб қаралса, уни нафақат умумий маданиятнинг турли кўриниши, балки суд жараёнининг барча босқичларида қонунийликни рўёбга чиқарувчи шахсларнинг меҳнат маданияти каби қабул қилиш ҳам мумкин бўларди.

Одил судлов, умуман судлов ишларини юргизиш қонунийлиги ва маданиятининг ҳуқуқий асосини қонунлар ва ахлоқий меъёрлар мажмуаси ташкил этади. Қонунийлик ва ҳуқуқий маданият бирлиги тамойилига таянган ҳолда судлов ишларини юргизишнинг ҳуқуқий маданиятини қонун белгилаб беради, деб ишонч билан алоҳида таъкидлаш мумкин. Лекин шу муносабат билан ҳақли савол туғилади: жараён иштирокчиларининг қонунга мос хулқ-атвори ҳуқуқий маданият моҳиятини тўла-тўқис юзага чиқаради деб ҳисоблаш мумкинми? Бу саволга ўз-ўзидан салбий жавоб топилади. Агар қонун талабларини тўла ҳажмда бажариш судлов ишларини юргизишнинг ҳуқуқий маданиятига мос келса, судлов ишларини юргизишнинг ҳуқуқий маданияти процессуал ва моддий қонунларда ифодаланган талабни бажаришнинг синоними бўлиб қоларди, холос.

Шу билан бирга ҳуқуқий маданият ва қонунийлик тамойилининг бирлиги ҳали бу тоифаларнинг айнанлигини англабмайди. Албатта, уларнинг фарқи судлов ишларини юргизиш ҳуқуқий маданиятининг ички тузилишидан келиб чиқади. Судлов ишларини юргизишнинг барча жиҳатлари мақсад ва воситаларга ажратилиши мумкин. Судлов ишларини юргизиш маданиятининг асосий мақсади - қонунийлик, унинг бошқа тузилмавий жиҳатлари эса бу мақсадга эришиш учун воситалардир.

Ҳуқуқий маданият ўз ижтимоий аҳамиятига кўра қонунийликка ҳамоҳанг бўлсада, лекин шакли, тузилиши ва миқёси билан ундан фарқ қилади. Демак, процессуал ҳуқуқий маданият - бу нафақат ҳуқуқий меъёрларга асосланган фаолият, балки юридик жиҳатлар



одил судловни амалга ошириш пайтидаги меҳнатни илмий ташкил этиш ғоялари билан, давлат бошқаруви ва суд идораси тарбиявий таъсирининг мақсадлари билан чамбарчас уйғунлашиб кетадиган фаолият ҳамдир. Зеро ҳуқуқ ўз-ўзидан ҳар қандай ижтимоий хулқ-атворни тартибга солувчи ҳаммабоп тизим бўла олмайди.

Одил судлов ишларини юргизиш ҳуқуқий маданиятининг хусусиятлари суд-касбий хулқ-атвор маданияти, хис-туйғу маданияти, шахснинг ахлоқий маданияти умумий талаблари йиғиндисиди, суд жараёнига даҳдор ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар ўзаро нисбатиди намоён бўлади. “Маданият” тушунчасига нафақат унинг натижалари, меҳнат самаралари, айти пайтда уларга эришиш маданияти - судлов ишларини юргизишнинг технологик жараёни ҳам килади. Бундай ёндошув судлов ишларини юргизиш маданияти тушунчасини унда одил судлов натижалари маданияти (кўрилаётган иш бўйича объектив ҳақиқатни юзага чиқариш; эришилган ҳақиқат - қонунийликнинг қонуний баҳоси) билан объектив суд тергови технологияси маданиятини ажратган ҳолда янгича мазмун билан бойитишга имкон беради.

Маълумки, инсон шахсини ҳурмат қилиш демократик жамият маданиятининг энг асосий хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Пировард мақсади ҳар қандай моддий ифодадаги маҳсулот ишлаб чиқариш бўлган меҳнат шахснинг намоён бўлиш мезони вазифасини ўтайди. Инсон ишлаб чиқарган маҳсулотни баҳолашда ишлаб чиқарувчининг ўзига ҳам, ҳеч бўлмаганда маънавий маданиятни ҳам истисно этмаган ҳолда унинг профессионал ва ишчанлик хислатларига баҳо бериш зарур.

Бундан сифатли маҳсулотсиз ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида ҳақиқий маданий ўзаро муносабат бўлиши мумкин эмас, чунки сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарувчи объектив равишда маданиятли бўлишга, яъни ўзи бевосита хизматини бажаришга даъват этилган истеъмолчини астойдил ҳурмат қилишга қодир эмаслиги келиб чиқади. Агар бу қоидаларнинг барчаси судлов ишларини юргизиш қоидаларига нисбатан қўлланилса, қонунийлик ва одил судлов маданияти бирлигининг жиҳатлари судланувчи, жабрланувчи ва суд жараёни бошқа иштирокчиларининг шахсиятига ва қонуний манфаатларига ёндошувда ифодаланади. Суд бу бирликини судлов ишларини юргизишнинг паровард натижаси бўлган объектив ҳақиқатни юзага чиқариш ва қонунни қўллаш орқалигина татбиқ эта олади. Судлов ишларини юргизиш натижасининг сифати ҳуқуқий маданиятнинг алоҳида олинган ҳар бир шахс тақдирида аҳамияти кам бўлмаган умумий савиясини белгилаб беради.

Қонунийлик ва одил судлов маданияти бирлигининг принципи ўз табиатига кўра фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юргизиш вазибаларига ишончли хизмат қилишга даъват этади. Жиноятларни тезлик билан тўлалигича очиш, айбдорларни фош этиш, жиноят содир қилган ҳар бир шахс одил жазога тортилиши ҳамда бирон бир айбисиз одам жиноий жавобгарликка тортилмаслиги ва судланмаслиги учун қонуннинг тўғри қўлланишини таъминлаш жиноят иши бўйича суд ишларини юргизишнинг вазибалари ҳисобланади. Бу принцип қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, жиноятчиликнинг олдини олишга ва пайи қирқилишига, жамият манфаатларини ҳимоя қилишга, фуқароларни Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларини оғишмай бажариш руҳида тарбиялашга хизмат қилмоғи керак.

Судлов ишларини юргизишнинг бу қоидалари қонунийлик ва одил судлов маданияти бирлиги ғояси билан қўшилиб кетади. Кенг маънодаги ҳуқуқий маданият ва қонунийлик тушунчаси давлат бошқаруви тизими фаолиятининг ажралмас бўлаги ва ҳуқуқ-тартибот ҳолати, амалдаги ҳуқуқ меъёрларининг мукамаллик даражаси, ҳуқуқни қўллаш, шу жумладан, юридик фан ҳолати, суд амалиёти ва суд-қасбий маданиятида намоён бўлувчи демократик давлатчиликнинг узвий қисми каби изоҳланади.

Суд тизими одил судловнинг мазкур тамойили, унинг тузилиши ва фаолияти қонунийлик ва ҳуқуқий маданият бирлиги тамойили мазмунининг негизи бўлиб хизмат қилувчи принципиал қоидалар, ҳуқуқий ва маданий ғояларга мувофиқ равишда амалга оширилади. Қонунийлик ва ҳуқуқ маданияти бирилиги тамойили суд жараёнида судлов ишини юргизишнинг барча иштирокчиларининг ҳуқуқларини, одил судловнинг маънавий-ҳуқуқий маданияти ишга солинишини таъминлашга қаратилган.

Кенг маънода олганда суд одил судловнинг конституциявий принциплари ва процессуал йўналиш асосида фаолият кўрсатиш орқали фуқароларни ватанпарварлик руҳида, қонунларни аниқ ва бир хилда бажариш, мулкни асраб-авайлаб, меҳнат интизомига риоя қилиш, давлат ва жамоатчилик олдидаги бурчга ҳалол муносабатда бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, қадр-қимматини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга сафарбар этилган. Суд жиноят жазо меъёрларини қўллар экан, жиноятчиларни жазога тортибгина қолмасдан, уларни тузатиш, қайта тарбиялашдек инсонпарварлик мақсадини ҳам кўзда туттади. Кўрсатиб ўтилган вазибалар суд жараёнини ташкил этишда қонунийлик ва ҳуқуқий маданият тамойилларига амал қилишни, уларни ўтказиш маданиятини юксалтириш ҳамда одил судловнинг тарбиявий таъсирини кучайтиришни тақозо этади. Ҳуқуқий маданият

самарадорлиги муаммоси бу ҳуқуқий маданият тарбияси муаммосининг бир бўлагини ташкил қилади, негаки қонунга маданий асосланган восита ва услублар билангина унинг таъсир кўрсатишини таъминлаш мумкин. Бу таъсир пировардида одил судлов натижаларининг маданий таъсири бўлиб қолади.

Қонунийлик ва одил судлов маданияти бирлигининг ўзига хос хусусиятлари бу ерда қонунийликка бевосита амал қилишга асосланган ҳамда ҳуқуқ меъёрларини қўллаш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий, ахлоқий тамойиллар мажмуаси мавжудлигида намоён бўлади.

Илмий-назарий нуқтан назардан қонунийлик ва ҳуқуқий маданият бирлиги тамойили одил судловнинг конституциявий принциплари билан чамбарчас боғлиқдир: қонунга мувофиқ одил судловнинг амалга оширилишини қонунийлик ва ҳуқуқий маданиятдан, суд жараёнининг иштирокчиларининг судда қатнашувининг демократик принципидан ажратган ҳолда қараб чиқиш мумкин эмас. Одил судловни фақат суд орқали амалга ошириш тамойили қонунийлик ва ҳуқуқий маданият билан, фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши билан узвий боғлиқ. Барча судларда ишларни коллегиял кўриб чиқишнинг конституциявий принципи ҳуқуқий маданият, айбсизлик презумпцияси билан, айбланувчига ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаш билан, қонунийлик ва ҳуқуқий маданият бирлиги тамойилидан сира четга чиқмаслик билан, одил судлов вазифалари бирмунча юқори профессионал савияда бажарилишини таъминлашда маданий ёндошувнинг тўла кафолати билан чамбарчас алоқада бўлади.

Мустақил жамиятда ҳуқуқий тартибот маданий-ахлоқий ҳаёт тамойилига ҳизмат қилади ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг барча даражасини қамраб олади. Қонунийлик ва ҳуқуқий маданият бирлиги тамойили бу нафақат ҳуқуқий акт, балки маданий-ахлоқий тамойил ҳамдир.

Судлов ишини юргизишни амалга оширишда қонунийлик:

*биринчидан*, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини, шу жумладан, судни одил судловнинг конституциявий тамойиллари ва қонун асосида ҳамда қонунга тўла мос равишда ташкил этишни;

*иккинчидан*, судлов ишини юргизишни тартибга солувчи қонунга, фуқаролик-жиноят-процессуал ҳуқуқларнинг барча меъёрларига қаттиқ амал қилишни, уларнинг тўғри ва маданий қўлланилишини;

*учинчидан*, муайян суд ишини ҳал этишда ҳуқуқнинг моддий ва процессуал меъёрларини маданий ва қонуний қўллашни англатади.

Агар бу фаолиятни амалга оширувчи органлар фақат демократик тамойиллар асосида, қонун негизида ва унга тўла мувофиқ равишда ташкил этилган бўлсаларгина, жиноят-процессуал фаолиятда қонунийлик ва ҳуқуқий маданият тўғрисида сўз юритиш мумкин бўлади. Бу қонунийлик ва ҳуқуқий маданиятнинг одил судловнинг фақат суд томонидан амалга ошириш, ишни судьялар томонидан кўриб чиқиш, судда халқ маслаҳатчиларининг иштироки, жиноят ишлари кўриб чиқилишида коллегиялик каби процесс тамойиллари билан узвий ўзаро алоқада бўлишини тақозо этади.

Процессуал қонунга қаттиқ риоя этиш талаби, аввало, икки ҳолат билан:

*биринчидан*, процессуал қонунлар судлов ишини юргизишни амалга ошириш жараёнида суд, дастлабки тергов, прокуратура ва адвокатура органлари фаолиятини белгилаши, бу жараёнда зикр этилган идоралар ўртасида, шунингдек судлов ишини юргизишда қатнашувчи ана шу органлар ва алоҳида шахслар ўртасида вужудга келган муносабатларни тартибга солиш билан;

*иккинчидан*, ҳақиқатни англашда ва одил судлов вазифаларини муваффақиятли бажаришда процессуал шаклнинг аҳамияти каттадир. Жиноят-процессуал қонунга, шу жумладан, процессуал тартиб-интизом билан белгилаб қўйилган қоидаларга амал қилиш одил судловни амалга оширилишини, қонуний ва асосланган қарорлар чиқарилишини кафолатлайди.

Маънавият билан узвий боғлиқ бўлган ахлоқ ва ҳуқуқ нисбатан мустақилликни намоён этган ҳолда ривожлана оладиларки, бу ижтимоий онгнинг бошқа шаклларига ҳам хосдир. Бундай нисбий мустақилликнинг ўлчови ахлоқ ва ҳуқуқ талаблари вазифаларининг ва уларни амалга ошириш табиатининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Ҳуқуқ ҳам, ахлоқ ҳам бир йўналишда ҳаракатланар экан, қонунийлик ва ҳуқуқий маданият тамойилини ҳам истисно этмаган ҳолда инсон учун ижтимоий ва ахлоқий қадриятларга боғланишга зарур шарт-шароитларни ярата бориб, жамият аъзосининг шахс сифатида камол топишига кўмаклашади.

Шу муносабат билан ҳуқуқий маданият ва қонунийликка даҳддор зикр этилган қадриятларни умумий маданият муаммоларидан ажратган ҳолда кўриб чиқиб бўлмайди. Маданият ғоялари - бу маълум маънода қонунийлик ғоялари демакдир, қонунийликнинг ўзи эса маданият инъикосидир. Қонунийликни, унинг тамойиллари тизимини, ахлоқий жиҳатларини, шунингдек амалий ғоялари ва тавсияларини ҳуқуқий маданият (суд жараёни иштирокчиларининг

хулқ-атвор маданияти, нутқ маданияти, эшитиш ва ишонтириш қобилиятини ривожлантириш) нуқтаи-назаридан ўрганиш бугунги кунда суд амалиёти учун биринчи даражали аҳамиятга эга.

Ҳозиргача тадқиқотчилар судлов ишини юргизишнинг асосий, лекин ягона бўлмаган жиҳати - қонунийликка ўз эътиборларини қаратиб келдилар, лекин уни қонунийлик табиатини чуқур идрок этишга ёрдам берувчи кенг маъноли умумий маданиятнинг доирасида ўрганиб чиқмадилар. Бироқ одил судлов маданияти умумий ижтимоий маданият ҳолатларининг бири бўлиб ҳисобланади, умумий маданият муаммоларисиз қонунийлик муаммоларини тўғри ҳал қилиб бўлмайди.

Қонунийликни мустақамлаш талабида бир вақтнинг ўзида одил судлов маданияти, жамият ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш талаби ҳам ўз ифодасини топади, чунки қонунийлик ва маданият - ўша жараённинг икки томонидир. Шу боисдан ҳуқуқий маданият ва қонунийлик бирлиги тамойилига тузилишига кўра ҳуқуқий маданиятнинг бўлаги, ҳуқуқий маданиятга эса умумий маданиятнинг таркибий қисми сифатида қаралади. Одил судловни амалга оширишга қаратилган ҳуқуқий маданият самарадорлиги инсоннинг фан-техника, ахлоқ ва моддий-маънавий фаолият соҳаларидаги замонавий ютуқларига асосланади. Бу тамойил одил судлов маданиятининг алоҳида шакли ва мақсади бўлган қонунийлик билан ўзаро муносабатга киришгандагина маъно ва мазмун касб этади. Қонунийликнинг ҳуқуқий маданиятга нисбатан бундай икки ёқлама муносабати кейингисининг суд фаолияти натижалари маданиятига ва бу натижаларни олиш маданияти (процессуал технология маданияти)га бўлинишидан келиб чиқади. Қонунийлик процессуал фаолият натижалари маданиятига нисбатан ҳуқуқий маданият принципи сифатида, процессуал технология маданиятига нисбатан эса унинг мақсади сифатида намоён бўлади. Қонунийлик ва одил судлов маданияти бирлиги принципи ана шунда кўринади.

Бундан келиб чиқадики, қонунийлик ва маданият бирлиги давлат ва ҳуқуқ назарияси, одил судловнинг конституциявий тамойилларида бўлганидек, бутун давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида ҳам асосий ўринни эгаллаши керак. Бугунги кунда илмий-ҳуқуқий адабиётларда ҳам, оммавий ахборот воситаларида ҳам конституциявий суд фаолиятини жонлантириш, конституциявий қондаларига амал қилиш кафолатини қўллаш зарурлиги тўғрисидаги талаблар асосли равишда илгари сурилмоқда.

Шахс хулқ-атворининг касбий маданияти одатда мазкур хулқ-атвор ахлоқий ва эстетик меъёрларининг ташқи ифодасини ўзида акс эттирган инсон кундалик хулқ-атвори (меҳнатда, маиший турмушда,

бошқа кишилар билан муомалада) шаклларининг йиғиндисидай ҳисобланади. Кенг маънода хулқ-атвор маданияти тушунчасига инсон ички ва ташқи маданиятининг барча жиҳатлари: кишилар билан муомала қилиш, жамоат жойларида юриш-туриш қоидалари киради. Суд жараёни иштирокчилари хулқ-атвори касбий маданиятига суд фаолиятининг принципи ва етакчи ғояси сифатида қаралар экан, судлов ишини юргизиш умумий принциплари тизимида унинг тутган ўрнини ва мазмунини аниқлаб олиш лозим бўлади. Шахснинг хулқ-атвор маданияти мундарижасида суд жараёни иштирокчилари (судьялар, прокурорлар, адвокатлар, суд мажлиси котиблари)нинг ахлоқий-шахсий тавсифлари муҳим ўрин тутиб, одил судловда қонунийлик ва маданият принципини амалга оширишга таъсир кўрсади.

Аmmo одил судловни амалга ошириш улутворлиги муаммоси ҳуқуқшунослик фанида ҳам, ҳуқуқ назариясида ҳам ҳал этилмай келинмоқда. Бу тушунчанинг моҳияти тўла очилмаган ҳамда унинг асосий белгилари, одил судлов ушбу омилининг таъсир этиш механизми ва бошқа омиллар билан ўзаро алоқаси етарлича аниқланмаган.

Юристининг суд жараёнидаги хулқ-атвор ҳуқуқий маданияти ундан нафақат одил судловнинг конституциявий принциплари, фуқаролик ва жиноят процесси (ФПК, ЖПК) меъёрларига риоя этишни, балки процессуал маросим маданиятининг анъанавий шаклларига амал қилишни ҳам талаб этади. Судьяларнинг маросим маданиятини психологик ва ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиш шахс хулқ-атворининг кўплаб шакллари: мажлисда раислик қилувчи билан суд жараёни бошқа иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларни, мажлис этикетига риоя этишни, босиқлик маданиятини, шунингдек суд қонунийлиги ва ҳуқуқий маданиятига, қабул қилинаётган қарорлар асослиги сифатига таъсир кўрсатувчи хатти-ҳаракатларни қамраб олади. Суд жараёнининг умумий, анъанавий маросим томони кўп жиҳатдан унинг фуқароларга тарбиявий таъсирини белгилар экан, суд маросими ва суддаги хулқ-атворни жиддий тартибга солиш зарур бўлди. Шу мақсадда жиноят процесси барча иштирокчиларининг ЖПКга асосланган маросим хулқ-атвор қоидаларининг муайян мажмуини тузиш мақсадга мувофиқ. Турли туманлардаги судьялар фаолиятини кузатиш ва таҳлил этиш, юристлар, олимлар ва амалиётчилар таклифлари, суд-процессуал маросими қоидалари асосларини ишлаб чиқишга замин бўлади. Суд-процессуал маросими икки қисмдан, яъни умумий ва махсус қисмлардан иборат. Умумий қисмда профессионал юристлар ва суд жараёнининг бошқа иштирокчилари ўзларини қандай

тутишлари зарурлиги хусусидаги услубий кўрсатмалар жамланган. Бу қисмнинг муқаддимасида кўпроқ умумий хусусиятдаги қоидалар келтирилган бўлиб, сўнгра улар судьялар, халқ маслаҳатчилари, прокурорлар, адвокатлар, суд мажлислари котиблари ҳар бирининг хулқ-атвориغا тегишли эканлигига қараб алоҳида-алоҳида қилиб ажратилади. Кейин суд мажлисида жараённинг норасмий иштирокчиларининг ўзини тутиш (ташқи халқ-атвор) маданиятини белгиловчи қоидалар келтирилади. Бу қоидаларда судда расмий, тантанаворлик вазиятини сақлаш, суд-процессуал маросимни бажариш зарурлигига эътибор қаратилади, хулқ-атворнинг шахсга ҳурмат, ишчанлик, аниқлик, лўндалик, фикрларни ихчам баён этиш каби ва бошқа муҳим жиҳатлари махсус кўриб чиқилади. Жараён иштирокчилари тилига ва суд амалларининг суд мажлисида ҳозир бўлганларга тушунарли бўлиши муаммосига алоҳида эътибор берилади. Жараённинг барча расмий иштирокчилари фаолияти қонун талабига мувофиқ бир вақтнинг ўзида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва тарбия мақсадларини кўзда тутиши керак.

Тарбия мақсадлари жараён давомида амалга оширилаётган бутун ҳаракатлар нафақат юрист-профессионалларга, балки барча иштирокчиларга тушунарли бўлишини талаб қилади. Бунинг учун ҳар қандай айтилган гапни турли одамлар турлича эшитиши ва ўзида тушунишини доимо ёдда тутиш лозим. Вазифа шундан иборатки, суд мажлисида айтилган сўз барча иштирокчилар томонидан тўғри тушуниладиган бўлсин, шу боисдан иложи борича аниқ ва оддий тилда гапириш керак. Ҳуқуқий атама ишлатилганда эса уни тушунтириб бериш зарур бўлади. ЖК ва ЖПК моддалари хусусида гап кетганда, дастлаб уларни ўқиб эшиттириш лозим.

Сўроқ пайтида саволларни сўроқ қилинаётган шахсга тушунарли қилиб бериш, жавоб олингандан сўнг сўроқ қилинувчи айнан ўзи хоҳлагандек жавоб берганига ишонч ҳосил қилиш керак. Сўроқларда жавоб олингач, кўргазмаларни қайта айтиб беришга йўл қўйилмайди.

Расм-русмда суд мажлисида хулқ-атвор қоидаларини кўриб чиқувчи махсус қисм асосий ўрин тутати.

Суд-процессуал расм-русмлари маданиятининг турли шакллари бажариш учун жараён иштирокчиларининг, шунингдек залда ҳозир бўлган фуқароларнинг суд мажлисида белгилаб қўйилган тартибга, яъни ФПК ва ЖПКнинг тегишли моддаларида баён этилган қоидаларга амал қилишлари жуда муҳимдир.

Жараённинг тантанаворлиги, уни тартибга солувчи барча процессуал ва ахлоқ меъёрларига риоя қилиниши суд обрў-эътиборини ва унинг тарбиявий ролини оширади ҳамда бу билан қонунийликни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Суд муҳокамасининг бошдан-оёқ бориши нафақат муҳим бўлган далилларни текшириш ва фактларни аниқлашга бўйсундирилган бўлиши, айтиш чоғда тарбиявий жиҳатга эга бўлиши ҳам лозим. Суд қонунларнинг бажарилмаслиги сабабларини, фуқаролик ҳуқуқбузарлик ҳолатларини келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни очиб ташлашга даъват этилгандир.

Агар суд биносида суд мажлиси кетаётган бўлса, суддаги қолган бошқа ишларнинг барчаси ана шу тантанавор суд амалларига бўйсундирилган бўлиши керак. Фақат танаффусларда ёки суднинг алоҳида амаллари оралиғидаги танаффуслардагина суд мажлиси залига кириш мумкин.

Суд мажлисининг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқбузарликларни жиддий ва ножиддийга бўлиниши билан қизиқмайди, балки у барча процессуал ва ахлоқий меъёрларнинг бекаму-кўст бажарилиши натижасидир.

Соғлиғига кўра тик ҳолда судга тушунтириш беришга қийналадиган шахсларга нисбатан раислик қилувчининг рухсати билан белгиланган қоидадан четга чиқиш мумкин.

ЖПК ва ФПК тегишли моддаларига асосланиб суд жараёнининг қоидалари ва ўтказиш тартиби белгилаб қўйилган.

Жараённинг барча иштирокчилари ҳамда залда ҳозир бўлган фуқаролар раислик қилувчининг талабларига сўзсиз итоат этишлари керак. Бу талаблар ишнинг судда ахлоқий, маданий жиҳатдан пухта кўрилиши учун қулай шароит яратади, суд жараёнининг суд залида ҳозир бўлганларга яхшироқ ҳуқуқий тарбиявий таъсир кўрсатишини таъминлайди.

Одил судловни, энг аввало, бутун суд мажлисини амалга оширишдаги тантанаворлик ҳуқуқий маданиятнинг муҳим хусусияти сифатида у ёки бу сабаб билан жиноят судлов ишини юргизиш измига тушиб қолган шахслар эс-хушига кучли ҳиссий таъсир кўрсатади, уларда адлия органларига ҳурмат ҳиссини тарбиялайди, пировардида қонунийликни мустаҳкамлашга, фуқароларни қонунларни оғишмай ижро этиш руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

Суд хулқ-одобига амал қилиш ҳуқуқий маданият, дастлабки тергов ва суд текширувларининг маънавий таъсири самарадорлигининг кафолати бўлиб хизмат қилиб, содир этилган жиноятга ҳам, ғайри ахлоқий фель-атворга, масалан, сохта гувоҳлик кўринишларига ҳам мурасасиз бўлиш муносабатини шакллантирувчи судлов ишини юргизишни амалга оширишга ўзига хос ахлоқий-руҳий муҳит яратади.

Кўргазма беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўргазмалар берганлик учун жавобгарлик тўғрисида айрим сўроқ



қилинувчи шахсларни огоҳлантиришни кўзда тутувчи, жиноят ишини кўриб чиқиш процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш тартибини белгилувчи процессуал меъёрларда процессуал маросим қоидалари мавжуд.

Қонуннинг айрим меъёрларида одил судловни амалга оширишнинг ижтимоий аҳамияти ва тантанаворлигини таъкидлашга қаратилган суд одоби талаблари мустаҳкам қўйилган.

Жиноят судлов ишини юргизишнинг тантанаворлиги айрим ҳолларда қонун томонидан алоҳида таърифланади. Чунончи суд ҳукми ЖПКда кўзда тутилганидек ўқиб эшиттирилмайди ёки маълум қилинмайди, балки ҳаммага эълон қилинади.

Суд одоби талаблари судлов ишини юргизиш иштирокчилари муомала маданиятининг, прокурор, судья ва адвокатнинг бошқа шахслар билан мулоқатга киришиш маданиятининг ташқи шаклини ҳам белгилаб беради. Улар асосида инсонга ҳурмат, олижаноб муносабат ётиши керак.

Дастлабки тергов ва суд мажлиси ўтказиладиган бинонинг ташқи кўриниши ҳам жиноят судлов ишини юргизиш маданиятига таъсир кўрсатади.

Машҳур рус юристи А.Ф.Кони шундай деб ёзган эди: “Яна шуни астойдил исташ мумкинки, одил судловни олиб боришдаги расм-русмлар меъёрларини бажаришда дид, меъёр ҳисси ва одоб ҳам бўлсин, зеро суд бу нафақат судхона, балки мактаб ҳамдир. Бунда одоб-ахлоқ талаблари эстетик талаблар билан қўшилиб, ўзининг ички боғланишини оқлайди”<sup>1</sup>. Ташқи маданиятда ахлоқий ва эстетик талаблар бирлиги кўп жиҳатдан одобда ўз аксини топади. Одоб деганда одамларга нисбатан муносабатларнинг ташқи кўринишига даҳлдор хулқ-атвор қоидаларининг йиғиндиси тушунилади. Бу - теварак-атрофдагиларга мурожаат қилиш шакллари, жамоат жойларидаги хулқ-атвор, юриш-туриш ва ҳаказолардир. Одоб доираси муайян даражада тартибга солинадиган ташқи маданият талаблари билангина чекланиб қолмайди. Бу талабларга риоя қилишда хулқ-атвор шакллари ҳам биринчи даражали аҳамият касб этади. Иш бўйича судлов ишини юргизишни амалга оширувчи шахсларнинг ташқи маданиятида, шунингдек суд одоби ҳам катта мавқега эга. Гарчанд суд одоби табиий равишда айнан суд жараёнида ўзининг энг ёрқин ифодасини топсада, унга нафақат суд иштирокчиларининг хулқ-атвори қоидалари йиғиндиси деб, балки бутун жиноят судлов ишини юргизиш учун хос бўлган хулқ-атвор қоидаларининг йиғиндиси деб ҳам қараш керак бўлади.

<sup>1</sup> Кони А.Ф. Нравственные начала в уголовном процессе. - СПб, 1907. -С.56.

Суд одоби умумий қабул қилинган ва барча учун мажбурий бўлган ташқи маданият талабларига риоя қилиш билангина чекланиб қолиши мумкин эмас. Балки у мутлақ кўпчилик ҳолларда қонунда тўғридан-тўғри мустақамлаб қўйилган қоидаларни ҳам ўз ичига олади. Бу қоидалар судлов ишини юргизишни амалга оширишнинг улуғворлиги ва ижтимоий аҳамиятини, инсонийлиги ва юксак ахлоқий фазилатларини ажратиб кўрсатади.

Хушмуомалалик профессионал хулқ-атвор маданиятининг оддий қоидаси сифатида жиноят процессида қатнашувчи айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига эътиборда, уларга кўполлик, манманлик, такаббурликка йўл қўймаган ҳолда одоб доирасида муносабатда бўлишда ўз ифодасини топиши керак. Афсуски, суд мажлисларида прокурор, терговчи, судья, адвокат томонидан суд жараёнининг у ёки бу иштирокчисига нисбатан кўпол, кўрс, такаббурона муомалада бўлиш ҳоллари ҳануз учраб туради. Баъзан суд тортишувида прокурор ва адвокат ўзларини тута билмасдан ўзаро хушмуомалаликсиз “баҳслашиш”га киришиб кетадилар. Судьялар эса бир томонни огоҳлантирса, иккинчи томонга ўшқирадиган, бир шахснинг илтимосини қондириб, бошқасига асосиз рад этадиган ҳоллар ҳам бўлиб туради.

Хушмуомалалик касбий маданият хусусияти сифатида дастлабки тергов ва суд мажлиси жараёнида ҳар бир процессуал амалга кўмаклашиши лозим. Масалан, нима учун ҳурмат юзасидан судда аёл кишини биринчи бўлиб сўроқ қилиш мумкин эмас.

Тўғри, ҳақиқатни аниқлаш манфаатларига зид бўлмаса, шундай йўл тутиш мумкин. Кўпинча жараённинг ёш иштирокчиси кекса гувоҳ аёлни ўзоқ вақт сўроқ қиладиган, бу аёл тикка туриб чарчаганлигига қарамасдан уни ҳеч ким стулга ўтиришни таклиф этмайдиган ҳолатларга ҳам дуч келинади. Афтидан, суд мажлисида раислик қилувчи ўз ҳуқуқидан тез-тез фойдаланиб, айрим гувоҳларга судда ўтирган ҳолда кўрсатув беришга рухсат этиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Хушмуомалалик айна пайтда бошқа кишилар билан муомалада вазминлик, бошқаларни тинглай билиш демакдир. Дастлабки терговда ва судда терговчи, судья, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳни сабр-тоқат билан эшита олиши, шу билан бирга ҳаддан зиёд эзмасликка хушмуомалалик, одоб билан чек қўйиши лозим. Сўзловчи иш моҳиятидан яққол четлашиб қолган иложсиз ҳоллардагина сўроқ қилинувчини гапиришдан тўхтатиб қўйишга ва гапини бўлишга йўл қўйиш мумкин. Қонунда терговчи ва судья аввал сўроқ қилинувчининг бор гапини эшитиб, сўнгра унга саволлар беришлари

кераклиги кўзда тутилади. Лекин кўп ҳолларда судьяларда сабр-тоқат етишмай қолади, гувоҳ ўз гапини тугатмасиданоқ унинг фикрини бўлиб саволлар ёғдириш бошланади.

Ҳуқуқий ва ахлоқий маданият ўзаро алоқасининг зикр этилган хусусиятлари судлов ишини юргизишда шахс касбий маданияти ахлоқий сифати кўринишларининг асосий жабҳаларини, шу жумладан, судьялар ва бошқа суд ходимларининг хулқ-атвор маданиятини тартибга солади ва қамраб олади.

Фалсафий адабиётда шахснинг хулқ-атвор маданиятини ички ва ташқи кўринишларга ажратишга уринишлар бор. Гарчанд, бундай гуруҳчалар бўлишининг ўзига эътироз билдириш қийин бўлсада, барибир унинг учун қатъий маълум мезон йўқлигини таъкидлаш жоиз, чунки ташқи маданият кўп ҳолларда ички маданият ифодаси сифатида намоён бўлади. Шунинг учун кўрсатиб ўтилган бўлиниш уни тўғри деб ҳисоблаш мумкин бўлган тақдирда ҳам муайян, тор амалий тасаввурлардан келиб чиқади, холос. Биз ана шундай мулоҳазаларга асосланиб, судьялар ва суд жараёнининг бошқа иштирокчилари ташқи маданияти мазмунига процессуал маросимларга амал қилишни, шу жумладан суд жараёни иштирокчиларига ҳурмат билан қарашни киритамиз.

Эстетик дидни, яъни (шалоқ ибораларни ишлатмасдан) ўз фикрини саводли, аниқ ифодалай олиш, суд мажлиси шароитларига мос равишда кийина билиш, ўз-ўзини бошқариш, тартибни, ишхонасининг тозалигини, суд мажлисида техник воситаларнинг соз ишлашини таъминлай олиш ва тушунилиши осон ахборотларни тақдим этиш маҳоратларини ҳам судьялар шахсий маданиятининг хусусиятлари қаторига киритамиз.

Судьялар ва суд жараёни иштирокчиларининг ички маданияти мазмунига профессионализм, малака, ҳис-туйғу маданияти, шахснинг индивидуал-иродавий, руҳий хусусиятлари (жўшқинлик, феъл-атвор), киришиб кетиш (коммуникатив) хислати ва бошқалар кирди.

Бу маросимнинг санаб ўтилган айрим шакллари судлов ишини юргизишнинг махсус принципларида, ЖПК ва ФПК меъёрларида ўз аксини топган. Масалан, процессуал маросимда иш ҳолатларининг ҳар томонлама, тўла қонли ва объектив текширилишини белгиловчи, судга, прокурорга, терговчи ва суриштирув ўтказаетган шахсга айбланувчи, судланувчи ва ишда қатнашувчи бошқа шахслардан зўрлик, таҳдид қилиш ва бошқа ноқонуний чораларни қўллаш йўли билан кўргазмалар олишни тақиқловчи махсус принцип мавжуд. Процессуал маросимда ишлар ҳолатини ҳар томонлама, тўла қонли ва объектив текшириш тўғрисидаги тамойил талаби эса ишнинг асл

ҳолатини, яъни жиноят ишида объектив ҳақиқатни юзага чиқаришга қаратилган.

Судлов ишини юргизишда текширувнинг ҳаққонийлиги касбий маданият хусусияти сифатида суд, прокурор, терговчи ва суриштирувни олиб борувчи шахс далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида ҳаққонийликка амал қилишлари ва бир ёқламаликка, олдиндан хулоса чиқаришга йўл қўймасликлари лозимлигини англатади. Суд жараёни иштирокчилари ҳуқуқларининг тенглиги уларга ишларни кўриб чиқишда фаол қатнашишга, бошқа иштирокчиларнинг фикрларига қарши чиқиб, ўз фикрларини ёқлашга, ўзларига даҳлдор вазифаларни бажаришга, ўзларининг конституциявий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга имкон яратади.

Суд жараёнидаги процессуал маросимга риоя этиш учун судьялар кучли ирода, босиқлик, ҳушмуомалик, эътиборлилик каби инсоний фазилатларга эга бўлишлари керак. Бу фазилатларнинг барчаси судьяларнинг маданий ҳулқ-атворида, уларнинг жараёни олиб бориш ва ўз эҳтиросларини жиловлай билиш маҳоратида кўзга ташланади. Раислик қилувчи суд жараёнида суд залида тартибни сақлаш бўйича ўзига берилган ҳуқуқлар доирасидагина процессуал одобга риоя этган ва ўзини хотиржам тутган ҳолда иштирокчилар ва фуқароларнинг қўполлигига жавобан муносабат билдириши мумкин.

Судлов ишини юргизишнинг қоидалари суд-аҳлоқ маданиятини шартлаб қўяди. Ҳеч қандай исбот-далиллар суд, прокурор, терговчи ва суриштирувни ўтказувчи шахс учун олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмас. Айблов хулосасида тарговчи томонидан исбот-далилларга берилган баҳолар суд учун мажбурий бўлмаганидек, ҳукмда баён этилган суд хулосалари ҳам юқори турувчи судлар учун мажбурий эмас. Ўз навбатида юқори суд томонидан исбот-далилларга берилган баҳолар ишни кўриб чиқиш ихтиёрида бўлган куйи суд учун ҳам мажбурий эмас; юқори турувчи суд айрим исбот-далиллар ёки уларнинг йиғиндисига қандайдир баҳо бериш тўғрисида қўрсатма бера олмайди; жиноят процессида бир турдаги исбот-далилларнинг бошқа турдаги исбот-далилларга нисбатан устунлиги тўғрисида қоида йўқ. Исбот-далилларни баҳолаш жараёнида ички ишонч шакллана боради. Суд, прокурор, терговчи ва суриштирув ўтказган шахснинг ички ишончи баҳолаш натижаси сифатида объектив мавжуд далиллар устидан чиқарилган субъектив хулосани ифода этади. Бу хулоса ҳақиқатга мос келиши учун қонун чиқарувчи ва суд амалиёти куйидаги бир қатор талабларни шартлаб қўяди:

*биринчидан*, шахс ботиний маданиятининг хусусияти сифатида қараладиган суд таркибининг ички ишончли белгилаб қўйилган

қоидаларга мувофиқ тўпланган, текширилган ва кўриб чиқилган далилларга асосланган бўлиши лозим. Бирорта ҳукм ёки қарор суд мажлисида текширилмаган маълумотларга асосланмаслиги керак;

*иккинчидан*, иш юзасидан чиқарилган хулоса сифатида ички ишонч барча учун тушунарли ҳамда далилларни баҳолаш принципларига риоя қилинганлиги ҳақида ҳукм чиқаришга имкон берадиган шаклда бўлиши керак.

Суд мажлисида юристларнинг ички ишончли принципларига кўра исбот-далиллар ички ишончнинг мустақиллиги ва ихтиёрийлиги, суд иши ҳужжатларини ҳар томонлама, тўлақонли ва объектив текширишга маданий ёндошув каби ахлоқий сифатлар асосида билинади.

Судьялар, прокурорлар, терговчилар ички ишончининг шаклланишида жамиятда устувор мавқега эга бўлган ҳуқуқий дунёқарашлар, эътиқодлар, ғоялар (ҳуқуқий мафкура), шунингдек ҳуқуқий ҳис-туйғулар, кечинмалар (ҳуқуқий психология) ва бошқаларнинг йиғиндиси сифатидаги қонун ва ҳуқуқий онг асосий ўрин тутаети. Ҳуқуқий онг иш бўйича объектив ҳақиқатга эришиш омили ва чинакам эркин ички ишонч пайдо бўлишининг шарти ҳисобланади, ички ишончнинг ҳиссиёт билан боғлиқ жиҳатларига муайян даражада таъсир ҳам кўрсатади.

Таъкидлаб ўтилганидек, ҳис-туйғу ва эҳтиросларсиз ҳақиқатни исботлаш ва билиш мумкин эмас. Улар ички ишончнинг шаклланишига ҳам таъсир кўрсатади. Чунончи, одам ўлдириш жиноятини содир этган шахсга нисбатан ғазаб, босқинчиларга нисбатан нафрат каби ахлоқий ҳис-туйғулар ишни юритувчи шахсларнинг ички ишончига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкинки, бу ҳолда “ҳақиқатни жон-жаҳд билан излаш” жўшқин эҳтиросга айланиб кетади.

Ташқи ва шахсий маросим маданиятини ўрганиш суд жараёнида шахс хулқ-атвори маданиятини, процессуал маросим қоидаларини, услубий нуқтаи-назардан эса уларнинг ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларининг ўзаро таъсири ва алоқасини кўриб чиқишга илмий жиҳатдан ёндашувни таъминлашга қаратилган. Суд мажлиси суд жараёнининг ўзига хос маданий ва демократик шаклларида бири бўлиб саналади. Унда амалда жараён иштирокчиларининг касбий ва маданий хусусиятлари намоён бўлади. Шу боисдан судлов ишини юргизиш маданиятининг савиясини, унинг маданий-тарбиявий таъсирининг даражаси кўп жиҳатдан касбий ва ҳуқуқий маданият даражаси билан аниқланади.

Судлов ишини юргизиш маданияти хусусиятлари қаторига ҳар бир процессуал амалда шахс хулқ-атвори ахлоқий меъёрларига

мажбурий риоя қилиш ҳам киради. Бу меъёрлар ички маданият, ақлий салоҳият, яъни этикавий фикрлаш маданиятининг ахлоқий-руҳий хусусиятлари шаклида намоён бўлувчи процессуал ҳуқуқий меъёрлар билан ўзаро боғлиқдир.

Суд процессуал меъёрлар ва шахс хулқ-атвори ахлоқий маданияти хусусиятларига асосланган ҳолда суд ишни ўзига тақдим этиш босқичида ва суд тергови давомида иш бўйича барча мавжуд далилларни чуқур ва объектив текширишга, процесс иштирокчиларидан олинган кўрсатувларни объектив баҳолашга, далиллардаги қарама-қаршиликларни бартараф этишга, исботлашдаги ижобий ва салбий фактларни тергов давомида, шунингдек судга тақдим этишда йўл қўйилган суд хатоларини тўла очиб ташлашга ҳаракат қилинади.

Олтинчи бўлим  
**ЁШЛАР ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ**

XX боб

**ЁШЛАР ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИНГ ЎЗИГА  
ҲОС ХУСУСИЯТЛАРИ\***

\* Ёшларда ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши \* Ёшлар ҳуқуқий онгининг хусусиятлари \* Ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда юридик хабардорликнинг аҳамияти \* Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш йўллари

**1. Ёшларда ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши**

Ёшларга ҳуқуқий тарбия беришдан асосий мақсад ҳар бир ёш ҳуқуқий маданиятни ўзлаштириб олишига эришишдан иборатдир. Ҳуқуқий маданият шахс, жамият ва давлат ривожланишининг ўзига хос хусусиятидир. Жамиятга нисбатан ҳуқуқий маданият юридик қадриятлар ва меъёрлар, ҳуқуқий институтлар, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ-атвор бирлигининг сифат хусусиятини ифодалайди. Шахсга нисбатан эса у атроф дунёни идрок этадиган ўзига хос “ҳуқуқий қонун” бўлиб, у ҳуқуқий воқеликни ўзлаштиришининг мезони сифатида гавдаланади.

**Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти учун қўйидаги хусусиятлар хосдир:**

- қонунийлик принципига риоя этиш;
- қонунга итоаткорлик;
- демократизм, шу жумладан жамоат ташкилотларининг ҳуқуқ меъёрларини ишлаб чиқиш ва рўйбга чиқаришда, ҳуқуқнинг амал қилиш механизмида кенг иштирок этиши;
- фуқароларнинг қонун билан мустақамлаб қўйилган ҳуқуқларининг кафолатланганлиги;
- бу ҳуқуқлар билан жамият олдидаги мажбуриятларнинг бирлиги.

\* Йигирманчи боб Э. Абзалов билан ҳаммуаллифликда ёзилган.

Ҳуқуқий маданият унга ва умуман маданиятга қонун ҳужжатлари ҳам, мансабдор шахслар, муассасалар ва фуқаролар ҳуқуқ-атвори, фаолияти ҳам албатта мос келишини талаб қилади, ўз навбатида ҳуқуқий маданият кўп жиҳатдан ҳуқуқий тизимнинг ўзи билан, ҳуқуқнинг ҳамма тармоқлари ва меъёрлари, ҳуқуқий муассасаларнинг ишлаш амалиёти билан белгиланади.

*Шахс ҳуқуқий маданиятининг ўзига хос жиҳатлари:*

- қонунга итоаткорлик;
- қонуний ва ҳуқуқий институтларни чуқур ҳурмат қилиш;
- юксак даражада ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик;
- ҳуқуқни ижтимоий ўзгаришлар ва шахс манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали воситаларидан бири сифатида баҳолаш.

Индивидларнинг ва одамлар турли бирликларининг ҳуқуқий маданияти уларнинг ҳуқуқ меъёрларига риоя этишларига, шунингдек уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаолликлари даражасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Шахснинг ҳуқуқий маданияти унинг бутун ижтимоий тажрибасининг маҳсулидир. Ёшларни жамиятнинг алоҳида ижтимоий-демократик гуруҳига ажратиш унга хос бўлган ёш ёки психологик хусусиятлар билан эмас, балки ёшлар бажарадиган ўзига хос ижтимоий роль билан изоҳланади. Бу роль аввалги аждодлар тажрибаси, қадриятлари, маданиятини ўзлаштириб олишдан ва уларни янги жиҳатлар ва хусусиятлар билан бойитишдан иборатдир.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ўрганиш жамиятимизнинг келажакдаги ҳуқуқий ҳолатининг истиқболларини баҳолашга имкон беради. Чунки шахс қарор топиб бораётган даврда унинг қадриятларга муносабати шаклланади, ҳуқуққа ижобий ва салбий муносабат вужудга келади, фаол ёки пасив ижтимоий-ҳуқуқий ҳуқуқ-атворга қаратилган йўл-йўриқлар вужудга келади. Ниҳоят, ҳуқуқий тарбиянинг самарадорлиги тарбия объектининг аҳволи тўғрисидаги билимларнинг чуқурлигига ва даражаланганлигига мувофиқ келади. Тарбия объекти, шу ўринда - ёшларнинг аҳволини унинг ҳуқуқий маданияти кўрсатиб беради.

Ёшларнинг турли ҳуқуқ соҳаси меъёрларини, ҳуқуқий принципларни, давлат органларини, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини ташкил этиш тартибини ва уларнинг фаолиятини билиши ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг зарур шартидир. Мамлакатимиздаги ёшлар ҳуқуқни қай даражада билиши ҳозирча тўла аниқланган эмас. Ёшларнинг ҳуқуқий билимлари даражаси турли омилларга боғлиқ. Ёши катталашиб борган сари бундай билимларнинг ошиши табиийдир, чунки инсон ёши катталашган сари у ўқиш ва жадал



суратда кенгайиб бораётган ижтимоий тажриба туфайли ривожланиб боради.

Хуқуқнинг бир қанча меъёрларини билишга ёшларнинг жамият ҳаётида амалда қатнашиши жараёнида оладиган ижтимоий тажрибаси анча таъсир кўрсатади. Ҳаётий тажриба тўпланиб борган сари моддий жавобгарлик тўғрисидаги меъёрни билиш даражаси ошиб боради. Хуқуқни билиш даражасига таълим омили ҳаммадан кўпроқ таъсир кўрсатади.

Шахснинг хуқуқни билиш даражасига, бошқача қилиб айтганда, унинг хуқуқий хабардорлик даражасига, бошқа субъектив омиллар билан бир қаторда, бу шахснинг хуқуққа бўлган қизиқиши ҳам таъсир кўрсатади. Бу қизиқиш шахсни хуқуқий ахборот манбаларига муурожаат қилишга ундайди.

Хуқуққа махсус қизиқиш билан қараш даражасига шахснинг ёш хусусиятлари, унинг ижтимоий тажрибаси, ижтимоий-сиёсий фаоллиги, у бажараётган ижтимоий роли таъсир кўрсатади.

Қизиқиш даражаси жиҳатидан жиноят, меҳнат ва оила хуқуқи муҳим ўрин тутаетди. Бу тасодифий эмас. Жиноят хуқуқи жиноятчиликка қарши кураш муаммоси билан ва унинг ёшлар энг яхши кўрадиган жанрлардан бири бўлган детектив адабиётда ва детектив фильмларда ёритилиши билан чамбарчас боғлангандир.

Одатда ёшликда йигит-қизлар ўз меҳнат йўлларини бошлайдилар, шунингдек оила курадилар. Ана шу ҳол уларнинг меҳнат ва оила хуқуқига бўлган қизиқишида акс этади. Ёшлар турли гуруҳларининг ёш хусусиятлари аниқ намоён бўлади. Маънавий ва интеллектуал етуклик даражаси ошиб борган сари криминал адабиётга, шу туфайли жиноят хуқуқига ҳам бўлган қизиқиш камаяди, бунинг ўрнига меҳнат, фуқаролик ва уй-жой хуқуқига бўлган қизиқиш ошиб боради.

Ёшларнинг хуқуққа бўлган қизиқишининг даражасини уларнинг оммавий ахборот воситалари (радио, телевидение, газета ва журналлар) томонидан ёритилаётган турли юридик масалаларга қизиқишини ўрганиш асосида аниқлаш мумкин. Бу хуқуқ ҳақидаги билимларни олиш мақсади ва сабаблари тўғрисида тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Ёшларнинг хуқуқий ахборотни фойдаланишдан кўзлаган асосий мақсади ўзларининг хуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги билимларини кенгайтиришдан иборатдир.

Хуқуқий маданиятнинг яна бир муҳим томони - шахснинг хуқуққа ва уни қўлланиш амалиётига муносабатидан, унинг хуқуқий нуқтаи назари ва кўрсатмаларидан иборатдир. Шахс хуқуқий маданиятидаги бу жиҳатнинг муҳимлиги хуқуқбузарларнинг ва хуқуқ

меъёрларига риоя этувчи фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини қиёсий ўрганиш жараёнида тасдиқланади. Ҳуқуқбузарларнинг қонун талабларини билиши қонунга риоя этувчи фуқароларнинг ана шу ҳуқуқ меъёрларини билишидан фарқ қилмайди. Бундан ташқари, ҳуқуқнинг бир қанча меъёрларига ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолияти билан амалда тўқнашиши оқибатида ҳуқуқбузар ҳуқуқнинг тор амал қилиш соҳаси тўғрисида қонун доирасида йўл тутувчи фуқарога қараганда яхшироқ билимга эга бўлиши мумкин. Бу гуруҳларга кирувчи шахсларнинг ҳуқуқий маданиятидаги энг катта тафовутлар ҳуқуққа ва ҳуқуқий йўл-йўриқларга баҳоловчи муносабатлари даражасида кўзга ташланади, ҳуқуқбузарликларнинг ҳуқуқий маданиятидаги камчиликлар, хусусан, ҳуқуққа ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга салбий муносабатда, қонун билан чиқиша олмасликда, ҳуқуқ меъёрларига риоя этишнинг асосий сабаби бўлган жавобгарликдан қўрқишда ва шу кабиларда кўринади.

Шахснинг ҳуқуқий маданиятини унинг ижтимоий ҳуқуқий воқеликни муайян йўсинда идрок этишга ва муайян хулқ-атворга мойиллигини ўрганмасдан, унинг ҳуқуқий нуқтаи назарини таҳлил қилмасдан билиб бўлмайди.

Ёш катталашиб борган сари жиддий ҳуқуқий позицияда турадиган шахслар ва келишувчилик қиладиган шахсларнинг умумий улуши ошиб боради. Айни вақтда ҳуқуққа нисбатан жазодан қўрқиш устунлик қиладиган шахслар камайиб бормоқда. Бу ўринда ёш билан шунга мувофиқ ҳолда таълим билан ҳам маънавий интеллектual, шунингдек сиёсий етуклик ўртасида бевосита боғлиқлик кузатилади. Табиийки, сиёсий етуклик ўсиб борган сари ўзларини ўраб турган муҳит учун одатий бўлган андозаларга қараб иш тутадиган ёки ҳуқуқни асосан жазолаш воситаси деб биладиган ёшлар эмас, балки принципиал ҳуқуқий нуқтаи-назарда турадиган ёшлар кўпайиб боради. Бунда мурасозликка асосланган ҳуқуқий нуқтаи-назарда турувчи шахсларнинг улуши бир қадар, унча кўп бўлмаган миқдорда, ўсиши ёш катталашган сари мурасозликнинг кучайиш жараёнини акс эттиради.

Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш керакки, ёшларнинг бир қисми учун қонунларга риоя этиш кўпроқ уларни бажармаганлик учун жавобгарлик хавфи билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам улар бу қадриятларга риоя этиш энг аввало жазолар билан таъминланади деб ҳисоблайдилар, ҳуқуқнинг эса асосан жазолаш комонини қўллайдилар. Ҳолбуки, ҳуқуқ халқ иродаси ва манфаатларини ифода этиши маълум бинобарин, ҳуқуқбузарлик учун жазолаш хавфи эмас, балки айнан ҳуқуқ халқнинг иродаси ва манфаатларини ифодалаш

фактини англаш мамлакат ёшларининг аксарият кўпчилиги юридик нормаларга ихтиёрий суратда риоя қилишини изоҳлаб беради.

Индивиднинг ҳуқуққа муносабати унинг ҳуқуқий нуқтаи-назаригагина эмас, балки юридик касб кишиларига муносабатида ҳам ўз ифодасини топади. Ҳуқуқнинг гавдаланиши, жонланиши ана шу шахслар билан боғланади. Ёшларнинг у ёки бу касбни танлаб олиши меҳнат фаолиятининг мазмунидан ҳам кўра кўпроқ танлаб олинаётган касбнинг нуфузлилиги билан белгиланади. Шу билан бирга касбнинг нуфузлилиги шу касб эгаларининг фаолият соҳасини баҳолашга ҳам катта таъсир кўрсатади. Шу муносабат билан ёшлар орасида юрист касбининг нуфузи анча юқори эканлиги диққатга сазовор.

Агар ёшлар улғайиб борган сари уларнинг юристларга муносабати ўзгармаса, у ҳолда келажакда аҳоли умуман ҳуқуққа анча ижобий муносабатда бўлишини кутишга асос бор.

Кўпчилик йигит-қизларнинг онгида ҳуқуқий устқурманинг таркибий қисмлари - ҳуқуқий муассасалар, юридик касб эгалари бир хил (ажратмасдан) баҳоланади. Шуниси қизиққи, одамлар юстиция органлари ва юридик касб эгаларининг фаолиятига ёки ҳатто айрим қарорларига берилган баҳони бутун ҳуқуқ тизимига тегишли қилиб қўядилар. Бу баҳолар фақат тарбия таъсирида, атроф муҳитнинг таъсири остидагина эмас, балки шахсий тажриба асосида ҳам вужудга келади.

Шундай қилиб, ҳуқуқни қўлловчи органлар билан алоқаларнинг натижалари ҳуқуққа у ёки бу муносабатнинг шаклланишида катта роль ўйнайди.

Ҳуқуқий нуқтаи-назарни, ҳуқуққа муносабатни шакллантириш учун индивиднинг ҳуқуқни қўлловчи органлар фаолиятида халқ маслаҳатчиси, жамоат айбловчиси ва ҳимоячиси, гувоҳ, холис ва шу кабилар сифатида қатнашиши ҳам жуда муҳимдир.

Жамиятимизда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, энг аввало, ҳуқуқий тарбия тизими орқали амалга оширилмоқда. Бу тизимга умумий таълим мактабларида, олий ўқув юртларида “Давлат ва ҳуқуқ асослари”, “Инсон ҳуқуқлари” ўқув курсларини ўқитиш билан бир қаторда оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқни тарғиб қилиш, давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳуқуқни тушунтириш ва тарғиб қилиш соҳасидаги фаолияти ва ҳуқуқий тарбиянинг бир қатор бошқа ташкилий шакл ва воситалари қиради.

Оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий билимларни кенг ёйишда муайян роль ўйнайди. Ёшларнинг ҳуқуқий хабардорлигига шахсий алоқалар (иш ва ўқиш жойидаги ўртоқлар, дўстлар, қариндошлар

билан) катта таъсир кўрсатади. Афсуски, бунинг сабаблари ҳаммадан кўра кам ўрганилган.

Ҳуқуқий тарғибот назарияси ва амалиёти учун юристларнинг маъруза ва маслаҳатлари, шунингдек меъёрий ҳужжатларнинг расмий нашрлари ёшларнинг ҳуқуқий онгига нисбатан бўш таъсир кўрсатиши қизиқарлидир.

Оммавий ахборот воситалари ҳуқуқ ҳақидаги маълумотларнинг асосий манбаидир. Оммавий ахборот воситалари орасида телевидение устун туради, унинг кетидан аҳамияти жиҳатидан газеталар, радио ва журналлар туради. Ёш улғайган сари ҳуқуқий ахборот ёзма манбаларининг роли ошиб боради. Бу манбалар уларни анча жиддий ва тўла-тўқис ўзлаштириб олиш имконини беради. Аксинча, одам қанча ёш бўлса, ҳуқуқий ахборотнинг оперативлигини ва кўргазмалилигини шунча кўп қадрлайди.

У ёки бу ахборот манбаларининг оммавийлигида уларда ёшларга мўлжалланган эшиттириш ва руқнлар бўлиши катта роль ўйнайди.

Ҳуқуқий ахборотнинг мазмунини таҳлил қилиш ундан кейинги йилларда юз берган сифат силжишларидан далолат беради. Унинг ғоявий-сиёсий даражаси ошди, материаллар хилма-хил ва қизиқарли бўлиб қолди, ҳуқуқий тарғибот анча режали ва мунтазам тус олди. Шулар билан бир қаторда айрим камчиликлари ҳам бор. Агар ҳуқуқий ахборотнинг тузилиши ҳақида гапириладиган бўлса, бир хил мавзуларнинг маълум даражада устунлигини, ҳуқуқий тарғиботга маълум даражада бирёқлама ёндошилаётганини кўрсатиб ўтиш керак бўлади. Масалан, кўпгина ҳуқуқий ахборот манбаларида нуқул жиноятчиликка қарши кураш вазиятларини, жиноят-ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий меъёрларнинг қўлланилишини тасвирлаш кўпайиб кетганлиги ўринли эмас.

Ўқувчилар ва журналистлар жинойий-ҳуқуқий масалаларга катта қизиқиш билан қараётганлиги тушунарли. “Ҳамма ҳуқуқ турлари орасида айнан жинойий ҳуқуқ, - деб ёзган эди таниқли юрист Ё.Б.Пашуканис, - муайян шахсга бевосита ва қўпол суратда тегиб ўтиш қобилиятига эга. Шунинг учун ҳам у ҳамма вақт қаттиқ ва шу билан бирга амалий қизиқишни ўзига қаратиб келган. Қонун ва уни бузганлик учун жазолаш умуман олганда бир-бири билан уйғунлашиб кетади ва, шу тариқа, жинойий ҳуқуқ умуман ҳуқуқнинг вакили ролини ўз зиммасига олади, унинг бутуннинг ўрнини босадиган бир қисми бўлади”<sup>1</sup>.

Жиноятчиликка ва ҳаракат ҳавфсизлиги қоидаларини бузишларга қарши кураш жуда муҳим бўлишига қарамай (бу мавзу

<sup>1</sup> Пашуканис Е.Б. Общая теория права и марксизм. -М., 1929. - 111-бет.

оммавий ахборот органларида устун бўлиб келмоқда), инсон ижтимоий-сиёсий ва шахсий ҳаётининг бошқа томонларини, унинг ҳуқуқнинг бошқа соҳаларида мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳам унутмаслик керак. Бундай аҳвол фуқаролар, шу жумладан ёшлар, манфаатлари тузилишида ва ҳуқуқий тарғибот тузилишида сезиларли даражада узилиш юз беришига олиб келади. Шунини айтиш кифояки, уй-жой ва оила қонунчилиги масалаларига ёшлар катта қизиқиш билан қарасаларда, бу масалалар газеталарда ҳам, радио эшиттиришлар ва телекўрсатувларда ҳам анча кам ёритилмоқда. Турли манбаларнинг ҳуқуқий ахбороти тузилишидаги бузилишлар, шубҳасиз, уларда бизнинг қонунларимиз ҳақида берилаётган ахборотнинг ҳажмидан қаноатланмаслик ҳиссини оширади.

Ҳуқуқий тарғибот ва тарбияни такомиллаштириш суверен давлатнинг асосий принципларини, фарқлантирувчи хусусиятларини анча чуқурроқ тушунтириш йўлидан ҳам бориши керак. Уларни билиш ва ўзлаштириб олиш ёш инсонга у муайян ҳуқуқ меъёрини билмайдиган юридик вазиятларнинг ҳаммасида ўзини қандай тутиш йўлини пухта кўрсатиб беради. Ана шу нуқтаи-назардан оммавий ахборот воситаларини ўрганиш шунини кўрсатадики, қоида тариқасида 60-80% ҳолларда фактик юридик вазиятлар баён қилиниб, ҳуқуқий принциплар ва ҳатто меъёрлар ҳам тушунтирилмайди. Ойнаи жаҳон ва радио учун, уларнинг кўргазмалари, юқори даражада ҳиссиётли, гоят оператив, овоз билан тасдиқланадиган эшиттиришлари учун ҳуқуқий меъёрлар ва принципларни бундай баён этиш ва тушунтириш қийин кечади. Ёзма тарғибот воситалари бу жиҳатдан яхшироқ имкониятларга эга, лекин улардан етарлича фойдаланилаётгани йўқ.

Ёшлар ҳуқуқий маданияти ва уларни ҳуқуқий тарбиялашнинг моҳиятини фақат амалдаги қонун ҳужжатларининг меъёрлари ва принциплари тўғрисида бир қадар билимларни қўлга киритишдангина иборат деб қараш мумкин эмаслиги мутлақо тўғри. Ёшларни ҳуқуқий тарбиялаш ва улар ҳуқуқий маданиятининг мақсади қонунга итоаткорликни ва шахснинг қонунни ҳурмат қилишини шакллантиришдан иборатдир. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқ меъёрларига индивидга нисбатан ташқи бўлмиш кўрсатмалар ва таъқиқлар сифатида шунчаки риоя қилишигина эмас, балки уларни шахс билан жамиятнинг бир-бирига мос тушган қадриятлари сифатида узвий идрок этишни англатади.

“Конституциявий меъёрлар ва қонунларнинг устуворлиги, улар инсон манфаатини кўзлаб иш тутишга... йўналтирилганлиги мамлакатда барқарорликни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг,

фуқаролик жамияти асосларини қарор топтиришнинг асосий омилidir”<sup>1</sup>, - деб ёзди Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов.

Ёшларда қонунга итоаткорликни ва ҳуқуқни ҳурмат қилишни шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш, хусусан, қатъий ҳуқуқий нуқтаи назарга эга бўлган шахслар улушининг ошишини ва асосан жазоланишдан кўрқиб туфайли тўғри хулқ-атворли бўлган шахслар улушининг камайиб боришини тақозо этади. Бундан ҳуқуқий тарғибот ёш фуқароларда ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва жавобгарликнинг бирлиги ҳиссини тарбиялашга ҳаракат қилиши керак деган хулоса чиқади. Ҳолбуки, оммавий ахборот воситалари фаолиятида юридик жавобгарлик муаммоларига, тақиқлар ва хусусиятларга кўпроқ эътибор берилади.

Ҳуқуқий меъёрларни бошқа ижтимоий меъёрлардан фарқлаб турадиган белгилардан бири давлатнинг бутун халқ манфаатларини кўзлаб, бу меъёрларни мажбуран ижро эттириши ва уларни бузганлик учун жазолаши мумкинлигидан иборатдир. Шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари давлатнинг мажбур қилиши, ҳуқуқбузарлик учун юридик жавобгарликнинг адолатли ва зарур эканлигини фуқароларга тушунтириши керак. Бироқ, қонунни ҳурмат қилиш, тўғри хулқ-атворнинг етакчи сабаби сифатида уни қўллаб-қувватлаш ҳиссини қарор топтиришга ёрдамлашиш ҳам зарур. Ёшларда ҳуқуққа муносабатда жазодан кўрқиб устунлик қилади. Улар жазони кучайтиришни ҳуқуқий меъёрларга риоя этишнинг асосий воситаси деб ҳисоблайдилар.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ёшларнинг ҳуқуққа муносабати уларнинг юридик касб эгаларига муносабати билан бевосита боғлангандир. Бошқа мутахассислик эгалари ҳам ўз касбларининг обрўси ошишига муҳтождир. Бу ёшларимизнинг ҳуқуқий тизим реал амал қилишидан хабардорлиги ўсишига ёрдам беради. Ёшларнинг ҳуқуқ ҳақидаги билимлари кенгайиши унинг кўпчилик вакиллариининг ички эҳтиёжларига жавоб беради.

Ёшлар орасида, унинг турли гуруҳларида ҳуқуқий маданиятнинг турли томонлари хилма-хил ҳолатда эканлигини кўрсатиб ўтиш керак. Ёшлар умумий маданий ва сиёсий жиҳатдан ривожланиб борган сари уларнинг ҳуқуқий маданияти ҳам умумий тарзда ўсиши яққол кўриниб турганлиги билан бир қаторда ёшларнинг бир қанча гуруҳларида бу маданиятнинг (ёки ҳатто бутун ҳуқуқий маданиятнинг) айрим унсурлари етарли даражада ривож топмаяпти. Ҳуқуқий ахборотнинг турли манбалари ёшларнинг ҳуқуқий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. -181-бет.

маданияти шаклланишига таъсир этиши ҳақида, оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий тарбия борасидаги фаолиятида бир қатор камчилик борлиги ҳақида ҳам гапириш мумкин.

## 2. Ёшлар ҳуқуқий онгининг хусусиятлари

Ҳозирги вақтда ижтимоий онг назарияси бўйича олиб борилаётган тадқиқотларнинг асосий камчиликларидан бири шундаки, ижтимоий онг кўпинча субъектга боғламасдан ўрганилмоқда. У ёки бу ҳолда айнан кимнинг, айнан қандай ижтимоий субъектнинг онги тадқиқ қилинмоқда деган саволга муттасил эътибор берилмаслигидадир. Бу фикр ижтимоий ҳуқуқий онгни тадқиқ қилишига ҳам, ҳуқуқий маданиятга ҳам батамом тааллуқлидир. Фикримизча, маънавий ҳаётга бағишланган кўпгина тадқиқотларнинг “субъектсизлиги” уларнинг “бўлиши керак нарсага” қаратилганлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Афтидан, бунинг аксини айтиш ҳам ўринли бўлади: субъект муаммосига, унинг маънавий дунёсига мурожаат қилишнинг ўзиёқ тадқиқотчининг “мавжуд нарсага” қизиқишини кўрсатади, бўлиши керак бўлган нарса билан мавжуд нарса ўртасидаги ихтилофни излашга имкон беради.

Субъектнинг ички тузилиши ижтимоий ҳуқуқий онг ва маданиятнинг энг кам тадқиқ қилинган соҳаларидан биридир. Ёшлар ўз ҳуқуқий онглари ва ҳуқуқий маданиятларининг субъекти бўлиб, айни вақтда жамият ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг субъектларидан бири ҳамдир. Жамият ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг субъекти сифатида улар ана шу ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг яратувчиларидан ва ифодачиларидан бири вазифасини ўтайди.

Индивидлар ва ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятига фалсафий илмий адабиётда асосан тарбиявий таъсир кўрсатиш ва шакллантириш учун объект деб қаралади. Бироқ мутлақо равшанки, ижтимоий муносабатларнинг қатнашчилари ҳамма вақт ҳам ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг пассив объектлари бўлавермайдилар. Ҳуқуқий бошқаришни ҳуқуқ меъёрларининг индивидлар онгига бир ёқлама таъсир кўрсатиши деб ҳисоблаш нотўғри бўлур эди.

Ҳуқуқдан амалиётда фойдаланувчи ва уни қўлловчи одамга фақат ҳуқуқий таъсир кўрсатиш объектигина деб қараш мумкин эмас. У ўзининг эҳтиёжларига (индивидуал, ижтимоий, профессионал эҳтиёжларига) қараб ҳуқуқий бошқарув тизимида амалдаги қонун ҳужжатлари билан бериб қўйилган ва таъминланган имкониятларини

рўёбга чиқараётган ва айна вақтда ўз мақсадлари ва манфаатларини амалга ошираётган фаол субъект бўлиб чиқади.

Индивидга асосан ҳуқуқий таъсир кўрсатиш объекти деб қараш ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқотнинг, бошқа ҳуқуқий тарбия воситаларининг индавид онгига кўрсатадиган таъсирини ана шундай нуқтаи-назардан таҳлил қилган пайтда ҳам самарасиз бўлиб чиқади. Бироқ адабиётда мазкур муаммога айнан шундай ёндашиш анча аниқ кўзга ташланади. Бу тамойил ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгига бағишланган ва шаклланишнинг барча муаммолари ёшларга тарбиявий таъсир кўрсатишдан иборат қилиб қўйилган асарларда ҳам сезилади.

Албатта, ёшлар ҳам, алоҳида олинган ёш инсон ҳам маълум маънода ҳуқуқий ижтимоийлашиш объекти бўлади, лекин биз учун уларнинг айна вақтда ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик (ижобий ёки салбий) субъектлари бўлиши ҳам жуда муҳимдир. Шахсга фақат тарбия объекти деб қарашнинг ўзи камлик қилиши юридик адабиётда алақачон айтиб ўтилган.

Бироқ, ана шу камчиликни енгиш йўлидаги ҳамма уринишлар ҳам бир хил даражада муваффақиятли бўлавермайди. Ҳуқуқий тарбияни субъектнинг объектга таъсир кўрсатишидан иборат бирёқлама жараён деб тасаввур қилишга қарши эътироз билдириш мумкин. инсоннинг ўзи жушқин фаолият кўрсатмас экан, шахснинг муайян ижтимоий-ҳуқуқий технологик шакллантириш ва тарбиялаш мумкин эмас.

Ҳуқуқий тарбия ва унинг субъектлари<sup>1</sup> муаммосининг долзарблиги тадқиқотчилар ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданий субъектларига ҳамда уларнинг борлигига эътибор беришни йўққа чиқармайди, балки, аксинча, тақозо этади. Ҳуқуқий онг ижтимоий субъектлари, уларнинг хусусиятлари, улар ҳаёти ва фаолиятининг энг муҳим муаммолари тўғрисида зарур ахборотга эга бўлмай туриб, бу ҳуқуқий онгнинг шаклланишига муваффақиятли таъсир кўрсатишга умид қилиб бўлмайди.

Ягона жамият доирасида ёшлар маданиятини билдириш учун, одатда, “ёшларга хос маданият” тушунчасидан фойдаланилади. Айна вақтда ёшларнинг ҳуқуқий онги хос ҳуқуқий онгнинг айрим бўлагидир. Шу сабабли ёшларнинг ҳуқуқий онги тўғрисидаги илмий маълумотлар ёшларга доир муаммоларнинг ўзини ўрганиш учун ҳам,

---

<sup>1</sup> Ҳуқуқий тарбия субъектлари ҳақидаги масала ҳуқуқий тарбия муоммаларини тадқиқ этувчи кўпгина муаллифлар томонидан кўриб чиқилмоқда ва анча юқори даражада ишлаб чиқилганлиги билан ажралиб туради. Масалан, қаранг: Методологические проблемы права. - Ташкент, 1995. - 43-бет.



шунингдек умуман ижтимоий ҳуқуқий онг ва маданиятнинг амал қилиш масалаларини ўрганиш учун ҳам аҳамиятли бўлиши мумкин. Ёшларга ҳуқуқий онг субъекти деб қарашга келсак, унинг натижаларидан ҳуқуқий онг субъектларининг типологиясини тузиш ҳамда уларнинг шаклланиш ва амал қилиш қонуниятларини аниқлаш учун фойдаланиш мумкин бўлади.

Кейинги йилларда социологик (ижтимоий) тадқиқотларнинг жонланиши, жамоатчилик фикрини ўрганишнинг фаоллашуви ёшлар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг аҳволи муаммосини четлаб ўтмайди. Ёшларнинг ҳуқуқий тасавурлари билан боғлиқ масалалар кенг кўламда ўтказилган сўровларнинг натижаларида умумий аксини топди. Бунда қуйидаги принциплар кузатилади.

**Биринчидан**, тўғри тарбия олган ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти тўғрисидаги маълумотларга қараганда хулқи бузуқ ёшларнинг (ҳуқуқбузарлар, жиноятчилар, содир қилган жиноятлари учун суд белгиланган жазони ўтаган ва ўтаётган шахсларнинг) ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти тўғрисида маълумотлар анча кўп тўпланган. Шу билан бирга, яхши хулқли ёшларнинг ҳуқуқий тасавурлари, билимлари, баҳолари кўпинча уларнинг анкеталардаги саволларга берган жавобларини ҳуқуқбузар тенгдошларининг жавоблари билан солиштириш учунгина тадқиқ қилинади. Илмий қизиқишлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш муаммосидан ташқарига чиқадиган ҳуқуқий онг тадқиқотчиларининг сони, фаоллиги ва имкониятлари анча кам.

**Иккинчидан**, ишлайдиган ёшларга қараганда ўқувчи ёшларнинг (шу жумладан талабаларнинг ҳам) ҳуқуқий онгини социологик тадқиқ қилиш анча тез-тез амалга ошириб турилади.

**Учинчидан**, респондент - тадқиқотчиларнинг асосий оммасини вояга етганлар ташкил этади.

Юқорида баён этилганлардан ҳуқуқий онги социологик усуллар билан ҳаммадан камроқ ўрганилаётган ёшлар гуруҳлари ҳақида ҳам хулосалар чиқариш мумкин. Хусусан, бу гуруҳлар қуйидагилардан иборат: ёш бўйича - улғайган ёшлар; машғулот тури бўйича - ишлайдиган ёшлар; ҳуқуқий хулқ-атвори бўйича - тўғри хулқли ёшлар.

Социологлар ёшларнинг каттагина қисмида жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашишга интилиш камайганлигини, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги тасавурларда ўзгаришлар юз берганини қайд этмоқдалар. Ҳақиқатан ҳам, демократик жамиятда мажбуриятсиз ҳуқуқлар, шунингдек ҳуқуқларсиз мажбуриятлар йўқлиги ҳақидаги машҳур тезисни ҳамма ёшлар ҳам етарлича аниқ англаб олмаганлар. Эҳтимол ана шу ҳол ёшлар онги ҳуқуқий соҳани

акс эттиришининг муҳим зиддиятларидан биридир. Бу зиддиятнинг томонлари (ҳуқуқлар ва мажбуриятлар) ўртасидаги оқилона мувозанатнинг бузилиши ёшларнинг ижтимоий имкониятлари юзага чиқишини бўғиб қўяди холос. Ҳуқуқлар билан мажбуриятларнинг кўпинча идрок этилмай қолаётган диалектик алоқасини инкор этиш ёшларнинг ижтимоийлашиш муаммоларини ҳамда улар ҳаётий мўлжалларини ишлаб чиқишларини қийинлаштириб қўяди.

Ёш инсон “мажбуриятлар” категорияларида фикрлашни одат қилган бўлмаса, у кўпинча ҳаётий муаммоларга дуч келганида ожиз бўлиб қолади, осонгина умидсизликка тушади.

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ёш белгиларига қараб табақалаштириш унинг ифодаси субъектлар бўйича тузилишини аниқлашнинг вариантларидан биридир. Бундай табақалаштиришнинг (даражалашнинг) мақсадга мувофиқлиги инсон ҳаётидаги турли ёш даврларига хос бўлган психологик хусусиятлар билан ҳам, шунингдек одамларнинг ижтимоий тажрибасида бу даврлар учун хос бўлган фарқлар билан ҳам боғлангандир. Шу сабабли ёшларнинг ҳуқуқий онгини тамомила асосли равишда гуруҳлашган ҳуқуқий онгнинг кўринишларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Шундай қилиб, “ёшларнинг ҳуқуқий онги” ҳақида гапириш (бу тушунча илмий тилган эндигина кириб келмоқда), муайян ёш бирликларидан фарқли ўлароқ бошқа ёш бирлигининг ҳуқуқий онги ва ижтимоий борлиғига хос бўлган умумийлик ҳақида гапириш демакдир. Фақат ёшларнинг ҳуқуқий онгига хос бўлган умумийликни аниқлаш учун - ушбу тушунчани аниқ қўллашнинг шартларидан бири, афтидан, ана шу бўлса керак, - фақат унинг субъектларига хос бўлган умумийликни аниқлаш керак. Субъектларнинг худди ана шу фазилатлари ижтимоий ҳуқуқий онгнинг ана шу таркибий қисмига ўзига хослик бағишлайди.

Гуруҳга хос ҳуқуқий онг кўринишларидан бири бўлган ёшларнинг ҳуқуқий онги ижтимоий ҳуқуқий онгнинг алоҳида ижтимоий-демографик гуруҳ бўлган ёшларга хос жиҳатлари мужассамлашувидан иборатдир. Уни ижтимоий ҳуқуқий онгдан ҳам, ёшларнинг индивидуал ҳуқуқий онгидан ҳам ажратиб бўлмайди. Ёш инсоннинг индивидуал ҳуқуқий онгига унинг шахсий фазилатлари ҳамда унинг ҳаёти ва фаолиятининг шароитлари жуда катта таъсир кўрсатади.

Одамнинг индивидуал ўзига хослигига у ёки бу хусусиятларга эга бўлган умумий гуруҳий жиҳат намоён бўлади, умумий гуруҳий жиҳат эса шу гуруҳ аъзоларига хосдир. Равшанки, муайян ёш инсоннинг ҳуқуқий онгини гуруҳга хос ҳуқуқий онгнинг типик жиҳатлари ёрдамида тўла-тўқис тавсифлаб бўлмайди. Бу бир инсон

учун улар кўпроқ даражада, бошқа инсон учун эса - камроқ даражада хосдир. Бундан ташқари, бундай жиҳатларнинг айримлари (ва ҳатто ҳаммаси) муайян индивиднинг онгида мутлақо бўлмаслиги мумкин. Бунга қўшимча қилиб айтиш керакки, ёшларнинг ҳуқуқий онги ёки инсонлар ҳуқуқий қарашларининг йиғиндиси эмас, балки сифат жиҳатидан бошқача бўлган маънавий маҳсулидир. У бир хилда бўлмай, ўзининг ички тузилишига эга. Бу тузилишни ана шу ҳуқуқий онг ифодачиларига нисбатан қўлланиш мумкин, у ёшлар муҳотида мавжуд бўлган, ёшларнинг ҳуқуқий қарашларига сезиларли таъсир этадиган ижтимоий фарқланишдан келиб чиққандир.

Кўпинча социологик тадқиқотларнинг натижалари асосида ёш улғайиб борган сари ҳуқуққа бўлган қизиқишнинг ошиб бориш принципи шубҳасиз мавжуд, деган хулоса чиқарилади. Бу кузатишнинг ўзиёқ тадқиқот олиб борилаётганидан, ёшлар ҳуқуқий онгининг ривожланиш қонуниятлари изланаётганлигидан дарак беради.

Улғайган ёшларнинг ҳуқуққа қизиқиши, айтайлик, вояга етмаганларнинг қизиқишидан анча юқори бўлишини улар ҳуқуқ томонидан тартибга келтирилган ёки бундай тартибга келтиришини талаб қиладиган ижтимоий муносабатларнинг кенг доирасига кўпроқ тортилганлиги билан изоҳланиши мумкин. Бироқ, бизнинг фикримизча ҳуқуққа бўлган қизиқиш йигит-қизларнинг ёшига тўғри пропорционал деган тасаввур бу принципнинг ҳақиқий динамикасини ортиқча соддалаштириб юборади. Бу тасаввурларнинг энг асосий заифлиги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг битта омилини (ёш омилини) мутлақлаштиришдан иборатдир. Ҳолбуки, бу ривожланиш векторини ижтимоий ва биоижтимоий омилларнинг ҳаммаси вужудга келтиради. Бизнинг тадқиқотимиз учун аҳамияти жиҳатидан уч гуруҳ омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Ёшлар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти субъектига хос бўлган ва шу тариқа бошқа гуруҳларнинг ҳуқуқий онг субъектларига хос бўлмаган нарса ана шу омилларга боғлиқдир. Бу омиллар қуйидагилардан иборат:

- ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинган ёки бундай тартибга солишни талаб қиладиган, ёшларни ўз доирасига тортган ижтимоий муносабатлар. Ана шу доира ичида инсон ҳаётида юридик аҳамиятга эга бўлган, айнан ёшлик даврида юз берадиган қуйидаги ҳодисаларни кўрсатиб ўтиш мумкин: ўқув юртларини тамомлаш, касбга эга бўлиш, меҳнат фаолиятини бошлаш, қуролли кучлар сафида муддатли хизматни ўташ, никоҳдан ўтиш, болали бўлиш ва ҳ.к.;

- ёшларга хос бўлган умумий ижтимоий ва ижтимоий-ҳуқуқий тажрибанинг ҳажми;

- ёшларнинг руҳий-жисмоний ва ижтимоий-руҳий хусусиятлари.

Ёшлар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг ўзига хослигини акс эттирадиган омилларнинг таъсирини фақат уларнинг шаклланиши белгилаб берадиган умумий ижтимоий омиллар билан боғлаб кўриб чиқиш мумкин. Улар орасида: иқтисодиёт ва маданиятнинг ривожланиш даражаси, демографик вазият, мамлакатдаги умумий ҳуқуқий вазият, тарбиявий ишнинг, халқ таълимининг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг аҳволи ва бошқалар. Ёшлар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг муайян-тарихий тури ёшлар яшаётган ва амал қилаётган ижтимоий-иқтисодий воқелик орқали намоён бўлган.

Шуни айтиш кифояки, ҳозирги вақтда иқтисодий қийинчиликлар ва турли-туман тақчилликлар энг кучли криминоген омиллардан биридир. Ана шу мисолдан яққол кўриниб турибдики, агар ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият муаммоси фақат юридик омилларга “боғлаб” кўйилса, у саёзлашиб кетади<sup>1</sup>. Юқорида келтирилган фикр муносабати билан бошқа бир аналогия ҳам ўз-ўзидан келиб чиқади: қонунийликнинг аҳволи ёшларнинг ҳуқуқ субъекти бўлишига жуда катта таъсир кўрсатади - агар ёшлар кундалик тажрибадан аксини кўриб турган бўлсалар, уларни у ёки бу ҳуқуқбузарликларнинг типик эмаслигига ишонтириб бўлмайди. Ёшлар ўзларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояланганликларини баҳолашларининг бошқа жиҳатлари ҳақида ҳам шуларни айтиш мумкин.

Ёшларнинг ҳуқуқий онгини ижтимоий ҳуқуқий онгнинг таърифидан тамомила фарқ қиладиган бирон-бир йўсинда таърифлаш талаб қилинадими? Фикримизча, талаб қилинмайди. Бу таъриф ижтимоий ҳуқуқий онгнинг таърифидан фақат субъектни кўрсатиш билангина фарқланиши мумкин. Ёшларнинг ҳуқуқий онги - ижтимоий ҳуқуқий онгнинг субъект бўйича тузилишининг таркибий қисмидир ва шу маънода у билан батамом бир хил бўлган нарсадир.

Ёшларнинг ҳуқуқий онги - мураккаб мафкуравий, ижтимоий-меъёрий ва психологик комплекс бўлиб, у ижтимоий-ҳуқуқий воқеликнинг хилма-хил унсурларини акс эттиради. Ёш инсоннинг индивидуал ҳуқуқий онгини ҳуқуқий қарашлар, тасаввурлар ва эътиқодлар, сезгилар ва хиссиётлар йиғиндисидан вужудга келадиган маънавий ҳосила деб таърифлаш мумкин. Шуларга мувофиқ, у ҳуқуқнинг талабини, ҳуқуқий ҳодисаларни баҳолайди, уларга ўзининг

---

<sup>1</sup> Қаранг: У.Тожионов. Ўзбекистонда мустақил давлатчиликнинг ҳуқуқий-маънавий муаммолари. - Т.,1996. - 153-159-бетлар.

муносабатини ҳамда жамият манфаатлари ва шахсий манфаатлар йўлида муайян ҳуқуқий ҳаракатлар қилишга тайёрлигини аниқлайди.

Шундай қилиб, ёшларнинг ҳуқуқий онгини бемалол ижтимоий ҳуқуқий онгининг айрим ҳодисаси (мавжудлик) деб ҳисоблаш мумкин бўлиб, унинг ифодачиси бўлган субъект унга ўзига хослик бахш этади.

Ёш инсон ҳуқуқий онгининг мазмунида иккита асосий жиҳат: ҳиссий ва хулқий жиҳатлар ажралиб туради.

### **3. Ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда юридик хабардорликнинг аҳамияти**

Онг билан билишни бир нарса деб ҳисоблаш мумкинми, деган назарий масала ёшлар ҳуқуқий маданиятининг моҳиятини аниқлаш учун уни шакллантириш усуллари белгилаш учун катта амалий аҳамиятга эга. Бу усулларнинг самарадорлиги, хусусан, ҳуқуқий онг когнитив таркибий қисмини баҳолаш билан бу баҳонинг хулқ-атворга таъсири айнан бўлишига боғлиқдир. Равшанки, гап юридик билимларнинг ролини камситиш ҳақида бормаслиги керак, лекин уни ортиқча баҳолаб юбориш ҳам ҳуқуқий тарбия амалиётига ноаниқ йўл кўрсатади.

Қонун ҳужжатлари тўғрисидаги билимлар муаммоси жуда пухта ёндошишни талаб қилади. Энг аввало, сўз юритиладиган қонунчилик меъёрларининг ҳажмини тасаввур қилиш ва бу ҳажми одамнинг жисмоний ва руҳий имкониятлари, амалиёт талаб-эҳтиёжлари, қолаверса, соғлом ақл-идрок талаблари билан таққослаш ҳақида боради.

Қонун ҳужжатларини билиш керак, уларни ўрганиш эса мумкин эмас деган тушунча кўпдан бери маълум. Ундай бўлса, ҳуқуқий тарбиянинг когнитив таркибий қисмини рўёбга чиқариш стратегияси қандай бўлмоғи керак? Айтиш мумкинки, бу масала педагогикага доир асарларда ҳаммадан батафсилроқ кўриб чиқилган. Бу ўринда мазкур тадқиқотларнинг ғоят қизиқарли натижаларини такрорлаб ўтирмасдан, уларнинг кўпчилиги ўқувчи ёшларга қаратилганлигини кўрсатиб ўтаемиз.

Ишловчи ёшларнинг ҳуқуқий маданиятига доир юридик адабиётда уларнинг ҳуқуқий хабардорлиги муаммоси ҳозирча етарли даражада тўлиқ ўрганилган эмас. Фикримизча, ёшларнинг ҳуқуқий хабардорлигига доир ҳар қандай универсал чизмалар тузилмалари бир қадар схоластик бўлиши муқаррар. Айни вақтда ёшлар орасида юридик билимларни кенг ёйишга умумий ёндошувлар тадқиқотчиларнинг жиддий эътиборига лойиқ.

Бундай ёндошувларнинг юридик адабиётда учрайдиган таърифлари, қоида тариқасида, ёшларга мўлжалланган юридик ахборотни танлаш принципларини аниқлашдан, шунингдек ахборотнинг турли тоифадаги ёшлар учун зарур бўлган энг кам ҳажмларини аниқлашдан иборат қилиб қўйилади. Бундай тадқиқот иши, шубҳасиз фойдали, лекин унинг заиф томони ҳам бор. Бу заиф томон ёшларга тарбиявий таъсир кўрсатиш объекти сифатида бир томонлама қарашдан иборатдир.

Ёшларни ҳуқуқий хабардор қилиш масаласининг (шунингдек, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга доир бошқа масалаларнинг ҳам) энг мақбул ечимларини излаш, фикримизча, унинг ижтимоий субъект эканлигини тўла-тўқис ҳисобга олиши керак. Бундан, шу нарса келиб чиқадики, ҳуқуқий хабардор қилиш стратегияси ёшларга исталган ҳажмда юридик билимларни тиқиштиришдан иборат эмас, балки уларга ҳаётнинг ўзи талаб қиладиган ҳуқуқий билимлардан баҳраманд бўлиш имконини беришдан иборатдир.

Бундай стратегиянинг самарадорлиги ва ижтимоий долзарблиги ёшлар маънавий, шу жумладан ҳуқуқий қадриятлардан узилиб қолганлигидан келиб чиқади. Бу ҳол, хусусан, кодекслар ва қонулар, бошқа юридик адабиётга кўпгина ёшлар етиша олмаслигида ифодаланади. Лекин полиграфия маҳсулотининг тақчиллиги маънавий узоқлашишнинг энг осон бартараф этиш мумкин бўлган кўринишларидан биридир. Ана шу узоқлашиш билан боғлиқ бўлган маданийликнинг тақчиллигини бартараф этиш анча қийин. Шунинг учун ҳам адабиётда устун бўлган ҳуқуқий маданиятга юридик билимлар йииндиси деб қараш жуда мунозарали туюлади. Бизнинг фикримизча, ёшлар ҳуқуқий маданиятининг когнитив жиҳатини (шунингдек, бошқа жиҳатларини ҳам) кўриб чиққан вақтда “қонунийлик” ва “маданийлик” тоифаларининг узвий алоқадорлиги алоҳида эътиборга молик.

Бизнинг тушунчамизда, маданият одамнинг дунёга, жамиятга, ўзига муносабатларининг кенг соҳасини: савод чиқариш ва оддий ахлоқ меъёрларига риоя этишдан бошлаб то юксак маънавий қадриятлардан баҳраманд бўлишгача қамраб олади. Умумий маданийлик ва ўқимишлиликдаги камчиликлар ёш инсоннинг ҳуқуқий онига жуда жиддий таъсир кўрсатади. Масалан, ёшларнинг бир қисми давлат тилини билмаслиги амалиётда уларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чекланишига олиб келади. Ўйлаймизки, бу ҳолат кўп миллатли давлатимиз шароитида объектив характерга эга.

Шу муносабат билан ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш барча миллат ёшларига энг аввало миллий тилни ўрганиш

учун тўла-тўкис имкониятлар яратиб беришдан иборат деб ҳисоблаймиз. Бу тилни билиш уларнинг ҳуқуқий онг даражаси ва ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини оширишнинг жуда муҳим омилдир. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисидаги Қонунини амалга ошириш қулай имкониятлар яратиб беради.

Юридик хабардорликнинг ёшлар ҳуқуқий хулқ-атворига кўрсатадиган таъсирнинг ролини ҳам чуқур ўйлаб кўриш керак. Қонун меъёрларини билиш, гарчи зарур бўлса-да, аммо ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик учун ҳам етарли шарт эмас. Конституцияда меҳнат қилиш ҳуқуқи Ўзбекистоннинг барча фуқароларига кафолатлаб қўйиш билан бирга, касб танлаш ҳуқуқи билан ҳам тўлдирилди. Бироқ амалда кўпгина ёшлар ўзларининг касб танлаш ҳуқуқларини амалга ошира олмаётганлари у ёқда турсин, яшаб турган жойларида умуман бирон-бир иш топа олмаётирлар. Улар давлат ўзининг қонунларига мувофиқ тегишли иш билан таъминлаши кераклигини, аммо таъминлай олмаганлигини биладилар.

Фақат юридик хабардорликни яхшилаш ҳисобига бу ёшларда ҳуқуқнинг кучига ва ижтимоий адолатнинг тантанасига ишончни шакллантириш мумкин бўлади деб ўйлаш соддалик бўлур эди. Қонун ҳужжатлари тўғрисида хабардор қилишнинг ўзи билангина жинорий фаолиятга жалб этилган юзлаб ўсмирларнинг ҳуқуқий онгидаги чуқур ўзгаришларни тузатиб бўлмайди.

Юридик илмий адабиёт ва дарсликларда, кўпгина амалиётчи ходимлар онгида жиноятчиликнинг ўсиши сабабларини ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишни ташкил этишдаги камчиликлардан излаш керак деган сийқа фикр ҳали ҳам ҳукм сурмоқда. Иккинчи томондан, ана шу тасаввурларга мувофиқ ҳуқуқий тарбиянинг ўзи ҳам ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан тенглаштириб қўйилади. Бундай мафкуравий андозалар тасодифийми? Йўқ. Афтидан улар тамомила қонуний, лекин уларнинг илдизи ҳозирча ҳатто назарий ҳуқуқий онг даражасида ҳам етарлича тушунилган эмас. Ана шу андозаларнинг илдизлари ҳақидаги масалани кўтарар эканмиз, биз уларни бир неча ўн йилликлар мобайнида марксча-ленинча мафкурада ҳукм суриб келган даъво билан, яъни социализмда жиноятчиликнинг ижтимоий илдизлари ва сабаблари йўқ деган даъво билан боғлаймиз. Лекин назария билан амалиёт очикдан-очик мос келмай қолди: жиноятчиликнинг ижтимоий илдизлари йўқ, у эса кучайиб бораверади. Афтидан ана шунда бу кучайишни тарбиявий ишдаги, ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишдаги камчиликлар билан изоҳлайдиган мафкуравий қолип вужудга келган.

Ҳозир бизнинг жамиятимизда ҳам ёшлар орасида жиноятчиликнинг ижтимоий шароитлари такрор вужудга келиб туришини ҳамма тан олганидан кейин, жиноятчилик даражаси билан ҳуқуқий тарбиянинг ҳолати ўртасида қатъий боғланиш бор деб ҳисоблайдиган қаттиқ андозадан воз кечиш вақти келди. Ушбу андозани бартараф этишга қаратилган амалий қадамлар ҳозирнинг ўзидаёқ кўзга ташланмоқда. Мустақиллик йилларида биринчи марта ўлароқ Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мувофиқлаштирувчи кенгаши қабул қилган қарорда ёшларни ҳуқуқий тарбиялашни кучайтириш ҳақидаги дабдабали чақириқлар ёзилмади ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчи унсурлар хатти-ҳаракатларига чек қўйиш борасидаги куч-ғайратларини уйғунлаштиришнинг аниқ дастури баён этилди.

Юридик хабардорликнинг жиноятчиликнинг олдини олишга таъсир кўрсатиш имкониятлари чекланганлиги жиноятчиликнинг ҳолатини белгилаб берадиган омиллар орасида ижтимоий сабаблар устунлик қилиши билангина боғлиқ эмас. Гап яна шундаки, жиноий ҳаракатни фақат албатта англаб ва ирода билан қилинган ҳаракат деб ҳисоблаб бўлмайди. Босилиб чиқаётган рисолалар ва лекция курсларининг муаллифлари бизнинг давримизда вазият билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг кўпчилиги импульсив руҳда бўлишини ўжарлик билан пайқамайдилар. Бундай бўлишига ҳозирги дунёнинг асаб-руҳий касалликларни, алкоголизм ва гиёҳвандликни келтириб чиқараётган айрим янги воқеликлари сабаб бўлмоқда.

Тадқиқот чоғида биз умумлаштирган ёшлар орасидаги жиноятчиликнинг аҳволига доир статистика материали бу хулосани тасдиқламоқда: мастлик (алкоголь ёки гиёҳванд модда таъсирида), асаб-руҳий касалликлар юридик билимларнинг етишмаслигига қараганда анча кучли криминоген омиллардир.

Равшанки, юқорида баён этилган фикрлар ҳуқуқий тарбия ишининг долзарблигини шубҳа остига олмайди. Биз ҳуқуқий тарбиянинг ҳуқуқий хулқ-атворга қудратли таъсир кўрсатиши ҳақидаги хомхаёллардан воз кечиш зарурлигига, шунингдек, ҳуқуқий тарбияни жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган чоратadbирлар тизими билан аралаштириб юборишга барҳам бериш зарурлигига эътиборни қаратмоқчимиз, холос. Шунга қарамай, ҳуқуқий тарбияни ҳозирги шароитда ёшлар ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришнинг жуда муҳим омиллари жумласига киритиш учун ҳамма асослар мавжуд.



#### 4. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш йўллари

Ёшлар ҳуқуқий маданияти тушунчасига таъриф бериш муаммосининг долзарблиги унинг тадқиқот предмети кўп томонлама-структурали ҳуқуқий категория сифатида мураккаблиги билангина эмас, балки қонунийлик, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ёшларнинг тўғри хулқ-атворини шакллантириш ва уларни ҳуқуқий тарбиялаш борасидаги фаолиятни таъминлаш учун бошланғич тушунчалари аниқ таърифлашнинг аҳамияти билан ҳам белгиланади<sup>1</sup>.

Ёшларнинг муайян ҳуқуқий маданиятини таҳлил қилганда уларнинг муаллифлари таърифларни умумлаштиришга ҳаракат қилишларини сезмаслик мумкин эмас. Бу эса, маълум даражада, тушунчанинг сифат хусусиятларини ва муайян аҳамиятини кенг шарҳлашга олиб келади ҳамда уларни аниқ тушунтиришга ёрдам бермайди<sup>2</sup>. Айтилиши вақтда тадқиқот йўналишларини табақалаштириш илмий-амалий натижаларга эришиш ҳамда уларни тажрибага асосланиб талқин қилиш мақсадида бундай имкониятни анча кенгайтиради. Шу билан бирга, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти тушунчасига берилган у ёки бу таърифни тўлиқ деб баҳолашнинг ўзи, бизнингча, тадқиқотларнинг ҳар қайси муайян йўналишлари учунгина асосли бўлади.

Ёшлар ҳуқуқий маданиятининг генезисини тадқиқ қилиш бу ҳодисанинг муайян-тарихий шароитларда вужудга келиш механизмининг, ривожланиш қонуниятларини ва ўзига хос томонларини очиб бериш имконини туғдиради<sup>3</sup>.

Албатта, ёшлар ҳуқуқий маданияти тушунчасига берилган ҳар қандай таъриф ҳам муайян-тарихий жиҳатдан унинг мазмунини тўлатқис очиб бермайди. Бу тушунчага унинг ривожланиш шаклларига мослаб махсус таъриф бериш керак бўлади. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини муайян-тарихий тушуниш, унда бу тушунча тузилиши

<sup>1</sup> Қаранг: *Таджиханов У.* Научно-теоретические проблемы правовой культуры: Автореф. дисс. док. юрид. наук. - Ташкент, 1995. - 4-9-бетлар.

<sup>2</sup> Ҳуқуқий маданиятни "ҳуқуқнинг амал қилиш соҳасига мансуб бўлган буюмлашган ва идеал унсурлар тизими ва уларнинг одамлар онгида ҳамда хулқ-атворида акс этиши" деб таърифлаш бундай ёндашишга мисол бўла олади. Қаранг: *Каминская В.И., Ратинов А.Р.* Правосознание как элемент правовой культуры // *Правовая культура и вопросы правового воспитания.* - М., 1974. - 43-бет; *Таджиханов У.* Правовая идеология и правовая культура в суверенном Узбекистане. - Ташкент, 1995. - 44-бет.

<sup>3</sup> *Уразаев Ш.З.* Перестройка и правовая культура. - Т., 1989. - 5-бет.

ва келиб чиқиши жиҳатидан предметининг объектив мазмунини такрорлайди, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ижтимоий онг шаклларида бири деб тушунишни истисно этмаслиги у ёқда турсин, ҳатто тақозо этади ҳам.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданияти воқеликнинг турли томонлари ва соҳаларини акс эттириш билан ҳуқуқий муносабатларни акс эттиради, ҳуқуқий метёрлар, ғоялар, қарашлар эса акс эттириш предмети бўлади. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини бундай тушуниш унинг айрим томонларини уларни воситаловчи алоқаларсиз ва бутуннинг ўзига хос хусусиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда босқичма-босқич ёритиб боради. Бу ўринда ҳуқуқий маданият ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаолияти жараёнида вужудга келишини, ижтимоий онг шакли эканини ва ҳуқуқнинг оддий онгда бевосита акс этишидан фарқли ўлароқ, ижтимоий онгни тушунишнинг дунёқараш билан боғлиқ унсурларини озми-кўпми тартибга солган ҳолда ифодалашини ҳисобга олиш муҳим. Бу унсурлар, ҳуқуқнинг муаян тарихий даврдаги ижтимоий қадр-қимматинигина эмас, шу билан бирга ҳуқуқий тизимнинг ғоявий моҳиятини ҳам акс эттиради. Шунинг учун ҳам ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини тадқиқ қилиш ва таърифлаш давлат ва ҳуқуқ тараққиётининг тарихий қонуниятларини илмий билишга таянмоғи керак. Шу туфайли ҳуқуқий маданият тушунчасининг мазмунини тадқиқ қилинаётган предметнинг ҳамма томонларини биргаликда олган ҳолда мавхумликдан аниқликка кўтарилиш йўли билан кўриб чиқиш имконияти туғилади.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданияти тушунчасини ушбу ижтимоий ҳодисанинг статик ҳолати ва динамикаси нуқтаи-назаридан кўриб чиқиш маълум даражада қизиқарлидир. Ҳуқуқий маданиятнинг статик ҳолатини таърифлаганда, афтидан, биринчи навбатда ёшлар ҳуқуқий маданиятининг ривожланиш даражасини жамиятнинг ижтимоий- иқтисодий ривожланиш даражаси ва жараёни билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ажратиб кўрсатиш керак бўлади. Тадқиқотнинг бу жиҳатлари бир-бирига боғлиқдир.

Юқорида тилга олинган тадқиқот йўналишларининг ўзаро алоқаси ҳақида гапирганда уларнинг ёшлар, ижтимоий гуруҳ ва бутун жамиятнинг ижтимоий амалиёти билан умумий ўзаро алоқасини алоҳида таъкидлаш керак, бундан эса индивидуал, гуруҳий ва умумий-ижтимоий йўналишлардаги ҳуқуқий маданият тушунчасига уларни таснифлашнинг танлаб олинган мезонига мувофиқ таъриф бериш кераклиги келиб чиқади.

Муаммони тадқиқ қилишнинг бундай босқичи йўналиши ҳам муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга, чунки натижаларни қўлга киритиш ва улардан тушунчаларни янада ривожлантириш

мақсадларида ҳам, ёшларни ҳуқуқий бошқариш ва тарбиялашда ҳам фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратади.

Муаммони таҳлил этишда ҳуқуқий маданият тушунчасини бирмунча умумий тушунчалар, биринчи навбатда, ҳуқуқ ва маданият тушунчалари билан ўзаро нисбатда тадқиқ қилиш катта ўрин тутади<sup>1</sup>. Шунингдек, “ҳуқуқий маданият” тушунчасининг қонунчилик маданияти ва идоравий қонун-қоидалар яратилиши фаолияти, ҳуқуқий меъёрларни қўллаш маданияти каби анча тор тушунча билан, шунингдек ҳуқуқий ташвиқот тушунчаси билан алоқасини таъкидлаб ўтиш керак, чунки ҳуқуқий тарғибот маълум даражада ҳуқуқий онгни ёшлар ҳуқуқий маданиятининг унсур сифатида шакллантиради.

Ёшлар ҳуқуқий маданиятининг таркибий унсурлари ҳуқуқий билиш, тушуниш ҳамда унга риоя этишга одатланишдан, ҳуқуқ талабларини ҳурмат қилиш, ҳуқуқ кўрсатмаларининг тўғрилигига ва адолатлилигига ишонч ҳамда юридик соҳада фаол ҳаётий позицияга эга бўлишдан иборатдир<sup>2</sup>.

Ҳар бир ёш инсон амалдаги қонун ҳужжатларини билиши керак. Шубҳасиз, ҳар бир ёш инсоннинг бутун қонун ҳужжатларини тўла-тўқис билиш - бу хом ҳаёл. Ҳатто ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг олий юридик таълим олган ва бу тизимда кўп йиллар ишлаган тажрибали ходимлари ҳам уларнинг ҳаммасини тўла-тўқис билмайдилар. Биз ёшларнинг ҳаммаси барча меъёрий материалларни билишга интилиши нореалгина эмас, балки амалда мақсадга номувофиқ ҳам эканлигини тушунган ҳолда, ҳар бир ёш инсоннинг ҳуқуқ соҳасида ўзига зарур бўлган умумий билим даражаси мавжуд бўлиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан ҳуқуқий билимларнинг ана шу зарур минимумини белгилаш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Буни аниқлаш учун етарли даражада асосланган илмий мезонлар ҳозирча йўқ. Ҳуқуқий билимларга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қондириш учун ёшларга мўлжалланган ҳуқуқий билимларнинг ҳажми ва сифати қандай бўлиши кераклиги, уларни етарли ўзлаштириш даражаси қанча бўлиши кераклиги жуда мураккаб назарий ва амалий муаммодир. “Ҳуқуқий билиш” тоифасини ўзини белгилашда ҳам қийинчиликлар мавжуд.

Бизнинг фикримизча, масалан, ҳар бир ёш инсон эгаллаши лозим бўлган билимлар деганда унинг ҳуқуқ масалаларидан хабардорлигини, юридик тушунчалар ва атамалар билан танишлигини тушунмоқ керак. Бу билимлар ўз хулқ-атворини онгли

<sup>1</sup> Қаранг: *Р.Маҳмудов*. Ҳуқуқ ва маданият. -Т.,1994. - 4-бет.

<sup>2</sup> *Таджиханов У.* Конституция суверенного Узбекистана. Вопросы реализации. - Ташкент, 1995. 77-78-бетлар.

суратда ташкил этишига, ўз хулқ-атворини ўзи юридик назорат қилиб туришига имконият беради. Бунда энг аввало давлат ҳуқуқи, молия, фуқаролик, оила, меҳнат, жиноят ва бошқа ҳуқуқ соҳаларининг асосларини билиш назарда тутилади.

Ҳуқуқий меъёрларни билиш ёш инсонлар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларидан тўғри ва ҳар томонлама фойдаланишлари ҳамда уларни бажаришларини таъминлашга ёрдам беради. Ҳуқуқни билиш муайян мазмунга эга бўлган у ёки бу ҳуқуқий меъёрлар мавжудлигидан шунчаки хабардор бўлиш дегани эмас. У ҳуқуқни англашни, унинг мазмунини тушуниб етишни, амалий фаолият учун аҳамиятини белгилашни тақозо этади.

Мамлакат Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, дунёнинг демократик ва ҳуқуқий қадриятларидан баҳраманд бўлишда аҳолининг билимдонлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. “Фақат билимли, маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олишини... ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда исботламоқда”<sup>1</sup>.

Ёшлар ҳуқуқий маданиятининг энг муҳим белгиси фақат ҳуқуқни билиш эмас, балки тўғри тушуниш ҳамдир, қонун амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қиладиган сиёсий, иқтисодий ва маданий вазифаларни тушунишдир. Билим ҳажмини кенгайтириш ва даражасини ошириш ёшларда қонуний ва қонунсиз, мақсадга мувофиқ ва мақсадга номувофиқ хулқ-атворни тўғри баҳолаш қобилияти вужудга келишига, яъни ҳуқуқни тушунишга олиб боради. Албатта, ҳозирги вақтда ҳар бир ёш инсон давлат-ҳуқуқий фаолиятни маълум даражада тушунади.

Бироқ, қонун кўрсатмаларини билиш ва тушуниш уларни рўёбга чиқариш учун кифоя қилмайди. Қонунни билишнинг ўзи, агар бу қонунга ҳурмат шаклланган бўлмаса, ҳуқуқбузарликдан тийиб қола оламайди. Шу муносабат билан ҳуқуқий маданиятнинг таркибида ҳуқуққа ҳурмат деган нарса алоҳида ажратиб кўрсатилади<sup>2</sup>.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини баҳолаганда ёш инсон ҳуқуқ кўрсатмаларига рия эгаётганлигини аниқлаш ҳам муҳимдир. Масалан, ёшлар жазодан қўрқиб ҳуқуқий меъёрларнинг талабларини бузмаётган бўлишса, уларда ҳуқуқий маданият мавжуд деб айтиш ўринли бўлмаса керак. Шунинг учун ҳам ҳуқуқни билиш ва тушунишнинг ўзи етарли эмас, бу камлик қилади, деймиз, уни

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. 181-бет.

<sup>2</sup> А.Саидов, У.Тожиҳонов, Ж.Тошқулов. Мустақиллик ва ҳуқуқий мафкура. - Т., 1995. - 87-бет.

хурмат қилиш, ўзининг барча ҳуқуқий талабларга риоя этишга мажбур эканлигини эътироф этиш зарур.

Юридик адабиётда қонунга итоаткорлик ва уни хурмат қилиш тушунчасига таъриф ишлаб чиқишга уриниб кўрилган.

Ҳуқуқни, қонунни хурмат қилиш шундай муносабатдирки, бу муносабат уларнинг юксак ижтимоий фазилатларини эътироф этишга асосланада ва қонун билан фуқаронинг нуқтаи-назарлари мос келиши билан, бинобарин, кўрсатмаларни бажаришга, ўз ҳаракатларини меъёрлар томонидан таклиф қилинган намуналарга мослашга интилиш билан ажралиб туради.

Профессорлар В.П.Казимирчук ва С.В.Боботов куйидаги таърифни берадилар: "... ҳуқуқни хурмат қилиш... ҳуқуқнинг ижтимоий қадрини эътироф этишни англатади, бу эътироф этиш ҳуқуқий меъёрларнинг талаблари тўғрисида етарли даражада хабардор бўлишни ва ҳуқуқ принципларини қўллаб-қувватлашни ўз ичига олади". Бунда улар эътиборни "ҳуқуқни хурмат қилиш кўрсатмаларни оғишмай бажаришга, ўз хулқ-атворини ҳуқуқий меъёрлар таклиф қиладиган намуналарга мувофиқлаштиришга интилиш билангина эмас, балки қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустақкамлашга ижтимоий фаол ҳаракатлар орқали ёрдам беришга интилиш билан ҳам ажратиб туришга" қаратадилар<sup>1</sup>.

Бу таърифлардаги ижобий нарса, шубҳасиз, шуки, уларда эътибор фуқароларнинг амалдаги хулқ-атворига, улар ўз ҳаракатларини ҳуқуқ меъёрларида мавжуд бўлган андозаларга мослашларига қаратилади. Шу билан бирга бу таърифлар амалиётда ҳуқуқни хурмат қилишнинг барча мумкин бўлган кўринишларини қамраб олмайди. Гап шундаки, реал ҳаётда ҳуқуқни хурмат қилиш фақат фуқароларнинг ўз хулқ-атворларини ҳуқуқ меъёрлари билан мувофиқлаштиришидангина иборат бўлиб қолиши мумкин эмас. Бу ҳуқуқнинг ўз хусусиятлари билан белгиланади.

Маълумки, давлат ҳуқуқий меъёрларни жорий этиши ёки уларга розилик беришидан олдин жамият учун мақбул бўлган хулқ-атвор намуналари (қоидалари) ишлаб чиқилади. Бунда ҳам, ҳуқуқ яратиш соҳасида, ҳуқуқни хурмат қилиш валюнтаризмни истисно этадиган самарали ҳуқуқий меъёрларни яратишнинг шартларидан биридир.

Ушбу ҳолатларни ҳисобга олиб, биз кўриб чиқиладиган тушунчанинг куйидаги таърифини мақбулроқ деб ҳисоблаймиз: "Ҳуқуқни хурмат қилиш - ижтимоий муносабатларнинг бошқарувчиси бўлган ҳуқуқнинг ижтимоий қадрини англашга асосланган ҳамда ҳуқуқ яратиш соҳасида - меъёрларни жамият ҳаётининг реал шарт-шароитлари билан мувофиқлаштиришда,

<sup>1</sup> Личность и уважение к закону. Социологический аспект. -М., 1979.-17-бет.

уларни рўёбга чиқариш соҳасида эса - амалдаги хулқ-атворни ихтиёрий равишда ҳуқуқ меъёрларига бўйсундиришда намоён бўладиган ахлоқий-ҳуқуқий категориядир”<sup>1</sup>.

Ёшларда ҳуқуқни ҳурмат қилишнинг шаклланишига турли омиллар таъсир кўрсатади<sup>2</sup>. Биринчи навбатда бу ҳуқуқ билан мустаҳкамлаб қўйилган ижтимоий муносабатлар, ёш инсонларнинг турмуш шароитидир. Шунини унутмаслик керакки, ёш инсон энг аввало ҳукмрон амалий муносабатлар, жамиятнинг бутун турмуш тарзи таъсирида шаклланади. Ёш инсонлар турмушининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий шароитлари ҳуқуқий билимларни белгилаб беради, улар шаклланиши ва амал қилишининг, ҳуқуққа ҳурматни тарбиялашнинг зарур шартлари бўлади.

Ҳуқуқ ва жамиятимизнинг бошқа ижтимоий меъёрлари қонунни ҳурмат қилишни шакллантириш борасида ёшлар онгига фаол таъсир кўрсатади. Лекин бу объектив ижобий таъсир аниқ мақсадга қаратилган тарбиявий иш билан тўлдириб борилиши керак.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқни ҳурмат қилиш билан бир қаторда яна қонунга риоя қилиш одатини ҳам тақозо этади. Бу эса хусусан маданиятга, турмушга сингиб кетган, одатга айланиб кетган нарсанигина эришилган деб ҳисоблаш мумкин деган қонданан келиб чиқади. Вазифа - ўзимизда хулқ-атвор масалаларига тўғри, оқилона муносабатни тарбиялабгина қолмасдан, яна тўғри одатларни ҳам тарбиялашимиздан иборат, яъни бу одатларга кўра биз яхши ўйлаб кўрганимиз учун эмас асло, балки бошқача қила олмайдиган бўлганимиз, одатланиб қолганимиз учун тўғри йўл тутайлик. Бу одатларни тарбиялаш онгни тарбиялашга қараганда анча қийин ишдир. Ёшларда мунтазам ювиниш, ўз ташқи қиёфасини кузатиб бориш ёки газета ўқиш заруриятини тарбиялаган каби ҳуқуққа риоя қилиш одатини ҳам сингдириш зарур.

Қонунга риоя қилиш одати ҳақидаги масалани кўриб чиққан вақтда шунини назарда тутиш керакки, уни қўлланиш соҳалари турлича бўлиши мумкин? Шу муносабат билан: биринчидан, ҳуқуқнинг у ёки бу меъёрини бажариш одатини ва иккинчидан, барча ҳуқуқий талабларини бажариш одатини фарқлаш керак бўлади. Бизни қизиқтираётган масалаларга мувофиқ равишда энг муҳим вазифа ёшларга ўз ҳаракатларини ҳуқуқий меъёрлар талаблари билан таққослашга, қонунни ҳеч сўзсиз ва аниқ бажаришга тайёр туриш одатини шакллантиришдан иборатдир. Бундай тайёрлик одати

<sup>1</sup> Қаранг: Сальников В.П., Сиротин А.С. Правовые нормы и формирование уважения к праву // Вопросы профилактики преступлений - Л., 1977. - 17-19-бетлар.

<sup>2</sup> Тагжиханов У. Знать и соблюдать закон // Народное слово. 1996. 6 июнь.

ёшларда фақат ижтимоий ва шахсий манфаатларнинг бирлигини чуқур англаб етиш, қонун талабларини бажаришга қаратилган барқарор ғоявий йўналиш сифатида манфаатдорлик ва эътиқод пайдо бўлиши натижасидагина вужудга келади. Бошқача қилиб айтганда, бу одат чуқур анланган эҳтиёж бўлмағи керак. Бу эҳтиёжнинг реаллиги шундаки, ёш инсон муайян ҳуқуқий меъёрларни бажариш чоғида ҳар гал қонун талабларини бажаришдан иборат формал зарурият унинг асосий ички эҳтиёжига айланиб қолгани учун у мазкур талабларни тегишлича қабул қилади<sup>1</sup>.

Қонунга риоя қилиш ёшларда ишонч билан вужудга келади. Шу сабабли ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ёшларга ҳуқуқ тўғрисида маълум миқдор билим, ғоялар ва назарияларни бериш, ҳуқуқ меъёрларини чуқур ва ҳар томонлама тушунтиришигина эмас, шу билан бирга ҳуқуқий кўрсатмаларининг тўғрилиги ва адолатлилигига, бу ҳодисалар жамият учун жуда катта қадрга эгаллигига ишончни, ҳуқуқ талабларига жуда қаттиқ амал қилиш зарурлигига ишончни вужудга келтиришни ҳам тақозо этади. Бу ишонч ҳуқуқий ҳодисаларнинг қимматли хусусиятлари ва сифатлари ҳақида тўғри, илмий тасавурларни шакллантиришни, ёшларнинг билимлари, ҳуқуқий ғоялари шахсий эътиқодга айланишини тақозо этади.

Ишончнинг моҳиятини шахснинг қонун талаблари ва кўрсатмалари асосли ҳамда адолатли<sup>2</sup> эканига амин бўлиши, уларни оғишмай бажариш зарурлигини англаш, ҳуқуқ-тартибот талабларини ҳисобга олиб иш тутишга бўлган ички эҳтиёж ва одат ташкил этади. Ишонч “одамларнинг иродали фаолиятига тўғридан-тўғри ва ижобий таъсир кўрсатиб, уларни мумкин бўлмаган нарсани қилишдан тийиб туради ва буюртилганни қилишни рағбатлантиради”<sup>3</sup>. Шу жиҳатдан олганда ҳуқуқий меъёрларнинг талаблари адолатли эканига ишонган одам бу талабларни бажариш учун давлатнинг бирон-бир қўшимча таъсир кўрсатишига муҳтож бўлмаслигини таъкидлаш зарур. У ҳаракатларни мустақил, ихтиёрий равишда қилади, ҳуқуқий меъёрларни бажариш борасида тўғри иш олиб боради. Бундай ҳолларда у жамият ҳаётининг амалий зарурияти билан юзага келган, адолатли эканига ўзи ишонган ғояга амал қилади.

Ёш инсон ҳуқуқнинг адолатли эканига ишониш асосида ўзи учун ахлоқий-ҳуқуқий мажбуриятларни шакллантиради, ўзини

<sup>1</sup> Уразаев Ш. Модель закона: какой ей быть? - Ташкент, 1990. - 40-бет.

<sup>2</sup> “Адолат” тоифасининг ижтимоий мазмуни ҳақида батафсилроқ маълумот олиш учун қаранг: Абдумажидов Ф.А. Справедливость как философская и правовая категория // Методологические проблемы права. - Ташкент, 1995. 16-23-бетлар.

<sup>3</sup> Рязко И.Ф. Основы правовой педагогики. - Ростов-на-Дону, 1973. - 132-бет.

маънавий жиҳатдан назорат қилиш қобилиятини ҳосил қилади, бу эса унга ўз фаолиятини мустақил равишда, ўз номидан баҳолаш имконини беради.

Шунинг учун ҳам ҳуқуқий тарбия иши ҳамиша ёшларда ҳуқуқий меъёрлар мақсадга мувофиқлигига, уларга қаттиқ риоя этиш зарурлигига ишонч ҳосил қилишни тақозо этиши кераклигини ҳисобга олиб бориш зарур. Ҳар бир ёш инсон қонундан ҳар қандай чекиниш, қандай “нақд фойда”ни “ваъда” қилмасин, охир-оқибатда ҳамма вақт катта зарар етказишига, чунки қонунийлик ғоясини, ҳамманинг қонунга бир хил бўйсунушига асосланган қаттиқ давлат интизоми ғоясини зарба остида қолдиришини тушунишига эришмоқ керак<sup>1</sup>.

Адолатга ишониш ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмасдан, балки бир қатор омиллар таъсирида вужудга келади. Бу фикр ҳуқуқ меъёрларининг адолатли эканига ишончни шакллантириш борасида аниқ мақсадга қаратилган фаолият мумкингина эмас, балки зарур ҳам деб хулоса чиқариш имконини беради.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш уларнинг ҳуқуқий фаол бўлишини ҳам тақозо этади. “Ҳуқуқий тарғиботнинг ҳар қандай шакли одамларни ижтимоий-амалий фаолиятга, ҳуқуқий амалиётга жалб этиш билан тўлдирилмоғи керак”. Баён этилган фикрлар бизни муқаррар суратда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятида ёш инсоннинг ҳуқуқ соҳасидаги фаол ҳаётий ўрни деган таркибий унсурни алоҳида кўрсатиш зарурлиги ҳақидаги фикрга олиб келади.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданияти - ҳуқуққа доир билимларни шунчаки ўрганиб олиш эмас, балки улардан ҳуқуқ-тартиботни ва қонунийликни мустаҳкамлашга онгли суратда йўналтирилган амалий фаолиятда фойдалана билишдир. Ҳуқуқий билимлар, ишончлар ва шу қабиларни абсолютлаштириш, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шу ҳуқуқий билимлардангина иборат қилиб қўйишнинг реал замини йўқ, чунки агар улар ёшларнинг амалий фаолиятида юзага чиқмаса, ўликдир, жонсиздир. Ҳуқуқий билимлар, ишонч ва шу қабилар мавжудлигининг ўзиёқ ёшлар ҳуқуқий маданиятининг ҳолати тўғрисида хулоса чиқариш учун ишончли асос бўла олмайди. Бундай хулоса чиқариш учун уларни ҳаракатда кузатиш, пировард натижасини, ёш инсоннинг фаолиятида гавдаланишини кўриш зарур. Шундай қилиб, методологик жиҳатдан ҳуқуқий маданиятни уни амалга оширишдан ажратиб бўлмайди. У ҳуқуқий маданият бўлгани учун ҳам ҳамма вақт амалда бўлади ва унинг рўёбга чиқиши ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаолигида кўринади.

<sup>1</sup> Методологические проблемы права. -Ташкент, 1995. 113-бет.



Демак, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ёш инсоннинг ҳуқуқий қадриятларга пассив, кузатувчан, истеъмоличлик муносабатини эмас, балки унинг ҳуқуқ амал қиладиган соҳада ижтимоий-фаол шахс сифатида яшаши билан бевосита мос келадиган фаол-ижодий муносабатини ифода этади. Шу сабабли ҳуқуқий маданиятни ўзлаштиришнинг пассив шаклларида ҳуқуқий қадриятларни идрок қилишнинг фаол шакллари ҳамда ёшларнинг яна шу қадриятларни кенг ёйишда, янада ривожлантириш ва сақлашда бевосита иштирок этишига ўтиш жараёнининг интенсифлашуви билан боғлиқ барча масалалар алоҳида аҳамият касб этаётганлиги тасодифий эмас. Ёш инсонларнинг ҳуқуқий фаоллигини улар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг яқунловчи босқичи деб ҳисоблаш мумкин.

Ёшлар ҳуқуқий маданиятининг муҳим унсури уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигидир, яъни ғоят хилма-хил юридик соҳаларда ташаббус кўрсатиб, иждоий фаолият кўрсатишидир. Бироқ юриспруденцияда фаоллик йўқ ердан келиб чиқмайди. Унинг назарий-мафқуравий, моддий асоси шахснинг ҳуқуқий онгидир.

Ёшларнинг ҳуқуқий онги энг аввало ҳуқуқий тарбия таъсирида шаклланади. Ҳуқуқий тарбия батартиблик ва интизом даражасининг ошишига, бурч ҳиссининг мустақамланишига ва ёшлар ҳуқуқий маданиятининг ошишига ёрдам беради.

Ҳуқуқий тарбия - мураккаб ва кўп қиррали ҳодисадир; уни бир маъноли қилиб таърифлаб бўлмайди. Унинг таърифи бу жараённинг қайси томонини: умумижтимоий жиҳатини ҳуқуқнинг ижтимоий амал қилиш тизими сифатида ёки давлатнинг ижтимоий бошқариш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш унсури сифатидаги вазифасини ва ш.к. тадқиқ қилишимизга боғлиқ бўлади. Бизни қизиқтираётган масала нуқтаи назаридан қараганда ҳуқуқий тарбия деганда ёшларнинг онгига ташкилий суратда ва аниқ мақсадни кўзлаб таъсир кўрсатишнинг махсус юридик тури тушунилади.

Ҳуқуқий тарбия унсурлари жумласига муайян таъсир кўрсатиш воситалари киради<sup>1</sup>. Уларнинг мазмунини аниқ билиб олиш учун биринчи навбатда ҳуқуқий тарбияни ҳамда бу жараёнда мазкур воситаларнинг ўзига хос ролини ёшларнинг онгига ҳуқуқ соҳасида аниқ мақсадга қаратилган ташкилий таъсир кўрсатишни тушунганлигимиздан, бундай таъсир кўрсатиш воситалари жумласига ҳуқуқий тарбия жараёнидаги мафқуравий потенциал ифодачилари киради. Бундай ифодачилар таълим, ташвиқот, тарғибот, ҳуқуқ меъёрларини қўлланишдаги машқ ва шу кабиларни ўз ичига олади.

<sup>1</sup> Тожихонов У. Ўзбекистонда мустақил давлатчиликнинг ҳуқуқий-маънавий муаммолари. - Т 1996. 153-154-бетлар.

Мазкур воситаларининг ёшлар ҳуқуқий онгига мафкуравий, тарбиявий таъсири турли шаклларда ва турли усулларидан фойдаланган ҳолда амалга ошиши мумкин. Буларнинг барчаси ҳуқуқий тарбияни ҳуқуқ субъектлари онгига ташкилий равишда ва аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда таъсир кўрсатиш деб тушунишдан келиб чиқади. Бундан чиқадиган хулоса шуки, тарбия шаклларига ёшлар онгига ижтимоий ҳуқуқий мафкурани унинг ифодачилари (воситалари) ёрдамида сингдиришни (трансформациялашни) ташкил этиш усуллари, турлари киради. Шу билан бирга, ҳуқуқий тарбия воситаларининг ўзига хослигига боғлиқ ҳолда тарбиянинг шакллари турлича бўлади: оғзаки ва ёзма (тарғибот, ташвиқот), стационар, коллектив ва индивидуал (ўқитиш), умумий ҳуқуқий ва профессионал (таълим, машқ) ва шу каби шакллар.

Ҳуқуқий тарбия усулларига келсак, улар ҳуқуқий ҳодисаларга муайян муносабатнинг ҳамда юридик аҳамиятга эга бўлган тегишли хулқ-атворни шакллантириш мақсадида ёшлар онгига таъсир кўрсатиш йўллари белгилаб беради. Бунда, анъанавий ишонтириш ва мажбурлаш усулларидан ташқари, бизнинг назаримизда жуда муҳим бўлган усуллари, чунончи ёшлар онгига таъсир кўрсатишнинг бевосита ва билвосита йўллари ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади. Бунда, маълумки, ишонтириш деганда ёш инсоннинг ахлоқий қарашларига, унинг ахлоқий-сиёсий негизларига, ички овозига, виждонига муурожаат қилиш йўли билан сўз воситасида тарбиялаш тушунилади.

Мажбурлаш ёшларни тарбиялаш усули сифатида жуда ҳам самарали эмас. Унинг мазмуни жисмонан чегаралаб қўйишдан иборатдир. Камдан-кам ҳолларда, асосан ишонтириш усули натижасиз бўлиб чиққанида мажбурлаш усулига муурожаат қилишга тўғри келади. Шу муносабат билан мажбурлаш усулидан фойдаланиш доираси ёшларга ҳуқуқий тарбия бериш воситалари ва шаклларига нисбатан олганда қатъий чегараланганлигини айтиб ўтиш зарур. Чунончи, ёзма шаклда фойдаланиладиган тарғибот, ташвиқотда ва бошқа шунга ўхшаш вазиятларда мажбурлашни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Бироқ, у оғзаки тарғибот ва ташвиқотни тўлдириши мумкин. Айтилик, суҳбат ўтказиш чоғида айрим ёшлар ўзларини номуносиб тутишади. Шунда агар сўз, уқтириш, инсофга қақриш ёрдам бермаса, ундайларни тартибга келтириб қўйиш ҳамда бундай хулқ-атворга жамоада чидаб туриб бўлмаслигини бошқаларга кўрсатиш учун мажбурлаш усулидан фойдаланишга тўғри келади. Бу мисол ёшларнинг онгига ҳам бевосита, ҳам билвосита таъсир кўрсатиш усуллари тасвирлаб бериши мумкин. Шу билан бирга бевосита (шахсий мисолда, жамоа мисолида уларнинг жиҳатлари,

хусусиятлари, ютуқларини ҳисобга олган ҳолда) тарбиялаш муайян ёш инсон учун рағбат бўладиган ижобий мисоллардан фойдаланганда анча кенг қўлланилади. Ижобий мисоллардан фойдаланилганида бавосита таъсир кўрсатиш усули, яъни бошқаларни мисол келтириб таъсир кўрсатиш усули қўлланилган бўлади.

Ҳуқуқий тарбия таркибий унсурларининг умумий хусусиятларини умумий тарзда ёритиш уларнинг муайян мазмунини очиб беришга ўтиш имконини туғдиради.

Ёшларни ҳуқуқий тарбиялаш унсурларидан бири ҳуқуқий тарғиботдир. Унинг мазмуни ҳамда шахсий ҳуқуқий онгни ривожлантириш ва такомиллаштиришдаги аҳамияти устида асосан икки мулоҳаза туфайли тўхталиб ўтамиз. Биринчидан, шунинг учунки, ҳуқуқий тарғибот тушунчаси ва унинг ёшларга юридик таъсир кўрсатиш воситалари орасидаги ўрни шу вақтгача аниқ таърифланган эмас. Иккинчидан, мазкур муаммони ана шундай кўриб чиқиш зарурлиги шу билан изоҳланадики, ҳуқуқий тарғибот қоида тариқасида, жамиятнинг ҳуқуқий маданияти билан боғламай талқин этилади. Бу эса мантиққа зиддир, чунки ҳуқуқий тарғибот ёрдамида ёш инсон бутун жамиятнинг маданий юридик қадриятлари билан бойийди. Ҳуқуқий тарғибот - ҳуқуқий билимларни кенг ёйиш борасидаги мафкуравий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, индивидуал ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг энг муҳим воситасидир. Унинг таъсирида кўп ёшлар онгидан ҳуқуқий фаолиятнинг энг муҳим асослари аввало эмоционал сезги ҳолатида жой олади.

Ҳуқуқий тарғиботнинг хусусиятлари асосан тарғиботчи (лектор) томонидан у ёки бу тингловчилар олдида ахборот-мафкуравий жиҳатдан ишланаётган материал билан белгиланади. Юридик соҳадаги тарғиботчи билан ёш тингловчилар ҳуқуқий воқеликни, биринчи навбатда ҳуқуқ принципларини ва меъёрларининг мағзини чақадилар. Уларнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш - ҳуқуқий тарғибот даражасини, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қўйиладиган асосий талабдир.

Ҳуқуқий тарбия тизимида ҳозир ҳам оғзаки ҳуқуқий тарғибот муҳим ўрин эгаллайди. Булар маърузалар, савол-жавоб кечалари, суҳбатлар, китобхонлар йиғинлари ва илмий-амалий анжуманлардир. Охириги йилларда ҳуқуқий тарғиботнинг ёшларга ҳуқуқий билимлар тизимини бериш имконини туғдирадиган доимий амал қилувчи шакллари кенг ривожланди. Улар орасида ҳуқуқий билимлар халқ

университетлари ва факультетлари, жамоатчилик асосидаги юридик маслаҳатхоналар алоҳида ўрин тутади. Оммавий тарғиботнинг янги шакллари бўлмиш ҳуқуқий билим кунлари, ҳафталари, ойликлари, ижтимоий-сиёсий ўқишлар, юридик маслаҳатлар, викториналар, олимпиадалар ва шу кабиларни ўтказиш борасида ҳам каттагина тажриба тўпланган. Ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш соҳасидаги асосий иш меҳнат жамоаларида олиб борилади. Бу табиий, албатта.

Аҳолининг яшаш жойларида, яъни маҳалларда олиб бориладиган иш меҳнат жамоасининг ҳуқуқий тарбия соҳасидаги таъсирини тўлдиради ва ана шундай уйғунликда барқарор ижобий натижаларга олиб келади. Яшаш жойларида олиб бориладиган иш яна шуниси билан ҳам муҳимдирки, у ҳуқуқий таълимнинг ташкилий шаклларига жалб этилмаган ёшларнинг катта доирасини ва аҳолининг бошқа гуруҳларини ҳуқуқий тарғибот билан қамраб олиш имконини беради.

Муайян моддий база бўлмас экан, маҳалларда ишни ташкил этиб бўлмайди. Одатда ҳар бир даҳа, маҳалла шундай базага эга. Булар мактаб мажмуалари, маданият муассасалари, заллар, доимий ишлайдиган ташвиқот уйлари, чойхоналар ва бошқалардир. Кейинги йилларда республикада маҳаллаларнинг жамоат марказларини куриш кенг ёйилмоқда. Жамоат марказлари теварагида оммавий-сиёсий, ватанпарварлик, тарбиявий ишни олиб бориши керак бўлган барча жамоатчилик ташкилотлари тўпланади.

Маҳалларда тарғибот тadbирларини ташкил этишда депутатлар, ходимлар, давлат хизматчилари, шунингдек ўртоқлик судларининг аъзолари ҳуқуқ тарғиботчилари сифатида фаол иш олиб бормоқдалар.

Равшанки, ҳар бир депутат, жамоатчи, давлат аппарати ходими ҳуқуқий мавзуда катта лекция ўқий олмайди. Бироқ ишлаб чиқариш ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари ўз мансаб мажбуриятлари доирасида, маҳаллий материалга, туман, шаҳар ҳаётидан олинган жонли мисолларга таяниб, меҳнат ва давлат интизомини мустақкамлаш тўғрисида маърузаларга тайёрланишлари мумкин, уй-жой органларининг ходимлари уй-жой қонунларининг меъёрлари ва уларни қўлланиш амалиётини тушунтиришда, фуқаролик ҳолатини қайд этиш органларининг ходимлари эса - никоҳ-оила қонунларини тушунтиришда иштирок этишлари мумкин. Бунда маърузанинг ҳаммаси ҳуқуқ масалаларига бағишланган бўлиши шарт эмас, муҳими, унда иқтисодий, ижтимоий ва ахлоқий муаммоларни ёритган вақтда ҳуқуқий масалалар четлаб ўтилмаса, унутилмаса бас.

Ёш тингловчиларни ўрганиш ва шакллантириш, у билан алоқа ўрнатиш, тингловчилардан ахборот олиш - буларнинг ҳаммаси тарғиботни ташкил этиш ва тарғибот фаолиятининг муҳим қисмидир.

Шаҳар ёки туманга қонунга, ишлаб чиқариш жамоаларида меҳнат интизомига, даҳада, маҳаллада турмуш қоидаларига риоя этишнинг аҳволини ҳисобга олмасдан туриб, маърузани муваффақиятли ўтказиб бўлмайди. Ёш тингловчилар билан учрашув олдидан сўзга чиқувчи ҳар бир одам ўзидан олдин ким ва қачон учрашув ўтказгани, қандай масалалар кўтарилгани билан танишиб чиқиш имконига эга бўлиши муҳимдир.

Ёшлар билан мулоқотда нутқ эркин, сийқаси чиққан ибораларсиз бўлиши, кескин ва қизиқарли ҳаётий вазиятлар ўртага қўйилиши ва ёшлар билан бирга муҳокама қилиниши керак.

Ёшларнинг қарашлари, одатлари кўпроқ оиладаги ахлоқий муҳит билан тарбияланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, вояга етмаганлар орасидаги ҳуқуқбузарлик соҳасида вазиятнинг яхши эмаслиги кўп жиҳатдан уларнинг бўш вақти ва дам олиши ёмон ташкил этилганлиги, тарбияси қийин ўсмирлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилмаганлиги, баъзи оилаларда тегишли тарбиянинг йўқлиги билан изоҳланади. Вояга етмаганлар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг ярмидан кўпроғини ота-онасидан биронтаси йўқ бўлган оилаларда яшаётган ўсмирлар содир этмоқда. Айни вақтда жиноятларнинг учдан бир қисмини нормал деб аталадиган оилаларнинг ўсмирлари содир этмоқда. Бу далиллар ҳар бир оила ҳам тарбия жараёнидаги ўз ролини бажараётгани йўқ деб ҳисоблашга асос бўлади. Бундай оила жамоатчилиқнинг алоҳида эътиборига муҳтождир. Шу сабабли ҳуқуқий тарғиботнинг оммавий шакллари билан бир қаторда маҳаллада, айниқса вазият оғир оилаларда якка тартибда тарғибот-ташвиқот ишини олиб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

Нобоп оилаларда ташвиқот-тарбия руҳидаги суҳбатлар оиладаги вазиятга, унинг айрим аъзоларининг хулқ-атвориغا, турмуш тарзига қараб ўтказилади. Олдини олиш мақсадида таъсир кўрсатишнинг турли шакллари: ишга жойлашишга ёрдам бериш, бадий ҳаваскорлик тўғарақларига, спортга ва бошқаларга жалб этиш шакллари ҳам қўлланилади.

Жамиятнинг ахлоқий-ҳуқуқий талабларини, жамоат тартибини бузаётган шахслар билан якка тартибда иш олиб бориш алоҳида аҳамиятга эга. Бундай шахслар билан тарбиявий иш суҳбатлар, уларнинг хулқ-атворини маҳалла аҳлининг йиғилишларида муҳокама

қилиш ва маънавий баҳолаш, қонун талабларини ҳамда уларга риоя этмасликнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтириш шаклида олиб борилади. Маҳалла оқсоқоллари, меҳнат фаҳрийлари ва бошқа обрўли кишиларнинг бундай шахсларни оталиққа олиши ҳам самара беради.

Маҳаллада якка тартибда ва оммавий суратга ҳуқуқий тарғибот туманда, шаҳарда ташкил этиладиган бошқа тадбирлар билан бирга олиб борилади. Ёшларни ҳуқуқий тарбиялаш учун маданий-маърифий муассасалар - маданият саройлари ва уйлари, клублар, кутубхоналар, маданият ва истироҳат боғлари кўп иш қилмоқда.

## ЁШЛАР ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯСИ

✽ Ҳуқуқий тарбия мазмуни ✽ Қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлашда ҳуқуқий тарбиянинг роли ✽ Ҳуқуқий тарбиянинг хусусиятлари ва вазифалари ✽ Ёшлар ҳуқуқий онгини шакллантиришда ҳуқуқий тарбиянинг роли

### 1. Ҳуқуқий тарбия мазмуни

Ҳуқуқий тарбия - бу шахсга нисбатан ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий кўрсатмаларни, қонунга итоаткор хулқ-атвор кўникмалари ва одатларини шакллантирувчи уюшган, бир тизимли, аниқ мақсадни кўзлаган ҳолдаги тасвир кўрсатилишидир.

Шуни таъкидлаш керакки, яқин ўтмишда ҳам ҳуқуқий тарбияга у ҳақиқатда сазовор бўлиши керак бўлганидек даражада эътибор берилмас эди. Педагогикага доир дарсликларда шахснинг ақлий камолоти, меҳнати, жисмоний, маънавий, эстетик тарбияси ҳақида сўз борар эдию, лекин ҳуқуқий тарбия хусусида эслатилмасди. Тарбиявий ишнинг мустақил йўналиши тарзида ҳуқуқий тарбия йўналишининг ажратиб қўйилмаслиги ўсиб келаётган авлоднинг айрим қисми ҳуқуқий онги аҳолига салбий таъсир кўрсатмай қолмади.

Шубҳасиз, ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий онгнинг ўзаро боғлиқлигини эсдан чиқармаслик керак, лекин шуни ҳам назарда тутиш лозимки, уларни бир-бири билан қўшиб юбориш мумкин эмас. Тарбиявий ишнинг ўзига хос йўналишидаги ҳуқуқий тарбиянинг мустақиллиги аввало унинг мазмуни билан боғлиқдир. Ҳуқуқий тарбия онгнинг мустақил шаклини - ҳуқуқий онгни шакллантиради, бу эса тарбиянинг ўзига хос шакллари ва усулларини излаб топиш ва қўлланиш заруриятини тақозо этади.

Тарбиячилар зарур ҳажмдаги ҳуқуқий билимлар билан қуролланган бўлиши ва тарбияланувчиларда ҳуқуқий онгни шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш услубиётини эгаллаши лозим.

Маълумки, ҳуқуқий онг - ижтимоий онг шакллари билан бири. Агар ижтимоий онг умуман ижтимоий борлиқнинг акси бўладиган бўлса, унда ҳуқуқий онг фақат мавжуд ҳуқуқий воқеа-ҳодисаларни, шунингдек ҳуқуқ ёрдамида тартибга солиниши мумкин бўлган ҳодисаларни акс эттиради. Ҳуқуқий онг - бу жамиятда оммавийлашган ҳуқуқий, шунингдек кишиларнинг хулқ-атворида,

ижтимоий муассасалар қадриятларига ҳуқуқ ҳақидаги шундай тасаввурлар нуқтаи назаридан муносабатини ифодалайдиган назариялар, ғоялар, қарашлар ва тасаввурлар мажмуидир.

Ҳуқуқий онгда қўйидаги беш элементни ажратиб кўрсатиш мумкин: ҳуқуқни билиш; ҳуқуқ ҳақидаги тасаввур; амалдаги ҳуқуққа муносабат; ҳуқуққа қўйиладиган талаблар; ҳуқуқий кўрсатмаларнинг ижро этилишига муносабат. Уларнинг ҳаммаси бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғланган ва ўзаро алоқадорликдадир. Шу билан бирга улар ўзига хос шаклланиш хусусиятига эга ва ҳуқуқий онг “фаолияти”да турли ролларни ўйнайдиган ҳар хил элементлар бўлиб, буни, албатта, ҳуқуқий тарбия жараёнида ҳисобга олиш зарур.

Ҳуқуқни билиш ҳуқуқий меъёрларни билишни англатади. Бундай билим, ёки тегишли ҳуқуқий қоидаларни бевосита ўрганиш - матнларни ўқиш, радио орқали тинглаш ва шу кабилар натижасида, ёки у билан бевосита танишиш натижасида эгалланади. Масалан, уни кишиларнинг ҳикояларидан ёки муайян ҳаётий вазиятларда ҳуқуқий қоидаларни амалий ўзлаштириб олиш натижасида эгаллаш мумкин. Ушбу иккита усул ўзаро бир-бирини тўлдириб туради. Ҳуқуқшунос бўлмаган киши томонидан қонун моҳиятининг тушунтириб берилиши кўпинча фақат қонуннинг ушбу матннинг баёнини унинг маъносини оммавий тарзда тушунтириш натижасида эришилади. Табиийки, бунда шарҳловчининг ким эканлиги, унинг ахборотининг қанчалик малакали, тўлиқ ва ҳолислиги муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳуқуқий таълимнинг муҳимлиги билан боғлиқдир.

Ҳуқуқни билиш бошқа омиллар билан бир қаторда ҳуқуқ ҳақидаги тасаввурнинг шаклланишига кўмаклашади. Бундай тасаввур умуман ва айнан муайян ҳолда ниманинг қонунийлиги ва ҳуқуққа зидлиги, қилмишнинг ҳуқуқий оқибатлари қандай бўлиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари ва шу кабилар ҳақидаги тасаввурдир. Ҳолбуки, киши қонуннинг аниқ матнини билмаслиги, лекин у ҳақда ўзининг қандайдир тасаввурига эга бўлиши мумкин. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онгини тадқиқ этишлар пайтида улар қўйилган саволларга жавоб қайтаришганидан сўнг, улардан нима учун шундай тегишли жавоб беришганини сўрадик. Кўпчилик шунчаки “шундай деб ўйлашни” айтишди. Бундай фикр-мулоҳазалар нимага асосланади, ҳуқуқий тасаввурлар қандай ҳосил қилинади? Аввало - ахлоқ меъёрлари, сиёсий ва бошқача қарашлар таъсири остида шундай бўлади, чунки бизнинг жамиятимизда сиёсий, ахлоқий ва ҳуқуқий талабларнинг бирлиги мавжуд. Агар ўсмирнинг сиёсий ва маънавий онги тўғри шакллантирилган бўлса, унда унинг ҳуқуқий тасаввурлари ҳам амалдаги қонун мазмунига яқин бўлади, деб ҳисоблаш учун ҳамма асослар мавжуд.



Ана шунинг учун ҳам тарбияга нисбатан комплекс ёндашувни қўллаш зарурлигини назарда тутиш айтишга муҳимдир: “Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб... ҳақиқий инсонни... тарбиялаш мумкин эмас”<sup>1</sup>. Айни бир пайтда шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳуқуқий тасаввурларни фақат ахлоқ меъёрларидан келтириб чиқариш ҳуқуқий ва ахлоқий талабларнинг бир хиллаштириб қўйилишига, ҳатти-ҳаракатнинг ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланиши ўртасидаги фарқнинг ҳуқуққа зид ва шунчаки ахлоққа ёт бўлган хулқ-атвор ўртасидаги тафовутнинг тушунилмаслигига олиб келиши мумкин. Суд, прокуратура, милиция ходимлари шундай ҳолларга дуч келишадикки, масалан, ўсмирлар, баъзан уларнинг тарбиячилари ҳам болалар ва ўсмирларнинг кечқурун соат 21-22 дан сўнг катталарсиз кўчада бўлишининг ўзи ҳуқуққа зидлигини тушунмайдилар. Бу нафақат педагогик тавсияларга, шу билан бирга болалар ва ўсмирларнинг жамоат жойларидаги хулқ-атвори қоидаларига ҳам зиддир.

Ҳуқуқ ҳақидаги тасаввурнинг шаклантирилишида, шунингдек бирмунча алоҳида масалаларнинг ҳал этилишида асос бўладиган қонуннинг айрим умумий қоидалари, ҳуқуқий тамойилларини билиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, агар ёшлар меҳнат ҳақидаги қонунларга кўра вояга етмаганларга бериладиган имтиёзлар тўғрисидаги умумий қоида билинса, унда улар бундай имтиёзларнинг иш вақтининг давомийлиги, таътилар вақтлари, ўсмирлардан оғир ишларда фойдаланишнинг тақиқланишига тегишли эканлиги ҳақида тўғри хулосалар чиқаришади. Дарвоқе, ёшлар бундай жиҳатларни тартибга соладиган аниқ моддалар мазмунини билишмаслиги ҳам мумкин.

Ҳуқуқни билиш ва у ҳақда тасаввурлар, одатда, кишига ҳуқуққа зид нарсани қонуний нарсадан фарқлашида, қандайдир ходисани ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳолашида ва унинг эҳтимол бўлган ҳуқуқий оқибатларини тасаввур этишида ёрдам бериб, биргаликда “фаолият кўрсатади”. Бунда билимлар билан тасаввурларнинг ўзаро бир-бирини мустаҳкамлаши юз бериши мумкин ёки ҳуқуқий амалиёт ҳуқуқий меъёрлар талабларидан фарқ қилгани ҳолда ўсмир онгида ҳуқуқ ҳақидаги тасаввурлар ҳуқуқий билимлар билан рақобатлашуви ва шунда айнан нотўғри ҳуқуқий тасаввурларнинг ғолиб бўлиши ҳам истисно қилинмайди. Шахснинг ҳаётий тажрибаси ҳуқуқ ҳақидаги тасаввурнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

<sup>1</sup> *И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. - Т.: Ўзбекистон, 1996. -84-бет.*

Шуни унутмаслик керакки, вояга етмаганлар ўзлари кузатиб борадиган ҳуқуқий фактларга нафақат уларни қўлланиш амалиёти нуқтаи-назаридан баҳо беришади. Агар бундай амалиёт ҳуқуқда ёзиб қўйилганига нисбатан фарқ қиладиган бўлса, унда бу ёшларда ҳуқуқий кўрсатмаларнинг шунчаки расмий нарса эканлиги тўғрисидаги тасаввурни, “ҳа, қонун - бошқаю, ҳаёт - бутунлай бошқа”, деган фикрни ҳосил қилиши мумкин. Шу жиҳатдан олганда, мактаб ўқувчиларининг жамоат жойида беадаб сўкиниш ҳуқуқбузарликка кирадими, деган саволга берган жавоблари ибратлидир. Саккизинчи синф ўқувчиларининг 14 фоизи, тўққизинчи синф ўқувчиларининг 15 фоизи ва ўнинчи синф ўқувчиларининг қарийб 19 фоизи бундай қилиш ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди, деб жавоб беришган. Сўралган болаларнинг 55 фоизи балогатга етиш ёши нечадалигини, 28 фоизи фуқаронинг неча ёшдан бошлаб оғир жиноятларни содир қилганлик учун жиноий жавобгарликка тортилишини билишмайди, ўқувчиларнинг 26 фоизи алкохолдан ёки гиёҳванд моддалардан маст бўлиш ҳолатини айбни юмшатадиган ҳолат деб ҳисоблашади. Бундай қараганда бу натижалар ғалати туюлади, чунки ўнинчи синф ўқувчилари саккизинчи синф ўқувчиларига нисбатан бундай хатти-ҳаракатларнинг ахлоққа зидлигини анча аниқроқ тушуниб етиши лозим. Бироқ жавоб бериш сабабларига эътибор қилайлик: “Биз бунинг учун жавобгарликка тортишганини кўрмаганмиз”, “Катталар ҳам сўкинишмасин-да”, “Кўз олдимизда сўкинишган, сўкинишганда ҳам у ёғи - бу ёғи йўқ”. Шундай бўлиб чиқадики, ёшларнинг ёши ва маълумоти қанчалик юқори бўлса, улар ўзларига дарслар, лекциялар, суҳбатлар орқали маълум бўлган қоидаларни ҳаётдаги мавжуд фактлар билан шунчалик кўпроқ таққослаб боришар экан.

Шундай қилиб, ҳуқуқий тарбияни фақат ҳуқуқий таълим билан чеклаб қўймаслик керак, тарбиянинг роли зарур бўлганида ҳуқуқий амалиётни ҳам ўзгартира билиш, уни оқилона изоҳлаш, қонун бузишларнинг аниқланиши ва бартараф этилиши учун барча мумкин бўлган чора-тадбирларни қабул қилишни ҳам ўз ичига олиши зарур. Акс ҳолда ҳеч қандай оғзаки панд насиҳат ва суҳбатлар ёшларга уларнинг кўзи олдида жазосизлик ҳолатида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар етказадиган зарарни барҳам топтира олмайди.

Амалдаги ҳуқуққа муносабатлар ва ҳуқуққа қўйиладиган талаблар ҳамда ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар, сиёсий ва бошқача қарашлар, шунингдек ижтимоий амалиётнинг умумий таъсири остида шаклланади. Бунда ҳуқуққа муносабат ва унга қўйиладиган талаблар - турли элементлардир. Масалан, турли шахслар ҳуқуқий меъёрга нисбатан норози муносабат бирдиргани ҳолда уларнинг

ҳуқуқий талаблари ҳар хил бўлиши: бировлар унинг қатъийлаштирилишини, бошқалар эса юмшатилишини талаб қилиши мумкин.

Шунингдек, ҳуқуққа муносабатни ва ҳуқуқий кўрсатмаларнинг ижро этилишига муносабатни чегаралаш керак бўлади. Масалан, киши қайсидир ҳуқуқий меъёрни тўғри деб ҳисоблаши, лекин ўзи учун фойдали бўлмаганида муайян ҳолатларда уни ижро этмаслиги ҳам мумкин. Бошқа томондан олганда, аксинча бўлиши ҳам мумкин, киши муайян меъёрга рози эмас, лекин то қонун амалда экан унга бўйсунуши кераклигини билгани учун унга сўзсиз риоя этади. Қонуннинг ижро этилишига салбий муносабат ҳамиша ҳам қонуннинг ўзига ана шундай муносабат оқибаги бўлавермайди. Мабодо жиноятлар содир қиладиган шахслар ҳақида гапирадиган бўлсақ, уларнинг деярли ҳаммаси аслида жиноят ҳақидаги қонунлар меъёрларини зарур ва тўғри, деб ҳисоблашади. Бу - тушунарлидир. Чунки ҳар бир киши шахсий мол-мулкка эга ва унинг сақланишидан манфаатдор, ҳеч ким унинг ҳаётига, саломатлигига, қадр-қимматига жазосизлик билан тажовуз қилинишини хоҳламайди. Бироқ айтиб бериш пайтда кўпгина ҳуқуқбузарлар жиноят ҳақидаги қонунда ёзилган меъёрларни ўзининг шахсий манфаатлари ва фойдаси йўлида бемалол бузиши мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Ҳуқуқий тарбияни амалга оширишда ёшларни нафақат ҳуқуқ билан таништириш ва унга нисбатан тўғри муносабатни шакллантириш муҳим, шу билан бирга уларда ҳуқуқий кўрсатмаларга сўзсиз амал қилиш зарурлигига ишончни тарбиялаш, тарбияланувчилар онгига демократик қонунчилик принципларига нисбатан чуқур ҳурматни сингдира бориш лозим.

Ҳуқуқий онгнинг юқорида санаб ўтилган барча элементларини эътиқодлар ана шу эътиқодларга мувофиқ амал қилишга тайёрлик даражасида шакллантириш зарур. Бунга таълим, шу жумладан, тегишли ҳуқуқий билимлар ва тасаввурлар эмоционал жиҳатдан мустаҳкамланадиган, амалий тажрибада ишлатиладиган қўлланма тусини оладиган ҳуқуқий таълим жараёнида эришиш мумкин. И.А.Каримов шундай таъкидлаган эди: “Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда (таълимда) намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлоднинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади. Ёшлар, уларнинг иқтидорлиги ва билим олишга чанқоқлигидан таълим ва маънавиятни тушуниб етиш бошланади”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -82-бет.

Маънавиятнинг англаниши маънавий тарбия жараёнида сингдириб борилади. Бунда ушбу тарбиявий йўналиш нафақат тегишли ахлоқий қарашлар сингдириладиган жараён тарзида, шу билан бирга киши бундай тегишли қарашларни шахсан чуқур ўзлаштириб оладиган тарзда кечади. Бунда инсон бундай қарашларга ихтиёрий равишда риоя этади ва унинг қонуний, маънавий хулқ атвори устидан назорат қандай йўлга қўйилганлигига асло боғлиқ бўлмайди. Табиийки, бу тарздаги вазифа тарбиявий илмнинг ҳамма йўналишлари, шу жумладан, ҳуқуқий тарбия учун ҳам универсал аҳамият касб этади, у қўйиладиган талабларнинг янада юксак даражасини англатади ва бундай бўлиши бежиз эмас. Шунини эътироф этиш керакки, кейинги йилларда жиддий ютуқларга эришилди, бироқ асосан ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарғибот соҳасида шундай бўлади. Ҳуқуқий тарбия эса бир вақтнинг ўзида таълимни, ўқитишни, хулқ-атвор, ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик эътиқодлари, одатлари ва малакаларини шакллантиришни ўз ичига олади.

Ҳуқуқий тарбияни ҳуқуқий таълимдан ёки фақат ҳуқуқшуносликни ўқитишдангина иборат деб билмаслик керак.

Шунини унутмаслик керакки, ҳуқуқий тарбия тарбиявий ишларнинг ҳамма жиҳатларини қамраб олиши, мактабларда биринчи синфдан бошлабқ амалга оширила бошлаши, ўқув юртларида ҳуқуқ билан бир қаторда бошқа фанларни (ўқиш, адабиёт, тарих, жуғрофия ва шу кабиларни) ўқитиш жараёнида, синфдан ташқари ишларда лекциялар, ҳуқуқшунослар билан учрашувлар, оғзаки журналлар, ёш ҳуқуқшунослар клублари, мактаблари ва бошқаларни ташкил этиш йўли билан ўтказилиши лозим.

Бунда ёшларнинг ўзининг ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришдаги юридик фаолиятининг ролини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Ана шу нуқтаи назардан олганда, ёшларнинг жамоатчилик тартибини сақлашда, демократик давлатда қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш ишида бевосита ва амалий иштирок этишлари ғоят муҳимдир. Тажирибада ҳуқуқий қоидаларни қўлланиш борасидаги амалий малака ва қобилиятларнинг шакллантирилиши ҳуқуқий тарбиянинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Шундай қилиб, маънавий онг, эстетик қарашлар сингари ҳуқуқий онг ҳам шахснинг турмуши, амалиёти жараёнида шаклланади.

Ҳуқуқий тарбияни боланинг кичик ёшидан бошлаб амалга ошира бошлаш, ҳуқуқий ахборотларнинг биринчи даражали тус олишига эришиш, шахснинг умумий дунёқараши ва ижтимоий йўналтирилганлигининг таркибий қисми сифатидаги ҳуқуқий қарашлари ва дастурлари асосларига негиз яратиш айниқса

муҳимдир. Ёш инсон келгусида унга қаратилган ҳуқуқий ва бошқа ижтимоий ахборотларни ана шундай дастурлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб қабул қиладиган ва тафаккуридан ўтказадиган, ўзининг ва бошқаларнинг ҳаракатларига баҳо берадиган, фаолиятини режалаштирадиган ва олдига аниқ мақсадларни қўйиш билан бир вақтда уларга эришиш воситаларини ҳам белгилайдиган бўлади. Агар ҳуқуқий тарбия кечиктириладиган бўлса, унда нафақат тегишли эътиқодлар, дастурларни шакллантиришга, шу билан бирга ўз-ўзидан қарор топиб улгурган салбий тусдаги эътиқодларни барҳам топтиришга ҳам тўғри келади. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, одамлар янги ахборотни онгидан ўрин олиб улгурган дастурлар, эътиқодлар нуқтаи-назаридан келиб чиқиб қабул қилишади.

## **2. Қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлашда ҳуқуқий тарбиянинг роли**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Комсомольская правда” муҳбири В.Фронин билан қилган суҳбатда халқ орасидаги “...янги уй қурмагунча, эскисини бузманг”, деган ҳикматли гапга асосланиб, шундай аниқ ва одилона фикр билдирган эди: “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма, дейишади бизда... Биз бирданига эски қонунларни тан олмай қўйдик, янгилари эса ҳали йўқ. Пайдо бўлганлари ҳам мутлақо амал қилмаяпти... Қонун ҳамма нарсадан устун туриши керак... Бизда қонунни ҳурмат қилишдек оддий туйғунинг ўзи йўқ... Энг муҳими - қонунийликни ҳурмат қилишдир”<sup>1</sup>.

Халқнинг хоҳиш-иродаси ва манфаатларини ифодалайдиган, ижтимоий тараққиётнинг объектив қонунияларига мувофиқ бўлган яхши қонунларга эга бўлишгина эмас, шу билан бирга уларга сўзсиз риоя этилишига ҳам эришиш ниҳоятда муҳимдир. Қонунларнинг ижро этилиши қуйидагича бутун бир тизимли кафолатлар: иқтисодий, сиёсий, юридик ва мафкуравий кафолатлар мавжуд бўлганидагина реал бўлади. Мафкуравий кафолатлар: фуқароларнинг миллий маънавиятнинг қайта тикланиши негизда тарбияланиши, уларнинг маърифий, маданий, онглилик даражасини ўстиришдан иборат. Улар қонунлари бутун халқнинг хоҳиш-иродасини ифодалайдиган ва айрим фуқаролар манфаатларига антагонистик тусда қарши турадиган қондалардан холи бўлган демократик давлатни барпо қилиш шароитида алоҳида аҳамият касб этади. Ривожланиб бораётган демократик жамиятнинг қонунлари характерининг ўзиёқ

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. - Т.: Ўзбекистон, 1996. -141-142-бетлар.

уларга ихтиёрий тарзда ва сўзсиз риоя этилиши ва ижро қилинишини тақозо этади.

Агар қонунларнинг ижро қилинишини таъминлашнинг ишонтириш ва мажбурлаш каби усулларининг нисбати ҳақида гапирадиган бўлсак, унда шуни эътироф этиш керакки, эркин демократик жамиятда ҳуқуқий тарбия жараёнида шакллантириладиган, муайян ҳолатларда маънавий онг нуқсонларининг намоён бўлишини бартараф этишга ёки маънавий тасаввурга ўзгартиришлар киритишга қодир бўлган эътиқод ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Юқорида қайд қилинганидек, фуқароларнинг қонунларнинг ижтимоий моҳиятини, зарурлигини ва далолатлилигини англаб етишлари мустақил, демократик, инсонпарвар давлатни барпо этиш шароитида қонунчиликнинг таъминланишида биринчи даражали аҳамиятга эга, лекин уларнинг ҳуқуқий кўрсатмаларини ижро қилмаганлик учун жавобгар бўлиши ҳақида хабардор қилиниши, қонунни бузувчи муқаррар равишда давлатнинг мажбурлаш усулига дуч келишини англаб етиши ҳам муайян алоҳида аҳамият касб этади.

Ёшларнинг ахлоқий ва унга мувофиқ бўлган ҳуқуқий талаблари шахсий хулқ-атвор меъёрлари даражасига етмаган, унда ҳар доим маънавий жиҳатдан тўғри ва қонунга итоаткорлик билан иш тутиш бўйича ички эҳтиёж ҳосил бўлмаган ҳолларда бу айниқса муҳимдир. Ҳуқуқ, бошқа ижтимоий меъёрлардан фарқли равишда, уни бузишлардан давлатнинг мажбурлаш тусидаги чора-тадбирлари воситасида ҳимоя қиладиган ва ҳатто, ўсмир ўзининг шахсий манфаатлари йўлида қонунни қурбон қилишга тайёр турган ҳолларида ҳам унинг хулқ-атвориغا ғоят самарали таъсир кўрсатишга қодир бўлади. Бироқ ҳуқуқбузарликнинг қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англаб етиш ёшларни ҳуқуқбузарликни содир қилишдан ўзини тутишга мажбур этиши мумкин.

Баъзан шундай савол берилади: ёшлар содир этадиган ҳуқуқбузарликларнинг кўпчилиги уларнинг қонунларни билмаслиги оқибатида юз берадими? Бу саволга жавоб бериш анча мураккаб. Агар фақат ўсмирлар жиноятларни содир этишда аслида бунинг билан жамият ва давлат қоралайдиган қилмишларга йўл қўйганлигини билмаган, яъни ўз хатти-ҳаракатларининг салбий баҳолалиниши мумкинлиги юзасидан адашган ҳоллар назарда тутиладиган бўлса, унда улар камдан-кам учрайди. Кўпинча бошқа ҳолатлар юз беради: ўсмирлар бундай қилмишнинг қораланишини билишади, лекин бундай қораланишнинг қай даражада бўлишини тасаввур этишмайди. Қатор ҳолларда вояга етмаган ҳуқуқбузарлар жиноят ҳақидаги қонунлар устидан ҳатлаб ўтар экан, бунда

ноахлоқий ҳаракат билан ҳуқуққа зид қилмиш ўртасидаги, жиноят билан бошқа ҳуқуқбузарликлар ўртасидаги чегара қаерда бўлишини англаб етишмайди. Ҳолбуки, йўл қўйилган қилмишнинг характери ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиш кутиладиган жавобгарлик даражасини тўғри белгилаш имкониятини беради.

Шу жиҳатдан олганда, ўртоқларига қўшилиб, сабзавот базасидан бир неча қути олма ўғирлашда айбланган ёшлар билан судья ўртасидаги суҳбат ибратлидир. Ўсмирлар олма-ларнинг бир қисмини шунчаки тарқатиб чиқишган, қолганларини эса паст баҳода сотиб юборишган ва тушган пулларни таксида сайр қилишга ишлатишган.

- Сизлар нима учун ўғрилик қилдингизлар?
- Ҳаммага қўшилиб мен ҳам бордим.
- Сиз жиноят қилаётганингизни билармидингиз?
- Шуям жиноят бўптими? Бор-йўғи шўхлик-ку.

Кўриниб турганидек, ўсмирлар бундай “шўхлик” учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 114-моддаси 2-қисмига кўра жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда (бир гуруҳ шахслар томонидан) содир қилинган давлат мулкани ўғирлаш сифатида белгиланиб, бунинг учун олти йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум этиш шаклидаги жазога тортиш назарда тутилганини билишмаган. Уларнинг айримлари бу атиги шўхлик-ку, демак бунинг учун койиб, уришиб қўя қолишади, деб: бошқалари эса, буни нари борса майда безорилик дейишар, деб ўйлашган. Майда безорилик, маълумки, жинойий жавобгарликка сабаб бўлмайди. “Жуда бўлмаганида 15 сутка ўтириб чиқамиз-да”, - улар шундай деб қўя қолишган.

Бундай ҳаракатларнинг содир қилинганлиги учун жиноят ҳақидаги қонунларда жазо назарда тутилган. Бир ўсмир: “Мен ҳеч нарса қилганим йўқ, бор-йўғи ўртоғимдан пул сўрагандим”, - деб ўзини оқламоқчи бўлган эди. У “бор-йўғи сўраш”нинг бундай ҳолда товламачилик деб аталишини билмаган. Шундай бўлгач, уларнинг ҳар бирига алоҳида тарзда қилмишларининг қонун доирасида қандай тусга эга бўлишини тушунтириб ўтиришга тўғри келади.

Ҳаммага ҳам болалигидан бошлаб ўзганинг нарсасини олиш, жанжаллашиш, жамоат тартибини бузиш мумкин эмас, деб ўргатилади, лекин, афсуски, вояга етмаганлар ҳаммиша ҳам бундай умумий қоидаларни муайян вазиятларда қўллашни эплай олишмайди. Текширувлар шуни кўрсатадики, кўпгина ҳуқуқбузарлар учун нафақат ҳаракатлар характери, шу билан бирга, аввало, уларнинг сабаблари аҳамиятга эга бўлади. Ҳуқуқбузарларнинг жуда кўпчилигининг фикрича, учига чиққан дилозорни калтаклаш - бу жиноят эмас, қариндош-уруғининг пулларини ўғирлаб қўйиш ҳам

жиноятга қирмайди, уларнинг ўйлашича, қизиққанлиги, коллекция қилмоқчилиги мақсадида турли радиодеталлари, нодир маркалар ва бошқа буюмлар ва шу кабиларни ўғирлаб олиш ҳоллари ҳам ҳуқуққа зид ҳолларга тегишли бўлмайди. Бундай ҳуқуқбузарлар одатда куйидагича фикр юритишади: “Мен радиоприемник йиғаяпман, бу яхши иш. Дўконларда менга керакли радиодеталлар йўқ бўлса, бу менинг айбим эмас-ку. Давлат бундай деталларни кўпроқ чиқариши керак. Агар мен заводда ўзимда етишмаётган бир неча деталларни олган бўлсам, буни қилишга мажбурлигимдан шундай қилдим”. Бундай схеманинг хатолиги, яққол боқимандаликни пайқаб олиш қийин эмас: менга тахт қилиб беришлари шарт эди, шундай қилишмадимми - унда “давлат ўзидан кўрсин”. Бундай нуқтаи назар қонундан анча йироқ, ҳуқуқбузарлик содир қилувчи кўпгина вояга етмаганлар айна шу нарсани тушуниб етишмайди.

Кўпинча ўсмирларнинг жиноятлари нафақат муайян ҳуқуқий кўрсатмалар - хулқ-атвор қоидаларини, шу билан бирга ҳуқуқий жавобгарлик тамойиллари, унинг характери ва миқдорларини билмаслик билан ҳам боғлиқдир. Масалан, кўпгина вояга етмаганлар ўртасида шундай бир қараш кўп тарқалганки, унга кўра бундай болаларнинг жиноятлари учун уларнинг ўзлари эмас, балки, аввало, ота-оналари, педагоглар ва бошқа катта ёшдаги кишилар жавоб беришади. 2000 ўқувчига, уларнинг фикрича, вояга етмаган боланинг безорилик ҳаракатлари учун ким жавоб бериши керак, деган савол берилди. Уларнинг 50 фоизи республикада қонун қабул қилиш ҳуқуқига эга орган ҳақидаги саволга тўғри жавоб бера олишмади. Ҳар ўн боладан бири Ўзбекистон Республикасининг БМТга кирадиган мустақил давлат сифатидаги ҳуқуқий мақомини билишмайди. Сўралганларнинг 29 фоизи Тошкент шаҳрида ижрочи-фармойиш берувчи ҳокимиятни нотўғри белгилашган. Уларнинг 15 фоизи қандай органнинг ҳукмлар чиқариш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақидаги саволга жавоб бера олишмади. Сўралган болаларнинг 17 фоизи эса “Вояга етмаган боланинг ўзи”, деб жавоб қилишди. Аслида эса 14-17 ёшдаги ўсмирлар тўғрисида гап бораётган эди. Улар катталарнинг тарбияланувчи содир қилган жиноят учун эмас, балки унинг хулқ-атворини лозим даражада назорат қилишмагани, мабодо тарбиялаш жараёнида қандайдир хатога йўл қўйилган бўлса, унда ана шу хатолар бўйича шахсий айби учун жавоб беришларини тушунишмаган. Жиноят учун ўсмирнинг ўзи жавоб беради. Айна шундай саволга вояга етмаган ҳуқуқбузарлар бошқача тарзда жавоб беришган. Уларнинг 60 фоизи кимки безорилик ҳаракатларини содир этган бўлса, шу шахснинг ўзи жавобгарликка тортилади, деб жавоб қилишган.



Шуниси муҳимки, ҳуқуқ ва ҳуқуқий жавобгарлик ҳақидаги тўғри тасаввур ўз вақтида, жиноят содир қилинганидан кейин эмас, балки у содир қилинмасидан аввал ҳосил қилиниши керак ва ўсмир учун унинг жинояти сабабли жиноий жавобгарликка тортиш жараёнида дуч келадиган адвокатлар, терговчи, прокурор, суд ҳуқуқий ахборотни олиш манбаи бўлиб қолмаслиги лозим. Вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг ҳуқуқий ахборотни олиш манбаи сифатида “ўз гарданимда синаб кўрганман”, деб кўкрагига муштлайдиган шахсларни кўрсатиши даражасига етиб бориш эса мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир. Бу, табиийки, улар ўртасида олиб бориладиган ҳуқуқий-тарбиявий ишлардаги нуқсон, албатта.

Шахснинг эҳтиёжлари, қизиқишлари, маънавий қарашлари ва қадриятларга оид йўналтирилганлиги бузилган ҳолларда ҳуқуқий билимлар ва тасаввурлардаги нуқсонлар, айниқса, сезиларли акс этади. Турли сабабларга кўра маънавий онг “фаолият кўрсатмайдиган” жойда ҳуқуқий онг қонунга итоаткор хулқ-атворнинг ягона тартибга солиб турувчиси бўлади; у ёш инсон кўнглида пайдо бўладиган қонуний ва ҳуқуққа зид хоҳиш-истакларни чегаралаб туради, тегишли хоҳиш-истакни амалга ошириш натижасида содир бўлиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисида тасаввурларнинг тўғри шаклланишига кўмаклашади. Маънавий онг хулқ-атворнинг сабабларни излаш жараёнига кераклича таъсир кўрсатадиган жойда ҳуқуқий онг бундай таъсирни янада кучайтиради.

Ҳуқуқ ёшлар учун уларнинг ҳар бирига бевосита тааллуқли бўлган реалликка айланиши ва уларни ўзларининг хатти-ҳаракатларини, хоҳиш-истакларини, режаларини нафақат жамиятимизнинг сиёсий ва ахлоқий меъёрлари, қариндошлар ва яқинларининг талабларига, шу билан бирга давлатнинг кўрсатмаларига ҳам қараб ўлчашга ўргатиш зарур.

Демократик ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш соҳаси кенгайиб, ижтимоий бошқарувда ҳуқуқий асослар чуқурлашиб, ҳуқуқнинг нуфузи ортиб бораётган ҳозирги вақтда бу алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳуқуқ инсон турмушининг ҳамма жиҳатларига тегишли бўлиб, уни бутун ҳаёти давомида ва бу қанчалик мантиққа зид келмасин, ундан кейин ҳам у билан ҳамшиша ёнма-ён юради. Ҳали гўдак дунёга келмасидан олдин ҳуқуқ бўлғуси онанинг саломатлиги ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш, янги фуқаронинг зарур шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини таъминлаш билан уни ҳимоя этади.

Ҳуқуқ никоҳ-оила муносабатларини, таълим, меҳнат, дам олиш, соғлиқни сақлаш, уй-жойлардан фойдаланиш, ерлардан, сув, бошқа табиат бойликларидан фойдаланиш, турли товарларни сотиб олиш,

буюмларни ижарага олиш, фуқароларнинг ўзларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши ва яна кўплаб бошқа нарсаларни тартибга солиб туради.

Демократик, инсонларварлик жамиятининг ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш янги Конституция, (соғлиқни сақлаш, табиатни муҳофаза этиш ҳақидаги ва бошқалар) қонунларнинг қабул қилиниши, бошқарув соҳасида демократик ислоҳотларнинг бир тартибда ривожлантирилиши, давлат стандартлари ва илгари бутунлай техник иш деб қаралган бошқа қондаларнинг қонун даражасига кўтариб қўйилишига сабаб бўлди.

Табиийки, ўсмирлар барча ҳуқуқий нормаларни ўзлаштириб олмасдан ўз давлатининг онгли ва масъулиятли фуқаролари бўла олмайдилар.

Ҳуқуқий-тарбиявий ишлар, ҳуқуқий онгнинг қонунларнинг аниқ ижро этилиши ва рия қилинишини таъминлаш билан боғланиш механизми мураккабдир. Жумладан, ҳуқуқбузарликлар аҳволи нафақат нолайқ тарздаги эҳтиёжлар, қадриятлар, маънавий ва ҳуқуқий қарашлар ва шу кабиларга эга, яъни ҳуқуқбузарликларни содир этишга тайёр қанча шахсларнинг мавжудлигигагина эмас, шу билан бирга бошқа фуқароларнинг ҳуқуқбузарликларга қарши курашдаги фаоллиги даражасига, уларнинг бундай ҳуқуқбузарликларга нисбатан қандай муносабатдалиги ва қандай муносабат билдиришга тайёрлигига ҳам боғлиқдир. Агар атрофдагилар ҳуқуқбузарликка нисбатан пассив позицияда бўладиган ёки, ҳатто, қариндоши ёки таниши жиноят содир қилгани ҳолда уни аввало қонунда назарда тутилган жавобгарликдан “асраб қолиш”га уринадиган бўлсалар, табиийки, бундай ҳолларда ҳуқуқбузарлар талтайиб кетишади ва янги-янги жиноятлар қилишдан чўчишмайди. Шунинг учун ҳуқуқий тарбия нафақат кишиларни ҳуқуқбузарликларни содир қилишдан тугиб туриш билан уларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини таъминлаш, шу билан бирга ҳуқуқбузарликларга нисбатан тоқат қилиб бўлмаслик муносабатини шакллантириш вазифасини ҳал этиши, фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини оширишга, уларни ўз вақтида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва оғоҳлантириш ишига бош қўшишга кўмаклашиши керак. Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси қонунларни ҳимоя қилиш борасида айнан шундай фаолликни тақозо этади.

### 3. Ҳуқуқий тарбиянинг хусусиятлари ва вазифалари

Ҳуқуқий тарбия ўз тарихига эга бўлиб, қонунларнинг аниқ ижро этилишига таъсир кўрсатишга қодир, сиёсий тузилишидан қатъи назар ҳамма давлатлар ундан манфаатдор.

Маълумки, қадимги Юнонистон (Греция) ва Римда болалиқдан бошлаб фуқароларга қонунлар ўргатилган. Рим давлатида 14 ёшгача бўлган болалар қонунларнинг 12 жадвалини ёд олганлар. Эрамиздан олдинги III аср бошларида мавжуд бўлган ва бизгача етиб келган “Фуқаро Херсонеснинг қасамёди”да, жумладан, шундай дейилади: “Мен фуқароларнинг ҳеч бирига нисбатан ҳеч қандай адолатсиз ишни ҳаёлимга келтирмайман... ва бунақа ишга йўл қўймайман, уни яширмайман ҳам, лекин уни суд эътиборига етказаман ва судда қонунларга мувофиқ овоз бераман”. Бу ўринда гап нафақат қонунларга риоя этилиши ҳақида, шу билан бирга ёшларнинг ва бошқаларнинг қонунларни бузишларини фош қилишга жалб этилиши тўғрисида ҳам борган.

Ҳуқуқий тарбия муаммолари Франция, Италия, Буюк Британия, АҚШ каби мамлакатларда ҳуқуқий тарбия масалалари доимо диққат марказида бўлиб, унинг кўп муаммолари ҳал этилган. Бунда ҳар доим ҳуқуқий тарбиянинг айнаи бир вақтда ўсиб келаётган авлодга ҳам сиёсий, ҳам маънавий таъсир кўрсатилиши эканлигини тушуниб етиш намоён қилинган ва ҳатто таъкидлаб ўтилган. Масалан, Францияда 1879 йилда жорий қилинган мактабларда ахлоқ ва ҳуқуқнинг ўқитилиши “фуқаро”, “мамлакат”, “аскар”, “қонун”, “жамият”, “адолат” каби ва бошқа бир қатор шундай сўзларнинг маъносини тушунтириб беришдан бошланган. Болалар 9-11 ёшида давлат қурилиши, шунингдек, ҳарбий хизмат, солиқлар ва шу кабилар ҳақида оддий тасаввурларга, кейинроқ эса - давлат ва ҳуқуқ тўғрисида анча батафсил маълумотларга эга бўлишган.

Сиёсат - иқтисодиётнинг умумлаштирилган ифодаси, дейиладиган бўлса, ҳуқуқ тўғрисида у сиёсат, иқтисодиёт ва шу давлатда бўлган ахлоқнинг умумийлаштирилган ифодаси, дейиш мумкин бўлади.

Ҳуқуқий тарбия ҳамиша давлатнинг сиёсат, иқтисодиёт ва ахлоққа нисбатан ўз нуқтаи назарини аҳолига аниқ етказиб бериш борасидаги энг ишончли йўл ҳисобланади. Ҳуқуқий нормалар ёзма шаклда ифодаланади ва шу тариқа одамлар у билан давлат томонидан таърифланганидек шаклда танишиш имкониятига эга бўлади.

Ўсиб келаётган авлод ҳуқуқий тарбиясининг хусусиятлари янги жамиятнинг ўз характери, турмуш тарзига асосланади. Уларнинг

ҳаммаси принципал жиҳатдан янги, янада мураккаб муаммоларни ҳал этиш заруриятини тақозо қилади.

Аввало, ҳуқуқий тарбия янги инсонни камол топтиришнинг самарали воситаси ҳисобланади. Қонунлар жамиятимизнинг энг муҳим ахлоқий нормаларини ифодалаш билан айни бир вақтда ушбу нормаларнинг нафақат эълон қилиниши, шу билан бирга реал таъминланишининг далили бўлиб ҳам хизмат қилади. Шу жиҳатдан олганда ҳуқуқ қудратли тарбия воситаси ҳисобланади.

Ҳуқуқий тарбия яна шунинг учун ҳам муҳимки, жамият қонунилари ўзининг далзарблигини сақлаб қоладиган илғор ва инсоний қоидаларни ўз ичига олган бўлади. Турган гапки, ўз моҳиятини йўқотган нормалар барҳам топади, лекин кўпгина нарсалар сақланиб ҳам қолади. Аввало, меҳнат интизомига, унинг самарадорлигини, унга нисбатан ижодкорона муносабатни таъминлашга, иқтисодий негизни мустаҳкамлашга, шахсий ва ижтимоий манфаатларнинг уйғун тарзда қўшиб олиб борилишига, одамларнинг бир-бирига дўстона муносабатда бўлишига тааллуқли ва шу каби қоидалар яшаб қолади. Энди улар ҳуқуқий норма, қонун сифатида бўлмайди. Одамлар тегишли қоидаларга амал қилишга ўрганишади, бу улар учун одат тусига киради. Ана ўшанда бундай қоидаларни қонуларда мустаҳкамлаб қўйиш ва уларни, мабодо бундай қоидаларга риоя қилинмаганида бунинг учун тегишли ҳуқуқий жавобгарликка жалб қилинади, деган кўрсатма орқали исботлаб қўйишга бўлган зарурият ўз-ўзидан барҳам топади. Бундай қоидалар энди маънавий тартибга солувчилар тарзида амал қилаверади.

Бундай ҳолатнинг иложи борича тезроқ пайдо бўлиши учун ёшларнинг диққат-эътиборини ҳар доим тегишли нормаларга қаратиб туриш, уларнинг моҳиятини кўрсатиб бериш зарур. Бундай нормаларни ижро этиш ҳар бир кишининг ички эҳтиёжига айлангунига қадар ҳуқуқий кўрсатмаларга риоя қилишни ўргатиш жараёнида шу билан бирга уларнинг давлат-ҳуқуқий табиатини, давлат томонидан мажбурлов чоралари қўлланиши мумкинлигини ҳам таъкидлаб туриш мақсадга мувофиқдир. Аниқ ва мажбурий ҳуқуқий нормалар билан таништириш бизнинг ҳуқуқимизда юксак сиёсий ва ахлоқий талабларга асосланган хулқ-атвор одатларини мустаҳкамлаш учун зарур. Шунинг учун ёш фуқароларнинг ҳуқуқий тарбиясига катта эътибор берилади. Ёшларда давлат-ҳуқуқий масалаларга ижодий муносабатни шакллантириш муҳим, чунки уларнинг келгусида давлатчилигимизнинг ривожлантирилиши ва такомиллаштирилиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишига тўғри келади. Фақат ана шундай муаммоларни ҳал қилиш ишида ҳуқуқий

тартибга солишнинг асосий принциплари билан таниш, қонунчилик тўғрисида тасаввурга эга, Конституцияни биладиган, ўз давлати ва ҳуқуқи, қонунни ҳурмат қилиш руҳида тарбияланган кишилар иштирок этсагина муваффақиятга эришиш мумкин. Шунинг учун унутмаслик керакки, тарбияланувчиларнинг вояга етмаганлик ёши - вақтинчалик ҳол, эртага улар катта ёшдаги кишиларга айланадилар, жамиятимиз ва давлатимизнинг равнақ топиши уларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси “узоқни кўзлаган” бўлиши, уларнинг нафақат бугунги кундаги ҳуқуқий ҳолатини, шу билан бирга катта ёшдагиларнинг эртанги кундаги ҳуқуқий ҳолатини ҳам ҳисобга олган ҳолда қурилиши лозимки, бунда мустақил суверен давлатнинг барпо этилишини давом эттирувчи катталар назарда тутилмоғи керак. Шу сабабли ёшларни шунчаки “қонуннинг формал талқини” билан таништириб қолмасдан, уларга бирмунча алоҳида тусдаги масалаларнинг ҳал этилишига асос бўладиган асосий ҳуқуқий тамойиллар тўғрисида ҳам тасаввур берилиши кераклигига жиддий эътибор берилиши бежиз эмас.

Ривожланиб бораётган демократик жамият шароитида, юқорида қайд қилиб ўтилганидек, ёш инсонларнинг юксак ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини шакллантириш, уларнинг турли ҳуқуқбузарликларга қарши, қонунчилик ва ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш учун курашда мустақил иштирок қилишига эришиш гоят муҳимдир.

Ёшларни ҳуқуқбузарликларга қарши қонунларда белгиланган тартибда курашишга ўргатиш зарур. Бу ишда ҳокимликлар, касаба уюшмалари, Ўзбекистон ёшлари, жамоат ташкилотлари, Ўзбекистон халқ-демократик партияси фаол иштирок этмоқдалар.

Янги инсонни камол топтириш ва ҳуқуқий тартибни таъминлаш ёшлар ҳуқуқий тарбиясининг умумий вазифалари ҳисобланади. Бироқ ҳуқуқий-тарбиявий фаолият самарадорлигини ошириш манфаатлари бундай фаолият йўналишлари ва мазмуни ҳақида янада батафсил тасаввур ҳосил қиладиган бирмунча алоҳида вазифаларнинг ҳам ажратиб кўрсатилишини тақозо этади. Улар қуйидагилардир:

*биринчидан*, давлат ва ҳуқуқ масалаларига доир билимларнинг зарур тизимини шакллантириш, ҳуқуқнинг жорий ва долзарб масалалари юзасидан хабардор қилиш.

*иккинчидан*, давлат ва ҳуқуқ, қонунийлик принципларига нисбатан ҳурматни шакллантириш.

*учинчидан*, қонунга мувофиқ хулқ-атвор кўникмаларини сингдириш.

*тўртинчидан*, фаол фуқаролик позициясини, ҳар хил ҳуқуқбузарликларга нисбатан тоқатсизлик муносабатини тарбиялаш.

*бешинчидан*, қонунда белгиланган тартибда ўзининг, давлат, жамият ва бошқа шахсларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини фаол ҳимоя қилишга эҳтиёжни ва бундай қобилиятни шакллантириш.

*олтинчидан*, давлат ва ҳуқуққа нисбатан нотўғри қарашларга қарши тура билиш, уларни фаол ва ишонарли тарзда фoш қилиш қобилиятини сингдириш.

Билимлар хусусида гапирганда, бу ўринда, аввало, ёшларга билимларни қандай ҳажмда етказиш керак, деган савол кўндаланг бўлади. Назаримизда, умумий таълим мактаби доирасидаги ҳуқуқий тарбия биринчи навбатда вояга етмаганларни улар ҳозирда ижро этаётган ва келгусида бажариши лозим бўлган умумий ижтимоий ролларни (давлат фуқаролари, оила аъзоси, ўқувчи, ишчи, хизматчи ёки жамоа хўжалиги аъзоси, уй-жой, хонадон ижарачиси ёки эгаси, фуқаролик-ҳуқуқий битимлари: олди-сотди, ижара битимлари субъектлари ва ҳ.к.) адо этишга тайёрлашга хизмат қилиши керак.

Ёшлар бевосита уларга тегишли бўлган Умумий ўрта таълим мактаби низоми; Ўқувчилар учун қондалар; Болалар ва ўсмирларнинг жамоат жойларидаги хулқ-атвор қондалари; болалар билан ота-оналар муносабатларини тартибга соладиган никоҳ-оила ҳуқуқи нормалари; соғлиқни сақлаш ҳақидаги қонунлар; Фуқаролик қонуни; жиноят ҳақидаги қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни билишлари лозим. Ўсмирлар катта бўлганларида уларнинг ҳуқуқий аҳволи ўзгаради. У пайтда уларга, масалан, никоҳ-оила ҳақидаги қонунларнинг никоҳдан ўтиш, эр билан хотиннинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тартибга соладиган нормалари; фуқаролик ҳақидаги қонунларнинг уй-жой майдонидан фойдаланиш тартибига тегишли нормалари тааллуқли бўлади ва ҳоказо. Вояга етмаганларни бундай ижтимоий ролларни бажаришга ўз вақтида тайёрлаб бориш зарур.

Турли касблар ва лавозимларга тегишли специфик ҳуқуқий қондалар хусусида гапириладиган бўлса, улар билан ёшларни касбий тайёргарлик жараёнида таништириш мақсадга мувофиқ. Ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари, ҳар хил малака ошириш курсларидаги ҳуқуқий тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари ана шундан иборат бўлади.

Ҳуқуқий тарбия табақалаштирилган тарзда ёндашувни, нафақат ёш ва бўлғуси мутахассисликни, шу билан бирга жинсни, яшаш жойини, ижтимоий-психологик хусусиятлар, шу жумладан, қайси миллатга мансублик билан боғлиқ хусусиятларни ҳам ҳисобга олишни тақозо этади. Турган гапки, қиз болаларга қўшимча равишда аёл-қизларнинг ҳолатини тартибга соладиган жинсий нормаларни

ўргатиш лозим. Ҳар бир республика қонунларининг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжудки, уларни ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади.

Ёшларга амалий тусдаги назарий билимлардан ташқари, давлат ва ҳуқуқ ҳақида муайян ҳажмдаги назарий маълумотларни бериш, тушунчалар моҳиятини, бундай тартиботларнинг ижтимоий аҳамиятини, мустақил, демократик давлат ва ҳуқуқнинг эксплуатациячилик тусидаги давлат ва ҳуқуқдан принципиал фарқ қилишини тушунтириш, давлат типлари ва шакллари, ҳуқуқ тармоқлари тўғрисида тасаввур бериш ҳам муҳимдир. Кейинчалик ёшлар ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари билан танишиш чоғида ҳуқуқнинг умумий тизимидаги ўз ўрнини тўғри тасаввур қилиш имконига эга бўлади.

Бунда фақат демократик ҳуқуқни ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни тавсифлайдиган ўзига хос принциплари: қонуннинг демократик тузум, меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя этишга бўйсундирилиши; қонунийлик; адолатлилик; тенг ҳуқуқлилик; ҳуқуқлар билан мажбуриятларнинг мустаҳкам алоқадорлиги; ишонч-эътиод билан мажбуруловнинг қўшиб олиб борилиши; айб учун жавобгарлик; ҳар бир кишининг қонунийликни таъминлашда фаол иштироки каби принципларнинг мазмунини очиб бериш ғоят катта аҳамият касб этади.

Ҳуқуқлар билан мажбуриятларнинг мустаҳкам алоқадорлиги принципи муҳим принциплардан бири бўлиб, бир тоифадаги кишилар ҳуқуқлари бошқа тоифадаги кишиларнинг мажбуриятлари билан ҳар доим ўзаро алоқадор бўлган суверен, демократик давлат қонунларида анча тўлиқ мужассамлашган. Бир кишининг ҳуқуқига қайсидир бошқа кишининг мажбурияти мувофиқ келмаса, унда бундай ҳуқуқ нореал ҳуқуқ бўлади ва “ҳавода муаллақ ҳолда осилиб қолади”. Масалан, агар фуқаронинг дам олиш ҳуқуқига маъмуриятнинг таътил тақдим этиш мажбурияти мувофиқ бўлмаса, унда бундай ҳуқуқ қуруқ баёнотдан иборат бўлиб қолган бўларди. Одамларнинг ўз мажбуриятларини билишига ва айни бир вақтда ўз ҳуқуқларини аниқ тасаввур қилишлари, уларни ҳимоя қила билишларига ҳам эришиш зарур. Ана шунда аниқланмай қолган ва жазо олмаган ҳуқуқбузарлик фактлари анча камаяди. Шунинг учун ёшларнинг диққат-эътиборини нафақат мажбуриятларга қаратиш, шу билан бирга уларни қонун билан тўлиқ ҳажмда: ҳам ҳуқуқлар, ҳам мажбуриятлар томонидан таништириш ниҳоятда муҳимдир. Бу фуқароларнинг юксак ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини шакллантириш, уларнинг жамиятнинг бошқа аъзолари билан мустаҳкам ўзаро алоқадорликда эканликларини англаб етишининг ғоят муҳим йўлидир.

Ёшларнинг келгусида қонунларни такомиллаштиришда, давлат ишларини бошқаришда онгли равишда ва фаол иштирок этишлари учун уларни, шунингдек қонунларни қабул қилиш, қонун лойиҳаларининг пайдо бўлиши ва муҳокама қилиниши тартиби, давлат органларининг тузилиши ва вазифалари, фуқаролар шикоят ва таклифларининг кўриб чиқилиши тартиби билан таништириб бориш керак бўлади.

Давлат ва ҳуқуқнинг, ижтимоий аҳамияти ва мазмунини тўла ва тўғри очиб бериш уларга нисбатан ҳурмат-эътиборнинг шаклланиш учун негиз бўлиб хизмат қилади. Ўсмирлар қонуннинг қуруқ ва формал қоидалар йиғиндиси эмас, балки ҳаётий вазиятларнинг ранг-баранглиги ва мураккаблигини ҳисобга оладиган адолатли ва зарур нормалар эканлигини англаб олиши лозим.

Қонуний ҳулқ-атвор эҳтиёжлари ва кўникмаларини тарбиялаш жамоада қонунга қатъий риоя этилишига асосланадиган муносабатлар шакллантирилишини тақозо этади ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқий тартибни ҳимоя қилишга доир актив фаолиятига жалб этилганида энг юксак самара беради. Ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатларнинг жазосиз содир қилиниши ҳоллари кенг тарқалган муассаса ва жамоада бундай тарбия муваффақият келтирмайди. Ҳар бир вояга етмаган бола, аввало, ахлоқ ва ҳуқуқ нормаларидан ҳар қандай орқага чекиниш қонунларда назарда тутилган жазога сазовор бўлишига ошончи комил бўлиши керак. Биринчи навбатда тарбиячиларнинг ўзлари қонунларга сўзсиз амал қилиш намунасини кўрсатишлари лозим. Шу жиҳатдан олганда, жиноятларни (ўқувчиларнинг пуллари ўғирланиши, тан жароҳатлари етказилиши ва ҳ.к.) яшириш ҳоллари катта зарар етказилади.

Ҳуқуқий-тарбиявий ишларда тор манфаатпарастлик тусидаги маслаҳатлар ва бошқача ҳолатлар ролини бартараф этиш, уларга нисбатан кескин салбий муносабатни шакллантириш, вояга етмаганларни юксак ахлоқий ва ҳуқуқий принципларнинг фаол тарғиботчилари, уларни ҳаётга татбиқ этиш учун изчил курашчиларга айлантириш муҳимдир. Ўсмирлар нафақат ҳуқуқий тарғиботни, шу билан бирга қарши тарғиботни ҳам юритиш қобилиятига эга бўлишлари лозим.

Тарбиячилар, шунингдек, ўсмирларнинг янги ҳуқуқий ҳужжатлардан ўз вақтида хабардор қилинишига, ҳуқуқий аҳамиятга эга турли воқеаларга оператив тарзда муносабат билдиришларига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг амалдаги ишларнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилишига эътиборни қаратишлари керак.



Агар ўсмирлар айрим мансабдор шахслар фаолиятидаги қонун бузишлар ҳақида ҳикоя қиладиган бўлишса, унда бундай ҳолатни мавжуд эмас деб ёки бунинг ўқувчиларга тааллуқли жойи йўқ, деб иш қилиш тўғри бўлмайди. Аксинча, бундай фаолиятнинг суверен, ҳуқуқий давлат позицияларига зид келиши, айбдор шахслар эса жавобгарликка тортилишини намоёиш қилиш катта аҳамият касб этади. Вояга етмаганлар ўзларини қизиқтирадиган барча саволларга аввало ўз тарбиячиларидан жавоб олишлари лозим. Мабодо шундай қилинмаса, унда ўсмирлар бошқа шахсларга мурожаат этишади ва бунда уларнинг тўғри жавоб олишларига кафолат бўлмайди.

#### **4. Ёшлар ҳуқуқий онгини шакллантиришда ҳуқуқий тарбиянинг роли**

Ҳуқуқий тарбия фақат ёшларнинг ўзлари, шунингдек уларнинг яқин атрофидаги шахслар, кичик гуруҳлар ҳуқуқий онгининг мавжуд даражасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилганидагина самарали бўлиши мумкин. Шу билан бирга ҳуқуқ масалалари юзасидан кенг жамоатчилик фикри ҳолатини ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Тадқиқотлар ёшларнинг ҳуқуқий онгида ҳисобга олиниши зарур бўлган қатор ўзига хос жиҳатлар мавжудлигидан далолат беради.

Кўпгина ёшлар ўзларининг хулқ-атворини қонун билан солиштириш ва ҳуқуқий тушунчалар билан фикрлашга ўрганмаган. Улар асосан “ёмон”, “яхши” деган баҳоларга асосланиб иш кўришга одатланишганки, бу, албатта, етарли эмас. “Ёмон” дегани - бу шунчаки ахлоққа зид бўлиши мумкин ва айни бир вақтда тегишли оқибатларга олиб келадиган ҳуқуққа зид ҳаракат ҳақида берилган баҳо бўлиши ҳам мумкин.

Айрим ёшлар қонунинг ижтимоий ролини, унинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турувчи аҳамиятини реал тасаввур эта олмайдилар, балки ҳуқуқни асосан формал тақиқлашлар тизими деб ўйлайдилар. Уларнинг фикрича, қонунлар фақат жиноятларга қарши кураш учун мавжуд бўлиб (биз сўровлар ўтказган болаларнинг 28 фоизи ана шундай деб ўйлаган), асосан тақиқланадиган нарсалар рўйхатини кўрсатиш ва жазо чораларини баён қилишга хизмат қилади. Кўпинча ўсмирлар “қонун уни ижро этиш учун мавжуддир”, деб ҳам жавоб қилишади. Улар қонунларнинг қандай, нима учун яратилиши, масалаларни улар нима учун айнан шундай ҳал этиши, нега бошқача ечим бермаслиги, қонунларнинг жамият ва ҳар бир киши турмушида қандай роль ўйнаши, нима учун уларни бузмаслик кераклиги хусусида унчалик кўп бош қотирмайдилар.

Ҳуқуқдан ҳабардорлик ҳақида гапирилганида шуни айтиш керакки, ўсмирлар асосан жиноят ҳақидаги қонунлардан хабардор бўлиб, у ҳам нотўлиқ тусдадир. Кўплари муҳим жиноий-ҳуқуқий қоидалар мазмунини нотўғри тасаввур этадилар. Масалан, ўсмирлардан сўралганида, уларнинг ҳуқуқий жавобгарлик ҳажмларини анча камайтириш, жиноий жазога сабаб бўладиган қилмишлар доирасини асосиз равишда торайтириш, яширувчилик, иштирокчилик учун жавобгарликни, “самолётни тутқинлар билан олиб қочганлик учун қандай жавобгарлик содир бўлади?”, “Мен бир кишининг нарчасини ўғирладим, бунинг учун мени қанча муддатта кесишади?”, “Мен вояга етмаганлар ишлари бўйича инспекцияда бир неча марта ҳисобга турганман, бунинг учун нима бўлади?” ва шу каби саволларга қандай жавоб беришни билмаслиги маълум бўлди.

Ўсмир учун ҳулқ-атворга туртки бўлган сабабнинг ролига ортиқча баҳо бериш ва содир қилинган ҳаракатнинг объектив ижтимоий хавфига, юз берадиган оқибатлар ноҳушлигига етарли баҳо бермаслик характерлидир. Масалан, жиноят кодексининг бир моддасида назарда тутилган иккита қилмиш мисол қилиб келтирилади: бир ҳолда бойлик орттириш сабабли содир қилинган олибсотарлик (фойда олиш ва пулларни жамғарма банкидаги омонатга кўйиш) ҳақида гап борса, бошқа ҳолатда олибсотарлик билим орттиришга оид қизиқишларини қондириш (туристик саёҳат учун етмаётган пулларни ишлаб топиш) мақсадида амалга оширилган. Саволларга жавоб берганлар олибсотарликка доир иккинчи ҳолатни биринчи ҳолатга нисбатан 1,5-2 баравар камроқ жиноят деб баҳолаганлар. Бу ўринда гап жавобгарлик чорасидаги фарқ ҳақида эмас, балки умуман бунга ўхшаш ҳаракатларни жиноят деб бўлмаслиги хусусида боради. Бундай позиция қонунга бутунлай зиддир. Бошқа бир мисолда бир йигитнинг бошқа бир йигитни ҳақорат қилгани ва ҳақоратланган йигитнинг ўзини ранжитган рақибини кўпчилик одамлар олдида шафқатсизларча калтакланганлиги ва бунинг натижасида дилозор йигитнинг узоқ вақт касалхонада ётганлиги ҳақида гап боради. Шуниси мулақо тушунарлики, ҳақорат қилган йигитга ҳеч кимнинг раҳми келмайди, лекин келтирилган ҳолда ҳақоратланган йигитнинг ҳаракатлари (шафқатсиз калтаклаш, саломатликка қаттиқ путур етказилиши) биринчи ҳаракат - ҳақоратлашга нисбатан оғирроқ бўлмаганлиги, шунингдек, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун шунга ўхшаган усулнинг танланиши тўғрилиги ҳақида гап боради. Вояга етмаганларнинг аксарият кўпчилиги ўзини ранжитган йигитни калтаклаган йигитни оқлашди. Уларнинг фикрича, бу йигит шу тарзда ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Бунда яна шу нарса кўзга

яққол ташланадики, ўсмирларни у ёки бошқа ҳаракатларнинг объектив ижтимоий хавфини тўғри баҳолаш, уларни ўз ҳуқуқларини қонуний тартибда ҳимоя қилишга ўргатиш ғоят муҳимдир.

Ёшлар олган ҳуқуқий билимларини амалиётда қўллашни, муайян ҳаракатларга тўғри баҳо беришни ҳар доим ҳам эплай олавермайдилар. Масалан, ўқувчилар тенгдошларининг мактабда пальтолари чўнтакларини титкилашлари ва топилган пуллари олиб қўйиши, рогаткадан отиш, оёғини чалиб йиқитиш натижасида жиддий тан жароҳати етказилиши кабиларни жиноят сифатида баҳолай олишмайди. Шу билан бирга вояга етмаганларни ўзларига маълум бўлган ҳуқуқий нормаларни муайян ҳаётий вазиятларда қўллаш ва улар дуч келадиган хатти-ҳаракатларни ҳар ҳолда ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳолашга ўргатиш зарур.

Ўсмирларнинг муайян бир қисмида билимлар, шахсий эътиқодлар ва хулқ-атвордаги тафовутлар мавжудлиги эътиборни жалб этади. Шу нуқтаи назардан олинганда, вояга етмаганларнинг у ёки бу баҳони қонун нуқтаи назаридан беряптими, ўзининг шахсий фикрини билдирыптими ёки бор-йўғи тенгдошлари ёки бошқа шахслар ўртасида кенг тарқалган баҳо тўғрисидаги гапни айтяптими ана шуни аниқлаб олиш ниҳоятда муҳим. Қонундан хабардорлик ҳали ўсмирнинг ўзининг масалани қонун томонидан шу тариқа ҳал этиш билан рози эканлиги, бунинг устига унинг қонун талаб қиладиган тарзда ҳаракат қилишга тайёрлигини аниқламайди. Нафақат ҳуқуқий онгни шакллантириш, шу билан бирга билимлар, эътиқодлар ва қонуний хулқ-атворга тайёргарликнинг ягона ҳосиласи сифатидаги ҳуқуқий дастурларни ҳам ҳосил қилиш зарурлиги шу билан боғлиқдир.

Айрим ёшларнинг ҳуқуқбузарликлари ва нотўғри ҳуқуқий қарорлари улар эга бўлган қадриятлар тизимидаги нуқсоннинг оқибатидир, бундай қадриятлар тизимида ҳуқуқ нисбатан юқори ўрин тутмаган бўлади. Ўғрилиқ, безорилик ҳаракатларининг “ўртоқлардан қолмаслик учун” ёки “қўрқоқ бўлиб кўринмаслик учун” содир қилиниши ҳоллари маълум. Бундай ҳолларда ўсмирлар учун “жасурлик”, “ўртоқларнинг ҳурмат қилиши” (нотўғри тушунчалар) каби қадриятлар қонунга нисбатан муҳимроқ. Шунинг учун қонун тўғрисида демократик жамиятнинг энг юксак қадрияти сифатидаги тасаввурни ҳосил қилиш ниҳоятда зарур.

Ўсмирларнинг ҳуқуқий онги уларнинг ота-оналари, тенгқурлари ҳуқуқий онгига, ҳуқуқ масалалари бўйича кенг тарқалган жамоатчилик фикрига жуда боғлиқ бўлади. Шунинг учун кўпинча фақат уларнинг қариндош-уруғлари ва яқинларининг қарашлари ва эътиқодларига ҳам айнаи бир вақтда таъсир кўрсатиш ҳисобига вояга

етмаганларнинг нотўғри ҳуқуқий қарашлари ва эътиқодларини ўзгартиришга эришиш мумкин.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳуқуқбузарликларни содир этадиган ёшларнинг ҳуқуқий онги уларнинг бошқа тенгдошлари ҳуқуқий онгидан фарқ қилади. Ҳуқуқбузарларнинг қонунни яхши биламан деган фикри кўпинча нотўғри фикр бўлади:

*биринчидан*, биринчи жиноятгача уларнинг ҳуқуқий хабардорлиги тенгдошларининг яхши хулқ-атвор ҳақидаги хабардорликдан унчалик фарқ қилмайди;

*иккинчидан*, бундай билимлар тасодифий ва бир тизимга солинади. Биз текширувдан ўтказган ҳуқуқбузарлар жиноят ҳуқуқи нормаларини ўзлари синовдан ўтказган даражадагина билишлари маълум бўлди. Ёш ҳуқуқбузарларнинг 45 фоизи жиноий жазолаш, унинг ҳақиқий характери ҳақида фақат жиноятларни содир қилишганидан кейин билиб олишган. Ҳуқуқбузарлар учун шуниси характерлики, уларнинг умумий қадриятлар тизимидан қонун ўзларини қонунга мувофиқ тутадиган қариндошлариникига нисбатан анча паст ўрин тутади, шунинг учун у кўпроқ шахсий манфаатлари ёки ўртоқлари манфаатларининг қурбони бўлиб қолади. Ҳуқуқбузарларнинг ҳуқуқий кўрсатмаларини ижро этишга нисбатан муносабати ҳам ўзига хосдир. Шу жиҳатдан олганда, улар ҳуқуқий онги нуқсонлидигининг икки даражасини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчисида - нуқсонлилиқ алоҳида тусга эга бўлади, яъни ўсмир ҳуқуқий талабларининг тўғрилиги ва адолатлигига, зарур бўлганида уларга риоя қилиш кераклигига умуман ишонади. Лекин бунда у умумий талаблардан муайян вазиятда қўлланишни билмайди ёки айрим талаблар мазмунини ўзича бошқача тасаввур қилади ёки мазкур ҳолат ҳуқуқ учун аҳамиятга эга эмас деб ҳисоблайди ёхуд ўзини жиловлаб ўрганмаган хоҳиш-истаклари ва манфаатлари учун истисно тариқасида ҳуқуқни бузишга томон юз боради.

Бундай ҳуқуқни бузишлар яна такрорланиб ва ривожлана бориб, ҳуқуқий онг ўзгаришининг навбатдаги босқичига - умуман ҳуқуққа нисбатан нигилистик муносабатга, ҳуқуқ талаблари ва таъқиқлашлари фақат формал тусга эга, аслида шахсий хоҳиш-истаклар ва манфаатларга амал қилиш керак (айримлар буни - “Яшашни хоҳлайсанми - муғомбирликни ҳам қотира бил”, қабилида тушунишади) деган эътиқодга олиб келади. Кўпгина вояга етмаган рецидивистлар қонунни айланиб ёки ошиб ўтиш керак бўладиган тўсиққа учратиши ҳам бежиз эмас. Ҳуқуқий онг бузилишининг бундай даражасини шахснинг фаол ҳуқуққа қарши йўналиш эгаллаши сифатида белгилаш мумкин.

Ёш ҳуқуқбузарлар ҳуқуқий онгининг хусусиятларини ҳуқуқий-тарбиявий фаолиятда алоҳида ҳисобга олиш ва, жумладан, юқорида кўрсатилган ҳамма нуқсонларни фақат умумий тарбиявий тадбирлар жараёнида тузатиш мумкин бўлмаслигини унутмаслик керак.

Ҳуқуқбузарликлар содир этадиган ёшлар, улардан ташқари яна махсус таъсир кўрсатилишига ҳам мухтождирки, бундай таъсир кўрсатилиши уларга ўзларининг нотўғри қарашлари ва яқинлари қарашларининг ахлоққа ва ҳуқуққа зидлигини англаб етиши, бундай қарашларнинг нима учун қабул қилиниши мумкин эмаслигини тушуниб олиши, ҳуқуқий нормаларнинг адолатлилиги ва зарурлигига ишонч ҳосил қилишига ёрдамлашиши лозим.

Одатда, ёш ҳуқуқбузарлар оилаларида ва улар асосан бўш вақтини бирга ўтказадиган дўстлари даврасида нотўғри қарашлар энг авжига чиққан бўлади. Бунда ўсмирлар ахлоққа зид муҳитга дуч келганида ва унинг қарашларини қабул қилиб олганида улар кўпинча ахборотнинг расмий каналларидан психологик жиҳатдан “узилиб қолгандек” бўлишади ёки бундай ахборотга нисбатан ўзлаштириб олган нотўғри фикрлари нуқтаи назарида ёндашадилар. Шунинг учун ёшлар билан олиб бориладиган иш шу билан бирга уларга салбий таъсир кўрсатадиган манбаларни, тегишли салбий позициялар мазмуни ва далилларини аниқлаш, ишончли қарши далиллар ва қонунни ҳимоя қилувчи далилларни танлаш ва, табиийки, ўсмирлар учун нохуш ижтимоий вазиятни ўзгартиришдан ҳам иборат бўлиши керак.

Ҳуқуқий тарбияни фақат дарслар, суҳбатлар, лекциялар ўтказиш йўли билангина амалга ошириб бўлмайди. Бу иш тарбиячиларнинг ўз тарбияланувчилари ҳаётига фаол аралашувини ҳам тақозо этади.

## МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ ВА ХУҚУҚИЙ ТАРБИЯСИ

✳ 9-синфгача бўлган мактаб ўқувчиларининг ҳуқуқий тарбияси ✳ "Давлат ва ҳуқуқ асослари" ва "Инсон ҳуқуқлари" ўқув фанлари - ҳуқуқий тарбия воситаси ✳ Мактабдаги бошқа фанларни ўқитиш жараёнида ўрганиладиган ҳуқуқ масалалари ✳ Ҳуқуқий билимлар факультативлари ✳ Ҳуқуқ ўқитувчиларига услубий ёрдам

### 1. 9-синфгача бўлган мактаб ўқувчиларининг ҳуқуқий тарбияси

Ёшлар ҳуқуқий тарбиясининг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг қанчалик ўз вақтида бошланиши билан боғлиқ. 9-синфгача ҳуқуқ бўйича махсус дарслар ўтказилиши назарда тутилмаган, лекин ҳуқуқий таълим ўқувчиларни тарбиялаш дастурининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади ҳамда бошлангич, ўрта ва юқори синфларнинг барча ўқитувчилари ҳуқуқий-тарбиявий ишларни режалаштириши ва ўтказиши шарт. Одатда, бундай мақсад учун синфдаги соат, синфдаги ва синфдан ташқари ўқиш дарслари имкониятларидан фойдаланилади.

Синфдаги тарбиявий соат (синф раҳбари соати) - бу маънавий тарбия дарсидир. У анжуман, маъруза, ахборот, суҳбат, мунозара шаклида ўтказилиши мумкин.

Бизнинг назаримизда, суҳбат (барча синфлар ўқувчилари учун) ва мунозара (юқори синф ўқувчилари учун) мактаб ўқувчиларининг ҳуқуқий таълимида энг самарали усулдир.

Амалдаги услубий тавсилар ва тўлланган тажрибага амал қилган ҳолда ўқувчиларнинг I-IV, V-IX, X-XI синфлардаги ҳуқуқий таълим жараёнининг асосий қоидаларини баён қиламиз.

Суҳбат ва мунозараларни ўтказиш синф раҳбарларига юкланади, улар муайян вазифалардан келиб чиқиб, мактабдаги ҳуқуқ ўқитувчилари, адлия, вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспекциялар, ДАН ходимлари, кўнгилли халқ дружиналари аъзоларини, жамоатчи тарбиячиларни, устозлар, ота-оналарни бундай суҳбат ва мунозараларда иштирок этиш учун жалб қилиши мумкин. Шубҳасиз, синф соатларида болалар билан ишлаш юзасидан тажрибага эга ҳуқуқшуносларнинг иштирок этиши катта самара беради.

Бошлангич синфларнинг ўқувчилари “Ўрта умумий таълим мактаби низоми”, вояга етмаганларнинг жамоат жойларидаги хулқ-атвор қоидалари, “Кўча ҳаракати қоидалари”ни ўрганишда ҳуқуқ ҳақидаги илк тасаввурларга эга бўладилар. Ўқувчилар “Ўрта умумий таълим мактаби низоми” билан танишишда ўзларининг “тиришқоқлик билан ўқиши, ўзини намунали тутиши, мактаб ижтимоий турмушида ва ижтимоий фойдали меҳнатда фаол қатнашиши, ўқувчилар учун қоидаларга амал қилиши” шартлигини англаб оладилар.

Бошлангич синфларнинг ўқувчилари учун суҳбатлар, одатда, “Сенинг ҳуқуқларинг ва мажбуриятларинг” мавзудан бошланади.

Ўқувчилар учун қоидалар, қўйидаги ахлоқий-ҳуқуқий мавзуларда суҳбатлар ўтказиш имкониятини беради. I-V синфлар учун: “Халқ бойлигини эҳтиёт қилинг, буюмларни авайланг, табиатни муҳофаза этинг, тозалikka риоя қилинг”, “Ўзингни намунали тут” ва ҳ.к.

X-XII синфлар ўқувчилари учун: “Халқ мулкани, она табиат бойликларини сақлаш ва кўпайтириш ҳақида ғамхўрлик қил”, “Ўзингдан кичикларга хулқ-атвор маданияти бўйича муносиб намуна кўрсат”, “Ахлоққа зид ва жамиятга қарши хатти-ҳаракатларга нисбатан тоқатсиз муносабатда бўл” ва ҳоказо.

Болалар жамоат жойларидаги хулқ-атвор қоидаларини ўрганиш чоғида ҳовлилар, кўчалар, ҳиёбонлар, боғлар, театрлар, кинотеатрлар ва шу кабиларда ўзини тутиш қоидалари ҳақида билимлар оладилар, ўздан катталарга ҳурмат-эҳтиром билан муомала қилиш, мулкка авайлаб муносабатда бўлиш, ўз ўртоқларини мактаб ўқувчиси деган номга доғ туширадиган қилиқларни қилишдан тутиб туриш зарурлигини англаб етишади, шунингдек, кўчаларда катталарсиз юриш мумкин бўлган вақт тўғрисида (ўқув йили давомида соат 21 гача, таътиллер пайтида - соат 22 гача) билиб олишади.

Мактабларда бундай мавзуларни ўрганиш юзасидан катта тажриба тўпланган. Масалан, биринчи синф ўқитувчиси ёмон қилиқларнинг олдини олиш мақсадида шундай суҳбатларни ўтказди: “Жамоат жойларида ўзингни яхши тут”, “Яхши ва ёмон ишлар”, “Ишончни йўқотиш осон, уни қозониш қийин”, “Ҳақиқатга тик қарашга ўрган” ва ҳ.к. Биринчи синф ўқувчилари шундай киноленталарни томоша қиладилар ва муҳокамадан ўтказадилар: “Қаҳрамоннинг укаси” ва бошқалар. Бу синфда болалар газеталари ва журналларидаги ҳикояларни мунтазам ўқиб борадилар ва ўқувчиларнинг ўзлари у ёки бошқа ижобий ёки салбий қилмишга баҳо берадилар.

Кичик ёшдаги ўқувчиларни табиатнинг муҳофаза қилиниши билан таништирадиган машғулотлар қизиқарли ўтади.

“Одамлар табиатдан қандай фойда олишади” мавзуида Ўзбекистон Республикасининг табиат муҳофазаси ҳақида махсус қонун қабул қилишига сабаб бўлган мисоллар кўриб чиқилади, болаларнинг ана шу қонунга риоя қилиши шартлиги таъкидланади, уларнинг эътибори болалар ҳайвонлар ва қушларнинг дўсти эканлиги ва улар тўғрисида ғамхўрлик кўрсатишига қаратилади.

Табиат ҳақидаги суҳбатларни ўқувчининг қандайдир амалий топшириқнинг (дарахт ўтказиш ва бутазорлар яратиш, боғда ишлаш, “яшил” ва “зангори” патруллар ташкил этиш ва шу кабиларни) бажариши билан тўлдириш тавсия қилинади.

Табиат ҳақидаги суҳбатларнинг ўзлаштириб олиниши ва оддий дарслардан фарқланиб туриши учун уларни сайр қилиш, туристик саёҳатлар, экскурсияларга чиқиш, бошқа тадбирлар (қушлар куни, ўрмон ҳафтаси, гуллар байрами ва бошқалар) пайтида ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчилар 4-синфдаги тарих дарсида “давлат” тушунчаси, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, одамларнинг маънавий фазилатлари билан танишиши шарт. Яна шу синфдан бошлаб дастурга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ҳақидаги айрим умумий қоидаларни очиб берадиган мавзулар бўйича суҳбатларни ўтказиш тавсия қилинади.

Шунингдек, китобларни муҳокама этиш ҳам тавсия қилинади. Ўқиш жараёнида ва суҳбатларда, дарсларда ҳуқуққа оид атамалар учраганида уларнинг мазмунини батафсил очиб бериш зарур. Масалан, “давлат”, “қонун”, “суд”, “ҳуқуқ”, “бурчлар” ва бошқа сўзларнинг нимани англатишини тушунтириб бериш керак.

5 - 9-синфлар ўқувчилари учун ахлоқ ва ҳуқуқ тўғрисида суҳбатлар ўтказилади. Бундай суҳбатлардан мақсад болалар ахлоқ ва ҳуқуқ ҳақида, ҳуқуқ ва қонунларнинг жамиятимиз турмушидаги ўрни тўғрисида оддий тасаввурлар бериш, уларни ўзларининг оиладаги, ўртоқлари ва катталарга нисбатан ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушуниб олишга ўргатиш, уларда демократик жамият қоидалари ва давлат қонунларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш одатларини ҳосил қилишдан иборатдир. Ўқувчиларни милиция, прокуратура ва суднинг фуқаролар ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир фаолияти, шунингдек, вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар учун жавобгарлиги тўғрисидаги қонунлар билан таништириш зарур.

Ўқитувчиларга ёрдам кўрсатиш мақсадида шаҳарлар ва вилоятларда 5 - 9-синфлар ўқувчилари билан ҳуқуқий манбаларга



доир суҳбатлар мавзулари, зарур адабиётлар кўрсатилган услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

5-синфлар ўқувчилари учун қуйидаги мавзулар тавсия қилинади: “Ҳамма нарсада тартиб бўлиши - жамият ҳаётининг зарурий шarti, уни сақлаш - сенинг бурчинг”, “Сен ўзинг ва бошқалар учун ҳам жавоб берасан”, “Ҳуқуқий тартиботни ҳурмат қил, ижтимоий бурчга виждонан муносабатда бўл” ва бошқалар.

6-синфлар ўқувчилари учун қуйидаги мавзулар тавсия қилинади: “Қилмиш ва жиноят”, “Жиноятда иштирок этиш ҳам жиноятдир”, “Вояга етмаганларнинг жавобгарлиги тўғрисида”, “Фуқаро бўлишинг шарт”, “Ор-номусингни ёшлиқдан эҳтиёт қил” ва бошқалар.

Масалан, “Вояга етмаганларнинг жавобгарлиги тўғрисида”ги суҳбат ўқувчиларга 18 ёшгача бўлган даврдаги жавобгарлик ҳақида тасаввур беришни, вояга етмаганларнинг жавобгарлигини юшатадиган демократик ҳуқуқнинг инсонийлигини кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бунда шуни қайд қилиш муҳимки, болаларга нисбатан инсоний муносабат дегани ҳамма нарсани ҳам кечираверишни аналтмайди.

Суҳбатларни ёрқин мисоллар билан тўлдириш ва бунда уларнинг фойдали тарбиявий таъсир кўрсатиши ҳақида гамхўрлик қилиш мақсадга мувофиқдир. Мисоллар жиноятларга нисбатан носоғлом қизиқиш уйғотмаслиги, бунинг устига жиноятларнинг содир қилиниш усулларини батафсил ҳикоя қилиб бермаслик керак. Кўпгина мактабларда ўқитувчилар ўқувчилар билан биргаликда суҳбатларга газеталар, ҳуқуқшуносликка оид журналлардан олинган материалларни тайёрлашади, мактаб, туман, шаҳар ҳаётдан фактлар йиғишади. Таълимдаги кўрғазмалилик, махсус танлаб олинган бадий ва ўқув фильмларидан фойдаланиш катта тарбиявий аҳамият касб этади.

Бундай ёшда ўқувчиларнинг ҳуқуқий нормалар ва турли ҳаётий вазиятларга тўғри эмоционал баҳо бериши катта роль ўйнайди. Бир вақтнинг ўзида мактаб ўқувчиларининг катта бир доирасини қамраб оладиган ва суҳбатларда бадий ҳамда ҳужжатли фильмлардан парчалар, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ва инспекциялар мажлисларидан репортажлар ва шу кабилардан фойдаланишга имкон берадиган телевидение кўрсатувлари шу жиҳатдан олганда кенг имкониятларга эгадир.

5 - 6 синфлар ўқувчилари учун қуйидаги мавзуларда олтига суҳбатнинг ўтказилиши назарда тутилган: “Яхши дегани нимаю, ёмон дегани нима” (ахлоқ ва ҳуқуқ); “Партанинг баҳоси қанча туради” (мулкка муносабат ҳақида); “Ким жавобгар?” (қилмишлар ва ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик); “Сенинг катта ўртоқларинг

ким?” (катталар билан ўзаро муносабатлар ҳақида); “Бизнинг умумий уйимиз” (табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш тўғрисида) ва яқунловчи кўрсатув.

Кўрсатувлар ишонарли, тушунарли қилиб тузилган. Масалан, “Партанинг баҳоси қанча туради?” кўрсатувида томошабинлар ёғочга ишлов бериш комбинатига саёҳат қиладилар ва ўқувчилар учун янги, чиройли ва қулай парталарни тайёрлаётган ишчиларнинг оғир меҳнатини кўрадилар. Болалар меҳнаткаш инсон қўли билан ясалган ҳар қандай буюм, аввало, унга сарфланган меҳнат билан қимматли эканлигига ишонч ҳосил қиладилар. Бундай меҳнатни ҳурмат қилмасдан бўлмайди.

7-синф ўқувчилари учун суҳбатлар уларни меҳнат, жиноят ва маъмурий ҳуқуқнинг айрим масалалари билан таништириш, уларга фуқаролик қонунлари ҳақида илк тасаввур беришни мақсад қилиб кўйган.

Мавзуларнинг бу тариха танланиши ўқувчиларнинг амалдаги қонунларга нисбатан қизиқишининг ортиб бораётгани, уларни касбий йўналтириш ва 8-синфда “Давлат ва ҳуқуқ асослари”ни ўрганишга тайёрлаш билан боғлиқдир. Бундай ёшда ҳуқуқий онда энг кўп тарқалган нуқсонга алоҳида эътибор бериш керак бўлади. Кўпгина ўқувчилар биз ҳуқуқбузарликлар учун жавоб бермаймиз, бунинг учун ота-оналар, ўқитувчилар, тарбиячилар жавоб беришади, деб ҳисоблашади.

Шунинг учун 7-синф ўқувчиларининг амалдаги қонунлар билан таништирилиши ва уларда қилмишни содир қилганлик учун шахсий жавобгарлик ҳақида тўғри тасаввурни ҳосил қилиш (илгаригига нисбатан бирмунча кенг тарзда) улар ҳуқуқий таълими ва тарбиясининг элементи ҳисобланади.

7-синфлар ўқувчилари учун қуйидаги мавзулар тавсия қилиниши мумкин: “Меҳнат муносабатлари қонун орқали тартибга солинади ва ҳимоя қилинади”, “Давлат ва шахс мулки муқаддас ва дахлсиздир”, “Инсон ҳаёти ва саломатлигини эҳтиёт қил”, “безорилик - оғир жиноят ва бошқа жиноятлар манбаи”, “Менинг милициям мени қўриқлайди”, “Суд ва прокуратура - бизнинг манфаатларимиз ҳимоячиси”, “Турмушимиз қондаларини бузишларга қарши курашда аёвсиз бўлгин”.

Масалан, “Инсон ҳаёти ва саломатлигини эҳтиёт қил” деган суҳбат шундай режага кўра тузилиши мумкин: фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, эркинлиги ва қадр-қиммати давлат томонидан ҳимоя қилинади; саломатликка етказилган зарар учун моддий жавобгарлик; фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ор-номуси ва қадр-қимматига тажовузкорлик учун жазо. Бунда демократик жамиятдаги ор-номус ва

қадр-қиммат тушунчалари тушунтириб берилиши керак. Яна шу нарсага ҳам эътиборни қаратиш керакки, жавобгарлик нафақат қасддан қилинган, шу билан бирга эҳтисётсизлик оқибатида қилинган хатти-ҳаракатлар учун ҳам назарда тутилади, шўхлик нимага олиб келиши мумкинлигини кўрсатиш зарур. Суҳбат якунида шахснинг дахлсизлиги - бу қонун эканлиги, шунинг учун ҳар бир киши инсоннинг ҳаёти ва саломатлигини эҳтиёт қилиши, жабр кўрганларга ёрдам кўрсатиши шартлиги тўғрисида хулоса чиқариш фойдалидир.

Ахлоқий-ҳуқуқий мавзулардаги қуйидагича суҳбатлар ҳам катта қизиқиш уйғотади: “Шахс ва жамоа”, “Инсоннинг хоҳиш-истаклари ва мажбуриятлари”, “Кишининг оила олдидаги мажбурияти”, “Оила ор-номуси”, “Кишининг жамоа олдидаги мажбуриятлари”, “Кишининг жамият олдидаги мажбуриятлари”, “Шахс ва Ватан”, “Инсоннинг ор-номуси ва қадр-қиммати”, “Инсоннинг меҳнатдаги шарафи”, “Одамлар орасида ўзини қандай тутиш керак” ва бошқалар.

7-синф ўқувчилари учун суҳбатлардан ташқари, мутахассислар - милиция, прокуратура ва адлия ходимлари томонидан: “Менинг милициям мени кўриқлайди”, “Суд ва прокуратура - бизнинг манфаатларимиз ҳимоячилари” каби ва бошқа мавзуларда маърузалар ҳам ўқилиши мумкин.

Ўқувчилар олган бошланғич ҳуқуқий тайёргарлик уларнинг давлат-ҳуқуқ масалалари, шу жумладан, “Давлат ва ҳуқуқ асослари” курси бўйича янада мураккаброқ ахборотларни ўзлаштириши учун жиддий аҳамият касб этади.

## **2. “Давлат ва ҳуқуқ асослари” ва “Инсон ҳуқуқлари” ўқув фанлари - ҳуқуқий тарбия воситаси**

“Давлат ва ҳуқуқ асослари” ва “Инсон ҳуқуқлари” ўқув фанларининг ўқитилиши ўқувчиларнинг бу илмларни ўзлаштириши бир тизимга солинган ҳуқуқий билимларни олишни энг самарали усули ҳисобланади. Таълимнинг бошқа ҳеч қандай шакллари ўқув жараёнининг дарс, яъни ҳуқуқ дарси каби асосий шакли ўрнини боса олмайди.

Барча билим юртларида қонунчилик асослари ва инсон ҳуқуқларининг ўрганилиши жорий этилган. Дастурга давлат ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, меҳнат, ер, фуқаролик, оила ва жиноят ҳуқуқлари бўйича мавзулар киритилган.

Ўрта умумий таълим мактабларида ҳам ҳуқуқнинг тажриба тарзида ўқитилиши бошланди, 8-синфлар ўқувчилари учун “Давлат

ва ҳуқуқ асослари” курсининг мажбурий тартибда ўқитилиши жорий этилди.

Ушбу курсни ўргатишдан мақсад - ўқувчиларга давлат ва ҳуқуқ тўғрисида яхлит тасаввурни, давлат асосий функциялари ва органлари, ҳуқуқ принциплари ва меъёрлари, давлат ва ҳуқуқнинг демократик жамият қуришдаги, ижтимоий жараёнларни бошқаришдаги роли, қонунчилик хусусидаги билимлар тизимини беришдан иборатдир.

Ижтимоий фанлар тизимида ҳуқуқ фани алоҳида ўрин тутади. Ҳуқуқий билимлар ҳаётда, ҳар хил аниқ вазиятларда тўғри йўналиш олиш, руҳсат қилинган ва тақиқланган нарсалар ўртасидаги чегарани топа билиш, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этишнинг қонуний йўллари ва воситаларини танлашга ўргатади. Ҳуқуқий билимларнинг бундай биринчи функциясини ижтимоий йўналтирилганлик функцияси деб аталади.

Ҳуқуқий билимлар сиёсий савияни кенгайтиради, эътиқодлар шаклланишига, ҳаётдаги ҳуқуқий ҳодисаларни тўғри тушуниш, ҳуқуқий талабларга онгли равишда риоя этиш, барча фуқароларнинг ҳуқуқий меъёрларга амал қилиш учун фаол курашишга кўмаклашади.

Ҳуқуқий билимларнинг ушбу иккинчи функциясининг одамларнинг эътиқодлари ва дунёқарашини шакллантиришда биргаликдаги иштирок этиш деб аталиши бежиз эмас.

“Давлат ва ҳуқуқ асослари” курсининг дастури ва ўқув кўлланмасига биноан давлат ва ҳуқуқ, қонунчилик, давлат ҳуқуқи, маъмурий, меҳнат, оила ва жиноят ҳуқуқи, шунингдек жамиятимизда қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни таъминловчи органлар (10 та мавзу) ҳақидаги асосий маълумотларнинг ўрганилиши назарда тутилади.

Бу мавзулар бирлашиб ҳуқуқшунослик фанининг негизини ташкил этади, ўқувчиларга мақбул бўладиган муайян тизимда билимлар мажуини беради.

Маълум фанни ўқитишнинг асосий шакли - дарс. Авваламбор, ҳар қандай фанга доир дарс замонавий талабларнинг бажарилишига қаратилган бўлиши лозим. Бундай дарсдаги барча фаолият педагогика, социология, психология ва бошқа фанлардаги энг янги ютуқларни, илғор педагогик тажрибани ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Мактабдаги дарслар жамиятимиздаги илмий-техник ва ижтимоий тараққиёт, моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий онг соҳасидаги туб ўзгартиришлар сабабли юз берган ҳозирги ривожланиш жараёнларини акс эттириши лозим.

Таълим усуллари ўқувчиларнинг ўқув жараёнидаги фаоллигига ёрдам бериши ва ўрганиладиган материалнинг теран англаб етилишини таъминлаши керак. Бундай талаблар таълимда, тарбияда ва билиш қобилиятларини равноқ топтиришда муҳим роль ўйнайди.

Таълимда техника воситалари, кўргазмали қўлланмалар, радио ва ойнаи жаҳоннинг қўлланилиши катта аҳамиятга эга. Улардан фойдаланиш радиодарслар, теледарслар ва кинодарсларнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Дарсдаги илмий ташкил этилган ўқув жараёни шуниси билан характерлики, улар ўқувчиларнинг янгича вазиятларда ҳам амал қилиши, кенг доирадаги масалаларни ҳал этишда қўлланишига имкон берадиган билимлар малакалар, кўникмаларни берди.

Билимларнинг хулқ-атвор соҳасига, жамоа, оила, турмушдаги ўзаро муносабатлар оламига “кўчирилиши” ҳуқуқий-тарбиявий ишларда, ёш инсон шахсида ижобий фазилатларни (тўғрилиқ, принципиаллик жамият манфаатларининг бузилишига тоқатсизлик, фаоллик, масъулиятлилик, пухталиқ, ўзаро ҳурмат, қийинчиликларни бартаф қила билиш, ёмонликка қарши тура билиш, бошқа кишига ёрдам қўлини чўза билиш қобилиятлари ва шу кабиларни) тарбиялашга доир ишларда муҳим аҳамият касб этади.

Дарсдаги ўқув жараёнини ўқувчиларнинг индивидуал ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб юритиш лозим. Ўқувчилар таркиби ҳар қандай ҳолатда бўлганида ҳам билимлар ва малакаларни ўзлаштириш бирдек бўлмайди, чунки болаларнинг иш қобилияти, тайёргарлиги, тарбияланганлиги турлича бўлади.

Аудиторияга нисбатан бундай табақалаштирилган ёндашув тўғри тарбиянинг ҳам муҳим шarti ҳисобланади. Масалан, синфда вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспекцияда ҳисобда турадиган болаларнинг бўлиши уларга нисбатан алоҳида ёндашувни, зарур бўлганида гуруҳ-гуруҳ бўлиб ёки якка тартибда ишлашни тақозо этади.

Дарс ўқувчиларда ўртоқлик ҳиссини ривожлантириши, синфдаги ишлар аҳволи учун жамоа тарзида масъул бўлишга ўргатиши лозим. Синфнинг обрў-эътибори, ёшлар ташкилотларининг фаол иш олиб бориши қийин тарбияланадиган болалар хулқ-атворида ўз таъсирини кўрсатади.

Ҳуқуқ ўқитувчиси ҳуқуқшунослик ва ҳуқуқ педагогикаси соҳасида махсус тайёргарликка эга бўлиши керак. Одатда, мактаб ўқитувчиси юридик маълумотга эга бўлмайди. Шунинг учун ҳозир педагогика ўқув юртларида ҳуқуқнинг ўқитилиши юзасидан чоралар кўрилмоқда, мактаблар ўқитувчилари ва раҳбарларини қайта тайёрлаш курслари ташкил қилинган.

Ҳозирги дарсга қўйиладиган умумий талаблар тўлалигича ҳуқуқ дарсига ҳам тегишлидир. Шу билан бирга ҳуқуқ дарси айрим ўзига хос хусусиятларга ҳам эга.

Ҳуқуқни ўқитиш вазифалари, мазмуни ва усуллари нафақат юридик таълим бериш мақсадини, шу билан бирга ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, интизомни мустаҳкамлаш, ўзлаштириш, ҳуқуқий онгнинг юксалишини ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Ҳуқуқий таълим натижалари ўқувчилар ижтимоий фаоллигининг ошиши, уларни ўтмиш сарқитларига, лоқайдликка, худбинлик, миллий маънавият меъёрларини бузишларга қарши курашга жалб этиш билан боғлиқдир. Бошқа фанларга доир дарслар каби ҳуқуқ дарси ҳам ҳар хил шаклларда - дарс-суҳбат, дарс-маъруза дарс-семинар, такрорлаш-умумлаштириш дарслари тарзида ўтказилиши мумкин.

Айрим ўқитувчилар ҳуқуқни ўқитишдаги муайян қийинчиликлар борлиги - ҳуқуқ тилининг “қуруқлиги”, юридик меъёрларни тушунишнинг қийинлиги, ҳуқуқий атамаларнинг мураккаблигини ҳам қайд этишади.

Лекин агар ўқитувчи лозим даражада тайёрланган ва ҳуқуқий меъёр мазмунини ўқувчиларга тушунарли ва яқин бўлган аниқ ҳаётий вазият орқали очиб бера оладиган бўлса, бундай қийинчиликларни бемалол бартараф этиш мумкин. Ҳуқуқ тилининг ўзига хос хусусиятлари халқнинг хоҳиш-иродасини ифодалайдиган қонуннинг аниқлиги, уни эркин талқин қилиш мумкин эмаслиги билан боғлиқдир. Ундаги сиқик таърифларда ҳуқуқий билимларни образли, эмоционал, тушунарли тарзда тарғиб этиш учун кенг имкониятлар мужассамлашган.

Ҳуқуқни ўқитадиган ўқитувчи зарур ҳолларда “Ҳуқуқшунослик луғати”, юридик атамаларнинг қисқача луғатига мурожаат этиши лозим.

Дарснинг янада аниқ ва ишончли бўлиши учун ўқитувчи ўқувчиларга “Улар одамлар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилаётиб, ўз ҳаётларини хавф остига қўйишган” деган мавзуда (вақтли матбуот, бадиий адабиёт, кинофильмлар материаллари ва шу кабилар асосида) унча катта бўлмаган хабар тайёрлашни таклиф қилади.

Дарс бошида ўқувчиларнинг хабарлари тингланади. Ўқитувчи яқун ясаб, ўқувчилар диққат-эътиборини ҳуқуққа нисбатан ижобий муносабат билдирилган мисоллар, қонуний ҳулқ-атвор намуналарига қаратиб, масалани баён қилишга ўтади, натижада бу катта тарбиявий самара келтиради.

Табиат муҳофазаси, меҳнат ҳақидаги қонунлар ва шу кабилар ҳақидаги дарсларни ҳам қизиқарли қилиб ўтказиш мумкин.

Масалан, ўқитувчи “меҳнат ҳуқуқи” мавзуига, иш вақти ва дам олиш вақти тўғрисидаги машғулотга тайёрланишда болаларга, дарсларни тайёрлаш, ота-онасига ёрдам бериш, ўқиш, кинофильмлар ва телекўрсатувларни томоша қилиш, спорт ўйинлари, ҳовлида сайр қилиш ва шу кабиларга қанча вақт сарфлашини батафсил ёзиш ҳақида топшириқ беради. Бундай дарсда болаларнинг кўпчилиги ўзларининг бўш вақтини фойдали тарзда ўтказа олмасликларига ишонч ҳосил қилишади.

Ҳуқуқ дарсларининг (шунингдек, ҳуқуқий тарбиянинг бошқа шаклларининг ҳам) бир марта ўтказилиши, ҳаётдаги салбий жиҳатларнинг бўрттириб кўрсатилиши уларнинг камчиликларидан бири ҳисобланади. Бироқ ишни ижобий мисолларга асосланган ҳолда ўтказиш, кишилар қаҳрамонлигини тарғиб қила билиш зарур. Шунинг учун ўқитувчилар қонунчиликка риоя қилиниши учун курашдаги қаҳрамонлик, фуқароларнинг ёнгинларни ўчириш, одамларни сақлаб қолишдаги, жиноятчиларни тутиш чоғидаги фидокорлиги ва шу кабилар ҳақида эълон қилинган материаллардан кўпроқ ва кенгроқ фойдаланиши лозим.

Ўқувчиларнинг “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фанини янада чуқур ўзлаштириши мақсадида қуйидаги мавзулар бўйича 11 та машғулотни назарда тутадиган телевизион кўрсатувлар дастури ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши керак: “Ахлоқ ва ҳуқуқ”, “Ўзбекистон Республикасида ҳокимият органлари тизими”, “Ватанни ҳимоя қилиш - муқаддас бурч”, “Меҳнат ҳуқуқи”, “Мамлакатимиздаги табиатни муҳофаза қилишга доир фаолият”, “Фуқаролик ҳуқуқи”, “Оила ҳуқуқи”, “Қонун ва ҳуқуқий тартибнинг таъминланиши - бизнинг умумий ишимиз”, “Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизими”.

Кўрсатувлар шуни ҳисобга олган бўлиши керакки, дарс бошида ўқитувчилар ўтилган мавзу бўйича сўраб-суриштириш имкониятига эга бўлсин, сўнгра янги мавзуига доир кўрсатув томоша қилиниши ва томошадан кейин олинган билимлар мустаҳкамланиши лозим. Телевизион кўрсатувларда ҳуқуқшунослар, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ходимларининг чиқишлари тажриба қилиниши, бадиий ва ҳужжатли фильмлардан парчалар, репортажлар ва бошқа материаллар кўрсатилиши керак.

Мактабларда ҳуқуқнинг ўқитилиши ўқитувчи кадрларнинг етарли тайёрланмаганлигини кўрсатди. Шуни айтиш кифояки, ҳуқуқшунос-ўқитувчиларнинг ярмидан кўпи базавий юридик маълумотга эга эмас, мактаблардаги ҳуқуқшунослик дарсларини

кўпинча қўшимча соатлар олиш имкониятига эга ўқитувчилар - тарихчилар, математиклар, физиклар каби ўқитувчилар ўқитишади. Бунда улар ўз маърузаларини олий ўқув юртларининг тингловчилар ёштини ҳисобга олиб содалаштирилган дастурлари бўйича ўқишади. Турган гапки, бундай машғулотлар зарур самарани бермайди. Фақат агар бундай дарсларни ҳуқуқшуносликни ва болалар психологиясини бирдек яхши биладиган профессионал-амалиётчилар ўтишсагина, улар ижобий натижа келтириши мумкин. Соф назарий билимлар билан бирга кўргазмалли мисолларни ҳам келтира оладиган ҳуқуқшунос, прокурор, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бошқа ходимлари ўқувчиларга барча қонунларни, уларнинг ҳуқуқлари ва бурчларини, шунингдек қонунни бузганликни бажармаганлик учун жавобгарлик чорасини бирмунча содалаштириб тушунтириб бериши мумкин.

### **3. Мактабдаги бошқа фанларни ўқитиш жараёнида ўрганиладиган ҳуқуқ масалалари**

Биз қайд қилиб ўтганимиздек, “Давлат ва ҳуқуқ асослари” ва “Инсон ҳуқуқлари” курслари мактабдаги ҳуқуқий тарбия тизимининг негизи ҳисобланади. Лекин ўқувчиларни қонунлар ва ҳуқуқ меъёрларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш вазифаси бошқа фанларни ўқитиш жараёнида - тарих, жамиятшунослик, янги ва энг янги тарих, адабиёт, бошқа умумий таълим фанлари дарсларида ҳам бажарилади.

Фақат ҳуқуқий тарбияни йўлга қўйилишига комплекс ёндашувгина гоёвий-сиёсий ва меҳнат, шунингдек маънавий тарбиянинг мустаҳкам бирлигини таъминлаши мумкин.

Фанлар ўртасидаги ўзаро алоқалар, ҳуқуқ ва тарихни ўрганишда яққол кўзга ташланади.

Давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимот асосларини оддий шаклда очиб бериш устидаги бир тизимли иш 5-синфдан бошланади. 5-7 синфларда қулдорлик, ва феодал тузумларини ўрганиш пайтида давлатнинг пайдо бўлиши билан ҳуқуқнинг ҳам вужудга келиши, эксплуататорлик жамиятида қонунлар ҳамма вақт камчилик эксплуататорлар манфаатларини ҳимоя қилиши таъкидлаб ўтилади.

Янги Конституциянинг ўрганилиши мактаб ўқувчиларида ҳуқуқий онгнинг шаклланишига кўмаклашади.

10-12-синфлар учун тарих ва жамиятшуносликка доир дастур ўқувчиларнинг ҳуқуқий тарбияси учун кенг имкониятлар яратади.

Тарих ўқитувчилари шунини қайд қилишадики, 10-синфлар учун тарих курсида 36 параграфдан 20 тасида ҳуқуқий материал мавжуд,



11-синфлар учун тарих дарслигида эса 35 параграфдан 13 тасига ҳуқуқ масалалари киритилган. Ўқувчилар Ўзбекистон тарихига доир дарслик (10-11-синфлар учун) билан ишлашда давлатнинг турли ҳуқуқий ҳужжатлари тўғрисида билиб олишади.

10-11-синфлар ўқувчилари давлат ва ҳуқуқнинг энг муҳим ҳужжатларини ўрганишади, мустақил Ўзбекистон давлатининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституция мазмуни билан танишишади. 11-синфда ҳозирги босқични ўрганишда шу нарса таъкидланадики, ривожланишдаги асосий йўналиш - бу давлатчиликнинг такомиллаштирилиши, демократиянинг янада ривожлантирилиши, давлат ва жамият турмушининг ҳуқуқий асосларининг мустақамланиши, жамоат ташкилотлари фаолиятининг фаоллаштирилишидан иборатдир.

Ўзбекистон тарихи курсларида давлат фаолиятини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг халқнинг эркинлик, мустақиллик ва бахт-саодатга интилиши, ўз тақдирини ўзи белгилашга доир қарияти ишонарли тарзда кўрсатиб берилган “Ўзбекистоннинг ўз янгиланиш ва тараққиёт йўли” асари муҳим роль ўйнади.

“Инсон ва жамият” курси юқори синф ўқувчиларида давлат ва ҳуқуқ муаммоларига нисбатан муносабат, жамият равнақида уларнинг ўрни ва ролини тўғри тушунишнинг таркиб топишига, уларни фуқаролик, қонунларни бузишларга нисбатеъ тоқатсизлик муносабатини билдириш руҳида тарбиялаш, жамият ишларини бошқаришда иштирок эта оладиган ижтимоий фаол кишиларни тайёрлашга кўмаклашади.

Юридик тайёргарликдан ўтган тарих ва жамиятшунослик ўқитувчилари нафақат “ҳуқуқшунослик асослари” курсини ўтказиши, шу билан бирга, одатдагидек, маслаҳатлар бериши, услубий ишларни бажариши мумкин. Мактаблар, тарих кабинетларида ҳуқуқ бурчаклари, юридик адабиётлар кўргазмалари ташкил этилади. Мактабларда ўқувчилар ёрдамида: “Сен фуқаролик балоғат ёшига етмоқдасан”, “Қонун инсон манфаатлари ҳимоясида”, “Фуқаро бўлишинг шарт” мавзудидаги кўргазмалар ва стендлар кўйилган тарих кабинетлари рисоладагидек жиҳозланган, уларда таълимнинг тахника воситалари қўлланилади, кинодарслар ўтказилади, ахлоқий-ҳуқуқий мавзулардаги кинофильмлар томоша қилинади.

Адабиёт дарсларида мактаб ўқувчиларини бадий асарлар мазмунига сингдирилган ахлоқий-ҳуқуқий гоёларни очиб бериш орқали фуқаролик руҳида тарбиялаш вазифалари ҳал этилади.

Қадимги Шарқнинг буюк мутафаккирлари, Марказий Осиё халқларининг илғор ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий гоёлари

вакиллари: файласуф, тиббий олим, табиатшунос ва математик, шоир ва адабиётшунос Абу Али ибн Сино; математик, файласуф, астроном давлат арбоби Мирзо Улугбек, истеъдодли адиб, тарихчи, мусиқашунос Амир Хисрав Деҳлавий асарларида ўзининг яққол ифодасини топган. Янги илғор оқимлар вакиллари: Муқимий, Аҳмад Дониш, Завқий, Комил Хоразмий, Фурқат меҳнаткаш омманинг орзу-умидларини ифода қилишган, зўравонлик ва ҳақсизликка қарши норозиликни акс эттиришган, янги демократик адабиётнинг барпо қилинишида иштирок этишган.

Амир Темурнинг “Темур тузуқлари” асари унинг ўз фарзандларига қолдирган сиёсий васиятномаси бўлиб, у қимматли тарихий ҳужжатдир.

Иқтисодий жугрофия дарсларида (9-синф) болаларда давлатнинг иқтисодий стратегияси ҳақидаги тушунча шакллантирилади, уни ўрганиш демократик хўжалик юриртишининг афзалликларини, Ўзбекистон халқ хўжалигининг бирлиги ва яхлитлигини, аҳоли хўжалик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва мамлакат иқтисодий тараққиёти истиқболларини белгилаб берадиган омилларни тушуниб олишга ёрдам беради. Ушбу курснинг ўқитилишида хўжалик қонунчилигини ривожлантиришнинг долзарб масалалари устида тўхталиб ўтилади.

Табиий фанлар ўқитувчиси ҳам ҳуқуқни тарғиб қилиш учун кенг имкониятларга эгадир.

Биология, физика, кимё курсларида ўқувчиларнинг табиат муҳофазаси ҳақидаги билимлари кенгайтирилади. Одам анатомияси ва физиологияси курслари ўқувчиларни гигиена талаблари, алкоголь ва гиёҳвандлик воситаларининг инсон организмига зарарли таъсири, одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунлар билан таништиради.

Кимё, физика дарсларида ўқувчилар меҳнат ҳақидаги қонунларнинг айрим қоидалари билан танишишади (масалан, техника хавфсизлиги қоидалари ва фуқароларнинг уларни бузганлиги учун ҳуқуқий жавобгарлиги тўғрисидаги ва бошқа қоидалар).

Мактаб ўқувчилари ҳарбий тайёргарлик дарсларида халқаро ҳуқуқнинг айрим масалаларини (атроф-муҳитни, фазони муҳофаза қилиш соҳасидаги битимлар ва бошқаларни) катта қизиқиш билан ўрганадилар.

Мактабдаги чақирув ёшигача бўлганларнинг ҳарбий тайёргарлиги курсида “Умумий ҳарбий мажбуриятлар тўғрисида”ги қонун Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг уставлари ўрганилади.

Мактабдаги турли фанлар бўйича дарсларга ҳуқуқий матнларни танлаб олиш ўқитувчининг беҳуда такрорлашларига барҳам бериш ва ҳуқуқнинг ўрганилишида давомийликнинг таъминланиши учун фанлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ҳисобга олиш зарур.

#### 4. Ҳуқуқий билимлар факультативлари

Юқори синф ўқувчиларининг ҳуқуқий тарбияси шаклидаги “қонунчилик асослари” факультативлари “давлат ва ҳуқуқ асослари” курси жорий қилинишидан анча илгари пайдо бўлган эди. 10-11 синфларнинг деярли барча ўқувчилари бундай факультативлар билан қамраб олинган эди. Ҳозирги вақтда улар 10-11 синфларнинг ҳуқуқ масалалари билан қизиқадиган ўқувчилари билан ўтказилади.

Айрим мактабларда ҳуқуқий фаннинг ўқитилиши жорий қилинганидан сўнг факультатив билимларни ўтказиш борасидаги фаоллик пасайди. Мактабларнинг айрим ўқитувчилари ва директорлари: ҳозир факультативлар билан шугулланиш керакми ёки ҳуқуқ дарслари билан чекланиш мумкинми?

Мактабдаги иш тажрибаси шуни кўрсатадики, факультативлар амалда ўзини оқлади. Улар ўқувчиларнинг илгари олган ҳуқуқий билимларини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга кўмаклашади.

Факультативлар керак, лекин улар мактабдаги оддий дарсларга айланиб қолмаслиги лозим. Ҳуқуқ дарсларидан фарқли равишда факультатив машғулотларида амалдаги қонунлар асослари ўрганилади, улар анча кенг ва теран билимлар беради, қонунларнинг қўлланилиши амалиётга кўпроқ яқинлаштирилган.

Уларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан тингловчиларнинг мустақиллиги ва фаоллигига боғлиқ бўлади. Шунинг учун факультатив билим шакллари анча ранг-барангдир. Улар таълимнинг фаол воситаларини қўллашни, адабиётлар устида мустақил ишлашни, мунозаралар, баҳслар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан учрашувлар ташкил этилишини, саволлар ва жавоблар кечалари, олимпиадалар, “давра суҳбатлари”, юридик ўқишлар ўтказилишини, мактабдан ташқари тадбирларда қатнашишни назарда тутди. Факультативларни ташкил этишда тингловчилар таркибини, уларнинг ёши, тайёргарлик даражаси, ўрганиладиган материал мазмуни ва шу қабиларни, шунингдек тингловчиларнинг ўзларининг фикр ва хоҳиш-истакларини ҳисобга олиш зарур. Факультатив дастур 70 соатга мўлжалланган.

12-синфда “Давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши ва моҳияти”, “Давлат ва ҳуқуқ асослари”, “Маъмурий қонунчилик асослари”,

“Фуқаролик ва фуқаролик-процессуал ҳуқуқ асослари” каби мавзуларнинг ўрганилиши тавсия қилинади.

12-синфда “Меҳнат ҳақидаги қонунлар асослари”, жиноят ҳақидаги қонунлар ва жиноят ҳуқуқи асослари ўрганилади.

Факультатив дастурига Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясида мустақамлаб қўйилган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тузум, фуқаролик асослари, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини ўрганиш киритилиши керак.

Машғулотларнинг янада муваффақиятли ўтказилиши мақсадида факультативлар учун ойнаи-жаҳон бўйича бериладиган кўрсатувлар туркуми ишлаб чиқилган.

10-синфлар ўқувчилари учун туркумга қўйидаги мавзулардаги 18 та кўрсатув киритилган: Муқаддима тарзида суҳбат, “Давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши ва моҳияти”, “Мустақил давлат ва ҳуқуқ”, “Ахлоқ ва ҳуқуқ”, “Конституция - Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни”, “Республиканинг иқтисодий ва сиёсий негизлари”, “Ўзбекистоннинг давлат қурилиши”, “Давлат органлари тизими” (2 та кўрсатув), “Суд ва адлия органлари”, “Прокуратура”, “Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва бурчлари”, “Ватанни ҳимоя қилиш - муқаддас бурч”, “Милициянинг маъмурий қонунчилиги”, “Фуқаролик ҳуқуқи”, “Мулкчилик ҳуқуқи, шартномалар”, “Судда фуқаролик ишларининг кўриб чиқилиши”.

12-синфлар учун туркумга қўйидаги мавзулардаги 11 та кўрсатув киради: “Оила ҳуқуқи”, “Оила аъзоларининг ҳуқуқий ўзаро муносабатлари”, “Меҳнат шартномаси”, “Меҳнат интизоми”, “Меҳнатга ҳақ тўлаш принципи”, “Жиноят ҳақидаги қонунчилик асослари” (2 та кўрсатув), “Жиноят процесси”.

Кўрсатувларда давлатимизнинг атоқли арбоблари, депутатлар, ҳуқуқшунос олимлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг амалиётчи ҳодимлари қатнашади. Уларнинг сўзга чиқишлари кинофильмлар, турли муассасалар ва жамоат ташкилотлари фаолияти ҳақидаги, фуқароларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши тўғрисидаги репортажлар ва шу кабилар билан тўлдириб борилади.

Кўрсатув охирида ўқувчиларга назорат учун саволлар берилди. Тингловчилар уларга жавобларни навбатдаги машғулотларга мустақил тайёрлаб келишади.

Шуни қайд қилиш керакки, факультативлар мақсади нафақат ўқувчиларнинг билим олишидан, шу билан бирга бундай билимларнинг уларнинг амалиётда фаол қўлланишидан иборатдир. Факультатив тингловчилари бўлган юқори синфлар ўқувчилари 5-7 синфларда қўйидаги мавзулардаги суҳбатларни (20-30 дақиқалик) уюштиришади: “Конституция - давлатнинг асосий қонуни”, “Фуқаро

бўлишинг шарт”, “Ўқувчи ва қонун”, “Қонун ва табиат”, “Давлат ва жамият мулкани авайланг ва мустаҳкамланг” ва бошқалар. Бундан ташқари, факультативлар тингловчилари маънавий-ҳуқуқий масалаларга бағишланган йиғинларни тайёрлаш ва ўтказишда ёрдам беришади.

## 5. Ҳуқуқ ўқитувчиларига услубий ёрдам

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилги “Таълим тўғрисида”ги Қонунни республикамызда ёшларнинг ўқитилиши ва тарбияланишига бўлган асосий талабларни акс эттиради. Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, таълим тизими ходимларнинг асосий вазифасини янада аниқроқ таърифлаб бериш тўғри бўларди - улар мактабни битириб чиқувчилар билимлари, малакаларининг бугунги кун талабларига мувофиқ бўлиши учун жавоб берадилар. Агар мактаб дастури ҳаётдан орқада қолса, унда бўш ўринлар қолиб кетса, унда прокуратура эмас, балки халқ таълими ходимларининг ўзлари бунга эътиборни қаратиши, ўқувчилар ҳуқуқий тарбиясининг ўзгартирилиши ва мунтазам такомиллашиб боришига эришилиши лозим.

Жамоатчилик тadbирларининг уюштирилиши ва ҳуқуқий тарбияга умумий услубий раҳбарлик қилиш мактаб директори ва синфдан ташқари ишлар ташкилотчисига юкланган.

Синфдаги ҳуқуқий тарбияни синф раҳбари ва бошқа ўқитувчилар ташкил этишади.

Ўқувчиларнинг ҳуқуқий тарбиясига доир ишларни яхши ташкил қилиш мақсадида халқ таълими бўлимларининг кўпгина маъмурий органлари махсус буйруқлар чиқаришадики, уларда ўқувчилар ҳуқуқий тарбиясининг асосий йўналишлари белгиланади, ҳуқуқдан таълим берадиган ўқитувчиларга услубий ёрдам шакллари назарда тутилади, ушбу ишни амалга ошириш участкаси учун масъул шахслар ажратиб кўрсатилади.

Халқ таълими бўлимларида аппарат ходимлари ҳисобидан ўқувчиларнинг ҳуқуқий тарбиясига доир ишлар учун масъул шахслар тайинланади. Ҳуқуқдан таълим берадиган ўқитувчиларга услубий раҳбарлик ва ёрдам берилишини амалга ошириш учун ўқувчиларнинг ҳуқуқий тарбияси бўйича услубий кенгаш ташкил этилади.

Ўқитувчиларга ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари мутахассислари ҳам катта услубий ёрдам кўрсатишади. Улар ўқитувчиларнинг турли тоифалари учун табақалаштирилган ҳолдаги ҳуқуқ масалаларига доир махсус илмий-назарий маърузалар туркумларини ишлаб чиқишмоқда. Маърузалар туркумларининг энг

тўлиқ вариантлари тарих ва жамиятшунослик ўқитувчилари учун мўлжаллангандир. Бундан ташқари, синф раҳбарлари, шунингдек, математика, чет тиллари, кимё ва бошқа фанлар ўқитувчилари учун махсус маърузалар туркумлари мавжуд

Ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари қошида ташкил этиладиган ўқитувчилар ва мактаблар раҳбарларини қайта тайёрлаш курсларида “Ўқитувчиларнинг ҳуқуқий таълими ва тарбиясининг умумий масалалари” (6 соат) ва “Давлат ва ҳуқуқ асослари” курсининг мазмуни ва услубияти масалалари” (44 соат) ўқилади.

Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти ўқитувчиларга фаол услубий ёрдам кўрсатилишининг ташкил этилиши бўйича намуна бўла олади. Институт Халқ таълими бош бошқармаси билан биргаликда ўқитувчиларга ёрдам тариқасида ўз вақтида “Ўқитувчиларга - ҳуқуқий билимлар” услубий тавсияномаларини, “Қонунчилик асослари бўйича ўқув телевизион кўрсатувлар”, “Мактабдаги ҳуқуқий тарбия тўғрисида” услубий қўлланмаларини ишлаб чиқдики, улардан бошқа шаҳарларнинг халқ таълими ходимлари ҳам самарали фойдаланишмоқда.

Бундан ташқари, институтда ўқитувчилар, илмий билим мудирлари ва синфдан ташқари ишлар ташкилотчилари учун ўқувчиларнинг ҳуқуқий таълими ва тарбияси тизими ва унинг вазифалари ҳақида маърузалар ўқилади. “Давлат ва ҳуқуқ асослари” курсини ўқитадиган ўқитувчилар учун машғулотлар тезкорлик тизимида ўтказилади, дарслар режаларини тузиш, уларга материаллар, ахборотлар манбаларини тайёрлаш, шунингдек телевидение кўрсатувларидан фойдаланиш ва шу кабилар юзасидан маслаҳатлар ва тавсиялар берилади.

Тошкент шаҳрида ўқув йили бошланишидан олдин ўқувчиларнинг ҳуқуқий таълими ва тарбияси муаммолари бўйича туманлар ва шаҳарлар конференциялари ўтказилади. Уларда “Ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг роли ва ўрни”, “Ўқувчиларнинг ҳуқуқий тарбияси тизимида уларнинг индивидуал ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш” каби масалалар муҳокама қилинади. “Давлат ва ҳуқуқ асослари” курсининг ўқитилиши тажрибасини ўрганиш, ижобий иш тажрибаси билан алмашилиш, ҳуқуқий тарбия самарадорлиги ва сифатини ошириш муаммоларига катта эътибор берилади.

Туманлар халқ таълими бўлимларининг услубиёт кабинетларида ва таянч мактаблари деган ном олган айрим мактабларда ташкил этиладиган ўқитувчилар учун махсус семинар-практикумлар, маслаҳатларнинг самараси катта бўлмоқда. Бундай мактаблар микротуманлардаги бир неча мактабларни бирлаштиради ва ҳуқуқий

тарбия бўйича услубий ишларни амалга оширади. Бу ишларнинг ўтказилишига ҳуқуқшунослар ҳам жалб қилинади.

Суд, прокуратура, адлия, ички ишлар органларининг амалиётчи ходимлари педагогика жамоаларида тез-тез меҳмон бўлишади, маърузалар ўқишади, саволлар ва жавоблар кечалари ўтказишади, семинарлар ва конференцияларда қатнашишади, суҳбатлар, ҳуқуқ дарсларининг ўтказилишида ёрдам беришади ва давлат қонунчилиги асослари бўйича факультативлар ишида иштирок этишади.

## ДАРСДАН ТАШҚАРИ ФАОЛИЯТДА ЁШЛАР ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

✳ Оғзаки ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълимнинг доимий амал қилувчи шакллари  
✳ Оғзаки ҳуқуқий тарғиботнинг бир марталик шакллари ✳ Мактаб ўқувчилари  
ҳуқуқий тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари

### 1. Оғзаки ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълимнинг доимий амал қилувчи шакллари

Мактабдан ташқарида ўтказиладиган ишларнинг турли хилдаги шакллари вояга етмаганларнинг ҳуқуқий тарбияси тизимини тўлддириб, муҳим аҳамият касб этади.

Мактаб ўқитувчилари, тарбиячилар, синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ташкилотчилари, илмий бўлим мудирлари ва директорлари мактабдан ташқари вақтларда ўтказиладиган қандай ҳуқуқий тарбия шакллари мавжудлигини билиши, шу билан бирга ўқувчиларни бу ишга жалб этиши, уларни бунинг учун рағбатлантириши, бу ишни ташкил қилишда ўзлари ташаббус кўрсатиши лозим.

Ҳуқуқий билимлар тарғиботи - ҳуқуқий тарбиянинг муҳим шакли. Ҳуқуқшунос-лекторлар, олимлар ва прокуратура, судлар, милиция, адлия органларининг амалиётчи ходимлари республикада, шу жумладан, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб боришади. Бундай ишларнинг асосий мақсади - давлат ва ҳуқуқ назарияси, юридик билимларнинг оммалаштирилиши, ҳуқуқий меъёрлар ва қонунчиликнинг демократик принципларининг тушунтириб берилишидан иборат. Ҳуқуқий тарғибот аҳолининг ҳуқуқий таълимини, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва огоҳлантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий қоидаларини тарғиб қилиш ҳуқуқий-тарбиявий ишларнинг муҳим йўналишидир.

Вояга етмаганларнинг ижтимоий-психологик ва бошқа ўзига хос хусусиятлари улар ўртасида ҳуқуқий тарғиботни ташкил этишнинг йўналишларини белгилайди. Ҳуқуқий тарбияга доир ишларда вояга етмаганларнинг қуйидагича гуруҳларини ажратиб кўрсатиш қабул қилинган: ўрта умумий таълим мактаблари, ҳунар-техника билим



юртлари, техникумлар ўқитувчилари, 18 ёшгача бўлган ишчи ва қишлоқдаги ёшлар, олий ўқув юртлари талабалари. Демократик жамият қондаларини менсимайдиган, қийин тарбияланадиган, педагогик жиҳатдан ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ҳуқуқбузар вояга етмаган ўсмирлар алоҳида тоифани ташкил этади.

Ҳуқуқий тарғибот шакллари доимий амал қиладиган ва бир марталик бўлиши мумкин.

Доимий амал қиладиган шаклларга қуйидагилар киради: ҳуқуқий билимлар халқ университетлари, ҳуқуқий лекторийлар, ёш ҳуқуқшунос клублари ва мактаблари.

Ҳуқуқий билимлар халқ университетларининг ёшлар факультетлари ёш йигитлар ва қизларнинг ҳуқуқий тарбиясида муҳим роль ўйнайди. Улар ўсмирларга муайян тизимдаги ҳуқуқий билимлар мажмуини берадиган ўзига хос ўқув юртлари ҳисобланади. Бундай факультетлар дастурлари юқори синфлар ва хунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг шу пайтгача олган ҳуқуқий билимларини ҳисобга олган ҳолда тузилган. Факультетлар вазифаси - ёшларга теран ҳуқуқий билимларни беришдир. Улар бир ёки икки йиллик дастурлар бўйича иш олиб боради, бевосита ўқув юртлари ҳамда маданий-маърифий муассасалар қошида ташкил этилади.

Таҷриба шуни кўрсатадики, ёшлар факультетлари ҳуқуқий тарбия шакли сифатида ўзини оқляпти. Улар болалар фъел-атвориға ижобий таъсир кўрсатади ва бошқа чоралар билан бир қаторда улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг камайишига кўмаклашмоқда. Бундай факультетлар ҳуқуқий билимлар халқ университетлари қошида ташкил этилишига эришиш зарур.

Кўпгина мактаблар, хунар-техника билим юртлари, клубларда ҳуқуқий лекторийлар фаолият кўрсатади. Уларнинг тематик режаларида қуйидагича маърузалар туркумлари назарда тутилган: демократия ва қонунчилик, меҳнат, фуқаролик, жиноят ҳақидаги қонунлар, ёшларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ҳам ишлаб, ҳам ўқийдиган шахслар учун фуқароларнинг жамоат тартибини сақлашдаги иштироки тўғрисидаги маърузалар.

Машғулотлар шакли ўқувчиларнинг психологик ўзига хос хусусиятларини, диққат-эътибори ва қизиқишларини тез-тез ўзгартириб туришга мойиллигини ҳисобга олиб асосланади. Машғулотлар “давра суҳбати” тарзида ўтказилади. Тингловчилар олдида бир неча киши сўзга чиқиб, ҳаммасини айни бир мавзунини ҳар томонлама муҳокама қилишади. Ҳар бир машғулот шу мавзуга бағишланган қандайдир бадиий дастур (бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари, ҳужжатли ва бадиий фильмларнинг намоиши) билан тугалланади.

Клуб дастурида қуйидагича машғулотлар мавзулари назарда тутилиши мумкин. “Халқ таълими тўғрисидаги Қонун”, “Мақтаб низоми - мактаб ўқувчилари турмуши қонуни”, “Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлиги тўғрисида” (жавобгарлик ёши, билмаслик хавфи, ота-оналар ўсмирларнинг ҳуқуқбузарликлари учун жавоб берадими?); “Фуқаро. Ҳужжат. Нотариус”; “Ор-номусингни ёшлиқдан эҳтиёт қил” (клуб аъзоларининг ҳуқуқшунослар, шифокорлар, психологлар, журналистлар билан учрашуви); “Менинг милициям мени ҳимоя қилади” (ҳар доим постда, бутун халқ қўллаб-қувватлайди; жиноятнинг олди олинди); “Ҳоҳиш-ироданинг эркинлиги ва жавобгарлик”, “Ўз-ўзини англаш нима дегани?”, “Инсоннинг ҳамма нараси гўзал бўлиши керак”.

Бундай клубларда асосий диққат-эътибор ёшларни қизиқтирадиган энг долзарб, ҳаётий ахлоқий-ҳуқуқий масалаларга қаратилади. Бундан ташқари ҳуқуқий тарғиботнинг бундай шакли тегишли долзарб муаммони бир неча учрашув давомида, турли позициялардан туриб кўриб чиқиш, буни ишонarli тарзда ва изчиллик билан амалга ошириш имконини беради.

Клублар ва маданият саройлари, кутубхоналар, ёшлар ётоқхоналарида юридик ўқишлар ташкил этилади. Ўқишларни ўтказиш учун юридик адабиётлардаги янгиликлар, газета ва журналлардаги долзарб мақолалардан фойдаланилади.

Юридик ўқишлар эмоционал таъсир кўрсатиш воситалари: санъат усталарининг адабий мусиқали композициялари, бадий ҳаваскорлик чиқишлари, кинофильмларни томоша қилишлар билан бирга қўшиб олиб борилади. Буларнинг ҳаммаси тингловчиларнинг онгига, шу билан бирга хис-туйғуларига ҳам самарали таъсир қилишга ёрдам беради. Юридик ўқишлар мавзулари турли-туман бўлиши мумкин: “Оила ҳақида суҳбат”, “Бунинг ёнидан бепарво ўтманг”, “Гўзал ва маданий инсон тўғрисида”, “Йўқ мураса қилиб бўлмайди”, “Зарарли нарсаларнинг ҳеч қайсисини кечирмаймиз”, “Ким бўлиш ва қандай бўлиш керак?”, “Инсон учун курашиб”, “Сенинг ҳуқуқларинг, сенинг бурчинг” ва ҳоказо.

Юридик ўқишлар ахлоқий-ҳуқуқий мавзулардаги мунозаралар ва китобхонлар конференциялари билан бирга қўшиб олиб борилиши, баъзан алоҳида ўтказилиши ҳам мумкин. Шуниси характерлики, ҳуқуқий тарғиботнинг бундай шакллари ҳуқуқий мавзуларни ахлоқ, маънавий тарбия масалалари, соғлом турмуш тарзи, халқ анъаналари ва урф-одатларининг тарғиботи билан комплекс тарзда ёритишни таъминлайди. Бунинг натижасида мавзулар миқёси кенгайди, ҳуқуқий тарғиботнинг сафарбарлик роли ошади.

Кўпгина шаҳарлар судлари қошида, мактаблар ва мактабдан ташқари масалаларда “Ёш ҳуқуқшунос мактаблари” ташкил этилган ва ишлаб турибди. Уларнинг вазифаси - ўқувчиларнинг ҳуқуқни теран ўрганиши, уларнинг касб жиҳатдан йўналтирилиши, мактаблар учун ҳуқуқий масалалар бўйича ахборотчилар ва суҳбатдошлар тайёрланишига кўмаклашиш, мактабларда интизом ва ўзлаштиришни мустаҳкамлашдан иборат. Ёш ҳуқуқшунослар лекциялар тинглашади, семинар ва амалий машғулотларда қатнашишади, мунозаралар ўтказишади, кинофильмлар томошаси ва муҳокамасини уюштиришади, милиция прокуратура, суд иши билан танишишади, ҳуқуқий билимлар олимпиадаларида иштирок этишади.

Мактабларда 10-12-синфлар ўқувчилари учун алоҳида тарзда маърузалар, семинар ва амалий машғулотлар ўтказилади. Мавзуларнинг ўзига хос йўналишга эгалиги бундай мактабларнинг ҳарактерли хусусиятидир - уларда маъмурий ҳуқуқий ўрганишга, криминалистика, милиция ишининг ташкил этилиши ва фаолиятига, меҳнат-тузатиш ҳуқуқига кўпроқ эътибор берилади. Бундай мактаблар тингловчилари кейинчалик юридик ўқув юртларида таълимни давом эттирадиган, адлия органларида ишлашни ўзлари учун касб қилиб танлайдиган ҳоллар кўп учрайди.

Ўз ўқувчиларининг қизиқишлари ва қобилиятларини биладиган ўқитувчи, синф раҳбарининг ўқувчиларнинг мактабдан ташқари ҳуқуқий тарбиянинг ана шундай шаклларида иштирок этишларини тарғиб қилиши, бундай шаклларнинг мактабдаги интизом ва ўзлаштириш аҳволига таъсирининг самарадорлигини ўрганиши, ёш ҳуқуқшунослар мактаблари тингловчиларини кичик синфдагилар тарғиботчилик ишларига, топшириқларни бажаришга жалб қилиши муҳимдир.

## **2. Оғзаки ҳуқуқий тарғиботнинг бир марталик шакллари**

Ҳуқуқий тарғиботнинг доимий амал қиладиган шакллари билан бир қаторда унинг бир марталик шакллари ҳам ўзини тўла оқлайди. Гап алоҳида суҳбатлар, маърузалар, адлия органларининг амалиётчи ходимлари билан учрашувлар, саволлар ва жавоблар кечалари, тематик учрашувлар, оғзаки журналлар, мунозаралар, олимпиадалар ва ҳуқуқий тарғиботнинг бошқа шакллари ҳақида бормоқда.

Ҳуқуқ ҳақидаги маърузалар, суҳбатлар ҳуқуқий тарғиботнинг асосий шакли бўлиб қолмоқда. Албатта, бир марталик тадбирларнинг эпизодлилиги, мавзу жиҳатдан узилиб қолиши ўзининг салбий жиҳатларига ҳам эга. Ҳозир мавзуларнинг бирлиги билан боғланган. уюшган тарзда, режали асосда ўтказиладиган лекциялар ва суҳбатлар

туркумларининг ташкил этилишига ўтилаётгани бежиз эмас. Мавзулар туркумлари бир марталик маърузалардан фарқли равишда вояга етмаганларга муайян тизимдаги билимлар мажмуини беради, ҳуқуқ меъёрларини амалда қўлланиш малакаларини сингдиради, ўқув режалари ва мактаб дастурлари билан уйғун тарзда ўтказилиши мумкин.

Шу билан бирга айрим суҳбатлар, маърузалар ҳуқуқий турмуш ҳодисаларига муносабат билдириш, янги қонунларни тарғиб қилиш, пайдо бўладиган эҳтиёжларни қондиришнинг энг муҳим шакли бўлиб ҳисобланади.

Суд, прокуратура, милиция, адлия органларининг амалиётчи ходимлари билан учрашувлар ғоят муҳимдир. Улар ҳар доим ўсмирларда қизиқиш уйғотади, ҳуқуқий масалалар муҳокамасига сабаб бўлади. Ҳуқуқшунослар бундай учрашувлар олдиан мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, ёшлар жамоаларидаги интизом аҳволи билан тинишадилар, мавжуд камчиликлар ва ҳуқуқий тартиботни бузишларни таҳлил этишади, ҳуқуқбузарларга нисбатан қабул қилинган чоралар тўғрисида ахборот беришади. Бундай учрашувлар “давра суҳбати” тарзида, эркин суҳбатлашиш, баҳслашиш вазиятида ҳам ўтказилади. Лекин улар лекторлар ва ташкилотчилардан пухта тайёргарликни талаб қилади.

Мактаблар ва ўқув билим юртлари ўқувчилари учун ташкил этиладиган тематик кечалар ва саволлар ва жавоблар кечалари ҳам ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишнинг таъсирчан шаклидир. Уларни ўтказиш учун маданият саройлари, кинотеатрлар, кутубхоналар, маданият ва истирохат боғларидан фойдаланилади. Тажриба шуни кўрсатадики, бундай кечалар уларни тайёрлашда ўсмирларнинг ўзлари ҳам фаол иштирок этган жойларда қизиқарли ўтади. Тематик кечаларни муайян муаммоларга бағишлаш, саволлар, тингловчилар таркибини, шунингдек ҳуқуқшунослар доирасини (суд ёки прокуратура, адвокатура ёки милиция, нотариат, халқ таълими, ҳунар-техника таълими ходимларини) олдиндан белгилаш мақсадга мувофиқдир. 3-4 нафардан кўпроқ мутахассис иштирок этса, янада яхши. Чунки шу заҳотиёқ саволларга жавоблар беришга тўғри келади, бундай кечаларда катта амалий фаолият тажрибасига, шунингдек омма олдида нутқлар билан чиқиб юрган мутахассислар иштирок қилгани маъқул. Бундай кечалар “Ҳамма нарсага жавоб бериб яшаш”, “Сенинг фуқаролик бурчинг”, “Хато қилишга ҳаққинг йўқ”, “Терговни билимдонлар олиб боради”, “Ҳамма учун бир хил қоидалар” ва бошқа шу каби шиорлар остида ўтади.

“Тематик кечалар” тарғиботнинг энг кўп тарқалган шаклидир. Улар кўпинча меҳнат шуҳрати кечалари, ишлаб чиқариш илғорлари

билан учрашувлар, паспортларни топширилиши, очиқ эшиклар кунлари, оғзаки журналлар билан бирга қўшиб ўтказилиб, бу билан уларнинг ижтимоий аҳамияти янада кучайтирилади.

Оғзаки журналлар махсус сонлар ва саҳифалардан (ҳар бир сонда 3-5 саҳифа) иборат бўлиб, меҳнат фахрийлари, оталиққа олган кишилар, жамоатчи тарбиячилар, журналистлар, адиблар, тажрибали педагоглар иштирокида ўтказилади.

Мунозара - эркин фикр алмашувдир. Жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўладиган муҳим ҳаётий муаммо мунозара предмети бўлиши мумкин. Масалан, ўтмиш сарқитлари, лоқайдликка қарши кураш муаммоси. Мунозара дастури қатнашчилар ўз фикр-мулоҳазалари, тасавурларини билдириши мумкин бўлган асосий масалаларни ўз ичига олиши керак. Мунозара ташкилотчилари мақсадни олдиндан белгилаб олиши - қатнашчиларни у ёки бошқа ҳуқуқий муассаса билан таништириши, баҳс ижобий натижалар келтириши ва хато фикрлар инкор этилиши учун унинг мазмунини ҳамма учун умумий фикрга айлантиришга ҳаракат қилиши лозим. Мунозаралар фактлар билан ишлаш, исботлаш, ишонтира билишга ўргатади.

Ўқувчилар орасида кейинги йилларда ҳуқуқий билимлар олимпиадалари кенг тарқалмоқда. Олимпиадалар қатнашчиларига 5-6 та юридик мавзудаги саволга ёзма жавоб бериш таклиф қилинади.

Болаларда мураккаб вазиятларда тўғри хулқ-атвор намунасини кўрсатишни ҳосил қилиш мақсадида уларга у ёки бошқача вазиятда бўлиб қолишса, қандай иш тутган бўларди, қабилидаги саволлар берилади (масалан, улар даврасидаги болалардан бири жанжал чиқарса ёки жиноят содир қилса ёки унинг уйига ўғирланган нарсаларни кўтариб келса ва шу каби вазиятларда нима қилиш хусусидаги каби).

Ҳуқуқшунослар, ўқитувчилар, жамоатчилик вакиллари иштирок этадиган махсус жюри олимпиадага яқун ясайди. Энг яхши жавобларни тайёрлаган ўқувчилар ёрлиқлар ва совғалар билан тақдирланади.

Ўқувчиларнинг маънавий-ҳуқуқий тарбияси учун яна бошқача иш шакллари - феъл-атвор маданияти тўғрисидаги лекция-концертлар (“Қандай қилиш мумкин ва қандай қилмаслик керак”, “Инсоннинг ҳамма нарсаси гўзал бўлиши керак”) кўрик-мусобақалар (“Балли, йигитлар”, “Балли, қизлар”), саломатлик кечалари (зарарли одатлар, чекиш ва алкогольнинг зарари тўғрисида) дан ҳам фойдаланилади.

Кўпгина “ёш ҳуқуқшунослар мактаблари”, ҳуқуқий билимлар лекторийлари, халқ университетларининг, ёшлар факультетлари,

тарбия мактаблари ва клубларнинг тематик режаларига кўра суд жараёнларини бориб кўриш, милиция бўлимлари, халқ суди, прокуратура иши билан танишиш ҳам назарда тутилган.

Суд процесси пайтида вояга етмаганларнинг иштирок этиши катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. У вояга етмаганларни судлар иши билан таништиради, фуқаролик дарси ҳуқуқбузарликлар олдини олиш воситаси бўлади, қонун билан ҳамкор бўлишга ўргатади.

Шу билан бирга, суд жараёнлари, судда ишларни кўриб чиқиш вазияти ва шароитларининг ўсмирларга кучли эмоционал таъсир кўрсатиши бундай ҳолларнинг уларда салбий баҳолар, нотўғри тасавурларни ҳам келтириб чиқариши мумкинлигини ҳисобга олиш зарур.

Шунинг учун ҳуқуқий тарбиянинг бундай шаклида танлаб муносабатда бўлиш керак. Фақат ўтказилиши ва ташкил қилиниши қатор шарт-шароитларга мувофиқ келадиган жараёнларни бориб кўриш тавсия этилади. Бизнинг назаримизда қуйидагиларни ана шундай шарт-шароитлар деб ҳисоблаш мумкин: кўриб чиқиладиган ишнинг ёшлар учун долзарблиги, унинг маънавий моҳияти, жараённинг яхши ташкил этилишининг таъминланиши, жараёнларнинг вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш борасида тажриба орттирган судьялар томонидан олиб борилиши. Бир икки суд процессидан кўпига ташриф буюриш тавсия этилмайди. Кўриб чиқиладиган иш болаларга тушунарли бўлиши, улар судланувчининг ҳаракатларини тўғри баҳолай олиши, суд хулосасини тушуна билиши, қонунларга қатъий риоя қилиш, ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик зарурлигини англаб етадиган бўлиши лозим.

Бундан ташқари, шуни ҳам назарда тутиш керакки, қонунга кўра 16 ёшдан кичик бўлган шахслар, агар айбланувчи, жабр кўрган, иш юзасидан гувоҳлар бўлмаса, суд мажлиси залига қўйилмайди.

Суд процесси тугаганидан сўнг шу ерда қатнашувчи ўсмирлар билан фуқаролик ёки жиноий ишлар масаллари тўғрисида суҳбат ўтказилади, уларнинг саволларига жавоб берадиган халқ судьялари жуда тўғри иш тутишади.

Ичкиликбозликка қарши тарғибот ҳуқуқий тарбиянинг таркибий қисми ҳисобланади. Ёш йигит ва қизлар ўртасида бундай тарғиботни ўтказиш маркази - мактабдир.

Болалар қатор фанларни (давлат ва ҳуқуқ асослари, одам анатомияси ва физиологияси, органик кимё ва бошқаларни) ўрганиш жараёнида, ҳуқуқшунослар, шифокорлар, халқ таълими ва маданият ходимлари ўтказадиган лекциялар ва суҳбатлардан алкогольнинг зарари ва унинг оқибатлари тўғрисида кўп нарсани

билиб олишади. Университетлар ҳам ичкиликбозликка қарши тарғибот борасида кўп ишлар қилишмоқда. Масалан, ёшлар университетлари ва лекторийлари режаларига қуйидагича мавзулар киритилади: “Ичкиликбозликдан жиноятгача - бир қадам”, “Ичкиликбозликка қарши курашнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари”, “Шахснинг жамият олдидаги жавобгарлиги”, “Ичкиликбозлик - ижтимоий иллат, ўтмиш сарқити”.

Маълумки, ичкиликбозлик - ҳуқубзарликлар манбаи. Афсуски, то шу пайтгача ҳам алкогольга қарши тарғибот ҳам самарали бўлиб келмоқда. Вояга етмаганлар ичкиликбозлик негизида содир қиладиган ҳуқубзарликлар салмоғи анча катта. Судланувчилар курси сига тушган ўсмирларнинг сўровдан ўтказилиши шуни кўрсатадики, улардан ўғил болаларнинг 91,1 фоизи ва қиз болаларнинг 67,8 фоизи спиртли ичимликлар истеъмол қилишган. Тошкент шаҳрида ва бошқа шаҳарларда танлаб ўтказилган тадқиқотлар ўғил болалар (9-10- синфлар ўқувчилари) ўртасида спиртли ичимлик истеъмол қилувчилар улуши ўртача 61,5 фоизга ва қиз болалар ўртасида - 39,5 фоизга тенг. Болаларнинг спиртли ичимликларни фақат байрам кунларида ва ота-оналари ҳузурда истеъмол қилишгани ҳақидаги таъкидлашлари хотиржамлик учун асос бўла олмайди.

Ичкиликбозликка қарши тарғибот борасидаги жиддий камчиликлар, бизнинг назаримизда, қуйидаги сабаблар билан изоҳланади.

Мактабларда алкогольга қарши тарғибот онда-сонда, кампаниячилик тарзида ёки фавқулодда ҳолатлар рўй берганидан кейин ўтказилади.

Ичкиликбозликка қарши мавзулардаги лекциялар ва суҳбатларда спиртли ичимликларни суиистеъмол қилишнинг ижтимоий жиҳати ҳар доим ҳам очиб берилмайди. Бундай тарғибот асосан юқори синфлар ўқувчилари орасида ўтказилади, 5-6-синфлар ўқувчилари орасида эса бундай ишлар етарли ўтказилмайди ёки умуман ўтказилмайди. Кўп ҳолларда ушбу муҳим иш участкасида мактаб билан ота-оналар ўртасидаги алоқа таъминланмайди.

Ҳуқуқий тарғиботнинг турли шакллари билан нафақат ўқувчилар, шу билан бирга ота-оналар ҳам қамраб олинади.

Ота-оналар ҳуқуқий билимларни ишлаш, яшаш жойларида, фарзандлари таълим оладиган мактабларда, оммавий ахборот воситалари ёрдамида олишади.

Кўпгина мактабларда ота-оналарнинг ҳуқуқий умумий таълими ташкил этилган. Улар учун педагогик, тиббий ва ҳуқуқий мавзуларда суҳбатлар, лекциялар ўтказилади. Суд, прокуратура, милиция,

адвокатура органларининг амалиётчи ходимлари билан учрашувлар ташкил этилади.

Мактабларда ота-оналар ва ўқитувчилар учун илмий-амалий конференциялар ташкил этилади. Илмий-амалий конференциялар ҳуқуқий тарбияга доир иш тажрибасини умумлаштиради ва оммалаштиради ҳамда келгуси йил учун вазифаларни белгилайди. Ўқитувчилар ва ота-оналар учун “Мактаб ўқувчилари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ҳуқуқий тарбия”, “Ёшларни тарбиялашда мактаб, оила ва жамоатчиликнинг бирлиги” ва бошқа мавзуларда биргаликдаги конференциялар ўтказилди.

Бундай конференцияларга одатда, бутун педагогика жамоалари тайёргарлик кўришади. Мактабларда IV-X синфлар ўқувчилари учун сўровномалар, бўш вақтни режалаштиришлар ўтказилади, “тарбияси қийин” болаларнинг пайдо бўлиши сабаблари аниқланади. Ота-оналар фаоллари билан биргаликда оиланинг ижтимоий таркиби, бола шахси, унинг ота-онасига муносабати ўрганилади. Кўпгина маълумотлар сўровномалар ўтказиш йўли билан олинган. Ўқитувчиларга қуйидагича саволлар таклиф қилинди:

- Сенинг оиланг неча кишидан иборат?
- Сен қандай уй-жой шароитида яшайсан? Дарсларни тайёрлаш учун жой борми?
- Сенга дарсларни тайёрлашда ким ва қандай ёрдам беради?
- Сенинг яхши ўқишинга ким ва нима халақит беради?
- Сен шанба ва якшанба кунларида ўз ота-онанг билан қаерларга борасан?
- Сен ўз ота-онангни нима учун ҳурмат қиласан? Қайси соҳада уларга тақлид қилишни хоҳлайсан?
- Қандай газета ва журналларга обуна бўлгансиз?

Бир неча конференция ўтказилганидан кейин педагогик жиҳатдан ўз холига ташлаб қўйилган болаларнинг пайдо бўлиши сабаблари ҳақида хулосалар чиқарилди. Олдинга бундай сабабларнинг энг асосийси уй-жой маиший шароитлар эканлиги аниқланди. Лекин бошқача сабаблар ҳам мавжуд: ота-оналар ўртасидаги зиддиятли муносабатлар, отанинг оиладан кетиб қолиши, оиладаги ноаҳоқий вазият (ичкиликбозлик, қўполлик, мунтазам раздаги жанжаллар, калтаклашишлар, беҳаёликлар), болаларни тарбиялашнинг антипедагогик усуллари.

Ўзбекистон Республикасининг қатор вилоятларида конференциялар, ота-оналар билан учрашувларни ўтказиш бўйича тажриба тўпланган. Бундай конференцияларда халқ судьялари, прокурорлар, терговчилар, вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспекторлар сўзга чиқishi, оталарнинг болалар тарбияси, шу



жумладан, ҳуқуқий тарбиясидаги иштирокининг ўзига хос масалалари хусусида тўхталишади. Шу билан бирга, шуни ҳам эътироф этиш керакки, ота-оналар ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот - жуда катта меҳнат ва вақт талаб қиладиган ишдир. Лекин бу иш мунтазам тусда олиб борилса, у албатта ижобий самара беради.

### **3. Мактаб ўқувчилари ҳуқуқий тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари**

Ўзларини ахлоққа зид, ҳуқуққа қарши тутадиган вояга етмаганлар билан ҳуқуқий-тарбиявий ишлар уларнинг психологик, ижтимоий ва ҳуқуқий тавсифномаларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган тарзда амалга оширилади.

Шундай бир ибора яхши маълум вояга етмаган ҳуқуқбузарлар - бу ноноормал ҳолатга вақтинчалик тушиб қолган нормал болалардир. Бу айниқса тарбияси қийин ўсмирларга тегишли. Бундай шарт-шароитларнинг бартараф қилиниши - тарбияси қийин ўсмирнинг ҳуқуқбузарга, ҳуқуқбузарнинг эса жиноятчига айланишининг олдини олиш демакдир. Ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг асосий вазифаси ана шундан иборат.

Мактаб ўқувчиларини қайта тарбиялаш мақсадида, биринчи навбатда, ўқитувчи, синф раҳбари, мактаб директори, педагогик кенгаш, мактаб жамоатчилигининг улар билан индивидуал иш олиб бориши орқали эришилади.

Агар ўсмир милициянинг болалар хонасида ҳисобда турган бўлса, унда мактаб жамоасининг иши вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича комиссия, инспекция, жамоатчи тарбиячилар, оталиқ ташкилотлари амалга оширадиган олдини олиш тадбирлари билан тўлдирилади.

Демократик жамият қоидаларини менсимайдиган ўсмирлар билан ишлашдаги ҳуқуқий тарғиботнинг турли шакллари орасида суҳбатлар ( яккама-якка ёки гуруҳ бўлиб) энг кўп тарқалган шакл ҳисобланади.

Яккама-якка суҳбатлар самарадорлигига қатор талаблар бажарилганида эришилиши мумкин, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- ўсмир шахсини, унинг қилмишлари сабабларини, оиласидаги аҳволни, тарбиялаш шарт-шароитлари, атроф-муҳитнинг таъсири, педагогик жиҳатдан ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги даражасини билиш;

- суҳбатнинг аниқлиги, вояга етмаган боланинг хулқ-атвори билан унга яқин одамлар, дўстларининг боғлиқлиги. “Умумий

тусдаги” суҳбат бу ўринда тўғри келмайди. Шу билан бирга суҳбат фақат бир қилмиш атрофидаги гаплардан иборат бўлиб қолмаслиги, панд-насихат ўқиш доирасидан четга чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўтказиладиган суҳбат аниқ мақсадга (ҳуқуқий меъёрни тушунтириб бериш, қилмишни танқидий баҳолаш, ўсмирни салбий таъсир кўрсатадиган манбалардан йироқлаштириш ва шу кабилар) эга бўлиши лозим. Бу гуруҳ бўлиб суҳбатлашишга ҳам тааллуқли. Ўсмирлар радиосозлик, амалий санъат, ихтирочилик, техник ижодкорлик, спорт, бадий ҳаваскорлик билан шуғулланадиган қатор клублар ва тўғаракларнинг иш тажрибаси қизиқарлидир. Бундай клубларнинг ҳамма аъзолари учун ҳуқуқий мавзулардаги машғулотлар мажбурий ҳисобланади. Уларда ҳуқуқий тарбия болаларнинг ижодий машғулотлари билан биргаликда олиб борилади ва бунда ўсмирларга самарали тарбиявий таъсир кўрсатилишига оид қатор мисоллар мавжуд.

Масалан, Тошкент шаҳрида тарбияси қийин ўсмирлар учун 9 та туман клублари ишлаб турибди. Уларда лекция ва суҳбатлар туркумлари (“Ўртоқ ўсмир”, “Ор-номусингни ёшликдан авайла”, “Жамоатчилик фикри минбари” ва бошқалар) ўқилади, ўсмирларнинг нотўғри кўрсатмалари ва қарашларини тузатишга қаратилган яккама-якка тартибдаги суҳбатлар олиб борилади, улар қизиқишларига қараб тўғараклар ва секцияларга жалб этилади.

Тошкент давлат юридик институтида Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бўлими милициясининг болалар хонасида ҳисобда турадиган ўсмирлар учун махсус лекторий ташкил этилган бўлиб, институт олимлари ва ўқитувчилари у ерда лекциялар ўқишади. Лекциялар бир ойда бир марта олдиндан ишлаб чиқилган тематика бўйича “Сенинг бўш вақтинг”, “Безориликка қарши кураш”, “Сенинг ўзинг жавоб берасан”, “Вояга етмаганларнинг жавобгарлиги”, “Ҳаммаси паспорт ҳақида”, “Жиноят қидирув бўлимининг иш кунлари” ва бошқа мавзуларда ўқилади.

Ахлоққа зид хулқ-атворга йўл қўядиган ўсмирлар билан ишлаш ўсмирлар бирлашмалари - “Милициянинг ёш дўстлари”, ёш кўча ҳаракати инспекторлари, ёнғинга қарши кўнгилли дружиналарнинг ёш дўстлари, “Экологик патруллар” отрядлари режаларига ҳам киритилган.

Қизиқарли йўналишлар, гўзал табиат ва ижтимоий фойдали иш ўқувчиларни ўзига жалб этади. Улар маҳаллий ҳокимият органлари ёрдамида табиатни ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунни бузувчи корхоналарни аниқлашади.

Бундай ўсмирлар билан ишлашда уларнинг турли лагерлар - меҳнат ва дам олиш, спорт-меҳнат, ҳарбий спорт лагерларига жалб қилиниши катта аҳамият касб этмоқда.

Меҳнат ва дам олиш лагерлари мактаблар, халқ таълими органлари томонидан ёшлар ташкилотлари ва қасаба уюшмалари кенгашлари билан биргаликда хўжалик ва жамоат ташкилотларининг фаол иштирокида деҳқончилик саноат бирлашмалари, қурилишлар, корхоналар негизда ташкил этилади.

Мактабнинг ёшлардан иборат фаоллари меҳнат ва дам олиш лагерларининг ўзагини ташкил этади. “Тарбияси қийин” ўсмирлар лагерда дам олувчиларнинг 40 фоизини ташкил қилади. Тажрибанинг кўрсатишича, биргаликдаги меҳнат жараёнида уларнинг кўпчилиги қайта тарбияланиш йўлига ўта бошлайдилар.

Лагерларда ишлаш учун педагог-тарбиячилар ажратилиб, улар бригададаги тарбиявий ишлар аҳволи, ўқувчиларнинг фаол дам олишининг ташкил этилиши учун жавоб беришади.

## ХУЛОСА

Мустақиллик йиллари ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимизни собитқадамлик билан излаш, Ўзбекистонни эркин, қудратли ва гуллаб-яшнаётган мамлакатга айлантириш йўлидаги интилиш давридир. Мазкур даврда биз ўзимизнинг мустақил ҳуқуқий йўлимизни танлаб олдик. Ўзбекистоннинг мустақил ҳуқуқий йўли республиканинг ўзига хос турмуш тарзини, шарт-шароитлари ва хусусиятларини халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар тарафлама инobatта олишга асосланган. Айна пайтда бизнинг ҳуқуқий йўлимиз жаҳон ижобий юридик тажрибасини ҳам ҳисобга олади.

Демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришнинг асосий принциплари ва ўзбек давлатчилигининг сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий тузилмаларини жам қилувчи, умуминсоний қадриятларга асосланган, буюк келажагимизни аниқ белгилаб берган истиқлол Қомуси - Конституциямизни қабул қилдик. Истиқлол йиллари ҳуқуқий тарихимизга, маданиятимизга, маънавиятимизга, ўзлгимизга таяниб, жаҳоннинг илғор юридик тажрибасига суяниб мустақил ҳуқуқий сиёсатимизни аниқладик, халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъектига айландик.

Ҳуқуқий беписандлик ва манқуртликдан, қонунларга ҳурматсизлик ва риоя этмасликдан воз кечмоқдамиз. Мовароуннаҳр фикҳ мактаби вакиллари, буюк ҳадисшунос ва ҳуқуқшунос бобокалонларимиздан қолган ҳуқуқий меросни асраб-авайлаб, эъозлаб ўзбек миллий ҳуқуқий мафқурасини шакллантириш, дину-иймонимизни, анъаналаримизни қадрлаш, урф-одатларимизни, миллий қадриятларимизни тиклаш борасида амалий қадамлар қўйилмоқда.

Истиқлолнинг беназир қадри ва моҳиятини англамоқдамиз. Демократик адолатли ўзбек давлатини, яъни моддий ҳамда маънавий соғлом фуқаролик жамиятини қуришга киришмоқдамиз.

Ў Конституциямиз миллий давлатчилигимиз ва ҳуқуқий тизимимизнинг ўзагидир. Конституциямизда истиқболдаги қонун ижодкорлиги фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Конституциямиз асосида жорий миллий ҳуқуқий тизимимизни шакллантириш - узоқ давом этадиган, мураккаб ва зиддиятли, муттасил такомиллашиб борадиган жараёндр.

Ҳуқуқий маданият ҳақида сўз юритар эканмиз, давлат қурилиши соҳасида турли давлат идораларининг ҳуқуқий мақомини, ҳокимият ваколатларини тақсимлаш тамойилига мувофиқ белгилаб берувчи қонунларни яратмоқ керак. Ижтимоий йўналтирилган бозор

иқтисодиётига ўтишнинг қонуний асосларини тузиш - бу фақат ўтиш даврининг мажбурий шартигина бўлмай, балки ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг ўзига хос хусусияти ҳамдир. Шу муносабат билан ижтимоий қонунчиликни ривожлантириш - энг долзарб вазифалардандир. Шунингдек, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, кам таъминланган фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, оила ва никоҳ тўғрисидаги қонунларни ишлаб чиқиш борасида Республикамизда қизғин ишлар олиб борилмоқда. Халқ маданияти, фанни қўллаб-қувватлаш, интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунларни тайёрлаш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ташқи сиёсатимизнинг ҳам мустаҳкам ҳуқуқий асослари бўлмоғи даркор. Халқаро ҳуқуқ нормаларини инобатга олувчи ташқи сиёсий фаолиятимизга оид Қонунлар мажмуаларини пухта ва мазмунли этиб, миллий манфаатларимиз устуворлигидан келиб чиқиб яратмоғимиз лозим.

Ҳозир барча қонунларимиз ичида алоҳида аҳамиятга молик бўлган жиноят, жиноят процессуал, маъмурий ҳуқуқбузарлик, меҳнат, фуқаролик ва фуқаролик процесси тўғрисидаги муҳим кодекслар қабул қилинди. Мазкур кодекслар яқиндагина етакчи ҳуқуқшунос-олим ва амалиётчиларимиз томонидан ўзига хос илмий-амалий экспертизадан ўтказилган эди. Айни пайтда мазкур кодексларни жаҳоннинг илғор мамлакатлари ҳуқуқий тажрибаларини ва ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва миллий, маънавий-тарихий хусусиятларимизни иложи борича тўла инобатга олган ҳолда пухта муҳокама қилди.

Ўзбекистондаги ҳозирги ҳуқуқий вазиятнинг ўзига хос хусусияти, унинг жамият ҳаётининг барча жабҳалари - иқтисод, сиёсат, маънавий маданият ва фанда намоён бўлиб, таъсир кўрсатаётганлигидадир.

Ҳуқуқий вазиятнинг ва юридик фанларнинг ўзаро таъсири кўзга ташланмоқда. Юридик фанлар зарурий салоҳиятга эга бўлганлиги боис давлат ва ҳуқуқ ривожланишининг устувор йўналишлари бўйича назарий асосланган амалий тавсияларни ишлаб чиқишлари даркор.

Шунга кўра, фикримизча, юридик фанлар ва ҳуқуқий маданият назарияси олдида қуйидаги долзарб муаммолар турибди.

*Биринчидан*, қонун ижодкорлиги, қонунчилик фаолиятини такомиллаштиришга, янги қонун лойиҳалари концепциясини тайёрлашга, мукамал уюшган таркиблар услубига ва ўзбек парламенти - Олий Мажлис ишини таҳлил қилишга қаратилган ишчан механизмларни ишлаб чиқиши зарур.

*Иккинчидан*, ижроия ҳокимияти муаммолари ҳам катта эътиборни талаб қилмоқда, яъни марказда ва жойлардаги давлат

ҳокимияти ва бошқариш идораларининг ҳуқуқий мақомини ўрганиш долзарб бўлиб турибди. Шу муносабат билан чуқур ижтимоий ҳуқуқий ва руҳиятшунослик тадқиқотларини ўтказиш масаласи билан бирга хорижий мамлакатларнинг юридик тажрибаларидан ижобий сабоқ олиш ҳам тақозо қилинади.

*Учинчидан*, инсон ва фуқаро ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми ҳам суд ҳокимиятини муаммосини батафсил илмий ишлаб чиқишни кун тартибига қўймоқда. Шу муносабат билан инсон ҳуқуқлари бўйича вакил қилинган шахснинг вазифалари, фирмалар ва давлат муассасалари билан фуқароларнинг мулкӣ баҳсларига оид судга мурожаатлари тартиби маромини оддийлаштириш (истеъмомчанинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш) тўғрисидаги масалани ҳал этмоқ лозим.

*Тўртинчидан*, миллий мустақиллик мафқурасининг ажралмас қисми сифатида ўзбек ҳуқуқий мафқурасини шакллантириш ва ҳаётга татбиқ этишнинг яхлит тизимини яратиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур ўринда фақат миллий ҳуқуқий мафқуранинг илмий асосларини ишлаб чиқишгина эмас, балки ҳуқуқий тарбия ва тарғибот тизими ҳам ғоят муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси дадил қадамлар билан мустақил миллий давлатчилик йўлидан бормоқда. Бу йўлда эришилган натижа ва сабоқлар қуйидагилардан иборат.

**Биринчиси**, мустақил Ўзбекистон ўз миллий давлатчилиги ва ҳуқуқий тизимини шакллантиришнинг ўзига хос йўлига эга. Бу йўл қуйидаги маънавий-ҳуқуқий негизларга ва давлатчилик тажрибаларига асосланади: умуминсоний давлат-ҳуқуқий қадриятларга содиқлик; халқимизнинг ҳуқуқий-маънавий меросини тиклаш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг намоён қилиниши; мамлакатда Конституция, қонун устиворлиги ва демократик ҳуқуқий давлатга нисбатан итоаткорлик; миллий ҳуқуқий мафқура ва дунёқарашни шакллантириш кабилардан иборат.

**Иккинчиси**, мустақил ўзбек давлатининг маънавий-ҳуқуқий пойдевори - миллий давлатчилигимиз таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам илдизларга бориб тақалади. У салкам уч минг йиллик тарихга эга. Қадимий Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон ҳудудидан равнақ топган давлатлар жаҳон маданиятини ривожлантиришда ёрқин ва салмоқли из қолдирган.

Ўзбекистон давлати ўзида кўҳна Сугдиёна ва Хоразмдан бошлаб Сомонийлар, Хоразмшоҳлар, Темур ва темурийлар давлатлари ва ўзбек хонликларининг давлат бошқаруви тажрибасини, ўзбек халқи бутун миллий-тарихининг, ҳуқуқий, маънавий амалиётининг ҳамда

унинг ўз мустақил давлатига эга бўлиш каби асрий орзуларини мужассамлаштирган. Мустақил ўзбек давлати умумжаҳон ва миллий давлатчилик тараққиёти қонуниятларини узвий равишда уйғунлаштирмоқда.

**Учинчиси,** Ўзбекистоннинг давлат-ҳуқуқий эҳтиёжларига жавоб берадиган янги ҳуқуқий назария негизларини барпо этиш бошланди. Шу муносабат билан узоқ муддатга мўлжалланган кенг қўламли: "Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий ва ҳуқуқий тизимлари" ҳуқуқий дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этиш жуда муҳимдир. Мазкур дастур доирасида ҳозирги сиёсий ва ҳуқуқий вазиятни, шунингдек, асосий демократик тузилмалар, ҳуқуқ тармоқларининг ривожланиш истиқболларини яхлит тадқиқ этишнинг имкони бўлар эди. Ушбу муаммони ҳал этмоқ учун нафақат ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчи ходимларнинг, аynи замонда бошқа ижтимоий фанлар вакилларининг ҳам саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарур.

**Тўртинчиси,** Ўзбекистондаги ижтимоий ва давлат ҳаёти вазиятини баҳолашда фақат ижтимоий-сиёсий эмас, балки ҳуқуқий вазиятни ҳам ҳар томонлама таҳлил қилиш зарур. Ҳуқуқий вазият - бу бир неча ўзаро узвий боғланган ҳодиса ва жараёнларнинг муайян тизимидир. У қатор кўрсаткичлар билан аниқланади ва таърифланади. Улар сирасига: жамият ҳаётида ҳуқуқий ибтидоларнинг ўрни ва мавқеини; қонунчилик ҳолати (ривожланиш даражаси ва сифатини); жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликлар даражаси ва шаклларини; ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиги ва касбий маҳоратини; инсон ҳуқуқларини амалга оширишнинг кафолатланишини киритиш мумкин. Худди ана шу нуқталар, фикримизча, ҳар қандай малакатда мавжуд бўлган "ҳуқуқий маконни" белгилаб беради.

**Бешинчиси,** мустақиллик йилларида Ўзбекистонда шаклланган ҳуқуқий вазиятни ўтиш даврига мувофиқ давр деб баҳолаш мумкин. Зероки, биз маъмурий-буйруқбозликка асосланган социалистик яккаҳокимликдан воз кечиб, эндигина демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишга киришдик. Аynи пайтда, биз қонунларни менсимаслик ва умумий ҳуқуқий инкор вазиятини бартараф эта олдик, бинобарин, одил фуқаролик жамияти фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий заминларни яратишга киришдик.

**Олтинчиси,** Ўзбекистондаги ҳуқуқий вазиятни ва ҳуқуқий йўлни уч босқичнинг муштарақлигига кўра баҳолаш ва таҳлил этиш жоиз. Улар сирасида энг юқори босқич даражасига тааллуқли олий ҳокимият фаолияти ва унинг уч тармоғи орасидаги ўзаро муносабат, ўрта босқичга - ижроия ҳокимияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш

тизими фаолияти, ва ниҳоят, қуйи босқичга эса - ҳуқуқий муносабатлар тизимидаги оддий фуқаронинг мақоми мансубдир.

Олий даражада қатор қонунлар қабул қилинган бўлиб, уларнинг негизида ҳокимият ваколатларининг конституциявий бўлиниш тамойили амалга ошган. Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд тармоқлари шаклланган. Ўзбекистондаги демократик ўзгаришлар натижасида ўтмишни баҳолашда умумфуқаролик ва умуммиллий ҳамжиҳатликка эришилди. Ўзбек жамиятининг сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳ қилиниши учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Ўрта даражада юқоридан қуйигача ижроия ҳокимияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бутун бир тизими барпо этилди. Ижроия ҳокимиятини вертикал (бўйига) ва горизонтал (узунасига) боғланишлари қайта тикланди, мансабдор шахсларнинг масъулияти оширилди, бир-бирининг вазифаларини такрорлаш ва бир идоранинг бошқа идора билан ўриндошлиги ҳодисасига чек қўйилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари таркибидаги муҳим янгилик яна шундан иборатки, бундан буён судлар илгариги андазали рўйхатдагидек миллий ҳавфсизлик, ички ишлар идоралари каби ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг оддий таркибий қисми бўлмай, энди улар ҳокимиятнинг мустақил тармоғини ташкил этдилар. Яъни улар давлат механизмидаги ўз нуфузлари, салмоқларига кўра ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари - қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти мақомига тенгдирлар.

Қуйи босқичда инсон ва фуқаронинг ажралмас ҳуқуқлари қонун томонидан старлича ҳимояланган. Мазкур ҳуқуқлар сирасига: сўз ва эътиқод эркинлиги, ишни ва касбни эркин танлаб олиш ҳуқуқи, маълумот олиш ҳуқуқи ва бошқалар тааллуқлидир. Олий Мажлис таркибида инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллик тузилмаси ташкил этилган. Фуқаронинг қонуний манфаатлари бузилган ҳолатларда у ҳар қандай масала бўйича ҳимоя учун судга мурожаат қилиши мумкин.

Еттинчиси, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни ва миллий ҳуқуқий тизимни шакллантириш учун қуйидаги аниқ тадбирларни амалга ошириш муҳимдир: улар - жамиятда сиёсий, миллатлараро, ижтимоий ва моддий тенгликни таъминловчи самарали тизимга асосланган қонунлар қабул қилиниши; барча бўғинлардаги давлат идоралари фаолиятининг ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қиладиган қонунлар тизимини барпо этиш лозимлиги; давлат хизматчиларининг мақоми тўғрисида қонун қабул қилиш зарурати; ҳуқуқ органлари фаолиятининг қонуний негизини мустаҳкамлаш; фуқароларнинг сиёсий жараёнларда, давлатни



бошқаришда қатнашувини таъминлайдиган ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш; бозор муносабатлари шароитида давлатнинг иқтисодийтини бошқаришдаги мавқеи ошиб бораётганлиги боис бозор ҳуқуқини яратиш, яъни ижтимоий иқтисод, ишлаб чиқариш, савдо иқтисоди муносабатларининг маромли ишлаб туриши учун норматив шартлар ишлаб чиқиш; миллий уйғониш ғоясини, жумладан, ўзбек ҳуқуқий мафкурасини; инсон ҳуқуқларини амалга ошириш учун моддий ва ҳуқуқий кафолатларни яратиш кабилардир.

**Саккизинчиси**, миллий истиқлол мафкураси ўзида халқимизнинг энг ардоқли фазилатлари - иймон ва инсоф, адолат ва тенглик, меҳроқибат, шафқат ва раҳмдиллик, ният ва андиша, ор-номус, ўзаро ҳурмат, юксак ватанпарварлик, элига ва халқига садоқат, қонунга итоаткорлик ва шунга ўхшаш қадриятлар ва ғояларини мужассамлаштирмоғи лозим.

Миллий истиқлол мафкураси - бу мустақил миллий давлатчиликни қуриш учун амалга оширилаётган узоқ муддатга мўлжалланган ислохотлар, буюк келажакимизга ишонч руҳида суғориладиган тақдирломон ғоялар ва ҳаракатлар мажмуидир. У - жамиятдаги маънавий руҳий вазиятнинг кўрсаткичи, ундаги ҳоқиқатларнинг намоён бўлишидир.

Ўзбекистон миллий мафкурасининг негизини миллий гуруҳ, ўзбек миллатининг асосий маънавий-ахлоқий фазилатлари ва буюк миллий маданий меросимиз ташкил этади.

**Тўққизинчиси**, ҳуқуқий мафкура - миллий истиқлол мафкурасининг муҳим таркибий қисмидир. Ҳар бир халқ ўзининг мафкурасига, жумладан, ҳуқуқий мафкурасига эга бўлиши керак. Кенг маънода ҳуқуқий мафкура - давлатнинг жамиятда тутган ўрни, мақсади, вазифалари, бошқарув шакли, давлат фаолиятининг асосий тамойиллари, давлат ва халқнинг ўзаро муносабатлари тўғрисидаги фикрлар, назариялар мажмуидир. Айни пайтда у ҳуқуқ, унинг моҳияти, тамойиллари қонунийлик, адолат ҳақидаги қарашлар, ғояларнинг муштараклиги, давлатнинг ҳуқуқий тамойиллари билан узвийлигини, чунончи, ҳуқуқий онгни жамият аъзоларининг илмий дунёқарашига айлантириш ғояларининг ҳам йиғиндисидир.

Ўзбек халқининг ҳуқуқий мафкураси мустақиллик, озодлик, ҳурфикрлик, тенглик, тинчлик, адолатлик, қонунийлик, халқчилик, инсонпарварлик, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларни ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиш, жамиятда қонун устуворлигини ўрнатиш, фуқаро билан давлат ўртасидаги ўзаро тенг жавобгарлик, жазонинг айбдорлик даражасига мослиги каби миллий ва умумбашарий ҳуқуқий ғоя ва қадриятларни ўзида мужассамлаштирмоғи лозим.

**Ўнинчиси,** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустақил давлатчилигимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори, миллий истиқлол ва умумбашарий истиқлол Қомуси, ўзбек ҳуқуқий мафкурасининг асосидир. Конституция жорий қонунчилик ва ҳуқуқий тараққиётнинг асосий йўлларини белгилаб берди. У миллий ҳуқуқий тизимимизнинг ўзагини, марказини ташкил этади. L

**Ўн биринчиси,** ҳуқуқий маданият ҳуқуқ, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий муносабатлар, одил қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот, ҳуқуқий мазмундаги фаолият, ҳуқуқни сиёсий баҳолаш мезонлари ва ҳуқуқий хулқ-атвори, яъни ҳуқуқий соҳада инсоний маърифийлик қўлга киритган барча эзгуликларни мужассамлаштиради.

Ҳуқуқий маданият назарияси амалдаги ҳуқуқ (қонун чиқариш) нинг маданий даражаси давлат бошқарувининг ҳуқуқий маданияти, ва ниҳоят, шахснинг ҳуқуқий маданияти каби ўзининг барча жабҳалари билан бирга - жамиятдаги умумий маънавий маданиятнинг муҳим таркибий қисмидир. Табиийки, у аксарият умумий маданиятнинг ривожланиш савияси билан боғланган. Ўз навбатида ҳуқуқ ва умумий маданиятнинг ривожланишида ва такомиллашувида у муайян аҳамият касб этади.

**Ўн иккинчиси,** ҳуқуқий фаолият, жумладан ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва касб-кори бўйича ҳуқуқий маданияти муҳим хусусиятларга эга. У бошқаларнинг ҳуқуқий маданиятидан ўз ҳажми ва сифати билан фарқ қилади. Ички ишлар идоралари ходимлари ҳуқуқий маданиятидаги қуйидаги ўзига хос хусусиятларни қайд этиш мумкин: булар - кенг ҳуқуқий дунёқарашнинг мавжудлиги юсак ҳуқуқий касбий тайёргарлик, ҳуқуқий қоидаларни тўғри қўллаш учун зарур бўлган юсак касбий тажрибанинг мавжудлиги, қонунларга қатъий риоя қилишга ички барқарор эътиқод, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг фаолиятини фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини, уларнинг шаънини ҳимоя қилишга йўналганлигини англаб олиш кабилар.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқий фаолияти қуйидаги асосий жиҳатлари билан ажралиб туради. Булар - ҳуқуқ ижодкорлиги - норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва муҳокама этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини давлат мажбурлови чоралари воситасида ҳимоя этиш, ахлоқий, ўз эътиқоидида қойимлик ва хизмат бурчларини бажаришда ташқаридан бўладиган асосиз аралашувларга қарши тура олишлик; маориф - ўз касбий ва маданий савиясини доимий равишда ошириб бориш; тарбия - аҳоли ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий ишлар олиб боришда фаол қатнашиш кабилар.

**Ўн учинчиси,** қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар ҳуқуқий муайянлик эга бўлиши учун улар жаҳон ҳуқуқий маданияти андозаларига мувофиқ келиши жоиз. Қонунда пухта ифодаланган ҳуқуқий тушунчаларда фуқаролар, давлат ва бошқа ҳуқуқ иштирокчиларини аниқ эҳтиёж ва манфаатлари, уларни амалга оширишнинг манбалари ва тадбирлари мустаҳкамланган, ҳуқуқий қоидаларнинг бажарилишини таъминлайдиган давлат органи ҳам кўрсатилган бўлиши даркор. Бунинг учун қонун инсон ҳуқуқлари, ижтимоий тараққиёт, давлатнинг демократиясигача ёйиладиган ижтимоий муносабатлар учун кенг имконият уфқларини яратиш, қонунда ифодаланган қоидаларга риоя қилмаганлик учун муайян жазо тақозо қилинишини назарда тутиш мақсадга мувофиқдир. Қонун маданий қадриятдек, халқнинг маънавийлиги билан уйғунлашуви, яъни унинг билан муҳолифатда бўлмаслиги, ўзида уни ҳаётга жорий этиш чора-тадбирларини мужассамлаштирган бўлиши зарур. Ушбу зикр этилган маърифий қонунчилик андозалари тизимига мансуб бўлган зарур унсурлар қонунчилигимизда тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

**Ўн тўртинчиси,** қонунга итоаткорлик мавжуд ҳодисаларнинг юксак ижтимоий фазилатларини тан олиб қонун ва фуқаро манфаатларининг ўзаро мувофиқ келиши билан изоҳланади. Бинобарин, у кишиларнинг ҳуқуқий йўл-йўриқларини бажаришларига, ҳуқуқий қоидалар таклиф этадиган андазалар билан ўз ҳаракатларини мувофиқлаштиришларига асосланади. Қонунга итоаткорлик ҳуқуқий қоидалар талаблари тўғрисида етарлича ахборотга эгалликни, шунингдек ҳуқуқий принциплар билан яқдил бўлишдан иборат ҳуқуқнинг ижтимоий қадр-қиммати билан муроса қилишни ифодалайди. Айни пайтда қонунга итоаткорлик фақат йўл-йўриқларга оғишмай риоя қилишга, ўз хулқ-атворини ҳуқуқий мезонлар таклиф этадиган андазалар билан мутаносиблаштиришга интилиш воситасида эмас, балки қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган ижтимоий фаоллик билан ҳам изоҳланади. Бу - давр талабидир.



# ИЛОВАЛАР

17—K 6053

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

### МУҚАДДИМА

Ўзбекистон халқи:  
инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига  
содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,  
ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини  
англаган ҳолда,  
ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб,  
демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб,  
халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари  
устунлигини тан олган ҳолда,  
республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини  
таъминлашга интилиб,  
инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб,  
фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш  
мақсадида,  
ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон  
Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади.

## **БИРИНЧИ БЎЛИМ АССОСИЙ ПРИНЦИПЛАР**

### **1 боб ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ**

**1-модда.** Ўзбекистон - суверен демократик республика. Давлатнинг “Ўзбекистон Республикаси” ва “Ўзбекистон” деган номлари бир маънони англатади.

**2-модда.** Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-худудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.

### **Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир**

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари - байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг пойтахти - Тошкент шаҳри.

### **II боб ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ**

**7-модда.** Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томондангина амалга оширилади.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий

таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

**8-модда.** Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади.

**9-модда.** Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

**10-модда.** Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафқуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафқураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

**14-модда.** Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

### III боб КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУННИНГ УСТУНЛИГИ

**15-модда.** Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш қўрадилар.

**16-модда.** Мазкур Конституциянинг бирорта қонидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас.



Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

#### IV 606 ТАШҚИ СИЁСАТ

**17-модда.** Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлар аро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин.

#### ИККИНЧИ БЎЛИМ ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

#### V 606 УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**18-модда.** Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

**19-модда.** Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

**20-модда.** Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

## VI боб ФУҚАРОЛИК

**21-модда.** Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айти вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади.

**22-модда.** Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.

**23-модда.** Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар.

## VII боб ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР

**24-модда.** Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

**25-модда.** Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

**26-модда.** Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

**27-модда.** Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашайдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

**28-модда.** Ўзбекистон Республикаси фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

**29-модда.** Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сирини ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

**30-модда.** Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

**31-модда.** Ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

## VIII боб СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР

**32-модда.** Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

**33-модда.** Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намоёнлиқлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

**34-модда.** Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик оргаңларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас.

**35-модда.** Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат оргаңларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан муурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

## IX боб ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАР

**36-модда.** Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банка кўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

**37-модда.** Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

**38-модда.** Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади.

**39-модда.** Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб кўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

**40-модда.** Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

**41-модда.** Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.

Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

**42-модда.** Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод-эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

**Х 606**  
**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА**  
**ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ**

**43-модда.** Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

**44-модда.** Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

**45-модда.** Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

**46-модда.** Хотин-қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқлидирлар.

**ХІ 606**  
**ФУҚАРОЛАРНИНГ БУРЧЛАРИ**

**47-модда.** Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар.

**48-модда.** Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

**49-модда.** Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар.

Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

**50-модда.** Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

**51-модда.** Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.

**52-модда.** Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш - Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

**УЧИНЧИ БЎЛИМ**  
**ЖАМИЯТ ВА ШАХС**

**ХІІ 606**  
**ЖАМИЯТНИНГ ИҚТИСОДИЙ НЕГИЗЛАРИ**

**53-модда.** Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини

ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тadbиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

**54-модда.** Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

**55-модда.** Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

### **XIII боб ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ**

**56-модда.** Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

**57-модда.** Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади.

**58-модда.** Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашishiга, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашishiга йўл қўйилмайди.

**59-модда.** Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.

**60-модда.** Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминлаш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар бериб турадилар.

**61-модда.** Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

**62-модда.** Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади.

#### XIV БОБ ОИЛА

**63-модда.** Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқчилигига асосланади.

**64-модда.** Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.

**65-модда.** Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

**66-модда.** Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

#### XV БОБ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

**67-модда.** Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.

Цензурага йўл қўйилмайди.

**ТўРТИНЧИ БЎЛИМ**  
**МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ВА ДАВЛАТ**  
**ТУЗИЛИШИ**

**XVI боб**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING**  
**МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ**

**68-модда.** Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат.

**69-модда.** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш, шунингдек вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилади.

**XVII боб**  
**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**70-модда.** Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради.

Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилади.

**71-модда.** Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга.

Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид бўлиши мумкин эмас.

**72-модда.** Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир.

**73-модда.** Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди ва чегаралари унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Қорақалпоғистон Республикаси ўз маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал қилади.

**74-модда.** Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан Қорақалпоғистон Республикаси халқининг умумий референдуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга.

**75-модда.** Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида тузилган шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солинади.



Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги низолар мурсага келтирувчи воситалар ёрдамида ҳал этилади.

## **БЕШИНЧИ БЎЛИМ** **ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАШКИЛ** **ЭТИЛИШИ**

### **XVIII боб** **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ**

**76-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

**77-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида беш йил муддатга сайланадиган депутатлардан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайланиш ҳуқуқига сайлов кунигача 25 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари эгадирлар.

Депутатликка номзодлар олдига қўйиладиган талаблар қонун билан белгиланади.

**78-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мутлақ ваколатлари жумласига:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

2) Ўзбекистон Республикаси қонунларини қабул қилиш ҳамда уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

3) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ва давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари тизимини ва ваколатларини белгилаш;

5) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

6) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;

7) маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, Ўзбекистон Республикасининг чегараларини ўзгартириш;

8) Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;

9) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва маҳаллий вакиллик органларига сайлов тайинлаш; Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

10) ваколоти тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов кунини тайинлаш;

11) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раисини ва унинг ўринбосарларини сайлаш;

12) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш;

13) Ўзбекистон Республикаси Олий судини сайлаш;

14) Ўзбекистон Республикасининг Олий ҳўжалик судини сайлаш;

15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ва вазифасидан озод этиш;

16) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бош Вазир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ва лавозимларидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқарув органларини тузиш ва тугатиш ҳақидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

21) халқаро шартномаларни ва битимларни ратификация (тасдиқлаш) ва денонсация (барвақт тўхтатиш) қилиш;

22) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

23) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, номини ўзгартириш ва уларнинг чегараларини ўзгартириш;

24) ушбу Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколаларни амалга ошириш киради.

**79-модда.** Олий Мажлис йиғилиши жами депутатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирдагина ваколатли ҳисобланади.

**80-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг органлари йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Бош Вазир ва Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Республика Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик судининг раислари, Бош прокурори, Марказий банки бошқарувининг раиси иштирок этишлари мумкин.

**81-модда.** Ваколат муддати тугагач Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси янги чақириқ Олий Мажлиси иш бошлагунига қадар ўз ваколатини сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сайловдан кейинги биринчи йиғилиши Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай чақирилади.

**82-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг Президенти, шунингдек ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар.

**83-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилади. Қонунни қабул қилиш учун Олий Мажлис депутатларининг кўпчилик овози талаб этилади.

Қабул қилинган қонунларнинг ва бошқа норматив ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

**84-модда.** Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили ҳисобот бериб турадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон вакили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси ва унинг ўринбосарлари Олий Мажлис ваколати муддатига сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси этиб бир шахсни сурункасига икки муддатдан ортиқ сайлаш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Олий Мажлис депутатлари учдан икки қисмидан иборат кўпчилигининг яширин овоз бериши орқали муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

**85-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси:

1) Олий Мажлис муҳокамасига қўйиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

2) Олий Мажлис йиғилишларини чақиради, Олий Мажлис кун тартибига киритиладиган таклифларни қўмиталар ва комиссиялар раислари билан биргаликда тайёрлайди;

3) Олий Мажлис йиғилишларида раислик қилади;

4) Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради;

5) қонунларнинг ва Олий Мажлис қарорларининг бажарилишини назорат қилишни ташкил этади;

6) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ва халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ гуруҳлар фаолиятига раҳбарлик қилади;

7) Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари раислари этиб сайлаш учун Олий Мажлисга номзодларни тақдим этади;

8) қўмиталар ва комиссиялар раисларининг таклифига мувофиқ қўмиталар ва комиссиялар таркибини ўзгартириб, сўнгра бу ўзгартишларни Олий Мажлис тасдиғига киритади;

9) Олий Мажлисининг матбуот органлари фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

10) Олий Мажлис матбуот органлари низомларини ва таҳрир ҳайъати таркибини ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар сметасини тасдиқлайди;

11) Олий Мажлисга қаршли матбуот органлари муҳаррирларини тайинлайди ва лавозимларидан озод қилади;

12) Олий Мажлис депутатлари ва девонининг ишлаши учун зарур харажатлар сметасини тасдиқлайди;

13) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларини имзолайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси фармойишлар чиқаради.

**86-модда.** Олий Мажлис қонун лойиҳалари тайёрлаш ишларини олиб бориш, Олий Мажлисга ҳавола этиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, қонунларнинг ва Олий Мажлис бошқа қарорларининг ижросини назорат қилиб туриш учун депутатлар орасидан қўмиталар ва комиссиялар сайлайди.

Олий Мажлис зарур бўлган тақдирда доимий ҳамда муваққат ишловчи депутатлик, тафтиш ва бошқа комиссияларни тuzади.

**87-модда.** Олий Мажлис депутатларига белгиланган тартибда уларнинг депутатлик фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлар қопланади. Олий Мажлисида доимий ишлайдиган депутатлар ўз ваколатлари даврида бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас.

**88-модда.** Олий Мажлис депутати дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. У Олий Мажлиснинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

## XIX боб ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ

**89-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти айна вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади.

**90-модда.** Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади.

**91-модда.** Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас.

Президентнинг шахси дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади.

**92-модда.** Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида қуйидаги қасам ёдни қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади:

“Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга,

Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан”.

**93-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти:**

1) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир;

2) Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради;

3) мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

4) музокаралар олиб боради ва Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди;

5) ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ва бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади;

6) Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлайди ҳамда лавозимларидан озод қилади;

7) республика Олий Мажлисига ҳар йили ички ва халқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим этади;

8) ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади; республика олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; Ўзбекистон Республикаси вазирликларини, давлат кўмиталарини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни Олий Мажлис тасдиғига киритади;

9) Бош Вазир унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Олий Мажлиснинг тасдиғига киритади;

10) Олий Мажлисга Конституциявий суд раиси ва аъзолари, Олий ҳўжалик суди раиси ва аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади;

11) вилоят, туман, шаҳар ва ҳўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади;

12) вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, бу масалаларни тегишли

халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига қўяди; Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли;

13) республика бошқарув органларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади ва бекор қилади;

14) Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди; қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли. Агар Олий Мажлис илгари ўзи қабул қилган қарорни учдан икки қисмдан иборат кўпчилик овоз билан тасдиқласа, Президент қонунни имзолайди;

15) фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади, қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғига киритади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади;

16) республика Куролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, Куролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади; олий ҳарбий унвонларни беради;

17) Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилади, қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғига киритади;

18) Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлайди, Ўзбекистон Республикасининг малакавий ва фахрий унвонларини беради;

19) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиғига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади;

20) амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларни авф этади;

21) миллий хавфсизлик ва давлат назорати хизматларини тузади, уларнинг раҳбарларини тайинлайди ва лавозимидан озод этади ҳамда ўз ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилади.

Президент ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас.

**94-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституцияга ва қонуналарга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудда мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

**95-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси таркибида унинг нормал фаолиятини таҳдидга соладиган, ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд у бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда, Президентнинг Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Олий Мажлис тарқатиб юборилиши мумкин. Олий Мажлис тарқатилгандан сўнг унга янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади.

Олий Мажлис фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатилиши мумкин эмас.

**96-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Президенти бетоблиги сабабли ўз вазифасини бажара олмаслиги Олий Мажлис тузган давлат тиббий комиссияси хулосаси билан тасдиқланган тақдирда ўн кун муддат ичида Олий Мажлисининг фавқулодда йигилишида депутатлар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини вақтинча бажарувчи сайланади. Бу ҳолда уч ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумхалқ сайлови ўтказилиши шарт.

**97-модда.** Ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Конституциявий суд аъзоси лавозимини эгаллайди.

#### XX боб ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИ

**98-модда.** Вазирлар Маҳкамаси таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тузади ва у Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонуналар, Олий Мажлисининг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонуналарга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.



Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

## XXI боб МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ АСОСЛАРИ

**99-модда.** Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

**100-модда.** Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар кириди:

қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш;

ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;

маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;

маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;

норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

**101-модда.** Маҳаллий ҳокимият органлари, Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Президент фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, халқ депутатлари қўйи Кенгашлари фаолиятига раҳбарлик қиладилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

Юқори органларнинг ўзларига берилган ваколат доирасида қабул қилган қарорлари қўйи органлар ижро этиши учун мажбурийдир.

Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларининг ваколат муддати - беш йил.

**102-модда.** Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради.

Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокими Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туманларга бўйсунган шаҳарларнинг ҳокимларини туман ҳокими тайинлайди ва вазифасидан озод қилади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади

**103-модда.** Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яккабошчилик асосларида амалга оширадilar ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардирлар.

Ҳокимларнинг ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг ваколат доирасини ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини сайлаш тартиби қонун билан белгиланади.

**104-модда.** Ҳоким ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади.

**105-модда.** Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади.

## XXII бoб

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СУД ҲОКИМИЯТИ

**106-модда.** Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

**107-модда.** Ўзбекистон Республикасининг суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, Қорақалпоғистон Республикасининг хўжалик судидан, шу муддатга

тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар ва хўжалик судларидан иборат.

Судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

**108-модда.** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради

Конституциявий суд сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан - Конституциявий суд раиси, раис ўринбосари ва судьяларидан, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасининг вакилидан иборат таркибда сайланади.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари депутат бўла олмайдилар.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Конституциявий суд судьялари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Конституциявий суд судьялари ўз фаолиятларида мустақилдилар ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсундилар.

**109-модда.** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди:

1) қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, Ҳукумат қарорларининг, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномаларининг ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

2) Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

3) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни кўриб чиқади.

Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

**110-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий суди - фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишларини юргизиш борасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.

У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Республиканинг барча ҳудудида бажарилиши мажбурий.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди - Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, шаҳар ва туман судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

**111-модда.** Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

**112-модда.** Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшига йўл қўйилмайди ва бундай аралашшиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади.

Олий суд ва Олий хўжалик суди раислари ва аъзолари Олий Мажлиснинг депутати бўлолмайдилар.

Судьялар, шу жумладан туман судьялари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Судьялар ваколат муддати тугагунга қадар судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина озод этилиши мумкин.

**113-модда.** Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

**114-модда.** Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

**115-модда.** Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

**116-модда.** Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади.

Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.

#### **XXIII боб САЙЛОВ ТИЗИМИ**

**117-модда.** Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида Президент сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

#### **XXIV боб ПРОКУРАТУРА**

**118-модда.** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

**119-модда.** Прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимига Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори бошчилик қилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Прокурори Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг олий вакиллик органи томонидан тайинланади.

Вилоятларнинг прокурорлари, туман ва шаҳар прокурорлари Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Қорақалпоғистон Республикаси Прокурорининг, вилоят, туман ва шаҳар прокурорларининг ваколат муддати - беш йил.

**120-модда.** Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар.

Прокурорлар ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб турадилар.

Прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

**121-модда.** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади.

Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин.

## XXV боб МОЛИЯ ВА КРЕДИТ

**122-модда.** Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул-кредит тизимига эга.

Ўзбекистоннинг давлат бюджети Республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборат.

**123-модда.** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади. Солиқлар жорий қилишга фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақли.

**124-модда.** Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини Республика Марказий банки бошқаради.

**XXVI бoб**  
**МУДОФАА ВА ХАВФСИЗЛИК**

**125-мoддa.** Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади.

Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади.

**126-мoддa.** Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада қуролли кучларига эга.

**ОЛТИНЧИ БЎЛИМ**  
**КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ**

**127-мoддa.** Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларининг камида учдан икки қисмдан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонунлар билан киритилади.

**128-мoддa.** Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилгандан кейин олти ой мобайнида Конституцияга ўзгартиришлар ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисидаги кенг ва ҳар тарафлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда қонун қабул қилиши мумкин. Агар Олий Мажлис Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф бир йил ўтгандан кейингина қайта киритилиши мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ҚОНУНИ**

**Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини  
қабул қилиш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**  
Конституция комиссияси тақдим этган Ўзбекистон  
Республикаси Конституциясининг лойиҳаси тўлалигича қабул  
қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1992 йил 8  
декабрдан бошлаб амалга киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. Каримов.**

Тошкент шаҳри,  
1992 йил 8 декабрь

---

\* Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 1992. 46-б.



## ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ

Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлатни қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бориб, жаҳон ҳамжамиятида мустақкам ўрин эгалламоқда. Барқарорлик ва тартиб, миллатрараро тотувлик ва фуқаролар аҳиллиги туфайли ёш давлатимиз ишонч ва ҳурматга сазовор бўлмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиёт, сиёсат, давлат қурилиши, ҳуқуқий тизим ва жамиятни маънавий ўзгартириш соҳасида кенг кўламли ислохотлар ўтказилмоқда. Ўтказилаётган ислохотларнинг қонуний замини яратилди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳуқуқий асослари изчиллик билан мустақкамланмоқда ва такомиллаштирилмоқда.

Ватанимизнинг ривожланиши ва ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Шахснинг сиёсий фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислохотларга интилувчанлиги белгиланган мақсадларга тезроқ эришишнинг муҳим омилдир.

Юксак ҳуқуқий маданият - демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустақкамловчи омилдир. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданият - умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми. Инсонлар онгида шундай ишонч қарор топиши керакки, ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб ҳисобланиши мумкин.

Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий

---

\* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, Тошкент, 1997 йил, № 23-33-бетлар.

фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш заруриятидан келиб чиққан ҳолда ушбу Миллий дастур қабул қилинмоқда.

### Умумий қоидалар

Миллий дастурнинг мақсади аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўлай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратишдир.

Кўрсатилган мақсадга эришишда асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш;

барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ҳамда ҳуқуққа ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш; аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш;

фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини таъминлаш.

Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва юксалтириш соҳасидаги давлат сиёсати қуйидаги принципларга асосланади: инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги; Конституция ва қонуннинг устунлиги; демократияга асосланганлик; ижтимоий адолат; илмийлик; узлуксизлик; ҳуқуқий тарбиядаги ворислик ҳамда умумийлик; ҳуқуқий ахборотнинг ҳамма учун очиқлиги; ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маорифнинг бирлиги ҳамда уларга табақалаштирилган ёндашув.

Юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ҳамда ижтимоий фаоллиги юксалишини таъминлаш;

аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш;

аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш, илмий-оммабоп юридик адабиётлар нашр қилиниши ва тарқатилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия воситалари ва усулларини такомиллаштириш;

юридик таълим, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимини ривожлантириш;

ҳуқуқий маданиятнинг илмий асосларини тадқиқ этишни рағбатлантириш, ижтимоий-ҳуқуқий тадқиқотларни ташкил этиш;

миллий анъаналар ҳамда жаҳон тажрибасидан фойдаланиш асосида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш, бир томонидан, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳуқуқий билимларнинг муайян даражасини ўзлаштириб олиши учун зарур бўлган шарт-шароит яратишни, иккинчи томондан - турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий маорифни табақалаштиришни назарда тутати.

#### **Фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси шахс ва давлат ўзаро масъуллигининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб қўйган. “Инсон - давлат” муносабатларида устуворлик инсонга тегишли. Давлат ҳокимияти органларининг фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилиши лозим.

Инсон ҳуқуқлари - инсонпарвар демократик ҳуқуқий онгнинг ўзагидир. Ҳуқуқий онг даражаси - бу одамларнинг ҳуқуқлардан шунчаки хабардорлиги, қонунларни билишигина эмас. Бу, энг аввало, қонунларга риоя этиш ва уларни бажаришга тайёрлик, қонунга итоаткорлик, ҳуқуқни ва одил судловни ҳурмат қилишдир.

Мукамал қонун ҳужжатлари ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг муҳим шarti, ҳуқуқий давлат қарор топишининг зарурий белгиси ҳисобланади. Мамлакатимиз қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормалар ва стандартларга изчиллик билан мувофиқлаштириб бориш зарур. Қонунлар ҳаётий, амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқиши лозим. Бунда қонунлар тўғридан-тўғри амал қилиш кучига эга бўлиши керак. Ижро этувчи органлар қонун ости ҳужжатларини қонунларга

қўшимча киритиш сифатида эмас, балки уларнинг ижросини таъминлаш учунгина қабул қилишлари мумкин.

Демократик ислохотларни монанд ҳуқуқий таъминлашнинг энг муҳим шарт қонунчиликнинг изчил бўлишидир. Қонунлар ўзаро қатъий мувофиқлашиши, Конституцияга асосланиши, миллий ҳуқуқий тизимнинг ривожланишига қўмаклашиши лозим.

Қонунчилик тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда қонунларнинг ҳаётга аниқ ва изчил татбиқ этилишига, уларга қатъий ҳамда оғишмай риоя қилинишига эришиш зарур. Ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс ва инсон қонунга бўйсунмиш мажбуриятдан озод қилиниши мумкин эмас.

Давлат томонидан ҳамда жамоатчилик тузилмалари фаолиятини кучайтириш орқали қонунларни рўйбга чиқаришнинг таъсирчан механизминини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан бошқарув ҳамда назоратнинг янги самарали воситаларини шакллантириш зарур.

Қонунчиликда ички уйғунликнинг мавжудлиги, турли ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятнинг йўқлиги, қонунларга оғишмай риоя этилишини таъминловчи таъсирчан механизмлар яратилганлиги фуқароларни қонунларга итоаткорлик руҳида тарбиялаш, ҳар кимда қонунга ҳурмат туйғусини шакллантириш учун зарурдир.

Инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни, биринчи навбатда, суд орқали ҳимоя қилишни таъминлаш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади, Ҳар бир кишининг қонунийлик ва адолат тантана қилишига бўлган қатъий ишончи шунга асосланиши керакки, қонунни бузган шахс жазосиз қолмайди ва ҳар ким бузилган ҳуқуқи тикланишини ҳамда унга етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Аҳоли ҳуқуқий маданият даражасининг оширилиши қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ходимларининг билимдонлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданият даражаси жамоат бирлашмалари, жамғармалар, иттифоқлар, уюшмалар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг кенг тармоғи мавжудлиги ҳамда бу демократик тузилмаларнинг муайян шахс ва жамиятнинг ҳуқуқларини таъминлашдаги ижтимоий фаоллиги билан белгиланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда касаба уюшмалари, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари муҳим ўрин тутаяди. Улар ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиянинг турли шаклларида янада самарали фойдаланишлари,

фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини кучайтиришга катта ҳисса қўшишлари лозим.

Жамоат бирлашмалари аҳолининг турли ижтимоий гуруҳларига тегишлича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга, жамоатчилик юридик маслаҳатхоналари ташкил этишга, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий масалалар, пенсия таъминоти, никоҳ-оила муносабатлари бўйича қонунлар тўпламларини нашр этишга, юридик маълумотномалар, шунингдек турли касбдаги ходимларга мўлжалланган илмий-оммабоп ҳуқуқий адабиётлар чиқаришга алоҳида эътибор беришлари керак.

Ҳуқуқий тарбиянинг умумийлиги ва ҳуқуқий ахборотнинг ҳамма учун очиқлиги принципини рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шу жумладан маҳаллаларнинг роли беқиёсдир. Улар аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ҳуқуқий онгини оширишга бевосита ҳамда муттасил таъсир кўрсатишлари даркор.

2 Жамият ва давлат фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам берадиган инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, турли жамоатчилик ҳаркатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотларнинг фаолият юритишига кўмаклашади.

Халқни ҳуқуқий маърифатли қилишда профессионал юристлар ва уларнинг бирлашмалари муносиб ўрин эгаллашлари лозим. Демократик жамият юқори малакали юристларга эҳтиёж сезади. Уларнинг касбий фазилатлари ва билимларидан фойдаланиш жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгига улкан ижобий-таъсир кўрсатишга қодир. Ўзбекистон юристлар уюшмасининг ташкил этилиши ва унинг таркибига кирадиган юристларнинг турли касбий бирлашмалари (судьялар, адвокатлар, ҳуқуқшунос олимлар иттифоқлари ва бошқалар) тузилиши ушбу Дастур вазифаларини рўёбга чиқаришда, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда, шунингдек, юристларнинг касбга доир манфаатларини таъминлашда муҳим ўрин тутган бўлур эди. Аҳолини ҳуқуқий маърифатли қилиш ишига профессионал юристларнинг кучларини жалб қилиш юристлар уюшмасининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Ҳуқуқий тарбияни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукуматга қарашли бўлмаган жамғарманинг тузилиши жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ишига катта ҳисса қўшиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий билимлар ва ҳуқуқий маданиятни оммага изчил тарқатишлари лозим. Оммавий ахборот воситалари ижтимоий фикр ва ҳуқуқий маданиятни шакллантирувчи

демократик институтлар бўлгани учун ҳам уларнинг бу борадаги фаолиятини кучайтириш зарурияти борган сари кўпроқ сезилмоқда.

### **Фуқароларнинг ҳуқуқий таълими ва ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштириш**

Жамият ва давлат ижтимоий фаол ва қонунга итоаткор фуқароларни тарбиялашдан манфаатдордир. Давлат жамият маданий ҳаётининг таркибий қисми бўлмиш ҳуқуқий маданият тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилади.

Ҳуқуқий таълимнинг мақсади ҳар бир кишига амалий фаолиятда зарур бўладиган ҳуқуқий билимларни белгиланган давлат стандартларидан кам бўлмаган ҳажмда олиш имкониятини беришдан иборатдир.

Тарбиявий ва ўқув ишлари шахснинг ҳуқуқий онг даражасини инсон, жамият, давлат манфаатларига жавоб берадиган энг умумий юридик принциплар ва нормаларни англаб етишга қадар оширишга йўналтирилиши лозим.

Ҳуқуқий таълим узлуксиз бўлиб, ёшлиқдан бошлаб бериб борилиши лозим. Болалар мактабгача тарбия муассасаларидаёқ хулқ-атвор қоидаларидан хабардор бўлиши, маънавий ва баъзи ҳуқуқий нормалар тўғрисида бошланғич тушунчалар олиши, келгусида ўқув давомида бу билимлар кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши, аниқ ифодаланган ҳуқуқий хусусият касб этиши зарур.

Ҳуқуқий ахборотдан барчанинг эркин фойдалана олишини таъминлаш, ҳар кимга ўзининг ҳуқуқий билимларини ошириш учун реал шароит яратиш фуқароларга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини тегишли тарзда амалга ошириш, бурчларини бажариш, жамиятнинг сиёсий ҳаётида онгли ва фаол иштирок этиш имконини беради.

Ҳуқуқий тарбиянинг ўтмишдан қолган фақат бир томонлама ахборот бериш - маърифатчиликка йўналтирилганлигини бартараф этиб, уни қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш вазифалари билан узвийроқ боғлаш зарур.

Шуни муттасил назарда тутиш керакки, ҳуқуқий тарбия инсонларни ҳуқуқ, қонунийлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқий маърифат, қонунга ҳамда ҳуқуққа нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш билан чекланиб қолмай, балки шахснинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигида, унинг ҳуқуқий маданиятида ўзининг тугал ифодасини топади.

Аҳолининг ҳуқуқий тарбияси ва таълимини такомиллаштиришга таълим ва тарбиянинг ҳали фойдаланилмаган механизмларини яратиш, улардан самарали фойдаланиш, тарбия ва таълимнинг янги шакллари ва воситаларини жорий этиш, моддий-техника негизини кучайтириш йўли билан эришилади.

Ҳуқуқий тарбия ва таълимни кучайтиришнинг асосий чоралари қуйидагилардан иборат:

давлат ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг асосий ташкилотчиси сифатида таълим ва тарбиянинг усуллари ва воситаларини, бу фаолият билан бевосита шуғулланаётган муассасалар тузилмасини мунтазам равишда такомиллаштириб боради, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий таълимнинг муқобил тизимларини шакллантиришга ёрдам беради;

аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида давлат тузилмалари ва жамоат бирлашмаларининг кенг ҳамкорлигини таъминлаш; ушбу фаолиятни мувофиқлаштириш, кечиктириб бўлмайдиган ва истиқболдаги вазифаларни аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва юристлар жамоат бирлашмалари фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бўлиб қолишига эришиш;

ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг таълим-тарбия муассасалари томонидангина эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат органларининг ва корхоналарнинг (муассасалар, ташкилотларнинг), шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизматлари ходимлари иштирокида ҳам амалга оширилиши;

ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиянинг уларни мактабгача тарбия муассасаларида, умумтаълим мактабларида олиб борилишини назарда тутувчи норматив ва ўқув-услубий мезонларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда янги ўқув фанларини жорий қилиш;

ҳуқуқий фанлар асосларини чуқур ўргатадиган ўқув юртлари ва уларда тайёрланадиган юридик кадрларнинг сонини иқтисодий, ижтимоий, демографик вазият ва жамиятнинг тегишли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини белгиловчи бошқа омиллар эътиборга олинган ҳолда аниқлаш;

дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа адабиётлар тайёрлаш ва нашр этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш;

таълим ва тарбия муассасаларига дахлдор бўлмаган шахсларнинг (ишчилар, хизматчилар, уй бекалари, пенсионарлар, ҳарбий хизматчилар ва бошқаларнинг) ҳуқуқий тарбияси ва ҳуқуқий таълими тизимини такомиллаштириш. Бу ишга давлат юридик ўқув юртлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, илмий-тадқиқот институтлари, ҳуқуқшунос олимлар ва бошқаларни жалб қилиш;

юримдик ўқув юртларининг моддий-техника негизида мустаҳкамлаш.

Мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантириш, сиёсий-ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш шароитларида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг янги воситалари ва усулларини жорий этиш лозим.

Ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг восита ва усулларини такомиллаштириш мақсадида:

фуқаролар билан олиб бориладиган ҳуқуқий ишлар савиясини ошириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ва ўқув юртларининг кадрлар билан етарли таъминланишига эришиш;

мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий билими ва ҳуқуқий маданияти даражасига нисбатан алоҳида талаблар ишлаб чиқиш керак. Чунки улар қонуларни қатъий ижро этишга, ҳуқуқнинг сўзсиз амал қилишини таъминлашга, ҳуқуқий сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга даъват этилганлар.

Ҳуқуқий билимларни давлат идораларигина эмас, балки жамоат бирлашмалари томонидан ҳам оммалаштириш жамиятда ҳуқуқий маданиятни оширишнинг янги шакллари жумласига киради. Юримдик ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқ соҳасида илмий муассасалари бўлмаган шаҳарларда ва қишлоқ жойларда ҳуқуқий таълимни ташкил этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Ҳуқуқий билимларни оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш тизимини такомиллаштириш, барчага мўлжалланган юримдик адабиётларни нашр этиш ҳуқуқий маданиятни оширишга кўмаклашади.

### **Давлат органлари ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш**

Қонун ҳужжатларини қўлланиш амалиёти шуни яққол кўрсатадики, талайгина ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳоллари ҳуқуқий билимнинг етарли эмаслиги, ҳуқуқий маданият даражаси пастлиги оқибатидир. Айнан шу сабабли, ҳуқуқлари бузилган фуқаролар ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган механизмдан, шу жумладан мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят қилиш имкониятидан камдан-кам фойдаланадилар.

Ҳуқуқни писанд қилмасликка барҳам бериш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳуқуқий ахборотдан фойдалана олиш



имкониятини амалда таъминлашни талаб қилади. Бу жиҳатдан қонунларни ва, айниқса, идоравий норматив ҳужжатларни ўз вақтида нашр этиш зарур. Адлия вазирлиги томонидан чиқарилаётган “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси”нинг тиражини кўпайтириш ва унга эркин обуна бўлишни таъминлаш лозим. Ҳуқуқнинг айрим тармоқлари бўйича, шунингдек аҳолининг муайян гуруҳларига мўлжалланган норматив ҳужжатларнинг мавзуй тўпламларини нашр этиш ҳуқуқий ахборотдан фойдалана олишни таъминлашга катта ҳисса бўлур эди.

Замонавий ахборот таъминоти компьютер технологияларидан кенг фойдаланишни тақозо қилади. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг илмий асосланган ягона маълумотнома тизимини ишлаб чиқиш ва ундан муштарийларнинг бемалол фойдалана олишини таъминлаш зарур.

Кенг ўқувчилар доирасига ҳам, аҳолининг айрим гуруҳларига, шу жумладан мансабдор шахсларга ҳам мўлжалланган оммабоп маълумотнома адабиётларни нашр этишни анча кўпайтириш аҳолини ахборотлар билан таъминлашни яхшилаш ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг муҳим йўналишига айланмоғи лозим. Амалдаги қонун ҳужжатларини қўлланиш масалаларини тушунтириб берадиган ва давлат органлари ходимларига, шунингдек давлатга қарашли бўлмаган ташкилотларнинг раҳбарларига мўлжалланган шарҳлар ва амалий қўлланмаларни нашр этишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари катта аҳамиятга эга. Уларнинг ҳуқуқий мавзуларга эътиборини кучайтириш, аҳоли ўртасида кўпроқ кўтарилаётган юридик масалаларни даврий нашрлар саҳифаларида, телевидение ва радио эшиттиришларида тушунтириб бериш борасида ҳиссасини кескин ошириш зарур.

Давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида, улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, ҳуқуқий билим асосларини албатта ўқитиш мақсадга мувофиқдир.

Турли тоифадаги ходимлар малакасини ошириш табақалаштирилган бўлмоғи лозим. Авваламбор, инсоннинг касбий тайёргарлигини оширишга интилиш керак. Турли касбдагилар ўз фаолиятларида оқилона қўллай оладиган тарзда ҳуқуқий билимга эга бўлсинлар. Давлат органлари ва уларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарларига қўйиладиган талаблар ва малака тавсифномалари, даставвал инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид ҳуқуқий билимларнинг зарур даражасини назарда тутиши керак.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ўқув юртлари ва маҳаллаларда фуқаролар билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари адвокатлар ва ҳуқуқшунос олимларнинг учрашувларини ташкил этиш аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга кўмаклашади.

### **Юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш**

Изчил, узлуксиз, ўзаро боғлиқ, замонавий талабларга жавоб берадиган юридик таълим тизимини яратиш жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг йўналишларидан биридир.

Таълимнинг барча босқичларини қамраб оладиган ўқув комплексларини ташкил этиш кадрларни тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлашни такомиллаштиришнинг муҳим воситасидир.

Ҳозирда ва истиқболда қанча ва қандай ихтисосликлар бўйича ҳуқуқшунос мутахассислар керак деган масалани ҳал этмасдан туриб, юридик таълимнинг ислоҳотини тасаввур қилиб бўлмайди. Шу муносабат билан олий ва ўрта махсус юридик маълумотли мутахассислар эгаллаши лозим бўлган лавозимлар рўйхатини белгилаш биринчи даражали аҳамиятга эга. Бундай рўйхатни ишлаб чиқиш чоғида тегишли малакадаги юридик кадрларни тайёрлашга қаратилган тадбирлар тизимини ва уларни амалга оширишнинг мақбул муддатларини белгилаб қўйиш муҳим.

Илмий асосланган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва юридик таълимнинг ихтисослашувини изчил амалга ошириш юридик кадрларни тайёрлаш тизимини ислоҳ қилишнинг зарур шартидир.

Юридик кадрлар тайёрлашни ихтисослаштириш, бир томондан, тегишли ўқув фанларини чуқур ўрганишни, иккинчи томондан, ҳуқуқшунослик ихтисослиги бўйича кадрлар тайёрлашни амалга ошираётган барча ўқув юртлари учун мажбурий бўлган таянч юридик фанлар рўйхатини белгилаб қўйишни назарда тутати. Ўқув режаларида ана шу мажбурий фанлар туркуми бўлмаса ёки қисқартирилган бўлса, тегишли ўқув юрти юридик кадрлар тайёрлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши керак.

Аҳолига ҳуқуқий таълим бериш ва ҳуқуқий тарбия ишларини ташкил этиш, сифатини ошириш, бўлгуси юристларда зарур кўникмаларни шакллантириш мақсадида юридик олий ўқув юртларининг ўқув режаларида ҳуқуқий маърифатнинг илмий асослари ва услубиётлари курси бўйича машғулотлар ўтказишни назарда тутиш шарт.

Юридик ўқув юртларига абитуриентлар қабул қилиш тизимини такомиллаштириш малакали юридик кадрлар тайёрлашни таъминлашнинг таркибий қисмига айланмоғи лозим. Юридик ўқув юртларига абитуриентлар танлаб олишда уларнинг таҳлил этиш, мантқиқий фикрлаш, ностандарт вазиятларни танқидий баҳолай олиш, хулоса чиқариш, ўз нуқтаи назарини асослай олиш қобилиятларини, уларнинг оғзаки ва ёзма нутқ маҳоратини аниқлаш зарур, шу мақсадда тест синовидан ўтказиш билан бир қаторда уларнинг тегишли қобилиятларини аниқлашга имкон берадиган ижодий имтиҳон топширишларини назарда тутиш керак бўлади.

Юридик таълимни такомиллаштириш ўқув жараёнини ислоҳ қилишни, ўқитишнинг илгор воситалари ва усулларидан кенг фойдаланишни, таълимнинг амалиёт билан узвийлигини кучайтиришни талаб қилади. Зеро, юрист нафақат муайян билимлар мажмуига эга бўлиши, балки бу билимларни амалиётда қўллай олиши зарур.

Ўқув жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмига, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қарор топиши ва фуқаролар жамияти шаклланиши масалаларига, иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларига жиддий эътибор қаратилиши керак.

Юридик ўқув юртини тамомлаш ва давлат имтиҳонларини топширишга битирувчининг тегишли таълим курсидан ўтганлиги ва муайян билим олганлигининг тасдиғи сифатида қарамоқ керак. Битирувчиларга ихтисослик бўйича ишлаш имконияти эса улар стажировкадан ўтганидан ва олинган билимларни иш жараёнида қўллай олишидан далолат берувчи малака имтиҳонини топширганидан кейингина берилади.

Илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш юридик таълимнинг замонавий юксак даражасини таъминлашнинг бирламчи жиҳати, энг муҳим шарти ҳисобланади. Илмий ва педагог кадрлар тайёрлашдаги номутаносиблик шунга олиб келдики, республикада ҳуқуқнинг қатор соҳалари (молия, меҳнат, халқаро ҳуқуқ, ижтимоий таъминот ҳуқуқи ва бошқалар) бўйича илмий ва педагог ходимлар етишмаслиги жиддий сезилмоқда.

Тегишли мутахассислар тақчиллиги юридик кадрлар тайёрлашни, бинобарин, бир қатор амалий вазифаларни, шу жумладан бозор ислоҳотларини ҳуқуқий таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишни анчагина қийинлаштиради. Мутахассислар тақчиллиги сезилаётган ҳуқуқ соҳалари бўйича илмий ва педагог кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш зарур.

Хуқуқшуносларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш узлуксиз юридик таълим тизимининг мажбурий босқичига айланиши керак. Юридик таълим ва илмий тадқиқотларнинг амалиёт билан уйғунлигини кучайтириш мақсадида илмий ва педагог ходимлар ўз мутахассисликлари бўйича албатта судларда, прокуратура, ички ишлар органларида, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда, шунингдек корхоналарда, адвокатлар бюролари, ҳайъатлари ва фирмаларида стажировкадан ўтишини назарда тутиш керак.

### **Хуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этиш**

Хуқуқий маданиятнинг моҳияти, мазмуни, таркибий тузилиши ва намоён бўлишининг фалсафий, ижтимоий, иқтисодий, психологик ва юридик муаммоларини тадқиқ этиш, уни шакллантириш ва янада юксалтириш усулларини аниқлашга илмий изланишларнинг устувор йўналиши деб қаралмоғи лозим.

Шахс умумий ва ҳуқуқий маданиятининг ўзаро боғлиқлиги; ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий феъл-атвор; ижтимоий онгни шакллантиришда ҳуқуқнинг ўрни; ҳуқуқий тарбия ва аҳолининг ижтимоий фаоллиги; ҳуқуқий онга таъсир этиш шакллари ва усуллари; ҳуқуқий оннинг психологик жиҳатлари; ҳуқуқий ондаги ижтимоий бузилиш ва салбий ўзгаришлар; аҳолининг турли қатлам ва ижтимоий гуруҳларининг ҳуқуқий маданияти каби долзарб муаммолар бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилиши айниқса долзарбдир.

Хуқуқий маданият муаммоларини тадқиқ этишнинг социологик негизини ривожлантириш, умуман жамиятдаги ҳуқуқий маданият ва аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқий маданияти ҳолатининг ҳақиқий манзарасини аниқлаш учун сўровлар ўтказиш ва ҳуқуқ, унинг ижтимоий қадри ҳамда тартибга солувчанлик вазифаси тўғрисида жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа усулларини қўллаш зарур.

Хуқуқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик муаммоларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим. Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари манфаатдор ташкилотларнинг иштирокида ёшларни ҳуқуқий тарбиялашнинг илмий асосланган услубиётини ишлаб чиқишлари керак.

Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, хорижий давлатлардаги ҳуқуқий маданиятни оширишга доир илмий тадқиқотларнинг натижаларини нашр этиш ва улардан

фойдаланишни кенгайтириш, бу соҳада илмий ахборот айирбошлашни йўлга қўйиш муҳимдир.

Илмий-амалий конференциялар, семинарлар ўтказиш, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар ва маълумотлар нашр этишни қўпайтириш аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотларни кучайтириш, илмий билимларни оммалаштириш ишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилмоғи керак.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

### Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тасдиқлансин (илова қилинади).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини рўёбга чиқаришга қаратилган тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

юридик ўқув юртларининг моддий-техника ва молия базасини мустаҳкамлаш, юридик адабиёт нашр этишга давлат мададини таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

аҳолининг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг, мансабдор шахслар ва мутахассисларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, адвокатлар бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларини, шунингдек юристларнинг маслаҳат бериш ва маърифат ишлари билан шуғулланувчи турли жамоат бирлашмаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган мувофиқлаштирилишини таъминласин;

юристларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни такомиллаштирсин;

қонун ҳужжатларини фуқароларга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, судлар, адлия органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ўз вақтида етказсин;

аҳолига адвокатлик ва нотариал хизмати кўрсатишни, айниқса қишлоқ жойларда кенгайтириш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

мактабгача тарбия муассасалари, умумий ўрта мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия бўйича ўқув дастурлари ҳамда услубий тавсияномалар ишлаб чиқилишини таъминласинлар;

таълим муассасаларида адлия, прокуратура, ички ишлар органлари ходимлари, бошқа мутахассислар иштирокида ўқув машғулотлари ўтказилишини ташкил этсинлар;

юридик фанларни тестлар ва давлат имтиҳонлари тизимига киритиш масаласини кўриб чиқсинлар;

педагоглар ва тарбиячиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш учун таъсирчан чоралар кўрсинлар;  
юридик ўқув юртларига чет элдаги ўқув марказлари, таниқли ҳуқуқшунос олимлар билан алоқа боғлашда ёрдам берсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси:

илмий, илмий-оммабоп ва юридик маълумотнома адабиётлар нашр этишни кўпайтирсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда юридик адабиёт нашр этиш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва чоп этилаётган адабиётларнинг сифатини ошириш мақсадида олимлар, амалиётчилар ва мутахассислар иштирокида таҳририят-ноширлик ишлари кенгаши тусин.

6. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

қабул қилаётган ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига мос бўлишини таъминласинлар;

муҳим қарорларни аҳолининг кенг қатламлари муҳокамасига ҳавола этсинлар;

ҳуқуқий таълимни ва ҳуқуқий тарбияни турли ижтимоий гуруҳларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этсинлар, бу иш тегишли тартибда вилоят, шаҳар ва туманларда мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

7. Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларини тушунтиришга ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган эшиттиришлар ва мақолалар сифатини оширсин.

8. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига - ҳуқуқий тарбия ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотларни ривожлантириш;

судларга - одил судлов маданиятини ва унинг тарбиявий ролини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ишларни жамоатчиликни жалб қилган ҳолда кўришни кўпроқ амалиётга киритиш;

жамоат бирлашмаларига, шу жумладан жамғармалар, иттифоқлар ва уюшмаларга, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига - ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиянинг турли шаклларида самарали фойдаланиш, аҳолининг турли ижтимоий гуруҳларига ҳуқуқий ёрдам олишда кўмаклашиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлисининг Раиси**

**Э.Халилов**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### Таълим тўғрисида\*

#### І. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

##### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

##### **2-модда. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида таълим соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

##### **3-модда. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принцип-лари**

Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;

таълимнинг узлуксиз ва изчиллиги;

умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;

ўрта махсус, касб-хунар таълим йўналишини: академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;

таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;

давлат таълим стандартлари доирасида билим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;

---

\* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил сентябрь, № 9, 10-19-бетлар.



таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;

билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;

таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

#### **4-модда. Билим олиш ҳуқуқи**

Жинси, тили, ёши, ирқий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади.

Билим олиш ҳуқуқи:

давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш;

ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш, шунингдек таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-ҳунар ўргатиш;

барча турдаги таълим муассасаларининг битирувчилари кейинги босқичдаги ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши;

оилада ёки ўзи мустақил равишда билим олган фуқароларга аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида экстернат тартибида аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминланади.

Бошқа давлатларнинг фуқаролари Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномаларга мувофиқ билим олиш ҳуқуқига эга.

Республикада истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.

#### **5-модда. Педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи**

Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Педагогик ходимларни олий ўқув юртларига ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган Низомга мувофиқ танлов асосида амалга оширилади.

Педагогик фаолият билан шуғулланиш суд ҳукмига асосан ман этилган шахсларнинг таълим муассасаларида бу фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

#### **6-модда. Таълим муассасининг ҳуқуқий мақоми**

Таълим муассасасини аккредитациялаш ваколатли давлат органи томонидан аттестацияга асосан амалга оширилади.

Таълим муассасаси юридик шахс бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда барпо этилади. Нодавлат таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда давлат аккредитациясидан ўтган пайдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқлари ва таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Таълим муассасаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган устав асосида фаолият кўрсатади.

Таълим муассасаси аттестация натижаларига биноан давлат аккредитациясидан маҳрум этилиши мумкин.

Таълим муассасалари ўқув-тарбия мажмуиларига ҳамда ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмаларига бирлашишга ҳақли.

Таълим муассасалари уставда белгиланган вазифаларига мувофиқ пулли таълим хизматлари кўрсатиш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақли.

#### **7-модда. Давлат таълим стандартлари**

Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

#### **8-модда. Таълим бериш тили**

Таълим муассасаларида таълим бериш тилидан фойдаланиш тартиби “Давлат тили ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади.

## **II. ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ТУРЛАРИ**

#### **9-модда. Таълим тизими**

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;

таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;

таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир.

#### **10-модда. Таълим турлари**

Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда амалга оширилади:

мактабгача таълим;

умумий ўрта таълим;

ўрта махсус, касб-хунар таълими;

олий таълим;

олий ўқув юртидан кейинги таълим;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

мактабдан ташқари таълим.

#### **11-модда. Мактабгача таълим**

Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъи назар бошқа таълим муассасаларида олиб борилади.

#### **12-модда. Умумий ўрта таълим**

Умумий ўрта таълим босқичлари қуйидагича:

бошланғич таълим (I-IV синфлар);

умумий ўрта таълим (I-IX синфлар).

Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилгандир. Мактабнинг биринчи синфига болалар олти-етти ёшдан қабул қилинади.

Умумий ўрта таълим билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўни кмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради.

Болаларнинг қобилияти, истеъдодини ривожлантириш учун ихтисослаштрилган мактаблар ташкил этилиши мумкин.

### **13-модда. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими**

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олиш мақсадида ҳар ким умумий ўрта таълим асосида академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишнинг йўналишини ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқига эга.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари эгалланган касб-ҳунар бўйича ишлаш ҳуқуқини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимни навбатдаги босқичда давом эттириш учун асос бўладиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими беради.

Академик лицей ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касб-ҳунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган уч йиллик ўрта махсус ўқув юртидир.

Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-ҳунар ўқув юртидир.

### **14-модда. Олий таълим**

Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди.

Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш олий ўқув юртларида (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими асосида амалга оширилади.

Олий таълим икки босқичга: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар билан далилланувчи бакалаврият ва магистратурага эга.

Бакалаврият олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълимдир.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича бакалаврият негизида камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақлидирлар.

### **15-модда. Олий ўқув юртидан кейинги таълим**

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилгандир. Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида (аспирантура,

адъюнктура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик) олиниши мумкин.

Илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, илмий-даражалар ва унвонлар бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

#### **16-модда. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш**

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлайди.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

#### **17-модда. Мактабдан ташқари таълим**

Болалар ва ўсмирларнинг яқка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларига болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар киради.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

#### **18-модда. Оилада ва мустақил равишда билим олиш**

Давлат оилада ва мустақил равишда билим олишга кўмаклашади. Болаларни оилада ўқитиш ва мустақил равишда билим олиш тегишли таълим муассасаларининг дастурлари бўйича амалга оширилади. Таълим олувчиларга ваколатли давлат муассасалари томонидан услубий, маслаҳат ва бошқа йўсинда ёрдам кўрсатилади.

#### **19-модда. Таълим тўғрисидаги ҳужжатлар**

Аккредитация қилинган таълим муассасаларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома) берилади. Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги

маълумот тўғрисидаги ҳужжат оилада ёки мустақил равишда билим олган ва аккредитация қилинган таълим муассасаларининг тегишли таълим дастурлари бўйича экстернат тартибда имтиҳонлар топширган шахсларга ҳам берилади, давлат таълим муассасаларида ўқитилиши шарт бўлган ва рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйиладиган мутахассисликлар бундан мустасно.

Олий маълумот тўғрисидаги дипломга ўзлаштирилган фанлар рўйхати, уларнинг ҳажмлари ва фанларга қўйилган баҳолар ёзилган варақда илова қилинади.

Диссертация ҳимоя қилган шахсларга белгиланган тартибда фан номзоди ёки фан доктори илмий даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом топширилади.

Давлат таълим стандартларига мос келган тақдирда Ўзбекистон Республикаси билан хорижий давлатларнинг ҳукуматлари ўртасидаги икки томонлама битимлар асосида ҳар икки томоннинг маълумот тўғрисидаги ҳужжатлари белгиланган тартибда ўзаро тан олиниши мумкин.

Тегишли босқичдаги таълимни тугалламаган шахсларга белгиланган намунадаги маълумотнома берилади.

Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат навбатдаги босқич таълим муассасаларида таълим олишни давом эттириш ёки тегишли ихтисос бўйича ишлаш ҳуқуқини беради.

### **III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

#### **20-модда. Таълим олувчини ижтимоий ҳимоя қилиш**

Таълим муассасасида таълим олувчилар қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга мувофиқ имтиёзлар, стипендия ва ётоқхонада жой билан таъминланади.

#### **21-модда. Таълим муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш**

Таълим муассасалари ходимларига иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади, ҳақи тўланадиган йиллик узайтирилган таътиллار ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар берилади.

Таълим муассасалари иш ҳақига мўлжалланган мавжуд маблағлар доирасида мустақил равишда ставкалар, мансаб окладларига табақалаштирилган устама белгилашга ҳамда меҳнатга

ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантиришнинг турли шакллари қўллашга ҳақли.

**22-модда. Етим болалар ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакиллариининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш**

Етим болалар ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакиллариининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш ва уларни боқиш давлатнинг тўла таъминоти асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**23-модда. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш**

Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган, шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтож болалар ва ўсмирларни ўқитиш, уларни тарбиялаш ҳамда даволаш учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилади. Болалар ва ўсмирларни ушбу таълим муассасаларига юбориш ва улардан чиқариш ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакиллариининг розилиги билан психологик тиббий-педагогик комиссиянинг хулосасига биноан амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ўқувчилари қисман ёки тўла давлат таъминотида бўлади.

**24-модда. Ижтимоий ёрдамга ва тикланишга муҳтож бўлган шахслар учун ўқув-тарбия муассасалари**

Алоҳида шароитларда тарбияланиш ва ўқишга муҳтож болалар ва ўспиринлар учун уларнинг билим олиши, касб тайёргарлиги ва ижтимоий тикланишини таъминлайдиган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ташкил этилади.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахсларнинг таълим олиши ва мустақил билим олиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шароитлар яратилади.

#### **IV. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ**

**25-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларига қуйидагилар киради:

таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

таълим соҳасидаги давлат бошқарувчи органларига раҳбарлик қилиш;

таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш;

таълим муассасаларини аккредитациядан, педагог ва илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;

бошқа давлатларнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва бу ҳужжатларнинг эквивалент эканлигини қайд этиш тартибини белгилаш;

давлат таълим стандартларини тасдиқлаш;

давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;

давлат грантлари миқдорини ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилаш;

давлат олий таълим муассасининг ректорларини тайинлаш;

таълим олувчиларни аккредитация қилинган бир таълим муассасидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

## **26-модда. Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ҳуқуқ доираси**

Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ҳуқуқ доирасига қуйидагилар киради:

таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш;

таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услуб масалаларида уларга раҳбарлик қилиш;

давлат таълим стандартлари, мутахассисларнинг билим савиясига ва касб тайёргарлигига доир талаблар бажарилишини таъминлаш;

ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларини, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш;

ўқув ва ўқув-услугиёт адабиётларини яратиш ва нашр этишни ташкил қилиш;



таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги ва таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

давлат олий таълим муассасининг ректорини тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

педагог ходимларни тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

**27-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

таълим муассасалари фаолиятининг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлайдилар;

таълим муассасаларини ташкил этадилар, қайта ташкил этадилар ва тугатадилар (республика органлари тасарруфида бўлган муассасалар бундан мустасно), уларнинг уставларини рўйхатга оладилар:

ўз ҳудудларидаги таълим муассасаларини ваколат доирасида молиялаш миқдорларини ва имтиёزلарни белгилайдилар;

таълим сифати ва даражасига, шунингдек педагог ходимларнинг касб фаолиятига доир давлат талабларига риоя этилишини таъминлайдилар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

**28-модда. Таълим муассасасини бошқариш**

Таълим муассасасини унинг раҳбари бошқаради.

Таълим муассасаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатадиган жамоат бошқаруви органлари ташкил этилиши мумкин.

**29-модда. Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари билан нодавлат таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар**

Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари нодавлат таълим муассасаларида таълим тўғрисида қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилади.

Нодавлат таълим муассасалари таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган тақдирда, аккредитация қилган органлар уларнинг фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб қўйишга ҳақли.

Нодавлат таълим муассасаларига қабул давлат ўқув юртлари учун белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

#### **V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

##### **30-модда. Ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг вазифалари**

Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими олишлари учун жавобгардирлар.

##### **31-модда. Таълимни молиялаш**

Давлат таълим муассасаларини молиялаш республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

##### **32-модда. Таълимни ривожлантириш фондлари**

Таълимни ривожлантириш фондлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ташкил этилиши мумкин.

##### **33-модда. Халқаро ҳамкорлик**

Таълим муассасалари таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этадилар, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эга.

**34-модда. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И.Каримов**

**Тошкент шаҳри, 1997 йил 29 август  
№ 464-I**

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **“Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қарор қилади:

1. “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг умумий ўрта таълим олишга, уч йиллик академик лицейларда ва касб-хунар коллежларида ўқишга ҳамда олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга тааллуқли 12, 13 ва 14-моддаларидаги қоидалар Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган муддатларда жорий этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини “Таълим тўғрисида”ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4. Белгилаб қўйилсинки, қонун ҳужжатлари “Таълим тўғрисида”ги Қонунга мувофиқлаштирилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларининг мазкур Қонунга зид бўлмаган қисми қўлланилади.

5. 1992 йил 2 июлда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 342-модда; 1993 йил, № 6, 268-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлисининг Раиси**

**Э.Халилов**

**Тошкент шаҳри, 1997 йил 29 август,  
№ 465-І**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида\*

Ушбу Қонун фуқароларнинг давлат органларига, жамоат бирлашмаларига, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқини ифода этувчи асосий қоидаларни, шунингдек фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини белгилайди.

#### **1-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари**

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ва жамоат ишларини бошқаришда иштирок эта бориб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида ўзларига берилган ҳуқуқлар ва эркинликларни рўйбага чиқара бориб:

ўзларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаб мурожаат қилишга;

давлат ва жамоат бирлашмаларининг ваколатли органлари бузилган ҳуқуқларини тиклашга ҳақлидирлар.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бошқа шахслар ва ташкилотларнинг фойдасини кўзлаб мурожаат қилишлари мумкин.

Мурожаатлар якка тартибда ёки жамоа бўлиб ифодаланган бўлиши мумкин ҳамда оғзаки ёки ёзма шаклдаги таклиф, ариза ёхуд шикоят кўринишида киритилади.

Башарти республика қонун ҳужжатларида фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишнинг бошқа тартиби назарда тутилган бўлса, мурожаатлар ушбу Қонунга мувофиқ қараб чиқилмаслиги лозим.

Фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу Қонунга мувофиқ мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Хорижий давлатлар фуқароларининг мурожаатлари, башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва битимларида уларни қараб чиқишнинг ўзга қоидалари назарда тутилмаган бўлса, ушбу Қонунда белгиланган тартибда қараб чиқилади.

---

\* Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, Тошкент, 1994 йил май, № 5, 114-121-бетлар.

## **2-модда. Мурожаатларга қўйиладиган талаблар**

Мурожаатларда фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, таклиф, ариза ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши лозим. Ушбу маълумотлар кўрсатилмаган мурожаатлар аноним хат ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

Мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколатига кирадиган давлат органига, жамоат бирлашмасига, корхона, муассаса, ташкилот ёки мансабдор шахсга, шунингдек барча даражадаги депутатларга йўлланади.

Мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколатига кирмайдиган давлат органига, жамоат бирлашмасига, корхона, муассаса ёки ташкилотга юборилган бўлса, 5 кун муддатдан кечиктирмай тегишли органлар ёки мансабдор шахсларга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога маълум қилинади.

Белгиланган тартибда берилган мурожаатлар кўриб чиқилиши шарт. Мурожаатларни қабул қилишни рад этиш тақиқланади.

Башарти мурожаатларда уларни тегишли органлар ёки мансабдор шахсларга жўнатиш учун зарур маълумотлар акс эттирилмаган бўлса, улар худди шу муддатда тегишли тушунтиришлар билан фуқарога қайтариб юборилади.

**3-модда. Фуқароларни мурожаат қилганлиги учун таъқиб остига олишнинг ва мурожаатни ҳимоялаш хатти-ҳаракатларида иштирок этишга мажбур қилишнинг тақиқланиши**

Фуқароларни ва уларнинг оила аъзоларини улар мурожаат қилиш воситасида ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқараётганликлари ёки ҳимоя қилаётганликлари учун таъқиб остига олиш ман этилади.

Ҳеч ким бирон-бир мурожаатни ҳимоялаш хатти-ҳаракатларида иштирок этишга мажбур қилинмаслиги лозим.

**4-модда. Мурожаатларнинг кўриб чиқилиши муносабати билан аён бўлиб қолган маълумотларни ошкор этишнинг тақиқланиши**

Мурожаатларнинг кўриб чиқилиши вақтида давлат органларининг, жамоат бирлашмаларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ходимлари томонидан фуқароларнинг ўз розилигисиз уларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларнинг ёки давлат сирини ёхуд қонун муҳофазасидаги бошқа сир ҳисобланган маълумотларнинг, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказадиган ўзга ахборотларнинг ошкор этилишига йўл қўйилмайди. Шунингдек мурожаатга дахлдор бўлмаган, фуқаронинг шахси тўғрисидаги маълумотларни

суриштириб билишга ҳам йўл қўйилмайди. Фуқаронинг илтимосига биноан унинг шахсига доир ҳар қандай маълумот ошкор этилмаслиги керак.

**5-модда. Оммавий ахборот воситаларига йўлланган мурожаатлар**  
Фуқароларнинг оммавий ахборот воситаларига йўллаган мурожаатларидан жамоат фикрини ўрганиш ва матбуотда акс эттириш учун фойдаланилади.

Ҳал этилиши оммавий ахборот воситаларининг ваколатига тааллуқли масалаларга доир фуқароларнинг мурожаатлари ушбу Қонунга мувофиқ кўриб чиқилиши лозим.

**6-модда. Таклифни кўриб чиқиш**

Таклифлар фуқароларнинг давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фаолиятини яхшилашга қаратилган мурожаатларидир.

Давлат органи, жамоат бирлашмаси, корхона, муассаса, ташкилот таклифни ҳар томонлама кўриб чиқиши ва фуқаронинг илтимосига биноан кўриб чиқиш натижалари тўғрисида унга маълум қилиши шарт.

**7-модда. Аризани кўриб чиқиш**

Аризалар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш тўғрисида илтимос баён этилган мурожаатлардир.

Аризаларни кўриб чиқиш ўз ваколатига кирадиган давлат органлари, жамоат бирлашмалари, уларнинг мансабдор шахслари, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслари:

аризаларни ҳар томонлама, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқишлари;

қонунга асосланган қарорлар қабул қилишлари ва уларнинг ижросини таъминлашлари;

аризаларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида фуқароларга маълум қилишлари шарт.

Аризада баён этилган талабларни қондиришнинг рад этилиши фуқарога рад этишнинг сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма тарзда маълум қилинади.

Аризаси бўйича қабул қилинган қарор устидан фуқаролар томонидан ушбу Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

### **8-модда. Шикоятни кўриб чиқиш**

Шикоятлар давлат органларининг, жамоат бирлашмаларининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ёхуд қарорлари туйғайли фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклаш талаб қилинган мурожаатлардир.

Давлат органининг, жамоат бирлашмасининг, корхона, муассаса, ташкилотнинг, мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати ёки қарори устидан шикоят бўйсунув тартибига қараб, юқори турувчи орган ёки мансабдор шахсга ёхуд судга берилади.

Юқори турувчи давлат органига, жамоат бирлашмасининг органига ёки мансабдор шахсга давлат органи ёки жамоат бирлашмасининг органи томонидан хатти-ҳаракат содир этилганлиги ёки қарор қабул қилинганлиги фуқарога маълум бўлиб қолган вақтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай шикоят билан мурожаат қилиниши мумкин. Узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддат шикоятни кўриб чиқаётган орган томонидан тикланади.

Юқори турувчи давлат органининг, жамоат бирлашмасининг, мансабдор шахснинг қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда судга шикоят қилиниши мумкин.

Фуқаро шикоятни шахсан беришга ёки бу ишга бошқа шахсни вакил қилишга ҳақлидир.

Фуқаронинг манфаатларини кўзлаб бошқа шахс ҳам шикоят бериши мумкин. Вояга етмаганлар ва муомалага лаёқатсиз шахслар манфаатларини кўзлаб уларнинг қонуний вакиллари шикоят билан мурожаат қиладилар.

Шикоятга фуқаронинг мурожаати бўйича аввал қабул қилинган қарор ёки унинг кўчирмаси, шунингдек шикоятни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилинади.

Фуқароларнинг шикоятларини хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилинаётган органлар ёки мансабдор шахсларнинг ўзига жўнатиш тақиқланади.

### **9-модда. Фуқаронинг шикоят кўриб чиқилиши вақтидаги ҳуқуқлари**

Давлат органи, жамоат бирлашмаси, корхона, муассаса, ташкилотга шикоят билан мурожаат қилган фуқаро:

шикоятни текшираётган шахсга ўз далил-исботларини шахсан баён қилиш;

текширишга доир материаллар билан ушбу Қонун 4-моддасининг талабларига риоя қилган ҳолда танишиш;

қўшимча материаллар тақдим этиш ёки шикоятни кўриб чиқаётган органнинг уларни сўраб олишини илтимос қилиш;  
адвокат ёки бошқа шахснинг хизматларидан фойдаланиш;  
шикоятни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ёзма жавоб олиш;

етказилган зарар қонунда белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

**10-модда. Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг шикоятларни кўриб чиқиш борасидаги вазифалари**

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, уларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари ўз ваколатлари доирасида:  
шикоятларни ҳолисона, ҳар томонлама ва ўз вақтида текшириш-лари;

шикоятга сабаб бўлган ноқонуний қарорни бекор қилишлари ёки ўзгартиришлари, ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш юзасидан шошилиш чора-тадбирлар кўришлари, қоидабузарликларга олиб келган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлашлари;

фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, шикоят муносабати билан қабул қилинган қарор амалда ижро этилишини таъминлашлари;

фуқарога шикоятни текшириш натижалари ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти тўғрисида ёзма тарзда маълум қилишлари шарт.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда раҳбар ёки унинг ўринбосари, жамоат бирлашмаларида эса сайлаб қўйиладиган органлар ёки улар ваколат берган шахслар шикоят бўйича қарор қабул қилишга ҳақлидирлар.

**11-модда. Таклифлар, аризалар ва шикоятларни кўриб чиқиш муддати**

Фуқароларнинг таклифлари таклиф тушган кундан эътиборан бир ой муддат ичида кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно бўлиб, бу ҳақда таклиф киритган шахсга маълум қилинади.

Аризалар ва шикоятлар давлат органига, жамоат бирлашмасига, корхона, муассаса ва ташкилотга тушган кундан эътиборан бир ойгача муддат ичида ҳал этилади, улар масалани моҳиятан ҳал этишлари, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб қилмайдиган масалаларни эса 15 кундан кечиктирмай ҳал этишлари шарт.



Ариза ёки шикоятни ҳал этиш учун махсус текширувлар ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёки бошқа чоратadbирлар кўриш зарур бўлса, тегишли орган, корхона, муассаса, ташкилот раҳбари ёки раҳбарининг ўринбосари ариза ёки шикоятни ҳал этиш муддатини, истисно тариқасида, узайтириши мумкин, бироқ бу муҳлат бир ойдан ошмаслиги лозим бўлиб, бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади. Бунда муурожаатни кўриб чиқиш умумий муддати икки ойдан ошмаслиги керак.

#### **12-модда. Фуқароларни шахсан қабул қилиш**

Барча даражадаги депутатлар, давлат органларининг, жамоат бирлашмаларининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслари фуқароларни шахсан қабул қилишлари шарт.

Қабул мунтазам, белгиланган кун ва соатларда, фуқаролар учун қулай вақтда ўтказилади.

Фуқароларнинг оғзаки муурожаатлари ва уларни кўриб чиқиш натижалари рўйхатга олиниши лозим.

Фуқароларни давлат органларида, жамоат бирлашмаларида, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда қабул қилиш тартиби уларнинг раҳбарлари томонидан белгиланади.

#### **13-модда. Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Муурожаатни кўриб чиқишни ғайриҳуқуқий тарзда рад этганлик, муурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузганлик, асоссиз, қонунга зид қарорлар қабул қилганлик ёхуд фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни ошкор этганлик, шунингдек фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузганлик, башарти бундай хатти-ҳаракатлар маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўлмаса, мансабдор шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда интизомий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Фуқарони у давлат органига, жамоат бирлашмасига, корхона, муассаса, ташкилотга муурожаат қилганлиги сабабли ёхуд муурожаатдаги танқид учун таъқиб остига олганлик, шунингдек фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини давлат ёки жамоат манфаатларига ёхуд фуқароларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқларига жиддий зарар етказиш тарзида бузганлик шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

**14-модда. Фуқаронинг шикоятини кўриб чиқиш вақтида қонун талабларининг бузилиши оқибатида унга етказилган зарарни қоплаш**

Шикоят қондирилган тақдирда фуқаронинг мурожаат бўйича ғайрихуқуқий қарор қабул қилган давлат органи, жамоат бирлашмаси, корхона, муассаса, ташкилот ёки мансабдор шахс унга шикоят билан мурожаат қилиш ва унинг кўриб чиқилиши туфайли кўрган моддий зарарини, тегишли органнинг талабига биноан шикоят кўриб чиқилиши муносабати билан бир жойдан бошқа жойга бориш мақсадида қилган сарф-ҳаражатларини ва шу вақт ичида бой берган иш ҳақини тўлайди. Ҳаражатларни ундиришга доир низолар суд тартибида кўриб чиқилади.

**15-модда. Ғайрихуқуқий тусдаги мурожаат берганлик учун жавобгарлик**

Фуқаронинг туҳмат ва ҳақорат руҳидаги ёхуд миллий адоват кўзғатишга ва жиноий тарзда жазоланадиган бошқа хатти-ҳаракатлар содир этишга даъват қилувчи мурожаатни берганлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

**16-модда. Атайин сохта маълумотлар баён қилинган мурожаатларни текшириш учун кетган харажатларни қоплаш**

Давлат органи, жамоат бирлашмаси, корхона, муассаса, ташкилот фуқаронинг атайин сохта маълумотлар баён этилган мурожаатларини текшириш туфайли қилган харажатлари суднинг қарорига биноан ундан ундириб олиниши мумкин.

**17-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этилишини назорат қилиш**

Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этилиши устидан назоратни давлат ҳокимияти органлари, шунингдек ўзларига бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда - вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар таъминлайдилар.

**18-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан прокурорлик назорати**

Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ҳамда унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадилар. Улар ўзларига берилган ваколатларга мувофиқ фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга, қонуний манфаатларини ҳимоя

қилишга, ҳуқуқбузарларни жавобгарликка тортишга қаратилган чора-тадбирларни кўрадилар.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. Каримов.**

**Тошкент шаҳри, 1994 йил 6 май,  
№ 1064-ХII**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**“Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон  
Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. “Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ҳукуматнинг қарорларини “Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқлаштирсин, республика вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари ўзларининг мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши  
Раиси вазифасини бажарувчи**

**Э.Халилов.**

**Тошкент шаҳри, 1994 йил 6 май,  
№ 1065-ХII**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида\***

### **1-модда. Судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқи**

Ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобланса, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва битимларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, чет эллик фуқаролар ушбу Қонунда белгиланган тартибда судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу Қонунга мувофиқ судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

### **2-модда. Судга шикоят берилишига лойиқ хатти-ҳаракатлар (қарорлар)**

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахсларнинг судга шикоят қилишга лойиқ коллегия ёки яқка тартибдаги хатти-ҳаракатлари (қарорлари) жумласига:

фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузган;

фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларининг рўёбга чиқаришига монелик туғдирган;

фуқаро зиммасига қонунга хилоф равишда қандайдир мажбурият юклатилишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) кирази.

### **3-модда. Ушбу Қонуннинг таъсир доираси**

Ушбу Қонунга мувофиқ судлар фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки эркинликларини бузадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан берилган шикоятларни кўриб чиқадилар, бундан:

---

\* Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, Тошкент, 1995 йил сентябрь, №9, 28-32-бетлар.

текширилиши қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мутлақ ваколатлари доирасига киритилган хатти-ҳаракатлар (қарорлар);

қонун ҳужжатларида устидан судга шикоят қилишнинг ўзгача тартиби белгиланган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) мустаснодир.

#### **4-модда. Шикоят бериш**

Фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан шикоят билан бевосита судга ёки тобелик тартибда юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Тобелик тартибда юқори турувчи орган, мансабдор шахс шикоятни бир ойлик муддатда кўриб чиқишлари шарт. Агар фуқаронинг шикоятини қаноатлантириш рад қилинган бўлса ёки у шикоят берган кундан бошлаб бир ой мобайнида жавоб олмаган бўлса, судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли.

Шикоятни ҳуқуқлари, эркинликлари бузилган фуқаро ёки унинг вакили, шунингдек фуқаронинг илтимосига кўра жамоат бирлашмасининг, меҳнат жамоасининг ваколат берилган вакили бериши мумкин.

Шикоят фуқаронинг хоҳишига қараб ё у яшайдиган жойдаги судга ёки орган жойлашган ердаги, ёхуд хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахснинг иш жойидаги судга берилади.

Ҳарбий хизматчи ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган ҳарбий бошқарув органлари ва ҳарбий мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят билан ҳарбий судга, шунингдек юқори турувчи мансабдор шахсларга ушбу моддада кўзда тутилган тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

#### **5-модда. Шикоят юзасидан суд ҳаракатлари**

Суд шикоятни кўриб чиқишга қабул қилгач:

тегишли органлар ва мансабдор шахслардан зарур материалларни талаб қилиб олади;

фуқаронинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан шикоят қилинишига сабаб бўлган хатти-ҳаракат (қарор)нинг ижросини тўхтатиб туриш масаласини ҳал қилади.

#### **6-модда. Судга шикоят билан мурожаат қилиш муддатлари**

Судга шикоят билан мурожаат қилиш учун куйидаги муддатлар белгиланади:

фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлигидан хабар топган кундан бошлаб уч ой;

фуқаро юқори турувчи орган, мансабдор шахснинг шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ёзма билдиришини олган кундан бошлаб бир ой;

агар фуқаро ўз шикоятига ёзма жавоб олмаган бўлса, шикоят берилганидан кейин бир ой муддат ўтган кундан бошлаб бир ой.

Шикоят беришнинг узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддати суд томонидан тикланиши мумкин.

#### **7-модда. Шикоятни кўриб чиқиш тартиби**

Фуқаронинг давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикояти суд томонидан фуқаровий судлов ишларини юритиш қоидалари асосида кўриб чиқилади.

#### **8-модда. Шикоят юзасидан суд қарори**

Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича суд қарор чиқаради.

Суд шикоятнинг асослилигини аниқлагач, устидан шикоят берилган хатти-ҳаракатни (қарорни) қонунсиз деб топади, фуқаронинг талабларини қаноатлантириш мажбуриятини юклайди ёки унинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини ўзгача йўл билан тиклайди.

Агар устидан шикоят берилган хатти-ҳаракатни (қарорни) суд фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузмайдиган қонуний хатти-ҳаракат (қарор) деб топса, у шикоятни қаноатлантиришни рад этади.

Суднинг қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юқори судга шикоят берилиши мумкин.

#### **9-модда. Суд қарорини бажариш**

Суднинг қонуний кучга кирган қарори барча давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурий ва уни бажариш шарт.

Суднинг қарори хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят берилган орган ёки мансабдор шахсга, шунингдек фуқарога қарор қонуний кучга киргач кечи билан ўн кун ичида юборилади.

Қарор бажарилганлиги ҳақида судга ва фуқарога суд қарори олинган кундан бошлаб кечи билан бир ой ичида хабар қилиниши шарт. Қарор бажарилмаган тақдирда суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган чора-тадбирларни кўради.

**10-модда. Шикоятни кўриб чиқиш билан боғлиқ суд харажатларини юклатиш**

Шикоятни кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган суд харажатлари, суд шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақида қарор чиқарган тақдирда фуқаро зиммасига ёки суд орган ёхуд мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари)ни қонуний эмас деб топган тақдирда улар зиммасига юклатилиши мумкин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И.КАРИМОВ**

**Тошкент шаҳри, 1995 йил 30 август,  
№ 108-1.**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**“Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р қ и л а д и:**

1. “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳуқумат қарорларини “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, шунингдек республика вазирликлари, давлат кўмиталари ва идоралари мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминлансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э.ХАЛИЛОВ.**

**Тошкент шаҳри, 1995 йил 30 август,  
№ 109-1.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсмен) тўғрисида\*

**1-модда.** Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили\*\* - мансабдор шахс бўлиб, унга Ўзбекистон Республикасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар\*\*\* томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишининг самарадорлиги устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ва воситаларини тўлдиради. Вакил Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уларни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий онгини оширишга кўмаклашади.

**2-модда.** Вакил ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, шунингдек халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормаларига асосланади.

Вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларга тобе бўлмаган тарзда амалга оширади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисоб беради.

**3-модда.** Вакил Олий Мажлис томонидан депутатлар орасидан Олий Мажлиснинг ваколатлари муддатига сайланади. Олий Мажлиснинг ваколатлари муддати тугагач, Вакил янги Вакил сайлангунига қадар ўз вазифаларини бажариб туради.

Вакилнинг Олий Мажлис томонидан белгиланган ҳуқуқлари ва кафолатлари татбиқ этилади.

**4-модда.** Вакил фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, адолатпарварлик, демократизм, инсонпарварлик, ошкоралик, ҳар бир киши учун очиқликдир.

\* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, Тошкент, 1997 йил апрель-май. № 4-5. 10-14-бетлар.

\*\* Бундан буён матнда “Вакил” деб юритилади.

\*\*\* Бундан буён матнда “ташкилотлар ва мансабдор шахслар” деб юритилади.

**5-модда.** Вакил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутаты бўлиб, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгадир.

**6-модда.** Вакил ҳар йили Олий Мажлисга ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади ва у “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси”да эълон қилинади.

Вакил инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро шартномаларнинг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикасининг йиллик маърузаларини тайёрлашда иштирок этади.

**7-модда.** Вакил ўз ваколатларини бажариш муддати давомида сиёсий партияга аъзоликни ёки унда иштирок этишни тўхтатиб туриши ёхуд бутунлай тўхтатиши шарт. Вакил ҳақ тўланадиган бирор-бир бошқа лавозимни эгаллаши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас. Ўқитувчилик, илмий ва ижодий фаолият бундан мустасно.

**8-модда.** Вакил Олий Мажлис томонидан қуйидаги ҳолларда лавозимидан муддатидан олдин озод қилиниши мумкин:

ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш тўғрисида ариза берганида;

саломатлиги жиддий равишда бузилган ва бу тиббиёт гувоҳномаси билан тасдиқланганда;

унинг депутатлик ваколатлари тўхтатилганда;

суднинг унга нисбатан айблов ҳукми қонуний кучга кирганда.

**9-модда.** Вакил Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб турган ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузган ташкилотлар ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқади ва ўз текширувини ўтказиш ҳуқуқига эга.

Вакил учинчи шахслар, шу жумладан жамоат бирлашмаларининг аниқ бир киши ёки бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқиш учун қабул қилади, бунинг учун уларнинг розилиги бўлиши шарт.

Вакил суднинг ваколатига тааллуқли бўлган масалаларни кўриб чиқмайди.

**10-модда.** Вакил аризачининг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги маълум бўлиб қолган пайтдан бошлаб ёки агар аризачи ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг бошқа воситаларидан фойдаланган ҳамда қабул қилинган қарорлардан қониқмаган бўлса, ўз шикояти бўйича қабул қилинган

охирги қарордан хабар топган пайтдан бошлаб, бир йил давомида берган шикоятларини кўриб чиқади.

**11-модда.** Вакилга берилган шикоятда аризаچининг фамилияси, исми, отасининг исми ва унинг манзили, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилинаётган ташкилотнинг номи, мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши, аризаچининг фикрича унинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келиган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик моҳияти баён этилиши зарур. Шикоятга аризаچининг талабларини тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа гувоҳномалар илова қилинади.

Вакилга берилган шикоят учун давлат божи олинмайди.

**12-модда.** Вакил қуйидаги ҳуқуқларга эга:

шикоятни кўриб чиқиш;

аризачи ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланиши мумкин бўлган воситалар ва шақлларни кўрсатиш;

шикоятни унинг моҳиятига кўра ҳал қилишга ваколатли бўлган ташкилот ёки мансабдор шахсга юбориш;

аризачини унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан таништириш;

шикоятни кўриб чиқишни сабабини албатта кўрсатган ҳолда рад этиш;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни кўриш.

**13-модда.** Шикоятни кўриб чиқиш, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолларни ўз ташаббуси билан текшириш чоғида Вакил қуйидаги ҳуқуқларга эга:

аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текширишда кўмаклашишни сўраб ташкилотлар ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш;

аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текшириш учун ташкилотларнинг вакиллари ва мансабдор шахсларни таклиф этиш. Текширув ўтказишни ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилинаётган ташкилот ёки мансабдор шахсга топшириш мумкин эмас;

ташкилотларга ва мансабдор шахслар ҳузурида бемалол кириш;

ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш;

мансабдор шахслардан тушунтиришлар олиш;

ташкилотлар ва мутахассисларга аниқланиши зарур бўлган масалалар юзасидан хулосалар тайёрлашни топшириш;

ташкilotлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор масалалар юзасидан ўтказилаётган текширувларда иштирок этиш;

ушланган ёхуд қамоқда сақланаётган шахс билан учрашиш ва суҳбатлар ўтказиш;

ҳаракатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузиш ҳоллари аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида хат билан тегишли органларга муурожаат этиш.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолатларни текшириш чоғида маълум бўлиб қолган аризаچининг ва бошқа шахсларнинг хусусий ҳаётига тааллуқли маълумотлар уларнинг розилигисиз ошкор қилиниши мумкин эмас.

**14-модда.** Мансабдор шахслар Вакил сўраган, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этишлари шарт.

Вакил ўз фаолияти масалалари бўйича давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкilotларнинг, жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан кечиктирмасдан қабул қилиниши ҳуқуқидан фойдаланади.

Фаолияти давлат сири ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирлар билан боғлиқ бўлган ташкilotлар, муассасалар ва корхоналарга Вакилнинг кириш тартиби, шунингдек Вакилга давлат сири ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сирдан иборат бўлган ахборотни тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Вакилнинг вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

**15-модда.** Вакил шикоятни текшириш натижаларига биноан:

аризачига қўриб чиқиш натижаларини маълум қилиши;

ҳаракатлари ва ҳаракатсизлигида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги аниқланган ташкilot ёки мансабдор шахсга бузилган ҳуқуқларни тиклаш юзасидан тавсиялар баён этилган ўз хулосасини юбориши шарт. Бунда Вакилнинг хулосасини олган ташкilot ёки мансабдор шахс уни қўриб чиқиши ва бир ойдан кечиктирмай асосли жавоб юбориши шарт.

**16-модда.** Вакилнинг хулосасида қуйидаги тавсиялар назарда тутилиши мумкин:

иш ташкilot ёки мансабдор шахс томонидан охирига етказилиши зарурлиги;

ташкилот ёки мансабдор шахснинг қарори ўзгартирилиши ёхуд бекор қилиниши кераклиги;

ташкилот ёки мансабдор шахснинг қарори асосланиши зарурлиги;

ташкилот ёки мансабдор шахс қўшимча қарор қабул қилиши лозимлиги.

Вакилнинг хулосасида бошқа тавсиялар ҳам ифодаланиши мумкин.

**17-модда.** Вакил Олий Мажлиснинг, сессиялар оралигидаги даврда эса, Олий Мажлис Кенгашининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тертилиши, ҳибсга олинishi ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

Олий Мажлис Вакилига нисбатан жиноий иш фақат Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Вакилни мажбурий тарзда олиб келиш, ушлаб туриш, шунингдек унинг шахсий буюмлари, юки, транспорти, турар жойи ёки хизмат хоналарини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

**18-модда.** Вакилга шикоят берган шахс, шунингдек Вакил томонидан ахборот тўплаш ва уни таҳлил этиш ёки эксперт баҳоси бериш топширилган шахслар бу ҳаракатлари учун таъқиб остига олинishi ёки бошқа тарзда ҳуқуқлари чекланиши мумкин эмас.

**19-модда.** Вакилнинг зиммасига юкланган вазифаларни бажариш юзасидан унинг фаолиятига кўмаклашиш учун Олий Мажлиснинг Вакили раислигида Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия тузилади.

Комиссия ўз фаолиятида Олий Мажлиснинг Кенгаши томонидан тасдиқланадиган Регламентга асосланади.

Вакил Комиссия аъзосини ўз вакили этиб тайинлаши мумкин.

**20-модда.**

Вакилнинг фаолиятини таъминлаш учун Котибият тузилиши мумкин, ушбу Котибият ҳақидаги низом Вакил томонидан тасдиқланади.

Вакил давлат герби тасвири туширилган ўз муҳрига эга бўлади.

Вакилнинг фаолиятини моддий ва бошқа жиҳатлардан таъминлаш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1997 йил 24 апрель,  
№ 392-1.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING  
ҚАРОРИ**

**Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 1996 йилги  
фаолияти тўғрисида**

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Ш.Рашидованинг ҳисоботини эшитиб ва муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмини яратишга қаратилган катта ишлар авж олдирилганлиги қайд этиб ўтилсин.

2. Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 1996 йилги фаолияти маъқуллансин.

3. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили: инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида қонун ҳужжатларига rioя этилиши учун тегишли органлар ва мансабдор шахсларга нисбатан талабчанликни оширсин;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги шикоятлар юзасидан ўз қарорларининг ижро этилиши устидан назоратни кучайтсирсин;

инсон ҳуқуқлари соҳасида фуқароларнинг ижтимоий онгини оширишга ҳар томонлама кўмаклашсин, республикадаги ва халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантирсин.

4. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судларнинг эътибори қонуннинг устуворлиги принципига қаттиқ rioя этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини давлат томонидан ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, ўз фаолияти маданиятини ошириш зарурлигига қаратилсин.

5. Оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахслар rioя этиши билан боғлиқ масалаларни кенг ёритиб борсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлисининг Раиси**

**Э.ХАЛИЛОВ**

**Тошкент шаҳри, 1997 йил 24 апрель,  
№ 393-1**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ

### Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида\*

#### І. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда.** Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органлари жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашишга доир ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида фуқароларга кўмаклашади, ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва ҳўжалик вазифаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг, халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштиради.

**2-модда.** Ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудий принцип бўйича тузилади. Ўзини ўзи бошқариш органлари иш олиб борадиган ҳудудларни фуқароларнинг тақлифига кўра туман, шаҳар ҳокими белгилайди, ушбу қарор кейинчалик тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Йиғинлар ишида ўн саккиз ёшга етган ва мазкур ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар қатнашади.

**3-модда.** Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, уларнинг фаолият кўрсатишини ташкил этиш ҳамда ваколат кўлами ушбу қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб турилади.

Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу қонун ва Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан тартибга солиб турилади.

**4-модда.** Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади ва герб тасвири туширилган, белгиланган намунадаги муҳрига эга бўлади.

---

\* Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, Тошкент, 1993 йил 2-сентябрь, № 9, 23-31-бетлар.



## II. ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИНИ ЧАҚИРИШ ТАРТИБИ

**5-модда.** Фуқаролар йигинини раис (оқсоқол) тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки ҳоким билан келишган ҳолда заруратга қараб чақиради. Фуқаролар йигини шунингдек халқ депутатлари Кенгаши, ҳоким томонидан ёки ўн саккиз ёшга етган ва ушбу ҳудудда яшаётган фуқаролар учдан бир қисмининг ташаббуси билан чақирилиши мумкин.

**6-модда.** Йигин чақиришнинг иложи бўлмаган тақдирда фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказилади. Йиғилишларга кўчалар ва тураржой биноларидан, маҳаллалардан ва бошқа ҳудудий тузилмалардан фуқароларнинг намоёндалари ушбу қонун 2-моддасининг иккинчи қисмида кўзда тутилган талабларга риоя этишган ҳолда вакил қилиниши мумкин. Вакиллик меъёрларини тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки туман, шаҳар ҳокими белгилайди.

**7-модда.** Фуқаролар йиғинларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмидан кўпроғи уларга келган тақдирда йиғинлар ваколатли ҳисобланади, вакиллар йиғилишлари эса уларга делегатларнинг камида учдан икки қисми келган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

**8-модда.** Фуқароларнинг йигини (йиғилиши)ни олиб бориш учун раёсат сайланади. Йигин (йиғилиш)ни раис (оқсоқол) ёки унинг маслаҳатчиларидан бири олиб боради. Барча масалалар бўйича қарорлар очиқ овоз бериш орқали ва оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

**9-модда.** Фуқароларнинг ҳар бир йигини (йиғилиши)да баён юритилади, унда йигин (йиғилиш) ўтказилган сана, ҳозир бўлган фуқаролар сони, кун тартиби ва қабул қилинган қарорлар қайд этилади. Йигин (йиғилиш) баёни ва қарорларини раис (оқсоқол), унинг йўқлигида эса маслаҳатчиларидан бири имзолаб, тегишли туман, шаҳар ҳокимига юборади.

## III. РАИС (ОҚСОҚОЛ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИНИ САЙЛАШ ТАРТИБИ

**10-модда.** Раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларини фуқаролар йигини (йиғилиши) тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишган ҳолда сайлайди.

**11-модда.** Маслаҳатчиларнинг миқдор таркибини йигин (йиғилиш) белгилайди. Маслаҳатчиларнинг номзодларини йигин (йиғилиш)га раис (оқсоқол) тавсия этади.

**12-модда.** Раис (оқсоқол) ва маслаҳатчилар уларга йигин (йигилиш)да ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпроғи овоз берса, сайланган ҳисобланадилар.

**13-модда.** Раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари тегишли ҳудуддан ташқарига чиқиб кетсалар, ёки туман, шаҳар ҳокимининг таклифига биноан, ёхуд йигин (йигилиш) қатнашчилари камида учдан бир қисмининг ёзма талабига кўра муддатидан илгари қайта сайланиши мумкин.

#### **IV. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА МОЛИЯВИЙ НЕГИЗИ**

**14-модда.** Ўзини ўзи бошқариш органлари қурган, сотиб олган ёки қонунда белгиланган тартибда уларга берилган жамоат объектлари, ижтимоий-маиший ва бошқа объектлар, шунингдек сотиб олинган транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ҳамда бошқа мол-мулк ўзини ўзи бошқариш органларининг мулкидир.

**15-модда.** Ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий ресурслари халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан ажратиладиган бюджет маблағларидан, фуқаролар ва меҳнат жамоаларининг ихтиёрий хайр-эҳсонларидан, хайрия жамғармалари ажратиб берадиган маблағлардан таркиб топади.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий маблағлари банкдаги мустақил счётларда сақланади, улар томонидан мустақил тасарруф этилади ва олиб қўйилиши мумкин эмас.

#### **V. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

**16-модда.** Фуқароларнинг йигини (йигилиши):

ўзини-ўзи бошқариш органининг фаолият дастури ҳамда харажатлар сметаси, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва санитария ҳолатини яхшилашга доир тадбирлар режаларини тасдиқлайди;

раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари ишининг асосий йўналишларини белгилайди, ҳар йили уларнинг ҳисоботларини тинглайди;

ўз ҳудудидаги ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш учун аҳолининг, мулкчиликнинг барча шаклидаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг маблағларини ихтиёрийлик асосида бирлаштириш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади;

пул маблағлари сарфланиши устидан назорат қилишни ташкил этади, зарур бўлганида тафтиш комиссияси тузади ва ушбу комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқлайди;

қонунларда белгиланган тартибда ўз ҳудудида кичик корхоналар, кооперативлар, устахоналар, халқ ҳунармандчилиги цехларини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади;

йиғиннинг, маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг чегараларини ўзгартиришга, кўча, майдон ва бошқа жойларнинг номини ўзгартиришга доир масалаларни кўриб чиқади ҳамда тегишли давлат органларига таклифлар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**17-модда.** Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг йиғини (йиғилиши) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан келишилган ҳолда савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари аҳоли учун қулай соатларда ишлашини белгилайди, маъмурий комиссия тузади.

**18-модда.** Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг йиғини (йиғилиши) раиснинг (оқсоқолнинг) шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун ажратиб бериладиган ер участкалари тўғрисидаги тақдимномасини, раиснинг (оқсоқолнинг) корхоналарга, муассасаларга, фуқароларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер бериш ҳамда бу субъектларнинг ерларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ҳуқуқларини тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг эгалигидаги ерлар таркибига кирмайдиган, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктлари чегарасидаги ерларни олиб қўйиш тўғрисидаги қарорларини тасдиқлайди.

Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг йиғини (йиғилиши) Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ер муносабатлари соҳасидаги бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.

## **VI. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ СТРУКТУРАСИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

**19-модда.** Йиғин раиси (оқсоқоли) ва йиғин раиси тайинлайдиган котиб йиғин қарорлари бажарилишини, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жорий фаолиятини ташкил этади ва амалга оширади. Раиснинг (оқсоқолнинг) котиб тайинлаш тўғрисидаги қарори фуқароларнинг йиғини томонидан тасдиқланади.

Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг йиғини раиси (оқсоқол) ўз аппаратига эга бўлиб, унинг миқдори халқ депутатлари

туман Кенгаши ёки туман ҳокими билан келишилган ҳолда йиғин (йиғилиш) томонидан белгиланади.

Раис (оқсоқол), котиб ва аппарат ходимларига туман, шаҳар бюджети маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланади.

**20-модда.** Котиб ҳамда йиғин раиси (оқсоқоли) аппаратининг ходимлари умумий йиғилишлар ўтказишга доир материаллар тайёрлайди, фуқароларнинг йиғини ҳамда йиғин раиси (оқсоқоли) қарорлари ижрочиларга ўз вақтида етказилишини кузатиб боради, иш қоғозларини юритади, ҳужжатлар сақланиши учун жавоб беради, фуқароларга бериладиган маълумотномаларни расмийлаштиради, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги ҳарбий хизматга мажбур шахсларни ва чақирилувчиларни дастлабки тарзда ҳисобга олинишини таъминлайди, раис (оқсоқол) топшириғига биноан ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари доирасида бошқа ишларни амалга оширади.

**21-модда.** Жамоатчилик асосида ишлайдиган раис (оқсоқол) маслаҳатчилари ўртасидаги вазифалар тақсимоли раис (оқсоқол)нинг тақдимига кўра фуқароларнинг йиғини (йиғилиши) томонидан амалга оширилади.

## **VII. РАИС (ОҚСОҚОЛ) ВАКОЛАТЛАРИ**

**22-модда.** Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли):

Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва маҳаллий ҳокимият органларининг қарорларини бажаришга доир ишларни ташкил этади, фуқароларнинг моддий ва уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилади;

қонунларда кўзда тутилган ҳолларда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, суд идораларида, корхона, муассаса ва ташкилотлар билан бўладиган муносабатларда фуқаролар манфаатларини ҳимоя қила олади;

фуқароларнинг ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда, оммавий-сиёсий тадбирларда қатнашишларини ташкил этади, аҳолига савдо ва коммунал-маиший хизмат кўрсатилишини яхшилашга кўмаклашади, бу мақсадларда тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар ва ташкилотлар тақдим этадиган моддий ва бошқа маблағлардан фойдаланади;

дўконлар, ошхоналар, чойхоналар, бозорлар иши, савдо қондаларига риоя этилиши, фуқароларга маданий хизмат кўрсатиш таъминланиши устидан жамоатчилик назоратини ташкил қилади;

аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, уй-жойлар, мактаблар ва бошқа муассасаларнинг санитария ҳолати устидан назорат қилинишига кўмаклашади;

қабристонлар, қардошлик қабрлари ва бошқа мазорларни саранжом сақлаш юзасидан жамоатчилик ишларини ташкил қилади;

алоқа органларига маҳаллий телефон ва почта алоқасини ривожлантиришда, радиолаштириш борасида, маҳаллий алоқа иншоотларини муҳофаза қилишда ёрдам беради;

эгасиз мол-мулкни, шунингдек давлатта мерос тарзида қилган мол-мулкни сақлаш ва тасарруф этиш чораларини кўради;

деҳқон хўжалиklarининг оилавий мулк тақсимотларини руйхатга олади, ўз ҳудуди доирасида яшовчиларни ҳисобга олиб боради;

шаҳарча, қишлоқ ва овуллар ҳудудидаги ерларнинг ишлатилиши ва муҳофаза этилиши устидан назорат қилади, фуқаролар йиғини (Йиғилиши) муҳокамасига ер муносабатларини тартиб солиш масалаларини киритади;

иморат қуриш қоидаларига риоя этиш, хонадонларга туташ жойларни ораста бўлиши, жониворларни сақлашга оид ветеринария қоидаларини бажариш устидан жамоат назоратини ташкил қилади;

аҳолидан солиқ, суғурта ва бошқа хилдаги тўловлар ўз вақтида тушишига кўмаклашади;

аҳоли пунктларида ёнғинга қарши тадбирлар ўтказишни ташкил этади, зарур бўлганда эса табиий офатларга қарши курашга ва уларнинг оқибатини тугатишга фуқароларни жалб этади;

тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда ҳуқуқ муҳофаза қилиш органларига кўмаклашади;

ҳарбий хизматта мажбур шахслар ва чақирилувчиларни ҳарбий комиссариатларга чақириётганликларидан хабардор этишни ташкил қилади, аҳолини фуқаро муҳофазасига доир тадбирлар ўтказишга жалб этади;

давлат ва жамоат органларига ногиронлар, боқувчисидан маҳрум бўлган оилалар, кўп болали оилалар, ёлғиз оналар, шунингдек табиий офатлардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида таклифлар киритади;

вояга етганлар назоратсиз қолишининг олдини олишга доир жамоатчилик ишларини ташкил этади, ота-онасининг қарамоғисиз қолган болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга, шунингдек ёшларни ишга жойлаштиришга кўмаклашади;

аҳоли орасида лекция, маъруза ва суҳбатлар ўтказишни ташкил қилади, фуқароларга мунтазам равишда кино хизматини кўрсатишга, китоб савдосини ривожлантиришга, газета ва журналларнинг

тарқатилишига ёрдамлашади, меҳнаткашлар оммавий равишда дам оладиган ҳудудларни ташкил этишга, спорт иншоотлари тармоғини ривожлантиришга қўмаклашади;

тегишли ҳудудда байрам кунлари ва шонли саналар муносабати билан оммавий тадбирлар ўтказишни ташкил қилади;

давлат органларига фуқаролар йиғини (йиғилиши)нинг кўча ва майдонлар, аҳоли пунктлари таркибий қисмининг номини ўзгартириш, уйларни рақамлаб чиқиш хусусида таклифлар киритади;

фуқароларни қабул қилади, фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқади, улар юзасидан зарур чоралар кўради;

фуқароларга уларнинг шахсини, оилавий ва мулкый аҳволини тасдиқловчи маълумотномалар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар беради;

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**23-модда.** Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролари йиғинининг раиси (оқсоқоли) фуқаролик ҳолати актларини рўйхатга олади, айрим нотариал ҳаракатларни амалга оширади.

### **VIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

**24-модда.** Ўзини ўзи бошқариш органлари ўзларига берилган ваколатлар доирасида қарорлар қабул қиладилар. Бу қарорларни тегишли ҳудудда яшайдиган барча фуқаролар адо этишлари шарт. Ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунларга зид ҳужжатларини халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари тегишли ҳокимлар бекор қиладилар.

**25-модда.** Ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, шунингдек раис (оқсоқол)нинг хатти-ҳаракатлари устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

**Тошкент шаҳри, 1993 йил 2 сентябрь,  
№ 915-ХII.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

### “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси Ҳукумат қарорларини “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқлаштирсин.

3. Туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимлари жорий йилнинг 1 декабригача ўзини ўзи бошқариш органлари амал қиладиган ҳудудларнинг теграларини белгилаб олсинлар ҳамда йиғинларнинг раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказсинлар.

4. Ўзини ўзи бошқариш органлари амал қиладиган ҳудудларнинг тегралари аниқлангунга ҳамда йиғинларнинг раислари (оқсоқоллари) қонунда белгиланган тартибда сайлангунга қадар уларнинг вазифаларини бажариб туриш халқ депутатлари шаҳарча, қишлоқ ва овул Кенгашларининг раислари зиммасига, маҳаллаларда эса - маҳалла қўмиталарининг раислари зиммасига юклатилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида”ги кодекси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ҳамда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунларга мувофиқ ҳолга келтирилгунга қадар илгари халқ депутатлари туман, шаҳар шаҳардаги туман, шаҳарча, қишлоқ, овул Кенгашлари ижроия қўмиталари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар ихтиёрига берилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлари тегишли равишда туман, шаҳар ҳокимликлари ва шаҳарча, қишлоқ, овул ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар томонидан қўриб чиқилади.

6. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

1980 йил 14 мартда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари посёлка Совети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ветомостлари, 1980 йил, № 9, 108-модда);

1980 йил 14 мартда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари посёлка Совети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Вedomостлари, 1980 йил, № 9, 109-модда);

Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари, посёлкалари ва қишлоқларидаги маҳалла (квартал) комитетлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Раёсатининг 1983 йил 4 июлдаги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Вedomостлари, 1983 йил, № 20, 330-модда);

Ўзбекистон Республикаси гражданларнинг истиқомат жойларидаги умумий йиғилишлари, йиғинлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Раёсатининг 1988 йил 30 ноябрдаги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Вedomостлари, 1988 йил, № 34, 398-модда).

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгашининг Раиси**

**Ш. ЙЎЛДОШЕВ**

**Тошкент шаҳри, 1993 йил 2 сентябрь,  
№ 916-ХП.**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### Судлар тўғрисида\*

#### **БИРИНЧИ БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР**

##### **1-модда. Суд тизими**

Ўзбекистон Республикасида беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, вилоят хўжалик судлари фаолият кўрсатадилар.

Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолият тартиби алоҳида қонун билан белгиланади.

**2-модда. Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши.** Суд ҳокимиятининг мустақиллиги

Ўзбекистон Республикасида одил судловни фақат суд амалга оширади.

Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

##### **3-модда. Суд ҳужжатларининг мажбурийлиги**

Суд чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий.

##### **4-модда. Суднинг вазифалари**

Ўзбекистон Республикасида суднинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларда ҳамда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларига риоя этилишини кафолатлашга қаратилган.

---

\* Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгагининг Ахборотномаси, Тошкент, 1993 йил октябрь, № 10, 3-33-бетлар.

Суднинг фаолияти ижтимоий адолатли, тинчлик ва тотувликни таъминлашга, ҳуқуқий тартиб ва қонунийликни барча чоралар билан мустақамлашга қаратилган.

**5-модда. Фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги**

Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун ва суд олдида тенгдирлар.

**6-модда. Судловнинг ошкоралиги**

Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

**7-модда. Судлов олиб бориладиган тил**

Ўзбекистон Республикасида суд ишлари ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда юритилади.

Судлов олиб бориладиган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва судлов ҳаракатларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

**8-модда. Суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат бошқарув идоралари ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан, шунингдек шаъни ва қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиги, шахсий эркинлиги ва мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга. Корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳам суд ҳимоясида бўлишга ҳақли.

**9-модда. Ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш. Айбсизлик презумпцияси**

Айбланувчига, судланувчига ҳимоя ҳуқуқи таъминланади. Судловнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади.

Айбланувчи, унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча, айбсиз ҳисобланади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

**10-модда. Судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш**

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар) судларининг фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши қондасига қатъий риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

судларни ташкил этиш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳокамасига киритади;

судьяликка номзодларни танлайди ва уларни тайёрлайди;

судьяларнинг малакасини ошириш билан шуғулланади;

судларнинг моддий-техника таъминоти ва уларнинг фаолияти учун зарур шароитларни яратиш ишларини ташкил этади;

судларнинг ташкилий ишларини текширади;

халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказишни ташкил этади;

судлар томонидан ўтказилаётган суд амалиётини умумлаштириш ишида қатнашади;

суд статистикасини юритиш ва суд қарорларини ижро қилиш ишини ташкил этади;

судьяларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Хўжалик судларини ташкилий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди томонидан амалга оширилади.

#### **11-модда. Қонунчилик ташаббуси**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

### **ИККИНЧИ БЎЛИМ. УМУМИЙ СУДЛАР**

#### **I-БОБ**

#### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ**

#### **12-модда. Олий суднинг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди - фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурий.

Олий суд ишларни биринчи инстанцияда, кассация тартибида ва назорат тартибида кўради.

Биринчи инстанция бўйича ишлар Олий суднинг уч судьясидан иборат таркибда кўрилади.

Олий суд - Олий суд Пленумининг дастурий кўрсатмалари судлар томонидан бажарилиши устидан назорат олиб боради.

### **13-модда. Олий суд таркиби**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди - Раис, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, судлов ҳайъатлари раислари. Олий суд судьяларидан иборат бўлиб:

Олий суд Пленуми;

Олий суд Раёсати;

Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати;

Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати;

Ҳарбий ҳайъатдан иборат таркибда иш олиб боради.

### **14-модда. Олий суд Пленуми**

Олий суд Пленуми энг юқори суд инстанцияси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг раисидан иборат таркибда иш олиб боради.

Пленум мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Адлия вазири қатнашади. Олий суд Раисининг таклифига биноан Пленум мажлисида судьялар, Олий суд ҳузуридаги илмий маслаҳат кенгаши аъзолари, вазирликлар, идоралар, илмий муассасалар, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этишлари мумкин.

### **15-модда. Олий суд Пленумини чақириш тартиби**

Олий суд Пленуми тўрт ойда камида бир марта чақирилади. Муҳокама қилинадиган умумий масалалар бўйича ҳужжатларнинг лойиҳаси Пленум аъзоларига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига, Адлия вазирига Пленум йиғилишидан йигирма кун илгари юборилади.

### **16-модда. Олий суд Пленумининг ваколатлари**

Олий суд Пленуми, Пленум аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Олий суд Пленуми:

ишларни назорат тартибида кўради;

суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари юзасидан дастурий кўрсатмалар беради;

Олий суд Раисининг тақдимига биноан Олий суд Раёсатини, судлов ҳайъатларининг раислари, шунингдек Олий суд Пленуми котибини тасдиқлайди;

Олий суд Раисининг тақдимига биноан Олий суд ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши таркибини тасдиқлайди;

Раёсат иши тўғрисидаги ва Олий суд судлов ҳайъатлари раисларининг ҳайъатлар фаолияти ҳақидаги ахборотномаларини тинглайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси ва Адлия вазирининг қўшма тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, судлари раёсати таркибини ва судлов ҳайъатлари раисларини тасдиқлайди;

судьялар олий малака ҳайъатини сайлайди ва унинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тинглайди;

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қуrolли Кучлар ҳарбий суди раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисида, шунингдек Олий суд Пленуми дастурий кўрсатмаларининг бажарилиши тўғрисида ахборотномаларини тинглайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди матбуот органининг таҳрир ҳайъатини тасдиқлайди;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

#### **17-модда. Олий суд Пленумида суд ишларини кўриш тартиби**

Олий суд Пленуми ишни назорат тартибида кўриш чоғида Олий суд судьясининг иш ҳолатлари ва протест важдари ҳақидаги маърузасини тинглайди. Сўнгра республика Бош прокурорининг хулосаси эшитилади. Муҳокамадан сўнг протест овозга қўйилади. Пленум аъзолари овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмаслар.

Протест юзасидан қарор Пленум аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Ишни биринчи инстанцияда, кассация ёки назорат тартибида кўришда қатнашган судья овоз беришда иштирок этишга ҳақли эмас.

Кўпчиликнинг овозини олмаган протест рад қилинган ҳисобланади. Шундан сўнг навбатига қараб бошқа таклифлар овозга қўйилади.

Қабул қилинган қарорга қарши Пленум аъзоси ўз мулоҳазаларини ёзма равишда билдириш ҳуқуқига эга бўлиб, бу фикр Пленум мажлиси ёзма баёнига қўшиб қўйилади.

#### **18-модда. Олий суд Пленумининг қарори ва йиғилиши баёни**

Олий суд Пленумининг муайян суд ишлари бўйича қарори қабул қилинган пайдан бошлаб қонуний кучга киради ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал ҳамда Жиноят-процессуал кодексларида кўзда тутилган тартибда ижро қилинади.

Пленум йиғилишида ёзма баён юритилади. Пленум қарорлари ва баёни Олий суд Раиси ва Пленум котиби томонидан имзоланади.

**19-модда. Олий суд Пленумида муайян суд ишларини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлмаган масалаларнинг кўрилиши**

Муайян суд ишларини ҳал этиш билан боғлиқ бўлмаган, ушбу қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Бош прокурори ёки Адлия вазири томонидан Олий суд Пленумининг муҳокамасига киритилган масалалар тегишли равишда уларнинг маърузалари бўйича ёки улар ваколат берган шахсларнинг маърузалари бўйича тингланади.

Олий суд Пленуми мажлисига таклиф қилинган шахслар ҳам ушбу масалаларни муҳокама қилишда қатнашишлари мумкин.

Пленум қарори мажлисда иштирок этаётган Пленум аъзоларининг кўпчилиги томонидан очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади ва қабул қилинган пайтдан кучга киради.

Пленумнинг қонунларни қўллаш масалалари бўйича дастурий кўрсатмалари судлар, ушбу кўрсатмалар берилган қонунни қўллаётган бошқа органлар ва мансабдор шахслар учун мажбурий.

**20-модда. Олий суд Пленуми котиби**

Олий суд Пленумининг котиби Олий суд аъзоси вазифасини бажариш билан бирга Пленум йиғилишини тайёрлашга, мажлис баёнини юритишга доир ишларни ташкилий жиҳатдан таъминлайди, Пленум қабул қилган қарорларнинг ижроси учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширади.

**21-модда. Олий суд Раёсатининг таркиби**

Олий суд Раёсати Олий суд судьяларидан Олий суд Пленуми белгиллаган миқдорда тузилади.

Олий суд Раиси, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари Раёсат таркибига лавозимлари бўйича кирадилар.

Раёсат йиғилиши ойида камида бир марта ўтказилади ва Раёсат аъзоларининг кўпчилиги иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Раёсат қарори мазкур Қонуннинг 17-моддасида белгиланган тартибда қабул қилинади ва раислик қилувчи томонидан имзоланади.

**22-модда. Олий суд Раёсатининг ваколатлари**

Олий суд Раёсати:

ишларни назорат тартибда кўради;

суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўради, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди ва Қуролли Кучлар ҳарбий суди раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги маърузаларини тинглайди;

судлов ҳайъатлари ва Олий суд аппарати ишини ташкил қилишга оид масалаларни кўради;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

### **23-модда. Олий суднинг судлов ҳайъатлари**

Олий суднинг судлов ҳайъатлари ишларни биринчи инстанцияда, кассация ва назорат тартибида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал, Жиноят-процессуал кодексларида ва ушбу Қонунда кўзда тутилган қбилдаларга биноан кўради.

### **24-модда. Олий суд Раиси**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси:

Олий суд фаолиятига ташкилий раҳбарлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси судларининг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритади; ишларни назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади; қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси судларининг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг ижросини тўхтатиб туради;

суд амалиётини умумлаштириш, шунингдек Олий суд Пленуми дастурий кўрсатмаларининг бажарилиши юзасидан назоратни амалга ошириш ишларини ташкил этади;

ишларни республиканинг бир судидан иккинчи судига олиб бериш масаласини ҳал қилади;

Олий суд Пленуми ва Раёсатини чақиради, уларнинг мажлисида раислик қилади;

зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибида иш кўришга жалб этади;

Олий суд Пленумининг дастурий кўрсатмалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ эмаслиги ҳақида Олий суд Пленумига тақдимнома киритади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларини шарҳлаб бериш ва норматив ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мос келмаслиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига тақдимнома киритади;

Олий суд Пленумига судлов ҳайъатларининг таркиби, уларнинг раислари ҳақида, Олий суд Раёсати ва Судьяларнинг олий малака ҳайъати таркиби тўғрисида тақдимнома киритади;

вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ва ҳарбий судлар судьялигига номзодлар юзасидан кейинчалик улар хусусида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига хулосалар юборади;

Ўзбекистон Республикаси судлари судьяларини интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида иш кўзғатади;

Раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;  
Олий суд ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;  
Олий суднинг штатлар жадвалини тасдиқлайди;  
фуқароларни шахсан қабул қилади;  
қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**25-модда. Олий суд Раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари**

Олий суд Раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари:

Олий суд Пленуми қарорларидан ташқари барча инстанция судларининг ҳукмлари, ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритадилар;

Олий суд судлов ҳайъатларининг мажлисларида раислик қилишлари мумкин;

ишларни назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб оладилар;

Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан чиқарилган, ўзлари протест киритиш ҳуқуқига эга бўлган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, ажримлар ва қарорларнинг ижросини тўхтатиб турадилар;

фуқароларни шахсан қабул қиладилар;

вазифа тақсимотига мувофиқ Олий суднинг таркибий бўлинмалари ишига раҳбарлик қиладилар;

қонун ҳужжатларида ўзларига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

Олий суд Раисининг йўқлигида унинг ваколатини Раиснинг биринчи ўринбосари, биринчи ўринбосар йўқлигида эса Раис ўринбосари амалга оширади.

**26-модда. Олий суд судлов ҳайъатлари раислари**

Олий суд судлов ҳайъатларининг раислари:

судлов ҳайъатлари ишини ташкил этадилар ва уларнинг мажлисларида раислик қиладилар;

Олий суд Раёсати ва Пленумида судлов ҳайъатларининг фаолияти тўғрисида маъруза қиладилар;

суд амалиётини умумлаштириш учун суд ишларини талаб қилиб оладилар;

тегишли судлов ҳайъати судьяларининг малакасини ошириш ишларини ташкил этадилар;

қонун ҳужжатларида ўзларига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.



**2-БОБ.**  
**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ,  
ВИЛОЯТ СУДИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ**

**27-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди таркиби**

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди - раис, раис ўринбосарлари, судлов ҳайъати раислари, судьялар, халқ маслаҳатчилардан иборат бўлиб, қуйидаги таркибда иш олиб боради:

суд раёсати;

фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати;

жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати.

**28-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг ваколатлари**

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди:

ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди сифатида, кассация ва назорат тартибида кўради;

туман (шаҳар) судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб боради, суд амалиётини умумлаштиради;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**29-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг раёсати**

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг раёсати - раис, раис ўринбосарлари ва судьялардан иборат таркибда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми белгиланган миқдорда тузилади.

Раёсат йиғилишлари ойда камида икки марта ўтказилади ва раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Раёсат қарорлари овоз беришда қатнашган раёсат аъзоларидан кўпчилигининг овози билан мазкур қонуннинг 17-моддасида белгиланган тартибда қабул қилинади ва тегишли суд раиси томонидан имзоланади.

**30-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раёсатининг ваколатлари**

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг раёсати:

ўз ваколатлари доирасида ишларни назорат тартибида кўради;

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раисининг тақдимида биноан фуқаролик ва

жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатлари таркибларини тасдиқлайди;

суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади;

судлов ҳайъатлари раисларининг ҳайъатлар фаолияти тўғрисидаги, туман (шаҳар) судлари раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги маърузаларини тинглайди;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**31-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди судлов ҳайъатлари**

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг судлов ҳайъатлари ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанцияда ва кассация тартибда кўрадилар.

Судлов ҳайъатлари суд амалиётини умумлаштирадилар ва қонун ҳужжатларида ўзларига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

**32-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг раиси**

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг раиси:

суд ишлари бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, ажримлар ва қарорлар устидан қонунда белгиланган доирада ва тартибда протестлар киритади;

ишларни назорат тартибда текшириш учун талаб қилиб олади;

ўзи протест киритиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролик ишлари бўйича суд ҳал қилув қарорларининг ижросини тўхтатиб туради;

суд раёсатини чақиради ва унинг мажлисларида раислик қилади;

зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибиде ишларни кўриб чиқиш учун жалб этади;

раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судьяларини интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида иш қўзғатади;

судьялар, суднинг бошқа ходимлари ҳамда халқ маслаҳатчиларининг малакасини оширишга доир ишларни ташкил этади;

суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини юритиш ишларини уюштиради;

фуқароларни шахсан қабул қилади, уларни қабул қилиш, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини уюштиради;

судьяларнинг малака ҳайъати қарорлари устидан Олий малака ҳайъатига тақдимномалар киритади;

суд идораси ишларига раҳбарлик қилади, суд ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**33-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосарлари**

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосарлари:

вазифалар тақсимотига мувофиқ суд ишига раҳбарлик қиладилар;

судлов ҳайъати мажлисларида раислик қилишлари мумкин;

фуқароларни шахсан қабул қиладилар;

суд раиси йўқлигида унинг ваколатини амалга оширадилар;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

**34-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди судлов ҳайъати раислари**

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг судлов ҳайъати раислари:

судлов ҳайъати ишини ташкил қиладилар;

судлов ҳайъати мажлисларида раислик қиладилар;

судлов ҳайъати фаолияти тўғрисида раёсатга маърузалар тақдим этадилар;

қонун ҳужжатларида ўзларига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

### **3-БОБ.**

#### **ТУМАН (ШАҲАР) СУДИ**

**35-модда. Туман (шаҳар) судининг таркиби**

Туман (шаҳар) суди - суд раиси, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Туман (шаҳар) судида бештадан ортиқ судья бўлса, шу суд таркибида раис ўринбосари бўлади.

Туман (шаҳар) суди таркибида маъмурий ишлар бўйича судьялар бўлади.

**36-модда. Туман (шаҳар) судининг ваколатлари**

Туман (шаҳар) суди қонун билан ўз ҳуқуқ доирасига берилган фуқаролик жиноят ва маъмурий ишларни кўради.

**37-модда. Туман (шаҳар) суди раиси**

Туман (шаҳар) судининг раиси:

суд мажлисларида раислик қилади, судьялар ўртасида суд ишларини тақсимлайди;

фуқароларни шахсан қабул қилади, уларни қабул қилиш, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини уюштиради;

суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини юритиш ишига раҳбарлик қилади, қонун бузилишини, ҳуқуқбузарлик содир этилишига олиб келган сабаблар ва шарт-шароитларни батараф этиш хусусида давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларга тақдимнома киритади;

суд ходимлари, шунингдек халқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш ишларини ташкил этади;

суд аппарати ишига раҳбарлик қилади, суд ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

#### **38-модда. Туман (шаҳар) суди раисининг ўринбосари**

Туман (шаҳар) суди раисининг ўринбосари:

вазифалар тақсимотига мувофиқ суд ишига раҳбарлик қилади;

суд мажлисларида раислик қилади;

фуқароларни шахсан қабул қилади;

суд раисининг топшириғига мувофиқ раиснинг айрим вазифаларини бажаради ва раис йўқлигида унинг ваколатини амалга оширади.

Раис ўринбосари йўқлигида туман (шаҳар) суди раисининг ваколатини амалга ошириш Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, тегишли адлия бошқармаси бошлиқлари томонидан судьялардан бирига ёки маъмурий ишлар бўйича судья зиммасига юклатилиши мумкин.

### **4-БОБ.**

## **ҲАРБИЙ СУДЛАР**

#### **39-модда. Ҳарбий судлар тизими**

Ўзбекистон Республикасида ҳарбий судлар тизими - Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати, Қуроли Кучлар ҳарбий суди ва гарнизон ҳарбий судларидан иборат.

#### **40-модда. Ҳарбий судларга тааллуқли ишлар**

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судларига:

Қуроли Кучлар сафида, чегара қўшинларида, Миллий хавфсизлик хизмати органларида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинларида ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган бошқа

ҳарбий тузилмаларда хизмат қилаётган шахслар, шунингдек ўқув йиғинлари вақтида ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисмлари, қўшилмалари ва бирлашмаларининг қўмондонларига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг даъвоси бўйича фуқаролик ишлари ва мазкур мансабдор шахсларнинг гайриқонуний ҳаракатлари устидан бериладиган шикоятлар, шунингдек, фавқулодда ҳолатларга кўра умумий судлар фаолият кўрсатмаётган жойларда - барча фуқаролик ва жиноят ишлари, давлат сирларига дахлдор бошқа ишлар тааллуқлидир.

#### **41-модда. Ҳарбий судлар таркиби ва уларнинг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати - Ҳарбий ҳайъат раиси, раис ўринбосари ва судьяларидан таркиб топади. Ҳарбий ҳайъат раиси лавозими бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг ўринбосари ҳисобланади.

Қуролли Кучлар ҳарбий суди вилоят суди ҳуқуқ доирасида фаолият олиб боради ва раис, раис ўринбосарлари, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Гарнизон ҳарбий суди туман суди ҳуқуқ доирасида фаолият олиб боради ва раис, ҳарбий судьялар ҳамда халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади. Зарур ҳолларда гарнизон судида раис ўринбосари ҳам бўлиши мумкин.

Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Низом билан белгиланади.

## **УЧИНЧИ БЎЛИМ ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ**

### **1-БОБ**

#### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ**

#### **42-модда. Олий хўжалик судининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди хўжалик судлов соҳасида суд ҳокимиятининг энг юқори органи ҳисобланади. У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурий.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоятлар хўжалик

судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Олий хўжалик суди Пленумнинг дастурий кўрсатмалари хўжалик судлари томонидан бажарилишини назорат қилади, қуйи хўжалик судлари фаолиятини текширади, хўжалик судларининг ишларни ташкил этиш борасидаги ижобий тажрибани ўрганadi, умумлаштиради ва оммалаштиради.

**43-модда. Олий хўжалик судининг таркиби**

Олий хўжалик суди - Раис, унинг ўринбосарлари, судлов ҳайъатлари раислари, Олий хўжалик суди судьяларидан иборат бўлади.

Олий хўжалик судида:

Олий хўжалик судининг Пленуми;

Олий хўжалик судининг Раёсати;

Низоларни ҳал этиш бўйича судлов ҳайъати;

Хўжалик судлари қарорларининг қонунийлигини ва асослилигини текшириш бўйича судлов ҳайъати фаолият кўрсатади.

**44-модда. Олий хўжалик судининг Пленуми**

Олий хўжалик суди Пленуми - Олий хўжалик суди судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар хўжалик судлари раисларидан иборат таркибда иш олиб боради.

Пленум мажлисида Бош прокурор қатнашади. Олий хўжалик суди Раисининг таклифига биноан Пленум мажлисида Адлия вазири, судьялар, Олий хўжалик суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, вазирликлар, идоралар, илмий муассасалар, бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органлари, жамоат бирлашмаларининг вакиллари иштирок этишлари мумкин.

**45-модда. Олий хўжалик суди пленумини чақириш тартиби**

Олий хўжалик суди Пленуми бир йилда камида икки марта чақирилади. Муҳокама қилинадиган умумий масалаларга доир ҳужжатлар лойиҳаси Пленум аъзоларига ва Бош прокурорга Пленум мажлисидан йигирма кун илгари юборилади.

**46-модда. Олий хўжалик суди Пленумининг ваколатлари**

Олий хўжалик суди Пленуми:

ишларни назорат тартибида кўради;

суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари юзасидан кўрсатмалар беради;

Олий хўжалик суди Раисининг тавсиясига биноан Олий хўжалик суди Раёсатини, судлов ҳайъатларининг раисларини, шунингдек Пленум котибини тасдиқлайди;

Олий ҳўжалик суди Раисининг тавсиясига биноан Олий ҳўжалик суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши таркибини тасдиқлайди;

Раёсат иши тўғрисидаги ахборотни ва Олий ҳўжалик суди судлов ҳайъатлари раисларининг ҳайъатлар фаолияти ҳақидаги маърузаларини тинглайди;

қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти, шунингдек, Олий ҳўжалик суди Пленуми дастурий кўрсатмаларининг бажарилиши тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоятлар ҳўжалик судлари раисларининг маърузаларини тинглайди;

судьялар малака ҳайъатини сайлайди ва унинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тинглайди;

Олий ҳўжалик суди матбуот органининг таҳрир ҳайъати таркибини тасдиқлайди;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**47-модда. Олий ҳўжалик суди Пленумида суд ишларини кўриш тартиби**

Олий ҳўжалик суди Пленуми ишни назорат тартибида кўриш чоғида, Олий ҳўжалик суди судьясининг иш ҳолатлари ва протест важлари ҳақидаги маърузасини тинглайди. Сўнгра республика Бош прокурорининг хулосаси эшитилади. Шундан сўнг Пленум протестни муҳокама қилишга киришади.

Муҳокамадан сўнг протест овозга қўйилади. Пленум аъзолари овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмаслар.

Протест юзасидан қарор судьяларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Ишни илгари кўришда қатнашган судья овоз беришда иштирок этишга ҳақли эмас.

Кўпчилик овоз олмаган протест рад қилинган ҳисобланади. Шундан сўнг навбатига қараб бошқа таклифлар овозга қўйилади.

Қабул қилинган қарорга қарши Пленум аъзоси ўз мулоҳазаларини ёзма равишда билдириш ҳуқуқига эга бўлиб, бу фикр Пленум мажлиси ёзма баёнига қўшиб қўйилади.

**48-модда. Олий ҳўжалик суди Пленумининг қарори ва йиғилиши баёни**

Олий ҳўжалик суди Пленумининг муайян суд ишлари бўйича қарори қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради ва Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига кўзда тутилган тартибда ижро қилинади. Пленум йиғилишида ёзма баён юритилади. Пленум қарори ва баёни Олий ҳўжалик суди Раиси ва Пленум котиби томонидан имзоланади.

**49-модда. Олий хўжалик суди Пленумида муайян суд ишларини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлмаган масалаларнинг кўрилиши**

Пленумнинг муҳокамасига ушбу Қонунга мувофиқ Олий хўжалик суд Раиси, Бош прокурор ёки Адлия вазири томонидан киритилган, муайян суд ишларини ҳал этиш билан боғлиқ бўлмаган масалалар тегишли равишда уларнинг маърузалари бўйича ёки улар ваколат берган шахсларнинг маърузалари бўйича тингланади.

Мазкур масалаларни муҳокама қилишда Олий хўжалик суди Пленуми йиғилишига таклиф қилинган шахслар ҳам қатнашишлари мумкин.

Пленум қарори йиғилишда иштирок этаётган Пленум аъзоларининг кўпчилиги томонидан очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади ва қабул қилинган пайтдан кучга киради.

Пленумнинг қонунларни қўллаш масалалари бўйича дастурий кўрсатмалари хўжалик судлари, ташкилотлар, ушбу кўрсатмалар берилган қонунларни қўллаётган бошқа органлар ва мансабдор шахслар учун мажбурий.

**50-модда. Олий хўжалик суди Пленуми котиби**

Олий хўжалик суди Пленумининг котиби судьялик вазифасини бажариш билан бирга Пленум йиғилишини тайёрлашга, мажлис баёни юритишга доир ишларни ташкилий жиҳатдан таъминлайди, Пленум қабул қилган қарорларнинг ижроси учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширади.

**51-модда. Олий хўжалик суди Раёсатининг таркиби**

Олий хўжалик суди Раёсати Олий хўжалик суди судьяларидан Олий хўжалик суди Пленуми белгиллаган миқдорда тузилади.

Олий хўжалик суди Раиси ва унинг ўринбосарлари Раёсат таркибига лавозимлари бўйича кирадилар.

Раёсатнинг йиғилиши ойида камида бир марта ўтказилади ва Раёсат аъзоларининг кўпчилиги иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

**52-модда. Олий хўжалик суди Раёсатининг ваколатлари**

Олий хўжалик суди Раёсати:  
ишларни назорат тартибида кўради;

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоятлар хўжалик судлари раисларининг хўжалик судлари ишларини ташкил қилиш ҳақидаги маърузаларини эшитилади;

хўжалик судлари, Олий хўжалик суди судлов ҳайъатлари ва аппарати ишини ташкил қилишга оид масалаларни кўради;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.



### **53-модда. Олий ҳўжалик судининг судлов ҳайъатлари**

Олий ҳўжалик судининг судлов ҳайъатлари ишларни биринчи инстанцияда ва қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириш тартибида Ҳўжалик процессуал кодекси ва ушбу Қонунда назарда тутилган қоидаларга биноан кўради.

### **54-модда. Олий ҳўжалик суди Раиси**

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раиси:

Олий ҳўжалик суди фаолиятига ташкилий раҳбарлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан протестлар киритади; ишларни назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади; қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорларининг ижросини тўхтатиб туради;

суд амалиётини умумлаштириш, шунингдек Олий ҳўжалик суди Пленуми дастурий кўрсатмаларининг бажарилиши юзасидан назоратни амалга ошириш ишларини ташкил қилади;

ишларни республиканинг бир ҳўжалик судидан иккинчи ҳўжалик судига олиб бериш масаласини ҳал қилади;

Олий ҳўжалик суди Пленуми ва Раёсатини чақиради, уларнинг мажлисида раислик қилади;

зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибида иш кўришга жалб этади;

Олий ҳўжалик суди Пленумининг дастурий кўрсатмалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ эмаслиги ҳақида Олий ҳўжалик суди Пленумига тақдимнома киритади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини шарҳлаб бериш ва норматив ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мос келмаслиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига тақдимнома киритади;

Олий ҳўжалик суди Пленумига судлов ҳайъатларининг таркиби, уларнинг раислари ҳақида, Олий ҳўжалик суди Раёсати ҳамда Судьяларнинг малака ҳайъати таркиби тўғрисида тақдимнома киритади;

ҳўжалик судлари судьялигига номзодлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади;

Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик судлари судьяларини интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида иш қўзғатади;

Раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Олий ҳўжалик суди ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

фуқароларни ва корхона, муассаса, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**55-модда. Олий хўжалик суди Раисининг ўринбосарлари**

Олий хўжалик суди Раисининг ўринбосарлари:

Олий хўжалик судининг, хўжалик судларининг хўжалик низоларни ҳал этиш бўйича судлов ҳайъатлари чиқарган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритадилар;

Олий хўжалик суди судлов ҳайъатларининг мажлисларида раислик қилишлари мумкин;

ишларни назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади;

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари томонидан чиқарилган, ўзлари протест киритиш ҳуқуқига эга бўлган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг ижросини тўхтатиб турадилар;

фуқароларни ва корхона, муассаса, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қиладилар;

вазифа тақсимотига мувофиқ Олий хўжалик судининг таркибий бўлинмалари ишига раҳбарлик қиладилар;

қонун ҳужжатларида ўзларига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

Олий хўжалик суди Раисининг йўқлигида унинг ваколатини Раис ўринбосари амалга оширади.

**56-модда. Олий хўжалик суди судлов ҳайъатлари раислари**

Олий хўжалик суди судлов ҳайъатларининг раислари:

судлов ҳайъатлари ишини ташкил этадилар ва уларнинг мажлисларида раислик қиладилар;

Олий хўжалик суди Раёсати ва Пленумига судлов ҳайъатларининг фаолияти тўғрисида маърузалар тақдим этадилар;

суд амалиётини умумлаштириш учун суд ишларини талаб қилиб олади;

судьяларнинг малакасини ошириш бўйича ишларни ташкил этадилар;

қонун ҳужжатларида ўзларига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

**2-БОБ.**  
**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХЎЖАЛИК СУДИ,  
ВИЛОЯТЛАР ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ**

**57-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят хўжалик суди таркиби**

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят хўжалик суди - раис, раис ўринбосарлари, судьялардан иборат.

Зарур ҳолларда судлов ҳайъатлари тузилиши мумкин.

Олий хўжалик суди Раисининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шаҳар хўжалик судлари ташкил этилиши мумкин.

**58-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят хўжалик суди ваколатлари**

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят хўжалик суди:

ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанцияда ва назорат тартибида кўради;

суд амалиётини умумлаштиради;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**59-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг, вилоят хўжалик судининг раиси**

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг, вилоят хўжалик судининг раиси:

суд фаолиятига раҳбарлик қилади;

суд ишлари бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар устидан қонунда белгиланган доирада ва тартибда протестлар киритади;

судлов ҳайъатлари мажлисларида раислик қилиши мумкин;

зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибида иш кўришга жалб этади;

судлов ҳайъатлари бўлмаган хўжалик судларида қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини текширади;

раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

судьялар ўртасида ишларни тақсимлайди;

судьялар ва суднинг бошқа ходимлари малакасини оширишга доир ишларни ташкил этади;

суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини юритиш ишларини уюштиради;

фуқароларни ва корхона, муассаса, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади;

хўжалик судининг ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;  
қонун хўжжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**60-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят хўжалик суди раисининг ўринбосари**

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят хўжалик суди раисининг ўринбосари:

тақсимотга мувофиқ суд ишига раҳбарлик қилади;

судлов ҳайъати мажлисларида раислик қилиши мумкин;

фуқароларни ва корхона, муассаса, ташкилотларнинг вакиллариини шахсан қабул қилади;

судлов ҳайъатлари бўлмаган хўжалик судларида қарорларнинг қонунийлиги ва асослигини текширади;

суд раиси йўқлигида унинг ваколатини амалга оширади;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**ТҲРТИНЧИ БЎЛИМ  
СУДЬЯЛАР МАҚОМИ**

**1-БОБ**

**СУДЬЯЛАР, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ**

**61-модда. Судьялар мақомининг бирлиги**

Ўзбекистон Республикасида барча судьялар бир хил мақомга эгадирлар ва фақат ваколатлари ҳамда ҳуқуқ доираси бўйича ўзаро фарқланадилар.

**62-модда. Судьяликка номзод ва халқ маслаҳатчлигига номзодга кўйиладиган талаблар**

Ўзбекистон Республикасининг 25 ёшга тўлган, олий юридик маълумотли, ҳуқуқ ихтисоси бўйича камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган, малака имтиҳонини топширган фуқароси туман (шаҳар) суди, хўжалик суди судьяси этиб тайинланиши мумкин.

Олий юридик маълумотли, ҳуқуқ ихтисоси бўйича камида беш йиллик, жумладан, одатда судьялик лавозимида камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди, Қуролли Кучлар ҳарбий суди судьяси этиб тайинланиши мумкин.

Олий юридик маълумотли, ҳуқуқ ихтисоси бўйича камида етти йиллик, жумладан, одатда судьялик лавозимида камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди судьяси этиб сайланиши мумкин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, офицерлик таркибидаги ҳарбий унвонга эга, ушбу модда талабларига жавоб берувчи Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳарбий суд судьяси этиб тайинланиши мумкин.

Ҳарбий судлар судьяларига. Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонуни, ҳарбий низоми, ҳарбий хизматчилар учун белгиланган ва мазкур қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя чоралари тадбиқ қилинади.

Фуқароларнинг яшаш ёки иш жойларидаги йиғилишларда очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикасининг 25 ёшга тўлган фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, сайлов кунига 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳарбий суд халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин. Халқ маслаҳатчилари ҳарбий қисм хизматчиларининг йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан бир ярим йил муддатга сайланадилар.

Ҳар бир суд учун халқ маслаҳатчилари сони Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Халқ маслаҳатчилари судларга ўз вазифаларини бажариш учун йилига кўпи билан икки ҳафтага навбатма-навбат чақирилади, уларнинг иштирокида бошланган судлов ишини кўриб чиқишни тугаллаш зарурати туғилганида бу муддатни узайтириш ҳоллари, бундан мустаснодир. Шу даврда уларнинг иш жойидаги ўртача иш ҳақи корхона, ташкилот, муассасасининг мулкчилик шаклидан қатъи назар, сақлаб қолинади.

### **63-модда. Судьяларни сайлаш ва тайинлаш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимида биноан Олий Мажлис томонидан сайланади.

Қорақалпоғистон Республикаси судьялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеши томонидан сайланадилар ёки тайинланадилар.

Вилоят судлари. Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар) судлари судьялари - Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг ҳулосасига асосланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг тақдимномасига биноан, ҳўжалик судлари судьялари эса - Олий

хўжалик суди Раисининг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинландилар.

Куроли Кучлар ҳарбий суди ва гарнизон ҳарбий судларининг судьялари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг хулосасига асосланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинландилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьяларининг сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Олий Мажлис томонидан белгиланади.

Вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар), ҳарбий, хўжалик судлари судьяларининг сони тегишлича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг, Олий суди Раиси, Олий хўжалик суди Раиси тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

#### **64-модда. Судьялар қасамёди**

Илк бор судьялик лавозимига тайинланган (сайланган) шахс қуйидаги мазмунда қасамёд қилади:

“Зиммамга юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, судьялик бурчим ва виждоним буюрганидек беғараз, одил, ҳаққоний бўлишга тантанали қасамёд қиламан”.

Судьялар қасамёди тантанали вазиятда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, Қорақалпоғистон Республикасида эса, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи олдида қилинади.

Судьялар қуйидаги тартибда қасамёд қиладилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ва ҳарбий судлар судьялари - Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисида:

хўжалик судлари судьялари - Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми мажлисида;

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, туман (шаҳар) судлари судьялари - Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди Раёсати мажлисида.

#### **65-модда. Судьяларнинг ҳуқуқлари**

Судьялар:

одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ўз фармойишларининг бажарилишини мансабдор шахслар ва фуқаролардан талаб қилишга;

давлат идоралари ва жамоат бирлашмалари, илмий муассасалар ва ахборот марказларидан маълумотлар талаб қилиб олишга ҳақли.

Давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар судьянинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган талаб ва фармойишларини сўзсиз бажаришлари шарт. Одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари судьянинг сўровига мувофиқ бепул берилади. Судьянинг талаб ва фармойишларини бажармаслик Қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

#### **66-модда. Судьяларнинг бурчлари**

Судьялар фуқаролик, жиноий, хўжалик ва маъмурий ишларни кўриш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларига сўзсиз риоя қилишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати ва мулклари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашлари, беғараз ва одил бўлишлари шарт.

Судьялар ўз вазифаларини бажариш чоғида, шунингдек хизматдан ташқари муносабатларда одил судловнинг обрўсини тўқадиган, судьялик қадр-қимматига ёки унинг ҳолислигига шубҳа туғдирадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатдан ўзларини тийишлари керак.

Судьялар ўзаро маслаҳат сирини ҳамда ёпиқ суд мажлислари ўтказиш вақтида олинган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмаслар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди судьялари Олий Мажлис депутати бўлолмайдилар.

Судьялар сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ҳамда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

## **2-БОБ СУДЬЯЛАР МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ АСОСИЙ КАФОЛАТЛАРИ**

#### **67-модда. Судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш**

Судьяларнинг мустақиллиги:

уларни қонун билан белгиланган тартибда сайлаш, тайинлаш ва озод қилиш;

судьялар дахлсизлиги;

одил судлов қатъий тартибда амалга оширилиши;

қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши;

судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашиб, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик;

судьяга унинг олий мақомига муносиб равишда давлат ҳисобидан моддий ва ижтимоий таъминот белгилаш орқали таъминланади.

**68-модда. Судьяга нисбатан қилинган ҳурматсизлик учун жавобгарлик**

Давлат идоралари ва бошқа ташкилотлар, муассасалар, мансабдор шахслар, фуқаролар судьялар мустақиллигини ҳурмат қилишлари ва шунга риоя этишлари шарт.

Судьяга ҳурматсизлик билдириш, шунингдек уни очиқдан-очиқ менсимасликдан далолат берувчи ҳаракатлар қилиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига биноан жавобгарликка сабаб бўлади.

**69-модда. Суд ишларини ҳал қилишда аралашувга йўл қўйилмаслиги**

Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашиб, йўл қўйилмайди.

Муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона кўришга тўққунлик қилиш ёки ғайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай тарзда бўлмасин таъсир ўтказиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьядан кўрилган ёки судловида бўлган ишлар моҳияти бўйича тушунтиришлар беришни, шунингдек қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, кимга бўлмасин, ишни танишиб чиқиш учун тақдим этишни талаб этиш тақиқланади.

Оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан башорат қилишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга ҳақли эмас.

**70-модда. Судьялар дахлсизлиги**

Судьяларнинг, шахси дахлсиз. Судья дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорт ва алоқа воситаларига, унинг хат-хабарларига, унга тегишли мулклар ва ҳужжатларга ҳам тааллуқлидир.

Судьяларнинг шахсий ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларга тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси, Олий ҳўжалик суди Раиси, Адлия вазири томонидан белгиланган рўйхатга биноан ўқотар қурол берилади. Зарур ҳолларда эса, тегишли суд раисининг қарорига биноан ички ишлар органи унга ва унинг оиласи учун қуролли соқчилар ажратади.



Судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Судья, тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг розилигисиз жиний жавобгарликка тортилиши, ҳибса олиниши мумкин эмас.

Судьяни тегишли малака ҳайъатининг розилиги бўлган тақдирдагина маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортишга йўл қўйилади.

Судьянинг турар жойига ёки хизмат хонасига, унинг шахсий ёки фойдаланадиган транспортга кириш, уларни кўздан кечириш тинтув ўтказиш ёки ашёни олиш, телефонда сўзлашувини эшитиш, судьяни кўздан кечириш ва уни шахсий тинтув қилиш, шунингдек, унга тегишли мулклари ва ҳужжатларини, унинг хат-хабарларини кўздан кечириш ёки олишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорининг, Қуролли Кучлар ҳарбий прокурорининг рухсатига ёки суднинг қарорига асосан йўл қўйилади.

Туман (шаҳар) суди, гарнизон ҳарбий суди судьясига нисбатан жиноят иши - юқори турувчи суд судловига, бошқа судлар судьяларига нисбатан эса - Ўзбекистон Республикаси Олий суди судловига тегишли.

Халқ маслаҳатчилари судда ўз вазифаларини бажарётган даврда судьялар дахлсизлигининг барча кафолатларидан фойдаланадилар.

#### **71-модда. Судьянинг ваколатларини тўхтатиш**

Судья жиний жавобгарликка тортилган тақдирда унинг ваколоти тўхтатилади.

Судьянинг ваколоти Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси ва Адлия вазирининг биргаликдаги тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари ва ҳарбий судлар судьяларининг ваколоти - Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг, ҳўжалик судлари судьяларининг ваколоти эса - Олий ҳўжалик суди Раисининг тақдимномасига биноан қўйидаги ҳолларда судьяларнинг тегишли малака ҳайъати қарорига асосан тўхтатилади, агар:

судья лавозимига зид фаолият билан шуғулланаётган бўлса;

судья тиббий тартибдаги мажбурий даволаш чораларига тортилган ёки қонуний кучга кирган суд қарори ёки ажрими билан унинг муомала лаёқати чекланса;

судья қонуний кучга кирган суд қарори билан бедарак йўқолган деб топилса.

Судьянинг ваколати уни тўхтатишга сабаб бўлган асос тугагунга қадар тўхтатилади.

Судья малака ҳайъатининг қарори устидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

Судьялик ваколатининг тўхтатилиши унга иш ҳақи тўламай қўйишга ёки унинг миқдорини камайтиришга, таъминотини пасайтиришга ва судьяни ушбу қонунда белгиланган шахсий дахлсизлик кафолатларидан маҳрум қилишга сабаб бўлмайди, эҳтиёт чораси сифатида судья ҳибсга олинган ҳоллар бундан мустасно.

#### **72-модда. Судья ваколатининг тугатилиши**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди судьясини ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Олий Мажлис томонидан; вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар судьясининг ваколатлари - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг ҳулосасига асосланган тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан; ҳўжалик судлари судьясининг ваколатлари - Олий ҳўжалик суди Раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан; Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси Раисининг белгиланган тартибдаги тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси томонидан куйидаги ҳолларда тугатилади:

- а) судьялик қасамёдини бузганда;
- б) унинг ёзма аризасига кўра;
- в) тегишли судьялар малака ҳайъати томонидан қилинган огоҳ-лантириш ёки ваколатининг тўхтатилишига қарамасдан ўз лавозимига зид фаолият билан шуғулланишни давом эттирган тақдирда;
- г) суднинг қонуний кучга кирган қарорига асосан муомалага лаёқатсиз деб топилса;
- д) судья Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;
- е) унга нисбатан суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми мавжуд бўлса;
- ж) суднинг қонуний кучга кирган қарорига кўра ўлган деб эълон қилинган тақдирда;
- з) саломатлиги ёки бошқа узрли сабабларга кўра узоқ вақт давомида судьялик вазифасини бажаролмай қолган бўлса;
- и) вафот этиши муносабати билан.

Судьянинг ваколати ушбу модданинг “а”, “в”, “з” бандларида кўзда тутилган ҳолларда тегишли судьялар малака ҳайъатининг қарори асосида тугатилиши мумкин.

Судья малака ҳайъатининг қарори устидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

Халқ маслаҳатчиларининг ваколати шу моддада кўрсатилган асослар бўйича тугатилади, “а” бандида назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

#### **73-модда. Судьяларнинг интизомий жавобгарлиги**

Судья фақат судьялар малака ҳайъатининг қарорига асосан қуйидаги ҳолларда интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин:

одил судловни амалга ошириш чоғида қонунларни бузганлиги учун;

суд ишини ташкил этишда бепарволиги ёки интизомсизлиги оқибатида йўл қўйган камчиликлари, хизмат соҳасида ёки бошқа обрўсини тўкадиган хатти-ҳаракати учун.

Ҳарбий суднинг судьяси, шунингдек ҳарбий интизомни бузганлиги учун ҳам интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Суд қарорининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишининг ўзи, шу қарорни чиқаришда қатнашган судья қонунни била туриб бузмаган ёки жиддий оқибатларга олиб келган диёнатсизликка йўл қўймаган бўлса, унинг интизомий жавобгар бўлишига сабаб бўлмайди.

Судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Низом билан белгиланади.

#### **74-модда. Судьялар малака ҳайъати**

Судьялар Олий малака ҳайъати ва судьялар малака ҳайъати:

судьялик лавозимига номзодларни танлаш;

судьянинг интизомий жавобгарлиги;

судьянинг ваколатини тўхтатиб туриш ёки тугатиш;

судьянинг дахлсизлигини таъминлаш;

судьяни малака имтиҳонидан ўтказиш ва унга малака даражаси бериш масалаларини кўриш учун тузилади.

Судьялар Олий малака ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан, Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати эса - Олий хўжалик суди Пленуми томонидан беш йил муддатга сайланадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар судьяларининг малака ҳайъатлари тегишли жойлардаги судьялар

йиғилишида, ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъатлари эса - ҳарбий судлар судьялари йиғилишида шу муддатга сайланадилар.

Судьялар малака ҳайъатини ташкил этиш ва унинг фаолият тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Низом билан белгиланади.

### **3-БОБ СУДЬЯЛАРНИ МОДДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ТАЪМИНЛАШ**

#### **75-модда. Судьяларнинг моддий таъминоти**

Судьяларнинг иш ҳақи уларнинг лавозими бўйича белгиланган маошдан, шунингдек малака даражаси, хизмат муддати учун тўланадиган қўшимча ҳақлардан иборат бўлиб, унинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Судьяларга ҳар йили 36 иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган меҳнат таътили берилади.

Судья сайланган (тайинланган) кундан бошлаб олти ой ичида уй-жой ҳамда шахсий телефон билан таъминланади.

#### **76-модда. Судьяларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш чоралари**

Судьяларнинг ҳаёти ва соғлиги давлатнинг махсус муҳофазасида бўлади ҳамда республика бюджетидан давлат томонидан мажбурий тартибда суғурта қилинади.

Қуйидаги ҳолларда давлат суғурта органлари суғурта суммаларини тўлайди:

судья ўз вазифасини бажариш даврида ёки лавозимидан бўшаганидан сўнг ҳалок бўлса (вафот этса), башарти бу воқеа судья ўз хизмат вазифасини адо этиш пайтида олган тан жароҳати ёки соғлигининг бошқача шикастланиши оқибатида рўй берса, унинг ворисларига судьянинг 50 ойлик иш ҳақи миқдориди;

судья хизмат вазифасини бажариш пайтида келажакда ўз касбида ишлаш имкониятидан маҳрум қиладиган даражада майиб бўлиб қолса ёки саломатлигига бошқача шикаст етказилганида - судьянинг 25 ойлик иш ҳақи миқдориди;

судья хизмат вазифасини бажариш пайтида келажакда ўз касбида ишлаш имкониятидан маҳрум этмайдиган ва узоқ муддатга меҳнат фаолиятини тўхтатишга олиб келмайдиган тан жароҳати ёки саломатлигига бошқа шикаст етказилганида - судьянинг 5 ойлик иш ҳақи миқдориди;

судья хизмат вазифасини бажариш пайтида келажакда ўз касбида ишлаш имкониятидан маҳрум қиладиган даражада майиб бўлиб қолганида ёки саломатлигига бошқача шикаст етказилганида,

давлат суғурта тўловларини ҳисобга олмаган ҳолда, унга ойлик иш ҳақи билан тайин этилган нафақа ўртасидаги фарқ ҳар ойда тўланади;

судья ўз хизмат вазифасини адо этиш пайтида олган тан жароҳати ёки соғлиғига бошқача шикаст етказилиши оқибатида ҳалок бўлса (вафот этса), унинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига судья иш ҳақининг уларнинг ҳиссасига тўғри келадиган қисми билан боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан тайинланган пенсия ўртасидаги фарқ ҳар ойда, давлат суғурта тўловларини ҳисобга олмаган ҳолда тўланади.

Судьянинг хизмат вазифасини бажариши билан боғлиқ равишда унга тегишли мулкни йўқ қилиш ёки шикастлаш оқибатида етказилган зарар судьяга ёки унинг оила аъзоларига тўлалигича қопланади.

Мазкур моддада кўрсатилган зарар бўйича тўловлар Ўзбекистон Республикаси бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ва қонунда кўзда тутилган тартибда айбдор шахслардан ундириб олинади.

## **БЕШИНЧИ БЎЛИМ ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

### **77-модда. Суд ижрочиси**

Суд қарорларини мажбурий ижро этиш учун судларда суд ижрочилари бўлади. Судда икки ва ундан кўпроқ суд ижрочиси бўлганда улардан бири катта ижрочи ҳисобланади.

Суд ижрочисининг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, суд қарори бўйича ижро ҳаракатлари ўтказиш вақтида, зарур ҳолларда, унга белгиланган тартибда қурол ёки тегишли суд раисининг қарорига биноан ички ишлар органи томонидан соқчилар ажратилади.

Суд қарорини ижро этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **78-модда. Суд аппарати**

Суд аппарати унинг одил судловни амалга ошириш, суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил қилиш, шунингдек суднинг бошқа вазифаларини бажаришга доир ишларини таъминлайди. Шу мақсадда Олий судда, Олий хўжалик судида бошқармалар, бўлимлар ва бошқа бўлинмалар ташкил этилади.

Бошқармалар, бўлимлар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, ёрдамчилар, судларнинг бош ва катта консультантлари, консультантлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси, Олий хўжалик суди Раиси, Адлия вазири белгиланган тартибда малака синовидан ўтадилар.

Мансаб даражасини белгилаш ва бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Низом билан белгиланади.

**79-модда. Судларнинг тузилиши ва штатлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, ҳарбий судлар, хўжалик судларининг тузилиши ва умумий сони тегишлича Олий суд Раиси, Олий хўжалик суди Раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят ва Тошкент шаҳар судининг, туман (шаҳар) судининг тузилиши ва умумий сони Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Судларнинг штатлар жадвали тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси, Олий хўжалик суди Раиси ва Адлия вазир томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси, Олий хўжалик суди Раиси, Адлия вазир, зарур ҳолларда судларнинг штатлар жадвалига уларнинг умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритади.

**80-модда. Судларнинг молиявий ва моддий-техника таъминоти**

Ҳар бир суд алоҳида бино ва автотранспорт билан таъминланади.

Судларни молиявий, моддий-техникавий ва ўзгача таъминоти, уларнинг биноларини қўриқлаш ва сақлаш республика бюджетидан ажратиладиган маблағ ҳисобидан амалга оширилади. Маблағнинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ажратилган маблағни тақсимлашни:

туман (шаҳар), вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди учун - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

ҳарбий судлар учун - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар хўжалик судлари учун - тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Олий хўжалик суди амалга оширади.

**81-модда. Олий суд ва Олий хўжалик судининг матбуот органи**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди ўз матбуот органига эга.

**82-модда. Олий суд ва Олий ҳўжалик суди ҳузурдаги  
илмий-маслаҳат кенгаши**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди ҳузурда маслаҳат овозига эга бўлган, жамоатчилик асосида ишлайдиган илмий маслаҳат кенгаши ташкил этилади. Унинг вазифасига суд амалиётида келиб чиқадиган қонунларни қўллашга доир масалалар бўйича илмий асосланган тавсиялар бериш киради.

**83-модда. Судлар муҳри**

Судлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири ва ўзининг номи ифодаланган муҳрига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Ҳўжалик суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, Қуролли Кучлар ҳарбий суди, вилоят ҳўжалик судлари юридик шахс ҳисобланадилар.

**84-модда. Суд ҳокимиятининг рамзлари**

Суд биноси устида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, суд мажлиси залларида эса Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири ўрнатилади.

Судьялар судлов ишини маҳсус кийимда олиб борадилар. Бу кийимнинг тавсифи ва намунаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Судьяларга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан гувоҳнома берилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Тошкент шаҳри, 1993 йил 2 сентябрь,  
№ 924-ХП.**

**И. КАРИМОВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни эълон қилинган кундан амалга киритилсин.

Белгилаб қўйилсинки, 62-модданинг қоидалари Қонун амалга киритилганидан кейин сайланадиган ва тайинланадиган судьяларга нисбатан қўлланилади.

2. “Судлар тўғрисида”ги Қонун амалга киритилган вақтдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий суди халқ маслаҳатчиларининг ваколати тугатилади. Халқ маслаҳатчиларининг ваколат муддатлари улар суд ишларини кўриб турган вақтда тугайдиган бўлса, уларнинг ваколатлари шу ишнинг муҳокамаси тугагунга қадар сақланади.

“Судлар тўғрисида”ги Қонун амалга киритилгунга қадар сайланган бошқа судларнинг халқ маслаҳатчилари ўз ваколатларини улар сайланган муддат тугагунча сақлаб қоладилар.

3. Ўзбекистон Республикаси қонунлари “Судлар тўғрисида”ги Қонунга мувофиқлаштирилгунга қадар амалдаги қонун ҳужжатларининг мазкур Қонунга зид бўлмаган қисми қўлланилаверади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига судларни хизмат бинолари, автотранспорт, ташкилий техника, алоқа воситалари билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш ва “Судлар тўғрисида”ги Қонунда кўзда тутилган моддий-техника таъминотиغا оид бошқа чораларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, вилоят судларининг алоҳида режимдаги объектларда амал қилувчи доимий сессиялари тугатилсин.

6. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида суд тузилиши тўғрисида”ги 1981 йил 27 ноябрдаги Қонун (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1981 йил, № 33, 642-модда);

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик суди ва хўжалик низоларини ҳал қилиш тартиби тўғрисида”ги 1991 йил 20 ноябрдаги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 2, 86-модда);



Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг “Ўзбекистон Республикаси судларининг конференцияларини чақириш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 1989 йил 30 ноябрдаги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Вedomостлари, 1989 йил, № 31-33, 526-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг “Ўзбекистон Республикаси судлари судьялари ва халқ маслаҳатчиларининг қасамёди тўғрисида”ги 1989 йил 21 декабрдаги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Вedomостлари, 1989 йил, № 35-36, 605-модда).

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгашининг Раиси

**Ш. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент шаҳри, 1993 йил 2 сентябрь,  
№ 925-ХII.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

## Прокуратура тўғрисида\*

### I. Умумий қондалар

#### **1-модда. Ўзбекистон Республикасида қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсинувчи прокурорлар барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат назорати идоралари, ҳокимлар, шунингдек кимга бўйсинишидан, кимнинг тасарруфида бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, фуқаролар қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этишлари устидан назоратни амалга оширадилар.

#### **2-модда. Қонунлар ижроси устидан амалга ошириладиган прокурорлик назоратининг мақсад ва вазифалари**

Прокуратура идораларининг фаолияти қонуннинг устунлигини ҳар томонлама қарор топтиришга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан мустаҳкамланган инсон ва фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, шунингдек давлат мустақиллигини, ижтимоий-давлат тузумини, сиёсий ва иқтисодий тизимларни, миллий гуруҳлар ва худудий тузилмаларнинг ҳуқуқларини гайриқонуний тажовузлардан муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилгандир.

#### **3-модда. Прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсинувчи прокурорлар ўз фаолиятини қуйидаги йўналишларда амалга оширадилар:

инсон ва фуқароларни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат олиб бориш;

ушбу қонуннинг биринчи моддасида қайд этилган барча идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунларнинг ижро этилишини назорат қилиш (умумий назорат);

---

\* Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгагининг Ахборотномаси, Тошкент, 1993 йил январь, №1, 95-119-бетлар.

жиноятчиликка қарши курашувчи идораларнинг қонунларни ижро этишларини назорат қилиш ва уларнинг қонунларни қўллашга доир фаолиятини мувофиқлаштириш;

судларда жинойий ишлар кўриб чиқишида давлат айбловини қўллаб-қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини қараб чиқишда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

ушланганларни сақлаш, дастлабки қамоқ, суд тайинлаган жазо ва мажбурий характердаги бошқа чораларни ўташ жойларида қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш;

Қуролли Кучларда қонунларга риоя этилишини назорат қилиш; жиноятлар юзасидан тергов олиб бориш, жиноят содир этган шахсларни жинойий жавобгарликка тортиш;

қонунчиликни такомиллаштириш ва қонунларни тарғиб қилишда қатнашиш.

**4-модда. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси фаолиятининг ҳуқуқий асослари**

Ўзбекистон Республикаси прокуратура идоралари фаолиятини ташкил этиш ва бу фаолият тартиби ҳамда прокурорларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Прокуратура зиммасига ушбу Қонунда назарда тутилмаган вазифаларни юклаш мумкин эмас.

**5-модда. Прокуратура фаолиятини ташкил этиш принциплари**

**Ўзбекистон Республикаси прокуратура идоралари:**

қўйи поғонадаги прокурорлар юқори поғонадаги прокурорларга бўйсиниш тартибида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бошчилигидаги ягона марказлашган тизимни ташкил этадилар;

назоратни ва ўз ваколатларини Давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув маҳаллий идораларидан, мансабдор шахслардан, жамоат бирлашмаларидан мустақил равишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилиб турган қонунларга, халқаро ва давлатлараро шартномаларга (битимларга) қатъий риоя этиб, фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсинган ҳолда амалга оширадилар;

қонунийлик ҳамда жиноятчиликнинг аҳволи, асосий йўналишлари тўғрисида, бошқарув идоралари томонидан, қонунларга риоя этилишини таъминлаш, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасидаги вазифалар қандай бажарилаётганлигидан тегишли бўлишига қараб, Ўзбекистон Республикаси Президентини, Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлисини, Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий идораларини, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматларини, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини, ҳокимларини хабардор этадилар;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги, шунингдек давлат сири ҳамда қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа сирни сақлаш ҳақидаги қонун талабларига зид келмайдиган даражада ошкора иш кўрадилар.

**6-модда. Ўз ваколатларини амалга оширишда прокуратуранинг мустақил бўла олиш кафолатлари**

Прокуратура фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси назоратида бўлади ва прокуратуранинг қонунлар ижро этилишини назорат қилиш, аризалар ва хабарларни текшириш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш борасидаги фаолиятига давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа идоралари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг ҳамда улар вакилларининг, шунингдек мансабдор шахсларнинг аралашishi тақиқланади.

Прокуратура идоралари партиядан ҳоли қилинган ва уларда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг ташкилий тузилмаларини тузишга йўл қўйилмайди.

Прокурорнинг гайриқонуний қарор қабул қилишига эришиш ёки ўз фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бирон-бир таъсир кўрсатганлик, унинг даҳлсизлигига тажовуз қилганлик, шунингдек прокурор ва терговчининг руҳсатсиз текширишларга ва дастлабки терговга доир маълумотларни ошкор этганлик қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

**7-модда. Прокурор талабларини бажаришнинг мажбурийлиги**

Прокурорнинг ўзи аниқлаган қонунбузарлик ҳолларини, қонун бузишларнинг сабабларини ва унга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш, ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, ревизия ва текшириш ўтказиш, мутахассис ажратиш тўғрисидаги, прокуратурага келиш ва қонун бузилганлиги хусусида тушунтириш бериш ҳақидаги талабларини бажариш шундай талаб юборилган барча идоралар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Прокурорнинг талаблари ва қарорлари устидан шикоят қилиниши ана шу талаблар ва қарорларнинг ижросини тўхтатиб қололмайди.

**8-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг мажлисларида прокурорнинг иштирок этиши**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси барча давлат ҳокимиятини ва бошқаруви идораларининг мажлисларида белгиланган тартибда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманларнинг прокурорлари, уларга тенглаштирилган прокурорлар белгиланган тартибда тегишли ва қуйи даражадаги ҳокимият ва бошқарув идораларининг мажлисларида иштирок этишга ҳақлидирлар.

**9-модда. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгадир.

**10-модда. Аризалар ва шикоятларни қараб чиқиш**

Прокуратура идоралари фуқароларнинг ариза ва шикоятларини, давлат, жамоат ҳамда бошқа ташкилотларнинг муружаатларини қараб чиқадилар ва башарти, ҳал этишнинг бошқа тартиби белгиланмаган бўлса, фуқаролар ҳамда ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўрадилар.

Прокурорлар фуқароларни шахсан қабул қиладилар.

Прокурор ўзига тушган таклиф, ариза ва шикоятларни текшириш вазифасини зарур ҳолларда тегишли давлат бошқаруви ва назорати идораларига, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига топшириш ҳамда улардан текширишга тааллуқли барча материаллар билан бирга текшириш натижаларига доир ёзма ахборот беришларини талаб этиш ҳуқуқига эгадир.

Прокурорнинг шикоят ва ариза бўйича қабул қилган қарори устидан юқори поғонадаги прокурорга шикоят қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори шикоят юзасидан қарор қабул қилганидан кейин прокуратура идораларида ана шундай шикоятларга доир ишлар ётқизилади, янги маълум бўлган ҳолатларга доир шикоятлар бундан мустаснодир.

**II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРА ИДОРАЛАРИНИНГ ТИЗИМИ ВА УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

**11-модда. Ўзбекистон Республикаси прокуратура идораларининг тизими**

Ўзбекистон Республикаси прокуратура идораларининг тизими Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Қорақалпоғистон

Республикаси прокуратураси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар, туманлараро ва бошқа ҳудудий прокуратуралардан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура идораларининг тизимиغا, шунингдек транспорт, ҳарбий, табиат муҳофазаси прокуратуралари ва бошқа ихтисослаштирилган прокуратуралар ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан вилоятлар ва туманлар прокуратураларига тенглаштирилган бошқа прокуратуралар, туман прокурорларига эга бўлган шаҳарларда эса туман прокуратуралари бўйсинадиган шаҳар прокуратуралари тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тузиладиган транспорт, табиат муҳофазаси прокуратуралари, бошқа ихтисослаштирилган прокуратуралар вилоятлар, туманлар прокуратуралари, туманлараро прокуратуралар ёки шаҳар прокуратуралари ваколати билан ташкил этилади ҳамда фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларнинг ҳарбий прокуратурасини ташкил этиш ва унинг иш тартибини ушбу Қонун, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг Ҳарбий прокуратураси тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

#### **12-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорини тайинлаш ва унинг ҳисобдорлиги**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 5 йил муддатга тайинланиб, кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғидан ўтади. У Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олдида ҳисобдордир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президентини қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг аҳволи тўғрисида мунтазам хабардор этиб туради ва беш йилда камида бир марта Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига ўз фаолияти ҳақида ҳисобот тақдим этади.

#### **13-модда. Прокурорларни тайинлаш ва уларнинг ҳисобдорлиги**

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий органи томонидан 5 йил муддатга тайинланади ва улар олдида ҳисобдордир.

Вилоят прокурорлари ва Тошкент шаҳри прокурори ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан 5 йил муддатга тайинландилар, унга бўйсунадилар ва улар олдида ҳисобдордирлар.

Шаҳар, туман прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан 5 йил муддатга тайинландилар, юқори поғонадаги прокурорлар ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунадилар ҳамда улар олдида ҳисобдордирлар.

#### **14-модда. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси**

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бошчилик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ва озод этиладиган кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғидан ўтадиган биринчи ўринбосарга, ўринбосарларга эга. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўз ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди.

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори (раис), унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий прокурори, прокуратура идораларининг бошқа раҳбар ходимларидан иборат таркибда хайъат тузилади. Ҳайъатнинг шахсий таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида бош бошқармалар ва бўлимлар тузилиб, уларда катта прокурорлар ва прокурорлар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори катта ёрдамчилар, махсус топшириқ бўйича ёрдамчилар ва ёрдамчиларга эга бўлади.

Бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимлар бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг катта ёрдамчилари, махсус топшириқ бўйича ёрдамчилари ва ёрдамчиларини, бошқармалар ва бўлимларнинг катта прокурорлари ҳамда прокурорларини, Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилари ва катта терговчиларини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади.

#### **15-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг прокуратураси**

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига Қорақалпоғистон Республикаси прокурори бошчилик қилади, унинг

Ўзбекистон Бош прокурори томонидан тайинладиган ва озод этиладиган биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида Қорақалпоғистон Республикаси прокурори (раис), унинг биринчи ўринбосарлари ва прокуратура идораларининг бошқа ходимларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади. Ҳайъатнинг шахсий таркибини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори тасдиқлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида бошқармалар ва бўлимлар тузилади. Бошқарма ва бўлимларнинг бошлиқлари, республика прокурорининг катта ёрдамчилари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилигига биноан Қорақалпоғистон Республикасининг прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар. Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ёрдамчилари, бошқармалар ва бўлимларнинг катта прокурорлари ҳамда прокурорлари, алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар ва катта терговчилар Қорақалпоғистон Республикаси прокурори томонидан тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар.

#### **16-модда. Вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокуратуралари**

Вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокуратураларига, уларга тенглаштирилган прокуратураларга тегишли прокурорлар бошчилик қиладилар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тайинладиган ва озод этиладиган биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари бўлади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокуратураларида, уларга тенглаштирилган бошқа прокуратураларда прокуратурага бошчилик қиладиган прокурор (раис), унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари ва прокуратура идораларининг бошқа ходимларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади. Ҳайъатларнинг шахсий таркибини тегишли прокурорларнинг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори тасдиқлайди.

Вилоятлар, Тошкент шаҳри прокуратураларида ва уларга тенглаштирилган бошқа прокуратураларда бошқармалар ва бўлимлар тузилиб, уларнинг бошлиқлари, шунингдек катта ёрдамчилар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар. Бошқармалар ва бўлимлар бошлиқларининг ўринбосарлари, ёрдамчилар, катта прокурорлар ва прокурорлар, алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар, катта терговчилар ва терговчилар тегишли прокурор томонидан тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар.



### **17-модда. Шаҳарлар ва туманларнинг прокуратуралари**

Шаҳарлар ва туманларнинг прокуратураларига, шунингдек уларга тенглаштирилган прокуратураларга тегишли прокурорлар бошчилик қиладилар.

Прокурорларнинг ўринбосарлари, катта ёрдамчилари, ёрдамчилари бўлиши мумкин. Прокуратураларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар тайинлайдиган ва лавозимдан озод қилинадиган катта терговчилар ва терговчилар хизмат қиладилар.

### **18-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорини ва унга бўйсинувчи прокурорларни ишда бўшатиш асослар ва тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари лавозимларидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан озод этилиб, кейин Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори лавозимдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий органи томонидан озод этилади.

Вилоятлар, Тошкент шаҳри прокурорлари, туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан озод этиладилар.

Ана шу прокурорларни лавозимдан озод этиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Прокуратура идоралари ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги туғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

### **19-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокуратура идораларига раҳбарлик қилиш борасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси прокуратура идораларининг фаолиятига раҳбарлик қилади ва бу фаолият устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикасининг барча прокурор ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, кўрсатмалар, йўриқномалар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тергов ишларига доир масалалар бўйича кўрсатмалари барча тергов идораларининг ижроси учун мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари башарти Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳамда ўзга қонунларга мос келмаганда уларни

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўзи ҳам бекор қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ажратилган штат бирлиги ва маблағлар доирасида ўзига бўйсинувчи прокуратураларни ташкил этади ва тугатади, республика Прокуратураси аппаратининг ва қуйи поғонадаги прокуратуралар таркибини ҳамда ходимлари штатини тасдиқлайди.

Барча даражадаги ва поғонадаги прокуратуралар ташкилий таркибининг тузилиши ва мансаб окладлари белгиланган бюджет ажратмалари ва штат бирлиги доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан белгиланади.

**20-модда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри прокурорининг ўз бўйсинувидаги идораларга раҳбарлик қилиш борасидаги ваколатлари**

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорлар тегишинча шаҳарлар, туманлар ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг фаолиятига раҳбарлик қиладилар, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва кўрсатмалари асосида ҳамда уларни ижро этиш юзасидан ўзига бўйсинувчи ходимларнинг ҳаммаси учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқарадилар, кўрсатмалар берадилар, ажратилган иш ҳақи фонди доирасида белгиланган лавозимларни сақлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси билан келишиб аппарат ва ўзига бўйсинувчи прокуратураларнинг штат жадвалига ўзгартиришлар киритишлари мумкин.

**21-модда. Туманларга бўлинган шаҳар прокурорининг ўзига бўйсинувчи идораларга раҳбарлик қилиш борасидаги ваколатлари**

Туманларга бўлинган шаҳарнинг прокурори туманлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади, юқори поғонадаги прокурорга аппарат ва ўз бўйсинувидаги прокуратураларнинг штат сонини ўзгартириш, ходимларни жой-жойига қўйишга доир таклифлар киритади.

**22-модда. Прокуратура идораларининг ҳайъати**

Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураларида, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда ҳайъатлар фаолият кўрсатади. Ҳайъатлар кенгаш қабилидаги идора бўлиб, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг аҳволига, прокуратура идораларининг фаолиятига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруқлари ва кўрсатмаларнинг ижросига, кадрларга доир энг муҳим масалаларни қараб чиқади, ўз бўйсинувидаги прокурорларнинг, прокуратура

таркибий бўлинмаларининг ва бошқа ходимларнинг ҳисоботларини тинглайди.

Тегишли ҳайъатларнинг мажлисларида вазирликлар, идоралар, давлат бошқаруви, назорати ва текшируви идораларининг, корхона, муассаса ва ташкилотлар, бирлашмалар раҳбарларининг, ҳарбий қисмлар ва қўшилмалар командирлари ҳамда ўзга мансабдор шахсларнинг қонунлар ижроси масалаларига доир ахборотлари ва тушунтиришлари тингланиши мумкин.

Ҳайъатларнинг энг муҳим қарорлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ва тегишли прокурорларнинг буйруқлари билан ҳаётга татбиқ этилади.

Бош прокурор билан ҳайъатнинг фикри бир ердан чиқмаган тақдирда, Бош прокурор ўз қарорини амалга оширади ва бундан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлиси воқиф этади.

Қуйи поғонадаги прокуратуралар ҳайъати аъзолари ўртасида зиддият келиб чиққан тақдирда тегишли прокурор ўз қарорини амалга ошириб, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига ёзма равишда ахборот беради.

### **Ш. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ** **1-БОБ. ҚОНУНЛАРГА РИОЯ ЭТИЛИШИ** **УСТИДАН УМУМИЙ НАЗОРАТ**

#### **23-модда. Назорат предмети**

Қуйидагилар назорат предметиға киради:

барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат назорат идоралари, ҳокимлар, муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар, ҳарбий қисмлар, жамоат ташкилотлари, партиялар ва ҳаракатлар, мансабдор шахслар қонунларни бажараетганлиги, шунингдек улар чиқараётган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига мувофиқлиги;

шахснинг дахлсизлиги тўғрисидаги, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза қилиш (башарти ушбу ҳуқуқларни муҳофаза этишнинг ўзга тартиби кўзда тутилмаган бўлса) тўғрисидаги қонунларға риюя этилиши;

иқтисодий муносабатларға, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ташқи иқтисодий фаолиятға доир қонунларға риюя этилиши;

фуқароларнинг қонунларға риюя этишлари.

Прокурор аралашувини талаб қиладиган қонун бузилиш ҳоллари ҳақида аризалар ёки бошқа маълумотлар тушганда, шунингдек, етарли асослар бўлганда ҳам ўз ташаббуси билан қонунлар

ижросининг текширувлари ўтказилади. Прокурорнинг хўжалик ва бошқа турдаги фаолиятга бевосита аралашувиغا, шунингдек идоравий бошқарув ва назорат органлари фаолиятининг амалга оширишига йўл қўйилмайди.

#### **24-модда. Прокурорнинг ваколатлари**

Прокурор ўз ваколати доирасида назоратни амалга ошириш чоғида:

хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг тобелигидан, кимга қарашлиги эканлигидан ва мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар муассасалар, корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг, ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмаларининг худуди ва биноларига монеликсиз киришга, ҳужжатлар ва материалларни олиб кўришга;

текшириш учун зарур бўладиган қарорлар, фармойишлар, йўриқномалар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олишга, қонунийликнинг аҳволи тўғрисида ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақида маълумотларни олишга;

давлат идоралари, ҳарбий қисмларнинг раҳбарлари ва мансабдор шахслардан ўз назорати остидаги ҳамда ўз бўйсинувидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини текшириш ва тафтиш этишни, текширишлар, идоравий ва ноидоравий экспертизалар ўтказиш учун мутахассислар ажратишни талаб қилишга;

мансабдор шахслар ва фуқароларни чақиртириб, улардан қонунлар бузилганлигига доир оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилишга ҳақлидир.

Қонун бузилганлиги аниқланган тақдирда прокурор ва унинг ўринбосари ўз ваколатлари доирасида:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг, муассасаларнинг, корхоналар ва ташкилотлар, ҳокимлар, ҳарбий қисмлар ва жамоат бирлашмалари ҳужжатларига, шунингдек мансабдор шахсларнинг қарорлари ва хатти-ҳаракатларига нисбатан протест келтиришга;

қонунда белгиланган тартибда жиноий ишлар, интизомий ишлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ишлар қўзғатишга, кўриб чиқиши учун материалларни жамоатчилик муҳокамасига топширишга;

қонунни очикдан-очик бузиш ҳолларига чек қўйиш тўғрисида амрнома беришга;

қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик хусусида мансабдор шахслар ва фуқароларга ёзма равишда огоҳнома билдиришга;

давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларга қонунбузарлик ҳолларини, шунингдек қонун бузилишининг сабаблари ва бунга йўл очиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритишга;

фуқаролар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида судлар ёки хўжалик судларига ариза билан мурожаат этишга;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, прокурорлик назорати амалга оширилмайдиган давлат идоралари ва жамоат бирлашмаларининг норматив ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мос эмаслиги хусусида мурожаат этишга ҳақлидир.

#### **25-модда. Прокурорнинг протести**

Прокурор ёки унинг ўринбосари қонунга зид бўлган норматив ҳужжатга нисбатан ана шу ҳужжатни чиқарган идорага ёки юқори турувчи идорага протест келтирадилар. Мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатларига нисбатан ҳам худди шу тартибда протест келтирилади.

Прокурор келтирган протест бу протест топширилган вақтдан бошлаб кўпи билан ўн кунлик муддат ичида қараб чиқилиши шарт. Қонунийлик бузилганлигига тезда барҳам бериш талаб қилинган фавқулудда ҳолатларда прокурор протестини қараб чиқишнинг муддатини белгилашга ҳақлидир. Протестни қараб чиқиш натижалари тўғрисида прокурорга дарҳол ёзма равишда маълум қилинади.

Протест коллегиял идора томонидан қараб чиқилган тақдирда мажлис бўладиган кун прокурорга маълум қилинади, у протестни қараб чиқишда иштирок этишга ҳақлидир.

Протест ғайриқонуний ҳуқуқий ҳужжат чиқарган идора ёки юқори турувчи идора томонидан рад этилган тақдирда, шунингдек протест қонунда белгиланган муддат ичида қараб чиқилмаган тақдирда, прокурор тегишли судга ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир. Судга ариза протест рад этилганлиги тўғрисидаги ахборот қилинган пайтдан бошлаб бир ойлик муддат ичида ёки қараб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин берилиши мумкин.

Прокурорнинг судга ариза бериши у судда кўриб чиқилгунига қадар ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб кўяди.

#### **26-модда. Прокурорнинг қарори**

Прокурор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан қонуннинг бузилиш мазмунидан келиб чиққан ҳолда жиноий иш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ёки интизомий ҳуқуқбузарликка доир иш

қўзғатиш тўғрисида асосли қарор чиқаради. Қонунда кўзда тутилган ўзга ҳолларда ҳам прокурор қарор чиқаради.

Интизомий ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги прокурор қарори идора ёки аниқ мансабдор шахс томонидан бу қарор тушган кундан бошлаб кечи билан ўн беш кунлик муддат ичида қараб чиқилиши шарт. Қараб чиқилиш натижалари тўғрисида прокурорга зудлик билан ёзма равишда маълум қилинади.

#### **27-модда. Прокурорнинг тақдимномаси**

Прокурор қонуннинг бузилишига ана шу бузилишларнинг сабабларига ва унинг бузилишига кўмаклашиш шарт-шароитларга барҳам бериш тўғрисидаги тақдимномани қонун бузилишини бартараф этиш ваколатига эга бўлган давлат идорасига, жамоат ташкилотига ёки мансабдор шахсларга киритади, бу тақдимнома дарҳол кўриб чиқилиши лозим. Кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга маълум қилиниши шарт.

Тақдимнома коллегиял идора томонидан қараб чиқиладиганда прокурорга мажлис ўтказиладиган кун маълум қилинадики, прокурор бу мажлисда қатнашишга ҳақлидир.

#### **28-модда. Прокурор амрномаси**

Қонун бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги амрнома прокурор томонидан ана шу қонунбузарликка йўл қўйган идора ёки мансабдор шахсга, ёхуд юқори идорага ёки ана шу қонунбузарликни бартараф этишга қодир мансабдор шахсга юборилади.

Қонун бузилганлиги яққол кўзга ташланган ҳолларда ва бу фуқаролар, давлат, корхона, муассаса, ташкилотнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлганда амрнома киритилади. Амрнома зудлик билан бажарилиб, бундан прокурор воқиф этилиши лозим.

Амрномадаги талабларга норози бўлган тақдирда идора ёки мансабдор шахс бу амрнома устидан юқори поғонадаги прокурорга шикоят қилиши мумкин. Прокурор шикоятни уч кунлик муддат ичида қараб чиқиши шарт. Шикоят амрнома ижросини тўхтатиб қўймайди.

#### **29-модда Прокурорнинг ёзма огоҳлантирувчи**

Фуқароларнинг қонун томонидан кўриқланадиган манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига, давлат ёки жамоат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар тайёрланаётганлиги хусусида ишончли маълумотлар бўлганда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадларида мансабдор шахслар ва фуқаролар прокурор томонидан қонуннинг бузилишига

йўл қўйилмаслик хусусида ёзма равишда огоҳлантириладилар ҳамда ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тушунтирилади.

Огоҳнома тўғрисида прокурор юқори турувчи ташкилотга, шунингдек огоҳнома чиқарилган шахснинг ишлаш, ўқиш ёки яшаш жойи маъмуриятига ёхуд жамоат бирлашмаларига маълум қилишга ҳақлидир.

**30-модда. Прокурорнинг қонуний фаолиятига монелик қилганлик ва талабларини бажармаганлик учун жавобгарлик**

Актлар ва бошқа зарур ҳужжатлар, материаллар ва маълумотлар тақдим этиш, текширишлар ва тафтишлар ўтказиш, мутахассислар ажратиш, прокуратурага келиш ва қонун бузилганлиги юзасидан тушунтиришлар беришдан бўйин товлаш, шу жумладан прокурор фикри билдирилган ҳужжатларда баён этилган талабларни бажаришдан бош тортиш ҳамда уларни тўлиқ ҳажмда бажармаслик тарзида прокурорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ва прокурор талабларини бажармаслик қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга олиб келади.

## **2-БОБ. ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ИДОРАЛАРИНИНГ ҚОНУНЛАРНИ ИЖРО ЭТИШЛАРИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

### **31-модда. Назорат предмети**

Жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва маълумотларни қараб чиқиш ҳамда ҳал этиш ва текширувлар ўтказишнинг қонунларда белгиланган процессуал тартиби, жиноятчилкка қарши кураш идоралари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги, шунингдек жиноятчиликка қарши курашга қаратилган бошқа қонунларга оғишмай амал қилишлик - жиноятчиликка қарши кураш идораларининг қонунларини ижро этишлари устидан назорат қилиш предметиدير.

### **32-модда. Прокурорнинг ваколатлари**

Суриштирув ва дастлабки тергов идоралари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширар экан, прокурор ўз ваколатлари доирасида:

суриштирув ва дастлабки тергов идораларидан текшириш учун жиноий ишларни, ҳужжатларни, материалларни, содир этилган жиноятларга, тезкор-қидирув, суриштирув, дастлабки тергов ишининг боришига доир маълумотларни талаб қилади; содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятларга доир аризалар ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини ойида камида бир марта текширади;

терговчилар ва суриштирув ўтказувчи шахсларнинг гайриқонуний ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилади;

жиноятни текшириш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, жиноят квалификациясини белгилаш, айрим тергов ҳаракатларини бажариш ва жиноят содир этган шахсларни қидириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беради;

суриштирув идораларига жиноят содир этган шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш, қамоққа олиш, тинтув ўтказиш, яширилган ашёларни эгасининг тақдимига кўра олиш, бошқа тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги қарорларни ижро этишни топширади, шунингдек прокурор ёки прокуратура терговчиси қўлидаги ишлар юзасидан жиноятларни очиш ва жиноятлар содир этган шахсларни аниқлаш тўғрисида кўрсатмалар беради;

суриштирув ва дастлабки терговда иштирок этади ҳам зарур ҳолларда ҳар қандай иш юзасидан шахсан айрим тергов ҳаракатларини ёки текширув ишларини тўлиқ амалга оширади;

тинтув ўтказишга, почта-телеграф ҳужжатларига арест солиш ва уларни олиб кетишга, гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахснинг телефонлар ва бошқа сўзлашув аппаратлари орқали олиб борилаётган суҳбатларини эшитиб туришга, айбланувчинини лавозимидан четлатишга ва қонунда назарда тутилган ҳолларда терговчи ҳамда суриштирув идорасига бошқа хатти-ҳаракатлар учун рухсат беради;

қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда тергов ҳамда эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш муддатини узайтиради;

жиноий ишларни суриштирув ва дастлабки тергов идораларига кўшимча тергов ўтказиш тўғрисидаги ўз кўрсатмалари билан қайтаради;

ҳар қандай ишни суриштирув идорасидан олиб қўяди ва терговчига беради, тўла ва холис текширув ўтказишни таъминлаш мақсадида ишни дастлабки бир тергов идорасидан олиб бошқасига беради, шунингдек бир терговчидан олиб бошқасига беради;

башарти, ишни текшириш чоғида қонун бузилишига йўл қўйган бўлсалар, суриштирув ўтказаетган шахсни ёки терговчинини суриштирув ёхуд дастлабки тергов ишларини давом эттиришдан четлатади;

жиноий ишлар қўзғатади ёхуд жиноий ишлар қўзғатишни рад этади; жиноий ишларни ётқизади ёки юритилишини тўхтатиб туради; қонунларда назарда тутилган ҳолларда терговчи ёки суриштирув идорасига жиноий ишни ётқизиш ёки тўхтатишга розилик беради; айблаш фикрини (қарорини) тасдиқлайди;

жиноий ишларни судга жўнатади.



Прокурорнинг жиноий-процессуал қонунларда назарда тутилган тартибга мувофиқ суриштирув ва дастлабки тергов идораларига тергов олди текшируви, кўзғатилган ва тергалаётган жиноий ишлар билан боғлиқ бўлган кўрсатмалари ана шу идоралар учун мажбурий ҳисобланади.

**33-модда. Фуқароларнинг ҳуқуқларини чекловчи хатти-ҳаракатларга рухсат бериш**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, уларга тенглаштирилган прокурорлари, уларнинг ўринбосарлари, ҳарбий ва транспорт прокурорлари, шунингдек шаҳарлар, туманлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, фуқароларни қамоққа олишга рухсат бериш ҳуқуқига эгадир.

Прокурорлар ва уларнинг ўринбосарлари ўз ваколатлари доирасида жиноят-процессуал қонунларда назарда тутилган фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чекловчи хатти-ҳаракатларга ҳам рухсат берадилар.

**34-модда. Прокуратура идоралари томонидан жиноятларни тергов қилиш**

Прокуратура идоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган ва жиноят-процессуал қонунига биноан ўз ваколатларига берилган жиноятларга доир ишларни тергов қиладилар.

Прокурор ҳар қандай жиноий ишни ўзи юритиш учун олишга ёки ўзига бўйсинувчи прокурорга топширишга, шунингдек биргалликда текширув ўтказиш учун прокуратура терговчилари, ички ишлар идоралари ҳамда бошқа идораларнинг терговчилари ва оператив ходимлардан иборат тергов гуруҳини тузишга ҳақлидир.

### **3-БОБ. СУДЛАРДА ИШЛАРНИНГ КЎРИБ ЧИҚИЛИШИДА ПРОКУРОРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

**35-модда. Судларда ишларнинг кўриб чиқилишида прокурорнинг иштироки**

Прокурор қонунда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек, прокурорнинг ўзи ёхуд суд зарур деб топган тақдирда судларда ишлар кўриб чиқилишида иштирок этади. Суд мажлисида иштирок этаётган прокурорнинг ваколатлари ҳажми ва доиралари Ўзбекистон Республикаси процессуал қонунлари билан тартибга солинади.

Прокурор давлат айбловини қўллаб-қувватлар экан, далил-исботлар ўрганилишида иштирок этади, жиноят қонуни қўлланилишига, судланувчига берилиши лозим бўлган жазо тури ва миқдорига доир ўз фикрини судга баён этади. Бунда прокурор қонун

талабларига ва иш юзасидан тўпланган материалларнинг холис баҳосига амал қилади.

Башарти, ишни қараб чиқиш вақтида прокурор қўйилаётган айблов суд мажлисида ўз тасдиғини топмапти деган хулосага келса, у айбловдан воз кечади.

Прокурор суд жараёнида бошқа қатнашчилар билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланар экан, судларнинг мустақиллиги ва улар фақатгина қонунга бўйсиниш принципитга қатъий риоя этиши, ўз фаолияти билан одил судловни амалга оширишга кўмаклашиши шарт.

**36-модда. Суд қарорларига нисбатан кассация тартибда протест келтириш**

Прокурор ишнинг кўриб чиқилишида иштирок этганлиги ёки этмаганлигидан қатъи назар, ушбу иш хусусида суднинг чиқарган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари қонунга ҳамда иш юзасидан тўпланган материалларга қай даражада мувофиқ келишини текширади. Прокурор жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича суднинг чиқарган ғайриқонуний қарорлари устидан юқори турувчи судга протест келтиради.

**37-модда. Прокурорнинг кассацион ва ҳуқуқий протести**

Прокурорга ва унинг ўринбосарига иш биринчи инстанция судида кўриб чиқилишида иштирок этганликлари ёки иштирок этмаганликларидан қатъи назар, ўз ваколатлари доирасида кассацион ва хусусий протест келтириш ҳуқуқи берилади.

**38-модда. Суд қарорларининг қонунийлигини текшириш учун суддан ишларни талаб қилиб олиш**

Прокурор, унинг ўринбосари ўз ваколатлари доирасида ҳукмлари, ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари Қонуний кучга кирган ҳар қандай ишни суддан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эгадир. Прокурор, унинг ўринбосари ёки уларнинг топшириғига биноан прокуратуранинг бошқа ходимлари судларда ҳар қандай тоифадаги шундай ишларни ўрганиш ҳуқуқига эга.

Прокурор суд томонидан чиқарилган ҳукмлар, ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг қонунга мувофиқ эмаслигини аниқлагач, протест киритиш ҳуқуқига эга, агар бу ҳол унинг ваколат доирасига кирмайдиган бўлса, юқори поғонадаги прокурорга тақдимнома билан мурожаат этиб, протест киритишни сўрайди.

**39-модда. Суднинг қонуний кучга кирган қарорларига нисбатан протест келтириш**

Суднинг қонуний кучга кирган ҳукмлари, ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларига нисбатан протест келтириш ҳуқуқига қуйидагилар эгадир:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари - Ўзбекистон Республикасидаги судларнинг ҳукмлари, ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларига нисбатан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди Пленумларининг қарорлари бундан мустасно;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар - туман (шаҳар) судининг ҳукмлари, ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларига нисбатан; Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар судлари, Тошкент шаҳар суди раёсатлари суд ҳайъатлари ишни кассация тартибида қараб чиқиб, қабул қилган қарорларига, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳўжалик судларининг қарорларига нисбатан.

Суднинг маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш юзасидан чиқарган қарорига нисбатан район, шаҳар ва юқори поғонадаги прокурорлар ҳамда уларнинг ўринбосарлари томонидан протест келтирилиши мумкин.

**40-модда. Протестларни ўзгартириш, тўлдириш, чақириб олиш. Жиноий ишни суддан талаб қилиб олиш**

Жиноий ва фуқаролик ишларига доир суднинг ҳукмлари, ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларига нисбатан берилган кассация, хусусий ва назорат тартибидаги протест иш судда кўриб чиқилгунига қадар тўлдирилиши, ўзгартирилиши ёки протест келтирган прокурор, шунингдек юқори поғонадаги прокурор томонидан чақириб олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туман прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, айблаш фикрини тасдиқлаган прокурорлар жиноий ишни айбланувчини судга беришга қадар ва прокурор томонидан кўзгатилган фуқаролик ишини судда қараб чиқилишига қадар чақириб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

**41-модда. Жиноий ишлар ва фуқаролик ишлари юзасидан суд чиқарган қарорларнинг ижросини тўхтатиб туриш**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳар қандай суднинг протест келтирган ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори

ижросини иш назорат тартибида ҳал этилгунга қадар тўхтатиб туришга ҳақлидир.

Фуқаролик ва ҳўжалик ишлари устидан назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқи берилган прокурорлар қонун очиқ-равшан бузилганлигидан далолат берувчи маълумотлар етарлича бўлгани тақдирда ишни талаб қилиб олиш билан бирга суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорининг ижросини улар устидан протест келтирганга қадар кўпи билан уч ой муҳлатга тўхтатиб туришга ҳақлидирлар.

**42-модда. Прокурорнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлар раёсатлари, тегишли ҳўжалик судлари ҳайъатлари мажлисларида иштирок этиши**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми ва Олий ҳўжалик судининг Пленуми мажлисларида, унинг ўринбосарлари эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсатининг мажлисларида иштирок этадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар прокурорлари ва Тошкент шаҳри прокурори вилоятлар судлари ва Тошкент шаҳар суди раёсатларининг, тегишли ҳўжалик судлари ҳайъатларининг мажлисларида иштирок этишга ҳақлидирлар.

**43-модда. Қонуларни қўллаш юзасидан судларга тушунтиришлар бериш тўғрисидаги тақлиф**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ва Олий ҳўжалик судининг Пленумлари муҳокамасига жиноий, фуқаролик, ҳўжалик, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ва бошқа судлов ишларини қараб чиқиш чоғида юзага келадиган қонунларни қўллаш билан боғлиқ масалалар бўйича тушунтиришлар бериш тўғрисида тақлиф кiritишга ҳақлидирлар.

**4 БОБ. УШЛАНГАНЛАРНИ САҚЛАБ ТУРИШ, ДАСТЛАБКИ ҚАМОҚ, СУД ТАЙИНЛАНГАН ЖАЗО ВА МАЖБУРИЙ ХАРАКТЕРДАГИ БОШҚА ЧОРАЛАРНИ ЎТАШ ЖОЙЛАРИДА ҚОНУНЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ**

**44-модда. Назорат предмети**

Назорат предметини:

ушланганларни сақлаб туриш, дастлабки қамоқ жойларида, озодликдан маҳрум этиш жойларида ва ахлоқ тузатиш ишларига

юборилган жойларда, мажбурий даволаш ва тарбиялаш муассасаларида шахсларни сақлаб туриш қай даражада қонуний эканлиги;

ушланганлар ва қамоққа олинганларни сақлаб туриш, жазони ўташ, маҳқум этилганларни тарбиялаш, қонунларга мувофиқ мажбурий даволаш ва тарбиялаш чораси қўлланилган шахсларни ушлаб сақлаш тартиби ва шароитлари ҳақидаги қонунларга риоя этилаётганлиги;

ушланганлар, қамоққа олинганлар, ҳукм этилганлар, шунингдек мажбурий даволаш ва тарбиялаш чоралари қўрилган шахсларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқлари ва бурчларига риоя этилиши таъминланаётганлиги;

ахлоқ тузатиш-меҳнат қонунларини қўллайдиган мансабдор шахслар ва идораларнинг фаолиятида қонунийликка риоя этилаётганлиги ташкил этади.

#### **45-модда. Прокурорнинг ваколатлари**

Ушланганларни сақлаб туриш, дастлабки қамоқ, озодликдан маҳрум этиш жойларида, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ва суд томонидан белгиланадиган мажбурий тарздаги бошқа чораларни ўташ чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокурор ўз ваколатлари доирасида:

ушланганларни сақлаб туриш, дастлабки қамоқ, озодликдан маҳрум этиш жойларида, мажбурий даволаш ва тарбиялаш муассасаларига исталган вақтда монеликсиз кириш ва бинонинг ҳамма жойлари билан танишишга;

шахсларни сақлаб туришга, дастлабки қамоқ жойларида сақлашга, шунингдек озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ва бошқа жазо чораларини ўташга ёхуд мажбурий даволаш ва тарбиялаш чоралари қўллашга асос бўлган ҳужжатлар билан танишишга;

озодликдан маҳрум этиш жойларида ғайриқонуний равишда сақлаб турилган ёки қонунга хилоф тарзда ушланган, дастлабки қамоқда сақланаётган, мажбурий равишда даволанаётган ёки тарбияланаётган шахсларни дарҳол озод қилишга;

башарти, қамоқларда сақланаётган, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётган шахсларга нисбатан қўлланилган интизомий чоралар қонунга мувофиқ келмаса, бу қарорларни бекор қилиш, ўз қарори билан юқорида уқтирилган шахсларни жарима изоляторидан, камера типидagi бинодан, карцердан, интизомий изолятордан дарҳол озод қилишга;

ушланган, қамоққа олинган, ҳукм этилган ҳамда мажбурий даволаш ва тарбиялаш чораси кўрилган шахсларни сўраб-суриштиришга;

ушбу моддада айтиб ўтилган муассасаларнинг маъмуриятлари чиқарган буйруқлар, фармойиш ва қарорлар, улар кўрган тезкор-қидирув тадбирларининг, ана шу муассасаларда одамларни сақлаб туриш тартиби ва шароитларини ҳамда жазони ўташнинг тартиби ва шартлари белгилаб қўйилган қонунларга қай даражада мувофиқлигини текширишга; башарти, бундай ҳужжатлар қонунларга зид бўлса, уларнинг ижросини тўхтатиш ва улар устидан протест келтиришга ҳақлидир.

#### **46-модда. Прокурор қарорлари ва талаблари ижросининг мажбурийлиги**

Ушланган, қамоққа олинган, озодликдан маҳрум этилган ва бошқа жазо чораси қўлланган шахсларни, шунингдек мажбурий тарздаги чоралар кўрилган ёки махсус психиатрия муассасасига жойлаштирилган шахсларни сақлашнинг қонунда белгиланган тартиби ва шароитлари ижросига доир прокурорнинг қарор ва талаблари маъмурият томонидан, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораси кўрилган маҳкумларга нисбатан судлар чиқарган ҳукми ижро этувчи идоралар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

#### **47-модда. Шикоят ва аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлашда прокурорнинг вазифалари**

Прокурор ушланган, қамоққа олинган, озодликдан маҳрум этилган ҳамда мажбурий даволаш ва тарбиялаш чоралари кўрилган шахсларнинг давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларга шикоят ҳамда аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳамда маъмуриятнинг шикоят ва аризаларни қонунда белгиланган тартибда кимга тегишлигига мувофиқ жўнатиш тўғрисидаги қонун талабларининг риоя этилишини кузатиб боради. Тушган шикоят ва аризани прокурор белгиланган муддатда қараб чиқади ва зарур чора-тадбир кўради ҳамда ўз қарори тўғрисида аризачига маълум қилади.

### **IV. ПРОКУРАТУРА ИДОРАЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ**

#### **48-модда. Прокурор лавозимига тайинланган шахсларга қўйиладиган талаблар**

Ўзбекистон Республикасининг олий юридик маълумоти бор ва зарур касб-корга ҳамда ахлоқий фазилатларга эга бўлган фуқаролари прокурор этиб тайинланадилар. Прокуратура идораларида лавозимга

биринчи марта тайинланган шахслар қасамёд қиладилар, қасамёд матни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман, шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимига ёши 25 дан кам бўлмаган шахслар тайинланади.

Прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори белгилайдиган тартибда аттестациядан ўтишлари лозим.

Прокуратура идораларида хизмат қилиш билан бир вақтда пулли юридик хизмат кўрсатишга, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлашга йўл қўйилмайди, илмий, педагогик ва ижодий фаолият бундан мустаснодир.

Фаолияти қонунийлиги прокурор назорати остида бўлган сайлов йўли билан ташкил этиладиган идораларга прокурорнинг ўзи сайланиши мумкин эмас.

**49-модда. Прокуратура идоралари ходимларининг мансаб даражалари ва ҳарбий унвонлари**

Прокуратура идораларининг хизматчиларига, шу жумладан прокуратурага қарашли илмий муассасалар ва ўқув юртлари ходимларига эгаллаб турган лавозимига ва иш стажига мувофиқ даражали унвонлар ёки ҳарбий унвонлар берилади.

Даражали унвон ҳамда ҳарбий унвон бериш ва ундан маҳрум этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Прокуратура ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги Низом билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тасдиқланадиган Ҳарбий прокуратура тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

**50-модда. Прокурорлар ва прокуратура терговчиларининг дахлсизлиги**

Прокурор ва прокуратура терговчиси давлат ҳимоясида бўлиб, хизмат дахлсизлигига эгадирлар.

Прокурор ва прокуратура терговчисига нисбатан жиноий иш қўзғатиш ва жиноий ишни текшириш фақатгина прокуратура идораларининг ҳуқуқ-ваколатларига киради.

Прокуратура ходимларига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик ва ноҳўя хатти-ҳаракат учун интизомий жавобгарлик чораларини қўллашга доир масала юқори поғонадаги прокурор томонидан ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан рўйхати белгиланадиган прокурор-тергов ходимлари ўқ отар куролини олиб юриш ҳуқуқига эгадирлар.

**51-модда. Прокуратура ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги**

Прокурорлар ва прокуратура терговчиларини рағбатлантириш ҳамда интизомий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбекистон Республикаси прокуратура идоралари ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори прокуратура идораларининг ходимларини кўп йиллик ва ҳалол хизмати учун тақиладиган «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» нишони билан тақдирлаб, уларга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Фахрий ёрлигини топшириши мумкин. «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» нишони билан тақдирлашга тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори республикада қонунийликни мустаҳкамлаш ишидаги алоҳида хизматлари, кўп йил ва самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси прокуратураси идораларининг ходимларини давлат мукофотларига тақдим этиши мумкин.

**52-модда. Прокурор ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминоти**

Прокурор ходимларнинг, прокуратурага қарашли илмий муассасалар ва ўқув юртлари хизматчиларининг иш ҳақи мансаб окладидан, мансаб даражаси ва кўп йиллик хизмати учун тўланадиган қўшимча ҳақдан иборат бўлади.

Мансаб даражалари берилган шахслар белгиланган нормалар бўйича бепул кийим-кечак билан таъминланадилар.

Прокурор ходимларига давомийлиги 30 суткадан иборат ҳар йилги таътил берилади. Мансаб даражаларига эга бўлиб, прокуратура идораларида 10 йилдан кўп иш стажига эга бўлган прокуратура ходимларига:

10 календарь йилидан кейин - 5 сутка,

20 календарь йилидан кейин - 10 сутка,

25 календарь йилидан кейин - 15 сутка давомийлигида ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.

Прокурор ходимлари хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шаҳар, шаҳар атрофи ва маҳаллий йўналишдаги жамоат транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқига эгалар; хизмат сафарига борганларида транспортнинг барча турларига билетларни ва меҳмонхоналарда



жойларни олдиндан банд қилиб қўйиш ва навбатсиз олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

## **V. ПРОКУРАТУРА ИДОРАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ДОИР БОШҚА МАСАЛАЛАР**

**53-модда. Ўзбекистон Республикасининг прокуратура муассасалари ва ташкилотлари**

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси илмий-тадқиқотлар ўтказиш, прокурор ходимлар малакасини ошириш учун белгиланган тартибда ўзига қарашли илмий ва ўқув муассасалари ташкил этиши, махсус адабиётлар чоп этиши, матбаа корхонасига эга бўлиши мумкин.

**54-модда. Халқаро ва давлатлараро алоқалар**

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари доирасида халқаро ва давлатлараро (битимларга) мувофиқ тажриба алмашиш, прокурор назоратини амалга оширишнинг илғор услубларини ўрганиш ва жорий этиш, жиноятчиликка ва қонунийлик бузилишига қарши кураш, ходимларга таълим бериш ва уларнинг ўқувини ташкил этиш ҳамда бошқа масалалар бўйича хорижий давлатларнинг прокуратуралари билан халқаро ва давлатлараро алоқаларга эга бўлиши мумкин.

**55-модда. Прокуратура идораларининг молиявий ва моддий-техника таъминоти**

Прокуратура идораларининг молиявий ва моддий-техника таъминоти марказлаштирилган тартибда республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳокимлар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, ҳарбий қисмларнинг қўмондонликлари ўзи ҳудудларида жойлашган прокуратура идораларини тегишли хизмат бинолари билан таъминлашлари шарт.

**56-модда. Прокуратура идораларининг муҳри**

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ва унга бўйсинувчи прокуратуралар, илмий-ўқув юртлари ва бошқа муассасалар, корхоналар юридик шахс ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси давлат гербининг тасвири ва ўз номи туширилган муҳрга эга бўлади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ**

**Тошкент шаҳри, 1992 йил 9 декабрь,  
№ 746-ХП.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ**  
**Қ А Р О Р И**

**«Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси**  
**қонунини амалга киритиш тўғрисида**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:**

1. «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни эълон қилинган кундан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ушбу қонуннинг прокуратура ва суд идораларининг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи меъёрлари прокуратура идоралари билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ўзаро муносабатларига даҳл қилмайди.

3. Уқтириб ўтилсинки;

Олий Мажлиснинг Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда назарда тутилган ваколатларини у тегишли тартибда сайлангунига қадар Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши амалга оширади;

ушбу Қонун 6-моддасининг учинчи қисмида, 10-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 24-моддасининг биринчи қисмида, 30-моддасининг иккинчи қисмида, 35, 36-моддаларида, 45-моддасида (тўртинчи хатбошисидан ташқари), 46, 47-моддаларида, 48-моддасининг биринчи, учинчи ва бешинчи қисмларида, 50-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида, 51-модданинг биринчи қисмида «прокурор» атамаси ишлатилганда: Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, ўзининг ҳуқуқ ваколатлари доирасида фаолият кўрсатувчи қуйи поғонадаги барча прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, прокурорнинг катта ёрдамчилари ва ёрдамчилари, бошқарма ва бўлимларнинг катта прокурорлари ҳамда прокурорлари тушунилади.

4. Қонунда белгиланган тартибда лавозимга тайинлангунга қадар Ўзбекистон Республикаси прокурори, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари тегишлича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосарлари деб ҳисоблансин.

5. Прокуратура идоралари прокурор-терговчи ходимлари қасамёдининг матни қуйидаги тахрирда тасдиқлансин:

«Мен, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, прокуратура ходимлари сафига кирар эканман:

Ўзбекистон халқига содиқ бўлишга;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга;

қонун ким томонидан бузилишидан қатъи назар, қонуннинг ҳар қандай тарзда бузилишига қарши мурасасиз курашишга, прокурор назоратининг самарадорлигини оширишга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга;

фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини жиддий эътибор билан ҳолис ва адолатли равишда кўриб чиқишга;

давлат ва хизмат сирини, қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ошкор этмасликка;

маҳаллийчилик ва маҳкамачилик таъсирини кескин енгишга;

касб маҳоратимни мутгасил ошириб боришга, прокуратура ходими шаънини улуғлашга, виждонан пок бўлишга, прокуратуранинг энг яхши анъаналарини асраб-авайлашга ва янада бойитишга;

қонунийликни, хизмат интизомини ҳар қандай тарзда бузишим, нолойиқ хулқ-атворим прокуратура обрў-эътиборига путур етказиш, Ўзбекистон Республикаси манфаатларига зарар келтириши мумкинлигини унутмасликка қасамёд қиламан.

Ушбу қасамёдни бузган тақдиримда прокуратура ходими деган юксак номга ўзимни нолойиқ деб биламан.

*Имзо*

(фамилияси, исми, отасининг исми)

Сана

Манзили:

**Ўзбекистон Республикаси Олий  
Кенгашининг Раиси**

**Ш.ЙЎЛДОШЕВ**

**Тошкент шаҳри, 1992 йил 9 декабрь,  
№747-ХП.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини ташқил этиш тўғрисида\*

Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини халқаро нормаларга мувофиқлаштириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий нормаларни риоя этилиши устидан мониторинг ҳамда самарали назоратни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ташқил этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти юридик шахс бўлиб, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобдордир.

3. Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг Устави ва таркибий тузилиши 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

4. Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг асосий вазифалари деб қуйидагилар белгилансин:

амалдаги қонун ҳужжатларини ҳамда уларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормаларга мувофиқлигини ўрганиш;

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий нормаларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиш борасидаги ҳуқуқий-тадбиқий тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

халқаро ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари билан инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш;

қонун лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш, шу жумладан хорижий экспертлар ва институтларни жалб этган ҳолда шундай экспертизалар ўтказиш;

қонунчилик ишининг режалари ҳамда дастурларига доир таклифлар ишлаб чиқиш.

---

\* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. Тошкент, 1997 йил январь. №1. 36-43-бетлар.

5. Белгилаб қўйилсинки, амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг директори Кенгаш қарорини кейинчалик сессияда тасдиқлаш шарти билан Олий Мажлис Кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан бўшатилади.

Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги Институти директорининг ўринбосари Олий Мажлис Раисининг тақдимномаси бўйича Олий Мажлис Кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан бўшатилади.

6. Республика бюджети маблағлари амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини молиялаш манбалари деб белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафталик муддат ичида амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини ташкил этиш ва унинг фаолиятини моддий таъминлаш юзасидан қарор қабул қилсин.

8. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиғига киритилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлисининг Раиси**

**Э.Халилов**

**Тошкент шаҳри, 1996 йил, 3 декабрь.  
№ 322-1**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги  
қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг**

**УСТАВИ**

**1. Умумий қондалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти (матнда бундан буён Институт деб юритилади) илмий-тадқиқот муассасасидир.

Институт ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ҳамда ушбу Уставга мувофиқ олиб боради.

2. Институт ўз мол-мулкига эга бўлган юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси банкларида миллий ва хорижий валютага ҳисоб варақаларга, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби туширилган муҳрга ҳамда ўз фаолияти учун зарур бошқа белгиларга эга бўлади.

Институт ўз номидан шартномалар тузиши, мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни қўлга киритиши, зиммасига вазифалар олиши ҳамда судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Институт ўз мажбуриятлари юзасидан ўз мол-мулки билан жавоб беради.

3. Институтнинг давлат тилидаги тўлиқ расмий номи - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти.

**II. ИНСТИТУТНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТ  
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

4. Институтнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:  
амалдаги қонун ҳужжатларини ҳамда уларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормаларга мувофиқлигини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини демократия ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий нормаларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

қонунчилик иши механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий тадқиқий тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, шунингдек амалдаги қонун-ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

институтлар ва халқаро ташкилотлар билан Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари мониторинги соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш;

қонун лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш, шу жумладан хорижий экспертлар ва институтларни жалб этган ҳолда шундай экспертизалар ўтказиш;

амалдаги қонунларнинг рўёбга чиқарилиши ва уларнинг ижросини назорат қилиш механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

қонунчилик ишлари юзасидан жорий ва истиқболга мўлжалланган режалар ҳамда дастурларга доир таклифлар ишлаб чиқиш.

5. Юқорида санаб ўтилган вазифаларни бажариш учун Институт:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссиялари билан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

давлат илмий-техника дастурлари доирасидаги тадқиқотларнинг асосий йўналишларини, Институтнинг илмий-тадқиқот ишлари режаларини рўёбга чиқаради;

қонунчилик фаолиятининг долзарб муаммоларини илмий тадқиқ этиш соҳасида, шу жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасида республикадаги илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари билан, уларнинг идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ўзаро ҳамкорликни амалга оширади;

халқаро ташкилотлар, хорижий илмий-тадқиқот, маслаҳат ва ўқув марказлари, олимлар ва мутахассислар билан илмий ва амалий алоқалар ўрнатади, алоқаларни ривожлантиради ва мустаҳкамлайди, улар билан ҳамкорлик шартномаларини тузади;

халқаро ҳуқуқнинг амалдаги нормалари, шу жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги нормалари маълумотларининг банкени шакллантиради;

республика ва хорижий давлатларнинг олимлари ҳамда мутахассислари иштирокида муаммоли, аниқ мақсадга қаратилган илмий мунозаралар, конференциялар, симпозиумлар ўтказиш;

ҳалқаро ҳуқуқ нормаларининг ўрганилиши ва таққосланишини ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлатларaro шартномаларга Ўзбекистоннинг қўшилиши юзасидан таклифлар тайёрланишини таъминлайди;

қонун лойиҳалари юзасидан таклифлар тайёрлайди ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларга риоя этиши нуқтаи назаридан қонунларнинг экспертизасини ўтказиш.

### III. ИНСТИТУТНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

6. Институт ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқий муносабатларга ўз номидан киришиш;

Институт ваколат доирасига кирувчи муаммолар юзасидан мувофиқлаштирувчи, илмий-маслаҳат ва бошқа кенгашлар, идораларaro эксперт комиссиялари тузиш, шунингдек махсус йиғилишлар чиқариш;

амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги соҳасида таклифлар, хулосалар ва таҳлилий материаллар тайёрлаш учун заруратга қараб олимлар, мутахассислардан муваққат ишчи гуруҳлари тузиш;

тегишли халқаро ва хорижий ташкилотлар билан белгиланган тартибда мутақобиллик асосида керакли ахборот алмашувини ўтказиш;

ўз фаолиятини молиялаш учун Институт олаётган бюджетдан ташқари маблағлардан, шу жумладан валюта маблағларидан қонунда белгиланган тартибда фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳужжатларини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидан, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар, корхоналар ва ташкилотлар, ҳокимликлардан йўриқнома йўсинидаги ҳисобот, ахборот ва таҳлилий материалларни белгиланган тартибда олиш;

шартнома асосида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, олинган даромадни Институт ходимларини моддий рағбатлантиришга, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, ижтимоий масалаларни ҳал этишга сарфлаш;

банкларда ҳисоб варақалар очиш ва улар бўйича тегишли операциялар ўтказиш.



#### IV. ИНСТИТУТНИ БОШҚАРИШ

7. Институтга директор бошчилик қилади, у Олий Мажлис Кенгаши томонидан, Кенгаш қарорини кейинчалик сессияда тасдиқлаш шарти билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан бўшатилади.

Директор давлат ҳокимияти ва бошқарувининг республика ҳамда маҳаллий органларида, қорхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда, жамоат бирлашмаларида, халқаро ташкилотларда Институт номидан иш кўради.

8. Институт директори:

Институтнинг фаолиятига раҳбарлик қилади;

ўзининг ваколат доирасига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади;

Институт ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

Институтга юкланган вазифалар бажарилиши ва ўз зиммасидаги вазифалар амалга оширилиши учун шахсан жавоб беради;

белгилаб қўйилган миқдор ва иш ҳақи фонди доирасида, Олий Мажлис Кенгаши билан келишилган ҳолда Институтнинг штат жадвалини тасдиқлайди;

Институтнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

Институтнинг ҳаражатлар сметасини тасдиқлайди;

Институтнинг ҳисобларини, услубий ва йўриқнома ишланмаларини тасдиқлайди;

Институт номидан шартномалар ва битимлар тузади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимлар билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни тўхтатади;

ходимларни рағбатлантириш ва тақдирлаш шакллари белгилайди, лавозим маошларига устама ва қўшимча ҳақлар белгилаб қўяди, ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш юзасидан қарорлар қабул қилади;

Институтнинг моддий бойликлари ва ундирилган маблағларини тасарруф этади, мол-мулкни бошқариш юзасидан қарорлар қабул қилади, молиявий, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳамда бошқа ҳужжатларни имзолайди, ишончномалар беради;

Институт ходимлари ўртасида лавозим вазифаларини тақсимлайди;

ўз ваколати доирасида бошқа масалаларни ҳал этади.

9. Институт директорининг ўринбосари директорнинг топшириғи бўйича унинг айрим вазифаларини бажаради ва у

бўлмаган ёки ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолда директор лавозимини вақтинча эгаллаб туради.

10. Бўлинмаларнинг бошлиқларини, муваққат ижодий жамоаларнинг раҳбарларини Институт директори тайинлайди.

11. Институтнинг асосий таркибий бўлинмалари қўйидагилардан иборат: бўлим, шўъба, аниқ муаммоларни ҳал этиш учун тузиладиган тадқиқот ишчи гуруҳи.

12. Институт доирасида Институт таъсис этадиган даврий нашрларнинг таҳрир ҳайъати ва таҳририяти ташкил этилиши мумкин.

#### **V. ИНСТИТУТНИНГ МОЛ-МУЛКИ, МУЛКИ ВА МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒЛАРИ**

13. Институтнинг мол-мулки асосий фондлар, муомаладаги маблағлар, шунингдек молиявий ресурслар ва молия билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан олинган бошқа моддий бойликлар ташкил этади.

Институт мол-мулкининг қиймати унинг мустақил балансида акс этилади.

14. Институт маблағлари:

Институт Уставда белгиланган фаолиятни амалга ошириши учун керакли бюджет маблағлари;

Давлат илмий-техника дастурлари рўйхатига киритилган илмий дастурларни молия билан мақсадли таъминлаш, танлов ишларини, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг буюртмалари асосида бажариладиган ишларни амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлардан ташкил топади.

#### **VI. ҲИСОБ ВА ҲИСОБДОРЛИК**

15. Институт ўз фаолияти натижаларининг бухгалтерия ҳисобини юритади, статистика ҳисобдорлигини олиб боради.

#### **VII. ИНСТИТУТ УСТАВИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ**

16. Институт Уставига ўзгартишлар ва қўшимчаларни Олий Мажлис Кенгаши кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида тасдиқлаш шарти билан киритиши мумкин.

## **VIII. ИНСТИТУТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ**

17. Институтни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш, қайта тузиш) ёки тугатиш Олий Мажлис Кенгашининг қарори асосида кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида тасдиқлаш шarti билан амалга оширилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини тузиш тўғрисида\*

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирли воситасини барпо этиш, ҳалқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва барча аҳолининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини ошириш мақсадида, БМТнинг инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини демократиялаштиришни қўллаб-қувватлаш дастурига мувофиқ:

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тузилсин.

Белгилаб қўйилсинки, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази давлатга қарашли, таҳлил, маслаҳат, идоралараро ва мувофиқлаштириш органи ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг асосий вазифалари деб белгилансин:

миллий ҳаракат режасини, шунингдек, Конституция, қонунлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари қоидаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш;

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва бу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилиниши юзасидан миллий маърузалар тайёрлаш;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича жамоат бирлашмаларига маслаҳатлар бериб туриш фаолиятини амалга ошириш;

давлат органларининг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида таҳсил бериш, тарғибот, ўқув-услубий адабиётларни нашр этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича маълумотларнинг ахборот базасини барпо этиш;

---

\* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, Тошкент, 1996 йил октябрь, № 10, 11-13-бетлар.

давлат органларининг инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва бу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан уларга тавсиялар тайёрлаш;

инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилишнинг турли жиҳатлари юзасидан тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳуқуқий шахс бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тайинланадиган директор бошчилик қилади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг ўринбосари бу лавозимга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади.

4. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг фаолияти молиявий жиҳатдан республика бюджетидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини сақлаб туриш учун харажатлар моддаси бўйича ажратиладиган маблағдан, шунингдек, турли хайрия бадаллари ҳисобидан таъминланади.

5. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бўшаб қолган маблағни марказнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга ва ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга сарфлаш шarti билан беш йилгача солиқлар, божхона тўловлари ва йиғимларини тўлашдан озод қилинсин.

6. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясининг материаллари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ва йўриқномалари юборилиши шарт бўлган ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

7. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига ўзбек, рус ва инглиз тилларида «Ўзбекистонда демократиялаш ва инсон ҳуқуқлари» махсус журналинини нашр этишга рухсат берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг сўровига мувофиқ республикада инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, амалга ошириш ва муҳофаза қилиш масалалари бўйича зарур ахборотни тақдим этсинлар.

9. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, Матбуот давлат қўмитаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Давлат телерадиокомпанияси Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига халқаро алоқаларни амалга оширишда, хориждаги турдош ташкилотлар билан алоқа ўрнатишда,

халқаро ташкилотлар билан инсон ҳуқуқлари соҳасида битимлар тузишда ёрдам кўрсатсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафталик муддатда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

**Тошкент шаҳри. 1996 йил 31 октябрь,  
ПФ № 1611.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида\*

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланиб ва ўзбек ёзувининг лотин алифбосига ўтилган 1929-1940 йиллардаги ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик вакиллари билдирган истак-хоҳишларни инобатга олган ҳолда республиканинг ҳар тарафлама камол топишини ва жаҳон коммуникация тизимига киришини жадаллаштирувчи қулай шароит яратишга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасида лотин ёзувига асосланган, қуйидаги 31 ҳарф ва 1 тутуқ белгиси (апостроф)дан иборат ўзбек алифбоси жорий этилсин:

**2-модда.** Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий этиш билан бирга Ўзбекистон халқининг миллий ифтихори бўлмиш бебаҳо маънавий мерос битилган араб алифбосини ва кириллицани ўрганиш ва улардан фойдаланиш учун зарур шароитлар сақланиб қолинади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И.КАРИМОВ.**

**Тошкент шаҳри, 1993 йил 2 сентябрь,  
№ 931-ХII.**

---

\* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, Тошкент, 1993 йил. № 9, 55-58-бетлар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

**“Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Янги алифбога босқичма-босқич ўтилиб, бу иш 2000 йил 1 сентябрга қадар тўлиқ тугатилсин.

3. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш бўйича республика давлат комиссияси ташкил этилсин (таркиби илова қилинади).

Республика давлат комиссияси:

уч ойлик муддат ичида мактабгача тарбия болалар муассасаларида, мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртлирида, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва жамоат бирлашмаларида янги алифбога босқичма-босқич ўтишнинг давлат дастури ва тартибини ишлаб чиқилсин ва уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига тақдим этсин;

1993-1994 йиллар давомида ўзбек арфографиясининг янги қоидаларини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига тақдим этсин;

“Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Олий Кенгашнинг ушбу Қарорини рўёбга чиқаришда давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг республика ҳамда маҳаллий органларига услубият ва ахборот бобида мунтазам равишда ёрдам кўрсатиб борсин;

республика ва маҳаллий бошқарув органларининг янги алифбосини жорий этиш юзасидан қилинаётган ишлар тўғрисидаги ахборотларини мунтазам тинглаб борсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги янги алифбога босқичма-босқич ўтишнинг давлат дастури ва тартиби асосида;

лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини амалга жорий этишга доир аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

1995 йил 1 сентябрдан эътиборан мактабгача тарбия болалар муассасаларида ва умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида



янги алифбо бўйича машғулотлар ўтказишни, қолган синфларида эса факультатив машғулотлар ташкил этишни таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси 1995 йил 1 августига қадар лотин ёзувиг асосланган ўзбек алифбосини ўрганиш учун керакли дарсликлар ва бошқа қўлланмалар нашр этилишини таъминласин.

6. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимлари Республика давлат комиссияси билан келишилган ҳолда лотин ёзувиг асосланган ўзбек алифбосини босқичма-босқич жорий этишга доир дастурни амалга ошириш бўйича комиссиялар тузсинлар.

7. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари, жамоат бирлашмаларининг республика органлари, шу жумладан тасарруфларидаги корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ҳам ходимларга янги алифбони ўргатишни ташкил этиш ҳамда бунинг учун керакли дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва техника воситалари билан таъминлаш юзасидан махсус ишчи гуруҳлари тузсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, янги алифбони жорий этишга доир барча ҳаражатлар мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан (бюджет ташкилотлари бундан мустасно) амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

1994 йилги ҳамда ундан кейинги йилларга мўлжалланган Давлат бюджетини шакллантириш чоғида янги алифбони жорий этиш мақсадида зарур бўладиган маблағларни бюджетдаги ташкилотлар учун - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрига ажратилишини назарда тутсин;

1993-1995 йиллар давомида лотин ёзувиг асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш билан боғлиқ тадбирларни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг ҳамда корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар ва ўқув юртларида янги алифбони факультатив тарзда ўрганишни ташкил этишнинг биринчи галдаги масалаларини ҳал этсин;

ушбу Қарор бажарилишининг бориши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашини мунтазам хабардор қилиб турсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги амалдаги қонун ҳужжатларини “Лотин ёзувиг асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқлаштириш юзасидан таклифлар тайёрласин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасига тақдим этсин.

10. Янги алифбога тўлиқ ўтилган пайдан, яъни 2000 йилнинг 1 сентябридан эътиборан 1940 йил 8 майда қабул қилинган “Ўзбек ёзувини латинлаштирилган алифбедан рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбесига кўчириш тўғрисида”ги (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1940 йил, №4) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий  
Кенгашининг Раиси**

**Ш.ЙЎЛДОШЕВ**

**Тошкент шаҳри, 1993 йил 2 сентябрь,  
№ 932 - XII.**

# Ўзбекистон Судьялар Ассоциацияси

## У С Т А В И

### I боб. Умумий қондалар

**1-модда.** Ўзбекистон Судьялар Ассоциацияси Ўзбекистон Республикаси судьяларининг ихтиёрий жамоат бирлашмаси бўлиб, унинг қароргоҳи Тошкент шаҳрида жойлашган.

Ассоциация Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида ўзининг филиалларига эга бўлиши мумкин.

**2-модда.** Ассоциация Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, қонун йўл қўйган ҳолларда эса чет элларда ҳам ўз вакиллари орқали фаолият кўрсатади.

**3-модда.** Ассоциация ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва ушбу Устав асосида амалга оширади.

**4-модда.** Ассоциация ўз мулки ва маблағига эга бўлиш, уставда назарда тутилган мақсадларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси ва чет элларда Ўзбекистон Республикаси қонунларида тақиқланмаган шартномалар тузиш ҳуқуқига эга.

Ассоциация ўз фаолиятида фойда олиш мақсадларини назарда тутмайди.

**5-модда.** Ассоциация ихтиёрийлик, ўз-ўзини бошқариш, демократия, қонунийлик, ошкоралик ва ўз аъзолари олдида ҳисобдорлик тамойилларига риоя қилган ҳолда фаолият кўрсатади.

**6-модда.** Ассоциация мустақил юридик шахс бўлиб, банкда ўз ҳисоб-китоб рақамига, “Ўзбекистон судьялар Ассоциацияси” деб ёзилган юмалоқ муҳрга эга.

**7-модда.** Ассоциация Съезд томонидан тасдиқланадиган ва тегишли тартибда қайд қилинадиган ўз рамзига эга бўлади.

### II боб. Ассоциациянинг асосий мақсад ва вазифалари

**8-модда.** Ассоциациянинг асосий мақсади ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- а) суд-ҳуқуқ ислоҳотини ўтказишда фаол иштирок этиш;
- б) одил судловни амалга оширишда қонун устуворлигини таъминлаш борасида судьяларни қўллаб-қувватлаш, уларни турли тазйиқлардан ҳимоя қилиш;
- в) судлар мустақиллигини кучайтириш ва суд ҳокимиятининг ҳокимиятнинг бошқа тармоқларидан мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш;
- г) судьяларни тайинлаш (сайлаш) ва қайта тайинлаш (сайлаш) масалаларида таклиф киритиш;
- д) судьяларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий таъминотини яхшилаш ва рағбатлантириш масалалари юзасидан ваколатли органларга таклиф киритиш;
- е) давлат, жамоат ва бошқа ташкилотлар ҳамда муассасалар ишида ўз аъзолари номидан иштирок этиш;
- ж) одил судловни сифати ва самарадорлигини ошириш масалаларини кўришда иштирок этиш;
- з) Ассоциация мақсадларига хизмат қилувчи қонун ва меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органларига тақдим этиш;
- и) Ассоциация фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган ва бошқа органларга муурожаат қилиш;
- к) нодавлат халқаро жамоатчилик ташкилотларига аъзо бўлиш ва улар таркибида фаолият кўрсатиш;
- л) суд фаолиятига фан-техника ва илғор тажриба ютуқларини жорий қилишга ёрдамлашиш;
- м) судьялар, судьяликка номзодлар учун ўқув ва амалий машғулотлар ташкил қилишга ёрдамлашиш;
- н) амалиётдан келиб чиққан ҳолда аҳоли ўртасида қонунларни тарғиб қилиш ишларида иштирок этиш;
- о) қонунда белгиланган тартибда матбуот органига эга бўлиш;
- п) Ассоциация ўз мақсад-вазифаларини амалга оширишда қонун ва Устав билан тақиқланмаган бошқа фаолиятлар билан ҳам шугулланиш ҳуқуқига эга.

### **III боб. Ассоциация таркиби ва бошқарув органлари**

**9-модда.** Ассоциация таркибини унинг Марказий органи ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузиладиган филиаллари ташкил қилади.

**10-модда.** Ассоциациянинг олий органи камида икки йилда бир марта чақириладиган Съезддир.

Навбатдан ташқари Съезд Марказий Кенгаш ташаббуси билан, Ассоциация филиаллари ёки аъзоларининг учдан бир қисмининг талаби билан чақирилиши мумкин.

Съезднинг чақирилиш вақти, жойи ва кун тартиби ҳақида Марказий Кенгаш томонидан Съезд ўз ишини бошлайдиган кундан камида бир ой илгари хабар қилинади. Съездда қатнашувчи делегатлар сони Марказий Кенгаш томонидан белгиланади.

**11-модда.** Съезд сайланган депутатларнинг учдан икки қисми қатнашган ҳолда ваколатли ҳисобланади. Барча қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Уставга ўзгартириш киритиш ва Ассоциацияни тугатиш ҳақидаги қарор Съездда қатнашаётган делегатларнинг учдан икки қисмининг овози билан қабул қилинади. Овоз бериш тартиби съезд томонидан белгиланади.

**12-модда.** Съезднинг мутлоқ ваколатларига қуйидагилар киради:

- а) Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- б) Кенгаш аъзоларини ҳамда бир вақтнинг ўзида Марказий Кенгаш ва Ассоциация раисини сайлаш;
- в) Тафтиш қўмитасини сайлаш;
- г) Марказий Кенгаш ва тафтиш қўмитасининг ҳисоботларини тинглаш;
- д) Ассоциациянинг халқаро ташкилотларига кириш ёки улардан чиқиш тўғрисидаги шартнома ва қарорларни тасдиқлаш;
- е) Ассоциацияни қайта ташкил этиш ва уни тугатиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш.

**13-модда.** Съездлар орасида Ассоциациянинг ижро органи бўлиб, Съезд томонидан тўрт йил муддатга, муқобиллик асосида, яширин овоз бериш йўли билан сайланадиган Марказий Кенгаш ҳисобланади. Марказий Кенгаш 25 кишидан иборат таркибда ташкил қилиниб, ҳақ олиб ишлайдиган раис, унинг биринчи ўринбосари ва жамоатчилик асосида ишлайдиган ўринбосар (Қорақалпоғистон Республикаси вакили) ва аъзолардан иборат бўлади. Кенгаш ўз фаолиятини таъминлаш учун меҳнат қонунига асосланган ҳолда ходимлар ёллаши мумкин.

Марказий Кенгаш таркибига Республика идораларининг раҳбарлари сайланиши мумкин эмас.

**14-модда.** Марказий Кенгаш бир йилда камида 4 маротаба йиғилиш ўтказди. Марказий Кенгаш мажлисида Кенгаш аъзоларининг ярмидан кўни қатнашаётган бўлса, у қарор қабул қилишга ваколатли бўлади.

**15-модда.** Марказий Кенгашнинг ваколат ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) Съездга тайёргарлик кўриш ва Съезд қарорларининг ижросини таъминлаш;

б) Съездлар орасида Ассоциация фаолиятига раҳбарлик қилиш;

в) Ассоциация номидан шартномалар тузиш;

г) Ассоциациянинг молиявий ва хўжалик масалаларини ҳал қилиш;

д) Съездда тасдиқлаш учун Ассоциациянинг даромадлар ва ҳаражатлар ҳақидаги ҳисоботини тайёрлаш;

е) Уставдан келиб чиқадиган ҳамда Съезднинг мутлоқ ваколатига кирмайдиган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

**16-модда.** Марказий Кенгашнинг молиявий ва хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Ассоциация Съезди Тафтиш қўмитаси тузади. Тафтиш қўмитаси раис ва 6 аъздан иборат таркибда ташкил қилинади.

**17-модда.** Марказий Кенгаш фаолияти йилига камида икки марта тафтиш қилиниб, натижалари ҳақида Съездда ахборот берилади.

**18-модда.** Марказий Кенгаш раисининг ваколатларига қуйидагилар киради:

а) Съезд ва Марказий Кенгаш мажлисларида раислик қилиш;

б) Марказий Кенгаш фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш;

в) Давлат органларида, бошқа ташкилот ва муассасаларда ҳамда чет элларда ассоциация номидан иш олиб бориш;

г) Ассоциация номидан шартномалар тузиш;

д) Ассоциация манфаатлари учун зарур бўлган баъзи бир вазифаларни бажариш учун ассоциациянинг бошқа аъзоларига ваколат бериш.

**19-модда.** Марказий Кенгаш раиси ўринбосари ваколатларига қуйидагилар киради:

а) Марказий Кенгаш идора тизимига ташкилий раҳбарлик қилиш;

- б) Марказий Кенгашнинг молиявий фаолиятини таъминлаш;
- в) Ассоциация фаолиятини таъминлаш мақсадида ходимлар ёллаш масаласида Марказий Кенгаш раисига таклифлар киритиш;
- г) Марказий Кенгаш раиси йўқлигида унинг ваколатларини амалга ошириш;
- д) Марказий Кенгаш раиси томонидан унинг зиммасига юклатилган бошқа вазифаларни бажариш.

**20-модда.** Филиалнинг юқори органи унинг барча аъзолари қатнашадиган йилига камида бир марта чақириладиган конференциядир. Конференция Ассоциация Съезди ва унинг ижро органи - Марказий Кенгашнинг мутлоқ ваколатига кирадиган масалалардан ташқари барча масалаларни кўриб чиқишга ҳақли.

**21-модда.** Конференция филиал кенгаши ва раисини сайлайди. Кенгаш аъзолари сонини конференция белгилайди. Филиал раиси бир вақтнинг ўзида Кенгаш раиси бўлиб ҳам ҳисобланади.

Кенгаш раиси тўрт йил муддатга сайланади. Кенгаш навбатдаги конференцияни ўтказиш билан боғлиқ тайёргарлик ҳамда конференция қарорларини ижро қилиш ишларини олиб боради.

Кенгаш таркибига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри суд ҳамда адлия идоралари раҳбарлари сайланиши мумкин эмас.

**22-модда.** Филиал Кенгаши мажлислари заруриятга қараб, лекин бир йилда камида икки марта ўтказилади. Кенгаш қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

**23-модда.** Конференцияни чақириш, унинг ўтказиладиган жойи ва кун тартибини Кенгаш ўз аъзоларига камида 10-15 кун илгари маълум қилади.

**24-модда.** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судьяларининг биринчи конференцияси Ўзбекистон Республикаси судьялари Ассоциацияси таъсис съезди бўлиб ўтгач бир ой ичида чақирилади.

#### **IV боб. Ассоциацияга аъзолик**

**25-модда.** Ассоциацияга Ўзбекистон Республикаси судларининг судьялари ва илгари судья бўлиб ижобий ишлаган шахслар аъзо бўлиши мумкин.

**26-модда.** Ассоциацияга аъзо бўлиш ихтиёрий бўлиб, тегишли филиал Кенгашига ёзма ариза бериш йўли билан амалга оширилади. Ассоциацияга аъзоликка қабул қилиш рад этилган ҳолларда Марказий Кенгашига шикоят билан мурожаат қилиш мумкин.

**27-модда.** Ассоциация аъзоси Ассоциацияга аъзо бўлиб кириш чоғида энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида кириш бадали ва ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида аъзолик бадали тўлайди. Ассоциация аъзоси, ўзининг хоҳишига кўра, бир йиллик аъзолик бадалини бирданига тўлаш ҳуқуқига эгадир.

**28-модда.** Ассоциация аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) Ўзбекистон судьялар Ассоциацияси Съездида делегат бўлиш, унинг раҳбарий органларига сайланиш ва сайлаш;
- б) Ассоциация Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида таклиф бериш;
- в) Ассоциация органларига ҳуқуқий характердаги ёрдам сўраб мурожаат қилиш;
- г) Кенгаш йиғилишларида маслаҳат овози билан қатнашиш;
- д) Ассоциацияга аъзоликдан ўзи истаган вақтда чиқиш.

**29-модда.** Ассоциация аъзосининг бурчлари қуйидагилардан иборат:

- а) аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаш;
- б) Ассоциация ишларида қатнашиш;
- в) Ассоциацияга нисбатан ўзига олган бошқа мажбуриятларни бажариш.

**30-модда.** Ассоциацияга аъзолик қуйидаги асосларга кўра тугатилиши мумкин:

- а) Ассоциациядан ихтиёрий чиққанда;
- б) Ассоциация аъзоси вафот этганда;
- в) аъзолик бадалларини бир йил тўламаганда;
- г) унга нисбатан қонуний кучга кирган айблов ҳукми бўлганда;
- д) судьялик шаънига доғ туширган ҳолларда.

Ассоциация аъзолигидан чиқариш масаласи филиал Кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, Конференция муҳокамасига киритилади.

#### **V боб. Ассоциациянинг мулки ва унинг фаолиятини молиялаштириш**

**31-модда.** Ассоциация қонунда белгиланган тартибда ўз биноси, иншоотлари, асраҳалари, техникаси, пул маблағлари ва бошқа



мулкларга эга бўлиш ҳуқуқига эга, ҳамда унинг барча мулклари Ассоциациянинг ўз олдига қўйган вазифаларини бажаришга хизмат қилади.

**32-модда.** Ассоциация аъзолигидан чиққан шахсга у тўлаган Ассоциация аъзолигига кириш ва аъзолик бадаллари қайтарилмайди.

**33-модда.** Ассоциациянинг пул маблағлари қонун билан тақиқланмаган ҳамда одил судловни амалга оширишга таъсир қилмайдиган бошқа фаолиятлар билан шуғулланишдан келиб тушадиган тушумлардан ҳам иборат бўлиши мумкин.

#### **VI боб. Ассоциация Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби**

**34-модда.** Ассоциациянинг Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қарор Съезд томонидан делегатларнинг учдан икки қисми овози билан қабул қилинади. Ассоциация Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги таклифлар шу масала кўрилишидан бир ой илгари Ассоциация аъзоларига маълум қилиниши лозим.

Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қарор қайд қилиш учун қонунда белгиланган тартибда Адлия вазирлигига тақдим қилинади.

**35-модда.** Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги таклиф Ассоциация аъзоларининг ярмидан кўпи томонидан маъқулланган тақдирда Съезд муҳокамасига киритилади.

#### **VII боб. Ассоциацияни тарқатиш ва қайта ташкил қилиш тартиби**

**36-модда.** Ассоциация унинг олий органи - Съезднинг қарори билан тугатилиши ёки қайта ташкил қилиниши мумкин. Ассоциацияни тугатиш ёки қайта ташкил қилиш ҳақидаги таклифлар съезд ўз ишини бошлашдан камида бир ой илгари Ассоциация аъзоларига маълум қилинади ва уларнинг кўпчилиги бу таклифни маъқуллаган тақдирда Марказий Кенгаш томонидан Съезд муҳокамасига киритилади.

**37-модда.** Ассоциация тугатилган тақдирда унинг мулки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига белгиланган тартибда тасарруф этилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯНИ ЯХШИЛАШ, АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ҲУҚУҚШУНОС КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ ИШИНИ ЯХШИЛАШ ҲАҚИДА

Ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш, маънавий ва маданий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш, амалга оширилаётган ислохотларни янги мазмун билан бойитиш, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамиятнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш борасидаги ишларни яхшилаш мақсадида:

1. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгилансин.

Республикада ҳуқуқий давлат қурилиши йўлида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотлар ва бу борада қабул қилинган қонунлар моҳиятини аҳоли чуқур англаб етишига ҳар томонлама қўмаклашиш - давлат бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг энг долзарб вазифалари эканлиги кўрсатилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, Хотинқизлар қўмитаси, "Камолот" жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги инсон ҳуқуқлари бўйича ва бошқа бир қатор манфаатдор ташкилотларнинг "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказини тузиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2.1. Жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази давлатта қарашли бўлмаган (нодавлат) мустақил илмий-тадқиқот муассасаси эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Марказнинг Низомида қуйидаги асосий вазифалари белгиланганлиги эътиборга олинсин:

- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиниши, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш муаммолари, шунингдек ижтимоий муносабатлар ривожининг бошқа долзарб масалалари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш;

- мамлакат ижтимоий, иқтисодий ҳаёти, давлат сиёсати ва ҳукумат фаолияти тўғрисидаги жамоатчилик фикрини умумлаштириш ва таҳлил этиш;

- ислоҳотларнинг долзарб муаммолари, аҳолининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий идораларининг қарорларини тушунишлари юзасидан жамоатчилик фикрининг устувор йўналишларини аниқлаш;

- кишилар дунёқарашининг шаклланишидаги асосий йўналишлар, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий онгининг ҳолати ва мазмунини аниқлаш;

- аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий маданияти савиясини ўрганиш ва уларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш;

- жамоатчилик фикрини ўрганишнинг услубий асосларини такомиллаштириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил қилиш;

- ижтимоий тадқиқотлар ўтказишнинг илмий-услубий талабларига мувофиқ, жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича сўровлар ўтказиш.

2.2. Жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказига "Ўзбекистонда жамоатчилик фикри" махсус даврий журнални ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр қилишга рухсат берилсин.

2.3. Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказига хориждаги шу йўналишда иш юритувчи ташкилотлар билан халқаро алоқаларни амалга ошириш, унинг сўровларига мувофиқ тегишли ахборотларни тақдим қилиш борасида ёрдам кўрсатсинлар.

2.4. "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиялари ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг

меъерий ҳужжатлари ва статистик тўшамлари мажбурий равишда юборилувчи ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

3. Тошкент давлат юридик институти ҳузурида ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари ҳузурида унинг минтақавий бўлимлари тузилсин.

Туман (шаҳар) ҳокимлари қошида жамоатчилик асосида ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказининг бўлимлари ташкил қилинсин.

3.1. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказининг асосий вазибалари ва фаолият йўналишлари қуйидагича белгилансин:

- мамлакатда ҳуқуқий таълимни ташкил қилишга ёрдамлашиш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, ҳуқуқий соҳадаги таълим ишларини услубий жиҳатдан таъминлаш;

- аҳоли турли ижтимоий гуруҳларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий турларини татбиқ этиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш;

- аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида янги қонунчилик ва меъерий ҳуқуқий ҳужжатларни даврий умумлаштирилишини амалга ошириш ҳамда уларни Марказнинг минтақавий бўлимларига етказиш;

- ҳуқуқий таълимнинг ҳолатини умумлаштириш ва таҳлил қилиб бориш, уларни яхшилаш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш;

- жойларда ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш.

3.2. Вазирликлар ва идоралар ўзларининг таълим борасидаги ишларини ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази билан мувофиқлаштирсинлар, унинг сўровларига кўра лекциялар ўқиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун тегишли мутахассисларни ажратиб, ҳар томонлама кўмак берсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш Маркази тузилсин, мазкур Марказда адлия, суд, прокуратура, адвокатура, давлат бошқаруви идоралари, мулкчилик туридан қатъи назар,

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг ўқитилиши кўзда тутилсин.

4.1. Қуйидагилар Юристлар малакасини ошириш Марказининг асосий вазифалари қилиб белгилансин:

а) ҳуқуқшунос кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

б) ҳуқуқ соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш, ҳуқуқшунослар орасида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш борасида тавсияларни ишлаб чиқиш ва тақдим қилиш;

в) ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан алоқаларни амалга ошириш.

4.2. Юристлар малакасини ошириш маркази фаолиятини молиявий таъминлаш республика бюджетининг давлат ҳокимияти ва бошқарувига ажратилаётган маблағлари ҳисобига амалга оширилсин.

4.3. Марказга ўқув ва тадқиқот ишларини амалга ошириш учун республика ва чет эл илмий марказларининг кўзга кўринган олимларини, тажрибали амалиётчиларини ўриндошлик ёки алоҳида шартномалар тузиш йўли билан жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

4.4. Юристлар малакасини ошириш Маркази Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва формайишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ва статистик тўпламлари мажбурий равишда юборилувчи ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддат ичида Адлия вазирлиги тизимида фуқароларнинг адлия ва суд идоралари ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари устидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқадиган алоҳида бошқарма тузиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

6. Адлия вазирлиги Давлат матбуот кўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг республика аҳолиси учун илмий-оммабоп ҳуқуқий адабиётларни нашр қилишни кенгайтириш борасида фаолияти дастурини ишлаб чиқсин (мавзули дастурлар ҳам шу жумлада).

6.1. Аҳолига сотиладиган ҳуқуқий илмий-оммабоп адабиётлар ва кўرғазмали қўлланмалар қийматининг 50 фоизи давлат бюджети ҳисобидан қопланиши белгилансин.

6.2. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ҳузурида илмий-оммабоп ҳуқуқий адабиётларни чиқариш бўйича идоралараро республика мувофиқлаштирувчи-услубий Кенгаши тузилсин.

6.3. Мазкур Кенгашга нашр қилишга тавсия қилинган ҳуқуқий адабиётларни илмий-оммабоп адабиётлар мақомига киритиш ҳуқуқи берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу Фармоннинг бажарилиши юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти            И.Каримов**

**Тошкент шаҳри, 1997 йил 25 июнь**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДА  
ФУҚАРОЛАРНИНГ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ БУЗИЛИШИ ЮЗАСИДАН  
ШИКОЯТ ВА АРИЗАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ БОШҚАРМАСИНИ  
ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги 1997 йил 25 июндаги Фармониغا биноан, инсон ҳуқуқлари кафолатларини янада кенгайтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, ижтимоий адолатни қарор топтириш, фуқаролар ҳуқуқларининг поймол қилиниши ҳолларини олдини олишни таъминлашда адлия ва суд органлари ходимларининг масъулиятини ошириш, уларнинг фуқароларнинг қонуний талаб ва эҳтиёжларига эътиборини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати таркибида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари адлия бошқармалари таркибида Фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиши юзасидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бошқармаси ва гуруҳлари ташкил этилсин.

Адлия вазирлиги 10 кун муддат ичида ушбу бошқарманинг Низомини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

2. Шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш бошқарма ва гуруҳларининг вазифалари қуйидагича белгилансин:

- фуқароларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинишига йўл қўймаслик, бу хусусдаги ариза ва шикоятларни диққат-эътибор билан ҳар томонлама ҳолисона кўриб чиқиш;

- ариза ва шикоятларни Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига тўла риоя қилган ҳолда кўриб чиқишни таъминлаш, бу масалада сансалорлик, расмиятчиликка ва тўрачиликка йўл қўймаслик, кўрилган шикоятлар юзасидан қабул қилинган қарорлар ҳақида фуқароларга ёзма ёки оғзаки тарзда маълум қилиш, ўринли бўлмаган масалалар юзасидан тушунтириш ишларини амалга ошириш;

---

\* Халқ сўзи, 1997 йил, 11 июль.

• қонунчиликнинг бузилиши ҳолатлари юзасидан тушган шикоятларни жойларда мутасадди ташкилотлар ва мутахассислар билан биргаликда текшириб адолатли қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чораларини кўриш, қонунчиликнинг бузилиши ҳолатларини келтириб чиқариш сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилиш;

• адлия тизимидаги идораларнинг шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолиятини ўрганиш ва бу борадаги ишларни умумлаштириш, шу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш.

3. Адлия вазирлиги, унинг жойлардаги бошқармалари фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиш ҳолатларига тегишли муурожаатларини кўриб чиқиш натижаларини ҳайъатда муҳокамага киритиб асосли қарорлар қабул қилиши, белгиланган вазифаларнинг ижроси устидан назорат ўрнатиши, шунингдек, фуқароларни шикоят қилганлик учун таъқиб қилишга йўл қўймаслик, бу масалаларда раҳбар ходимларнинг масъулиятини ошириши муҳим эканлиги таъкидлансин.

4. Республика ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси, ҳокимликлар мутасадди идоралари қонунчиликнинг бузилиш ҳолатлари юзасидан кўрилган чора-тадбирлар жойларда соғлом маънавий-руҳий вазият ҳосил қилишини, қонуларимизга ҳурматли муносабатда бўлишни таъминласинлар.

5. Адлия вазирлиги, унинг бошқармаси ва жойлардаги гуруҳлари фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиши юзасидан шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолияти тўғрисида аҳоли турли табақаларини муттасил равишда хабардор қилиб турсинлар, бу борада оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берсинлар.

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясига ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларига фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиш ҳолатлари бўйича муурожаатларининг кўриб чиқилиши масаласини кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш масалалари тўғрисида” 1992 йил 12 ноябрдаги 523-сон қарорига тегишли ўзгартишлар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида ташкил этилаётган бошқармани таъминлаш учун зарур маблағлар ажратсин.



8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Фулломов зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил 10 июль

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ Қ А Р О Р И

### Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги 1997 йил 25 июндаги ПФ-1791-сонли Фармониға мувофиқ, ҳокимият ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг юқори малакали кадрларға бўлган эҳтиёжини қондириш, замонавий билимлар асосида ҳуқуқшунос ходимларнинг касбий тайёргарлигини ҳамда уларни қайта тайёрлашни тубдан яхшилаш, шунингдек, ҳуқуқшунослик соҳасидаги илмий-тадқиқотларнинг савиясини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида адлия ва суд органлари ходимларининг малакасини ошириш институти негизида Юристлар малакасини ошириш Маркази ташкил этилсин. Унинг тузилмаси, Устави тасдиқлансин.

2. Юристлар малакасини ошириш Маркази раҳбарияти директор ва унинг икки ўринбосаридан иборат таркибида тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Юристлар малакасини ошириш Марказида:

- адлия, суд, прокуратура, адвокатура ҳамда ҳокимият идоралари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар юридик хизматининг олий маълумотли ходимлари, шунингдек, ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари 3 ойлик курсда қайта тайёрланадилар ва малака оширадилар;

- ёш мутахассислар ва раҳбарлик лавозимиға заҳира олинган ходимлар 6 ойлик курсда ўқитиладилар;

- маълум тоифа кадрлар учун қисқа муддатли ўқишлар ташкил қилинади;

- ўқув курсини муваффақиятли тугатган тингловчиларға белгиланган намунадаги гувоҳнома ва уларнинг иш жойиға тавсифнома берилади;

---

\* Халқ сўзи, 1997 йил, 22 июль.

- ҳуқуқшунослар орасида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш борасида тавсиялар ишлаб чиқилади;
- ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари юзасида халқаро ташкилотлар билан алоқалар амалга оширилади;

- ҳуқуқшунослик соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини таҳлил қилиш, уларнинг савияси ва самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилади.

4. Марказ тингловчилари учун ўқиш давомида уларнинг асосий иш жойларидаги иш ҳақлари ва лавозимлари сақланиб қолинади. Жойлардан келган тингловчиларга амалдаги қонунчиликка мувофиқ суткалик, ўқиш манзилига келиш ва қайтиб кетиш харажатлари тўланади, шунингдек, улар ётоқхона билан таъминланадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур Марказда ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Марказнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларига республиканинг олий ўқув юртлири ва илмий-тадқиқот муассасаларида амалда бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари, бошқа ходимларга эса давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг амалдаги шартларига мувофиқ тариф ставкалари белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш Марказига шу йўналишдаги хорижий ва халқаро институтлар, ташкилотлар билан алоқаларни амалга оширишда ёрдам кўрсатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига:

1998 йилдан бошлаб ҳар йили Марказнинг буюртмасига мувофиқ, хорижий мутахассисларни ишга таклиф этиш, Марказ ходимларининг халқаро илмий-амалий анжуманларда иштирок этиши, шунингдек, даврий нашрларга обуна бўлишлари, хорижда чиқариладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларидан олишлари учун, шу жумладан, эркин алмаштириладиган валюталарда;

- Марказни асбоб-ускуналар, офис мебелли, ташкилий-техника воситалари билан жиҳозлаш ва транспорт воситалари олиш учун;

- Марказнинг фаолият кўрсатиши, шу жумладан, мазкур қарор шартларига мувофиқ, иш ҳақи, бино ва иншоотларни жиҳозлаш ҳамда капитал таъмирлаш, ўқув-услубий қўлланмалар ва илмий асарлар нашр эттириш учун тақдим қилинган ҳисоб-китобларга кўра, зарур маблағлар ажратиш топширилсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимияти 2 ой муддатда республика Юристар малакасини ошириш Марказига зарур бино ажратиб, ўқув жараёни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини амалга оширсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги белгиланган тартибда Марказни замонавий алоқа воситалари билан таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 19 январдаги “Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва судлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 18-сон Қарорининг 2-банди ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

12. Ушбу Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Фуломов зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
1997 йил 21 июль

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ҲУҚУҚИЙ МАЪРИФАТ ТАРҒИБОТИ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ  
ВА ҲУҚУҚИЙ АДАБИЁТЛАРНИ АҲОЛИГА ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ  
ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги 1997 йил 25 июндаги ПФ-1791 сонли Фармонига мувофиқ, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамият аъзоларининг ҳуқуқий фаоллигини ошириш, ислохотларни янги мазмун билан бойитиш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланганлигини инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Тошкент давлат юридик институти ҳузурида Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари ҳузурида унинг минтақавий бўлимлари ташкил этилсин. Марказнинг тузилмаси ҳамда Устави тасдиқлансин.

2. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қуйидагига белгилансин:

- мамлакатда ҳуқуқий таълим фаолиятини кучайтириш ва услубий жиҳатдан таъминлаш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш;

- аҳоли турли ижтимоий гуруҳларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий турларини татбиқ этиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш;

- аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида янги қонунчилик ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни даврий умумлаштириш, уларни аҳолига етказиш учун Марказнинг минтақавий бўлимларига юбориш;

- ҳуқуқий таълимнинг ҳолатини умумлаштириш ва таҳлил қилиб бориш, бу соҳани такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш;

- жойларда ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш;

- оммабоп ҳуқуқий адабиётларни, ўқув-услубий қўлланмаларни ва дарсликларни тайёрлашни мувофиқлаштириш;

---

\* Халқ сўзи, 1997 йил, 23 июл.

• аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва савиясини оширишга қаратилган ташкилий-тарғибий ишларда жамоат бирлашмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва илмий муассасалар билан ҳамкорлик қилиш.

3. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, суд, ички ишлар ва адлия идоралари, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Фанлар академияси Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказининг вазифаларини амалга оширишда унга яқиндан амалий ёрдам кўрсатсинлар.

4. Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик Маркази, Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот”, “Маҳалла” жамғармалари ва бошқа жамоат бирлашмаларига аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган тарғибий ишларни амалга ошириш тавсия этилсин.

Мазкур масала билан боғлиқ бўлган оммавий, маърифий, тарғибий-ташкилий ишларнинг Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилиши муҳим эканлиги таъкидлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказининг минтақавий бўлимларини зарур асбоб-ускуналар, офис мебелли, ташкилий-техника воситалари билан жиҳозлашда, ҳуқуқий тарғибот ишини юритишда яқиндан ёрдам кўрсатиш топширилсин.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари қошида жамоатчилик асосида Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказининг ҳудудий бўлимларини ташкил қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига топширилсин.

Ҳудудий-маърифат тарғиботи Марказининг туман (шаҳар)лардаги минтақавий бўлими ишини ташкил қилиш, ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш туман (шаҳар) ҳокимлари зиммасига юклатилсин.

6. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ва унинг минтақавий бўлимлари ходимларига давлат ҳокимияти органлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг амалдаги шартларига мувофиқ тариф ставкалари белгилансин.

7. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ҳузурида илмий-оммабоп ҳуқуқий адабиётларни чиқариш бўйича идоралараро республика мувофиқлаштирувчи-услубий кенгаш тузилсин.

Мазкур кенгашга нашр этишга тавсия қилинган ҳуқуқий адабиётларни илмий-оммабоп адабиётлар мақомига киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Республика Президенти фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис сессиялари ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ва статистик тўпламларини олувчи ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказини махфий бўлмаган босма асарлар ва китоб маҳсулотининг (ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, тарихий) назорат нусхалари юборилувчи ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

10. Оммабоп ҳуқуқий адабиётларни нашр этишни кўпайтириш ва уларни республика аҳолисига арзон нархларда сотишни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси мавжуд “Адолат” нашриёти моддий-техникавий негизини мустақкамлашга яқиндан ёрдамлашсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат матбуот кўмитаси, “Китоб савдоси” давлат ҳиссадорлик уюшмаси, “Матбуот тарқатиш уюшмаси” акциядорлик жамияти билан биргаликда ҳуқуқий илмий-оммабоп адабиётлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини аҳолига 50 фоиз арзонлаштирилган нархларда сотиш тартибларини ишлаб чиқиб тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги буюртмасига мувофиқ Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказини жиҳозлаш, транспорт воситалари олиш ва фаолиятини ташкил этиш учун зарур маблағлар ажратсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Фулломов зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
1997 йил 22 июль

**Ҳуқуқий маданият назарияси ўқув фани бўйича тавсия  
қилинадиган адабиётлар**

**Раҳбар адабиётлар**

- Каримов И.А.* Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.-  
Т., 1992.-78 б.
- Каримов И.А.* Ўзбекистон - келажаги буюк давлат.-Т., 1992.-62 б.
- Каримов И.А.* БМТнинг Бош Ассамблеяси 48-сессиясида  
Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг нутқи.-Т.,  
1993. -27 б.
- Каримов И.А.* Янги уй қурмай туриб эскисини бузманг.-Т., 1993.  
-112 б.
- Каримов И.А.* Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик.-Т., 1993.-48 б.
- Каримов И.А.* Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор  
йўналишлари.-Т., 1993. - 56 б.
- Каримов И.А.* Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг  
ўзига хос йўли.-Т., 1993. -128 б.
- Каримов И.А.* Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати.-Т.,  
1994. - 29 б.
- Каримов И.А.* Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий  
истиқболининг асосий тамойиллари.-Т., 1995.-76 б.
- Каримов И.А.* Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни  
чуқурлаштириш йўлида. -Т., 1995. -269 б.
- Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат,  
мафкура.-Т., 1996. -364 б.
- Каримов И.А.* Биздан обод ва озод Ватан қолсин.-Т.,1996.-380 б.
- Каримов И.А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -Т., 1996.-366 б.
- Каримов И.А.* Бунёдкорлик йўлидан. -Т., 1996. -349 б.
- Каримов И.А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. -Т.,  
1997. -387 б.
- Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка  
таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т., 1997.-  
326 б.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.,1992.-46 б.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги 1991 йил 31 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1991 йил. 11-сон. 246-модда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида”ги 1991 йил 31 август қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1991 йил. 11-сон. 245-модда.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997 йил. 9-сон. 227-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат байроғи тўғрисида”ги 1991 йил 18 ноябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил. 1-сон. 27-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги 1991 йил 20 ноябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил. 2-сон. 80-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги 1992 йил 2 июль қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил. 9-сон. 328-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролиги тўғрисида”ги 1992 йил 2 июль қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил. 9-сон. 338-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги 1997 йил 29 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1997 йил. 9-сон. 225-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида байрам кунлари тўғрисида”ги 1992 йил 3 июль қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил. 9-сон. 368-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги 1992 йил 3 июль қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил. 10-сон. 401-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Муқобил хизмат тўғрисида”ги 1992 йил 3 июль қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил. 2-сон. 434-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги 1992 йил 9 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил. 1-сон. 29-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мадҳияси тўғрисида”ги 1992 йил 10 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил. 1-сон. 52-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги 1993 йил 6 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил. 5-сон. 202-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги 1993 йил 7 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил. 5-сон. 232-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 1993 йил 7 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил. 6-сон. 252-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги 1993 йил 2 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил. 9-сон. 320-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги 1993 йил 2 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил. 9-сон. 322-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Логин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги 1993 йил 2 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил. 9-сон. 331-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги 1993 йил 2 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил. 10-сон. 367-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги 1994 йил 5 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994 йил. 5-сон. 127-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги 1994 йил қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994 йил. 5-сон. 140-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги 1995 йил 30 август қонуни // Халқ сўзи. 1995 йил. 12 сентябрь.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги 1995 йил 30 август қонуни // Халқ сўзи. 1995 йил. 12 сентябрь.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида”ги 1997 йил 30 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997 йил. 9-сон. 237-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги” 1997 йил 26 декабрь қонуни // Халқ сўзи. 1998 йил 20 январь.

### Махсус адабиётлар

*Абу Наср Форобий.* Фозил одамлар шаҳри.-Т., 1993. -224 б.

*Абзалов Э.М.* Правовая культура и правонарушения молодежи. - Ташкент, 1997. -21с.

*Аззамходжаев А.А.* Правовые основы государственной независимости Республики Узбекистан.-Ташкент, 1993.-96 с.

*Аграновская Е.В.* Правовая культура и обеспечение права личности.-М., 1988. -142 с.

*Адилқариев Х.* Новая Конституция - великий символ суверенности Узбекистана.-Ташкент, 1993.- 64 с.

*Алексеев С.С.* Общая теория права. Т.1. -М., 1982.-360 с.

*Балин Л.Е.* Правовое воспитание и предупреждение правонарушений органами внутренних дел.-Ташкент, 1977.-79 с.

*Головченко В.В.* Эффективность правового воспитания: понятие, критерии, методика измерения.- Киев, 1995.- 128 с.

*Гранин А.Ф.* Правовая культура работников учреждений внутренних дел.-Киев, 1969. -84 с.

*Джумабаев К.Н.* Становление демократического правового государства в Узбекистане. -Ташкент, 1997. -79 с.

*Зорченко Е.А.* Воспитание правовой культуры молодежи.-Минск, 1986.-79 с.

*Зокиров Х.* Правовая культура и правосудие.-Ташкент, 1998.-28 с.

*Ирмухамедов Б.А., Хасанов Б.В.* Происхождение и формирование узбекского народа.-Ташкент, 1992.-21 с.

*Ибрагимов Х.С.* Институт ответственности государства перед гражданами. -Ташкент, 1997 -23 с.

*Исламов З.М.* Из истории теорий политико-правовых реформ.- Ташкент,1992. - 104 с.

*Исламов З.М.* Основные принципы конституционного строя Республики Узбекистан.- Ташкент, 1995.- 23 с.

*Исламов З.М.* Механизм действия Конституции Республики Узбекистан.- Ташкент, 1995. - 32 с.

*Кейзеров Н.М.* Политическая и правовая культура /методологические проблемы/. -М., 1983.-231 с.

Комментарий к Конституции Республики Узбекистан. - Ташкент, 1997.

*Керимов Д.А.* Философские основания политико-правовых исследований.-М., 1986.-330 с.

Конституционные реформы в государствах Содружества. -СПб, 1993.-94 с.

*Кудряцев В.Н.* Закон, поступок, ответственность.-М., 1986, - 448 с.

*Кудряцев В.Н.* Причины правонарушений.- М., 1976.-286 с.

*Кудряцев В.Н.* Правовое поведение: норма и патология.- М.,1982.-285 с.

*Лазарев В.В., Левченко И.П.* Правоприменительная деятельность органов внутренних дел. -М., 1989.-85 с.

Личность и уважение к закону. -М.,1979 .- 285 с.

*Лукашева Е.А.* Право, мораль, личность.- М., 1986.-262 с.

*Лившиц Р.З.* Современная теория права. Краткий очерк.-М., 1992. - 92 с.

*Мальцев Г.В.* Социальная справедливость и право.- М., 1977. - 255 с.

Методологические проблемы права. -Ташкент, 1995. -109 с.

Методологические проблемы правосознания сотрудников органов внутренних дел.- Л., 1986.- 68 с.

Международные нормативные акты ЮНЕСКО.-М., 1993. -640 с.

*Мўминов И.* Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли.-Т., 1993. -56 б.

*Нащиц А.* Правотворчество. Теория и законодательная техника.- М., 1974.- 256 с.

*Неновски Н.* Право и ценность.-М., 1987. -246 с.

Организация и эффективность правового воспитания. -М., 1983.-285 с.

*Орифжонов Э.Қ.* Туркистон шўролар даврида. Ушалмаган орзулар.-Т., 1994.-42 б.

- Покровский И.Ф.* Формирование правосознания личности.-Л., 1972.-152 с.
- Права человека: Сборник международных договоров. Т.1. (часть первая). Универсальные договоры. -Нью-Йорк; Женева, 1994. -492 с.
- Правосознание и правовая культура сотрудников органов внутренних дел.- Л., 1981.-121 с.
- Право и правотворчество: Вопросы теории.-М., 1982.-127 с.
- Правосознание и правовое воспитание осужденных.-М., 1982.-96 с.
- Правовое государство - независимость, нация, экономика, идеология, политика. В 4-х томах. -Ташкент, 1994.
- Петражицкий Л.И.* Теория права и государство в связи с теорией нравственности.-СПб., 1910.
- Рапинов Р.А.* Правосознание как источник правовой активности и регулятор правового поведения. Научная конференция по вопросам борьбы с преступностью.-М., 1970.
- Рахимов Ф.* Истиқлолдан яралиб, мустақилликни мустақамлаган Асосий қонун. -Т., 1994.
- Рябко И.Ф.* Основы правовой педагогики.-Ростов-на-Дону, 1973.-157 с.
- Саидов А.* Мустақиллик қомуси.- Т., 1993.-30 б.
- Саидов А.* Бурхониддин Марғинович - буюқ ҳуқуқшунос. -Т., 1997.
- Саидов А., Жумабоев К.* Грани первой Конституции независимого Узбекистана.-Ташкент, 1992. -24 б.
- Саидов А.* Қиёсий конституцияшунослик.-Т., 1993.-76 б.
- Саидов А.Х.* Сравнительное правоведение и юридическая география мира. -М., 1993.
- Саидов А.* Основы мусульманского права.-Ташкент, 1994.-139 с.
- Саидов А., Тожихонов У., Тошқулов Ж.* Мустақиллик ва ҳуқуқий мафкура.-Т., 1995.-120 б.
- Сальников В.П.* Социалистическая правовая культура. Методологические проблемы.-Саратов, 1989.-144 с.
- Сафаров Р.А.* Общественное мнение и государственное управление.-М., 1975.-255 с.
- Сильченко Н.В.* Закон /проблемы этимологии, социологии и логики/.- Минск, 1993.- 63 с.
- Социальные отклонения.-М., 1989. -365 с.
- Сомон йўли. Адабий тарихий мажмуа.-Т., 1992.-192 б.
- Сорокин П.А.* Человек, цивилизация, общество. - М., 1992.-543 с.

- Соколов Н.Я.* Профессиональное сознание юристов.-М., 1988.-222 с.
- Спиридинов Л.И.* Общественное мнение и право.-Л., 1985. -191 с.
- Спиридинов Л.И.* Социология уголовного права.-М., 1986.-236 с.
- Стучка П.И.* Культура и право // Избранные произведения по марксистско-ленинской теории права.-Рига, 1964.-748 с.
- Таджиханов У.* Правовая идеология и правовая культура в суверенном Узбекистане.-Ташкент, 1995.-44 с.
- Тожихонов У.* Ҳуқуқий мафкура ва қонунга итоаткорлик. -Т., 1995.- 52 б.
- Тожихонов У.* Ички ишлар идоралари фаолиятида ҳуқуқий маданият ва қонунга итоатгўйлик.- Т., 1995.-94 б.
- Таджиханов У., Гулямов З.* Правовое регулирование деятельности милиции.-Ташкент, 1995. -19 с.
- Тожихонов У.* Истиклолимизнинг ҳуқуқий негизи.-Т., 1994.-24 б.
- Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳлар.* Муқаддима ва 1-17 моддалар.-Т., 1995.-26-51 б.
- Татаринцева Е.В.* Правовое воспитание: методология и методика.- М., 1990.-174 с.
- Тихомиров Ю.А.* Закон, стимулы, экономика.-М.,1989.-272 с.
- Теория государства и права.-М., 1994.*
- Умарова К.* Политическая культура народов Узбекистана и Каракалпакстана: исторический опыт формирования. -Нукус,1995. -144 с.
- Уразаев Ш.З.* Конституция независимого Узбекистана.-Ташкент, 1993.-103 с.
- Уразаев Ш.З.* Модель закона: какой ей быть? - Ташкент, 1990.-47 с.
- Уразаев Ш.З.* Власть и закон. -Ташкент, 1991. -47 с.
- Уразаев Ш.З.* Мустақил Ўзбекистон Конституцияси.-Т., 1995.-112 б.
- Уразаев Ш.З.* Перестройка и правовая культура -Ташкент, 1988.-43 с.
- Ўзбекистон Республикасининг янги кодекслари: назария ва амалиёт.* -Т., 1944.-186 б.
- Ўзбегим. “Звезда Востока” журнали кутубхонаси. “Ватан” серияси.* -Т., 1992.- 256 б.
- Усмонов М.* Мафкура муваққат бўлмади// Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафқураси. -Т., 1993.
- Шербаков Н.В.* Правовая установка и социальная активность личности.-М., 1986.

## **МУНДАРИЖА**

### **МАХСУС ҚИСМ ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ**

#### **Тўртинчи бўлим Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида ҳуқуқий маданият**

##### **XIII боб**

##### **Қонунларни қўллаш ҳуқуқий маданияти**

1. Парламент маданияти ва қонунларни қабул қилиш ..... 5
2. Қонунларни қўллаш маданияти ..... 7

##### **XIV боб**

##### **Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданияти**

1. Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданияти тушунчаси ..... 16
2. Мансабдор шахслар ҳуқуқий маданиятининг тизими ва  
вазифалари ..... 21

##### **XV боб**

##### **Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти**

1. Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ..... 24
2. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг касбий  
фаолиятида ҳуқуқий маданиятни тарбиялаш ..... 36

##### **XVI боб**

##### **Ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш**

1. Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий тарбиянинг ўзаро  
муносабати ..... 43
2. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг  
шараф кодекси ..... 51

**Тўртинчи бўлим**  
**Қонунга итбатқорлик - ҳуқуқий маданият белгиси**

**XVII боб**

**Қонунга итбатқорлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш  
органлари**

1. Қонун устуворлиги - ҳуқуқий давлат белгиси.....57
2. Қонунга итбатқорлик - қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботнинг негизи.....64
3. Қонунга итбатқорлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти.....73

**XVIII боб**

**Қонунга итбатқорлик ва ҳуқуқий тарбия**

1. Қонунга итбатқорлик - ҳуқуқий маданиятнинг муҳим хусусияти.....82
2. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг аҳоли ҳуқуқий маданиятини тарбиялашдаги роли.....96

**Бешинчи бўлим**

**Судлов ҳуқуқий маданияти**

**XIX боб**

**Суд ҳокимияти ва ҳуқуқий маданият**

1. Маданият ва суд.....100
2. Суд ходимлари ҳуқуқий маданиятининг тарбиявий аҳамияти.....129
3. Суд жараёнини такомиллаштиришда ҳуқуқий маданиятнинг ўрни.....144

**Олтинчи бўлим**

**Ёшлар ҳуқуқий маданияти**

**XX боб**

**Ёшлар ҳуқуқий маданиятининг ўзига хос хусусиятлари**

1. Ёшларда ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши.....163
2. Ёшлар ҳуқуқий онгининг хусусиятлари.....171



3. Ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда юридик хабардорликнинг аҳамияти.....	177
4. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш йўллари.....	181

### **XXI боб**

#### **Ёшлар ҳуқуқий тарбияси**

1. Ҳуқуқий тарбия мазмуни.....	195
2. Қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлашда ҳуқуқий тарбиянинг роли.....	201
3. Ҳуқуқий тарбиянинг хусусиятлари ва вазифалари.....	207
4. Ёшлар ҳуқуқий онгини шакллантиришда ҳуқуқий тарбиянинг роли.....	213

### **XXII боб**

#### **Мактаб ўқувчиларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий тарбияси**

1. 9-синфгача бўлган мактаб ўқувчиларининг ҳуқуқий тарбияси.....	218
2. “Давлат ва ҳуқуқ асослари” ва “Инсон ҳуқуқлари” ўқув фанлари - ҳуқуқий тарбия воситаси.....	223
3. Мактабдаги бошқа фанларни ўқитиш жараёнида ўрганиладиган ҳуқуқ масалалари.....	228
4. Ҳуқуқий билимлар факультативлари.....	231
5. Ҳуқуқ ўқитувчиларига услубий ёрдам.....	233

### **XXIII боб**

#### **Дарсдан ташқари фаолиятда ёшлар ҳуқуқий тарбиясини ташкил қилиш**

1. Оғзаки ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълимнинг доимий амал қилувчи шакллари.....	236
2. Оғзаки ҳуқуқий тарғиботнинг бир марталик шакллари .....	239
3. Мактаб ўқувчилари ҳуқуқий тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари .....	245

<b>ХУЛОСА</b> .....	248
---------------------	-----

## Иловалар

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. ....	258
Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури. ....	285
Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги 1997 йил 29 август қонуни.....	300
Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг муружаатлари тўғрисида”ги 1994 йил 6 май қонуни. ....	312
Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги 1995 йил 30 август қонуни. ....	321
Ўзбекистон Республикасининг “Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсмен) тўғрисида”ги 1997 йил 24 апрель қонуни.....	326
Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги 1993 йил 2 сентябрь қонуни. ...	332
Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги 1993 йил 2 сентябрь қонуни. ....	341
Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги 1992 йил 9 декабрь қонуни.....	374
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини ташқил этиш тўғрисида”ги 1996 йил 3 декабрь қарори.....	400
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини тузиш тўғрисида”ги 1996 йил 31 октябрь фармони. ....	408

Ўзбекистон Республикасининг “Лотин алифбосига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги 1993 йил 2 сентябрь қонуни. ....	411
Ўзбекистон Судьялар Ассоциацияси Устави. ....	415
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги 1997 йил 25 июнь фармони. ....	422
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиши юзасидан шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш бошқармасини тузиш тўғрисида”ги 1997 йил 10 июль қарори. ....	427
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги 1997 йил 21 июль қарори. ....	430
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида”ги 1997 йил 22 июль қарори. ....	433
Ҳуқуқий маданият назарияси ўқув фани бўйича тавсия қилинадиган адабиётлар. ....	436

У. ТАДЖИХАНОВ  
А. САИДОВ

## ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИ

ДАРСЛИК  
Икки томли  
2-том

Мухаррирлар С.Раззоқов, И. Ҳувайтов,  
Н. Имомов, А. Тўлаганов  
Мусахҳиҳ Н. Ризабаева  
Техник муҳаррир Ф. Полатова

---

Босишга рухсат этилди 5.05.1998. Қоғоз бичими 84x108 1/32  
Ҳисоб-нашр табоғи 30,5. Тираж 3000. Буюртма № К-6053.  
Баҳоси шартнома асосида.

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
700197 Тошкент, Интизор кўч., 68  
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг  
ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30